

ПМБ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ  
МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИГА**

**шарҳлар тўплами**

1983

657

657

65.052.21

Ў32

### Тахрир ҳайъати:

- М.М. Мирзаев** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари;  
**Ш.У. Ҳайдаров** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бошлиғи.

### Тақризчи:


- Ф.Ф. Гуломова** — и.ф.н., Тошкент Давлат иқтисодиёт университети тининг «Аудит» кафедраси доценти.

- Ў32** **Ўзбекистон Республикаси** бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами / Х.А. Ортиқов, Л.П. Югай, Ҳ.А. Тухсанов, Н.Б. Хужабеков.. — Тошкент, «NORMA», 2010. — 528-б.  
Тузувчи: Х.А. Ортиқов.



834027

ББК 65.052.21(5Ў)



4/3

Барча ҳуқуқлар БМТнинг Тараққиёт дастурига тегишли. Мазкур нашрдан нутқда келтириш ёки кўчирма сифатида ҳар қандай фойдаланиш ёзма розилик, манбани кўрсатиш билан амалга оширилиши мумкин. Кўчириб босиш, таржима қилиш ва харид қилишга тегишли барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, 100029, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури.  
Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 4-уй.  
Тел.: (+998 71) 120-34-50.  
Факс: (+998 71) 120-34-85.  
Интернет сайт: [www.undp.uz](http://www.undp.uz)

© БМТТД «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти», 2009 й.  
Ўзбекистон, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 55.  
Тел.: (+998 71) 259-21-52.  
Факс: (+998 71) 259-20-51.  
Интернет сайт: [www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	6
<b>I боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 2) «Асосий ҳўжалик фаолиятдан даромадлар»га шарҳлар</b> .....	8
1-§. Амал қилиш соҳаси ва тушунчалар .....	8
2-§. Даромадни ўлчаш .....	11
3-§. Битимни тузиш фактини аниқлаш ва товарларни реализация қилиш .....	15
4-§. Хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) .....	33
5-§. Фозилар, роялти, дивидендлар (бошқа даромадлар) .....	41
6-§. Маълумотларни очиб бериш .....	44
<b>II боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралар»га шарҳлар</b> .....	45
1-§. Товар-моддий захираларнинг таснифи ва улар бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари .....	45
2-§. Товар-моддий захираларни тан олиш .....	59
2.1. Олди-сотди шартномаси бўйича товар-моддий захираларни харид қилишни бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	63
2.2. Ташкилот устав капиталига таъсисчилардан улуш сифатида товар-моддий захираларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	66
2.3. Илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган таъсисчилик улушининг ушбу ташкилот таъсисчилари таркибидан чиқиб кетиши ёки ушбу тугатилаётган ташкилот мулкнинг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши натижасида товар-моддий захираларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	67
2.4. Товар-моддий захираларнинг текин келиб тушишининг (ҳадя шартномаси бўйича) бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилиши .....	69
2.5. Айирбошлаш шартномалари бўйича ёки алмашув тартибида келиб гушган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилиши .....	70
2.6. Товар-моддий захираларни узок муддатли активлар таркибидан ўтказиш йўли билан уларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	71
2.7. Инвентаризация натижасида аниқланган ортикча (ҳисобга олинман) товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	72
2.8. Товар қарзини олиш ёки аввал берилган товар қарзининг қайтарилишини бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	72
2.9. Ташкилотнинг ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни киримилишни бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттириш .....	75
3-§. Товар-моддий захираларни баҳолаш .....	76
4-§. Товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш усуллари .....	100
4.1. Оддий усул .....	102
4.2. Буюртмали усул .....	105
4.3. Босқичли (жараёнли) усул .....	118
4.4. Меъёрий усул .....	155
4.5. Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини аниқлаш усуллари .....	176

4.6. Қўшимча (йўлдош) маҳсулот ҳисоби .....	185
5-§. Товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати .....	191
6-§. Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши .....	201
7-§. Инвентар ва ҳўжалик жиҳозларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари .....	208
8-§. Идишларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари .....	222
8.1. Бир маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	224
8.2. Кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	226
8.3. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби .....	230
8.4. Идишларни харидорлардаги ҳисоби .....	234
9-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари .....	239
9.1. Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган наслларнинг таннархи шаклланиши тартиби .....	241
9.2. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вази ортишини аниқлаш .....	243
10-§. Товар-моддий захиралар инвентаризацияси .....	245
11-§. Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг тизимлари .....	252
12-§. Товар-моддий захиралар билан боғлиқ маълумотларни очиб бериш .....	257
<b>III боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий станданти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳлар</b> .....	258
1-§. Активни асосий восита сифатида тан олиш .....	258
2-§. Асосий воситаларнинг келиб тушиши ва баҳоланиши .....	266
2.1. Ҳақ тўлаш йўли билан харид қилинган асосий воситаларнинг бош- ланғич қиймати .....	268
2.2. Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати .....	273
2.3. Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати .....	275
2.4. Корхона устав капиталига улуш сифатида олинган асосий восита- ларнинг бошланғич қиймати .....	283
2.5. Олдин бошқа корхонанинг устав капиталига киритилган таъсис улушининг қайтарилишидан келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати .....	286
2.6. Текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати .....	289
2.7. Товар-моддий захиралар таркибидан ўтказилган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати .....	290
2.8. Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати .....	292
3-§. Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар .....	295
4-§. Асосий воситаларни қайта баҳолаш .....	297
5-§. Асосий воситаларнинг келиб тушиши ва ички ҳаракатининг бошланғич ҳисоби .....	304
6-§. Амортизацияни ҳисоблаш .....	311
7-§. Асосий воситаларни таъмирлаш .....	326



8-§. Асосий воситаларнинг инвентаризацияси .....	336
9-§. Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши .....	347
9.1. Асосий воситалар чиқиб кетишининг умумий масалалари .....	347
9.2. Асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида балансдан чиқарилиши .....	352
9.3. Асосий воситаларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқарилиши .....	359
9.4. Асосий воситаларни айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш .....	361
9.5. Асосий воситаларни текинга бериш натижасида балансдан чиқарилиши .....	364
9.6. Устав капиталига улуш сифатида асосий воситалар берилганда балансдан чиқарилиши .....	366
9.7. Асосий воситалар молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда балансдан чиқарилиши .....	369
9.8. Асосий воситалар камомати ёки йўқотилиши аниқланганда балансдан чиқарилиши .....	369
9.9. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқиб кетишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситаларнинг балансдан чиқарилиши .....	374
10-§. Молиявий ҳисоботда асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш .....	380
Иловалар .....	385
<b>IV боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 6) «Ижара ҳисоби»га шарҳлар</b> .....	404
1-§. Умумий қондалар .....	407
2-§. Ижарага берувчи (лизингга берувчи)да молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби .....	418
3-§. Ижарачи (лизингга олувчи)да молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби .....	433
4-§. Оператив ижара ҳисоби .....	450
5-§. Кейинги ижара шарти билан мол-мулкни сотиш ҳисоби .....	456
6-§. Маълумотларни очиб бериш .....	459
<b>V боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га шарҳлар</b> .....	461
1-§. Умумий қондалар .....	462
2-§. Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш .....	464
3-§. Корхона бухгалтерия балансининг валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган курс фарқларини ҳисобга олиш .....	483
4-§. Импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби .....	511
5-§. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун фойдаланиладиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби .....	523
6-§. Консолидациялашган ҳисоботларга киритиш учун шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблаш .....	524
7-§. Молиявий ҳисоботларда чет эл валютасидаги операциялар бўйича маълумотларни очиб бериш .....	526

## СЎЗБОШИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури (БМТРД) бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилишни кўлаб-қувватлаб келмоқда. БМТРД «Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳаси доирасида бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларига шарҳлар, шунингдек бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш бўйича услубий кўлланмалар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС)га шарҳларнинг мазкур тўплами БМТРД «Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳасининг экспертлари томонидан тайёрланган ишлар асосида тузилган.

Мазкур БҲМСларга шарҳлар бухгалтерия ҳисобининг баъзи саволларини очиб берган ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилигига асосланган. Тўпламга асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар, товар-моддий захиралар, асосий воситалар, ижара муносабатлари (молиявий ва оператив ижара), шунингдек чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича шарҳлар киритилган.

Тўпلامнинг биринчи бобида товар (тайёр маҳсулот)ларнинг реализациясидан, хизмат (иш)ларнинг реализациясидан, шунингдек фоишлар, роялти ва дивидендлардан олинган даромадларни тан олиш, баҳолаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича шарҳлар келтирилган.

Маълумки, товар-моддий захиралар катта миқдордаги молиявий маблағлар кўйилмаларини талаб қиладиган объектлар сафига киради ва шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг тадқиқотлари соҳасидаги сиёсатини белгилашда асосий омиллардан бири сифатида ўзини намоён қилади. Молиявий ҳисоботларда товар-моддий захираларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида аниқ-равшан (ишончли ва текшириш мумкин бўлган) маълумотларни тақдим этиш мақсадида, тўпلامнинг иккинчи бобида товар-моддий захираларнинг таснифи, тан олиниши, баҳолаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши бўйича саволлар батафсил тушунтириб берилган. Шунингдек, ушбу бобда товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлаш усулларидан фойдаланиш, уларни соф сотиш қийматини баҳолаш, инвентар ва хўжалик жиҳозларини, идишларни ва ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритиб берилган.

Учинчи боб асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва уларга оид маълумотларни молиявий ҳисоботларда очиб беришга бағишланган. Бу ерда асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, амортизация ҳисоблаш, қайта баҳолаш, уларни ишчи ҳолатда сақлаб туришнинг кейинги харажатлари, шунингдек асосий воситаларнинг чиқиш кетиш натижаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ мисолларда батафсил очиб берилган. Бунда асосий воситалар билан боғлиқ операцияларни ҳужжатларда расмийлаштириш учун мазкур тўпламга асосий воситалар бўйича бошланғич ҳужжатларнинг шакллари илова қилинган.

Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва янгилаш шароитида ишлаб чиқариш қувватларини замонавий ва самарали машиналар ва асбоб-ускуналар билан алмаштириш муҳим вазифалардан бири бўлади. Дунёда ушбу масалаларни ечишда замонавий ва юқори самарали техника ва технологияларни молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича харид қилиш муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, ижара муносабатларининг ишончли бухгалтерия ҳисоби корхоналар томонидан ижара объектларидан фойдаланиш натижаларини объектив акс эттириш имкониятларини яратиб беради. Шунинг учун ушбу тўпламнинг тўртинчи бобида молиявий ижара (лизинг) ва оператив ижарани бухгалтерия ҳисоби счётларида ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби ҳам ижарага олувчи ва ҳам ижарага берувчи нуктаи назаридан ёндошилган ҳолда батафсил ёритилган.

Ушбу тўпламнинг охириги бобида активлар ва мажбуриятларнинг баланснинг валюта моддаларига киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳоладиган баланснинг валюта моддалари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари ташқарисидан импорт қилинган товар-моддий қийматликларнинг харид қийматини шакллантириш тартибига тегишли саволлар ҳар томонлама батафсил ёритилган. Амалиётдаги бухгалтерлар учун муҳим ҳолат бўлиб баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан вужудга келадиган курс фарқларини ҳисобга олишни бухгалтерия ҳисоби счётларида ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ҳолатларни тушуниш осон бўлиши учун уларнинг мазмуни аниқ мисолларда очиб берилган. Мисолларда келтирилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг номлари ўйлаб топилган, молиявий маълумотлар эса ўқув хусусиятига эга.

БМТРД ва БМТРД экспертлари, БҲМСларга шарҳлар тўпламини ишлаб чиқувчилар ушбу тўпламни ўқувчилар ва фойдаланувчилар БҲМСларга шарҳларнинг мазмуни борасида ўзларининг фикрларини билдирсалар, миннатдор бўлар эдилар.

# **I боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 2) «Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар»га шарҳлар**

## **1-§. Амал қилиш соҳаси ва тушунчалар**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 20 августда 41-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда 483-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 2) «Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар» (кейинги ўринларда — БҲМС № 2 деб аталади) даромадлар моҳиятини тушунтириш, даромадлар таркибини аниқлаш, даромадларни тан олиш пайти ва уларни ўлчашни белгилаб бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Даромадларни умумлаштирилган ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг махсули сифатида аниқлаштириш мумкин. Даромадлар ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Даромадларсиз ҳеч қандай фойда мавжуд эмас, ўз навбатида фойдасиз хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи мавжуд эмасдир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (IAS) 18 «Тушум» даромад тушунчасини қуйидагича тавсифлаб беради: тушум (даромад) — компаниянинг одатдаги фаолияти давомида пайдо бўладиган давр мобайнидаги иқтисодий нафларнинг ялпи келиб тушиш оқими бўлиб, бундай оқим акционер (мулкдор)ларнинг кириш бадалларини ҳисобга олмаган ҳолда компаниянинг капиталини оширишга олиб келади.

Бошқача қилиб айтганда, даромадни хўжалик юритувчи субъект активларининг оқими ёки унинг товарларни етказиб бериш ёхуд товарларни ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ёхуд унинг асосий фаолиятини ташкил этадиган бошқа операциялар натижасида кредиторлик қарзларининг қопланиши сифатида ҳам белгилаш мумкин.

Баъзан эса даромад тушунчаси унинг хусусий капиталга нисбатан таъсиридан келиб чиқиб аниқланади ва у ҳисобот даври давомида активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг қисқариши кўринишида хусусий капиталнинг ошишига олиб келадиган иқтисодий нафларнинг кўпайиши сифатида ҳам аниқланади. Бунда хусусий капиталнинг эгалари томонидан киритилган қўйилмалар натижасида хусусий капиталнинг ошиши ҳисобга олинмайди.

Асосий хўжалик фаолиятдан олинадиган даромад асосий, операция (асосий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа даромадлар) ва молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлардан иборат бўлади ва қуйидагича таърифланади: «хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида вужудга келадиган давр ичида мулк эгаларининг ўз сармояларига бадали билан боғлиқ бўлган кўпайишларни истисно этганда, хусусий капитали кўпайишига олиб келадиган тушумлар».

Хўжалик юритиш амалиётига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларнинг хўжалик фаолиятини юритиш натижасида оладиган даромадлари қуйидаги асосий бўлимлар бўйича ҳисоботга киритилади:

- реализациядан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда даромадлар.

Мазкур стандартга асосан хўжалик юритувчи субъект томонидан асосий фаолиятдан ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар унинг ялпи даромадини ташкил этади.

Бунда БҲМС № 2 га мувофиқ, даромадлар дейилганда хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида олинган даромадлар тушунилади, жумладан қуйидагилар ҳам:

- товар-моддий захираларни сотишдан, хизматлар кўрсатилишидан олинадиган, маҳсулотни реализация қилишдан келиб тушган ёки келиб тушиши лозим бўлган тушум кўринишидаги даромад;
- фойзалар, дивидендлар, роялти ва бошқа кўринишдаги даромадларни олиш имконини берадиган активларни бошқа хўжалик юритувчи субъектга фойдаланиш учун ўтказиб бериш.

Товарлар сирасига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан реализация қилиш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар ёки кейинчалик қайта сотиш мақсадида сақланаётган бошқа активлар қиради.

Хизмат кўрсатиш одатда хўжалик юритувчи субъектнинг шартномада белгилаб қўйилган шартларни келишилган давр давомида бажаришни ўз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча даврлар давомида бажарилиши мумкин. Хизмат кўрсатишга доир айрим битимлар пудрат

усулида амалга ошириладиган қурилиш билан бевосита боғлиқ бўлади, масалан, архитекторлар ва қурилиш ишлари лойиҳаси бошқарувчилари хизматига доир битимлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 ноябрда 58-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 579-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 17) «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари»да батафсил қараб чиқилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активларидан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланилиши қуйидаги кўринишдаги даромадларга олиб келади:

— хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлган ва маълум миқдорда ҳақ тўлаш шарти билан фойдаланиш учун берилган пул маблағлари ёки пул ўрнини боса оладиган активлар (пул эквивалентлари) ёхуд сўмларни акс эттирувчи фоизлар;

— хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли активларидан, масалан, патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари ва компьютер дастурларидан пул тўлаш шарти билан фойдаланиш учун берилган, фойдаланганлик учун тўланадиган роялтилар;

— иштирокчилар (муассислар) ўртасида уларнинг хусусий сармоёдаги улушига мутаносиб равишда фойдани тақсимлашдан олинадиган бошқа даромадлари.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, БҲМС № 2 нинг таъсир этиш доираси қуйидагилар натижасида пайдо бўладиган даромадларга нисбатан қўлланилмайди:

— лизинг битимларидан олинадиган даромадлар (мазкур битимлардан олинадиган даромадлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 6 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 6) «Ижара ҳисоби»да батафсил равишда кўриб чиқилади);

— ҳисобланган дивидендлар ва инвестициялардан олинадиган бошқа даромадлар (молиявий инвестициялардан олинадиган даромадлар ҳамда шуъба хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялардан олинадиган даромадлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 65-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 12) «Молиявий инвестициялар ҳисоби»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 8) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар ҳисоби»да батафсил равишда кўриб ўтилади);

- суғурта компанияси билан амалга оширилган суғурта шартномалари;
- молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар жорий қийматидаги ёки уларни реализация қилиш ҳоллардаги ўзгаришлар;
- бошқа айланма маблағлар қийматидаги ўзгаришлар;
- чорва ҳайвонлар ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги маҳсулотининг табиий ўсиши;
- минерал маъданларни қазиб олиш.

## **2-§. Даромадни ўлчаш**

Асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромад хўжалик юривчи субъект томонидан унинг счётига келиб тушадиган ялпи тушумлардан ёки олинishi мумкин бўлган тушумлардан иборат. Учинчи шахслар номидан ундириб олинadиган, хўжалик юривчи субъектга келиб тушадиган ва хусусий капиталнинг кўпайишига олиб келмайдиган билвосита солиқлар суммаси асосий хўжалик фаолияти даромадига киритилмайди. Воситачилик фаолиятида хўжалик юривчи субъектга келиб тушадиган ялпи тушумлар асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромад ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда фақатгина воситачилик ҳақи даромад ҳисобланади.

БҲМС № 2 нинг 8-бандига мувофиқ, асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромад жорий нархларда олинган ёки олинishi лозим бўлган тушум (тўлов) қиймати бўйича баҳоланади.

БҲМС № 2 жорий нархлардаги қиймат тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: жорий нархлардаги қиймат — бу активнинг сотилиши ёки мажбуриятнинг қопланиши мумкин бўлган қийматидир. Шунинг билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га му-

вофик, жорий қиймат — бу маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки ҳар томонлама хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил томонлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган суммадир.

Товарларни реализация қилишдан ва хизматларни кўрсатишдан олинадиган даромад субъектлар ўртасида шартномада кўзда тутилган сотиш нархлари бўйича аниқланади. Битимдан келиб чиқадиган даромад суммаси олинган ёки олинини лозим бўлган пул маблағлари ёки пул эквивалентлари суммасидан субъектга ўтиб бериладиган савдо чегирмалари суммаси ёки нархларни тушириш ҳажмини ҳисобга олган ҳолдаги қиймат бўйича ўлчанади.

Бироқ агар пул маблағлари ёки пул эквивалентларининг тушуми кечиктириладиган бўлса, бундай ҳолда жорий нархларда ифодаланган иқтисодий наф қиймати олинган ёки олинини лозим бўлган қиймат пул маблағларининг номинал миқдоридан кам бўлиши мумкин. Битимлар тузиш натижасида молиявий операцияларни ўтказиш чоғида тўланган маблағнинг жорий нархдаги қиймати муқобиллашган фоиз ставкасини қўллаган ҳолда ҳисобланган келгусидаги барча тушумларни дисконтлаш йўли билан аниқланади. Сотиш қиймати ва олинадиган қоплама (компенсация)нинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммаси БХМС № 2 нинг 20 ва 21-бандларига мувофиқ фоиз кўринишидаги даромад сифатида тан олинади.

**1-мисол.** «Кассиопея» АЖ 2007 йил 20 ноябрда харидорга 5 000 000 сўмлик товарларини «товар юклаб жўнатиш» шартнома шартлари бўйича қуйидаги қўшимча шартлар билан сотмоқда:

1. Товарларни тўлаш бўйича счёт (тўловнома) тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун давомида муддатидан олдин тўлагани учун 2 %ли чегирма берилади (битим бўйича тўлов муддати — 30 кун).

2. Тўлов муддати ўтиб кетган санадан кейин товарлар учун тўланган ҳолатда 10 %ли устама суммаси билан бирга.

Биринчи ҳолатда харидор тўлов учун берилган 30 кун ичида савдо чегирмасидан фойдаланиши мумкин, агар тўлов учун счёт тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун ичида тўлаб берса. Ушбу ҳолларда ҳисоблаш принципи (тамойили) бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

**Биринчи ҳолатда:**

— маҳсулотни реализация қилиш (сотиш)дан олинган тушум суммасига:



дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 5 000 000 сўм.

Агар харидор тўлов учун тақдим этилган счётни олиш санасидан бошлаб 10 кун ичида ўз қарзини тўлаб берса, 100 000 сўмлик чегирма ҳисобга олинади ва у зарар сифатида акс эттирилади;

— харидордан, тақдим этилган пул чегирмаси олиб ташланган ҳолда, пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 4 900 000 сўм;  
дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»  
счёти 100 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 5 000 000 сўм.

#### **Иккинчи ҳолатда:**

— маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 5 000 000 сўм;

— харидордан тўлов муддати ўтиб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда фоизли устама қўшилган пул маблағларининг келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 5 100 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 9430 «Бошқа операцион даромадлар»  
счёти 100 000 сўм.

Агар қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ, тенг аҳамиятли ёки айнан ўхшаш бўлган товар билан товар айирбош қилинса (алмаштирилганда), бундай айирбошлаш даромад келтирмайдиган битим сифатида эътироф этилади.

**2-мисол.** «Авто-Омега» масъулияти чекланган жамияти 5 дона «Люкс» классига эга бўлган «Nexia-Shevrolet» русумдаги оқ рангли энгил автомобилни автомобиль савдоси билан шуғулланувчи «Бета-автосавдо» хусусий корхонаси билан худди шу классдаги ва худди шу русумдаги қизил рангли энгил автомобиль билан айирбошламоқда (алмаштирмоқда).

Бундай ҳолатда «Авто-Омега» масъулияти чекланган жамияти ҳам, «Бета-автосавдо» хусусий корхонаси ҳам автомобиллар билан ўзаро

айирбошлаш операциясидан даромадни тан олишмайди, чунки мазкур битим даромад келтирмайдиган битим ҳисобланади. Иккала хўжалик юритувчи субъект ҳам ўз навбатида бухгалтерия ҳисобида фақатгина товарларни ҳисобга олувчи аналитик счётларда ўзгаришларни акс эттирадилар.

Бошқа товарлар ёки хизматларга алмаштириш (айирбошлаш) эвазига товарларнинг сотилиши ёки хизматларнинг кўрсатилиши, яъни бошқача қилиб айтганда мавоза (бартер) операциялари даромад келтирадиган битимлар сифатида эътироф этилади.

**3-мисол.** Қувур ўтказгичларни ётқизиш билан шуғулланадиган «Темир-терсак» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти 500 000 сўм қийматга эга бўлган сув ўтказгич қувурларини «Тахтақўпир» масъулияти чекланган жамиятининг 750 000 сўм қийматга эга бўлган ёғоч-тахта материалларига айирбошламоқда (алмаштирмоқда). Мазкур ҳолатда тенг қийматга эга бўлмаган ёки айнан ўхшаш бўлмаган товарларнинг ўзаро айирбошланиши амалга оширилиши сабабли, «Темир-терсак» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг бухгалтерия ҳисобида қувурларни реализация қилиш ва реализациядан олинган даромадни акс эттириш қуйидагича амалга оширилади:

— реализация қилинган (айирбошланган) сув ўтказгич қувурларнинг суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*500 000 сўм;*

*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти* *500 000 сўм;*

— айирбошлаш натижасида олинган ёғоч-тахта материаллари суммасига:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти* *750 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*750 000 сўм;*

— сув ўтказгич қувурларлари айирбошланишидан олинган фойда суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*250 000 сўм;*

*кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб*

*кетишидан олинган фойда» счёти*

*250 000 сўм.*

Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад жорий нархлардаги олинган товарлар ёки хизматларнинг қиймати бўйича, тўлаб берилган пул маблағлари ёки пул эквивалентларининг суммасига қайта туза-тишларни ҳисобга олган ҳолда ўлчанади. Жорий нархлардаги олинган

товарлар ёки хизматларнинг қийматини аниқ ўлчаш имконияти бўлмаган ҳолларда, асосий фаолиятдан олинган даромад тўланган ёки келиб тушган пул маблағлари ёки пул эквивалентлари суммасига қайта тузатиш юклаб жўнатишган товарлар ёки хизматларнинг қиймати бўйича баҳоланади.

### **3-§. Битимни тузиш фактини аниқлаш ва товарларни реализация қилиш**

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони мувофиқ, 1996 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза асосидаги шартномалар тузиш, ҳукумат қарорларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, тақиқланган.

Товарларни реализация қилишдан олинган даромад қуйидаги шартлар бажарилганда ва тузилган шартномаларнинг шартлари бўйича тан олинади:

1. Хўжалик юритувчи субъект товарларга нисбатан бўлган эгалик қилишнинг хатарлари (рисклари) ва афзалликларининг сезиларли даражадаги қисмини харидорга ўтказиб берганда. Товарларга нисбатан бўлган мулкий ҳуқуқ сотувчидан харидорга (буюртмачига) асосан товарнинг етказиб берилиши, яъни транспорт орқали юклаб жўнатиш, қайта етказиб бериш учун почта ташкилотларига ўтказиб бериш, коносаментга тақдим этиш ёки товарларга нисбатан бўлган бошқа ижро этувчи ҳужжатлар билан тақдим этиш санасидан бошлаб ўтказилади. Агар сотувчи мулкдорлик бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида сақлаб қоладиган бўлса, бундай ҳолларда битим реализация сифатида тан олинмайди ва даромад юклаб жўнатишдан сўнг дарров тан олинмайди.

2. Мулкчилик ҳуқуқи харидор ва буюртмачиларга қуйидаги икки сабабга асосан ўтказиб берилмайди:

а) субъект меъёрий даражадаги кафолат шартлари билан таъминланмаган битимлар шартларини қониқарсиз даражада бажариш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни ўзида сақлаб қолса;

б) даромадларнинг олиниши харидор томонидан товарларни реализация қилиш билан боғлиқ бўлса.

Бунга ўхшаган битимга мисол бўлиб товарларни консигнация (комиссион) шартларида реализация қилиш ҳисобланади. Бундай ҳолатда

даромад мол етказиб берувчи (жўнатувчи) томонидан фақатгина товарлар молни қабул қилиб олувчи орқали учинчи томонга сотилганда ва сотилганлиги тўғрисидаги хабарнома олинганда тан олинади.

**4-мисол.** «Пахтасаноат-текстиль» ОАЖ 2007 йил 1 февралда пахта толали матони 1-сон магазинга 1 000 метр миқдорда ҳар бир метр учун кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси 2 000 сўмдан консигнация (комиссион) шартлари асосида юклаб жўнатди, бунда матонинг ҳар 1 метри таннархи 1 300 сўмга тенг. Молни қабул қилиб олувчи (1-сон магазин) 2007 йил 10 апрелда матонинг 350 метри сотилганлиги тўғрисида мол етказиб берувчи (жўнатувчи)га хабарнома юборди.

Мол қабул қилиб олувчи ўзининг харажатларини қоплаш ва фойда олиш мақсадида матонининг ҳар бир метрини 2 800 сўмдан сотди.

«Пахтасаноат-текстиль» ОАЖда ушбу ҳолатда 1-сон магазиндан олинган хабарномага мувофиқ ҳисоблаш принципи (тамойили) бўйича даромад аниқланади:

**Консигнантда (мол жўнатувчида):**

**2007 йил 1 февралда,** яъни консигнаторга тайёр маҳсулот юклаб жўнатилган санада консигнантнинг бухгалтерия ҳисобида маҳсулотни реализация қилишдан даромад тан олинмайди, тегишли тартибда юклаб жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*дебет 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулот»*

*счёти*

*1 300 000 сўм;*

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»*

*счёти*

*1 300 000 сўм.*

**2007 йил 10 апрелда:**

— харидорларга тайёр маҳсулотларни реализация қилишни акс эттириш, яъни тайёр маҳсулотнинг бир қисми реализация қилинганидан олинган тушумни тан олиш:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган счётлар» счёти*

*700 000 сўм;*

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан*

*даромадлар» счёти*

*583 333 сўм;*

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»*

*счёти*

*116 667 сўм;*

*— «ҚҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган ҳолда;*

*700 000 сўм = 350 метр х 2 000 сўм;*

*116 667 сўм = 700 000 сўм х 20 / 120;*

— тайёр маҳсулотнинг реализация қилинган қисми таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти 455 000 сўм;

кредит 2830 «Комиссияга берилган тайёр маҳсулот» счёти 455 000 сўм;

455 000 сўм = 350 м x 1 300 сўм.

**Консигнатор — мол қабул қилиб олувчида бухгалтерия про-водкалари:**

**2007 йил 1 февралда**, яъни консигнант томонидан тайёр маҳсулотлар юклар жўнатилган санада консигнаторнинг бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захириалар акс эттирилмайди, тегишли равишда олинган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида куйидаги тартибда акс эттирилади:

— Комиссион шартнома бўйича товар-моддий захириаларни кейинчалик қайта сотиш учун уларни кирим қилиб олиш:

дебет балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти 2 000 000 сўм.

**2007 йил 10 апрелда:**

— консигнатор томонидан товарларнинг бир қисмини шартномада кўзда тутилган нархлар бўйича реализациясининг ва консигнантга реализация тўғрисида хабарнома беришнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 980 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 700 000 сўм;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти 280 000 сўм;

980 000 сўм = 350 метр x 2 800 сўм;

700 000 сўм = 350 метр x 2 000 сўм;


— бир вақтнинг ўзида балансдан ташқари счётлардан реализация қилинган товарлар суммасини ҳисобдан чиқариш:

кредит балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти 700 000 сўм.

700 000 сўм = 350 метр x 2 000 сўм.

в) юклар жўнатилган товарлар ўрнатишга мўлжалланган ва товарларни ўрнатиш бўйича ишлар битим суммасининг аҳамиятли қисмини ташкил этади. Бундай ҳолатда, даромад фақатгина ўрнатиш тугагандан сўнг, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома томонлараро имзоланган санада тан олиними лозим.

834027



**5-мисол.** «Эпсилон-софт программ» компанияси дастурий таъминотлар пакетини сотиш билан шуғулланади. Дастурий таъминотнинг сотиш баҳоси 5 000 000 сўмни ташкил этади.

Ушбу дастурий таъминотнинг таннархи эса 4 000 000 сўмга тенг. Шартнома шартлари бўйича дастурий таъминотни ўрнатиб бериш 3 ойни талаб этади, бунда олдиндан тўлов суммаси 3 000 000 сўмни ташкил этади. Қолган суммаси эса дастурий таъминот ўрнатилгандан сўнг тўлаб берилади. Дастурий таъминот 2008 йил 5 мартда реализация қилинди ва 2008 йил 20 мартда олдиндан тўлов суммаси келиб тушди. Дастурий таъминотни ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисидаги далолатнома 2008 йил 5 июнда томонлар ўртасида имзоланди. Пул маблағларининг қолган қисми 2008 йил 2 июлда келиб тушди.

«Эпсилон-софт программ» компаниясининг бухгалтерия ҳисобида дастурий таъминотни юклаб бериш ва реализация қилиш бўйича операциялар куйидагича акс эттирилади:

**2008 йил 5 мартда:**

— дастурий таъминотни кейинчалик ўрнатиб бериш мақсадида харидорга топшириш (етказиб бериш):

<i>дебет 2970 «Йўлдаги товарлар» счёти</i>	<i>4 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти</i>	<i>4 000 000 сўм;</i>

**2008 йил 20 мартда:**

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти</i>	<i>3 000 000 сўм;</i>

**2008 йил 5 июнда:**

— дастурий таъминотни ўрнатиш ва қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномага мувофиқ дастурий таъминотни реализация қилиш суммасига:

<i>дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти</i>	<i>5 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>4 166 667 сўм;</i>
<i>кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счёти</i>	<i>833 333 сўм;</i>

— «ҚҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

$4\,166\,667 \text{ сўм} = 5\,000\,000 \text{ сўм} - 833\,333 \text{ сўм};$

$833\,333 \text{ сўм} = 5\,000\,000 \text{ сўм} \times 20 / 120;$

— реализация қилинган дастурий таъминотнинг таннархи суммасига:

*дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»*

*счёти*

*4 000 000 сўм;*

*кредит 2970 «Йўлдаги товарлар» счёти*

*4 000 000 сўм;*

— харидорлардан ва буюртмачилардан илгари олинган аванслар суммасини ҳисоб (зачёт)га олиш:

*дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинган аванслар» счёти*

*3 000 000 сўм;*

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган счётлар» счёти*

*3 000 000 сўм;*

**2008 йил 2 июлда:**

— реализация қилинган дастурий таъминот бўйича харидорнинг колган қарздорлиги бўйича пул маблағларининг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*2 000 000 сўм;*

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган счётлар» счёти*

*2 000 000 сўм;*

г) товарни реализация қилиш тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган сабабларга кўра харидор харид битимини бекор қилиш ҳуқуқига эга ва сотувчи сотилган товарлар қайтарилиши ёки қайтарилмаслигига ишончи мавжуд эмас.

Агар товарнинг қайтарилишига нисбатан ноаниқликлар мавжуд бўлса, даромад харидор томонидан товарлар расмийлаштирилган равишда қабул қилинганда ёки шартномада кўзда тутилган қайтариб бериш муддати тўла ўтиб бўлганда тан олинади.

**6-мисол.** Фараз қилайлик, «Тошэкспериментал-ускуна» ёпик турдаги акционерлик жамияти «Сарвари-Олам гилами» масъулияти чекланган жамиятига экспериментал дастгоҳни сотди, ушбу дастгоҳнинг самарали ва унумдор ишлашига ишончи йўқ. Акционерлик жамияти шартномада дастгоҳ сифатли ишламаган тақдирда харидор амалга оширилган харидни қайтариб бериш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги шартни назарда тутган. Шундай қилиб, дастгоҳ бўйича мулкчилик ҳуқуқи юклаб жўнатиш пайтида харидорга ўтказилмаган ва битим реализация бўлиб ҳисобланмайди ҳамда тегишли равишда даромад ҳам тан олинмайди. Ушбу ҳолатда даромадни қайтариш эҳтимоли мавжуд бўлган муддат тўла ўтиб бўлгандан сўнг тан олиш лозим.

3. Хўжалик юритувчи субъект одатда мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражада бошқаришнинг тегишлилигини ҳам, сотилган товарлар устидан назорат қилиш самарадорлигини ҳам ўзидан сақлаб қолмаган.

4. Даромад суммаси юқори даражадаги ишончлилик билан баҳола- ниши мумкин. Бунинг маъноси шундан иборатки, битимда иштирок этаётган ҳар иккала томон, харидор қандай суммани тўлаши лозимли- гини, яъни сотиладиган ва харид қилинадиган маҳсулотнинг қиймати- ни, профессионал хизматлар учун соатбай тўловни ва бошқаларни на- зарда тутадиган шартноманинг мавжудлиги тўғрисида муайян даража- да билишади.

**7-мисол.** Тошкент шаҳридаги трактор заводи Андижон шаҳрида жой- лашган «Пахтакор» акционерлик жамиятига шартномага мувофиқ трак- торлар етказиб беришни амалга оширади. Тракторнинг сотиш нархи шартнома бўйича 9 500 000 сўм қилиб белгиланган. Темир йўл ташки- лоти тракторларни ташиб бериш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш учун счёт тақдим этиши сабабли, трактор заводи ушбу ташиш хизматлари- нинг қийматини тақрибан 400 000 сўм миқдорда баҳолади ва «Пахтакор» акционерлик жамиятига 9 900 000 сўмлик счёт (тўлов ҳужжати)ни тақ- дим этди. Реализация қилинган тракторларнинг таннархи 6 500 000 сўм- га тенг.

Ушбу ҳолатда трактор заводи фақатгина 9 500 000 сўмга тенг бўлган суммани даромад сифатида тан олиши лозим, қолган 400 000 сўмни эса у мажбурият сифатида акс эттириши керак.

Трактор заводининг бухгалтерия ҳисобида юқорида қайд этиб ўтил- ган хўжалик операциялари қуйидагича акс эттирилади:

— тайёр маҳсулот (трактор)ни сотишдан олинган тушумнинг акс эттирилиши:

<i>дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан</i>	
<i>олинадиган счётлар» счёти</i>	<i>9 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан</i>	
<i>даромадлар» счёти</i>	<i>7 916 667 сўм;</i>
<i>кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»</i>	
<i>счёти</i>	<i>1 583 333 сўм;</i>
<i>— «КҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган</i>	
<i>ҳолда;</i>	

$7\,916\,667\text{ сўм} = 9\,500\,000\text{ сўм} - 1\,583\,333\text{ сўм};$

$1\,583\,333\text{ сўм} = 9\,500\,000\text{ сўм} \times 20\% / 120;$

— сотилган тайёр маҳсулот (трактор)нинг таннархини акс эттириш:

<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг</i>	
<i>таннархи» счёти</i>	<i>6 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»</i>	
<i>счёти</i>	<i>6 500 000 сўм;</i>



— темир йўл компанияси томонидан тайёр маҳсулотларни етказиб бериш бўйича хизматлар ҳақини тўлашга тақдим этилган счёти (тўлов ҳужжати)ни акс эттириш:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти* 400 000 сўм;  
*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 400 000 сўм;

— сотилган трактор учун харидордан пул маблағларининг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 9 900 000 сўм;  
*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти* 9 900 000 сўм;

— харидорга сотилган тракторни ташиб бериш учун темир йўл компаниясининг счёти (тўлов ҳужжати)ни тўлаб бериш:

*дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 400 000 сўм;  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 400 000 сўм.

5. Битим билан боғлиқ бўлган иқтисодий нафларнинг хўжалик юритувчи субъект томонидан олиниши эҳтимоли мавжуд.

Бунинг мазмуни шундан иборатки, хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъект реализация қилган товарлари ва кўрсатилган хизматлари учун мижоз албатта шартномада ўзаро келишилган суммани тўлаб беришига ишончи комил.

6. Битимни бажариш билан боғлиқ бўлган қабул қилинган ёки қўйилган харажатларни юқори даражадаги ишончлилик билан аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлади.

Қуйида товарларни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган шартномаларнинг турли кўринишлари ва шартлари, шу муносабат билан даромаднинг ҳосил бўлиши пайтининг аниқланиши келтириб ўтилади:

1. Товари етказиб бериш муддати харидорнинг мурожаати бўйича узайтирилган ҳолларда у етказиб берилишининг муддати кечиктирилган битимда харидор мулкчилик ҳуқуқига эга бўлади ва ўзига счёт (тўлов талаби ҳужжати)ни тўлаб бериш бўйича мажбуриятни қабул қилади.

Бунинг маъноси шундан иборатки, харидор юклаб жўнатишга тайёр қилиб қўйилган маҳсулотни қабул қилиб олади ва уни мол етказиб берувчида қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва масъул сақлашга бериш тўғрисидаги далолатнома бўйича масъул сақлашга қолдиради. Масъул сақлашга бериш тўғрисидаги далолатномани имзолаш санаси даромадни акс эттириш пайтини белгилаб беради. Товарларни ўз вақтида етказиб бериш учун сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш бўйича фақат хоҳиш-истакнинг мавжуд бўлиши даромадни таш олишга асос бўла олмайди.

2. Товарлар қуйидаги шартларда юклар жўнатиш:

а) ўрнатиш ва техник назорат.

Бундай ҳолатда даромад товар қабул қилиб олиншига қараб, шунингдек бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганда ўрнатиш ва техник назоратнинг тугатилишига қараб тан олинади. Бироқ, агар товарнинг ўрнатилиши монтажни талаб қилмайдиган бўлса, даромад товарнинг олинши бўйича дарҳол тан олинши мумкин;

б) товарни етказиб беришда тўлаш шарти билан сотиш (кўрсатилган қийматини тўлаб олиш шарти билан мол (юк) жўнатмоқ).

Даромад товарнинг етказиб берилиши амалга оширилганда ёки сотувчи ёхуд унинг вакили томонидан пул маблағлари келиб тушганда тан олинади.

**8-мисол.** «Шарқ зиёкори» ЁАЖ Тошкент шаҳридан Бухоро шаҳрига почта бўйича китобни кўрсатилган қийматни тўлаб олиш шарти билан жўнатди. Китобнинг нархи 200 000 сўмга тенг бўлиб, у харидорнинг уй манзилига 2008 йил 5 мартда жўнатилди. Жўнатилган китобларнинг таннархи 180 000 сўмга тенг. Харидор (қабул қилувчи) китобларни 2008 йил 3 апрелда қабул қилиб олди ва қабул қилишда харид учун тўловни амалга оширди. Почта 2008 йил 5 апрелда «Шарқ зиёкори» ЁАЖни хабардор қилди ва 2008 йил 7 апрелда ушбу пул маблағларини «Шарқ зиёкори» ЁАЖнинг ҳисобрақамига кўчириб берди.

Юқорида келтирилган мисолда товарларни реализация қилишдан олинган даромад харидор томонидан пул маблағлари почта ташкилотига тўлаб берилиши тўғрисидаги хабарнома олинган пайтда тан олинади. «Шарқ зиёкори» ЁАЖ бухгалтерия ҳисобиди ушбу хўжалик операциялари қуйидаги тартибда акс эттирилади:

**2008 йил 5 мартда:**

— харидорнинг буюртмаси бўйича товарлар (китоблар)ни почта билан кўрсатилган қийматини тўлаб олиш шарти билан жўнатиш:

*дебет 2970 «Йўлдаги товарлар» счёти* 180 000 сўм;

*кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти* 180 000 сўм;

**2008 йил 5 апрелда:**

— харидор томонидан қабул қилиб олинган почта орқали реализация қилинган китоблар ҳақининг тўланиши ва реализация қилинган товарлар (китоблар) учун харидор томонидан тўловнинг амалга оширилгани ҳақидаги хабарноманинг олинши:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 200 000 сўм;

*кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти* 200 000 сўм;

— почта орқали реализация қилинган товарлар (китоблар)нинг таннархини ҳисобдан чиқариш:

*дебет 9110 «Сотилган товарларнинг таннархи»*  
*счёти* 180 000 сўм;  
*кредит 2970 «Йўлдаги товарлар» счёти* 180 000 сўм;  
**2008 йил 7 апрелда:**

— почта орқали товарлар (китоблар)ни реализация қилишдан почта ташкилотидан жамиятнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларининг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 200 000 сўм;  
*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*  
*олинадиган сётлар» счёти* 200 000 сўм;

в) тўлов муддати узайтирилган ҳолда сотиш, бунда товарлар фақатгина харидор томонидан қисман тўловлар йўли орқали якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг етказиб берилади.

**9-мисол.** «Альфа» ишлаб чиқариш корхонаси 2008 йил 21 майда «Бета» корхонаси билан шартнома тузди, шартнома шартлари бўйича тайёр маҳсулот 100 % тўлаб берилганда юклаб жўнатилади ва бунда тўловни беш ой ичида бир неча тўловлар билан муддатини узайтириб амалга ошириш мумкин.

Маҳсулотнинг сотиш қиймати 250 000 000 сўм ташкил қилади, шу жумладан ҚҚС суммасини ҳисобга олган ҳолда. Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи 175 000 000 сўмга тенг. «Бета» корхонаси мазкур битим бўйича қуйидаги тўловларни амалга оширди:

2008 йил 10 июнда 50 000 000 сўм суммада;  
2008 йил 15 августда 30 000 000 сўм суммада;  
2008 йил 18 сентябрда 120 000 000 сўм суммада;  
2008 йил 30 октябрда 50 000 000 сўм суммада.

— ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини ўтиб бўлган тайёр маҳсулотларни оморга кирим қилиш:

*дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»*  
*счёти* 175 000 000 сўм;  
*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти* 175 000 000 сўм;  
**2008 йил 10 июнда:**

— келгусида амалга ошириладиган маҳсулотни етказиб бериш ҳақини тўлаш ҳисобига харидордан аванс тўловлари сериясининг биринчи қисми келиб тушишини акс эттириш:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 50 000 000 сўм;  
*кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан*  
*олинган аванслар» счёти* 50 000 000 сўм;

**2008 йил 15 августда:**

— келгусида амалга ошириладиган маҳсулотни етказиб бериш ҳақини тўлаш ҳисобига харидордан аванс тўловлари сериясининг иккинчи қисми келиб тушишини акс эттириш:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 30 000 000 сўм;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинган аванслар» счёти 30 000 000 сўм;

**2008 йил 18 сентябрда:**

— келгусида амалга ошириладиган маҳсулотни етказиб бериш ҳақини тўлаш ҳисобига харидордан аванс тўловлари сериясининг учинчи қисми келиб тушишини акс эттириш:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 120 000 000 сўм;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинган аванслар» счёти 120 000 000 сўм;

**2008 йил 30 октябрда:**

— келгусида амалга ошириладиган маҳсулотни етказиб бериш ҳақини тўлаш ҳисобига харидордан аванс тўловлари сериясининг якунловчи қисми келиб тушишини акс эттириш:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 50 000 000 сўм;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинган аванслар» счёти 50 000 000 сўм;

**2008 йил 2 ноябрда:**

«Бета» компаниясига тайёр маҳсулотнинг реализациясини акс эттириш:

— тайёр маҳсулотни реализация қилишдан олинган соф тушум суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 250 000 000 сўм;

кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти 208 333 333 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз»  
счёти 41 666 667 сўм;

— «ҚҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган  
ҳолда;

208 333 333 сўм = 250 000 000 сўм – 41 666 667 сўм;

41 666 667 сўм = 250 000 000 сўм × 20 % / 120;

— реализация қилинган тайёр маҳсулотнинг таннархи суммасига:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 175 000 000 сўм;

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»  
счёти*

*175 000 000 сўм;*

— бир вақтнинг ўзида дебиторлик қарзини ёпиш ҳисобига илгари олинган аванс тўловлари суммасининг ҳисобга олиниши (зачёти):

*дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинган аванслар» счёти*

*250 000 000 сўм;*

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти*

*250 000 000 сўм.*

Бундай шартлар бўйича сотишларда даромад товарлар харидорга етказиб берилгандан сўнг тан олинади. Бироқ бундай катта ҳажмга эга бўлган товарларнинг реализацияси амалга оширилганда, даромад олдидан тўловларнинг катта қисми келиб тушган шароитларда ва омбордаги мавжуд бўлган товарлар қатъий равишда резервлаштирилган ва харидорга етказиб бериш учун тайёрлаб кўйилган шароитларда тан олиниши мумкин;

г) жорий пайтда омборда мавжуд бўлмаган товарларни етказиб бериш учун аванс тўловлари (ёки қисман тўловлари) амалга оширилган буюртмалар. Мисол учун, товарлар ҳали-бери ишлаб чиқилмаган ёки мижозга учинчи шахс томонидан етказиб берилади. Бундай ҳолатда даромад товарлар харидорга етказиб берилган пайтда тан олинади;

д) даврий нашриёт маҳсулотлари ва шунга ўхшаш маҳсулотларга обуна бўлиш.

Бундай битимларда даромад бир маромда ҳисобдан чиқариш усули асосида тан олинади.

**10-мисол.** «Бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар» журнали нашриёти 2008 йил учун обуна бўйича 60 000 000 сўмлик суммадаги пул маблағларини олди. Мазкур журнал ҳар ойда бир мартаба чиқарилади. Олинган 60 000 000 сўмлик суммани 12 га бўламиз, натижада 5 000 000 сўмга тўғри келиб, 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётидан ҳар ойда бир маромда реализация счётига ҳисобдан чиқариб борилиши зарур. Журналнинг ҳар ойлик чиқиши таннархи нашриёт учун 4 500 000 сўмлик суммага тўғри келади.

Нашриётнинг бухгалтерия ҳисобида журналга обуна учун пул маблағларининг келиб тушиши (олиниши) ва обуначилар орасида журнални тарқатиш бўйича хўжалик операциялари қуйидагича акс эттирилади:

— кейинги йил учун журналга обуна бўлиш ҳисобига обуначилардан пул маблағларининг келиб тушиши:

*дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи  
счётлар*

*60 000 000 сўм;*

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*  
*счёти* 60 000 000 сўм;

— ҳар ой давомида журналнинг чиқиши ва обуначилар орасида тарқатиб чиқилиши:

*дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*  
*счёти* 5 000 000 сўм;

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан*  
*даромадлар» счёти* 5 000 000 сўм;

— ҳар ой давомида чиқарилган ва обуначилар орасида тарқатилган журналнинг таннарих суммасига:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг*  
*таннарихи» счёти* 4 500 000 сўм;

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»*  
*счёти* 4 500 000 сўм.

Обуна бўйича харажатлар обуначилар — юридик шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар)да қўйидаги тартибда акс эттирилади:

— кейинги йил учун журналга обуна бўлиш учун пул маблағлари тўлаб берилганда:

*дебет 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари»*  
*счёти* 60 000 000 сўм;

*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар*  
*(5000, 5100, 5200, 5500 ва бошқалар)* 60 000 000 сўм;

— календарь йил давомида нашриётдан ҳар ойда журнал келиб тушганда:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»*  
*счёти* 5 000 000 сўм;

*кредит 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари»*  
*счёти* 5 000 000 сўм;

е) қисман-қисман тўлаш (рассрочка) тартибида сотиш, бунда товарнинг қиймати қисман-қисман тўлаш тартибида тўлаб берилади.

Реализация қилиш нархиға нисбатан тегишли бўлган даромад, фоизларни ҳисобга олмаган ҳолда, товарларни реализация қилиш санасига тан олинади. Реализация қилиш баҳоси муқобил равишдаги фоиз ставкаси бўйича олиниши лозим бўлган қисман-қисман тўловларни дисконтлаш асосида ҳисобланган қоплаб беришнинг жорий қиймати билан аниқланади. Фоизларнинг ўзи эса даромад сифатида уларнинг олинишиға қараб муқобил равишдаги фоиз ставкасини ҳисобга оладиган вақт мутаносиблиги асосида тан олинади.

**11-мисол.** «Херсон» акционерлик жамияти «А» типдаги дон йиғиш-

тириб оладиган комбайнларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади, уларнинг сотиш қиймати 81 900 000 сўмга тенг.

Битта комбайннинг ишлаб чиқариш таннархи эса ўз навбатида 67 500 000 сўмга тенг. «А» типдаги комбайнларнинг сотилиши сусайиб кетганлиги сабабли акционерлик жамияти уларни йирик ва ўртаҳол қишлоқ хўжалиги корхоналарига 4 йил давомида қисман-қисман тўлаб беришни назарда тутадиган шартнома асосида сотишни бошлади. Шартнома шартларига мувофиқ, машина қийматининг 20 %га тенг қисми суммасида олдиндан тўлов амалга оширилади ва қолган қисми навбатдаги ҳар ярим йиллик муддат охиридаги тўловлар билан қуйидаги миқдордаги фоиз ҳисобланган ҳолда амалга оширилади: 1-йилда йиллик 12 %, 2-чи йилда йиллик 15 %, 3-йилда йиллик 20 % ва 4-йилда йиллик 25 %.

Талаб қилинади: муддатлар бўйича асосий тўловнинг суммасини аниқлаш, муддатлар бўйича фоизлар суммасини ҳисоблаш ва тўловнинг дисконтланган қиймати (жорий қиймати) бўйича даромадни аниқлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби ёзувларини амалга ошириш.

**Ечили:**

1. Комбайн учун олдиндан тўлов суммаси қуйидагини ташкил қилади:  
 $81\,900\,000 \text{ сўм} \times 0,2\% (20\% / 100) = 16\,380\,000 \text{ сўм};$

2. Қолган сумма  $81\,900\,000 \text{ сўм} - 16\,380\,000 \text{ сўм} = 65\,520\,000 \text{ сўм}$ ни тўловнинг келгусида амалга ошириладиган 8 та муддатига бўламиз (бир йилда икки марта  $4 \times 2 = 8$  муддат) =  $8\,190\,000 \text{ сўм}$  ( $65\,520\,000 \text{ сўм} / 8 = 8\,190\,000 \text{ сўм}$ ) ва асосий тўлов суммасини аниқлаймиз.

Асосий тўлов бўйича суммалар ва фоизлар билан биргаликдаги сумманинг ҳисоб-китоби учун жадвални тузамиз, минг сўмда

Даврлар ва тўловлар сони		Асосий қарз суммаси қолдиғи (гр. 2 – гр. 5)	Тўлов бўйича фоиз ставкаси, %	Фоизлар суммаси (гр. 2 x гр. 3)	Асосий қарз бўйича тўлов суммаси	Умумий тўлов суммаси (гр. 4 + гр. 5)
1		2	3	4	5	6
Йил бошидаги қолдиқ		65 520	-	-	-	-
1-йил	1-тўлов	65 520	6 %	3 931	8 190	12 121
	2-тўлов	57 330	6%	3 440	8 190	11 630
2-йил	3-тўлов	49 140	7,5%	3 685	8 190	11 875
	4-тўлов	40 950	7,5%	3 071	8 190	11 261

Даврлар ва тўловлар сони		Асосий қарз суммаси қолдиги (гр. 2 – гр. 5)	Тўлов бўйича фойз ставкаси, %	Фойзлар суммаси (гр. 2 x гр. 3)	Асосий қарз бўйича тўлов суммаси	Умумий тўлов суммаси (гр. 4 + гр. 5)
1		2	3	4	5	6
3-йил	5-тўлов	32 760	10%	3 276	8 190	11 466
	6-тўлов	24 570	10%	2 457	8 190	10 647
4-йил	7-тўлов	16 380	12,5%	2 048	8 190	10 238
	8-тўлов	8 190	12,5%	1 024	8 190	9 214
<b>Жами:</b>				<b>22 932</b>	<b>65 520</b>	<b>88 452</b>
					+ олдиндан тўлов	+ олдиндан тўлов
					16 380	16 380
<b>Ҳаммаси:</b>					<b>81 900</b>	<b>104 832</b>

«Херсон» акционерлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларида юқорида қайд этилган хўжалик операцияларининг акс этирилишини қараб чиқамиз:

— тайёр маҳсулот (комбайн)ни қисман-қисман тўлов (рассрочка) тартибида сотишдан олинган тушумни ҳисоблаш усули бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларида акс этириш:

*дебет 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счёти* 81 900 000 сўм;

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти* 68 250 000 сўм;

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счёти* 13 650 000 сўм;

— «ҚҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

208 333 333 сўм = 81 900 000 сўм – 13 650 000 сўм;

13 650 000 сўм = 81 900 000 сўм x 20 % / 120;

— реализация қилинган тайёр маҳсулот (комбайн)нинг таннархини ҳисобдан чиқариш:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти* 67 500 000 сўм;



кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти	67 500 000 сўм;
— реализация қилинган комбайн бўйича қарздорликни ёпиш ҳисобига олдиндан тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	16 380 000 сўм;
кредит 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счёти	16 380 000 сўм;
— комбайнни қисман-қисман тўлов (рассрочка) тартиби бўйича соғитишдан ҳосил бўлган узоқ муддатли дебиторлик қарзининг жорий қисмини ажратиб кўрсатиш амалга оширилганда*:	
дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти	16 380 000 сўм;
кредит 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счёти	16 380 000 сўм.
<b>1-йил учун тўловларнинг келиб тушиши ва узоқ муддатли дебиторлик қарзи бўйича фоизлар ҳисобланишининг акс эттирилиши:</b>	
— 1-йилнинг биринчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:	
дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	3 931 000 сўм;
кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти	3 931 000 сўм;
— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича биринчи тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	12 121 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти	8 190 000 сўм;
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	3 931 000 сўм;
— биринчи йилнинг иккинчи ярим йиллиги охирида фоизлар кўринишидаги даромадларни ҳисоблаш:	
дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	3 440 000 сўм;
кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти	3 440 000 сўм;
— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 2-тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	11 630 000 сўм;

\* Мазкур бухгалтерия ҳисоби ёзувлари қолган 3 йил давомида ҳар йилнинг охирида амалга ошириб борилади.

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 8 190 000 сўм;  
*кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 440 000 сўм;  
**2-йил учун тўловларнинг келиб тушиши ва узоқ муддатли дебиторлик қарзи бўйича фоизлар ҳисобланишининг акс эттирилиши:**

— 2-йилнинг биринчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:

*дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 685 000 сўм;  
*кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти* 3 685 000 сўм;

— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 3-тўловнинг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 11 875 000 сўм;  
*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 8 190 000 сўм;

*кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 931 000 сўм;

— 2-йилнинг иккинчи ярим йиллиги охирида фоизлар кўринишидаги даромадларни ҳисоблаш:

*дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 071 000 сўм;  
*кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти* 3 071 000 сўм;

— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 4-тўловнинг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 11 261 000 сўм;  
*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 8 190 000 сўм;

*кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 071 000 сўм;

**3-йил учун тўловларнинг келиб тушиши ва узоқ муддатли дебиторлик қарзи бўйича фоизлар ҳисобланишининг акс эттирилиши:**

— 3-йилнинг биринчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:

*дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти* 3 276 000 сўм;  
*кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти* 3 276 000 сўм;

— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 5-тўловнинг келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 11 466 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	8 190 000 сўм;
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	3 276 000 сўм;
— 3-йилнинг иккинчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:	
дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	2 457 000 сўм;
кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти	2 457 000 сўм;
— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 6-тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	10 647 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	8 190 000 сўм;
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	2 457 000 сўм;
<b>4-йил учун тўловларнинг келиб тушиши ва узоқ муддатли дебиторлик қарзи бўйича фоизлар ҳисобланишининг акс эттирилиши:</b>	
— 4-йилнинг биринчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:	
дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	2 048 000 сўм;
кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти	2 048 000 сўм;
— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 7-тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	10 238 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	8 190 000 сўм;
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	2 048 000 сўм;
— 4-йилнинг иккинчи ярим йиллиги охирида фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши:	
дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	1 024 000 сўм;
кредит 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти	1 024 000 сўм;
— дебиторлик қарзининг асосий суммаси ва ҳисобланган фоизлар бўйича 6-тўловнинг келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	9 214 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	8 190 000 сўм;
кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти	1 024 000 сўм.

Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромад хўжалик юритувчи субъект томонидан фақатгина операция (битим) билан боғлиқ бўлган иктисодий наф олиниши лозим бўлган тақдирда тан олинади.

Даромадга киритилган суммани ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда қайтарилмаган сумма ёки ундириб олиниши мумкин бўлмаган сумма дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади. Яъни бошқача қилиб айтганда, эҳтиёткорлик принципи ва мувофиқлик принципини қўллаган ҳолда даргумон (шубҳали) қарзлар бўйича резерв ташкил этилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

*дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти;*

*кредит 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти.*

Ҳисобот даврининг охирида 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ёпилади, контрактив сёт бўлиб ҳисобланадиган 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» сётининг қолдиғи эса 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сётлар» сётини бухгалтерия балансида акс этириш пайтида унинг қолдиғини камайтиришга олиб борилади.

Даргумон (шубҳали) қарзларни қоплаш бўйича ташкил қилинадиган резервнинг суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун икки усулдан фойдаланилади — дебиторлик қарздорлигини баҳолаш бўйича ва бевосита усуллар.

Биринчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, кўп йиллик (бир неча йиллар давомида) кузатувлар натижасига асосланган ҳолда харидорлар ва буюртмачиларнинг умумий дебиторлик қарзлари суммасидан даргумон (шубҳали) қарзларнинг фоиз аниқланади ва ушбу кўрсаткич ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қилади. Даргумон (шубҳали) қарзларни қоплаш учун резерв ҳисобот даври харажатлари ҳисобидан ташкил этилади ҳамда йил давомида дебиторлардан олиш имконияти бўлмаган қарзлар 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» сётини камайтиришга олиб борилади ва ҳар ҳисобот йилининг охирида резерв суммаси қабул қилинган фоиз ва харидорлар ва буюртмачилардан қарздорлиги суммасига мувофиқ қайта ҳисоблаб борилади.

**12-мисол.** «Андоза» хўжалик юритувчи субъекти ҳисобот молиявий йили охирида 2007 йил 31 декабрда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган сётлар» счёти бўйича 150 000 000 сўмга тенг бўлган харидорлар ва буюртмачилардан дебиторлик қарзига эга. Даргумон қарзлар суммасининг умумий дебиторлик қарзлари суммасига

бўлган уч йил мобайнида нисбати ўртача 2 %ни ташкил этди. 2007 йил 31 январь ҳолатида даргумон қарзлар бўйича резервнинг ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

*дебет 9430 «Бошқа операциялар харажатлари»*

*счёти*

*3 000 000 сўм;*

*кредит 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв»*

*счёти*

*3 000 000 сўм;*

$3\,000\,000\text{ сўм} = 150\,000\,000\text{ сўм} \times 2\%.$

Иккинчи усул дебиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказиш натижалари бўйича харидор ва буюртмачилар билан солиштириш далолатномаси асосида молиявий йилнинг ҳисобот санасида даргумон сифатида тан олинган ҳар бир қарз бўйича даргумон қарзлар бўйича резерв тузишни кўзда тутади. Ушбу резервнинг суммасини ҳисоблашда қарздорнинг молиявий ҳолати ва тўлов қобилияти, қарзни тўлиқ суммада ёки қисман тўлаб бериш эҳтимоли ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Дебиторлик қарзлари ҳисобот давридан кейинги даврда келиб тушиши натижасида даргумон қарзлар бўйича резервнинг ишлатилмай қолган суммаси қайта тузатилади ва ҳисобот даврининг даромадларига олиб борилади.

Харидор ва буюртмачиларнинг дебиторлик қарзларини корхона балансидан хўжалик суди қарор (ажрим)лари бўйича ёки дебиторлик қарзининг даъво муддати ўтиб кетиши (3 йилдан сўнг) натижасида ташкил этилган резерв ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*дебет 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти;*

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.*

#### **4-§. Хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш)**

Хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланадиган бўлса, ушбу битим билан боғлиқ бўлган даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битим натижаси эса қуйидаги шартларни бажариш бўйича аниқ белгиланиши мумкин:

— битимни бажариш чоғидаги даромадлар ҳамда амалга оширилган харажатлар ва битимни ниҳоясига етказишга доир харажатлар юқори даражадаги ишонччилик билан баҳоланиши мумкин;

— хўжалик юритувчи субъектга битим билан боғлиқ бўлган даромадлар келиб тушишининг катта эҳтимоли мавжуд;

— бухгалтерия баланси ҳисобот санасигача битим бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми юқори даражадаги ишончлилик билан баҳоланади.

**13-мисол.** «Узгипротяжпром» очик акционерлик жамияти «Гамма» ишлаб чиқариш корхонаси билан «N» шаҳрида текстиль комбинати қурилиши лойиҳасини 3 йил ичида 2006 йилнинг бошидан 2008 йилнинг охиригача ишлаб бериш бўйича шартнома тузди. Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 80 000 000 сўмни ташкил этади. 2006 йилнинг охиригача 8 000 000 сўмлик харажатларни амалга ошириб, «Узгипротяжпром» очик акционерлик жамияти шартноманинг натижасини юқори даражадаги ишончлилик билан баҳолаш имкониятига эга эмас, чунки текстиль комбинатини қуриш учун молиялаштириш имзоланмаган эди ва қурилиш ишларининг ҳам амалга оширилиши ҳали номаълум. Бироқ, шартнома шартлари бўйича 2006 йилда амалга оширилган 8 000 000 сўм суммадаги харажатлар қопланиб берилишига қафолат мавжуд. Шу муносабат билан «Узгипротяжпром» очик акционерлик жамияти 2006 йил учун 8 000 000 сўмлик суммани даромадлар ва харажатлар сифатида тан олиши лозим. 2007 йил охирида «Узгипротяжпром» очик акционерлик жамияти энди шартноманинг натижасини ишончли равишда баҳолаш имкониятига эга бўлди, чунки қурилиш бўйича молиялаштириш имзоланди ва етарли даражадаги маблағлар ажратиб берилган.

«Узгипротяжпром» очик акционерлик жамиятининг тегишли мутахассислари ҳисоб-китоблари бўйича умумий харажатлар 40 000 000 сўмни ташкил этади, яъни контракт (шартнома) 50 %га бажарилган ҳисобланади. Шу сабабли «Узгипротяжпром» 2007 йилда 32 000 000 сўмлик суммада даромадни тан олиши лозим ( $80\,000\,000\text{ сўм} \times 50\% / 100 = 40\,000\,000\text{ сўм}$  — 2006 йилда тан олинган 8 000 000 сўм).

2008 йил охирида шартнома бажарилган ҳисобланади ва олинган маълумотларга асосан даромадларнинг умумий суммаси 80 000 000 сўм ва бажарилган ишларнинг ҳақиқий таннарни 68 000 000 сўмга тенг.

Тегишли равишда «Узгипротяжпром» очик акционерлик жамияти 2008 йилда 40 000 000 сўмлик суммадаги даромадни тан олади (80 000 000 сўм – 8 000 000 сўм – 32 000 000 сўм).

Йиллар	Даромад	Харажат	Соф даромад
2006	8 000 000 сўм	8 000 000 сўм	-
2007	32 000 000 сўм	28 000 000 сўм	4 000 000 сўм
2008	40 000 000 сўм	32 000 000 сўм	8 000 000 сўм
<b>Жами</b>	<b>80 000 000 сўм</b>	<b>68 000 000 сўм</b>	<b>12 000 000 сўм</b>

«Ўзгипротяжпром» очик акционерлик жамиятининг бухгалтерия хисобида лойиҳани бажариш билан боғлиқ бўлган юқорида келтирилган хўжалик операциялари қуйидагича акс эттирилади:

**2006 йилда:**

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича ҳақиқий харажатлар суммасига:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 8 000 000 сўм;  
кредит харажатларни ҳисобга олувчи счётлар 8 000 000 сўм  
(материалларни, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини, меҳнат ҳақи, яғона ижтимоий тўловни ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар);

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича ишларни реализация қилишдан олинган даромад суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм;  
кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти 8 000 000 сўм;

— қурилиш лойиҳасини бажариш бўйича реализация қилинган ишларнинг бир қисми таннархи суммасига:

дебет 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи» счёти 8 000 000 сўм;  
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 8 000 000 сўм;

**2007 йилда:**

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича ҳақиқий харажатлар суммасига:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 28 000 000 сўм;  
кредит харажатларни ҳисобга олувчи счётлар 28 000 000 сўм  
(материалларни, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясини, меҳнат ҳақи, яғона ижтимоий тўловни ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар);

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича ишларни реализация қилишдан олинган даромад суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 32 000 000 сўм;  
кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти 32 000 000 сўм;

— қурилиш лойиҳасини бажариш бўйича реализация қилинган ишларнинг бир қисми таннархи суммасига:

дебет 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган  
хизматлар таннарни» счёти 28 000 000 сўм;  
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 28 000 000 сўм;  
2008 йилда:

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича ҳақиқий харажатлар суммасига:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 32 000 000 сўм;  
кредит харажатларни ҳисобга олувчи счётлар 32 000 000 сўм  
(материалларни, асосий воситалар ва номоддий актив-  
лар амортизациясини, меҳнат ҳақи, ягона ижтимоий  
тўловни ва ҳоказоларни ҳисобга олувчи счётлар);

— қурилиш бўйича лойиҳанинг бир қисмини бажариш бўйича иш-  
ларни реализация қилишдан олинган даромад суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 40 000 000 сўм;  
кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар  
кўрсатишдан даромадлар» счёти 40 000 000 сўм;

— қурилиш лойиҳасини бажариш бўйича реализация қилинган  
ишларнинг бир қисми таннарни суммасига:

дебет 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган  
хизматлар таннарни» счёти 32 000 000 сўм;  
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 32 000 000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъект қуйидаги бандлар бўйича битимда иш-  
тирок этувчи бошқа шахслар билан келишувга эришгандан сўнг ишон-  
чли тарзда баҳолаши мумкин бўлади:

— томонларнинг хизмат кўрсатиши ва қабул қилиши хусусида даъ-  
во қилиш кучига эга бўлган ҳуқуқлари;

— кўзда тутиладиган қопламалар ҳажми;

— ҳисоб-китоб қилиш усули ва шартлари.

Бунинг маъноси шундан иборатки, хизматларни кўрсатиш бўйича  
томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан расмийлаш-  
тирилиб, унда қопламанинг (компенсациянинг) аниқ суммалари, тўлов-  
нинг шартлари ва шакллари, товар-моддий захиралар қийматини кўрсат-  
тилган хизматлар суммасига киритиш каби масалалар кўзда тутилади.

Ҳар бир битимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хўжа-  
лик юритувчи субъект унинг тугалланиш босқичини қуйида келтирил-  
ган усуллардан бирини қўллаган ҳолда аниқлайди:

1. Бажарилган ишларни таҳлил қилиш, яъни назорат тартибида  
ишларни ўлчаб чиқиш.



2. Маълум бир ҳисобот санасигача бажарилган хизматлар ҳажмининг (суммасининг) битим бўйича хизматларнинг бутун ҳажмига (суммасига) бўлган фоизли нисбати.

3. Маълум бир ҳисобот санасигача амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами харажатларга бўлган фоизли нисбати.

Ушбу санагача амалга оширилган харажатлар сирасига бажарилган хизматлар ҳажми учун сарфланган фақатгина ҳақиқий харажатлар олиб борилади. Битим бўйича баҳоланган умумий харажатлар сирасига эса бажарилган ёки бажарилиши лозим бўлган хизматларни акс эттирувчи харажатлар киритилади.

**14-мисол.** «Промстройматериаллар» номли илмий изланиш ва конструкторлик бюроси 2007 йил 1 сентябрда қурилиш билан шуғулланувчи корхоналар учун янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқиш бўйича шартномани имзолади.

Мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган хизматлардан олинган даромад суммаси 200 000 000 сўмни ташкил этади. Шартнома бўйича ишларни бажариш учун режалаштирилган харажатлар 170 000 000 сўмга баҳоланди. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича ишларни бажариш учун 9 ой сарфланиши кутилмоқда. Ҳисоботни тузиш санасига, яъни 2007 йил 31 декабрь ҳолатида сарфланган ҳақиқий харажатлар 102 000 000 сўмга тенг эканлиги аниқланди.

Мазкур шартнома бўйича ишларни бажаришдан олинган даромадни 2007 йил 31 декабрь санасига тугалланиш босқичини юқорида келтирилган усуллардан бири ёрдамида аниқлаш ва олинган натижаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш талаб қилинади.

#### **Ечми:**

Ушбу ҳолатда шартноманинг тугалланиш босқичи аниқлашнинг учинчи усулидан — маълум бир ҳисобот санасигача амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами харажатларга бўлган фоизли нисбатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бажарилган ишларни таҳлил қилиш, яъни назорат тартибида ишларни ўлчаб чиқишни ўтказиш ёки маълум бир ҳисобот санасигача бажарилган хизматлар миқдорининг битим бўйича хизматларнинг бутун миқдорига бўлган фоизли нисбатини ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Тегишли равишда ҳисоб-китоблар куйидагича бўлади:

— 2007 йил 31 декабрь санаси ҳолатига амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами (баҳоланган) харажатларга бўлган фоизли нисбатини аниқлаш — 60 фоиз:

60 % = 102 000 000 сўм / 170 000 000 сўм x 100 %;

— 2007 йил 31 декабрь санаси ҳолатига мазкур шартнома бўйича 120 000 000 сўмлик суммадаги даромадни тан олиш лозим:

120 000 000 сўм = 200 000 000 сўм x 60 % / 100.

Шартномани қисман бажаришдан олинган даромадни ва битим бўйича реализация қилинган ишларнинг таннархини тан олиш билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

— 2007 йил учун ишларни реализация қилиш (битимнинг бир қисмини бажариш)дан олинган даромад суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счёти» счёти* 120 000 000 сўм;

*кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти* 120 000 000 сўм;

— 2007 йил учун реализация қилинган (битимнинг бир қисмини бажаришнинг) ишлар таннархи суммасига:

*дебет 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи» счёти* 102 000 000 сўм;

*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти* 102 000 000 сўм.

Қуйида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган битимларнинг турли хиллари ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадни тан олиш пайтининг аниқланиши келтирилган:

1. Ўрнатиб бериш учун тўлов (йўлдошли телевизион антенналар, телефон алоқасини ва ҳоказоларни ўрнатиш).

Ўрнатиб бериш (йўлдошли телевизион антенналар, телефон алоқасини ва ҳоказоларни ўрнатиш) бўйича хизматлар учун даромад монтаж (ўрнатиш) тугагандан сўнг тугалланиш босқичи кўрсатилган ҳолда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тузиш санасига тан олинади. Агар бундай ҳолатда олдиндан тўлов олинган тақдирда, уни 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счётида бажарилган ишлар тугаллангунига қадар ҳисобга олиб бориш лозим.

Бунда авансларни олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзуви қуйидаги кўринишга эга бўлади:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;*

*кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти.*

2. Хизматлар учун тўлов маҳсулотнинг баҳосига киритилган.

Маҳсулотларни сотиш баҳоси сотишдан кейинги хизматлар (масалан, дастурий таъминот сотилганда маҳсулот сифатини оширишни таъ-

минлаш бўйича сотишдан кейинги хизмат кўрсатишлар) учун маълум бир суммани ўз ичига олган тақдирда, ушбу сумма келгуси даврга ўтказилиб, 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» (келгуси давр даромадлари) счётида ҳисобга олинади ва хизматлар кўрсатилган даврда даромад сифатида тан олинади.

**15-мисол.** «Электроаппарат» ишлаб чиқариш корхонаси автоматлаштирилган кир ювиш машиналари чиқариб, 480 000 сўмдан ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда сотади, шу жумладан кафолат хизмат кўрсатилиши суммаси 50 000 сўмга тенг. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 268 000 сўмга тенг.

2008 йил 21 февралда корхона савдо тармоқларига 50 дона кир ювиш машиналарини юклаб жўнатди. Шартнома бўйича олдиндан тўлов ҳажми 15 %ни ташкил этади ва қолган суммаси 2 ой мобайнида тўланиши лозим. Реализация қилиш қийматидан 15 % ҳажмидаги олдиндан тўлов суммаси корхонанинг ҳисобрақамига 2008 йил 3 мартда келиб тушди.

Юқорида келтириб ўтилган хўжалик операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

— кир ювиш машиналарини реализация қилишдан олинган даромаднинг тан олиниши, бунда машиналарнинг сотиш баҳоси реализация қилинган маҳсулотларни сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш қийматини ўз ичига олади:

<i>дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёти</i>	<i>24 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти</i>	<i>17 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счёти</i>	<i>4 000 000 сўм;</i>
— «ҚҚС бўйича қарздорлик» счётини алоҳида ажратган ҳолда;	
<i>кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм;</i>

24 000 000 сўм = 480 000 сўм х 50 дона;

4 000 000 сўм = 24 000 000 сўм х 20 / 120;

2 500 000 сўм = 50 000 сўм х 50 дона;

— реализация қилинган кир ювиш машиналарининг таннархи суммасига:

<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти</i>	<i>13 400 000 сўм;</i>
<i>кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти</i>	<i>13 400 000 сўм;</i>

13 400 000 сўм = 268 000 сўм x 50 дона;

— кир ювиш машиналарини сотиб олган харидордан олдиндан тўлов суммасининг келиб тушишини акс эттириш:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 3 6000 000 сўм;

*кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти* 3 600 000 сўм;

3 600 000 сўм = 24 000 000 сўм x 15 / 100.

3. Реклама учун мукофот.

Оммавий ахборот воситаси томонидан воситачилик ҳақи омма олади тегишли реклама ёки реклама тасмаси чиқарилганда тан олинади. Ишлаб чиқариш воситачилик ҳақи лойиҳани тугалланиш босқичи кўрсатилганда тан олинади.

Реклама учун олинган олдиндан тўлов суммасини 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счётида ҳисобга оладилар, хизмат кўрсатилгандан сўнг эса ушбу олдиндан тўловни тушумга киритадилар, яъни даромад сифатида тан олинади ва қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзуви билан акс эттирилади:

— реклама бўйича комиссия хизматларни кўрсатиш учун олдиндан тўловнинг олиншида:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;*

*кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти;*

— оммавий ахборот воситалари томонидан реклама хизматлари кўрсатилгандан сўнг хизматларни бажаришдан олинган даромаднинг тан олинши:

*дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти;*

*кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.*

4. Суғурта агентликларининг воситачилик ҳақи.

Суғурта агентлиги томонидан олинган ёки олинши лозим бўлган воситачилик ҳақи, агент томонидан кейинчалик хизмат кўрсатиш талаб этилмаса, агент томонидан суғурта полиси кучга кирган ёки тикланган кунидан кейин даромад деб тан олинади. Лекин, агентдан полис амалда бўлган муддатда кейинчалик хизмат кўрсатиш талаб қилиниши эҳтимоли мавжуд бўлса, комиссия ҳақ ёки унинг қисми кечиктирилади ва полис кучга эга бўлган давр мобайнида даромад сифатида тан олинади.

5. Абонемент йиғимлари.

Санъаткорларнинг чиқишлари, банкетлар ва бошқа алоҳида ҳоллардан тушум бундай ҳоллар рўй берганда даромад сифатида тан оли-

нади. Қатор воқеаларга чипталар сотилганда, тўлов ҳар бир воқеа кўрсатилган вақтда кўрсатилган хизмат ҳажми бўйича ҳар бир воқеа орасида тақсимланади.

6. Ўқитиш учун тўлов.

Даромад ўқитиш даври мобайнида тан олинади.

**16-мисол.** «Армстронг» ишлаб чиқариш бирлашмаси учта студентнинг (контракт бўйича ўқитишга йўналтирилган ўзининг ходимлари) ўқитилиши учун бир йиллик пулини 1 380 000 сўм (460 000 сўм х 3 студент) тўлаб берди. Тижорат асосида ишлайдиган институтда даромад ўқишнинг ўн ойи давомида тан олинади. Ўқитишдан пул маблағларини келиб тушиши ва даромадларни тан олиниши билан боғлиқ бухгалтерия ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

— учта студентларни ўқитиш учун олдиндан тўлов сифатида пул маблағларининг келиб тушиши:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>1 380 000 сўм;</i>
<i>кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти</i>	<i>1 380 000 сўм;</i>

— ўқитиш муддати давомида (10 ой давомида) ҳар ойнинг охирида ўқитишдан олинган даромаднинг тан олиниши:

<i>дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти</i>	<i>138 000 сўм;</i>
<i>кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти</i>	<i>138 000 сўм.</i>

## **5-§. Фоизлар, роялти, дивидендлар (бошқа даромадлар)**

Активларни фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар келтирувчи ўзга хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар қуйидагича тан олиниши лозим:

1. Хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иктисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлганда.

2. Даромад миқдорини ўта аниқлик билан баҳолаш мумкин бўлганда.

Даромад қуйидаги асосда тан олинади:

1. Активдан олинадиган ҳақиқий даромадни ҳисобга оладиган вақтинчалик нисбат асосида фоиз эътироф этилади.

**17-мисол.** Ишлаб чиқариш корхонаси облигацияларни номинал қиймати бўйича 10 000 сўмга сотиб олди. Облигация бўйича йиллик 15 % фоизлар бир йилда икки маротаба тўланади. Облигацияни тўлаш муддати 2 йилни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ёзувлари қуйидагича бўлади:

— облигациянинг сотиб олинishi:

дебет 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счёти 10 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 10 000 сўм;

— облигация муддатининг 1-йили биринчи ярим йиллиги охирида (облигация бўйича фоизларнинг ҳисобланиши ва келиб тушиши):

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти 750 сўм;  
кредит 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счёти 750 сўм;  
 $750 \text{ сўм} = 10\,000 \text{ сўм} \times 0,15 \% \times 6 / 12$ ;

— облигация муддатининг 1-йили иккинчи ярим йиллиги охирида (облигация бўйича фоизларнинг ҳисобланиши ва келиб тушиши):

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти 750 сўм;  
кредит 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счёти 750 сўм;  
 $750 \text{ сўм} = 10\,000 \text{ сўм} \times 0,15 \% \times 6 / 12$ ;

— облигация муддатининг 2-йили биринчи ярим йиллиги охирида (облигация бўйича фоизларнинг ҳисобланиши ва келиб тушиши):

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти 750 сўм;  
кредит 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счёти 750 сўм;  
 $750 \text{ сўм} = 10\,000 \text{ сўм} \times 0,15 \% \times 6 / 12$ ;

— облигация муддатининг 2-йили иккинчи ярим йиллиги охирида (облигация бўйича фоизларнинг ҳисобланиши ва келиб тушиши):

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти 750 сўм;  
кредит 9530 «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счёти 750 сўм;  
 $750 \text{ сўм} = 10\,000 \text{ сўм} \times 0,15 \% \times 6 / 12$ ;

— эмитент томонидан облигациянинг муддати охирида унинг тўлаб берилиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 10 000 сўм;  
кредит 0610 «Қимматбаҳо қоғозлар» счёти 10 000 сўм.

2. Роялти битим ёки шартнома шартларига мувофиқ равишда ҳисоблаш принципи асосида тан олинади.

**18-мисол.** «Малика» акционерлик жамияти «Хамза-коллекшн» хусусий корхонасидан янги дастгоҳларда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технологиядан фойдаланиш ҳуқуқини 25 000 000 сўмдаги қийматга сотиб олди. Шартномага мувофиқ «Хамза-коллекшн» хусусий корхонасига уч йил мобайнида ҳар бир сотилган маҳсулот партиясидан олинган даромад суммасидан 3 % миқдорида тўлов тегишли.

Қўшимча маълумотлар:

«Малика» акционерлик жамияти томонидан сотилган маҳсулотлар суммаси қуйидагини ташкил этди:

1-йилда 150 000 000 сўм;

2-йилда 200 000 000 сўм;

3-йилда 250 000 000 сўм.

Ечими:

1. «Хамза-коллекшн» корхонаси томонидан номоддий активларни сотишдан олинган даромаднинг тан олинishi:

— реализация қилинган номоддий активнинг умумий суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган сўтлар» сўти*

*25 000 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активлар чиқими» сўти 25 000 000 сўм;*

— реализация қилинган номоддий активнинг бошланғич қийматига:

*дебет 9220 «Бошқа активлар чиқими» сўти — бошланғич*

*қиймати;*

*кредит номоддий активларни ҳисобга олувчи сўтлар (0400);*

— реализация қилинган номоддий актив бўйичи жамланган амортизация суммасига:

*дебет номоддий активларнинг жамланган амортизациясини*

*ҳисобга олувчи сўтлар (0500);*

*кредит 9220 «Бошқа активлар чиқими» сўти — жамланган*

*амортизация суммаси;*

— реализация қилинган номоддий актив бўйича ҚҚС суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активлар чиқими» сўти;*

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари*

*бўйича)» сўти;*

— номоддий активни реализация қилишдан олинган фойда суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активлар чиқими» сўти;*

*кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан олинган*

*фойда» сўти.*

2. Роялтидан олинган даромадни тан олиш:

Реализация ҳажмидан келиб чиқиб йиллар бўйича тегишли бўлган роялти суммасининг ҳисоб-китобини келтирамыз:

1-йил  $150\,000\,000 \text{ сўм} \times 3\% / 100 = 4\,500\,000 \text{ сўм};$

2-йил  $200\,000\,000 \text{ сўм} \times 3\% / 100 = 6\,000\,000 \text{ сўм};$

3-йил  $250\,000\,000 \text{ сўм} \times 3\% / 100 = 7\,500\,000 \text{ сўм}.$

Роялтидан олинган даромадни тан олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзувлари:

**1-йилда:**

*дебет 4850 «Олинадиган роялти» сўти*

*4 500 000 сўм;*

*кредит 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»*

*сўти*

*4 500 000 сўм.*

**2-йилда:**

дебет 4850 «Олинадиган роялти» счёти 6 000 000 сўм;  
кредит 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»  
счёти 6 000 000 сўм.

**3-йилда:**

дебет 4850 «Олинадиган роялти» счёти 7 500 000 сўм;  
кредит 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»  
счёти 7 500 000 сўм.

**3. Дивидендлар.**

Дивидендлар акционерларнинг тўловни олишга бўлган ҳуқуқлари белгиланганда, яъни акционерларнинг умумий йиғилишида дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг тан олинади.

## **6-§. Маълумотларни очиб бериш**

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тузиш чоғида «изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар»да қуйидаги маълумотларни очиб бериши лозим:

1. Даромадни тан олиш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан хизмат кўрсатишни ўз ичига олган битимларнинг ниҳоясига етиши босқичларини белгилаш учун қабул қилинган усуллар.

2. Даромаднинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси миқдори, шу жумладан қуйидагилардан олинган даромадлар: товарларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан, фонизлардан, роялтидан, дивидендлардан.

3. Даромадларнинг ҳар бир муҳим тоифасига киритилган товарлар ёки хизматларни айирбош қилишдан олинган даромад миқдори.




## II боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралар»га шарҳлар

### 1-§. Товар-моддий захираларнинг таснифи ва улар бухгалтерия ҳисобининг услубий асослари

Хўжалик юритувчи субъектлар даражасида товар-моддий захиралар йирик миқдордаги молиявий ресурслар қўйилмасини талаб этувчи объектлар жумласига киради ва шунинг учун улар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ёки маркетинг сиёсатини белгилаб берадиган муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Бирок, хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпчилиги одатда уларга етарли даражада эътибор беришмайди ва доимо мавжуд бўлиши лозим бўлган захиралар бўлган эҳтиёжга баҳо беришмайди. Бунинг натижасида, улар товар-моддий захираларга қўзланган даражадан ортиқча маблағлар сарфлашларига дуч келишади. Барча турдаги захираларга (хом ашёдан тайёр маҳсулотгача) сарфланадиган капитал қўйилмаларнинг оптимал даражасини аниқлаш ва сақлаб туриш мақсадида айрим корхоналар товар-моддий захираларнинг оптимал даражасини белгилаб олишади. Ушбу кўрсаткич белгиланганда, унинг доимо сақланиб турилишини таъминлаш талаб этилади, чунки бу ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва истеъмолчи талабини қондиришда жуда зарур ҳисобланади. Бошқа томондан, захираларнинг ҳаддан ташқари ҳажмини сақлаб туришдан қочиш лозим, чунки захираларга бошқа мақсадларда ишлатиб қўшимча даромад олиши мумкин бўлган маблағлар сарфланиши мумкин.


Товар-моддий захиралар доимо моддий-техник таъминот тизимининг хавфсизлигини таъминлайдиган, унинг мосланувчан тарзда амал қилишига олиб келадиган омиллардан бири ҳисобланади ва ўзига хос «суғурта» ролини бажаради.

Хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида товар-моддий захираларни уч тури амал қилади (1-расм):



1-расм. Товар-моддий захиралар турлари.

Мақсадли йўналишига қараб товар-моддий захиралар қуйидаги категорияларга бўлинади (2-расм):



2-расм. Мақсадли йўналишига қараб ТМЗларнинг категориялари.

Технологик, яъни ўтувчи захираларнинг зарурияти шундан иборатки, моддий-техника таъминоти тизимида, хоҳлаган вақтда ушбу тизимнинг бир қисмидан бошқасига ҳаракатланадиган маълум даражадаги захираларнинг одатда мавжуд бўлишидир. Моддий-техник таъминотининг шундай ҳолатлари бўладики, унда захираларнинг бир бўғиндан бошқасига ҳаракатланиши кўп вақтни талаб этиши мумкин ва бундай пайтда ўтувчи захираларнинг ҳажмлари катта бўлади. Буюртмаларнинг узок муддатларда сотилиши вақтида (масалан, товарни ишлаб чиқариш ва уни омборга тайёр маҳсулот кўринишида келиб тушиши ўртасидаги катта вақт сарфланса) технологик захираларнинг умумий миқдори нисбатан юқори бўлади. Худди шу сингари, товарнинг омбордан чиқиш пайти билан уни буюртмачи томонидан олинishi пайти ўртасидаги катта даражадаги вақт оралиғида ҳам ўтувчи захираларнинг катта миқдори тўпланиб қолиши мумкин бўлади. Мисол учун, бирор-бир товарга нисбатан талабнинг ўртача даражаси ҳафтада 200 та буюмга тенг бўлса ва уни буюртмачига етказиш муддати икки ҳафтага тенг бўлган пайтда, ушбу товарнинг ўтувчи захираларининг умумий ҳажми ўртача 400 та буюмни ташкил этади.

Товар-моддий захираларни жорий (циклилар)га бўлишнинг асосий сабаби, кўпчилик тадбиркорлик субъектларида ўзига хос хусусиятнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Ушбу хусусият шундан иборатки, одатда товар-моддий захиралар маълум вақт мобайнида зарур бўладиган ҳажмларга нисбатан ортик миқдорларда буюртма қилинади. Бунга албатта қатор сабаблар бўлиши мумкин, жумладан: буюртма қилинган товарларнинг тўлиқ ҳажмларда олиншининг кечикиши, бу буюртмачилар (айниқса воситачилар)ни маълум вақтда у ёки бу товарларни омборда сақлашга мажбур қилади; товарларни партияди тарикасида сотиб ола-

ётган буюртмачиларга сотиш пайтида бериладиган чегирмалар; минимал ҳажмдаги партиялар билан савдо қилиш битимларининг солиққа тортилиши буюртмачига товарларни кичик миқдорларда юбориш ноқулай бўлишига олиб келади ва бошқалар. Бунда товар-моддий захира-лар ҳажмига нисбатан маълум чекловлар мавжуд бўлади. Чекловчи омиллардан бири бўлиб уларни сақлаш харажатлари ҳисобланади. Шунинг учун, бир томондан товар-моддий захираларни буюртма қилиш, бошқа томондан — уларни сақлаш харажатларининг қулайлик ва камчиликлари ўртасидаги тенгликка эришиш зарурияти пайдо бўлади. Ушбу тенглик буюртма қилинган товарлар партияларининг оптимал ҳажми-ни танлаш ёки буюртма миқдорининг иқтисодий (оптимал) даражаси-ни аниқлаш орқали эришилади.

Резервли (суғурталга ёки буферли) моддий захираларни баъзан «та-лабнинг тасодифий тебранишларини компенсация қилишга мўлжал-ланган зарур захиралар» деб аташади (захираларнинг ушбу категория-сига шунингдек, у ёки бу маҳсулотга бўлган талаб ёки таклифнинг кутилаётган ўзгариши ҳолатларида, мисол учун, меҳнат бўйича келиш-мовчиликлар, нархларнинг кўтарилиши ёки кечиктирилган талаб са-бабли, ташкил этиладиган чайқовчи (спекулятив) захиралар ҳам киради).

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий за-хираларни яратиш учун кўплаб сабаблар мавжуд, бироқ, уларнинг бар-часи учун умумий бўлиб, ишлаб чиқариш фаолияти субъектининг иқти-содий хавфсизлик ва манфаатга интилиши ҳисобланади. Бунда таъкид-лаш жоизки, захираларни яратиш қиймати ва сотиш шартларининг ноаниқлиги, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари кўз ўнгида «хав-фсизлик»нинг қимматбаҳо резервли тармоғининг аҳамиятлилигини ўсишига кўмаклашмайди, чунки улар ишлаб чиқариш самарадорлиги-нинг ўсишига объектив равишда тўсқинлик қилишади.

Захираларни яратишнинг кучли рағбатларидан бири бўлиб, улар-нинг салбий даражаси (дефицит) қиймати ҳисобланади. Захираларнинг етишмовчилиги (дефицити) мавжуд бўлганда, уч хилдаги чиқимлар (ха-ражатлар) пайдо бўлиши мумкин. Қуйида улар салбий таъсирининг ўсишига қараб санаб ўтилган:

— буюртмани бажармаслик билан боғлиқ харажатлар (буюртма қилин-ган товарнинг юборилишини кечиктириш) — мавжуд товар-моддий за-хиралар ҳисобидан бажариш мумкин бўлмаган буюртманинг товарлари-ни ҳаракатланиши ва юборилишига қилинган қўшимча харажатлар;

— сотувни йўқотиш билан боғлиқ харажатлар — доимий буюртмачи ушбу харид бўйича қандайдир бошқа хўжалик юритувчи субъектга муро-

жаат қилган ҳолларда (бундай харажатлар савдо битимининг амалга оширилмаслиги учун йўқотилган савдо тушуми кўрсаткичларида ўлчанади);

— буюртмачини йўқотиш билан боғлиқ харажатлар — захираларнинг мавжуд эмаслиги нафақат у ёки бу савдо битимининг йўқотилиши, балки буюртмачининг доимо бошқа таъминот манбаларини излашни бошлаган ҳолларда (бундай харажатлар, хўжалик юритувчи субъект билан буюртмачи ўртасида тузиладиган барча потенциал битимларни амалга оширишдан олинishi мумкин бўлган умумий савдо тушуми кўрсаткичларида ўлчанади).

Дастлабки икки хилдаги харажатлар, одатда «хўжалик юритувчи субъектнинг альтернатив (муқобил) вариантдаги қарорни қабул қилиши натижасидаги вақтинчалик харажатлар» деб номланадиган харажатлар жумласига олиб борилади. Харажатларнинг учинчи хилини эса ҳисоблаш қийинроқ, чунки истиқболдаги буюртмачилар турлича ва мос ҳолатда харажатлари ҳам турлича бўлади. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектлар учун шу нарса муҳимки, ушбу хилдаги харажатларнинг баҳоси иложи борича ҳақиқатда рўй бериши мумкин бўлган харажатлар суммасига яқинроқ даражада бўлса.

Таъкидлаш жоизки, захиралар етишмовчилигининг қиймати йўқотилган савдо битимлари ёки амалга оширилмаган буюртмаларнинг оддий баҳосидан анча юқори туради. Унинг ичига, махсулотни тайёрлашга кетадиган вақтнинг йўқотилиши ҳам, ишчи вақтининг йўқотилиши ҳам ва балки, мураккаб технологик жараёнлар алмашиши ўртасида ишлаб чиқаришдаги қимматбаҳо узилиш (танаффус) сабабли вақтнинг йўқотилиши ҳам кириб кетади.

Натижада, товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши, харажатларнинг тежалиши ва уларнинг рационал ишлатилиши устидан ўрнатиладиган амалий назоратни таъминлашдаги аҳамияти ва ўрни тўғрисидаги билдирилган фикрлар, уларни ҳаққоний идентификациялаш, баҳолаш ва ҳисобга олиш заруриятига ундайди. Охир-оқибатда қабул қилинадиган бошқарув қарорлари ҳаққоний маълумотларга таяниб, улар одатда хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими фаолияти натижаси ҳисобланади.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ва уларни бухгалтерия ҳисобига олишда қўйиладиган талаблар 3-расм ва 4-расмда келтирилган.

Бунда, корхоналарда товар-моддий захираларнинг бутлиги устидан самарали ички назорат ўрнатишнинг зарурий шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:



3-расм. Товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари.

— керакли даражада жиҳозланган омборлар ва сақлаш хоналари (кладовые) ёки махсус мўлжалланган майдончаларнинг (очиқ ҳолда сақланадиган захиралар учун) мавжудлиги;

— омбор секциялари бўйича ва уларнинг ичида алоҳида гуруҳлар ва тур-нав-ўлчов бўйича захираларни шундай тартибда жойлаштиришки, бунда уларни тезкорлик билан қабул қилиш, чиқариш ва мавжудлигини текшириш (ҳар бир турдаги захираларни сақлаш жойларида захирада турганлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ёрлик (ярлык)-ларни бириктириш зарур) имконияти таъминланган бўлиши керак;

— захиралар сақланадиган жойларни тарозилар, ўлчов асбоблари ва ўлчов идишлар билан тўла таъминлаш;

— олдиндан келишилган графиклар бўйича ташкилот омборларидан унинг цехлари (бўлинмалари)га материалларни марказлаштирилган тартибда етказишни, қурилиш корхоналарида эса мол етказиб берувчилардан, асосий омборлардан ва бутловчи участкалардан бевосита қурилиш объектларига бутловчи ведомостлар орқали етказишни қўллаш;

— ортиқча оралик омборлар ва сақлаш хоналарини қисқартириш;



4-расм. Товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган асосий талаблар.

— материалларни бичишнинг марказлаштирилган участкаларини зарур бўлган жойларда ва мақсадга мувофиқ бўлган жойларда ташкил этиш;

— марказий (асосий) омборлар, алоҳида ҳисоб бирликлари ҳисобланадиган омборлар (сақлаш хоналари) рўйхатини белгилаш;

— захиралар сарфининг меъёрлаш тартибини ўрнатиш (меъёрларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ташкилот бўлинмаларига материалларни чиқаришда меъёрларнинг бажарилиши);

— захираларга ҳисоб баҳоларини шакллантириш тартиби ва уларни қайта кўриб чиқиш тартибини белгилаш;

— захираларнинг қабул қилиниши ва чиқарилишига масъул (омборлар, сақлаш хоналари мудирлари, экспедиторлар ва бошқалар), ушбу операцияларнинг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши, шунингдек уларга ишониб топширилган захираларнинг бутлиги учун масъул шахслар рўйхатини белгилаш;

— юқорида келтирилган шахслар билан ўрнатилган тартибда моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартномаларни тузиш; моддий

жавобгар шахсларни ишдан бўшатишда ва бошқа жойга ўтказишда ташкилот бош бухгалтери билан келишилган ҳолда қарор қабул қилиш;

— захираларни қабул қилиш ва омборлардан чиқариш ҳужжатларини имзолаш, ва шунингдек ташкилот омборлари ва бошқа сақлаш жойларидан захираларни чиқариб кетиш рухсатномаси (ўтказиш варақаси)ни бериш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаш;

— ташкилот раҳбари томонидан бош бухгалтер билан келишилган ҳолда тасдиқланган бирламчи ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатининг мавжудлиги (рўйхатда шахсларнинг мансаби, фамилияси, исми, отасининг исми ва ваколати даражаси (ушбу мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилинадиган операцияларнинг турлари ва кўринишлари) кўрсатилади).

Товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри ва тўлақонли ташкил этиш мақсадида уларни илмий асосланган таснифи ва баҳоланиши муҳим аҳамиятга эга.

Эгалик қилиш хусусиятига мувофиқ, моддий-ишлаб чиқариш захиралари ташкилотга эгалик ҳуқуқи ҳамда ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бўйича тегишли (хусусий) ва унга ушбу ҳуқуқлар бўйича тегишли бўлмаган (хусусий бўлмаган) бойликларга бўлинади (5-расм).


Ташкилотларга тегишли бўлган товар-моддий бойликларга у томондан тайёрланган, сотиб олинган ёки бошқа шаклда олинган бойликлар киритилиб, улар омборда ёки ишлаб чиқариш жараёнида жойлашган бўлади.

Ташкилотга эгалик ҳуқуқи ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқ бўйича тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартлари бўйича унинг ихтиёридаги товар-моддий бойликлар киритилиб, улар алоҳида турлари бўйича — баланسدан ташқари сўтда ҳисобга олинади.

Ишлатилиш тартибига мувофиқ товар-моддий бойликлар қуйидагича бўлинади (6-расм).

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида бажариладиган ролига қараб материаллар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- хом ашё ва асосий материаллар;
- ёрдамчи материаллар;
- ёқилғи;
- эҳтиёт қисмлар;
- идиш ва идиш материаллари;
- сотиб олинган тайёр маҳсулотлар;



5-расм. Эгалик қилиш хусусияти бўйича ТМЗларни таснифлаш.


- қайтариладиган ишлаб чиқариш чиқиндилари;
- бошқа материаллар.

**Хом ашё ва асосий материаллар** ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моддий (буюмли) асосини ташкил этади ёки уни тайёрлашнинг зарурий қисми ҳисобланади. Хом ашё деганда қишлоқ хўжалиги ва қазиб олувчи саноат маҳсулотлари (кўмир, руда, дон ва бошқалар), материал дейилганда асосан қайта ишлаш саноат маҳсулотлари (газлама, шакар, ун ва бошқалар) тушунилади.

**Ёрдамчи материаллар** хўжалик эҳтиёжлари, технологик мақсадлар, ишлаб чиқариш жараёнига кўмаклашиш учун истеъмол қилинади. Ёрдамчи материаллар маҳсулотга алоҳида истеъмол хусусиятларини бериш мақсадида хом ашё ва асосий материалларга таъсир этиш учун ишлатилади.

**Ёқилғи** транспорт воситаларини ишлатишда, ишлаб чиқаришнинг технологик эҳтиёжлари учун ҳамда энергия ишлаб чиқариш ва биноларни иситиш учун мўлжалланган. Ёқилғи бир неча турлардан иборат:





6-расм. ТМЗларни ишлатилиш тартибига қараб таснифлаш.

нефть маҳсулотлари (нефть, дизель ёқилғиси, бензин), қаттиқ ёқилғи (кўмир, ўтин) ва газсимон ёқилғи.

**Эҳтиёт қисмлар** машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт восиларининг емирилган ва эскирган қисмларини таъмирлаш ва алмаштириш учун хизмат қилади.

**Идиш ва идиш материаллари** — турли материаллар ва маҳсулотларни ўраш, ташиш, сақлаш учун қўлланиладиган предметлар (қоплар, қутилар, бочкалар ва ҳоказо) ҳамда идишларни тайёрлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар ва деталлар (қутиларни йиғиш деталлари, бочка қисқичлари, темир айланмалари ва бошқалар).

**Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар** — бу ушбу ташкилот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган четки (бошқа) ташкилотлар маҳсулоти бўлиб, кейинчалик қайта ишлов ва йиғиш бўйича харажатларни талаб этади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этади. Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотларга компьютер платалари, қурилиш конструкциялари мисол бўла олиши мумкин.

**Ишлаб чиқаришнинг қайтариладиган чиқиндилари** — бу маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган ва бирламчи хом ашё ва материаллар хусусиятларини тўла ёки қисман йўқотган хом ашё ва материаллар қолдиғидир (ёғоч ва темир қириндилари, шрот ва шу кабилар).

**Бошқа материаллар** — тузатилмайдиган брак ҳамда ушбу ташкилотда материаллар, ёқилғи ёки эҳтиёт қисмлар таркибида ишлати-

лиши мумкин бўлмаган асосий воситаларнинг, инвентар ва хўжалик анжомларининг чиқиб кетишидан олинган моддий бойликлардир (металлолом, утиланган хом ашё, емирилган шиналар ва шу кабилар).

Товар-моддий захираларнинг энк кўп тарқалган хиллари бўлиб хом ашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар захираси, тайёр маҳсулотнинг таркибий қисмлари, қуйилма ва сочма буюмлар (нефть, мой, ун) ва бошқалар ҳисобланади. Машина ва асбоб-ускуналар, уларни сотиб олиб ишлатадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий воситалар сифатида намоён бўлса, уларни ишлаб чиқарадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун, улар сотилгунга қадар товар-моддий захиралар сифатида ҳисобга олинадилар.

Одатда товар-моддий захираларнинг қуйидаги хиллари фарқланади (хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларнинг конкрет хилма-хиллик тўплами уларнинг фаолият хусусиятларига боғлиқ бўлади):

**Товар захиралари** — кейинчалик қайта сотиш учун мўлжалланган, компания томонидан сотиб олинган товарлар. Бунда, хўжалик юритувчи субъект, одатда, товарларнинг жисмоний шаклига сезиларли даражада ўзгартиришлар киритмайди, чунки мол етказиб берувчидан сотиб олинганда улар олдиндан тайёр маҳсулот ҳисобланади. Бироқ, сотиб олиб сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар қатор ҳолларда бундай товарларни комплектлаш, уларни бирор-бир тизимга бириктириш билан шуғулланидилар (масалан, бир неча асбоб-ускуналарни битта ишлаб чиқариш линиясига бирлаштириб, кейинчалик уларни харидорга яхлит ҳолда етказиб берадилар). Савдо-тайёрлов компанияларида, комплектациялашга ихтисослаштирилган компанияларда ва шу кабиларда товар захиралари товар-моддий захираларнинг асосий қисмини ташкил этади.

**Ишлаб чиқариш захиралари** — хўжалик юритувчи субъектда кейинчалик қайта ишлашга йўналтирилган сотиб олинган ёки мустақил равишда тайёрланган буюмлардир. Улар қуйидаги хилларга бўлинадилар:

хом ашё — хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ҳисобланган ва кейинчалик қайта ишлаш учун мўлжалланган сотиб олинган ёки бошқача усул билан олинган (мисол учун, қазиб олинган) товарлардир;

тугалланмаган ишлаб чиқариш — тайёр маҳсулотга айлантирилиши уларнинг кейинчалик қайта ишланишини талаб этадиган товарлардир. Уларнинг қиймати маълум вақт пайтигача аввал амалга оширилган хом ашё, ишчи кучи харажатлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш бирлигига тақсимланган устама харажатларининг (конкрет маҳ-

сулот бирлигини тайёрлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган, бутун ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун амалга оширилган харажатлар, масалан, иситиш, электр энергияси, сув таъминоти ва шу каби харажатлар) суммаси сифатида аниқланади;

тайёр маҳсулот — сотиш учун мўлжалланган ва қайта ишланиши тугатилган буюмлар. Уларнинг қиймати тўғри харажатлар ва устама харажатларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади;

ёрдамчи материаллар — қиймати сотиб олиш пайтида умумий харажатлар ёки сотиш харажатлари сифатида акс эттириладиган тез сарфланувчи материаллардир (идора анжомлари, ўраш материаллари ва ҳ.к.).

Ишлаб чиқариш захираларининг юқорида келтирилган таснифи синтетик ва аналитик ҳисобни ташкил этиш, ҳамда ишлаб чиқариш — фойдаланиш (эксплуатация) фаолиятида хом ашё ва материалларнинг қолдиғи, келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисида статистик ҳисоботни тузиш учун ишлатилади.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳлар ичида моддий бойликлар хилларга, навларга, маркаларга, тур-ўлчамларга бўлинади. Ҳар бир материалнинг номига, навига, ўлчамига қисқа рақамли белги беришади (номенклатура рақами) ва уни номенклатура-нархлагич деб номланувчи махсус реестрга ёзишади. Номенклатура-нархлагичда, шунингдек материалларнинг қатъий ҳисоб нархи ва ўлчов бирлиги ҳам кўрсатилади. Ҳисобда ЭҲМлардан фойдаланиш шароитида номенклатура-нархлагичнинг таркибини сезиларли даражада кенгайтириш мумкин, унга захираларнинг меъёри, синтетик счётлар гуруҳи ва алоҳида счётлар рақамлари ва баъзи бир бошқа доимий кўрсаткичларни киритиш орқали.

Товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисоби тартибини аниқлаб берувчи асосий меъёрий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом;

— Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралар» (кейинги ўринларда БҲМС № 4 деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (кейинги ўринларда БҲМС № 21 деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 19) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (кейинги ўринларда БҲМС № 19 деб юритилади) ва бошқ.

БҲМС № 4 га мувофиқ, товар-моддий захиралар бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда қуйидаги кўринишга эга бўлган активлар ҳисобланади:

— маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар захиралари;

— боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан ярқисиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;

— деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

— ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси — сотиш учун мўлжалланган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутлиниши) тугалланган актив);

— бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт

воситалари, мулкӣ (мутлак) ҳуқуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

**1-мисол.** «Ташкент риал истейд трейдинг» компанияси кўчмас ва кўчадиган мулк олди-сотдиси билан шуғулланади. Компаниянинг ҳисобидан сотиб олинган хусусий турар жой ва саноат бинолари ҳамда олдин ишлатилган транспорт воситалари бухгалтерия ҳисобида товарларни ҳисобга олувчи счётлар (2900)нинг дебетиди, мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (6000) ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) билан корреспонденцияда (боғланишда) кириб қилинади.

БХМС № 4 нинг 6-бандига асосан, **инвентар ва хўжалик жиҳозлари** таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

— хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

— хизмат муддатидан қатъи назар, қиймати (харид қилиш пайтида) бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳисобот йили учун тузилган ҳисоб сиёсатида инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибиди ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Буюмлар қийматининг энг паст чегарасини ўрнатишда, уларни инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибиди ҳисобга олиш учун, корхона раҳбарлари тармоқ хусусиятларига (машинасозлик, қурилиш, савдо, алоқа ва шу кабилар), корхонанинг ишчилар сони бўйича ўлчамига (микрофирма, кичик корхона, йирик корхона ва шу кабилар), корхонанинг хўжалик операциялари хусусиятларига асосланишлари мумкин.

**2-мисол.** Маиший ва саноат шиша буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Кварц-миррор» йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобот йили учун корхона раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатини тайёрлади. Ҳисоб сиёсатининг «Товар-моддий захиралар» номли бўлимида қуйидагилар келтирилган: «товар-моддий захиралар сифатида ҳисобга олинган инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган моддий активлар киритилади: 1) хизмат муддати бир йилдан кам бўлган; 2) хизмат муддатидан қатъи назар, қиймати (харид қилиш пайтида) бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача миқдорда бўлган буюмлар».

БҲМС № 4 нинг юқорида таъкидланган бандида, хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилиши баён этилган:

— махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

— махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

— кўрпа-тўшаклар;

— ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

— ошхона инвентари ҳамда сочик-дастурхонлар;

— барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

— фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

— овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва х.к.).

БҲМС № 4 га мувофиқ, юқори санаб ўтилган товар-моддий захира-лар турлари бухгалтерия балансининг «Товар-моддий захиралар» умумий моддаси доирасида бирлаштирилган. Ушбу моддага умуман БҲМС № 21 нинг қуйидаги счётлари қолдиқлари мос келади:

1000 — «Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»;

1100 — «Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счётлар»;

1500 — «Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар»;

1600 — «Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2000 — «Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар»;

2100 — «Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2300 — «Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар»;

2500 — «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар»;

2600 — «Ишлаб чиқаришдаги яроксиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2700 — «Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2800 — «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2900 — «Товарларни ҳисобга олувчи счётлар».

Олдинги ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар қолдиғи ушбу ҳисобот йили бошланишига ўтказилади. Унга ушбу ҳисобот давр

давомида сотиб олинган ёки яратилган товар-моддий захиралар қиймати кўшилади. Ҳосил бўлган сумма сотилган маҳсулот ва ушбу ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар қолдиги ўртасида тақсимланади. Биринчи кўрсаткич молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ва товарлар таннархи таркибида) кўрсатилади ва асосий фаолиятдан олинган соф фойдани ҳисоблашда ишлатилади, иккинчиси бухгалтерия балансида акс эттирилади.

## 2-§. Товар-моддий захираларни тан олиш

БХМС № 4 нинг 8-бандида товар-моддий захираларни актив сифатида тан олишнинг куйидаги мезонлари белгиланган:

— ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий нафннинг келиб тушишига ишонч мавжудлиги;

— активнинг қиймати ишончли баҳоланиши мумкинлиги;

— уларга бўлган мулкӣ ҳуқуқининг корхонага ўтганлиги.

Товар-моддий захираларнинг **биринчи шартга** мослигини аниқлашда корхона дастлабки тан олиш пайтида мавжуд бўлган фактларга асосланиб бўлажак иқтисодий нафннинг олиниши эҳтимоллиги даражасини баҳолаши лозим бўлади. Бунинг маъноси шундаки, корхона олинган активга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқаришга боғлиқ бўлган барча бўлажак даромадлар (улар одатда товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши, шунингдек сотилишидан тушадиган даромадлар шаклида намоён бўлади) ўзига тегишли бўлишига ишонч ҳосил қилиши лозим ва мазкур объектга эгалик қилишга боғлиқ барча таваккалчиликни (жумладан мулкнинг тасодифан ишдан чиқиши ёки бузилиши хавфи, шунингдек уни сақлаш, қайта ишлаш ва ҳисобдан чиқаришга боғлиқ кўзда тутилган харажатларни) ўз зиммасига олади. Иқтисодий наф олиш эҳтимоллигининг мавжудлиги корхона актив билан боғлиқ бўлган, иқтисодий моддий бойликларга эга бўлиши ва шунга мувофиқ тегишли таваккалчиликни ўз зиммасига олиши хусусида ойдinлик киритилишини тақозо этади. Одатда иқтисодий манфаатлар ва таваккалчиликлар корхонага тўлиқ ўтгандагина бундай аниқлик пайдо бўлади. Бунгача эса активни харид қилиш операцияси деярли талафотларсиз (жарималарсиз) бекор қилишини мумкин, шунинг учун актив тан олинмайди.

Товар-моддий захираларни тан олишнинг юқорида келтирилган **иккинчи шарт**и бухгалтерия ҳисоби амалиётида одатда осон қониктирилади, чунки активни харид қилиш операцияси натижасида унинг қиймати аниқланади. Масалан, товар-моддий захиралар бошқа шахслардан

сотиб олинаётганда уларнинг қийматини баҳолашнинг асосий ишончли кўрсаткичи товар-моддий захираларнинг томонларни қониқтирадиган ва олди-сотди шартномасида кўрсатилган баҳоси ҳисобланади; товар-моддий захиралар корхонага бепул келиб тушганда баҳолашнинг асосини тегишли ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган товар-моддий захиралар қиймати ёки улар келиб тушган пайтдаги бозор қиймати ташкил қилади. Бунда, агар актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан мустақил яратилган бўлса, унинг қийматини материаллар, ишчи кучини сотиб олиш бўйича ташқи томонлар билан олиб борилган операциялар ҳамда товар-моддий захираларни яратиш (ишлаб чиқариш) жараёнидаги бошқа харажатлар асосида ишончли баҳолаш мумкин.

Товар-моддий захираларни тан олишнинг учинчи шарти шундан келиб чиқадики, маълум муддатга (масалан, молиявий ҳисоботни тузиш санасигача) бўлган даврда хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида бўлган барча захиралар, улар қаерда жойлашган бўлишидан қатъи назар, товар-моддий захираларга олиб борилади. Яъни, буюмни хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига ўтказишнинг ҳал қилувчи мезони бўлиб унинг мазкур буюмга бўлган мулкӣ ҳуқуқи ҳисобланади. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектга тегишли ҳудудда бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки бўлган буюмлар бўлиши мумкин. Консигнация шартномаси асосида келиб тушган товарлар ёки товар-моддий захираларни сотиш ҳақида ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилиб, аммо ўз вақтида харидор томонидан олиб чиқиб кетилмаган товарлар бунга мисол бўла олади. Булар хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига кирмайди.

Сотиб олинган ва ҳали йўлда бўлган товарлар, агар уларга бўлган мулкӣ ҳуқуқ хўжалик юритувчи субъектга берилган бўлса, унинг товар-моддий захираси ҳисобланади. Мулкӣ ҳуқуқнинг берилиши санаси одатда товарларни сотиб олиш шартномасида белгиланади. Чунончи, **ФОВ** (*FOB (free on board) destination*), манзилга етказиб бериш шартларига кўра, етказиб берувчи сотиб олинган товарни хўжалик юритувчи субъект томонидан кўрсатилган манзилга етказиб бергандан кейин мулкӣ ҳуқуқ амал қилади. Бу пайтгача йўлда бўлган товар хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига тегишли булмайди. **ФОВ** (*FOB shipping point*) жўнатиш шартлари бўйича товар хўжалик юритувчи субъект томонидан сотиб олинганда таъминотчи товарни етказиб берувчига топширган пайтдан эътиборан мулкӣ ҳуқуқ харидорга ўтади, ушбу пайтдан бошлаб йўлдаги товар уни харид қилган хўжалик юритувчи субъектга тегишли товар-моддий захираларнинг бир қисми ҳисобланади.



Хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига, шунингдек, савдо агенти томонидан консигнация келишувлари доирасида берилган товарлар ҳам киради. Бундай келишувларда кўзда тутилишича, товар эгаси уни савдо агентига топширади, савдо агентининг вазифаси эса ушбу товарни сотишдан иборат. Агент товарни сотиб олмайди, ammo ўз зиммасига уни сақлаш бўйича мажбуриятни олади. Товарни сотгандан сўнг агент унинг олдинги эгасига савдо тушумини ўтказиб беради. Агент харажатларини қоплаш, шунингдек унга комиссия мукофот бериш тартиби консигнация шартномасида кўрсатилади. Агент ихтиёрида сотувда бўлган товарлар агентнинг эмас, балки уларни берган хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг товар-моддий захираларига таъминотчи томонидан юклаб жўнатилган, мулкый ҳуқуқ харидорга ўтмаган, ammo қабул қилиш пайтида харидор томонидан яроқсиз деб топилган ва қайтарилиши лозим бўлган товарлар киритилмайди.

Товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил тарзда шундай белгиланадики, ушбу бирлик мазкур захиралар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотнинг шакллантирилишини, шунингдек уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминлаши лозим. Товар-моддий захираларнинг хусусиятига, уларни харид қилиш тартиби ва улардан фойдаланишга қараб товар-моддий захираларнинг бирлиги деб номенклатура рақами, партияси, бир турдаги гуруҳи ва ҳоказолар олинади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан олинган товар-моддий захиралар ҳам, корхонада ишлаб чиқарилган товар-моддий захиралар ҳам, меъёрий ҳужжатларда бошқача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли омборхонасига қабул қилиниши керак.

Таъминотчи томонидан юклаб жўнатилган ва йўлда бўлган, мулкый ҳуқуқи эса харидор томонидан товар қабул қилинган пайтда харидорга ўтган товар-моддий захиралар учун тўланган бўнак миқдори бухгалтерия ҳисобидаги ҳисоб-китоблар счётида дебиторлик қарзи сифатида қайд этилади.

**3-мисол.** «Нукус билдинг» қурувчилик компанияси 2006 йил 10 августда «Охангарон-шифер» акциядорлик жамияти билан 100 000 дона шиферни ҳар бирини 6 500 сўмдан сотиб олиш тўғрисида шартнома тузди. Шартномага мувофиқ, қурувчилик компанияси 2006 йил 12 августда шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 30 фоизини бўнак

сифатида тўлаб берди. Шартнома ФОВ манзилга етказиб бериш шarti билан тузилган ва унда шиферни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари харидор ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. 2006 йил 15 августда «Оҳангарон-шифер» товарни темир йўл транспортига юклаб жўнатди, товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича операциялар харидорнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

**2006 йил 12 август:**

— шартномага кўра тўланган бўнақ суммасига:

*дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар»*

*счёти*

*195 000 000 сўм;*

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*195 000 000 сўм.*

**2006 йил 15 август:**

Темир йўл компаниясига юклаб жўнатилган товар суммасига бухгалтерия ёзувлари талаб этилмайди, чунки товарга бўлган мулкый ҳуқуқи харидорга ҳали ўтмаган.

Хўжалик юритувчи субъектда келиб тушган моддий қийматлар учун мулкый ҳуқуқ (тегишли равишда хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи) бўлмаса, ушбу моддий қийматлар балансдан ташқари счётларда ҳисобга олиними керак. Масалан, 3-мисол маълумотларига кўра, темир йўл компанияси харидордан етказиб бериш учун олинган шифер қийматини балансдан *ташқари 002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти дебети* бўйича акс эттиради ва етказиб берилган юк харидорга топширилгандан сўнг мазкур счётнинг кредити бўйича ҳисобдан чиқаради.

Етиб келган ва мулкый ҳуқуқи хўжалик юритувчи субъектга ўтган товар-моддий захираларнинг қиймати бухгалтерия балансига киритилиши керак.

Товар-моддий захиралар хўжалик юритувчи субъект балансига қуйидагилар натижасида киритилади:

— олди-сотди шартномаси бўйича харид қилиниши;

— таъсисчилардан ташкилот устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

— ташкилотнинг олдин бошқа ташкилот устав капиталига киритилган таъсис улуши таъсисчилар сафидан чиқарилганда ёки ташкилот тугатилаётганда унинг мулки иштирокчилар ўртасида тақсимланиши туфайли қайтарилиши;

— бепул келиб тушиши (ҳадя шартномаси бўйича);

— айирбошлаш (алмаштириш);

- узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказилиши;
- ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларнинг аниқланиши;
- аввал берилган товар қарзининг қайтарилиши ёки товар қарзининг олинishi;
- ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;
- товар-моддий захираларга нисбатан мулкый ҳуқуқи олинishiга олиб келган бошқа операциялар ва ҳодисалар.

Товар-моддий захираларни қирим қилиш билан боғлиқ бўлган операцияларни «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 21)га мувофиқ бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини кўриб чиқамиз.

### *2.1. Олди-сотди шартномаси бўйича товар-моддий захира-ларни харид қилишни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш*

**4-мисол.** «Ниҳол» кичик корхонаси сабзавот ва меваларни консервалаш билан шуғулланади. 2006 йил 10 сентябрда «Шакар» акциядорлик жамияти билан 10 тонна шакарни ҳар бир тоннаси учун 1 100 000 сўмдан сотиб олиш бўйича шартнома, 12 сентябрда эса «Кварц» акционерлик жамияти билан ҳар донаси 250 сўмдан бўлган 100 000 дона икки литрлик шиша идиш сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Шартномаларда маҳсулотни харидор томонидан юклаб олиб келиши кўзда тутилган бўлиб, мулкый ҳуқуқ маҳсулот таъминотчи омборхонасидан юкланган пайтдан бошлаб харидорга ўтади. Шу билан бирга, 2006 йилнинг сентябрь ойи давомида корхона аҳолидан нақд пулга ҳар бир килограмми учун 200 сўмдан 20 тонна беҳи, 150 сўмдан 30 тонна олхўри ва 125 сўмдан 50 тонна олма сотиб олди. 2006 йил 14 сентябрда шакарнинг умумий шартномавий суммасидан 50 % миқдорида ва шиша идишларнинг умумий шартномавий суммасидан 40 % миқдорида олдиндан тўловларни амалга оширди.

2006 йил 15 сентябрда «Шакар» акционерлик жамияти 10 тонна шакарни юклаб жўнатди, 2006 йил 17 сентябрда «Кварц» акционерлик жамияти ҳам барча шартномавий маҳсулотни юклаб жўнатди. Шакарни етказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар 40 000 сўмни, шиша идишларни етказиш харажатлари эса 250 000 сўмни ташкил қилди.

Хом ашё ва материалларни харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Нихол» кичик корхонаси бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

**2006 йил 14 сентябрь:**

— харид қилинаётган шакар ва шиша идишлар учун олдиндан тўловни амалга ошириш:

дебет 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 5 500 000 сўм  
— «Шакар» акционерлик жамияти аналитик счёти;

дебет 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 10 000 000 сўм  
— «Кварц» акционерлик жамияти аналитик счёти;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 15 500 000 сўм;  
**сентябрь ойи мобайнида келиб тушиш санасига:**

— ҳисобдор шахсларга (тайёрловчилар ёки моддий жавобгарга) аҳолидан мева ва сабзавотларни сотиб олиш учун нақд пул маблағларини бериш:

дебет 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар» счёти 15 500 000 сўм;

кредит 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти 15 500 000 сўм;

— сотиб олинган (тайёрланган) меваларни омборхонага кирим

қилиш:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти  
— «Беҳи» аналитик счёти 4 000 000 сўм;

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти  
— «Олхўри» аналитик счёти 4 500 000 сўм;

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти  
— «Олма» аналитик счёти 6 250 000 сўм;

кредит 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар» счёти 14 750 000 сўм;

**2006 йил 15 сентябрь:**

— мол етказиб берувчи томонидан юклаб жўнатилган материалларни кирим қилиш:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти  
— «Шакар» аналитик счёти 11 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти  
— «Шакар» АЖ аналитик счёти 11 000 000 сўм;

— мол етказиб берувчиларга шакар учун илгари ўтказиб берилган бўнакни ҳисобга олиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

— «Шакар» АЖ аналитик счёти 5 500 000 сўм;

кредит 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счёти

— «Шакар» АЖ аналитик счёти 5 500 000 сўм;

— харид қилинган материалларни етказиб бериш (ташиш) билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти

— «Шакар» аналитик счёти 40 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

ёки 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 40 000 сўм;

**2006 йил 17 сентябрь:**

— харид қилинган идиш ва идиш материалларининг қирим қилиниши:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти

— «Шиша банкалар» аналитик счёти 25 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

— «Кварц» АЖ аналитик счёти 25 000 000 сўм;

— мол етказиб берувчиларга идишлар учун илгари ўтказиб берилган бўнакни ҳисобга олиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

— «Шакар» АЖ аналитик счёти 10 000 000 сўм;

кредит 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счёти

— «Шакар» АЖ аналитик счёти 10 000 000 сўм;

— харид қилинган материалларни етказиб бериш (ташиш) билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»

«Шиша банкалар» аналитик счёти 250 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти

ёки 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 250 000 сўм.

## **2.2. Ташкилот устав капиталига таъсисчилардан улуш сифатида товар-моддий захираларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш**

**5-мисол.** «Сармоя» масъулияти чекланган жамияти 2006 йил 1 майда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган. Жамият уставига кўра, асосий фаолият тури — улгуржи савдо (ОКОНХ бўйича коди — 71100 «Улгуржи савдо»); жамиятнинг устав капитали 40 000 000 сўмни ташкил қилади ва тўртта таъсисчилар (жисмоний шахслар) ўртасида ҳар бирига 10 000 000 сўмдан тақсимланган. Жамият уставини рўйхатга олиш санасигача барча таъсисчилар ўзининг устав капиталидаги улушининг 30 фоизини киритган. Жамият таъсисчилари устав капиталидаги қолган улушларини қуйидаги шаклда киритдилар: 2006 йил 5 майда таъсисчилардан бири хорижда ишлаб чиқарилган 35 та гилам киритди; 2006 йил 7 майда иккинчи таъсисчи 10 дона офис курсилари ва бир дона ҳисоб-касса терминалини киритди; 2006 йил 9 майда учинчи ва тўртинчи таъсисчилар 5 та ошхона гарнитури, 4 та ётоқхона гарнитури ва 2 000 000 сўмдан нақд пул киритдилар.

Улгуржи савдо корхонаси уставини рўйхатга олиш ва корхонанинг устав капиталини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

### **2006 йил 1 май:**

— «Сармоя» МЧЖ устав капиталини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олиш:

<i>дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарздорлиги» счёти</i>	<i>40 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 8330 «Пайлар ва улушлар» счёти</i>	<i>40 000 000 сўм;</i>

— таъсисчиларнинг жамият устав капиталидаги ўз улушлари ҳисобига бадалларининг келиб тушиши:

<i>дебет 5010 «Миллий валюта ҳисобидаги пул маблағлари» счёти</i>	<i>12 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарздорлиги» счёти</i>	<i>12 000 000 сўм;</i>

### **2006 йил 5 май:**

— таъсисчиларнинг жамият устав капиталидаги ўз улушлари ҳисобига бадалларининг киритиши (киритилган 35 дона гиламлар таъсисчилар томонидан ҳар бири 200 000 сўм суммага баҳоланган):

<i>дебет 2910 «Омборлардаги товарлар» счёти</i>	
<i>— «Гиламлар» аналитик счёти</i>	<i>7 000 000 сўм;</i>

кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарздорлиги» счёти 7 000 000 сўм;  
7 000 000 сўм = 35 дона х 200 000 сўм;

**2006 йил 7 май:**

— таъсисчиларнинг жамият устав капиталидаги ўз улушлари ҳисобига бадалларининг киритиши (киритилган 10 офис курсилари таъсисчилар томонидан ҳар бири 300 000 сўмдан ва ҳисоб-касса терминали 4 000 000 сўмга баҳоланган):

дебет 2910 «Омборлардаги товарлар» счёти  
— «Офис курсилари» аналитик счёти 3 000 000 сўм;  
дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиши»  
счёти 4 000 000 сўм;

кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарздорлиги» счёти 7 000 000 сўм;  
3 000 000 сўм = 300 000 сўм х 10 дона;

**2006 йил 9 май:**

— таъсисчиларнинг жамият устав капиталидаги ўз улушлари ҳисобига бадалларининг киритиши (ошхона гарнитурлари таъсисчилар томонидан ҳар бири 1 000 000 сўмга, ётоқхона гарнитурлари эса ҳар бири 1 250 000 сўмга баҳоланган):

дебет 5010 «Миллий валюта ҳисобидаги пул  
маблағлари» счёти 4 000 000 сўм;

дебет 2910 «Омборлардаги товарлар» счёти  
— «Ошхона гарнитури» аналитик счёти 5 000 000 сўм;

дебет 2910 «Омборлардаги товарлар» счёти  
— «Ётоқхона гарнитури» аналитик счёти 5 000 000 сўм;

кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарздорлиги» счёти 14 000 000 сўм;

5 000 000 сўм = 1 000 000 сўм х 5 дона;

5 000 000 сўм = 1 250 000 сўм х 4 дона.

**2.3. Илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган таъсисчилик улушининг ушбу ташкилот таъсисчилари тарикибидан чиқиб кетиши ёки ушбу тугатилаётган ташкилот мулкисининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши натижасида товар-моддий захираларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириши**

**6-мисол.** «Ҳокисор» акционерлик жамияти «Камтар» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиси ҳисобланади ва унинг устав капита-

лидаги улуши 20 % ни ташкил этади. 25 000 000 сўмни ташкил этадиган мазкур улуш «Хокисор» АЖ бухгалтерия ҳисобида 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счётида ҳисобга олинган. 2006 йил 10 июлда «Хокисор» акционерлик жамияти «Камтар» МЧЖ таркибидан чиқиши ҳақида қарор қабул қилди. 2006 йил 15 июлда «Камтар» МЧЖ таъсисчилари «Хокисор» АЖ ни таъсисчилар таркибидан чиқариш ҳақидаги қарорни қабул қилди, бошқа таъсисчилар устав капиталидаги АЖ улушини сотиб олишдан бош торгани сабабли, унга улушни қайтариб беришга қарор қилинди. Бухгалтернинг ҳисоб-китобларига қараганда, «Камтар» МЧЖнинг соф активлари АЖ таъсисчилар таркибидан чиқиш санасидаги ҳақиқий қиймати 215 000 минг сўмга тенг. «Камтар» МЧЖда етарлича пул маблағлари бўлмагани туфайли, улушга тўғри келадиган сумманинг бир қисмини 28 000 000 сўмлик товар-моддий захиралар билан қайтаришга келишилди. 2006 йил 1 августда акциядорлик жамияти аввал масъулияти чекланган жамият устав капиталига киритган таъсис улушининг қайтарилиши сифатида 28 000 000 сўмлик товарни қабул қилди ва қолган қисмини пул маблағлари кўринишида олди.

Илгари бошқа ташкилот устав капиталига киритилган таъсис улушининг қайтарилиши сифатида товар-моддий захираларнинг келиб тушиши билан боғлиқ бўлган ҳўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

**2006 йил 15 июль:**

— таъсисчиларнинг акциядорлик жамияти МЧЖ таъсисчилари таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарор қабул қилиши санасига — соф активларнинг ҳақиқий қиймати улуши суммасига:

*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 43 000 000 сўм;*  
*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 43 000 000 сўм;*

— МЧЖ устав капиталидан чиқиб кетаётган улуш қолдиги суммасига:  
*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 25 000 000 сўм;*  
*кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»*  
*счёти 25 000 000 сўм;*

— бошқа ташкилот таъсисчилари таркибидан чиқиб кетишдан олинган даромад суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 18 000 000 сўм;*  
*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»*  
*счёти 18 000 000 сўм;*



**2006 йил 15 июль:**

— МЧЖ устав капиталига илгари киритилган таъсис улушининг қайтарилишидан олинган товарлар кирим қилинганда:

дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 28 000 000 сўм;

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи  
счётлар 15 000 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 43 000 000 сўм.

**2.4. Товар-моддий захираларнинг текин келиб тушишининг (ҳадя шартномаси бўйича) бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилиши**

7-мисол. «ГИЛАМБОФ» хусусий корхонаси (ХК) 2006 йил 25 сентябрда «ЖУН-ТАЙЁРЛОВ» масъулияти чекланган жамиятидан бепул жун олиш тўғрисидаги шартномани имзолади. Шартномага мувофиқ, «ЖУН-ТАЙЁРЛОВ» МЧЖ «ГИЛАМБОФ» хусусий корхонасига 3500 кг жунни бепул етказиб бериш мажбуриятини олади. 2005 йил 30 августда хом ашё хусусий корхона томонидан кирим қилиб олинди ва уни ташиб келтириш харажатлари эса 35 000 сўмни ташкил этди. Ушбу сумма бўйича ҳисоб транспорт ташкилоти томонидан хом ашё етказиб берилган кунда тақдим этилди. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган маълумотларга қараганда, етказиб бериш санасида 1 кг жуннинг ўртача улгуржи баҳоси 130 сўмни ташкил қилган. Кирим қилинган хом ашё «ГИЛАМБОФ» ХК бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилган:

— кирим қилинган хом ашёнинг жорий қийматига:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 455 000 сўм;

кредит 8530 «Бепул олинган мулк» счёти 455 000 сўм;

— хом ашёни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари суммасига:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 35 000 сўм;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 35 000 сўм;

— жунни етказиб бериш бўйича транспорт ташкилоти олдида юзага келган қарздорликни тўлаш:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 35 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 35 000 сўм.

Хусусий корхона бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган хом ашё таннархи 1 кг учун 140 сўм, яъни умумий 490 000 сўм миқдорида ҳисобда туради.

## **2.5. Айирбошлаш шартномалари бўйича ёки алмашув тартибда келиб тушган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилиши**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги ПФ-1504-сон «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига мувофиқ, 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза (бартер) асосидаги шартномалар тузиш тақиқланади. Фараз қилайлик, ҳукуматнинг муайян бир қарорига кўра, ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан ўз вақтида узлуксиз таъминлаш мақсадида «Сут маҳсулотлари» акционерлик жамиятига белгиланган тартибда тайёр маҳсулотни (сариеғ, творог, пишлоқ ва бошқалар) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган хом ашё — табиий сутга алмаштириш ҳуқуқи берилган.

**8-мисол.** «Сут маҳсулотлари» акциядорлик жамияти 2006 йил 1 ноябрда «Говдин» фермер хўжалиги билан сут сотиб олиш ҳақида битим тузди. Келишув шартларига кўра, қабул қилинадиган ёғ таркиби 3,5 % бўлган янги сутнинг ҳар бир тоннаси учун акционерлик жамияти 60 кг сариеғ беради. Бунда, тайёр маҳсулот ҳар ҳафтанинг охирида қабул қилинган сут миқдорига мос равишда топширилади. Мисол учун, 2006 йил 3 ноябрда (жума куни) АЖ 500 кг сут қабул қилиб олди, бир кундан сўнг, яъни ҳафта охирида, яна 700 кг сут қабул қилиб олди ва унинг ўрнига 72 кг сариеғ берди. Бу пайтда 1 кг сариеғнинг улгуржи бозор нархи 4 100 сўмни ташкил қилган, унинг таннархи эса 1 кг учун 3 600 сўмга тенг. Бухгалтерия ҳисобида юқорида келтирилган алмаштириш операцияси қуйидагича акс эттирилади:

— қабул қилинган янги сутни унинг ўрнига берилган сариеғнинг бозор қиймати ҳисобида кирим қилиш (72 кг х 4 100 сўм):

<i>дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» сўти</i>	<i>295 200 сўм;</i>
<i>кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромад» сўти</i>	<i>295 200 сўм;</i>

— алмашув сифатида берилган сариеғни таннархи бўйича ҳисобдан чиқариш:

<i>дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» сўти</i>	<i>259 200 сўм;</i>
<i>кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» сўти</i>	<i>259 200 сўм.</i>

## **2.6. Товар-моддий захираларни узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш йўли билан уларнинг келиб тушишини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш**

**9-мисол.** 2004 йил бошида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилган бўлиб, уларга кўра активларни асосий воситалар сифатида эътироф этиш учун қўшимча қиймат мезони киритилди (унгача фақат битта мезон — активнинг хизмат муддати бўлган ва унга кўра бир йилдан ортиқ хизмат муддатига эга моддий активлар асосий воситалар сифатида тан олдинган). Меъёрий ҳужжатларда моддий активларни асосий воситалар сифатида эътироф этишнинг қуйидаги мезонлари белгиланган:

- бир йилдан ортиқ хизмат муддати;
- активнинг харид қилиш қиймати бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақи миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қилади. Бунда, корхона раҳбари ҳисобот йили учун буюмларнинг асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш қийматининг энг кам чегарасини белгилаши мумкин.

Масалан, юқорида тилга олинган бухгалтер ҳисоби бўйича қонунчиликка киритилган ўзгартириш муносабати билан «Чориёр» акционерлик жамияти қонунчиликка ўзгартириш киритилган санагача ўз балансида бўлган, янги талабларга жавоб бермайдиган ва узоқ муддатли активлар таркибидан товар-моддий захиралар таркибига инвентар ва хўжалик анжомлари сифатида ўтказилиши керак бўлган асосий воситалар объектлари рўйхатини аниқлашга қарор қилди.

Корхона бухгалтерия қонунчиликка ўзгартириш киритилган сана ҳолатидаги асосий воситалар таркибини ўрганиб чиқди, аниқланишича, бошланғич қийматининг жами 2 500 000 сўмлик бўлган бир нечта асосий воситалар объектлари бирликлари қонунчиликда белгиланган янги мезонлар талабларига жавоб бермайди ва улар асосий воситалар таркибидан инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига ўтказилиши керак. Бунда улар бўйича жамғарилган эскиришнинг мазкур санага бўлган умумий суммаси 850 000 сўмни ташкил этади. Раҳбарият қарори билан олиб борилган таҳлил натижаларига биноан комиссия тузилди, ушбу комиссия асосий воситалар объектларини инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибига ўтказиш тўғрисида далолатнома тузди. Мазкур операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан қайд этилади:

*дебет 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари»*

*счёти*

*1 650 000 сўм;*

<i>дебет асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)</i>	<i>850 000 сўм;</i>
<i>кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100)</i>	<i>2 500 000 сўм.</i>

Кирим қилинган инвентар ва хўжалик анжомлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг кейинги тартиби БХМС № 4 нинг 8-бандида акс эттирилган хусусиятлардан келиб чиқиб қабул қилинган ҳисоб сиёсатига боғлиқ.

***2.7. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш***

Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби 2004 йил 10 мартда Молия вазирлигининг 37-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сон ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг 20/1-сон қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатида олинган Инвентаризация пайтида аниқланган мулк камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-параграфида батафсил ёритилган.

***2.8. Товар қарзини олиш ёки аввал берилган товар қарзини қайтарилишини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш***

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига мувофиқ, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Бунда қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Қарз товар-моддий захиралар шаклида берилса, қарзнинг бундай тури товар қарзи деб аталади. Товар қарзи шартномасига мувофиқ, қарз берувчи қарз олувчига мулк сифатида пул ва тур аломатлари бўлган бошқа ашёларни беради, қарз олувчи эса бир йўла ёки бўлиб-бўлиб худди шундай қарзга олинган шу тур ёки сифатдаги буюмлар миқдорига тенг суммани (қарз суммаси) қайтариш мажбуриятини олади.

**10-мисол.** Масъулияти чекланган жамият «Принт-граф» матбаа корхонаси 2006 йил октябрида 100 000 нусхада китоб босиб чиқариш бўйича йирик буюртма олди. Омборхонада қоғоз қолдиқларининг етишмаслиги сабабли ва буюртмани ўз вақтида бажариш мақсадида 2006 йил 1 ноябрда у бошқа матбаа корхонаси — «Шарқ-полиграф» (қарз берувчи) билан 30 тонна қоғозни қарзга олиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, бир тонна қоғоз баҳоси 1 200 000 сўм, қарз муддати келишилган қоғоз миқдори ҳақиқатда олинган кундан бошлаб 3 ойни ташкил қилади. Товар қарзи бўйича тўлов йиллик 36 %га тенг. 2006 йил 5 ноябрда «Принт-граф» МЧЖ (қарз олувчи) келишилган қоғоз ҳажмини тўлиқ олди. 2007 йил 5 февралда қарз олувчи қарзга олинган 30 тонна қоғозни, қарз шартномасида кўрсатилганидек, худди шундай таркибда қайтарди, шунингдек, қарз бўйича фоизларнинг тўлиқ суммасини тўлаб берди. Товар қарзини қайтариш сифатида берилган қоғознинг бир тоннаси таннархи «Принт-граф» МЧЖ учун бериш вақтида 1 300 000 сўмни ташкил этди.

Бухгалтерия ҳисобида юқорида келтирилган операциялар қуйидаги чак акс эттирилади:

**2006 йил 5 ноябрь:**

— олинган қоғозни кирим қилиш:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 36 000 000 сўм;*

*кредит 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» счёти 36 000 000 сўм;*

— олинган товар қарзи бўйича ҳисобот йилининг охирига фоизларни ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти 1 988 383 сўм;*

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 1 988 383 сўм;*

$1\,988\,383 \text{ сўм} = (36\,000\,000 \times 36\%) \times (56 \text{ кун} / 365 \text{ кун});$

**2007 йил 5 февраль:**

— товар қарзининг қайтарилиши:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти 39 000 000 сўм;*

*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 39 000 000 сўм;*

— бир вақтнинг ўзида:

*дебет «Қисқа муддатли қарзлар» счёти 36 000 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти 36 000 000 сўм;*

— товар қарзини қоплаш учун берилган қоғознинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 9410 «Бошқа операцион харажатлар»  
счёти 3 000 000 сўм;  
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 3 000 000 сўм;  
— 2007 йил январь оyi ва февралнинг 5 куни учун товар кредитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
счёти 1 278 246 сўм;  
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 1 278 246 сўм;  
1 278 246 сўм = (36 000 000 x 36 %) x (36 кун / 365 кун);

— кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами суммасини тўлаш:  
дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 3 266 629 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 3 266 649 сўм.

Юқорида биз товар-моддий захираларнинг товар қарзи шартномаси бўйича келиб тушишининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб чиқдик. Айтиб ўтилганидек, товар-моддий захираларнинг келиб тушиши манбаларидан бири олдин берилган товар қарзининг кайтарилишидир. **10-мисолда** келтирилган шартлардан келиб чиқиб, товар-моддий захираларнинг келиб тушишини қарз берувчи, яъни «Шарқ-полиграф» корхонаси нуқтаи назаридан кузатамиз.

БҲМС № 21 га мувофиқ, товар қарзини бериш, қисқа муддатли қарз шартномаси бўйича фоизлар ҳисоблаш ва товар кредити қайтарилиши (қопланиши) оқибатида товар-моддий захираларнинг келиб тушишига боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби куйидаги тарзда юритилади:

**2006 йил 5 ноябрь:**

— қисқа муддатли товар қарзи шартномасида кўрсатилган нархда қозғоғ берилишининг қарз берувчида акс эттирилиши:

дебет 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»  
счёти 36 000 000 сўм;  
— «Қисқа муддатли товар қарзлари» счёти алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳолда;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 36 000 000 сўм;

— қарзга берилган хом ашё ва материалларнинг таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 36 000 000 сўм;  
кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 36 000 000 сўм;

— берилган товар қарзи бўйича 2006 йил охирида фонизларни ҳисоблаш:

дебет 4830 «Олинадиган фонизлар» счёти 1 988 383 сўм;

кредит 9530 «Фонизлар кўринишидаги даромадлар»

счёти

1 988 383 сўм;

1 988 383 сўм = (36 000 000 x 36 %) x (56 кун / 365 кун);

**2007 йил 5 февраль:**

— товар қарзининг қайтарилиши (қопланиши) оқибатида товар-моддий захираларнинг келиб тушиши:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 36 000 000 сўм;

дебет 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»

счёти

36 000 000 сўм;

— «Қисқа муддатли товар қарзлари» счёти алоҳида

ажратиб кўрсатилган ҳолда;

— 2007 йил январь ойи ва февралнинг 5 кунини учун товар кредити бўйича ҳисобланган фонизлар:

дебет 4830 «Олинадиган фонизлар» счёти 1 278 246 сўм;

кредит 9530 «Фонизлар кўринишидаги даромадлар»

счёти

1 278 246 сўм;

1 278 246 сўм = (36 000 000 x 36 %) x (36 кун / 365 кун);

— кредит бўйича ҳисобланган фонизлар жами суммасининг келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 3 266 629 сўм;

кредит 4830 «Олинадиган фонизлар» счёти

3 266 629 сўм.

## **2.9. Ташкилотнинг ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни қилишни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш**

Хўжалик юритиш амалиётида одатда тайёр маҳсулот ташкилотнинг ўзида, тайёрланадиган товар-моддий захираларнинг асосий моддаси ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар ўз истеъмоли учун инвентар ва хўжалик анжомларини, идишлар, эҳтиёт қисмлар, ярим фабрикатлар ва бошқаларни мустақил ишлаб чиқариши мумкин. Одатда, ташкилотнинг ўзи томонидан тайёрланадиган (ишлаб чиқариладиган) товар-моддий захираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш қиймати эътироф этилади. Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан белгиланган харажатлар киритилади.

Тайёрланадиган товар-моддий захираларнинг мақсадига қараб, уларнинг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги счётлар орқали олиб борилиши мумкин: 1040 «Эҳтиёт қисмлар», 1060 «Идиш ва идиш материаллари», 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари», ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатларни ҳисобга олувчи счётлар (2100), ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300), тайёр маҳсулотни ҳисобга олувчи счётлар (2800).

Ташкилотнинг ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни кирим қилишни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш тартиби БҲМС № 21 нинг 2-иловасини II бўлими — «Товар-моддий захиралар»да баътафсил очиб берилган.

### **3-§. Товар-моддий захираларни баҳолаш**

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси, шунингдек, БҲМС № 4 нинг 11-бандига мувофиқ, товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, товар-моддий захиралар қолдиқлари қийматини молиявий ҳисоботда акс эттиришда (бухгалтерия балансининг 140-сатри — 1-шакл), хўжалик юритувчи субъектлар баланс тузилиши санасидаги товар-моддий захиралар аниқ моддасининг ҳақиқий қийматини (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) унинг баланс тузилиши санасида аниқланган бозор қийматига солиштириши ва бухгалтерия балансининг тегишли сатрида олинган нархларнинг энг ками бўйича акс эттириши керак.

*11-мисол.* Карамель конфетлари ишлаб чиқарувчи «Рошина» МЧЖда 2005 йил 31 декабрь ҳолатига 3 500 кг қолдиқ тайёр маҳсулот бор эди. Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра, 1 килограмм карамель конфетининг ҳақиқий таннархи 2 150 сўмга тенг. Ҳисобот йилининг охирида барча кўрсаткичлари бўйича корхонада ишлаб чиқариладиган конфетга ўхшаш карамель конфетининг 1 килограмми бозор қиймати 2 000 сўм эканлиги аниқланди. Демак, «Рошина» МЧЖ 2005 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия балансида «Тайёр маҳсулот» сатрида 7 000 минг сўм (3 500 кг х 2 000 сўм)ни кўрсатиши, 525 минг сўмни эса операцион фаолиятдан кўрилган зарар ҳисобига ўтказиши керак бўлиб, ушбу операция бухгалтерия проводкасида қуйидагича акс эттирилади:



дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

счёти

525 000 сўм;

кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»

счёти

525 000 сўм.

**Куйида товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи ва бозор қийматлари (соф сотиш қиймати)нинг шаклланиши ва баҳоланиши тартибини батафсил кўриб чиқамиз.**

БХМС № 4 нинг 13-бандига кўра, товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига дастлаб уларни сотиб олиш қиймати (етказиб берувчига тўланган суммалар) ҳамда уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олган таннархи бўйича киритилади, қўшимча қиймат солиғи ва бошқа қопланадиган солиқлар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) бундан мустасно.

Одатда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш амалиётида товар-моддий захираларни сотиб олиш қиймати (етказиб берувчи тўланадиган суммалар) ва уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар **товар-моддий захираларнинг сотиб олиш қиймати** деб аталади.

Товар-моддий захираларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга (яъни сотиб олиш қиймати) қуйидагилар киради:

- бож тўловлари ва йиғимлари;
- бир бирлик товар-моддий захира сотиб олишдаги солиқлар ва йиғимлар суммаси (агар улар корхонага қопланмаса);
- товар-моддий захираларни сотиб олишда қатнашган таъминотчи ва воситачи корхоналарга тўланадиган комиссия мукофотлар;
- товар-моддий захираларни сертификация қилиш ва уларни сотиб олиш билан боғлиқ техник шароитларга мувофиқ синовдан ўтказиш бўйича харажатлар;
- товар-моддий захираларни тайёрлаш ва улардан кундалик фойдаланиш манзилига етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар. Уларга транспорт-тайёрлов харажатлари, юклаш-тушириш ишлари учун тарифларни тўлаш (фрахт) ҳамда товар-моддий захираларни кундалик фойдаланиш жойига транспортировка қилиш, шунингдек, товар-моддий захираларни транспортировка қилиш таваккалчиликларини суғурталаш бўйича харажатлар киради;
- товар-моддий захираларни сотиб олишга бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатлари уларни пайдо бўлишини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатларга асосан аниқланади.

Бунда, савдо дисконтлари, сийловлари ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади.

**12-мисол.** «Свето-полиграф» МЧЖ матбаа корхонаси А4 форматли қоғоз етказиб беришга ихтисослашган «Полиграф-целлюлоза» МЧЖ билан А4 форматли қоғозни сотиб олиш тўғрисида шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра, бир пачка қоғознинг нархи 4500 сўмга тенг. Шартномада муайян миқдорда қоғоз сотиб олишда савдо чегирмаларининг қуйидаги шартлари кўрсатилди:

100 дан 1 000 пачкагача — 1,5 фоиз;

1 000 дан 5 000 пачкагача — 3 фоиз;

5 000 пачкадан кўп — 4 фоиз.

«Свето-полиграф» МЧЖ матбаа корхонаси савдо чегирмалари бериш шартларидан фойдаланиб, 2 000 пачка қоғозни 100 фоиз олдиндан тўловни амалга ошириб сотиб олди, яъни 8 730 000 (2 000 пачка х 4 500 сўм) х 97 % сўм тўлади. Мос равишда, етказиб берувчи томонидан тўлдириладиган сўёт-фактурада бир пачка қоғоз баҳоси 4 365 сўм (яъни 8 730 000 сўм / 2 000 пачка) миқдорида қайд этилади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бухгалтерия ҳисоби амалиётида сотиб олинган товар-моддий захиралар таннархига уларни сотиб олиш бўйича тўловларни амалга ошириш харажатларининг ҳам киритилиши кўп учрайди. Бу нотўғридир. Чунончи, БҲМС № 4 нинг 13-бандига кўра, сотиб олинган товар-моддий захираларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (масалан, аккредитив очиш бўйича харажатлар, банкнинг ўтказмалар учун комиссияси, товар-моддий захираларни хорижий валютага сотиб олишда валюта конвертацияси учун банк комиссияси ва бошқа банк хизматлари учун харажатлар), сотиб олиш бўйича битимларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ва сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий захираларни **сотиб олиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар қўшилмайди.**

**13-мисол.** «Дизайн-фурнича» ОАЖ 2006 йил 25 июлда россиялик хорижий ҳамкори билан қайин навидаги 5 000 м<sup>3</sup> ёғочни 1 куб метри 2 800 рублдан сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Етказиб бериш шартномасига кўра, харидор умумий ёғоч қийматининг 50 фоиз миқдоридаги суммани етказиб берувчи банкнинг аккредитив сўётига олдиндан ўтказиб бериши керак. «Дизайн-фурнича» ОАЖ 2006 йил 1 августда етказиб берувчи банкида аккредитив сўёт очди ва унга шартномада кўрсатилган суммани ўтказди. Аккредитив сўёт очилган санада Ўзбекистон Респуб-

ликаси Марказий банки томонидан белгиланган рублнинг сўмга нисбатан қиймати (кейинчалик 1 рублнинг сўмга нисбатан курси) 35 сўмни ташкил қилди. Аккредитив счёт очиш билан боғлиқ харажатлар ўтказилаётган валюта суммасининг 0,3 фоизига тенг бўлди. Бунда банкнинг аккредитив ўтказма учун комиссияси ўтказманинг 0,1 фоизини ташкил қилди. Битим лойиҳасини тайёрлаш жараёнида юридик фирмага 8 000 руб. тўланди, битимни рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар эса битим суммасининг 0,1 фоизига тенг бўлди. Бундан ташқари, миллий валютани рублга конвертациялашда конвертацияланган хорижий валюта суммасининг 0,15 фоизи миқдорида комиссия мукофот тўланди. 2006 йил 6 августда ёғочнинг жами партияси юкланди. Ёғочни юклар бериш санасидаги 1 рублнинг сўмга нисбатан курси 36 сўмни ташкил қилди. Битим шартларига кўра, ёғоч ФОБ — жўнатиш пункти шартларига мувофиқ етказиб берилди. Шу муносабат билан, фрахт харажатлари (транспорт, экспедициялаш, юклар тушириш ишлари, етказиб беришни суғурталаш, транспорт тараси учун тўлов ва бошқалар) 3 500 000 рублни ташкил қилди ва бу бўйича ҳисоб-тўлов ҳужжати юк-божхона декларацияси расмийлаштириш кунда тақдим қилинади. 2006 йил 14 августда юк-божхона декларацияси расмийлаштирилди ва тасдиқланди, унга кўра давлат бож тўлови инвойсида кўрсатилган қийматнинг 5 фоизини, божхонада расмийлаштириш учун тўлов эса божхона декларациясида кўрсатилган товар қийматининг 0,1 фоизи ташкил қилди. Импорт қилинаётган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаси бож қийматининг 20 фоизига тенг. Юк-божхона декларациясида кўрсатилган санада 1 рублнинг сўмга нисбатан курси 36,5 сўмни ташкил қилди. Етказиб берилган ёғоч партияси 2006 йил 18 августда омбор мудирини томонидан қабул қилинди ва омборга кириш қилинди.

«Дизайн-фурнича» ОАЖнинг бухгалтерия ҳисобида ёғочни сотиб олиш билан боғлиқ операциялар қуйидагича акс эттирилади:

**2006 йил 1 август:**

— етказиб берувчи банкида аккредитив счётининг очилишини акс эттириш:

*дебет 5510 «Аккредитивлар» счёти* 245 000 000 сўм;

*кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта*

*счётлари» счёти*

245 000 000 сўм;

245 000 000 сўм = 7 000 000 руб. x 35 сўм;

— сотиб олинаётган материалларни тўлаб бериш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»*

*счёти*

4 690 000 сўм;

*кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти*

*4 690 000 сўм;*

*4 690 000 сўм = 134 000 руб. x 35 сўм.*

Харажатлар суммасини ҳисоблаш куйидаги кўринишга эга:

— аккредитив счёт очиш билан боғлиқ харажатлар — 21 000 руб.  
(7 000 000 x 0,3 %);

— аккредитив ўтказма учун банк комиссияси — 70 000 руб.  
(7 000 000 x 1,0 %);

— контрактни тайёрлаш учун тўлов — 8 000 руб.;

— контрактни рўйхатга олиш ва ёпиш бўйича харажатлар —  
14 000 руб. (14 000 000 x 0,1%);

— хорижий валютани конвертациялаш харажатлари — 21 000 руб.  
(14 000 000 x 0,15 %).

**Жами — 134 000 руб.** (21 000 + 70 000 + 14 000 + 21 000).

**2006 йил 6 август:**

— ёғочни сотиб олиш нархида харид қилинишини акс эттириш:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 504 000 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-*

*чиларга тўланадиган счётлар» счёти 504 000 000 сўм.*

**2006 йил 14 август:**

— харид қилинган ёғоч бўйича давлат бож тўлови суммасига:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 25 550 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 25 550 000 сўм;*

*25 550 000 сўм = (14 000 000 руб. x 5 %) x 36,5 сўм;*

— харид қилинган ёғочни божхонада расмийлаштириш харажатла-  
ри суммасига:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 511 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 511 000 сўм;*

*511 000 сўм = (14 000 000 руб. x 0,1 %) x 36,5 сўм;*

— импорт қилинган ёғоч бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси-  
га («Дизайн-фурнича» ОАЖ умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисоб-  
ланиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларга эга эмас):

*дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов-*

*лар бўйича аванс тўловлари» счёти 102 200 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 102 200 000 сўм;*

*2 800 000 руб. = 14 000 000 руб. x 20 % / 100;*

*102 200 000 сўм = 2 800 000 руб. x 36,5 сўм;*

— давлат божи тўлови, божхонада расмийлаштириш харажатлари  
ва импорт қилинадиган товарлар бўйича ҚҚС тўлаб берилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 128 261 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 128 261 000 сўм;

— юк-божхона декларацияси расмийлаштириш санасида тўлов учун тақдим этилган фрахт бўйича харажатлар суммасига:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 127 750 000 сўм;

кредит 6020 «Мол этказиб берувчилар

ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

ёки 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 127 750 000 сўм;  
127 750 000 сўм = 3 500 000 руб. х 36,5 сўм.

**2006 йил 18 август.** Бухгалтерия проводкаси талаб қилинмайди, чунки харид қилинган ёғочга мулккий ҳуқуқ юклаш пайтида «Дизайн-фурнича» ОАЖга ўтганлиги сабабли материаллар, уларни ҳисобга олиш счётларида акс эттирилган.

Тўловлар муддатидан илгари амалга оширилиши ёки товарни катта ҳажмда харид қилиниши ёки томонлар келишувида кўзда тутилган бошқа шу каби сабабларга кўра бериладиган пул чегирмалари сотиб олинган товар-моддий захираларнинг қийматини камайтирмайди, балки улар юзага келган ҳисобот даврида молиявий-хўжалик фаолият натижаларига олиб борилади.

**14-мисол.** «Декми» МЧЖ 2006 йил 3 сентябрда «Техрон-гўшт маҳсулотлари» хусусий корхонаси билан колбаса маҳсулотларини харид қилиш тўғрисида шартнома тузди. Сотиб олинаётган колбаса маҳсулотларининг шартномада кўрсатилган умумий суммаси 5 000 000 сўмни ташкил этади ва харидор томонидан олиб чиқиб кетилишига келишилган. Шартнома шартларига мувофиқ, товарга бўлган эгалик ҳуқуқи харидорга уни юклаш пайтида ўтади. «Декми» МЧЖ харид умумий қийматининг 15 фоизи миқдоридан олдиндан тўловни амалга ошириши керак. Қарзнинг қолган қисми эса товар жўнатилган пайтдан бошлаб 90 кун давомида тўлаб берилади. Бунда, шартномага асосан, харидор ушбу қарздорликни товар жўнатилган санадан бошлаб 15 кун ичида тўлаб берса, қарздорликнинг қолган суммасига нисбатан 2 фоизлик чегирмадан фойдаланиши мумкин. «Декми» МЧЖ 2006 йил 5 сентябрда шартномада кўрсатилган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширди. 2006 йил 7 сентябрда умумий шартномавий нархда колбаса маҳсулотлари таъминотчи томонидан юклаб жўнатилди. 2006 йил 15 сентябрда «Декми» МЧЖ қарздорликнинг қолган қисмини тўлади ва таъминотчи томонидан берилган чегирмадан фойдаланди. «Декми» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида юқорида кўрсатилган хўжалик операциялари куйидагича акс эттирилади:

**2006 йил 5 сентябрь:**

— шартнома бўйича амалга оширилган олдиндан тўлов суммасига:  
дебет 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 750 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 750 000 сўм;  
750 000 сўм = 5 000 000 сўм x 15 %.

**2006 йил 7 сентябрь:**

— сотиб олинган колбаса маҳсулотларининг омборга кирим қилиниши:

дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 5 000 000 сўм;

— мол етказиб берувчи олдида юзага келган қарздорлик билан илгари тўланган авансни ҳисобга олиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 750 000 сўм;  
кредит 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти 750 000 сўм.

**2006 йил 15 сентябрь:**

— сотиб олинган колбаса маҳсулотлари бўйича қарздорликнинг қолган суммасини тўлаб бериш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4 250 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 4 165 000 сўм;  
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти 85 000 сўм.  
4 250 000 сўм = 5 000 000 сўм – 750 000 сўм;  
4 165 000 сўм = 4 250 000 сўм – 85 000 сўм;  
85 000 сўм = 4 250 000 сўм x 2 %.

Товар-моддий захираларни қарз капитали ҳисобига сотиб олинганда ёки тайёрланганда кредит (қарз)дан фойдаланганлик учун ҳисобланадиган фоизлар тўлиқ ёки қисман кредит ҳисобига сотиб олинган ёки тайёрланган **товар-моддий захиралар таннарига киритилмайди.**

**15-мисол.** Йўл плиталарини тайёрлаш билан шуғулланадиган «Безак-плита» АЖ 2006 йил 10 августда «Савдо қурилиш» МЧЖ билан плиталар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган цемент сотиб олиш бўйича битим тузди. Шартномага кўра 1 тонна цемент нархи 80 000 сўмга тенг. Шартнома бўйича сотиб олинаётган цементнинг умумий миқдори 150 тонна. Битим шартлари қуйидагилардан иборат: цементга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи уни юклаб берилган пайтдан бошлаб харидорга

ўтади; юкланган товар-моддий захира харидор ҳисобидан ташиб кетилади; тўлов шартлари — 100 фоиз олдиндан тўлов. Аммо, бундай миқдордаги пул маблағлари айни пайтда бўлмагани туфайли, «Безак-плита» АЖ 2006 йил 15 августда унга хизмат кўрсатувчи банкдан қисқа муддатли кредит олди ва таъминотчига товар-моддий захира учун тўловни амалга оширди. Кредит шартлари қуйидагича: муддати — берилган кундан бошлаб 6 ой, ставкаси — йиллик 36 фоиз, фоизлар ҳар календарь ой охирида тўланиши керак. 2006 йил 20 августда «Савдо қурилиш» МЧЖ 50 тонна цемент юклаб жўнатди, 20 кундан кейин эса цементнинг қолган қисми юборилди. Цементни ташиш харажатлари 450 000 сўмни ташкил этди. Юқорида келтирилган хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб чиқамиз.

**2006 йил 15 август:**

— қисқа муддатли банк кредитининг олинishi:

*дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи*  
*счётлар* 12 000 000 сўм;  
*кредит 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари»*  
*счёти* 12 000 000 сўм;

— цемент учун 100 фоизли олдиндан тўловнинг амалга оширилиши:

*дебет 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти* 12 000 000 сўм;  
*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи*  
*счётлар* 12 000 000 сўм;

**2006 йил 20 август:**

— юклаб жўнатилган 50 тонна цементнинг омборга кирим қилиниши:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти* 4 000 000 сўм;  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 4 000 000 сўм;

— тўланган аванс суммаларини ҳосил бўлган қарздорлик билан ҳисобга олинishi:

*дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 4 000 000 сўм;  
*кредит 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар» счёти* 4 000 000 сўм;

**2006 йил 31 август:**

— олинган қисқа муддатли кредит бўйича август ойи учун фоизлар ҳисобланиши:

*дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»*  
*счёти* 201 205 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 201 205 сўм;  
201 205 сўм = (12 000 000 x 36 %) / 365 x 17 кун (августдаги);

— қисқа муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш:  
дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 201 205 сўм;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 201 205 сўм.

**2006 йил 9 сентябрь:**

— қолган 100 тонна цементнинг омборга кирим қилиниши:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга  
тўланадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм;

— амалга оширилган аванслар суммасини мол етказиб берувчи олдида ҳосил бўлган қарздорлик билан ҳисобга олиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга  
тўланадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 4310 «ТМҚ бўйича мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга берилган аванслар» счёти 8 000 000 сўм;

— сотиб олинган цементни ташиб кетиш харажатлари суммасига:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти  
ёки 1510 «Материалларни тайёрлаш  
ва сотиб олиш» счёти 450 000 сўм;

кредит 6690 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 450 000 сўм;

**2006 йил 30 сентябрь:**

— қисқа муддатли кредит бўйича сентябрь ойи учун фоизлар ҳисобланиши:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
счёти 355 068 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 355 068 сўм;

355 068 сўм = (12 000 000 x 36 %) / 365 x 30 кун (сентябрдаги);

— қисқа муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг тўла-ниши:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 355 068 сўм;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 355 068 сўм.

БХМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилганидек, агар шартнома шартларида харид қилинадиган товар-моддий захиралар учун тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, мазкур товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича қабул қилинади. Бунда товар-моддий захираларнинг тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб



олинаётган товар-моддий захиралар бўйича умумий тўлов суммаси ўрта-сидаги фарқ тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

**16-мисол.** «Орион» савдо корхонаси 2005 йил 25 сентябрда «Ройсонс-электрик» компанияси билан 20 та комплект маиший кондиционерлар сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Шартномада маиший кондиционернинг битта комплекти нархи, агар тўлов ўз вақтида амалга оширилса, 400 000 сўм деб белгиланган. Бироқ, маиший кондиционерлар учун тўлов жами 2 йил давомида тўланиши шарти билан сотиб олинаётгани ва пул маблағлари ҳар чорак охирида тенг улушларда киритилиши келишилганлиги боис, таъминотчи битта кондиционер комплектини 520 000 сўм баҳосида сотишга рози. Шартнома шартларига кўра, биринчи тўлов товар юклаб жўнатилган кунда амалга оширилиши керак. 2005 йил 1 октябрда кондиционерларнинг ҳаммаси таъминотчи томонидан юклаб жўнатилди ва шу кунгача биринчи тўлов амалга оширилди. Шартномага кўра, товарларга бўлган эгалик қилиш ҳуқуқи улар юкланган пайтда харидорга ўтади. Маиший кондиционерларни сотиб олиш ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ хўжалик операциялари «Орион» савдо корхонаси бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

**2005 йил 1 октябрь:**

— сотиб олинган маиший кондиционерларнинг кирим қилиниши:

*дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти* 8 000 000 сўм;

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-*

*чиларга тўланадиган счётлар» счёти —*

*жорий қисм*

*4 000 000 сўм;*

*кредит 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-*

*чиларга тўланадиган счётлар» счёти —*

*узоқ муддатли қисми*

*4 000 000 сўм;*

8 000 000 сўм = 20 та комплект х 400 000 сўм;

— сотиб олинган маиший кондиционерлар бўйича биринчи тўловнинг амалга оширилиши:

*дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-*

*чиларга тўланадиган счётлар» счёти —*

*жорий қисм*

*1 300 000 сўм;*

*кредит 5110 «Хисоб-китоб счёти» счёти*

*1 300 000 сўм.*

Товар-моддий захиралар учун тўлов муддатини узайтириш шарти билан сотиб олиш куни ва улар бўйича биринчи тўловни амалга оши-

риш куни бир-бирига мос келиши туфайли, тўлов муддатини кечиктирмасдан ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шартисиз сотиладиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва сотиб олинадиган товар-моддий захиралар бўйича тўловларнинг умумий суммаси ўртасидаги фарқ (кейинчалик — фарқ) молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинмайди, тўланадиган сумма эса мол етказиб берувчи олдидаги асосий қарзнинг камайишига ўтказилади.

**2005 йил 31 декабрь:**

— сотиб олинган маиший кондиционерлар бўйича навбатдаги тўловнинг амалга оширилиши:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 700 000 сўм;  
— жорий қисми;

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти 600 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 1 300 000 сўм.

Юқорида айтилганидек, тўлов муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти назарда тутилмасдан сотиладиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва сотиб олинадиган товар-моддий захиралар бўйича тўловларнинг умумий суммаси ўртасидаги фарқ (2 400 000 сўм) тўлов муддати узайтирилган ёки бўлиб-бўлиб тўлаш амалга ошириладиган **тўловларнинг умумий суммасидаги жорий тўловларнинг улушли салмоғига боғлиқ ҳолда** тўлов муддати кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб амалга ошириладиган тўлов даври давомидаги молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади. Бунда, **жорий тўловнинг тўловлар умумий суммасидаги улушли салмоғи** қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Жорий тўловнинг улушли салмоғи} = \frac{\text{Тўловларни амалга ошириш санасидан бошлаб амалга оширилган жами тўловлар суммаси}}{\text{Шартномада кўзда тутилган умумий тўловлар суммаси}}$$

Ҳар бир тўлов амалга оширилганда фоизлар бўйича харажатлар суммаси (товар-моддий захираларни сотиб олиш санасида пайдо бўлган мажбурият юзага келган кунда амалга оширилган биринчи тўловдан ташқари) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Фоизлар бўйича харажатлар суммаси = (Жорий тўловнинг улушли салмоғи х бўлиб-бўлиб тўлашдаги умумий фарқ суммаси) — олдинги даврларда ҳисобланган фоизлар бўйича харажатларнинг жамғарилган

суммаси. Мисол учун, **2006 йил 31 март** ҳолатига ҳисобланган (тўланган) фоизларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги кўринишда бўлади:

Жорий тўловнинг солиштирама улуши — 25 % (2 600 000 сўм / 10 400 000 сўм).

Фоизлар бўйича харажатлар — 600 000 сўм ((10 400 000 сўм – 8 000 000 сўм) x 25 %).

### **2006 йил 31 март:**

— савдо корхонаси томонидан илгари бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган маиший кондиционерлар бўйича навбатдаги тўловнинг амалга оширилишини акс эттириш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 000 000 сўм;

— жорий қисми;

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти 300 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 1 300 000 сўм.

Бунда, фоизлар бўйича харажатлар ҳисоби қуйидаги кўринишга эга: жорий тўловларнинг улушли салмоғи — 37,5 % (3 900 000 / 10 400 000);

фоизлар бўйича харажатлар — 300 000 сўм ((10 400 000 – 8 000 000) x 37,5 %) – 600 000).

Товар-моддий захираларга қўшимча ишлов бериш ва фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ишлар (тегишли ҳолатга келтириш бўйича ишлар) ушбу ишлар харидор-ташкilotнинг ўз кучи билан ёки бошқа ташкilotлар томонидан қилинишидан қатъи назар, товар-моддий захиралар таннархига киритилади. Тегишли ҳолатга келтириш ишлари билан боғлиқ харажатларга ташкilotнинг уларни навларга ажратиш, қадоқлаш ва товар ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олиб, улар маҳсулотни ишлаб чиқаришга, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга боғлиқ бўлмайди.

**17-мисол.** Плиталар ишлаб чиқарувчи «Безак-плита» АЖ 2006 йил 5 августда «Стоун-макс» МЧЖдан 300 тонна шағал сотиб олди, ҳар бир тоннасининг шартномавий баҳоси 6 000 сўмга тенг. Шағални етказиш харажатларининг умумий суммаси 600 000 сўмни ташкил этди. Тегишли равишда 1 тонна шағални сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар корхона учун 2 000 сўмга тенг бўлди. Сотиб олинган шағал ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишдан олдин гранулаларнинг ўлчамига қараб учта навга ажратилади: майда, ўртача ва йирик шағал. Сотиб олинган шағал партиясини ажратиш билан боғлиқ харажатлар (хиз-

матчиларнинг маоши, навларга ажратувчи машиналар амортизацияси, электр энергияси ва ҳоказолар) 150 000 сўмни ташкил қилди. Ушбу хўжалик операцияларининг «Безак-плита» АЖ бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши қуйидагича:

— сотиб олинган шағал суммасига (мол етказиб берувчига тўланадиган сумма):

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 1 800 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга*

*тўланадиган счётлар» счёти 1 800 000 сўм;*

— сотиб олинган товар қийматига киритиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммасига:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 600 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 600 000 сўм;*

— шағални фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш ишлари билан боғлиқ харажатлар суммасига, агар ушбу харажатлар корхонанинг алоҳида бўлинмаси томонидан амалга оширилган бўлса:

*дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 150 000 сўм;*

*кредит асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи*

*счётлар (0200), харажатлар билан боғлиқ жорий*

*мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар*

*(6500, 6700, 6800, 6900) 150 000 сўм;*

— яроқли ҳолатга келтириш ишлари билан боғлиқ харажатларни сотиб олинган шағал қийматига олиб бориш:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 150 000 сўм;*

*кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 150 000 сўм.*

Сотиб олинган, фойдаланишга яроқли ҳолатга келтирилган шағалнинг умумий таннархи 2 550 000 сўм, 1 тоннасининг таннархи эса 8 500 сўмга тенг (2 550 000 сўм / 300 тонна).

БХМС № 4 нинг 15-бандига мувофиқ, ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қуйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга олинадиган ёки сотиб олинган товар-моддий захиралар қийматига ўтказилади:

— транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий захиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига қўшиш, устав капиталига киритилган бадалнинг пул баҳосига қўшиш, текинга олинган ва ҳоказо ТМЗнинг жорий қийматига қўшиш);

— етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида синтетик 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига олиб бориб, кейинчалик уларни «Материаллар» элементи бўйича товар-моддий захиралар таннархига

ёки ишлатилишига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ва (ёки) давр харажатларига киритиш.

Шунга эътибор бериш керакки, биринчи усул — транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий захиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулидан товар-моддий захиралар номенклатураси катта бўлмаган ташкилотларда, шунингдек, товар-моддий захираларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари қиймати анча салмоқли бўлган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи усулдан фойдаланганда, транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида умумлаштирилади ва тегишли товар-моддий захиралар турлари ўртасида тақсимланади (транспорт-тайёрлов харажатлари киритиладиган партиялар, гуруҳлар бўйича).

Ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда алоҳида умумлаштирилган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси, товар-моддий захираларнинг давр охиридаги қолдиғи суммаси ва ушбу давр ичида чиқиб кетган (фойдаланилган, сотиб юборилган, текинга берилган) товар-моддий захиралар суммаси ўртасида тақсимланади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг чиқиб кетаётган товар-моддий захираларга ўтказиладиган суммаси транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи ва чиқиб кетган товар-моддий захиралар қиймати кўпайтмаси орқали аниқланади ва ушбу товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши кўрсатилган ҳужжатлардаги счётларда акс эттирилади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг ўртача фоизи қуйидагича аниқланади: давр бошидаги транспорт-тайёрлов харажатлари қолдиғи суммаси ва ушбу даврда амалга оширилган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси йиғиндиси бўлинади, давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдиғи суммаси ва давр давомида келиб тушган товар-моддий захиралар суммасининг йиғиндиси.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг фойдаланиладиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида қонунчиликда ўрнатилган тартибда акс эттирилиши лозим.

Иккинчи усулдан — транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олишнинг алоҳида счётидан фойдаланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларда товар-тайёрлов харажатларининг тақсимланишини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

*18-мисол.*

*Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари тўғрисидаги маълумот*

минг сўм

Мазмуни	Захиралар қиймати	Транспорт-тайёрлов харажатлари
1. Ой бошидаги қолдиқ	150	25
2. Ой мабайнида келиб тушган	300	50
3. Ой мобайнида чиқиб кетган (сарфланган, сотилган ва ҳоказо)	400	67*
4. Ой охиридаги қолдиқ (1 қатор + 2 қатор + 3 қатор)	50	8

\* Тақсимот бўйича ҳисобот оғи мобайнида чиқиб кетган захираларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси қуйидагига тенг:

$$\frac{25\ 000 + 50\ 000}{150\ 000 + 300\ 000} \times 400\ 000 = 67\ 000 \text{ сўм}$$

Бухгалтерия ҳисоби амалиётида сотиб олинган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннарҳини шакллантириш кўп жиҳатдан уларнинг хўжалик юритувчи субъектга келиб тушиш манбасига боғлиқ. Қуйида товар-моддий захиралар ҳақиқий таннарҳининг шаклланиши, яъни уни тан олишнинг асоси уларнинг келиб тушиши манбасига боғлиқ равишда кўрсатилган (1-жадвал).

*1-жадвал*

*Товар-моддий захираларнинг келиб тушиш манбасига боғлиқ равишда уларнинг ҳақиқий таннарҳини тан олиш*

Товар-моддий захираларнинг келиб тушиши манбаи	Уларнинг ҳақиқий таннарҳи учун асос
Миллий валютага сотиб олиш	Мол етказиб берувчи (сотувчи)га шартнома ёки харидни, ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ туланидиган сумма, бунда қопланадиган (ҳисобга олинган) солиқлар чегириб ташланади ва БҲМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилган товар-моддий захираларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қўшилади

<b>Товар-моддий захираларнинг келиб тупиши манбаи</b>	<b>Уларнинг ҳақиқий таннархи учун асос</b>
Хорижий валютага сотиб олиш	Чел эллик ҳамкорга шартномага мувофиқ ёки ишлар бажарилиши, хизмат кўрсатилишини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўланадиган хорижий валюта суммасини юк-божхона декларацияси расмийлаштирилган санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмда ҳисобланган сумма, бунда БҲМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилган товар-моддий захираларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам киритилади
Ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида олиниши	Киритилаётган товар-моддий захираларнинг таъсисчилар (иштирокчилар)* томонидан келишилган баҳоси ва БҲМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда
Текинга олиш (ҳада шартномаси бўйича)	Текинга олинган товар-моддий захираларнинг жорий қиймати ва БҲМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилган товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда*
<b>Қонунда белгиланган тартибда айирбошлаш:</b>	
а) айнан ўхшаш товарларга;	а) айирбошлашда берилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати;
б) айнан ўхшаш бўлмаган товарларга;	б) айирбошлашда берилган товар-моддий захираларнинг жорий қиймати,**
в) қўшимча ҳақ эвазига	в) айирбошлашда берилган товар-моддий захираларнинг айирбошлаш пайтида берилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларига кўпайтирилган (камайтирилган) жорий қиймати
Қонунда белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пулсиз маблағлар орқали бажарилишини назарда тутадиган шартнома бўйича олиниши	Ташкилот томонидан бериладиган ёки ўтказиб берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати ёхуд шунга ўхшаш вазиятларда худди шундай товар-моддий захиралар харид қилинадиган жорий қиймат
Узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш	Ушбу узоқ муддатли активларнинг баланс (қолдиқ) қиймати
Инвентаризация пайтида аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захиралар	Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларнинг улар аниқланган санадаги жорий қиймати
Олдин берилган товар қарзининг қайтиши ёки товар қарзини олиш	Товар қарзи шартномасида томонлараро келишилган қиймати бўйича

<b>Товар-моддий захираларнинг келиб тушиши манбаи</b>	<b>Уларнинг ҳақиқий таннархи учун асос</b>
Ташкилотнинг ўзида тайёрлаш ва шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш кўринишида ҳисобга олинadиган ҳисобот даври охиридан тугатилмаган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш натижасида	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ аниқланadиган ишлаб чиқариш таннархи

\* «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, мулкдор хусусий корхона устав фондига ўзи киритаётган мулкни мустақил баҳолайди. «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, жамият устав фондига (устав капиталига) жамият иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан киритиладиган пулсиз бадалларнинг пулдаги баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади. Шу билан бирга, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасида белгиланганидек, жамиятни таъсис этишда акцияларга тўлаш учун киритиладиган мулкнинг пулдаги баҳоси таъсисчилар ўртасидаги шартнома бўйича аниқланади. Агар шундай йўл билан сотиб олинadиган жамиятнинг акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларнинг номинал қиймати қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ошса, у ҳолда жамиятнинг акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини тўлаш учун киритиладиган мулкнинг пулдаги баҳоси мустақил баҳоловчи томонидан аниқланиши зарур.

\*\* Бунда жорий қиймат — маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил томонлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Эслатиб ўтиш лозимки, ташкилот БҲМС № 4 нинг 13-бандида кўзда тутилган харажатларни амалга оширганда, товар-моддий захиралар устав капиталига улуш сифатида, бепул, алмаштириб ёки бошқа ҳолатларда қабул қилинганда товар-моддий захираларнинг қиймати ушбу харажатлар суммасига кўпаяди.

Шу билан бирга, товарлар олди-сотдиси билан шуғулланadиган корхоналар (савдо ташкилотлари) учун БҲМС № 4 нинг 22-бандида кўзда тутилганидек, улар четдан қайта сотиш учун харид қилинган товарлар-



ни харид қиймати (шартномага кўра мол етказиб берувчига тўланадиган нарх) бўйича ҳисобга олиши мумкин, яъни ҳисобга олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда БХМС № 4 нинг 13-бандида назарда тутилган товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатларига (сотиш бўйича харажатларига) олиб борилади. Тегишли равишда, ушбу меъёр савдо фаолияти билан шуғулланувчи барча корхоналар учун мажбурий эмас. Қайта сотиш учун харид қилинган товарларни баҳолаш усулини танлаш ҳуқуқи савдо фаолияти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ихтиёридадир. Шундай экан, товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг қўлланилаётган тартиби ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши керак.

Кейинги мисолда қайта сотиш учун четдан харид қилинган товарларни баҳолаш ва акс эттиришнинг иккала усулидан фойдаланишнинг фарқларини кўриб чиқамиз.

**19-мисол.** Канцелярия товарларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи «Эскимо-савдо» савдо корхонаси 2006 йил 5 сентябрда «Канцеляр трейдинг» масъулияти чекланган жамияти билан 5 000 000 сўмлик канцелярия товарлари партиясини харид қилиш ҳақида шартнома тузди. Шартноманинг асосий шартлари: олдиндан тўловнинг энг кам миқдори — шартнома бўйича умумий сумманинг 15 фоизи; товарга бўлган мулкӣ ҳуқуқ уни юклаш пайтида харидорга ўтади; товарлар харидор томонидан ташиб кетилади. «Эскимо-савдо» 2006 йил 6 сентябрда шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 20 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширди. 2006 йил 8 сентябрда шартномада кўзда тутилган барча товар мол етказиб берувчи томонидан юклаб жўнатилди. Маҳсулот товар биржаси орқали харид қилингани боис, брокернинг комиссия мукофоти шартномага кўра, контракт қийматининг 1,5 фоизини, яъни 75 000 сўмни ташкил қилди, ушбу сумма товар юклаб жўнатилган пайтда тўланиши лозим. Товарларни юклаш, етказиб бериш ва тушириш билан боғлиқ харажатлар 225 000 сўмни ташкил қилди ва ушбу сумма бўйича счёт транспорт-экспедиторлик компанияси томонидан 2006 йил 9 сентябрда тақдим этилди. Юқориди қайд этилган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ва баҳоланиши тартибини товарлар қийматини баҳоланишнинг иккала усули бўйича кўриб чиқамиз:

Сана	Бухгалтерия проводкаси		Сумма, минг сўм
	Товарларни харид қиймати бўйича баҳолаш усули  (товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаганда)	Товарларни сотиб олиш баҳоси бўйича баҳолаш усули  (товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олмаганда)	
<i>Харид қилинадиган товарлар бўйича олдиндан тўлов суммасига</i>			
6.09	Дебет 4310 «ТМҚ учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган аванслар» счёти;	Дебет 4310 «ТМҚ учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланган аванслар» счёти;	1 000
	Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	
<i>Сотиб олиш баҳоси бўйича харид қилинган товар-моддий захираларни кирим қилиш</i>			
8.09	Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти;	Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти;	5 000
	Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти	
<i>Шартномага мувофиқ брокерга тўланадиган комиссиян мукофот суммасини акс эттириш</i>			
8.09	Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти;	Дебет 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» счёти;	75 000
	Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	
<i>Харид қилинган товар-моддий захиралар бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммасини акс эттириш</i>			
9.09	Дебет 2910 «Омбордаги товарлар» счёти;	Дебет 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» счёти;	225 000
	Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	Кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	
<i>Харид қилинган канцелярия товарлари таннархи (сотиб олиш баҳоси)</i>			
	<b>5 300 000 сўм</b>	<b>5 000 000 сўм</b>	

Харид қилинган товарлар ҳисобот даври мобайнида 6 000 000 сўмга сотилган деб тахмин қиладиган бўлсак, бошқа тенг шароитларда биринчи усулдан фойдаланганда (товарни харид қилиш харажатлари харид қийматига қўшилганда) ялпи даромад солиғи базаси 700 000 сўмни, иккинчи усулдан фойдаланганда эса (товарни харид қилиш харажатлари харид қийматига қўшилмаганда) солиқ базаси 1 000 000 сўмни ташкил қилади. Аммо, биринчи усулнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас. Масалан, катта ассортиментли товарлар харид қилганда товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳар бир ассортиментга тақсимлаш жуда мушкул ва шунингдек, харид қилинган товарлар таннархини сезиларли даражада оширади ва тенг шароитларда товарни сотиш нархининг қимматлашишига ҳамда тегишли равишда уларга бўлган талабнинг пасайишига олиб келади. Шу муносабат билан, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар, товарларни баҳолаш усулларини танлашда ушбу масалага жуда жиддий ёндашиши керак, чунки тижорат тузилмаларининг бош мақсади солиқ солинадиган базани минималлаштириш эмас, балки сотувларни кўпайтириш ва сотув бозорини кенгайтириш йўли билан соф фойдани оширишдан иборат.

Савдо-сотик ва умумий овқатланиш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби амалиётида моддий жавобгар шахслар фаолиятини тегишли даражада назорат қилиш мақсадида, харид қилинган товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисоби счётларида сотиш нархлари бўйича устамалар (чегирмалар)ни алоҳида ҳисобга олганда ҳолда ҳам рухсат этилган.

Чакана савдода сотилган товарларнинг таннархини аниқлаш бошқа бизнес соҳаларидан бирмунча фарқ қилади, чунки, юқорида айтилганидек, бухгалтерия счётларида товарлар сотиш нархларида ҳисобга олинадиган ҳамда товарлар қолдиғини таннархи бўйича акс эттириш учун эса контрактив 2980 «Савдо устамаси» счётидан фойдаланилади.

Агар товарлар сотиш нархларида акс этириладиган бўлса, 2980 «Савдо устамаси» счёти чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товарларнинг савдо устамалари (чегирмалари) ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Умумий овқатланиш корхоналарида мазкур счётда омбордаги, буфетдаги ва ошхонадаги мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларининг савдо устамалари суммалари, шунингдек, белгиланган миқдорда ошхона ва буфет маҳсулотларининг қийматига сотиш нархлари бўйича қўшиладиган устамалар суммаси ҳисобга олинадиган.

Товарлар кирим қилганида 2980 «Савдо устамаси» счёти савдо устамалари суммасига кредитланади ва сотилган, фойдаланишга берилган ёки табиий эскириш, брак, бузилиш, камчилик ва ҳоказолар оқиба-тида ҳисобдан чиқарилган товарлар бўйича савдо устамалари суммаси-га эса дебетланади. Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо уста-малари суммаси қисмига 2980 «Савдо устамаси» счётининг дебети бўйи-ча ва 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счётининг кредити бўйича акс эттирилади. Реализация қилинмаган товарлар қолдигига тўғри ке-ладиган савдо устамалари суммасининг қисми инвентаризация рўйхат-лари асосида белгиланган миқдорларга мувофиқ товарларга қўйиладиган устамани белгилаш йўли орқали аниқланади.

Шундай қилиб, сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устама-си суммаси қуйидаги формулаларга асосан ҳисоблаб чиқилади:

**Реализация қилинган савдо устамаси суммаси** = *Товар ай-ланмаси* *x* *савдо устамасининг ўртача фоизи (ўр. %)*, бу ерда

$$\text{ўр. \%} = \frac{\text{Товар устамасининг бошланғич сальдоси} + \text{Келиб тушган товарлар бўйича савдо устамаси}}{\text{Ҳисобот йилидаги товар айланмаси} + \text{Давр охирига товар қолдиги}} \times 100 \%$$

**20-мисол.** «Бону» чакана савдо корхонасининг счётларида 2007 йил 1 март ҳолатидаги қолдиқ қуйидагиларни ташкил қилди:

2920 «Чакана савдодаги товарлар» счёти 4 500 000 сўм;  
2980 «Савдо устамаси» счёти 312 000 сўм.

Март ойи давомида «Бону» корхонаси қуйидаги операцияларни амал-га оширди ва улар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тарзда акс эттирилди:

— мол етказиб берувчи ва пудратчилардан 12 000 000 сўмлик то-варлар сотиш нархларида харид қилинди, жумладан харид қилинган товарлар бўйича савдо устамаси 725 500 сўмни ташкил қилди:

*дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счёти 12 000 000 сўм;*  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 11 274 500 сўм;*  
*кредит 2890 «Савдо устамаси» счёти 725 500 сўм;*

— март ойи давомида жами 11 500 000 сўмлик товарлар нақд пулга сотилди, сотишдан тушган маблағлар хизмат кўрсатадиган банкка ин-кассация қилинди:

*дебет 5010 «Касса» счёти 11 500 000 сўм;*  
*кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти 11 500 000 сўм;*

— товарларни сотишдан даромаднинг инкассация қилинган суммасига:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти 11 500 000 сўм;  
кредит 5010 «Касса» счёти 11 500 000 сўм;

— ҳисоб-китобга мувофиқ март ойи учун сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси суммасига:

дебет 2890 «Савдо устамаси» счёти 724 500 сўм;  
дебет 9120 «Сотилган товарлар таннари»  
счёти 10 775 500 сўм;  
кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»  
счёти 11 500 000 сўм.

Бунда сотилган товарлар бўйича савдо устамасининг ўртача фоизи (Ўр. %) қуйидагича ҳисоблаб чиқилди:

$$\text{Ўр. \%} = \frac{312\,000 + 727\,500}{12\,000\,000 + 4\,500\,000} \times 100\% = 6,3\%$$

**Реализация қилинган савдо устамаси суммаси** — 724 500 сўм (11 500 000 x 6,3 %).

**21-мисол.** Товарларни сотиш нархлари бўйича баҳолаш усулидан фойдаланадиган ва транспорт-гайёрлов харажатларини алоҳида счётларда ҳисобга олиб борадиган хўжалик юритувчи чакана савдо корхоналарида ҳисобот даври мобайнида сотилган товарлар бўйича савдо устамаси суммасини белгилаш ва транспорт-гайёрлов харажатларининг тақсимланиши қуйида келтирилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал  
минг сўмда

Мазмуни	Савдода чакана нарх бўйича товарлар	Жумладан савдо устамаси	Транспорт-гайёрлов харажатлари	Сотув қиймати (2-уст + 4-уст)
1	2	3	4	5
1. Ой бошига қолдиқ	227	77	25	252
2. Бир ойда келиб тушди	460	160	50	510
3. Бир ойда чиқиб кетди (сотилди)	487**	168	53	540
4. Ой охирига қолдиқ (1-сатр + 2-сатр + 3-сатр)	200	69	22	222

\*\* 2920 «Савдодаги товарлар» счётидаги қолдиқ савдо устамасининг 2980 «Савдо устамаси» корреспондентлик счётидан 168 000 сўм миқдориди чиқарилиши ва товарларнинг харид қиймати 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счёти корреспонденциясида 319 000 сўмга камайиши натижасида 487 000 сўмга камайди (168 000 сўм + 319 000 сўм).

Сотилган товарларга тўғри келадиган устама суммаси (дебет 2920 «Савдодаги товарлар» счёти, кредит 2980 «Савдо устамаси» счёти) қуйдагини ташкил этади:

$$\frac{77\,000 + 160\,000}{252\,000 + 510\,000} \times 540\,000 = 168\,000 \text{ сўм}$$

Сотилган товарларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси (дебет 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счёти ва кредит 1510 «Транспорт-тайёрлов харажатлари» счётида акс этирилади) қуйдагини ташкил этади:

$$\frac{25\,000 + 50\,000}{252\,000 + 510\,000} \times 540\,000 = 53\,000 \text{ сўм}$$

Сотилган товарлар таннархи (дебет 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счёти ва кредит 2920 «Савдодаги товарлар» счёти) **319 000 сўмни (540 000 сўм – 168 000 сўм – 53 000 сўм)** ташкил этади.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилганларни умумлаштириб, хўжалик юритувчи субъектга келиб тушган товар-моддий захираларни баҳолашда қуйдаги асосий ҳолатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Товар-моддий захиралар хўжалик субъектининг ўзида тайёрланганда уларнинг ҳақиқий таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи қабул қилинади, товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархи Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

2. Чет эл валютасига сотиб олинган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи сўмда, хорижий валюта суммасини юк-божхона декларацияси тўлдирилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан, товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича ҳақиқий харажатларни ҳам қўшган ҳолда аниқланади.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталига улуш сифатида олинган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари (иштирокчилари) билан келишилган пул баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

4. Хўжалик юритувчи субъект томонидан текинга (совға шартнома-си билан) олинган, шунингдек асосий воситалар ва бошқа мулкнинг чиқиб кетишидан кейин қолган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи, уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги жорий қийматидан келиб чиқиб, товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

5. Қонунчиликда белгиланган тартибда айнан ўхшаш бўлган товар-моддий захирага алмаштирилган товар-моддий захиранинг ҳақиқий таннархи айирбошлашда берилган товар-моддий захиранинг баланс қийматига тенг.

Товар-моддий захиралар қўшимча ҳақ тўлаб алмаштирилса, айнан ўхшаш товар-моддий захирага алмаштирилган товар-моддий захиранинг ҳақиқий таннархи айирбошлашда берилган товар-моддий захираларнинг алмаштириш пайтида берилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти суммасига камайтирилган (кўпайтирилган) баланс қийматига тенг.

6. Қонунчиликда белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган товар-моддий захирага алмаштирилган товар-моддий захиранинг ҳақиқий таннархи айирбошлашда берилган товар-моддий захиранинг жорий қийматига тенг.

Товар-моддий захиралар қўшимча ҳақ тўлаб алмаширилса, айнан ўхшаш бўлмаган товар-моддий захирага алмаштирилган товар-моддий захиранинг ҳақиқий таннархи айирбошлашда берилган товар-моддий захираларнинг айирбошлаш пайтида берилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти суммасига камайтирилган (кўпайтирилган) жорий қийматига тенг.

7. Қонунчиликда белгиланган тартибда мажбуриятлар (тўловлар) пулсиз воситалар билан бажарилишини кўзда тутган шартнома бўйича олинган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи, хўжалик юритувчи субъект томонидан берилган ёки берилиши керак бўлган моддий бойликларнинг жорий қийматига тенг суммага тан олинади. Хўжалик юритувчи субъект томонидан берилган ёки берилиши керак бўлган моддий бойликларнинг жорий қиймати хўжалик юритувчи субъект тенг шароитларда айнан ўхшаш бўлган бойликлар учун белгилайдиган нархдан келиб чиқиб белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан берилган ёки берилиши керак бўлган моддий бойликларнинг жорий қийматини аниқлаш мумкин бўлмаганда, мажбуриятлар (тўловлар) пулсиз воситалар билан бажарилишини кўзда тутган шартнома бўйича олинган товар-моддий захи-

раларнинг таннархи тенг шароитларда сотиб олинadиган товар-моддий захираларнинг жорий қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

8. Узоқ муддатли активлар таркибидан товар-моддий захиралар таркибига ўтказилadиган товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи ушбу узоқ муддатли активларнинг баланс (қолдик) қийматига тенг деб белгиланади.

9. Аниқланган ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархи товар-моддий захираларнинг уларни аниқлаш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

10. Хизматлар кўрсатишда товар-моддий захираларнинг таннархи меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан ҳамда бевосита хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларга, жумладан назорат юритувчи ходимларга бошқа харажатлардан ва уларга боғлиқ бошқа қўшимча харажатлардан ташкил топади. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳамда реализацияга боғлиқ бошқа харажатлар, маъмурий-бошқарув харажатлари таннархга киритилмайди, аммо улар содир бўлган давр харажатлари сифатида эътироф этилади (ҳисоб-китобда акс эттирилади).

Хизматлар кўрсатишда товар-моддий захиралар таннархи хўжалик субъекти томонидан ҳали тан олинмаган даромад бўйича хизматлар харажатларини ўз ичига олади.

11. Хўжалик юритувчи субъект томонидан сотиш учун олинган товарлар уларни харид қилиш қиймати бўйича баҳоланади. Чакана савдо билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига моддий жавобгар шахслар фаолиятини назорат қилиш мақсадида товар-моддий захираларни сотиш қиймати бўйича баҳолашда устамалар (чегирмалар)ни бухгалтерия ҳисоби счётларида алоҳида ҳисобга олишига рухсат берилади.

12. Товар-моддий захираларнинг улар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган ҳақиқий таннархи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва тегишли стандартда белгиланган ҳолатлардан ташқари, ўзгартирилмайди.

13. Товар-моддий захираларнинг улар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган ҳақиқий таннархи товар-моддий захираларни қайта баҳолаш натижасида ўзгартирилиши мумкин.

#### **4-§. Товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш усуллари**

БҲМС № 4 нинг 27-бандига мувофиқ, ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий захираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади.



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом (кейинги ўринларда — Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом деб юритилади) хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона услубий асосларини белгилаб беради.

БҲМС № 4 нинг 27-28-бандлари ҳамда Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби» деб номланган 1-бўлимига мувофиқ, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар олиб борилди: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига қўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

— ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтарилмайдиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

— асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган таннарх элементлари бўйича харажатларнинг тўлиқ рўйхати Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг 1.1-1.5-бўлимларида келтирилган.

Тегишли равишда юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият харажатлари ва фавқулодда зарарлар маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига *киритилмайди*.

Бухгалтерия ҳисобига доир илмий адабиётларда қабул қилинганидек, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ва тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш муаммолари бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бўлими — бошқарув ҳисобида ўрганилади.

Маълумки, товар-моддий захиралар таннархининг асосини корхона харажатлари (сарфлари) ташкил этади. Молиявий ҳисоботда, яъни бухгалтерия балансида тайёр маҳсулот ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини, шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)лар таннархини акс эттириш мақсадида, Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом корхонанинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиш учун харажатлар рўйхатини белгилаб беради. Бунда, товар-моддий захиралар таннархини аниқлашда хўжалик юритувчи субъект харажатларини классификациялашнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Товар-моддий захиралар (маҳсулот (ишлар, хизматлар)) таннархини аниқлаш усуллари уларнинг тури, маҳсулот ишлаб чиқариш хили, унинг мураккаблиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжудлиги, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, товар-моддий захиралар номенклатурасига боғлиқдир. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуллари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртмали, босқичли усуллар ҳисобланади, савдо ташкилотларида эса харажатларни инвентар баҳолаш усули ҳам қўлланилади.

#### **4.1. Оддий усул**

**Таннархни аниқлашнинг оддий усули** бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган ва ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ташкилотларда қўлланилади. Ушбу усул қўлланилганда ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига олиб борилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади, яъни тегишли формула куйидаги кўринишга эга:

$$T/H_{\text{бир}} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги жами ишлаб чиқариш харажатлари суммаси}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг умумий миқдори}}$$

Тайёр маҳсулот таннархини аниқлашнинг оддий усулини тақдимот этадиган куйидаги мисолни кўриб чиқамиз.

**22-мисол.** «Парварда» кичик корхонаси қандолатчилик маҳсулотининг бир тури «Ҳолва» ишлаб чиқариш билан шуғулланади ҳамда ишлаб чиқариш битта цехда амалга оширилади. 2008 йилнинг март ойи давомида корхона бир килограмми 850 сўмдан 500 кг шакар, 450 сўмдан 200 кг ун, 4000 сўмдан 25 кг сут кукуни, 6 500 сўмдан 10 кг кокос кукуни ва маҳсулотга қўшиладиган бошқа зираворларни 45 000 сўмга сотиб олди. Барча сотиб олинган маҳсулотлар тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатилди. Бундан ташқари, кичик корхонанинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун март ойидаги ишлаб чиқариш харажатлари қуйидагиларни ташкил қилди:

Меҳнатга ҳақ тўлаш:

— асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларга — 120 000 сўм;

— қўшимча ишлаб чиқариш ишчиларига — 80 000 сўм.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 24 фоиз) — 48 000 сўм;

ишлаб чиқариш цехи биноси ижара харажатлари — 47 600 сўм;

ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва жиҳозлар амортизацияси — 90 000 сўм;

электр энергияси бўйича харажатлар (2 500 кВт-соат, 1 кВт-соат учун 42 сўм) — 105 000 сўм;

табiiй газ бўйича харажатлар (800 куб м, 1 куб м учун 70 сўм) — 56 000 сўм;

сув таъминоти бўйича харажатлар (400 куб м, 1 куб м учун 75 сўм) — 30 000 сўм;

бошқа ишлаб чиқариш харажатлари — 108 000 сўм;

тайёр маҳсулотни харидорларга етказиб бериш харажатлари — 42 000 сўм;

маъмурий харажатлар ва бошқа операцион харажатлар — 144 000 сўм.

Бир ой давомида 1 200 кг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Март ойининг боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари бўлмаган. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот тўлиқ сотилди. Ҳолванинг 1 кг сотиш баҳоси 2 500 сўмни ташкил қилди.

Талаб этилади: а) ҳолва маҳсулоти бир бирлигининг таннархини ҳисоблаб чиқиш; б) март ойи учун операцион фойдани аниқлаш.

**Ечим:**

а) даставвал март ойидаги ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш лозим.

Ишлаб чиқариш харажатлари:

— ишлаб чиқаришдаги моддий харажатлар:

шакар            500 кг            х            850 сўм            =            425 000 сўм

ун	200 кг	х	450 сўм	=	90 000 сўм
сут кукуни	25 кг	х	4 000 сўм	=	100 000 сўм
ўсимлик мойи	10 литр	х	2 500 сўм	=	25 000 сўм
кокос кукуни	10 кг	х	6 500 сўм	=	65 000 сўм
бошқа зираворлар	—		—		45 000 сўм

**Ишлаб чиқаришдаги жами моддий харажатлар 750 000 сўм**

— ишлаб чиқариш тусидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари:

асосий ишлаб чиқариш ишчиларига	120 000 сўм
қўшимча ишлаб чиқариш ишчиларига	80 000 сўм

**Ишлаб чиқариш тусидаги меҳнатга жами иш ҳақи 200 000 сўм**

— ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғурталашга ажратмалар:  
**ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 24 фоиз) — 48 000 сўм;**

— ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси:

**ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва ускуналари амортизацияси — 90 000 сўм;**

— ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлар:

ишлаб чиқариш биноси ижараси 47 600 сўм

электр энергияси учун харажатлар  
 2 500 кВт-соат х 42 сўм = 105 000 сўм

табiiй газ учун харажатлар  
 800 м<sup>3</sup> х 70 сўм = 56 000 сўм

сув таъминоти учун харажатлар  
 400 м<sup>3</sup> х 75 сўм = 30 000 сўм

бошқа ишлаб чиқариш харажатлари 108 000 сўм

**Ишлаб чиқаришдаги жами бошқа харажатлар 346 600 сўм**

**Март ойи учун жами ишлаб чиқариш харажатлари:**

**1 461 600 сўм.**

Ҳолва маҳсулотининг март ойидаги бир бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқариш:

$$\text{Таннарх}_{\text{«Ҳолва» бирл.}} = \frac{1\,461\,600 \text{ сўм}}{1\,200 \text{ кг}} = 1\,218 \text{ сўм}$$

б) «Парварда» кичик корхонасининг март ойи учун операцион фойдасини аниқлаш ҳисоб-китоби қуйидагича амалга оширилади:

маҳсулотни сотишдан даромад (1 200 кг х 2 500 сўм) 3 000 000 сўм;

сотилган маҳсулот таннархи (1 200 кг х 1218 сўм) 1 461 600 сўм.

Сотишдан олинган ялпи фойда (3 000 000 – 1 461 600) 1 538 400 сўм;

Давр харажатлари:

— реализация бўйича харажатлар	42 000 сўм;
— маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	144 000 сўм;
Жами давр харажатлари	186 000 сўм;
Операцион фойда (1 538 400 – 186 000)	1 352 400 сўм.

#### 4.2. Буюртмали усул

**Таннархни аниқлашнинг буюртма усули** ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гуруҳи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартибдаги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг объекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ муддат давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари ва алоҳида узелларига берилиши мумкин.

Саноат соҳасида ушбу усулдан, одатда, ишлаб чиқариш жараёни бир турда ташкил қилинадиган корхоналарда қўлланилади. Бундай корхоналар одатда чекланган истеъмолга мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқариш учун ташкил қилинади. Мисол тариқасида блюминглар, прокат станлари, юқори қувватли экскаваторларни ишлаб чиқарувчи оғир машинасозлик заводлари, шунингдек, механик жараёнлардан фойдаланиладиган ва такрорланмайдиган ёки жуда кам такрорланадиган маҳсулот ишлаб чиқариладиган ҳарбий саноат мажмуаси корхоналарини келтириш мумкин. Табиийки, йирик буюртмани ишлаб чиқариш сезиларли даражадаги моддий сарфларни, меҳнатни ва бошқа харажатларни тақозо этади, аммо ҳамма вақт ҳам корхоналарнинг қувватларини тўлиқ ҳажмда ишлатиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бир вақтнинг ўзида бошқа буюртмаларни, турли конструкциядаги буюмларни ишлаб чиқариш мумкин, лекин уларнинг ҳар бири чекланган миқдорда бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг алоҳида турининг, яъни алоҳида бўлган буюртмаларга ва маҳсулотлар (иш, хизматлар) партиясига асосланган ишлаб чиқаришнинг ўзига хос бўлган муҳим хусусиятларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар сирасига қуйидагиларни олиб бориш мумкин:

— тайёрланадиган маҳсулот турининг хилма-хиллиги, унинг салмоқли қисми такрорланмайди ва алоҳида буюртмалар бўйича кичик миқдорларда ишлаб чиқарилади;

— ишчи ўринларининг технологик ихтисослашуви ва муайян операциялар ва деталларнинг ишчи ўринларига доимо мустаҳкамланиши мумкин эмаслиги;

— одатда универсал ускуналар ва мосламалардан фойдаланиш;

— қўлда амалга ошириладиган йиғиш ва якунлаш операциялар салмоқли улушининг нисбатан кўплиги;

— ишчилар орасида юкори малакали универсал мутахассисларнинг кўплиги.

Шу билан бирга, таннархни ҳисоблашнинг (калькуляция қилишнинг) буюртмали усулидан синов маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришда, шунингдек, қўшимча ишлаб чиқаришларда — махсус асбоб-ускуналарни тайёрлашда, таъмирлаш ишларини олиб боришда ҳам фойдаланилади. Буюртмали усулидан фойдаланиш соҳасининг бошқа йўналишлари бўлиб майда туркумли саноат корхоналар ҳисобланади. Мазкур ҳолатда, туркум деганда ишлаб чиқаришга бир вақтда ёки муайян кетма-кетликда тушириладиган бир хил конструкцияли буюмларнинг чекланган миқдори тушунилади. Майда туркумли ишлаб чиқаришлар истеъмолчига кичик миқдорларда керак бўладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ташкиллаштирилади. Шунинг учун майда туркумли ишлаб чиқариш корхоналари нисбатан кенг бўлган ва етарли даражада турли хил номенклатурадаги маҳсулотлар билан юкланади. Мисол тариқасида кемасозлик ва авиасозлик корхоналарини, шунингдек, нашриёт-матбаа ташкилотларини келтириш мумкин — ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори буюртма бўйича аниқланади.

Буюртмали усул физикавий-кимёвий жараёнлардан фойдаланидиган корхоналарда чекланган миқдорда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади (масалан, кимё саноати корхоналарида кимёвий реакциялар тайёрлаш, темир-бетон йиғиш корхоналарида темир-бетондан оригинал буюм ва бошқа буюмлар тайёрлаш).

Таъкидлаш жоизки, буюртмали усул бўйича ҳисоблашнинг фойдаланиш соҳаси саноат ишлаб чиқариш соҳаси билан чекланмайди. Ушбу усул қурилишда (лойихани муайян ҳудудга мослаштириш учун), илмий-текшириш институтларида, соғлиқни сақлаш муассасаларида (бунда ҳар бир беморга қилинган операция таннархи, унинг мураккаблиги ва қўйилган ташхисга боғлиқ ҳолда калькуляцияланади) муваффақият билан қўлланилади.

Таъкидлаб ўтиш адолатданки, сўнги йилларда республикамизда хизматлар соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Иқтисодийнинг ушбу соҳасини жадал равишда кенгайтиришда давлатнинг кўмаги асосий тур-

тки бўлиб келмоқда. Сўнги ўн йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматимизнинг бу йўналишдаги қатор қарорлари эълон қилинди. Ушбу соҳадаги туб бурилишлардан бири тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилинишини айтиб ўтиш мумкин. Адолатли равишда таъкидлаб ўтиш мумкинки, 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастурининг амалга оширилиши натижасида 2006 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 19,3 фоизга ошди, республикада яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи хизматлар кўрсатиш соҳасига тўғри келди, бу эса дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичлардан анча юқори. Хизматлар кўрсатишнинг замонавий, илгор турлари ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буларга телекоммуникация хизматлари, уяли алоқа, молиявий-банк ва сугурта хизматлари, сайёҳлик-экскурсия ва ҳоказолар киради. Хизматлар кўрсатиш соҳасида 2006 йилда 137 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Бирок, юқорида таъкидлаб ўтилган қарорда қайд этилганидек, мавжуд салоҳият ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал суръатда ривожлантириш имкониятлари ҳали тўлиқ ишга солингани йўқ. Мамлакат ҳудудлари бўйича олганда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатида сезиларли фарқ бор. Қишлоқ аҳолисига хизматлар кўрсатиш тизими ҳам ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти.

Шу боис, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида, мазкур қарорда 2006 йилда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга доир амалда эришилган кўрсаткичларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарори билан тасдиқланган «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг асосий параметрлари ва тадбирларига ўзгартиш ва тузатишлар киритиш белгилаб берилди.

Шу билан бирга, ушбу қарор билан бирга: а) Ўзбекистон Республикаси бўйича 2007-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг янгиланган асосий параметрлари; б) 2007-2010 йилларда республика ҳудудларида хизматларнинг асосий турларини ривож-

лантиришнинг мақсадли параметрлари; в) «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007-2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари маъқулланди.

Қарорда кўзда тутилган яна бир муҳим воқеалардан бири шу бўлдики, қонунчиликка мувофиқ, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасидаги кичик бизнес субъектларига кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилди. Хусусан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йил 31 декабригача узайтирилди, шунингдек, ҳудди шу қарорнинг 7-бандида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига ҳам татбиқ этилди.

Табиийки, аҳолига ҳам, юридик шахсларга ҳам хизматлар кўрсатишда мазкур хизматларнинг таннархини аниқлаш керак бўлади. Ўз навбатида, устахоналар, ателье, кимёвий тозалаш шохобчалари ва турли хил хизматлар кўрсатувчи бошқа хўжалик субъектлари ҳам яқка буюртмалар бўйича қийим-бош тикишда, автомобиллар, маиший техникани таъмирлашда ва бошқа хизматларни кўрсатишда буюртмали усулдан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу калькуляциялаш усулининг моҳияти қуйидагидан иборат: барча тўғридан-тўғри харажатлар (асосий материалларга харажатлар, асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи харажатлари ва у бўйича ижтимоий ажратмалар) калькуляциянинг алоҳида ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича белгиланган моддалари доирасида ҳисобга олинади. Бошқа ишлаб чиқариш устама харажатлари улар пайдо бўлган жойда ҳисобга олинади ва тақсимлаш ставкасининг белгиланган базасига мувофиқ алоҳида буюртмалар таннархига киритилади.

Ушбу калькуляциялаш усулида харажатларни ҳисобга олиш объекти ва калькуляциялаш объекти бўлиб алоҳида ишлаб чиқариш буюртмаси ҳисобланади. Бунда, буюртма деганда мижознинг унга муайян микдордаги буюмларни махсус яратиш ёки тайёрлаш учун мурожаатномаси тушунилади. Одатда, буюртманинг тури буюртмачи (харидор) билан тузилган шартномада белгиланади. Мазкур шартномада махсуслотнинг буюртмачи томонидан тўланадиган қиймати, ҳисоб-китоблар-



ни амалга ошириш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни топшириш тартиби, буюртмани бажариш муддати, сотишдан кейинги кафолатли хизмат кўрсатиш муддати ва бошқа шартлар кўрсатилади.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртма тугагунча тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, таннархни калькуляциялашнинг буюртма усулида ишлаб чиқаришда фойдаланилган материалларга, ишлаб чиқариш ишчилари учун меҳнат ҳақига харажатлар ва улар бўйича ижтимоий ажратмалар, шунингдек, ишлаб чиқариш (умумзавод) устама харажатлари ҳар бир якка тартибдаги буюртмага ёки маҳсулотнинг ишлаб чиқариш партиясига ўтказилади. Агар буюртма битта буюмга қилинган бўлса, унинг таннархи барча харажатлар йиғиндиси сифатида ҳисоблаб чиқилади. Агар бир нечта буюм ёки буюмлар партияси буюртма қилинган бўлса, харажатлар суммасини қўшиш орқали бутун партиянинг таннархи ҳисоблаб чиқилади. Битта буюмнинг таннархини аниқлаш учун умумишлаб чиқариш харажатлари партиядаги маҳсулот бирликларининг сонига бўлинади.

Алоҳида буюртмалар бўйича ҳисобга олиш асосий ҳисоб регистри — буюртмани ҳисобга олиш карточкасини очишдан бошланади (7-расмга қаранг).

Ушбу ҳисоб ҳужжати хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси томонидан юритилади. Буюртмани ҳисобга олиш карточкасига ёзувларни киритиш учун асосий дастлабки ҳисоб ҳужжатлари асосий материаллардан ва асосий ишлаб чиқариш меҳнатидан фойдаланганликни тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлардир (асосий материалларни ажратиш учун талабнома, иш наряди ва х.к.) (8 ва 9-расмларга қаранг). Бунда ҳар бир бошланғич ҳужжатда буюртманинг идентификацион рақами қўйиб чиқилади. Буюртмани ҳисобга олиш карточкасидан буюртма ўтгани сайин тўғридан-тўғри материаллар, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама (умумзавод) харажатлари бўйича ахборот тўпланиб боради. Шундай қилиб, буюртмани ҳисобга олиш карточкаси калькуляциялашнинг буюртмали усулидан фойдаланиш шароитида асосий ҳисоб регистри бўлиб ҳисобланади.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг ушбу усулида материалларнинг тўғридан-тўғри харажатлари, шунингдек, буюртмани бажаришда бевосита банд бўлган асосий ишлаб чиқариш ишчилари учун меҳнат ҳақи харажатлари, олинган бошланғич ҳужжатларга мувофиқ тегишли буюртмаларга ҳисобдан чиқарилади ва 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида акс эттирилади.

Билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобот даврида бажарилган алоҳида ишлаб чиқариш буюртмалари ўртасида тақсимланиши муаммоси туғилади (асосий ишлаб чиқариш воситалари ва номоддий активлар амортизацияси, ижара ҳақи, ёритиш, иситиш, шамоллатиш, кондиционерлаш, техник кўрикдан ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари ва кўчмас мулкни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.), чунки буюртма нархини режалаштириш ва уни буюртмачи (харидор) билан келишиб олиш ишларини билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ҳали ҳақиқатдан маълум бўлмасидан ҳисобот даври давомида олиб бориш керак.

Мазкур масалани ҳал қилиш йўлларида бири (тавсия этилмайди) — ҳисобот даври тугагини кутиш ва кейин ҳисобот давридаги билвосита ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ҳақиқатдаги суммасини билган ҳолда, уни алоҳида буюртмалар ўртасида тақсимлаш. Бирок, бундай ечим замонавий раҳбарни ва буюртмачининг ўзини ҳам қониқтириши гумон. Корхона раҳбарияти буюртма бажарилишидан олдин унинг нархини белгилаш учун буюртманинг кутилаётган таннархи ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак. Буюртмачи ҳам худди шунингдек, арзонроқ ижрочини танлаш учун кутиладиган нархлар ҳақида оператив ахборотга эга бўлиши лозим. Амалиётда одатда бошқа йўлдан борилади: ишлаб чиқариш устама харажатлари (билвосита харажатлар) олдиндан алоҳида буюртмалар ўртасида тақсимланади, бунда кутилаётган билвосита ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг бюджет (режали, сметали, баҳоланган) ставкаларидан (дастлабки нормативлардан) фойдаланилади. Одатда, улар ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг ва кейинги даврдаги ишлаб чиқариш устама харажатларининг баҳоланадиган миқдорларига асосланади.

Ишлаб чиқариш устама харажатлари (ИУХ)ни тақсимлашнинг сметали (бюджетли) ставкаларини ҳисоблаб чиқиш хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси томонидан ҳисобот даври бошланишидан олдин уч босқичда амалга оширилади:

**1. Бошланадиган (режалаштирилаётган) давр учун ишлаб чиқариш устама харажатлари баҳоланади.** Бундай прогнозларнинг аниқлик даражаси кўп жиҳатдан бухгалтер — таҳлилчининг (ёки режалаштириш бўлими ходимининг тажрибаси, билимлари ва савиясига боғлиқ, чунки бундай прогнозларни ишлаб чиқишда кўплаб омилларни — ҳам объектив (корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган), ҳам субъектив (унга боғлиқ бўлган) омилларни ҳисобга олиш зарур. Масалан, умумишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини комму-

нал хизматлар ва электр энергияси учун тўловлар ташкил қилади, унинг миқдори эса, ўз навбатида, белгиланган тарифларга боғлиқ. Демак, коммунал хизматлар ва электр энергияси тўловлари бўйича амалдаги тарифларнинг ошиши корхона учун объектив омил ҳисобланади. Шу билан бирга, электр энергиясидан қанчалик оқилона фойдаланиш, уни бекорга сарфламастик айнан корхонанинг ўзига боғлиқ. Бундай субъектив омиллар ҳам таҳлилчи-бухгалтер томонидан келгуси давр учун ИУХни прогнозлашда ҳисобга олиниши керак.

**2. ИУХни алоҳида ишлаб чиқариш буюртмалари ўртасида тақсимлаш учун база танланади ва унинг миқдори прогнозланади.** Бунда тақсимлаш базаси дейилганда шундай техник-иқтисодий кўрсаткич тушуниладики, у хўжалик юритувчи субъект раҳбари нуктаи назаридан ишлаб чиқариш устама харажатларини тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмлари билан энг юқори даражадаги аниқликда боғлайди.

ИУХни тақсимлаш базаси хўжалик субъекти томонидан унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан, бажариладиган буюртмалар туридан, уларнинг миқдори, ўлчамлари, олдинги ҳисобот даврларида бажарилган буюртмалар ҳажмлари ва турларидан ва ҳоказодан келиб чиққан ҳолда мустақил тарзда танланади. Буюртмани калькуляциялаш мақсадида фойдаланиш учун танланган ИУХни тақсимлаш базаси хўжалик субъектининг ҳисоб сиёсатида акс этирилиши керак ва бутун ҳисобот даврида шундайлигича қолади.

Одатда саноатда ИУХни тақсимлаш базаси сифатидада энг кенг қўлланиладиган кўрсаткичлар сифатида ишланган дастгоҳ-соатлар, асосий ишлаб чиқариш ишчилари учун ҳисобланган иш ҳақи суммаси, киши-соат ва ҳоказолардир. Бироқ, масалан, гиламларни якка тартибда ишлаб чиқаришда — квадрат метрлар, транспорт хизматларини кўрсатишда — тонна ёки йўловчи-километрлар (автомобиль босиб ўтган йўл), аудиторлик хизматлари кўрсатишда — аудиторлик ташкилоти ходимлари ишлаган соатлар, ўқув марказларида — ўқитувчининг иш соатлари, Интернет-кафеларда — компьютерлар ишлатилган соатлар ва шу каби бошқа ўлчов бирликлари қўлланилиши мумкин.

Бухгалтер ёки режалаштириш бўлими ходими ИУХни тақсимлаш базаси сифатида у ёки бу кўрсаткични танлаш ҳақида қарор қабул қилар экан, унинг келгуси (режалаштирилаётган) давр учун миқдорини прогнозлайди. Бунда у ИУХ суммасини прогнозлашда учрайдиган муаммоларга дуч келади. Бу ерда мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олиб, корхона маҳсулотига бўладиган талабни, аҳолининг (ёки корхоналар-

нинг) тўлов қобилиятини, рақобатчилар фаолиятини ҳисобга олиб бозордаги умумий вазиятни баҳолаш зарур. Ушбу барча омилларнинг кутилаётган буюртмалар ҳажмларига, тегишлича, танланган базавий кўрсаткич миқдорига таъсирини тўғри баҳолашни фақат тажрибали бухгалтер ёки режалаштириш бўлими ходими удаллаши мумкин.

**3. Прогнозланадиган ИУХ суммасини базавий кўрсаткичининг кутилаётган миқдорига бўлиш йўли билан смета (бюджет) ставкаси ҳисоблаб чиқилади**, яъни уни ҳисоблаб чиқариш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\text{ИУХни тақсимлашнинг смета (бюджет) ставкаси}}{\text{Келгуси (режалаштирилаётган) давр учун ишлаб чиқариш устама харажатларининг смета (бюджет) суммаси}} = \frac{\text{Сметали (бюджет) тақсимлаш базаси (харажатлар омили)}}{\text{Сметали (бюджет) тақсимлаш базаси (харажатлар омили)}}$$

Қуйидаги мисолда буюртма усулининг услубий асосларини кўриб чикамиз.

**23-мисол.** «Гўзал» МЧЖ оморида ҳисобот давр бошида (01.01.2007 й.) 6 150 000 сўмлик материаллар, 12 500 000 сўмлик тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари бўлган. Давр бошида корхона 50 000 000 сўмлик асосий материаллар ва 10 000 000 сўмлик қўшимча материаллар сотиб олди. Материаллар ҳақиқий қиймати бўйича корхона оморида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан кириш қилинди:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 50 000 000 сўм;*  
*дебет 1080 «Бошқа материаллар» счёти 10 000 000 сўм;*  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 60 000 000 сўм.*


7-расмда ушбу операция «1)» ва «2)» ёзувларда акс эттирилган.

Материалларни омордан чиқариш учун талабнома тақдим этилганда 55 000 000 сўмлик асосий материаллар (шу жумладан 1-буюртма учун — 30 000 000 сўм, 2-буюртма учун — 25 000 000 сўм), 3 500 000 сўмлик қўшимча материаллар (хар иккала буюртма учун) омордан чиқарилиди.

«Гўзал» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқаришга берилган асосий материаллар қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс этирилади (7-расмдаги «3)»-ёзувга қаранг):

*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 55 000 000 сўм;*  
*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 55 000 000 сўм.*

Юқорида айтилганидек, буюртмаларни ишончли ва тезкор ҳисобга олишни ташкил қилиш учун 1-чи ва 2-чи буюртмани ҳисобга олиш карточкалари очилади. Уларга қуйидаги ёзувлар киритилади:



7-расм. Харажатларни ҳисобга олишнинг буюртма усулида синтетик сётларнинг ўзаро алоқаси.

**1-БУЮРТМА      2-БУЮРТМА****Асосий материаллар, сўм      30 000 000      25 000 000**

Қўшимча материаллар қиймати ИУХ сифатида 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари» счётига қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан ўтказилади (7-расмдаги «4»)-ёзувга қаранг):

*дебет 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари» счёти      3 500 000 сўм;*  
*кредит 1080 «Бошқа материаллар» счёти      3 500 000 сўм.*

Иккита буюртма бажарилгани муносабати билан асосий ишлаб чиқариш ишчиларига 5 000 000 сўм миқдоридида иш ҳақи ҳисобланди (жумладан, 1-буюртма бўйича 3 000 000 сўм, 2-буюртма бўйича — 2 000 000 сўм), ёрдамчи ишчиларга — 3 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланди.

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ушбу операция қуйидаги иккита проводка билан акс эттирилади (7-расмдаги «5»)-ёзувга қаранг):

*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти      5 000 000 сўм;*  
*кредит 6710 «Ходимларга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти      5 000 000 сўм;*

ва

*дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти      3 000 000 сўм;*  
*кредит 6710 «Ходимларга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти      3 000 000 сўм.*

Ёрдамчи ишчиларнинг меҳнат ҳақи умумий ишлаб чиқариш харажатлари таркибидида акс эттирилади, чунки у ўз мазмунига кўра ишлаб чиқариш (устама) харажатларидир (7-расмдаги «6»)-ёзувга қаранг).

Бошқарув ҳисобида буюртмаларни ҳисобга олиш карточкаларига қуйидаги ёзувлар киритилади:

**1-БУЮРТМА      2-БУЮРТМА****Асосий материаллар, сўм      30 000 000      25 000 000**

**Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига меҳнат ҳақи, сўм      3 000 000      2 000 000**

Айни пайтга келиб 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти дебети бўйича 6 500 000 сўмлик харажатлар тўпланган. Корхонанинг ҳисобот давридаги бошқа умумий ишлаб чиқариш харажатлари (коммунал хизматлар учун тўловлар, ижара ҳақи ва ҳ.к.) 10 000 000 сўм миқдоридида кутилмоқда (7-расмдаги «14»)-ёзувга қаранг), яъни умумий ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси 16 500 000 сўмни ташкил этиши керак. Молиявий ҳисобда мазкур сумма қуйидаги бух-

галтерия проводкаси билан расмийлаштирилади (7-расмдаги «7»)»-ёзув-га қаранг):

*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти* 16 500 000 сўм;  
*кредит 2510 «Умумий ишлаб чиқариш хара-  
 жатлари» счёти* 16 500 000 сўм.

Уларни буюртмалар бўйича тақсимлаш учун база сифатида асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг (АИИ) меҳнат ҳақи танланди, бу ҳақда корхона ҳисоб сиёсатида ҳам қайд этилди. Умумишлаб чиқаришнинг ёки ишлаб чиқариш устама харажатларининг қандай суммаси аниқ буюртмаларга тақсимланишини аниқлаш учун биринчи галда, ИУХ-нинг тақсимлаш ставкасини ҳисоблаб чиқамиз:

ИУХни тақсимлаш ставкаси =  $\frac{\text{Давр учун ишлаб чиқариш устама харажатлари суммаси}}{\text{Тақсимлаш базаси (харажатлар омили)}}$

АИИнинг 1 сўмлик меҳнат ҳақига 3,3 сўм =  $\frac{16\,500\,000\text{ сўм}}{3\,000\,000\text{ сўм} + 2\,000\,000\text{ сўм}}$

Иккинчи навбатда, 1-буюртмага ажратилган ИУХ суммасини аниқлаймиз. Бунинг учун, 1-буюртмани ҳисобга олиш карточкасида акс этирилган ёзувлардан келиб чиқиб, асосий ишлаб чиқариш ишчиларига меҳнат ҳақи суммасини топамиз — 3 000 000 сўм, ушбу миқдорни ИУХ-ни тақсимлаш ставкаси миқдорига кўпайтириб, 1-буюртмага ажратилган ИУХ суммасини топамиз, яъни: 3 000 000 x 3,3 = 9 900 000 сўм.

Учинчи навбатда, худди шу тарзда 2-буюртмага ажратилган ИУХ суммасини топамиз, яъни: 2 000 000 x 3,3 = 6 600 000 сўм.

Бошқарув ҳисобида буюртмаларни ҳисобга олиш карточкасига сўнги ёзувлар киритилади ва уларнинг таннархи аниқланади:

	<b>1-БУЮРТМА</b>	<b>2-БУЮРТМА</b>
<i>Асосий материаллар, сўм</i>	<i>30 000 000</i>	<i>25 000 000</i>
<i>Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнат ҳақи, сўм</i>	<i>3 000 000</i>	<i>2 000 000</i>
<i>Умумий ишлаб чиқариш харажатлари, сўм</i>	<i>9 900 000</i>	<i>6 600 000</i>
<i>Жами буюмларнинг шартли-ҳақиқий таннархи, сўм</i>	<i>42 900 000</i>	<i>33 600 000</i>

Маҳсулотни ишлаб чиқариш тугалланди, маҳсулот омборга кириб қилинди, кейин буюртмачига топширилди, буларнинг барчаси тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилди (ҳисобварақ-фактура). Тузилган шартномаларга мувофиқ биринчи буюртмани бажаришнинг

шартномавий нархи 62 500 000 сўмга, иккинчи буюртманики 47 500 000 сўмга тенг (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда).

Бухгалтерия ҳисобида ушуб операциялар қуйидаги бухгалтерия про-водкалари билан акс эттирилади:

— маҳсулотни шартли-ҳақиқий таннархи бўйича оморга бериш (7-расмдаги «8»)»-ёзувга қаранг):

дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»  
счёти 76 500 000 сўм;

кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 76 500 000 сўм;

— маҳсулот буюртмачига шартномавий нархда сотилди (юкланди) (7-расмдаги «9»)»-расмга қаранг):

дебет 4010 «Харидорлардан ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 91 667 000 сўм;

кредит 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан  
даромадлар» счёти 91 667 000 сўм;

— сотилган буюртмалар тўғри келадиган ҚҚС бўйича бюджетга қарздорлик ҳисобланди (7-расмдаги «10»)»-ёзувга қаранг):

дебет 4010 «Харидорлардан ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 18 333 000 сўм;

кредит 6411 «Бюджетга тўловлар бўйича  
қарздорлик — ҚҚС» счёти 18 333 000 сўм;

— сотилган маҳсулот — буюртмаларнинг таннархи ҳисобдан чиқари-рилди (7-расмдаги «11»)»-ёзувга қаранг):

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар  
таннархи» счёти 76 500 000 сўм;

кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»  
счёти 76 500 000 сўм;

— ҳисобот даври охирида даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш счётлари якуний молиявий натижани ҳисобга олиш счётига ёпи-лади (7-расмдаги «12»)» ва «13»)»-ёзувларга қаранг). Ҳисоб-китоблар бўйича буюртмаларни сотишдан ялпи фойда суммасини аниқлаш мум-кин, у 15 670 000 сўм ташкил қилади (9910 «Якуний молиявий нати-жа» счётида дебет бўйича акс этган):

дебет 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан  
даромадлар» счёти 91 667 000 сўм;

кредит 9910 «Якуний молиявий натижа»  
счёти 91 667 000 сўм;

ва  
дебет 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 76 500 000 сўм;



*кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти* 76 500 000 сўм.

Ҳисобот даври тугагандан кейин умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий суммаси аниқланади. Икки вариантни кўриб чиқамиз.

**I вариант.** Умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий миқдори 19 000 000 сўмни ташкил қилди. Яъни чорак давомида 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти дебети бўйича 2 500 000 сўмлик суммага қўшимча ёзувлар амалга оширилди (7-расмдаги «12а»)-ёзувга қаранг). Шундай қилиб, ишлаб чиқариш устама харажатлари етарли бўлмаган даражада тақсимланган, натижада бажарилган ва топширилган буюртмаларнинг ҳақиқий таннархи бухгалтерия ҳисобида 2 500 000 сўмга пасайтирилиб ҳисобга олинган. Худди шу суммага молиявий натижа ҳам юқори даражада кўрсатилган.

Бундай вазият ҳисобот даври охирида қўшимча ёзувлар киритиш йўли билан бартараф этилади (7-расмдаги «15»)-ёзувга қаранг):

*дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти* 2 500 000 сўм;

*кредит 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари»*

*счёти*

*2 500 000 сўм;*

ёки умумий ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши камомади суммасини сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олиш счётига ўтказиш мумкин:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар*

*таннархи» счёти*

*2 500 000 сўм;*

*кредит 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари»*

*счёти*

*2 500 000 сўм.*

**II вариант.** Чорак натижалари бўйича ҳақиқий умумий ишлаб чиқариш харажатлари 14 000 минг сўмни ташкил қилди. Яъни, дастлабки тақсимлашда буюртмалар таннархига ортиқча билан ўтказилган. Бунда буюртмаларнинг ҳақиқий таннархи бухгалтерия ҳисобда асоссиз тарзда ошириб юборилган, молиявий натижа эса, аксинча, камайтирилган. Бу вазиятда «15»-ёзуви қуйидаги кўринишни олиши керак эди:

*дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»*

*счёти*

*2 500 000 сўм;*

*кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти* 2 500 000 сўм;

ёки юқорида кўрсатилгандагидек:

*дебет 2510 «Умумий ишлаб чиқариш харажатлари»*

*счёти*

*2 500 000 сўм;*

*кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотлар*

*таннархи» счёти*

*2 500 000 сўм.*

### 4.3. Босқичли (жараёнли) усул

Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда қўлланади. Одатда, ушбу усулдан маҳсулот муайян кетма-кетликда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларидан ўтадиган саноат корхоналарида фойдаланилади. Аксарият ҳолларда, бундай ишлаб чиқаришларда хом ашё физикавий-кимёвий ва кимёвий усулларда қайта ишланади ҳамда маҳсулот олиш жараёни бир нечта кетма-кетликдаги технологик босқичлардан иборат бўлади. Бунда кулькуляциялаш объекти бўлиб, ҳар бир яқунланган босқич (жараён) маҳсулоти ҳисобланади, ўз навбатида биратўла бир нечта маҳсулот олинadиган босқичлар (жараёнлар)га ҳам тегишлидир. Ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисоби бўйича хорижий адабиётларда ушбу усулни таннархни кулькуляциялашнинг жараёнли усули деб ҳам аталади<sup>1</sup>.

Босқичли (жараёнли) усулнинг моҳияти шундан иборатки, тўғридан-тўғри харажатларни жорий ҳисобда маҳсулот турлари бўйича эмас, балки ишлаб чиқариш босқичлари (жараёнлари) бўйича акс эттирилади, ҳаттоки битта босқичда турли хилдаги маҳсулотларни олиш имконияти бўлганда ҳам. Демак, харажатларни ҳисобга олиш объекти бўлиб босқич, яъни ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

Тегишли равишда, маҳсулот таннархини аниқлашнинг босқичли усулидан келиб чиқиб «босқич» сўзига таъриф бериш мумкин. Босқич — бу технологик жараённинг бир қисми (технологик операциялар йиғиндиси) бўлиб, натижада тайёр ярим фабрикатни олиш билан яқунланади ҳамда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига (жараёнига) ўтказиш ёки четга реализация қилиш мумкин бўлади. Бирламчи материалнинг барча ишлаб чиқариш босқичлардан ўтиши натижасида тайёр маҳсулот олинади, яъни охириги босқичдан энди ярим фабрикат эмас, балки охириги тайёр маҳсулот чиқади. Масалан, тўқимачилик ишлаб чиқариши бир қатор босқичларлардан иборат бўлади. Тўқимачилик саноатида бирламчи материал бўлиб пахта толаси, тозаланмаган ва ювилган жун, пилла-шойи, сунъий ва синтетик толалар ва бошқа материаллар ҳисобланади. Улар биринчи босқичга (жараёнга) — ип йиғиришга келиб тушади. Ушбу босқичнинг тайёр маҳсулоти йиғи-

<sup>1</sup> Хорнгрэн Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект: Пер. с англ. / Под ред. Я. В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2003. — 416 с.; Анчёрч А. Управленческий аспект: принципы и практика: Пер. с англ. / Под ред. Я. В. Соколова. — М.: Финансы и статистика, 2002. — 952 с.; Друри К. Введение в управленческий и производственный учет: Пер. с англ. / Под ред. Н. Д. Эриашвили. — М.: ЮНИТИ, 1998. — 783 с.


рилган калава ип ҳисобланади. У кейинги босқичга (жараёнга) — тўқишга ўтказилади ва ушбу босқич охирида ундан сур ип ёки хом мато олинади. Хом мато учинчи босқичга — пардозлашга келиб тушади, унда матога тегишли расмлар туширилади. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг технологик схемасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



8-расм. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг технологик схемаси.


Худди шунингдек, қора металлургия саноатида босқичлар — бу чўян эритиш (домен цехи), пўлат эритиш (кислородли-конверторли ёки пўлат қуйиш цехи), прокат ишлаб чиқариш (прокат цехи).

Таннархни аниқлашнинг босқичли (жараёнли) усулига нисбатан юқорида баён этилган ёндашувларни умумлаштириб, босқичли (жараёнли) калькуляциялаш тизимида ишлаб чиқариш ва харажатлар (сарфлар) оқимини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин (9-расм):



Харажатларни алоҳида маҳсулот birliklari бўйича тақсимлаш борасида ҳеч қандай ишлар қилинмайди. Беvosита харажатлар, ишлаб чиқариш ва қўшимча харажатлар А босқич, В босқич ва ҳ.к. бўйича тақсимланади. Ишлаб чиқариш якунлангандан кейин маҳсулот бир маҳсулот birlikigita ўртача таннарх бўйича тайёр маҳсулот омборига ўтказилади

Ҳар бир birlik учун ўртача таннарх бўйича баҳоланадиган бир хил birliklar захирасидан иборат



Беvosита харажатлар, ишлаб чиқариш ва қўшимча харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг алоҳида birliklari бўйича тақсимланади

Турли хилдаги маҳсулотлар захирасидан иборат

9-расм. Харажатларни босқичли ва бўюртмали калькуляциялаш тизимларида ишлаб чиқариш ва харажатлар оқими.

Маҳсулот таннархини буюртмали ва босқичли усуллари бўйича калькуляциялаш ўртасидаги фарқни 9-расмда яққол кўриш мумкин. Расмда тасвирланиши бўйича ишлаб чиқариш олдинги бир жараёндан (босқич ёки цехдан) кейингисига жараёнга ўтиб боради ва бундай ҳолат жараён тайёр маҳсулот олингунча давом этади. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси (цех, участка) умумий операциянинг бир қисмини бажаради ва маҳсулотни кейинги бўлинмага ўтказиши. Мазкур бўлинма учун олинган маҳсулот бирламчи материал ҳисобланади ва унга кейинги ишлов берилади. Охири бўлинмадан чиққан тайёр бўлган маҳсулот тайёр маҳсулотлар омборига келиб тушади.

Харажатларни ҳисобга олишнинг босқичли (жараёнли) усулининг хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— ҳар бир босқич (жараён) учун 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» синтетик счётига аналитик ҳисобни ташкил қилиш;

— алоҳида буюртмаларни ҳисобга олмасдан харажатларни босқичлар (жараёнлар) бўйича умумлаштириш, яъни ҳар бир босқич маҳсулоти таннархини бутунлай калькуляция қилиш;

— харажатларни тайёрлаш вақти бўйича эмас, балки календарь давр бўйича ҳисобдан чиқариш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, босқичли калькуляциялаш хом ашёдан комплекс фойдаланадиган саноат тармоқларида кенг қўлланилиб, унда ишлаб чиқариш жараёни мустақил технологияга ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш алоҳида технологик циклларига эга бўлган алоҳида босқичлардан иборат. Бундай тармоқларга, масалан, кимё, нефть қазиб олиш, цемент ишлаб чиқариш, металлургия, целлюлоза-қоғоз, ип-газлама ва бошқалар саноат турлари қиради. Санаб ўтилган саноат корхоналарида материал сарфланиши юқори даражадалигини ҳисобга олиниб, ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш шундай ташкил этиладики, ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланиш назорат остида бўлади. Аксарият ҳолларда ушбу тармоқлар корхоналарида бирламчи хом ашё, маҳсулотнинг ёки ярим фабрикатнинг, брак ва чиқиндиларнинг чиқиш балансларини ҳисоблаб чиқиш қўлланилади. Ўз навбатида, турли хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, агар бутун технологик жараённи доимий такрорланиб турувчи операцияларга бўлиш имконияти мавжуд бўлса, харажатларни ҳисобга олишнинг ушбу усулидан фойдаланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси катта бўлмаган, аммо ишлаб чиқариш даражаси оммавий тусга эга бўлган шароитда ҳам ҳисобга олишнинг босқичли (жараёнли) усулидан фойдаланилади. Оммавий турдаги ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— катта бўлмаган номенклатурадаги маҳсулотни йирик миқдорларда ҳажмларда ишлаб чиқариш доимийлиги;

— ишчи ўринларининг одатда битта доимий бириктирилган операцияни бажаришга ихтисослаштирилиши;

— механизацияланган ва автоматлаштирилган жараёнларнинг улушли салмоғининг сезиларли даражада ошиши ҳамда қўлда бажариладиган ишларнинг кескин камайтирилиши ва ҳоказо.

Оммавий тусда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш турларидан бири оқимли (поточное) ишлаб чиқариш бўлиб, унда технологик жараёндаги барча операцияларнинг бажарилиши вақт бўйича бир-бирига мувофиқлаштирилади ва меҳнат предметларининг иш ўринлари бўйича силжиши маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ўрнатилган ритмга мувофиқ амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, таннархни калькуляциялашнинг босқичли усулида харажатларни ҳисобга олиш ва жамғариш жараёни маҳсулотни ишлаб чиқариш босқичида унинг кетма-кетлигидан кейин амалга оширилади. Ҳар бир босқич (жараён) (бўлинма, цех) учун одатда назорат (аналитик) счёти белгиланади ҳамда бевосита ва билвосита харажатлар ҳар бир босқич бўйича тақсимланади. Харажатларни босқичли (жараёнли) калькуляция қилиш тизими буюртмали усулдаги калькуляциялаш тизимига қараганда амалга ошириш (фойдаланиш) учун осонроқ ҳисобланади, чунки бу ерда харажатларни ҳар бир маҳсулот бирлиги бўйича батафсил деталлаштириш керак эмас. Бундан ташқари, харажатларни буюртмали усулда калькуляциялашда билвосита ҳисобланган кўпгина сарф-харажатлар босқичли калькуляциялаш усулида бевосита харажатларга айланиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш харажатлари ёки ишлаб чиқариш қувватларининг амортизацияси бўйича харажатлар битта бўлинмада ишлаб чиқариш харажатларини босқичли калькуляциялашда бевосита сарф-харажатларнинг бир қисми ҳисобланади, чунки бевосита муайян мақсадли сарф-харажатга (муайян бўлинмага ёки жараёнга) тегишли. Бироқ буюртмали усулда калькуляциялаш тизимида ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш харажатлари ёки ишлаб чиқариш қувватларининг амортизацияси бўйича харажатлар, одатда, билвосита харажатлар, яъни ишлаб чиқариш устама харажатлари ҳисобланади, чунки бевосита аниқ бир буюртмага нисбатан ҳисобга олинмайди.

Босқичли усул ташкилотнинг қайси тармоққа мансублигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантларда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади ҳамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охириги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи бўлиб ҳисобланади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда фақат охириги босқич маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархигина ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

Харажатларни босқичли (жараёнли) усулда ҳисобга олишнинг ярим тайёр маҳсулотли вариантыда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз, чунки ушбу вариант нисбатан кўпроқ тарқалган ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, тайёрланаётган маҳсулот бир жараёндан бошқасига ўтказилгани сайин, у билан бирга олдинги босқичдаги ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўтиб боради. Масалан, 9-расмда А-жараёнидаги харажатлар В-жараёнга ўтади, кейин уларга В-жараённинг харажатлари ҳам қўшилади ва харажатларнинг умумий миқдори С-жараёнга ўтади. Тегишли равишда, уларга С-жараёнининг харажатлари ҳам қўшилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида жорий таннарх жамғарилиб боради ва олдинги умумий харажатлар суммасига охириги бўлинма харажатларининг қўшилиши якуний таннархни келтириб чиқаради. Демак, тайёр маҳсулот бирлигининг таннархи олдинги ишлаб чиқариш жараёнларида жамғарилган барча харажатларини ва кўриб чиқилаётган давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлиш натижасида ҳосил бўлади.

Калькуляциялашнинг босқичли (жараёнли) усули хусусиятларини тўлароқ очиб бериш учун, маҳсулот бирликларининг ҳаммаси уларга ишлов бериш учун жараёнга келиб тушади ва кейин тўлиқлигича, йўқотишларсиз кейинги босқичга ёки тайёр маҳсулот омборига тушади, деб фараз қиламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазиятларни кўриб чиқамиз:

- ишлаб чиқариш жараёни давомида йўқотишларнинг йўқлиги;
- меъёрий йўқотишлар ёки қийматга эга бўлмаган брак (яроқсиз маҳсулот) мавжудлиги;
- меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ёки қийматга эга бўлмаган брак мавжудлиги;

— меъёрий йўқотишлар ёки муайян бир сотув қийматига эга бўлган брак мавжудлиги;

— меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ёки муайян бир сотув нархига эга бўлган бракнинг мавжудлиги;

— сотиш қийматига эга бўлмаган брак кўринишидаги меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромаднинг мавжудлиги;

— муайян сотиш қийматига эга бўлган брак кўринишидаги меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромаднинг мавжудлиги.

Қуйида кўриб чиқиладиган мисолда келтирилган маълумотлар тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун керак бўлади. Таҳлилнинг содда ва тушунарли бўлиши учун, шунингдек, харажатларни калькуляция қилишнинг босқичли усули мохиятини тушуниш учун, қуйидиги ёндошувларга таянамиз:

— маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фақатгина битта жараён етарли;

— ҳисобот даврининг бошида ва охирида хом ашё ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари мавжуд эмас;

— харажатлар фақатгина материал сарф-харажатларидан иборат.

**24-мисол.** «Дала шифоси» хусусий корхонаси экин далаларига ишлов бериш учун ишлатиладиган суюқ кимёвий ўғит ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотни тайёрлаш учун битта ишлаб чиқариш жараёни ва уч турдаги суюқ кимёвий компонентлар талаб этилади. Фараз қилайлик, март ойида ишлаб чиқаришда бўлган 30 000 литр ўғитга материал харажатларнинг умумий қиймати 450 000 сўмга тенг. Ойнинг боши ва охирида ҳеч қандай ўғит захиралари мавжуд бўлмаган. Барча ишлаб чиқарилган маҳсулот тўлалигича сотишга мўлжаллаб қўйилган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган. Ўғитни ишлаб чиқаришнинг битта жараёнида бир литр ўғитнинг таннархини ҳисоблаб чиқамиз ҳамда ишлаб чиқариш натижаларини бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида 4-жадвалда келтирилган таҳлилнинг еттита варианты учун акс эттирамиз.

4-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш шароитларининг вариантлари

Вариант	Ишлаб чиқаришга берилган хом ашё миқдори, л	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот миқдори, л	Кутилган (норматив) йўқотишлар (брак), л	Кутилмаган (меъёрдан ортиқ) йўқотишлар (брак), л	Кутилмаган (меъёрдан ортиқ) маҳсулот, л	Брак маҳсулотни реализация қилиш қиймати, 1 л учун сўмда
1	30 000	30 000	0	0	0	0

Вариант	Ишлаб чиқаришга берилган хом ашё миқдори, л	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот миқдори, л	Кутилган (норматив) йўқотишлар (брак), л	Кутилмаган (меъёрдан ортиқ) йўқотишлар (брак), л	Кутилмаган (меъёрдан ортиқ) маҳсулот, л	Брак маҳсулотни реализация қилиш қиймати, 1 л учун сўмда
2	30 000	25 000	5 000 (1/6)*	0	0	0
3	30 000	22 500	5 000 (1/6)	2 500	0	0
4	30 000	30 000	5 000 (1/6)	0	0	7,5
5	30 000	22 500	5 000 (1/6)	2 500	0	7,5
6	30 000	27 500	5 000 (1/6)	0	2 500	0
7	30 000	27 500	5 000 (1/6)	0	2 500	7,5

\* Брак (йўқотишлар) ишлаб чиқариш жараёнига киритилган бирламчи материаллар миқдорининг 1/6 қисми ҳажмида бўлиши кутилмоқда.

### *Ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларнинг йўқлиги.*

Биринчи вариантда таннархни ҳисоблаб чиқиш жуда содда, чунки битта ишлаб чиқариш жараёнида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади, яъни маҳсулот бирлиги (бир литр) таннархини ҳисоблаб чиқиш учун ҳисобот давридаги 450 000 сўмга тенг бўлган умумий сарф-харажатларни ушбу даврда ишлаб чиқилган маҳсулот миқдорига (30 000 л) бўлиш керак. Мазкур ҳолда бир литр ўғит таннархи 15 сўмга тенг. Ҳисоблаш формуласи оддий усулда маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш формуласи билан бир хил бўлади:

$$T/n_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари суммаси } 450\,000 \text{ сўм}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) умумий миқдори } 30\,000 \text{ сўм}} = 15 \text{ сўм}$$

Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1010 «Хом ашё ва материаллар»	2010 «Асосий ишлаб чиқариш»		2810 «Тайёр маҳсулот»
Материалларни ишлаб чиқаришга бериш: 1) 4 500	Материаллар қабул қилинди: 1) 450 000	Тайёр маҳсулот оморга ўтказилди: 2) 450 000	Тайёр маҳсулот оморга кирим қилинди: 2) 450 000

Одатда бухгалтерия ҳисобининг амалиётида ҳам, назариясида ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги таннархи харажатларнинг турли



тоифалари бўйича таҳлил қилинади, масалан, *асосий ишлаб чиқариш материаллари* (ёки оддийгина «материаллар») бўйича ва асосий ишлаб чиқариш ишчилари меҳнатига харажатлар ва ишлаб чиқариш устама харажатлари суммасидан иборат бўлган *қўшилган (конверсион) харажатлар* (бошқача қилиб ишлов бериш қиймати деб аталади) бўйича.

***Сотиш қиймати эга бўлмаган меъёрий йўқотишлар ёки брак.***

Ишлаб чиқариш жараёни мобайнида айрим йўқотишлар ёки маҳсулотларнинг брак бўлишини олдини олиш имконияти мавжуд эмас. Масалан, суюқликлар парланиб кетади; газламаларнинг бир қисми бичиш пайтида исроф бўлади; мебель тайёрлашда ёрочнинг бир қисми қипиққа чиқиб кетади; босма маҳсулот тайёрлашда қоғознинг бир қисми кесилиб кетади ва ҳ.к. Агар бундай йўқотишлар ишлаб чиқариш технологияси билан кўзда тутилган бўлса ҳамда ишлаб чиқариш тизимини нормал ташкил қилишда истисно этиб бўлмаса, шунингдек, бундай йўқотишлар ва брак маҳсулотлар мавжудлиги муқаррар бўлса, улар меъёрий ёки назорат қилинмайдиган йўқотишлар деб аталади. Хўжалик юритиш амалиётида материалларни сақлашдаги табиий йўқотишлар меъёри, технологик йўқотишлар меъёрлари ёки брак ишлаб чиқариш меъёрлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мустақил тарзда белгиланади. Бироқ, бундай кўрсаткичларни аниқлаш хўжалик субъектларига анча қимматга тушишини ҳисобга олсак (вакт, маблағ, хатти-ҳаракатлар), улар одатда стандартлаштириш бўйича ваколатли давлат идоралари томонидан чиқарилган маълумотномалардан ёки тармоққа оид меъёрий стандартловчи ҳужжатлардан фойдаланиладилар.

Меъёрий йўқотишлар муқаррар бўлгани боис, улар билан боғлиқ харажатлар ишлаб чиқариладиган стандарт маҳсулотлар бўйича тақсимланади. Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқишда меъёрий йўқотишлар ҳисобга олинса, у ҳолда ҳисобот даврида амалга оширилган умумий харажатларни кутилаётган ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига бўлиш керак. Кўриб чиқилаётган мисол учун (2-вариант) меъёрий йўқотишлар улуши умумий чиққан маҳсулотнинг (ёки ишлаб чиқариш жараёнига киритилган моддий ресурсларнинг умумий миқдорининг) 1/6 қисмини ташкил қилади. Демак, умумий ҳажмда 30 000 литр маҳсулот чиққанда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кутилаётган миқдори 25 000 литрни ташкил қилади, шунинг учун маҳсулот бирлиги таннархи қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқилади:

$$T/H_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари суммаси } 450\,000 \text{ сўм}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг } 25\,000 \text{ сўм} = 18 \text{ сўм}} \text{ кутилаётган миқдори}$$

Агар маҳсулотнинг ҳақиқий чиқиши кутилаётган миқдорга тенг бўлса, меъёрдан ортиқ йўқотишлар ҳам, меъёрдан ортиқ қўшимча маҳсулот ҳам бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, 1-вариант билан солиштирганда маҳсулот бирлиги таннархи 2-вариантда 3 сўмга кўпайганини кўриш мумкин, чунки меъёрий йўқотишларга тўғри келадиган харажатлар фақатгина стандарт маҳсулот бўйича тақсимланган. Бошқача қилиб айтганда, биз бу ерда ишлаб чиқариш тизимини нормал ташкил қилинганда нормал сифат билан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаб чикдик.

***Сотиш қиймати эга бўлмаган меъёрдан юқори йўқотишлар ёки брак.***

Пайдо бўлиши муқаррар бўлган йўқотишлардан ташқари, амалиётда шундай йўқотишлар ҳам учрайдики, улар ишлаб чиқариш нормал ташкил қилинганда қутилмайди. Бундай йўқотишлар, масалан, таркибий қисмларни нотўғри аралаштириш, сифати пастроқ материаллардан фойдаланиш ёки газламани нотўғри бичиш, ишлаб чиқариш дастгоҳининг кесувчи ёки силликловчи қисмини нотўғри ўрнатиш ва ҳоказолар оқибатида келиб чиқиши мумкин. Бундай йўқотишлар ёки ишлаб чиқариш браки ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлиши муқаррар ҳисобланмайди ва шу сабабли уларни меъёрдан юқори бўлган ёки назорат қилинадиган деб аташади. Ушбу меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ва ишлаб чиқариш браклари пайдо бўлишининг олдини олиш мумкин бўлганлиги ҳамда улар ишлаб чиқаришни самарасиз ташкил қилиш оқибатида вужудга келиши сабабли, бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиётида ҳамда бошқарув ҳисоби мақсадларида улар ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди ҳамда ҳисобот даври харажатлари сифатида эътироф этилиб, ҳисобот даври охирида фойда ва зарарлар счётига олиб борилади. Миллий бухгалтерия ҳисоби амалиётида, Харажатлар таркиби тўғрисида низомнинг 1.1.8-бандига мувофиқ, ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг яроқсизланиши ва кам чиқиши ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар сифатида маҳсулот таннархига олиб борилади.

Ушбу мисолни тўлароқ очиб бериш учун ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари меъёрларига риоя қилиш мақсадида меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ёки брак ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилмайди деб ҳисоблаймиз. Бу билан товар-моддий захираларни баҳолашда меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар улар қиймати-га киритилмасликка эришилади.

24-мисолнинг 3-варианти учун маҳсулотнинг кутилаётган чиқиши 25 000 литрни ташкил этади, бироқ ҳақиқий натижалар бўйича

22 500 литр маҳсулот олинди, яъни ушбу ҳолда меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар 2 500 литрни ташкил қилди. 2-вариантда бўлганидек, бу ерда ҳам мақсад меъёрий йўқотишлар ҳисобга олинган вариантдаги ҳисоб-китоблардагидек — қутилаётган маҳсулотнинг бир литри таннархини ҳисоблаш (ишлаб чиқариш нормал ташкил этилганда), рақамларда бу қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T/n_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари суммаси 450 000 сўм}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг 25 000 сўм} = 18 \text{ сўм}} = 18 \text{ сўм}$$

қутилаётган миқдори

Айтиш жоизки, маҳсулот 25 000 литр эмас, балки 22 500 литр чиққанидан қатъи назар, маҳсулот бирлиги таннархи бир хил бўлади, чунки мазкур ҳолатда мақсад — ишлаб чиқариш нормал ташкил қилинганда маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқариш. Амалга оширилган харажатлар қуйидаги тарзда тақсимланади:

	сўм
Кейинги жараёнга (ёки тэйёр маҳсулот омборига) ўтказилган тэйёр маҳсулот: 22 500 л, бир литрга 18 сўмдан	405 000
Меъёрдан ортиқ йўқотишлар: 2 500 л, 18 сўмдан	45 000
	450 000

Шундай қилиб, меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар бўйича харажатлар чиқарилган маҳсулот таннархига киритилмайди. Ушбу йўқотишларни фақат келгуси ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан назорат қилиш мумкин, бунинг учун уларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим. Чунончи, агар мазкур йўқотишлар масъул шахслар хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра келиб чиққан бўлса, уларни фойда ва зарарлар ҳисобига (маҳаллий амалиётда бошқа операцион даромадларни ҳисобга олиш счёти (9300) ёки бошқа операцион харажатлар счёти (9430)) ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бирок, агар ушбу йўқотишлар субъектив сабаблар (масъул шахсларнинг совуққонлиги ёки уларнинг қасдан қилган хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги) оқибатида келиб чиққанлиги аниқланса, меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасини айбдор шахслар ҳисобидан ундириш керак (4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарздорлиги»). Айтайлик, бизнинг мисолда меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар қутилмаган объектив сабаблар

оқибатида юзага келган. Бундай ҳолда меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мавжуд бўлганда ҳисоб ёзувлари қуйидаги кўринишга эга:

<b>2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти (минерал ўғитлар-кўрилатган жараён)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
Амалга оширилган харажатлар (хом ашё ва материаллар)	30 000	15	450 000	Меърий йўқотишлар	5 000	—	—
				Омборга берилган тайёр маҳсулот	22 500	18	405 000
				Меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар	2 500	18	45 000
Жами:			450 000	Жами:			450 000

<b>2810 «Тайёр маҳсулот» счёти (минерал ўғитлар)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	22 500	18	405 000				
Жами:			405 000				

<b>2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счёти (сотил қийматига эга бўлмаган меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	2 500	18	45 000	9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти			45 000
Жами:			45 000				

Агар юқорида келтирилган ёзувларни журнал проводкалари сифатида акс эттирсак, улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

— хом ашё ва метериалларни ишлаб чиқариш жараёнига берганда:  
*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 450 000 сўм;*  
*кредит 1010 «Хом ашё ва метериаллар» счёти 450 000 сўм;*

— тайёр маҳсулотни омборга топширганда:

*дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти 405 000 сўм;*  
*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 405 000 сўм;*

— меъёрдан юқори бўлган йўқотишларни ҳисобга олиш (сотиш қийматига эга бўлмаган брак):

*дебет 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счёти 45 000 сўм;*  
*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 45 000 сўм;*

— меъёрдан юқори бўлган йўқотишларни ҳисобот даври харажатларига ўтказилганда:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 45 000 сўм;*  
*кредит 2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счёти 45 000 сўм.*

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш жараёнидаги меъёрий йўқотишлар суммаси счётларда қайд этилмаган («литрлар» устундаги ёзувдан ташқари). Омборга тайёр маҳсулотни топшириш (ёки бошқа жараёнга ўтказиш) маҳсулотнинг меъёрий қиймати бўйича амалга оширилади. Меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мазкур жараён таннархидан чиқарилади ва алоҳида счётда акс эттирилади. Бу менежерлар эътиборини тортишга ва уларни бартараф этиш чораларини кўришга имкон беради, яъни алоҳида ҳисоб юритиш уларнинг назорат қилинишини оширади. Ҳисобот даврининг охирида меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар счёти маълумотлари ҳисобот даври харажатлари сифатида бошқа операцион харажатлар счётига ўтказилади. Демак, товар-моддий захиралар қийматини баҳолашда меъёрдан ортиқ йўқотишлар ҳисобга олинмайди. Бундай ёндашувнинг якуний натижаси меъёрдан ортиқ йўқотишларни улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврда тўғри акс эттириш ва уларни келгуси харажатлар сифатида товар-моддий захиралар қийматини баҳолашда ҳисобот даври охирига ўтказмасликдир.

***Муайян сотиш қийматига эга бўлган меъёрий йўқотишлар ёки брак.***

24-мисолнинг 4-вариантида ҳақиқий маҳсулот чиқиши (25 000 л) кутилаётган миқдорга тенг, яъни бу ерда меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ҳам йўқ, даромад ҳам меъёрдан ортиқ эмас. Ушбу ҳолда барча йўқотишлар (брак) меъёрий ҳисобланади. Бирок, ишлаб чиқариш бра-

ки муайян қийматга эга деб ҳисоблайлик, яъни бракка чиқарилган маҳсулот бирлиги бир литр учун 7,5 сўмга тенг. Бундай маҳсулотни сотишдан даромад ушбу брак пайдо бўлган ишлаб чиқариш жараёни таннархи ҳисобига кредитланади. Шундай экан, бракка чиқарилган маҳсулотни сотишдан тушган тушумлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг «кредит» қисмига ёзилади, унга корреспондентланадиган ёзув эса бошқа дебиторлик қарздорлигини ҳисобга олиш счётига (4890) ёки улар нақд пулга жисмоний шахсларга сотилганда — кассани ҳисобга олувчи счётларида (5000) ҳисобга олинади. Бунда чиқарилган маҳсулот бирлиги таннархи куйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқилади:

$$T/Н_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари — ҳақиқий брак меъёри қиймати}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг қутилаётган чиқиши}}$$

$$T/Н_{\text{бирл}} = \frac{450\,000 - (5\,000 \times 7,5)}{25\,000 \text{ л}} = 16,5 \text{ сўм}$$

Маҳсулот бирлиги таннархи бўйича 3 ва 4-вариантларда олинган қийматларни солиштирсак, 4-вариантда бу кўрсаткич бир литрга 18 сўмдан 16,5 сўмгача пасайганини кўрамыз, бу эса ишлаб чиқариш нормал ташкил этганда йўқотишлар доим қандайдир қийматга эга эканлигини кўрсатади, бу эса бундай меъёрий йўқотишлар (брак) юз берган ишлаб чиқариш жараёнидаги йўқотишларни қисман қоплаш имконини беради. Муайян сотиш нархига эга меъёрий бракка йўл қўйилганда ҳисоб ёзувлари куйидаги кўринишга эга:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш (минерал ўғитлар-қўрилаётган жараён)» счёти							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
Амалга оширилган харажатлар (хом ашё ва материаллар)	30 000	15	450 000	Меъёрий йўқотишлар	5 000	7,5	37,500
				Омборга берилган гайёр маҳсулот	25 000	16,5	412 500
Жами:			450 000	Жами:			450 000

2810 «Тайёр маҳсулот (мин. ўғитлар)» счёти							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти	25 000	16,5	412 500				
Жами:			412 500				

2610 «Ишлаб чиқаришдаги брак» (муайян қийматда меъерий йўқотишлар (брак)) счёти							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти	5 000	7,5	37 500	4890 «Бошқа дебитор- лик қарз- дорлиги» счёти			37 500
Жами:			37 500				

*Муайян бир сотиш нархига эга меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ёки бракнинг мавжудлиги.*

24-мисолнинг 5-вариантида маҳсулотнинг дастлабки миқдори 30 000 литр, кутилаётган чиқиши эса 25 000 литрни ташкил қилади. Бирок маҳсулотнинг ҳақиқий чиқиши 22 500 литрни ташкил этиб, меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар (брак) эса 2 500 литрни ташкил қилди. Брак маҳсулотнинг сотиш қиймати 1 литр учун 7,5 сўмга тенг деб фараз қиламиз. Юқорида айтилганидек, биз доимо ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг таннархини кутилаётган маҳсулот таннаридан, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг нормал шароитларидан келиб чиқиб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ушбу таннархни ҳисоблаб чиқишда амалга оширилган харажатлардан фақат норматив шароитлардаги брак қиймати, яъни 5 000 литр маҳсулот қиймати чегирилади. Тегишли равишда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг таннархи худди олдинги вариантдагидек, яъни 16,5 сўмга тенг бўлади. Меъёрдан юқори бўлган зарар (2 500 л) пайдо бўлгани боис брак маҳсулотни сотишдан тушган тушум мазкур ҳолатда режалаштирилмаган

тушумларга киради, шунинг учун ўрганилаётган жараёндан чиқадиган маҳсулот таннархини ҳисоблашда ундан фойдаланиб бўлмайди. Мазкур тушумлар фақат меъёрдан юқори бўлган брак таннархидан чегирилади. Олинган натижа менежерлар учун муайян қизиқиш уйғотади. Таҳлил этилаётган мисолда ишлаб чиқариш жараёни бўйича соф харажатлар 393 750 сўмни ташкил этади (450 000 сўм минус ҳар бир литри 7,5 сўмдан бўлган 7 500 л брак маҳсулоти қиймати). Ишлаб чиқариш жараёнида кўрилган харажатлар қуйидаги тарзда тақсимланади:

	сўм	сўм
Кейинги жараёнга (гайёр маҳсулот омборига) берилган тугалланган ишлаб чиқариш (22 500 л ҳар бир литри 16,5 сўм)	371 250	
Меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар: 2 500 литр ҳар бир литри 16,5 сўмдан		
Брак маҳсулоти сотиш қиймати (2 500 л ҳар бир литри 7,5 сўм)	41 250	22 500
Жами:	18 750	393 750
Меъёрий йўқотишлар (5 000 л ҳар бир литри 7,5 сўм)	37 500	

Меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар ёки муайян бир сотиш нархи-га эга бўлган брак маҳсулот чиқарилганда ҳисоб-китоблар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти (минерал ўғитлар-кўрилаётган жараён)							
	Миқ-дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ-дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
Кўрилган харажатлар (хом ашё ва материаллар)	30 000	15	450 000	Меъёрий йўқотишлар	5 000	7,5	37 500
				Омборга берилган гайёр маҳсулот	22 500	16,5	371 250
				Меъёрдан ортиқ брак	2 500	16,5	41 250
Жами:			450 000	Жами:			450 000



<b>2810 «Тайёр маҳсулот» счёти (минерал ўғитлар)</b>							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти	22 500	16,5	371 250				
Жами:			371 250				

<b>2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» — (муайян сотиш қийматига эга меъёрий брак)</b>							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти	5 000	7,5	37 500	4890 «Бошқа дебитор- лик қарз- дорлиги» счёти			37 500
Жами:			37 500				

<b>2612 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счёти — (муайян сотиш қийматига эга меъёрдан юқори бўлган брак)</b>							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти	2 500	16,5	41 250	4890 «Бошқа дебитор- лик қарз- дорлиги» счёти			18 750
				9430 «Бошқа операцион харажат- лар» счёти			22 500
Жами:			41 250	Жами:			41 250

**Сотиш қийматига эга бўлмаган брак кўринишидаги меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромаднинг мавжудлиги.**

Одатда, хўжалик юритиш амалиётида шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ҳақиқий йўқотишлар ва брак кутилаётганидан кам бўлади. Бундай ҳолда меъерий йўқотишлар ёки бракни тежаш ҳисобига меъёрдан юқори даромад ҳосил бўлади. 24-мисолнинг 6-чи вариантыда материалларнинг дастлабки миқдори 30 000 бўлганда кутилаётган маҳсулот чиқиши 25 000 литрни ташкил қилади. Бироқ маҳсулотнинг ҳақиқий чиқиши 27 500 литрни ташкил қилди, яъни мазкур ҳолда маҳсулотнинг меъёрдан ортиқ чиқиши 2 500 литрга тенг. Мазкур ҳолда ҳам брак маҳсулот сотиш нархига эга эмас, деб фараз қиламиз. Юқорида айтилганидек, ушбу ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулотнинг кутилаётган (нормал шароитларда) миқдоридан келиб чиққан ҳисоблаб чиқилади. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархи худди 2 ва 3-вариантлардагидек ҳисобланади.

$$T/n_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатлари суммаси 450 000 сўм}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг кутилаётган миқдори 25 000 сўм}} = 18 \text{ сўм}$$

Ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилган харажатлар қуйидагича тақсимланади:

	сўм
Кейинги жараёнга (тайёр маҳсулот омборига) берилган тугалланган ишлаб чиқариш (27 500 литр ҳар бир литри 18 сўмдан)	495 000
Минус: меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромад: 2 500 литр ҳар литри 18 сўмдан	45 000
Жами:	450 000

Меъёрдан юқори даромадлар суммаси меъёрдан ортиқ йўқотишлар каби ҳисоблаб чиқилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёни счётидан камайтирилади, шу муносабатда «дебет» бўлимида ҳамда меъёрдан ортиқ даромад счётининг «кредит» бўлими бўйича ёзилади. Нолга тенг брак қийматига эга меъёрдан ортиқ даромад бўлганда ҳисоб-китоб ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

<b>2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти (минерал ўғитлар-қўрилаётган жараён)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
Амалга оширилган харажатлар (хом ашё ва материаллар)	30 000	15	450 000	Меъёрий йўқотишлар	5 000	—	—
9390 «Бошқа операцион даромадлар»	2 500	18	45 000	Омборга топширилган тайёр маҳсулот	27 500	18	495 500
Жами:			495 000	Жами:			495 000

<b>2810 «Тайёр маҳсулот» счёти (минерал ўғитлар)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти	27 500	18	495 500				
Жами:			495 500				

<b>9390 «Бошқа операцион даромадлар» — (меъёрдан ортиқ маҳсулот)</b>							
	Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқдори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
				2010 «Асосий ишлаб чиқариш»			45 000

Ишлаб чиқариш жараёнининг ушбу счётидан тайёр маҳсулот омборига (ёки кейинги ишлаб чиқариш жараёнига) 27 500 л маҳсулот берилганини кўриш мумкин, унинг таннархи маҳсулот режадаги (меъёрдаги) чиқишидаги таннархига тенг. Ушбу ҳолда даромад меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромад счётининг (9390 «Бошқа операцион

даромад» счёти) кредитига олиб борилади. Бундай амаллар шунга олиб келадики, меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромаднинг пайдо бўлиши туфайли товар-моддий захираларнинг бахоси пасаймайди.

**Муайян сотиш қийматига эга бўлган брак кўринишидаги меъёрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромаднинг мавжудлиги.**

24-мисолнинг шартларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёни натижасида меъёрдан ортиқча бўлган (кўзда тутилмаган) даромад мавжуд бўлганда ҳамда брак маҳсулоти муайян сотиш қийматига эга бўлганда калькуляция қилишнинг босқичли усулида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаб чиқаришни ва уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришни кўриб чиқамиз.

24-мисолнинг 8-чи вариантыда, 6 ва 7-чи вариантларидан фарқли ўларок — брак маҳсулот қандайдир қийматга эга, бизнинг ҳолатда у 1 литр учун 7,5 сўмни ташкил қилади. Олдинги ҳолатлардагидек, аввало ишлаб чиқариш тизими нормал ташкил этилган шароитда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқамиз, яъни бу ерда 4 ва 5-чи вариантлардаги фаразларни қабул қиламиз — меъёрий йўқотишлар ишлаб чиқариш жараёнига киритилган дастлабки материаллар микдорининг 1/6 қисмини ташкил қилади ҳамда брак маҳсулотнинг 1 литри 7,5 сўмга тенг. Шу боис бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги таннархи ҳам худди шундай — 16,5 сўм бўлади. Маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш формуласини кўриб чиқамиз:

$$T/N_{\text{бирл}} = \frac{\text{Ҳисобот даврида амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари} - \text{ҳақиқий брак меъёри қиймати}}{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг кутилаётган чиқиши}}$$

$$T/N_{\text{бирл}} = \frac{450\,000 - (5\,000 \times 7,5)}{25\,000 \text{ л}} = 16,5 \text{ сўм}$$

Ишлаб чиқариш жараёни бўйича амалга оширилган соф харажатлар 431 250 сўмни ташкил қилади (450 000 сўм минус 2 500 литр брак маҳсулотнинг 1 литри 7,5 сўм бўлган қиймати). Олинган таннарх куйидагича тақсимланади:

	сўм	сўм
Тайёр маҳсулот омборига (кейинги жараёнга) берилган тугалланган ишлаб чиқариш (27 500 литр 1 литри 16,5 сўмдан)		453 750

	сўм	сўм
Минус: меъёрдан ортиқча (кўзда тугилмаган) даромад (2 500 л ҳар литри 16,5 сўм)	41 250	
Брак маҳсулотни сотиш тушум (2 500 л ҳар литри 7,5 сўмдан)	18 750	22 500
Жами:		431 250

Агар эътибор бериладиган бўлса, шуни пайқаш мумкинки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархи меъёрий таннархга асосланади, яъни меъёрдан ортиқ даромаднинг пайдо бўлиши ва брак маҳсулотнинг сотилишидан тушган 18 750 сўмлик тушумлар унга таъсир қилмайди. Юқорида таъкидланганидек, бу ерда мақсад олдиндагидек қолади — ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий самарадорлигидан келиб чиқиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш. Бунда меъёрдан ортиқча (кўзда тугилмаган) даромад бўлганда ҳамда брак маҳсулот муайян сотиш қийматига эга бўлганда ҳисоб-китоб ёзувлари қуйидаги кўринишга эга:

<b>2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти (мин. ўғитлар-қўрилаётган жараён)</b>							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
Амалга оширилган харажатлар (хом ашё ва материаллар)	30 000	15	450 000	Меъёрий йўқотишлар	5 000	7,5	37 500
9390 «Бошқа операцион даромад»	2 500	16,5	41 250	Омборга берилган тайёр маҳсулот	27 500	16,5	453 750
Жами:			491 250	Жами:			491 250

2810 «Тайёр маҳсулот» счёти (мин. ўғитлар)							
	Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш»	27 500	16,5	453 750				
Жами:			453 750				

9390 «Бошқа операцион даромадлар» — (маҳсулотнинг меъёрдан ортиши)						
		Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» — меъёрий брак счёти		18 750	2010 «Асо- сий ишлаб чиқариш» счёти			41 250
9910 «Охирги молиявий натижа» счёти (фойда ва зарарлар счёти)		22 500				

2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» — (муайян сотиш қийматига эга меъёрий брак)						
		Жами, сўм		Миқ- дори, литр	Бирл. нархи, сўм	Жами, сўм
2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти		37 500	4890 «Бошқа деб. қарз- дорлиги» счёти	2 500	7,5	18 750
			9390 «Бошқа опер. да- ромадлар» счёти — меъёрдан ортикча даромад			18 750
Жами:		37 500	Жами:			37 500

Агар юқорида келтирилган ёзувларни журнал проводкалари кўри-  
нишида келтирсак, улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

— хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнига берилганда:  
дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 450 000 сўм;

*кредит 1010 «Хом ашѐ ва материаллар» счѐти* 450 000 сўм;  
 — тайѐр маҳсулот омборга берилганда:  
*дебет 2810 «Омбордаги тайѐр маҳсулот» счѐти* 453 750 сўм;  
*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счѐти* 453 750 сўм;  
 — меъѐрий йўқотишларни (бракни) сотиш қиймати бўйича кирим қилиш:  
*дебет 2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счѐти —*  
     *меъѐрий брак* 37 500 сўм;  
*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счѐти* 37 500 сўм;  
 — кутилаётган маҳсулотнинг меъѐрдан ортиқча чиқиши (даромад)-ни акс эттириш:  
*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счѐти* 41 250 сўм;  
*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счѐти* 41 250 сўм;  
 — меъѐрий бракни ҳақиқий сотилган суммасига (2 500 литр 7,5 сўмдан):  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлик қарздорлиги» счѐти*  
*ѐки 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»*  
     *счѐти* 18 750 сўм;  
*кредит 2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак»*  
     *счѐти — меъѐрий брак* 18 750 сўм;  
 — кирим қилинган, лекин амалда ишлаб чиқариш жараѐни натижа-сида олинмаган меъѐрий брак ҳисобдан чиқарилганда:  
*дебет 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счѐти* 18 750 сўм;  
*кредит 2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счѐти —*  
     *меъѐрий брак* 18 750 сўм;  
 — ҳисобот даври охирида бошқа операцион даромадларни ҳисобга олиш счѐтлари якуний молиявий натижани ҳисобга олиш счѐтига ёпил-ганда:  
*дебет 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счѐти* 22 500 сўм;  
*кредит 9910 «Якуний молиявий натижа» счѐти* 22 500 сўм.

Юқорида келтирилган ѐзувлардан кўриниб турибдики, меъѐрдан ор-тиқча (кўзда тутилмаган) даромад мазкур жараѐн бўйича ишлаб чиқа-риш счѐтидан режалаштирилган маҳсулот бирлиги таннархига ўткази-лади. Бирок, кўшимча 2 500 литр маҳсулот олингани боис, брак маҳсу-лотни сотишдан тушган сумма 18 750 сўмга камайди. Шунинг учун ушбу миқдор меъѐрдан ортиқча (кўзда тутилмаган) даромад миқдори-дан чегирилади. Тегишли равишда, соф даромад 22 500 сўмни ташкил қилади ва бу миқдор якуний молиявий натижани ҳисобга олиш счѐти-нинг (9910 счѐти) «кредит» қисмида қайд этилади.

Ушбу жараён бўйича ишлаб чиқариш счётининг «кредит» қисмида меъёрий брак маҳсулотни сотишдан кутиладиган даромад суммаси критади (5 000 литр ҳар бир литри 7,5 сўмдан), чунки ишлаб чиқариш счётига чиққан маҳсулотнинг меъёрий таннархини ёзиш керак. 5 000 литр миқдорида меъёрий йўқотишлар бўлмагани боис (ҳақиқий меъёрий йўқотишлар, яъни брак 2 500 литрни ташкил қилган), корхона брак маҳсулотни сотишдан 37 500 сўм олмайди. Меъёрий бракни ҳисобга олиш счётининг «дебет» қисмида (2611 «Ишлаб чиқаришдаги брак» счёти — меъёрий брак) тегишли ёзувларни амалга ошириб, ушбу муаммони ечиш мумкин. Бу брак маҳсулотни сотишдан кутилаётган тушумдан иборат. Ушбу тушум миқдори (37 500 сўм) кейин 18 750 сўмга камаяди, чунки фақат 2 500 литрли маҳсулот брак бўлган. Ушбу вазият қуйидагича ҳисобга олинади: ушбу миқдор (18 750 сўм) меъёрий йўқотишларни ҳисобга олиш счётининг «кредит» қисмида ҳамда меъёрдан ортиқча даромад счётининг (9390 счёти) «дебет»ига шундай киритиладики, меъёрий бракни ҳисобга олиш счёти сальдоси брак маҳсулотни сотишдан олинган ҳақиқий пул миқдорини акс эттиради (яъни 37 500 сўм — 2 500 л ҳар бир литр учун 7,5 сўмдан).

***Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи мавжуд бўлганда харажатларни босқичли усулда калькуляциялаш.***

Юқорида кўриб чиқилган 24-мисолда биз қайта ишлашга берилган барча маҳсулот миқдори ишлаб чиқариш жараёни охирида бутунлай тайёр маҳсулотга айланади, деб фараз қилгандик. Бирок, келинг энди биз ҳисобот даври бошида ва унинг давомида қайта ишлашга берилган маҳсулотдан давр охирида тугалланмаган қолдиқ қолиши мумкин бўлган вазиятни кўриб чиқайлик. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш жараёни натижасида давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи пайдо бўлади. Ҳисобот даври давомида қайта ишлашга берилган маҳсулотнинг бир қисми давр охирига келиб қайта ишланмай қолган шароитда, маҳсулот бирлиги таннархини ҳисобот даврида амалга оширилган барча харажатларни ушбу давр давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий бирлигига оддий бўлиш йўли билан ҳисоблаб бўлмайди. Мисол учун, ҳисобот даврида бирор-бир ишлаб чиқариш жараёни давомида 36 000 бирлик маҳсулотни қайта ишлаш тугалланди, яна 9 000 бирлик маҳсулот қайта ишлана бошланди, бирок давр охирида тугалланмай қолди, шунинг учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини аниқлаш учун тайёр ва тугалланмаган маҳсулот бирликларини қўшиш мумкин эмас. Маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш учун қайта ишлаш жараёнида турган тугалланмаган маҳсулотни тайёр маҳсулотнинг



эквивалент (шартли тайёр) миқдорига айлантириш керак, ўз навбатида ушбу миқдорни маҳсулотнинг эквивалент чиқиши ҳам деб аталади.

Бунинг учун амалга ошириладиган ишларнинг якунланганлик даражасини аниқлаш ҳамда топилган кўрсаткични давр охирида ишлов бериш жараёнида бўлган бирликлар сонига кўпайтириш керак. Агар юқорида айтилган 9 000 бирлик 50 фоизга тайёр бўлган бўлса, буни 4 500 та бирлик тайёр маҳсулот эквивалент чиқиш кўринишида ифодалаш мумкин. Сўнга маҳсулотнинг умумий эквивалент чиқишини аниқлаш учун ушбу миқдорни тайёр бирликлар сонига (36 000 бирл.) кўшиш керак. Шундай қилиб, умумий эквивалент 40 500 бирликка тенг бўлади. Шундан сўнг ҳар бир бирлик таннархи одатдагидек ҳисоблаб чиқилади. Масалан, агар ҳисобот даврида умумий ишлаб чиқариш харажатлари 405 000 сўмни ташкил этган бўлса, битта тайёр бирлик таннархи 10 сўмга тенг бўлади (405 000 сўм / 40 500 сўм). Мазкур харажатлар қуйидаги тарзда тақсимланади:

	сўм
Тўлиқ тайёр бўлган ва кейинги жараёнга (тайёр маҳсулот омборига) ўтказилган тайёр буюмлар (36 000 бирлик, ҳар бири 10 сўмдан)	360 000
Давр охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш (4 500 эквивалент бирлик ҳар бири 10 сўмдан)	45 000
<b>Жами:</b>	<b>405 000</b>

Бироқ қуйидагича савол туғилиши мумкин: тўлиқ ишланмаган буюмларнинг тугалланганлик даражаси қачон, ким томонидан ва қай тарзда аниқланади?

Одатда амалиётда тугалланганлик даражасини аниқлаш вақти ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш счётлари қанчалик тез-тез таҳлил қилинишига ҳамда ишлаб чиқариш (ички) ҳисоботи даврийлигига (ҳафталик, ўн кунлик, ойлик ва х.к.), шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг смена-лиги билан боғлиқ. Тугалланган фоизи кўрсаткичи, одатда, тегишли малакага эга бўлган мутахассислар, масалан, технолог, муҳандис, бош лаборант, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ва ҳоказолар томонидан аниқланади. Албатта, тугалланганлик фоизини аниқлаш тегишли ресурсларни ва маълум вақтни тақозо этади, мониторинг шаклида (кўламли кўрик), ярим тайёр маҳсулот намуналарини олиш ҳамда ўлчашлар ва ҳисоб-китобларни ўтказиш, лаборатория таҳлили натижаларини олиш, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва ўлчагичлари кўрсаткичларини олиш ва ҳоказолар ёрдамида олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, бу кўпроқ техник

мутахассисларга тегишли бўлган масаладир, энг асосий масала ҳисоб-китобларни олиб борувчи аналитикка муайян вақт ичида ишлов берилаетган буюмларнинг тугалланганлик даражасининг фоизи ҳақида тегишли хужжатларни (эксперт хулосаси) олиш ҳисобланади.

Эквивалент бирликларни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар шундан иборатки, ҳар қандай товарлар партиясида буюмларнинг ҳаммаси (уларнинг таннархи маҳсулот чиқиши таннархига тенг) бир хил тугалланганлик даражасига эга бўлмайди. Чунончи, ишлаб чиқариш циклининг бошиданок материаллар тўлиқ ишлаб чиқаришга берилиши мумкин, уларнинг таннархи бутунлай маҳсулотга ўтади, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари эса жараён давомида ошиб боради. Шундай экан, материаллар қиймати юз фоизга маҳсулотга ўтиши мумкин, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари эса фақат қисман ўтади. Бундай ҳолларда таннархнинг ҳар бир компоненти бўйича ишлаб чиқариш харажатларини калькуляциялаш зарур. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг таннархи қандай ҳисоблаб чиқилишини ҳамда харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот ўртасида қандай тақсимланишини 25-мисолда кўриб чиқамиз. Таннархга кирадиган турли таркибий қисмлар турли тугалланганлик даражасига эга деб ҳисоблаймиз.

**25-мисол.** «Работқози» ОАЖ сочиқ ишлаб чиқариш билан шуғулланади, маҳсулотни тайёрлаш учун иккита ишлаб чиқариш жараёни талаб этилади. Ушбу икки жараён ҳақида маълумот қуйида келтирилган:

	Тўқиш жараёни	Бўяш жараёни
Давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	—	—
Жараён давомида қайта ишлов бериладиган маҳсулот бирлиги сони	84 000	60 000
Жараён давомида тугалланган ҳамда кейинги жараёнга ёки тайёр маҳсулот омборига берилган маҳсулот бирлиги сони	60 000	54 000
Давр охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	24 000	6 000
Тўқиш жараёнидан кейинги жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи*, сўм	—	2 430 000
Материал харажатлар, сўм	1 890 000	972 000
Қўшилган харажатлар (асосий ишчилар меҳнат ҳақи (АИМХ) ва ишлаб чиқариш устама харажатлари (ИУХ)), сўм	1 296 000	1 539 000

\* Мазкур маълумот тўқиш жараёни бўйича ҳисоб-китоблардан олинган.

Материал харажатлар тўқиш жараёнининг бошида ва бўяш жараёнининг охирида амалга оширилади, қўшилган харажатлар эса ҳар иккала жараён давомида бир текисда қўшилиб борилади. Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тайёрлик даражаси технолог томонидан баҳоланади ва ҳар иккила жараён учун ҳам 50 фоизга тенг. Ушбу маълумот тўқиш — ишлаб чиқариш жараёни бўйича ҳисоб-китобларни тайёрлашдан олинган. Тўқиш жараёни учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқиш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз.

**Тўқиш жараёни учун маҳсулот бирлигининг таннархи ҳисоб-китоби**

Таннарх элементлари	Материаллар	Қўшилган харажатлар	Жами
Умумий харажатлар, сўм	1 890 000	1 296 000	3 186 000
Тайёр маҳсулот, бирл.	60 000	60 000	X
Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш (ТИЧ) эквивалент бирликларда	24 000	12 000	X
Эквивалент бирликларнинг умумий сони	84 000	72 000	X
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	22,5 (1 890 000 : 84 000)	18,0 (1 296 000 : 72 000)	40,5

**Ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши:**

	сўм	сўм
Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи:		
материаллар (24 000 бирл. 22,5 сўмдан)	540 000	
қўшилган харажатлар (12 000 бирл. 18 сўмдан)	216 000	756 000
Тайёр маҳсулот (60 000 бирл. 40,5 сўмдан)		2 430 000
		3 186 000

Тўқиш жараёни бўйича ишлаб чиқариш счёти қуйидаги кўринишга эга бўлади:

2011 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти — тўқш жараёни			
1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти	1 890 000	Тўқш жараёни давомида тугалланган ва бўяш жараёнига ўтказилган маҳсулот таннархи (2012 счёти)	2 430 000
6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, 6520 «Давлат мақсадли фондларга тўловлар» счёти ва 2510 «Умум-ишлаб чиқариш харажатлари» счёти	1 296 000	Ҳисобот даври охиридаги ишлаб чиқариш (кейинги даврга ўтказиш учун)	756 000
Жами:	3 186 000	Жами:	3 186 000

Тўқш жараёнининг счётидан кўриниб турибдики, унда материал харажатлар ва қўшилган харажатлар бўйича тайёр маҳсулотга ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли маълумотлар (эквивалент бирликларда) ҳисобга олинади. Келтирилган маълумот таннархнинг ҳар бир таркибий қисми учун эквивалент маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқиш учун зарур. Чунончи, тўқш жараёнида 24 000 бирлик маҳсулотни қайта ишлашни давом эттиришга материаллардан фойдаланиш тугалланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, материаллар жараён бошида ажратилгани боис, материаллардан фойдаланишга нисбатан ҳамма тайёр маҳсулот бирликлари ва ҳар қайси қисман тайёр маҳсулот бирлиги тўлиқ тугалланган ҳисобланади. Қўшилган харажатларга нисбатан эса (қайта ишлаш қиймати) — 24 000 бирлик, улар фақат 50 фоизга тугалланган ва тегишлича, қийматнинг ушбу элементи бўйича эквивалент чиқиш 12 000 бирликка тенг. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқариш учун материал таннархи ва қўшилган харажатлар алоҳида-алоҳида эквивалент бирликларда берилган тугалланмаган ишлаб чиқаришга кўпайтирилади. Тайёр маҳсулот таннархини аниқлаш учун фақат битта арифметик ҳаракат амалга оширилади: бир бирлик тайёр маҳсулотнинг тўлиқ таннархи (40,5 сўм) тугалланган маҳсулот бирликлари сонига кўпайтирилади.

8 ва 9-расмларда кўрсатилганидек, кетма-кет ишлаб чиқариш давомида битта жараёндан чиққанда маҳсулот кейинги жараён учун кириш маҳсулотига айланади ва бу жараёнда унга кейинги ишловлар берилди, бунинг учун эса қўшимча материаллар талаб этилиши мумкин. Бунда турли тоифа харажатларга тегишли ибораларни фарқлаш керак. Чунончи, маҳсулотга олдинги жараёндан «ўтган» таннархни олдинги

жараён таннархи деб атаймиз. Шунга эътиборни қаратиш керакки, ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳақида гап кетганда, таннархнинг бу элементи доим тугалланган бўлади. Энди эсан бўяш жараёни бўйича маҳсулот бирлигининг таннархни, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда маҳсулотларини якунлаш харажатларини ҳисоблаб чиқамиз.

### Бўяш жараёни учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқиш

Таннарх элементлари	Олдинги жараён таннархи	Материаллар	Қўшилган харажатлар	Жами
Умумий харажатлар, сўм	2 430 000	972 000	1 539 000	4 941 000
Тайёр маҳсулот, бирл.	54 000	54 000	54 000	X
Давр охирида эквивалент бирликларда тугалланмаган ишлаб чиқариш	6 000	—	3 000	X
Эквивалент бирликларнинг умумий сони	60 000	54 000	57 000	X
Бир бирлик маҳсулот таннархи, сўм	40,5 (2 430 000 : 60 000)	18,0 (972 000 : 54 000)	27 (1 539 000 : 57 000)	85,5

Ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши:

	сўм	сўм
Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи:		
олдинги жараён таннархи (6 000 бирл. 40,5 сўмдан)	243 000	
материаллар	—	756 000
Қўшилган харажатлар (3 000 бирл. 27 сўмдан)	81 000	324 000
Тайёр маҳсулот (54 000 бирл. 85,5 сўмдан)		4 617 000
		4 941 000

Тўқиш жараёни бўйича ишлаб чиқариш счёти қуйидаги кўринишга эга:

<b>2012 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти — бўйш жараёни</b>			
Олдинги жараён таннархи (счёт 2011)	2 430 000	Бўйш жараёнида тугалланган ва тайёр маҳсулот омборига берилган маҳсулот таннархи	4 617 000
1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти	972 000		
6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, 6520 «Давлат мақсадли фондларга тўловлар» счёти ва 2510 «Умум-ишлаб чиқариш харажатлари» счёти	1 539 000	Ҳисобот даври охиридаги ишлаб чиқариш (кейинги даврга ўтказиш учун)	324 000
Жами:	4 941 000	Жами:	4 941 000

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, олдинги жараён таннархи таннархнинг алоҳида элементи сифатида қаралади, чунки ушбу элемент бўйш жараёни давомида таннархга кўшилмайди, олдинги жараён таннархини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тўлиқ амалга оширилган харажатлар деб қаралиши керак. Эътибор берилса шуни ҳам кўриш мумкинки, биринчи жараёндан кейин материаллар тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига таъсир қилмайди, тегишли равишда, эквивалент бирликлардаги тугалланмаган ишлаб чиқариш материал харажатлари нуқтаи назаридан нолга тенг. Одатда материал харажатлар жараённинг битта босқичида амалга оширилади ва бутун жараён давомида тенг тақсимланмайди. Агар тугалланмаган ишлаб чиқариш материаллар кўшиладиган босқичдан ўтган бўлса, материалларга харажатлар 100 фоиз бажарилган бўлади. Агар бу босқич хали ўтилмаган бўлса, маҳсулотнинг эквивалент чиқиши — материал харажатлари нуқтаи назаридан — нолга тенг деб қабул қилинади.

***Ҳисобот даври боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлганда харажатларни босқичли калькуляциялаш.***

Олдинги мисолда биз ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлганида таннархнинг турли элементлари доирасида маҳсулот таннархини босқичли усулда ҳисоблаш тартибини кўриб чиқдик. Мавзунини давом эттирган ҳолда, ҳисобот даври бошида ҳам, унинг охирида ҳам тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги мавжуд бўлганда калькуляция қилишнинг босқичли усули хусусиятларини кўриб чиқамиз. Агар ҳисобот даври бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш

қолдиги мавжуд бўлса, ҳисобот даврида маҳсулот бирлиги таннархини калькуляция қилиш учун ушбу ишлаб чиқаришни мазкур давр учун тақсимлаш мақсадида фараз (ёндошув) қилиш зарурияти туғилади. Бошқарув ҳисоби бўйича илмий адабиётларда калькуляция қилишнинг босқичли усулидан фойдаланишда маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблашнинг иккита муқобил усуллар келтирилган. Биринчидан, фараз қилиш мумкинки, ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқаришни худди шу давр ичида пайдо бўлган тугалланмаган ишлаб чиқаришдан фарқлаб бўлмайди; бундай ҳолатда ўртача тортилган усул (ўртача тортилган нарх усули) қўлланилади. Иккинчидан, ҳисобот даврининг бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги биринчи гуруҳни ташкил қилади ва ҳисобот даври давомида тўлиқ тайёрлик даражасигача ишловдан ўтади, деб фараз қилиш мумкин; ушбу ҳолатда «биринчи бўлиб келиб тушган — биринчи бўлиб чиқарилган» усули (FIFO) ҳақида гап юритиш мумкин. 26-мисол маълумотларидан фойдаланган ҳолда, мазкур усуллар ёрдамида маҳсулот бирлиги таннархи ҳисоб-китобини, ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланишини ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш жараёни счётларида акс эттирилишини кўриб чиқамиз.

**26-мисол.** «Юнусобод» компанияси «Х» маҳсулотни ишлаб чиқаради ва бунда иккита (А ва Б) жараённи амалга оширади. Асосий материаллар қайта ишлашга А жараёнининг бошида, кўшимча материаллар эса Б жараёнининг давомида, қачонки у 80 фоизга тугалланганда қўшиб борилади. Қайта ишлаш қиймати (қўшилган харажатлар) ҳар иккала жараёнлар давомида бир текисда қўшилиб борилади. Тайёр маҳсулот бирликлари бевосита А жараёнидан Б жараёнга бевосита ўтказилади, Б жараёнидан эса тўғридан-тўғри тайёр маҳсулот омборига келиб тушади. Ҳисобот даври учун маълумотлар қуйидаги кўринишга эга:

	<b>А жараён</b>	<b>Б жараён</b>
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш, шу жумладан:	36 000 бирл., тугалланганлик 60 %	12 000 бирл., тугалланганлик 80 %
материаллар, сўм	648 000	108 000
қўшилган харажатлар, сўм	413 100	345 600
олдинги жараён таннархи, сўм	—	826 200
Ҳисобот даври давомида қайта ишланиши бошланган маҳсулот, бирл.	96 000	108 000

	<b>А жараён</b>	<b>Б жараён</b>
Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш	24 000 бирл., тугалланганлик 75 %	48 000 бирл., тугалланганлик 50 %
Ҳисобот даврида ишлатилган материаллар қиймати, сўм	1 728 000	540 000
Ҳисобот даврида амалга оширилган қўшилган харажатлар, сўм	2 025 000	2 332 800

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, биринчи галда ҳисобот даврида тугалланган тайёр маҳсулот бирликлари сонини аниқлаймиз. Ҳисоб-китоблар қуйидаги кўринишга эга:

	<b>А жараён</b>	<b>Б жараён</b>
Давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирл.	36 000	12 000
Давр давомида ишлаб чиқарилиши бошланган маҳсулот, бирл.	96 000	108 000
Давр ичида ишлов бериладиган маҳсулот бирликлари умумий миқдори	132 000	120 000
минус давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш, бирл.	24 000	48 000
Жами тугалланган маҳсулот, бирл.	108 000	72 000

### *Ўртача тортилган нарх усули.*

А жараён учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқиш ва ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги кўринишга эга:

#### **А жараён — ўртача ҳисоблаш усули**

<b>Таннарх элементлари</b>	<b>Материал</b>	<b>Қўшилган харажатла</b>	<b>Жами</b>
Давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш, сўм	648 000	413 100	1 061 100
Даврдаги жорий харажатлар, сўм	1 728 000	2 025 000	3 753 000
Жами харажатлар, сўм	2 376 000	2 438 100	4 814 100
Тайёр маҳсулот, бирл.	108 000	108 000	X



Таннарх элементлари	Материал	Қўшилган харажатла	Жами
Давр охирида тугалланмаган ишл. чиқариш — эквивалент бирликларда	24 000	18 000 (24 000 x 75 %)	X
Эквивалент бирликларнинг умумий сони	132 000	126 000	X
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	18 (2 376 000 : 132 000)	19,35 (2 438 100 : 126 000)	37,35 (18 + 19,35)

	сўм	сўм
Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи:		
материаллар (24 000 бирл. 18 сўмдан)	432 000	
Қўшилган харажатлар (18 000 бирл. 19,35 сўмдан)	348 300	780 300
Тайёр маҳсулот (108 000 бирл. по 37,35 сўмдан)		4 033 800
		4 814 100

А жараён бўйича ишлаб чиқариш счёти қуйидаги кўринишга эга:

2011 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти — А жараён			
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш (ТИЧ) (олд. даврдан олиб ўтилган)	1 061 100	А жараёнда тугалланган ва Б жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархи	4 033 800
1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти	1 728 000		
6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, 6520 «Давлат мақсадли фондларга тўловлар» ва 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти	2 025 000	Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш (кейинги даврга ўтказишга)	780 300
Жами:	4 814 100	Жами:	4 814 100

Уқорида келтирилган ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш кўрсатилган даврда тугалланган деб ҳисобланади. Ушбу даврда таннарх ўз ичига давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқаришни охирига етказиш таннархини олади ва

тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи умумий таннархга қўшилади. Тўлиқ ишловдан ўтган маҳсулот 36 000 бирликни ўз ичига олади ва ҳисобот даврида бутун жараёндан тўлиқ ҳажмда ўтади. Тегишли равишда, счётда давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришга барча харажатлар ҳамда ушбу давр давомида кўрилатган жараёнда маҳсулотга ишлов беришни тугатишга кетган харажатлар акс этирилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш тайёрлаш давомида шу даврда ишлов бериш бошланган маҳсулот билан аралашиб кетади, натижада жараёндан чиқишда бир хил буюмлар партияси пайдо бўлади, деб фараз қилинади. Маҳсулот бирлигининг таннархини аниқлаш учун жорий даврда амалга оширилган харажатларга плус давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархини қўшиб, ушбу партиядagi эквивалент бирликлар сонига бўлиш керак.

Ўртача тортилган нарх усули ёрдамида таннархни ҳисоблашга асосий йўналишлардан фойдаланган ҳолда, Б жараён учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоб-китоб қилишга уриниб кўрамиз. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигини юқорида кўрсатилган ҳисоб-китобидан кўриниб турибдики, олдинги жараён таннархи, агар ҳисобот даври охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унга тўла-тўлиқ киритилган. Эътибор берилса, осонлик билан шуни кузатиш мумкинки, бу ерда материалларнинг қиймати Б жараёни 70 фоизга тугаллангандан сўнг қўшилади, ҳисобот даври охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тугалланганлик даражаси эса фақатгина 50 фоизни ташкил қилган. Кўриб чиқилаётган босқичда давр охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматига ҳеч қандай қўшимча материаллар қиймати қўшилмайди, ҳамда материаллар бўйича маҳсулотнинг эквивалент чиқиши эса нолга тенг бўлади. Худди А жараёни учундагидек, ҳисобот даврида яратиб бўлинган жорий қийматга давр бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини қўшиш лозим. Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш учун эквивалент чиқиш эътиборга олинмайди, чунки ушбу маҳсулот тўлиқ тайёр маҳсулот сифатида ишлов бериш тугалланган буюмлар гуруҳига киритиб бўлинган. Яна бир ходисани кузатиш мумкинки, А жараёнидаги тайёр маҳсулот таннархи жорий таннархга ўтказилган. Б жараёни бўйича маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаш учун «Олдинги жараён таннархи» устунидан фойдаланилади.

Қуйида ўртача ҳисобланган нарх усули бўйича Б жараёни учун маҳсулот бирлиги таннархининг ҳисоб-китобини кўриб чиқамиз.

**Б жараён — ўртача тортилган усул**

Ташарх элементлари	Олдинги жараён таннархи	Материаллар	Қўшилган харажатлар	Жами
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш, сўм	826 200	108 000	345 600	1 279 800
Давр учун жорий харажатлар, сўм	4 033 800	540 000	2 332 800	6 906 600
Жами харажатлар, сўм	4 860 000	648 000	2 678 400	8 186 400
Тайёр маҳсулот, бирл.	72 000	72 000	72 000	X
Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш, эквивалент birlikларда	48 000	-	24 000 (48 000 x 50 %)	X
Эквивалент birlikларнинг умумий сони	120 000	72 000	96 000	X
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	40,5 (4 860 000 : 120 000)	9 (648 000 : 72 000)	27,9 (2 678 400 : 96 000)	77,4 (40,5 + 9 + 27,9)

	сўм	сўм
Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи:		
Олдинги давр таннархи (48 000 бирл. 40,5 сўмдан)	1 944 000	
материаллар	—	780 300
Қўшилган харажатлар (24 000 бирл. 27,9 сўмдан)	669 600	2 613 600
Тайёр маҳсулот (72 000 бирл. 77,4 сўмдан)		5 572 800
		8 186 400

Б жараён бўйича ишлаб чиқариш сўмлари қуйидаги кўринишга эга:

<b>2012 «Асосий ишлаб чиқариш» сўми — Б жараён</b>			
Давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш (олд. даврдан олиб ўтилган) А жараёндан ўтказилган (2011 сўми)	1 279 800	Б жараён давомида тугалланган ва тайёр маҳсулот омборига ўтказилган маҳсулот таннархи	5 572 800
1010 «Хом ашё ва материаллар» сўми	4 033 800 540 000		

2012 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти — Б жараён			
6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти, 6520 «Давлат мақсадли фондларига тўловлар» ва 2510 «Умум-ишлаб чиқариш харажатлари» счёти	2 332 800	Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш (кейинги даврга ўтказишга)	2 613 600
Жами:	8 186 400	Жами:	8 186 400

**«Биринчи келиб тушган — биринчи чиқим қилинган» усули (FIFO).**

Харажатларни калькуляция қилишнинг босқичли усулининг FIFO усулига мувофиқ, биринчи навбатда ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулоти ишлов берилиши ва тугалланиши керак, деб фараз қилинади. Давр бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи тайёр маҳсулотга алоҳида ўтказилади, маҳсулот бирлиги таннархи фақатгина жорий давр харажатлари ҳамда жорий даврда чиқарилган маҳсулотга асосланади. Давр охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари ҳисобот даврининг давомида бошланган янги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлади деб ҳисобланади. FIFO усули А ва Б жараёнларда қандай амал қилишини намоиш этиш учун 26-мисолдан фойдаланамиз.

Биринчи галда FIFO усулида А жараённинг маҳсулот бирлиги таннархи ҳисоб-китобини ва харажатларни тақсимлашни кўриб чиқамиз.

**А жараён — FIFO усули**

Таннарх элементлари	Материаллар	Қўшилган харажатлар	Жами
Ҳисобот даври харажатлари, сўм	1 728 000	2 025 000	3 753 000
Тайёр маҳсулот бирлиги минус давр бошида ТИЧ эквивалент миқдори, бирл.	72 000 (108 000 — 36 000)	86 400 (108 000 — 36 000 x 60 %)	X
Давр охирида ТИЧ эквивалент бирликлари, бирл.	24 000	18 000 (24 000 x 75 %)	X
Ҳисобот даврида эквивалент бирликларнинг умумий сони, бирл.	96 000	104 400	X
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	18 (1 728 000 : 96 000)	19,395 (2 025 000 : 104 400)	37,395 (18 + 19,395)

	сўм	сўм
Тайёр маҳсулот (тугалланган ишлаб чиқариш) таннархи:		
Ҳисобот даври бошида ТИЧ	1 061 100	
материаллар (72 000 бирл. 18 сўмдан)	1 296 000	
Қўшилган харажатлар (86 400 бирл. 19,395 сўмдан)	1 675 900	4 033 000
Ҳисобот даври охирига тугалланмаган иш. чиқ. таннархи:		
материаллар (24 000 бирл. 18 сўмдан)	432 000	
Қўшилган харажатлар (18 000 бирл. 19,395 сўмдан)	349 100	781 100
Жами:		4 814 100

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан шуни кузатиш мумкинки, маҳсулот бирлигининг ўртача таннархи жорий (ҳисобот) даври харажатларининг давр давомида ишлаб чиқарилган бирликларнинг эквивалент сонига бўлинган миқдорларига асосланади. Ушбу сонга давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг эквивалент бирликлари кирмайди, чунки улар олдинги даврда киритилган. Агар эътибор берадиган бўлсак, давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархи жорий давр учун маҳсулот бирлигининг ўртача таннархи миқдорига кўпайтирилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига фақат жорий харажатлар қўшилади ва давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг олдинги даврдан ўтган қиймати киритилмайди. Ўз навбатида, ушбу давр бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини тайёр маҳсулот таннархининг алоҳида элементи сифатида ажратиш учун қилинади. Тегишли равишда, давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи (1 061 100 сўм) маҳсулот бирлиги таннархининг ҳисоб-китобларига қўшилмайди, балки бевосита тайёр маҳсулот таннархига олиб борилади.

Энди FIFO усули бўйича Б жараён учун маҳсулот бирлиги таннархи ҳисоб-китобини ҳамда харажатларнинг тақсимланиши кўриб чиқамиз.

#### Б жараён — FIFO усули

Таннарх элементлари	Олдинги жараён таннархи	Материаллар	Қўшилган харажатлар	Жами
Ҳисобот даври харажатлари, сўм	4 033 000	540 000	2 332 800	6 905 800

Таннарх элементлари	Олдинги жараён таннархи	Мате- риаллар	Қўшилган хара- жатлар	Жами
Тайёр маҳсулот бирлиги минус давр бошидаги ТИЧ эквивалент миқдори, бирл.	60 000 (72 000 – 12 000)	60 000 (72 000 – 12 000)	62 400 (72 000 – 12 000 x 80 %)	X
Давр охиридаги ТИЧ эквивалент birlikлари, бирл.	48 000	—	24 000 (48 000 x 50 %)	X
Ҳисобот даврида эквивалент birlikларнинг умумий сони, бирл.	108 000	60 000	86 400	X
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	37,3425 (4 033 000 : 108 000)	9,0 (540 000 : 60 000)	27,0 (2 332 800 : 86 400)	73,3425 (37,342 + 9 + 27)

	сўм	сўм
Тайёр маҳсулот (тугалланган ишлаб чиқариш) таннархи:		
Ҳисобот даври бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш	1 279 800	
Олдинги А жараён таннархи (60 000 бирл. 37,3425 сўмдан)	2 240 550	
Материаллар (60 000 бирл. 9 сўмдан)	540 000	
Қўшилган харажатлар (62 400 бирл. 27 сўмдан)	1 684 800	5 745 150
Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи:		
олдинги жараён таннархи (48 000 бирл. 37,3425 сўмдан)	1 792 440	
материаллар	—	
қўшилган харажатлар (24 000 бирл. 27 сўмдан)	648 000	2 440 440
Жами:		8 185 590

Келтирилган ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, давр бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тугалланганлик даражаси 80 фоизни ташкил қилади, тегишли равишда, мисол шартларига мувофиқ материаллар қиймати ишлаб чиқариш жараёни айнан 80 фоиз тугалланганлик даражасига етганда қўшилади, яъни материаллар қўшилганда

ишлаб чиқариш жараёни кейинги ҳисобот даврига ўтган. Шундай қилиб, ушбу ҳолатда материал харажатлар тўлиқ ҳисобга олинган. Шунинг учун маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқишнинг юқорида келтирилган жадвали учинчи сатрида таннархнинг иккита элементи бўйича тўлиқ 72 000 бирлик тайёр (ишлов бериш пайтида тугалланган) маҳсулотдан ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг 12 000 бирлиги чегириб ташланади. Қўшилган харажатлар 80 % миқдорида амалга оширилган, шунинг учун тугалланган маҳсулотнинг умумий сонидан фақат ҳисобот даврида ишлов бериш бошланган ва тугалланган маҳсулотнинг 9 600 эквивалент бирлиги чегириб ташланади. Яна шунга ҳам эътиборни қаратиш керакки, олдинги жараённинг 4 033 000 сўм миқдоридаги таннархи А жараёнида тугалланган ва Б жараёнга ўтказилган маҳсулот таннархидан иборат.

Давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳамда тугалланган маҳсулот харажатларини баҳолаш тартиби харажатларни босқичли калькуляция қилишнинг ҳар иккала усулида ўхшаш. Агар захираларнинг миқдори ва жараёнда ишлатиладиган ресурсларнинг нархи ҳар ойда кескин ўзгармаса, FIFO усулидан ва ўртача ҳисобланган нарх усулидан фойдаланганда ҳисоб-китоблардаги фарқлар катта бўлмайди. Харажатларни калькуляциялашнинг босқичли усули мақсадларида юқорида кўрилган ҳар иккала усул мақбул ҳисобланади. Бироқ харажатларни калькуляциялашнинг босқичли усулини қўллайдиган хўжалик субъекти ўз ҳисоб сиёсатида ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш қисмида албатта фойдаланадиган усулни кўрсатиши керак.

#### ***4.4. Меъёрий усул***

Таннархни аниқлашнинг меъёрий усули хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг белгиланган меъёрлари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган. Меъёрномалар вақти-вақти билан таҳлил қилиб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

Харажатларни ҳисобга олишнинг ва маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг меъёрий усули шу билан белгиланадики, корхонада тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот тури бўйича дастлабки меъёрий калькуляция, яъни ой бошида амалда бўлган материаллар, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари меъёрлари бўйича ҳисобланган таннарх калькуляцияси тузилади. «Меъёр» атамасига таъриф беришга уриниб кўрамиз. Одатда «меъёр» деганда илғор технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шароитидаги хўжалик фаоли-

яти натижаларининг олдиндан бергиланган сонлардаги миқдорий ифодаси тушунилади. Ўз навбатида, меъёрнома (норматив) — бу меъёр қийматларининг пулдаги ифодаси ёки калькуляция қилиш нуқтаи назаридан — олдиндан белгиланадиган харажатлар суммаларидир.

Меъёрий харажатлар бўйича таннархни меъёрий калькуляция қилиш тизими кўпроқ фаолияти бир қатор умумий ёки такрорланувчи операциялардан иборат бўлган хўжалик субъектларига, шунингдек, ҳар бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бирламчи ресурслар миқдорини аниқлаш мумкин бўлган ҳолатларга мос келади. Тегишли равишда, ишлаб чиқариш жараёнлари тез-тез такрорланадиган қайта ишлаш саноати корхоналарида бундай усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Таннархни меъёрий харажатлар бўйича калькуляция қилиш амаллари хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли ташкилотларда, масалан, банк бўлинмаларида қўлланилиши ҳам мумкин, чунки бу ерда хизматларни кўрсатиш натижасини миқдорий ўлчаш мумкин (чеклар ёки кредит беришга буюртмалар сонига қараб) ҳамда бирламчи ресурслар билан охириги маҳсулотнинг чиқиши ўртасида аниқ ифодаланган боғлиқлик бор ҳолларда. Алоҳида шуни таъкидлаш лозимки, ўз табиатига кўра такрорланмайдиган фаолият турларига нисбатан ушбу усулни қўллаб бўлмайди, чунки бу ҳолда такрорланувчи операцияларни кузатиш учун моддий асос мавжуд эмас, тегишли равишда, меъёрларни ҳам белгилаб бўлмайди.

Шу билан бирга, турли хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган корхоналарда таннархни калькуляциялашнинг меъёрий усулидан қай даражада фойдаланилиши ишлаб чиқариш жараённинг қанчалик умумий операциялар сериясидан иборатлиги билан белгиланади. Масалан, агар корхонада маҳсулотнинг чиқиши бешта умумий операциялар натижаси бўлса, ушбу операциялар давомида маҳсулотнинг бир қанча турлари ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу сабабли, кўп сондаги умумий операциялар натижасида катта ассортиментли маҳсулот чиқиши бўлади. Бирок, бу ерда ҳам умумий қоида амал қилади: меъёрий харажатлар такрорланувчи операциялар учун ҳисобланаши керак, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган меъёрий сарф-харажатлар муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришга зарур бўлган операцияларнинг меъёрий харажатларини оддий қўшиш орқали аниқланади. **Мазкур жараённи қуйидаги схемали жадвал кўринишида намоён қилиш мумкин (5-жадвалга қarang):**




Операциялар ва маҳсулотлар бўйича белгиланган меъёрий харажатлар

Масъулият маркази (цех, жараён)	Операция рақами ва меъёрий харажат		Маҳсулот номи							Умумий меъёрий хара- жатлар, сўм	Ҳақиқий хара- жатлар, сўм
	№	сўм	А	Б	В	Г	Д	Е	Ж		
Тўқиш	1	130	√	√		√	√	√	√	780	
Тикиш	2	195		√		√		√		585	
Пардозлаш	3	260	√		√		√			780	
Бўяш	4	325	√	√	√				√	1 300	
Маҳсулотнинг меъёрий таннархи, сўм			715	650	585	325	390	325	455	3 445	

Юқориди келтирилган 5-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир операция учун (биринчидан тўртинчигача) меъёрий харажатлар, тегишлича, 130 сўм, 195 сўм, 260 сўм ва 325 сўмга тенг. Жадвалдаги ахборотдан фойдаланиб А маҳсулот учун меъёрий харажатлар 715 сўмга тенг бўлишини ҳисоблаб чиқиш мумкин: ундан 130 сўм 1-чи операцияга, 260 ва 325 сўм — 3-чи ва 4-чи операцияларга киради. Бошқа барча маҳсулотлар учун ҳам меъёрий харажатлар шундай ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, ҳисобот даври учун ҳар бир операция бўйича умумий маҳсулот чиқилишининг жами меъёрий харажатларини ҳам ҳисоблаб чиқиш мумкин. Масалан, олтита маҳсулот тури бўйича 1-операция тугаганида унинг меъёрий харажатлари 780 сўмга тенг (6 та маҳсулот ҳар бири 130 сўмдан). Учта маҳсулот 2-операциядан кейин 585 сўмлик умумий меъёрий харажатларни беради ва ҳоказо. 5-жадвалдан кўриш мумкинки, ҳар бир алоҳида операция (жараён) учун ўз масъулият маркази жавоб беради. Мазкур ҳолда бошқариш мақсадлари учун А буюмга ҳақиқий харажатларни 715 сўмлик меъёрий харажатлар билан солиштиришнинг маъноси йўқ, чунки жараёндаги четланишлар учун масъулият марказлари (бўлинмалар: тўқиш, пардозлаш ва бўяш) жавоб беради. Таъкидлаш жоизки, бу ерда бўлинмаларнинг (масъулият марказларининг) бирортаси ҳам четланишлар учун мустақил жавоб бера олмайди. Харажатларни тартибга солиш ва бошқариш учун маҳ-

сулот чиқишини ҳисобга олган ҳолда, масъулият марказлари бўйича меъёрий харажатлар белгиланиб берилиши керак. Шундай қилиб, агар тўқиш бўлинмаси бўйича ҳақиқий харажатлар меъёрий харажатлар билан солиштирилиб, 6 та маҳсулотга 780 сўм ажратилса, ушбу масъулият маркази менежери 1-операция бўйича четланишларнинг бутун ҳажми бўйича жавобгар бўлади. Ҳақиқий харажатларнинг бутун суммасини бўлинманинг (масъулият марказининг) ҳар бир операцияси бўйича умумий меъёрий харажатлари билан солиштириб, харажатларни бутун давр бўйича самарали назорат қилиб бориши мумкин. Бундан куйидаги мантиқий хулоса келиб чиқади: маҳсулот ишлаб чиқаришга меъёрий харажатларни ҳақиқий харажатлар билан таққослаб бўлмайди, агар ушбу харажатлар бир нечта масъулият марказлари томонидан амалга оширилган бўлса. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб ва меъёрий харажатлар бўйича таннархни калькуляция қилиш тизими амал қилишининг асосий ҳолатларини умумлаштириб, бу тизимни 10-расмда кўрсатилган куйидаги блок-схема тарзида ҳам намоён этиш мумкин:



10-расм. Меъёрий харажатлар асосида таннархни калькуляция қилиш тизимининг ишлаши умумий блок-схемаси.

Юқорида келтирилган 10-расмдан кўриниб турибдики, муайян даврда ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулотга меъёрий харажатлар масъулият марказлари ва уларнинг у ёки бу операцияларга жавоб берадиган менежерларигача кузатиб борилади. Масъулият марказларига, шунингдек, худди шу давр учун ҳақиқий харажатлар ҳам тақсимланади. Шундан сўнг ҳақиқий ва меъёрий харажатлар солиштирилади ва таннарх элементлари ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича четланишлар ҳисоблаб чиқилади. Масалан, тегишли даврда тўқув масъулият маркази (бўлинмаси)да ишлаб чиқарилган олти маҳсулот учун кетган ҳақиқий сарф-харажатлар 1 280 сўмни ташкил этган бўлса-да, меъёрий харажатлар 780 сўмга тенг бўлса (5-жадвалга қаранг), ҳисоботда 500 сўмлик четланиш кўрсатилади.

10-расмдан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, меъёрий харажатлар бўйича таннархни калькуляциялаш тизими ҳисоботда ҳақиқий харажатларни меъёрий харажатлардан фарқини батафсил таҳлил қилиш имконини беради. Масалан, харажатларнинг ҳар бир таркибий қисми бўйича ҳар бир масъулият марказидаги четланишлар аниқланиши, кейин эса нархлар ва ресурслар миқдори бўйича таҳлил олиб борилиши мумкин. Мазкур ҳолда бухгалтер бошқарув ходимларига четланишларнинг пайдо бўлиш жойларини аниқлашга ёрдам бера олади, бу четланишлар сабабларини топиш учун зарур бўлган қўшимча ўрганиш ишларини эса марказлар менежерлари олиб борадилар. Бундай тадқиқотлар натижаларига қараб тегишли тузатиш ишлари олиб борилади, агар четланишлар доимий сабаблар туфайли келиб чиқаётганлиги аниқланса, меъёрни шу сабабларни ҳисобга олган ҳолда аниқлантириш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, харажатларни бошқаришнинг энг самарали усули — бу уларни пайдо бўлиш босқичида тартибга солиш. Тегишли равишда, умуман ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга меъёрий харажатларни эмас, балки ишлаб чиқариш операциялари давомида истеъмол қилинадиган материаллар, меҳнат ва хизматлар меъёрларини аниқлаш лозим. Хўжалик юритиш амалиётида, кўпинча, харажатлар меъёрини ким ва қандай қилиб белгилайди, деган савол туғилиши мумкин. Бунда меъёрларни белгилашнинг асосий субъектив омили, албатта, хўжалик юритувчи субъектнинг эгасидир, яъни агар корхона давлатга қарашли бўлса (давлат унитар корхоналари), меъёрлар ваколатли давлат органи томонидан белгиланади, шўба корхоналар учун меъёрлар бош компания томонидан, мулкчиликнинг бошқа шаклларида — корхона мулкдорлари томонидан мустақил белгиланади. Меъёрлар қандай тарзда аниқланади ва ўрнатилади, деган саволга эса иккита ёндашувни қўллаш мумкин:

- 1) олдинги даврлар ҳақиқий маълумотлари асосида;
- 2) техник таҳлил маълумотлари асосида.

Биринчи усулга мувофик, олдинги даврлар ҳақиқий маълумотларидан келиб чиқиб меҳнат, материаллардан фойдаланишнинг ўртача кўрсаткичлари ҳамда ишлаб чиқариш устама харажатлари ҳақиқий суммаси ҳисоблаб чиқилади ва баҳоланади. Иккинчи усулда, яъни техник таҳлилда ҳар бир операция материаллар, меҳнат ва асбоб-ускуналарни аниқ ҳисобга олиш ҳамда унинг барча таркибий қисмларини назорат текширувидан ўтказиш асосида чуқур ўрганилади. Биринчи усул бўйича, яъни олдинги даврлар ҳақиқий маълумотларига асосланиб меъёрларни белгилашда олдинги хатолар ва камчиликларни жорий меъёрларга олиб ўтиш хавфи мавжуд. Шунинг учун мазкур меъёр доирасида меъёрлар илгариги даврлар учун ўртача натижалар асосида белгиланади. Бунда маълум бўлган ортиқча материаллар ва меҳнат сарфлари ҳисобга олинмайди. Кўшимча тарзда талаб қилинаётган ресурсларни ихтиёрий пасайтириш йўли билан ҳам меъёрларни қатъийлаштириш мумкин. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, у техник таҳлил усулидан фарқ қилиб, эътиборни кўпроқ ресурслар, ишлаб чиқариш технологиялари янада оқилона уйғунлаштиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга қаратиш имконини бермайди. Шунга қарамай, олдинги даврларнинг ўртача ҳақиқий маълумотлари асосида белгиланадиган меъёрлардан одатда, масалан, ҳаттоки монополь нархлар ва тарифлар ёки чегаравий ортиқча нархларни декларациялашда кенг фойдаланилади.

Техник таҳлил асосида асосий ишлаб чиқариш материаллари, меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш устама харажатлари учун меъёрларни белгилаш жараёнини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

**Асосий ишлаб чиқариш материалларига** меъёрлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хусусиятларидан келиб чиқиб ўрнатилади, улар эса ҳар бир операция учун зарур бўлган бирламчи материаллар миқдорини синчиклаб ўрганиш йўли билан аниқланади. Бундай ўрганиш давомида ҳар бир маҳсулотни лойихага ва сифат талабларига мувофик тайёрлаш учун қандай материаллар кўпроқ мос келиши, шунингдек, ишлаб чиқаришда муқаррар тарзда юзага келадиган йўқотишларни ҳисобга олиб ишлатиладиган материалларнинг қатъий миқдори аниқланади. Одатда, материалларнинг меъёрий миқдори маҳсулотни спецификациялашда қайд этилади. Бу ерда ҳар бир операцияни бажариш учун талаб этиладиган материаллар ва уларнинг миқдори белгиланади. Ҳар бир маҳсулотга алоҳида спецификация берилади. Материалларга тўғри келадиган меъёрий харажатлар суммаси меъёрий миқдорни те-

гишли меъёрий нархларга кўпайтириш орқали аниқланади. Меъёрий нархларни белгилаш билан корхоналарда, албатта, таъминот (харид қилиш) бўлими шуғулланади. Бунда шу назарда тутиладики, харид қилиш бўлими бўлғуси таъминотчиларни тегишли тарзда ўрганиб, сифатли материалларни етарли миқдорда ва рақобатбардош бозор нархида етказиб бера оладиганини танлайди. Меъёрий нархларда буюртмаларни жойлаштиришда, харид қилинаётган материаллар миқдори ва сифати учун чегирмалар олишда, энг қулай шартларда энг мақбул тарзда етказиб беришда ва савдо кредити олишда иқтисодий афзалликлар бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади. Бир вақтнинг ўзида таъминотчининг материаллар сифати ва таъминотнинг ўз вақтида амалга оширилиши нуктаи назаридан ишончлилиги ҳам эътиборга олинishi керак. Шундай қилиб, материалларга ҳақиқий нархларни баҳолаш учун энг мақбул асос — бу уларга белгиланадиган меъёрий нархлардир.

**Ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатлари меъёрларини** белгилаш учун мавжуд операциялар бўйича барча фаолият турларини таҳлил қилиб чиқиш керак. Бунда ҳар бир операция алоҳида таҳлил қилинади ва ходимларнинг меҳнат жараёнидаги хатти-ҳаракатларини ва мавжуд операциялар бўйича улар кетказадиган вақт харажатлари асосида уни бажариш учун қанча вақт берилиши мумкинлиги ҳисоблаб чиқилади. Бундай хатти-ҳаракатлар ва вақт харажатларини ўрганиш жараёни ўз ичига ҳар бир операциянинг зарур бўлмаган ҳар бир таркибий қисмларини қисқартиришга қаратилган операцияларни таҳлил қилишни, ишлаб чиқаришнинг самаралироқ усулини аниқлашни олади. Шундан сўнг ишлаб чиқаришнинг, асбоб-ускуналардан фойдаланишнинг энг самарали усуллари ва энг мақбул иш шароитлари стандартлаштирилади. Кейин эса муайян операцияни ёки унинг бир қисмини бажариш учун оддий ходимга талаб этиладиган вақт ўлчанади ва белгиланади (меъёрий соатларда). Меъёрий вақтга ишлаб чиқаришнинг объектив туриб қолишлари, масалан, асбоб-ускунанинг ишдан чиқиши ёки унга техник кўрсатиш бўйича режа тадбирлари ва ҳоказо тадбирлар вақти ҳам қўшилади. Меҳнат ҳақининг меъёрий ставкалари одатдагидек ёки ҳўжалик субъекти юритаётган сиёсатга ёки корхона раҳбарияти билан хизматчиларнинг касаба уюшмалари ўртасидаги музокаралар натижаларига мувофиқ белгиланади. Меҳнат ҳақининг мувофиқлаштирилган ставкалари ҳар бир операция бўйича меъёрий меҳнат сарфини аниқлаш имконини берадиган меъёрий вақтни ҳисобга олиб белгиланади.

Таннархни меъёрий сарф-харажатлар бўйича калькуляция қилиш тизими учун ишлаб чиқариш устама харажатларини ҳисоблашнинг меъ-

ёрий ставкаларини белгилаш тартиботи юқорида келтирилган калькуляциялашнинг буюртма усули учун баён этилган устама харажатларни ҳисоблаш бўйича олдиндан белгиланадиган ставкаларини аниқлаш тартиботи билан бир хил. Режалаштириш ва бошқариш мақсадларида доимий ва ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари учун алоҳида ставкаларни белгилаш муҳимдир. Одатда устама харажатларни ҳисоблашнинг меъёрий ставкаси асосий ходимларнинг бир соатлик меҳнати-га ёки ишлаб чиқариш жиҳозлари ва дастгоҳларнинг бир соатлик ишига асосланади. Доимий устама харажатлар, асосан, ишлаб чиқариш даражаси ўзгаришларига боғлиқ эмас ва қисқа муддатли даврда ишлаб чиқариш даражаси юқори диапазонга эга бўлган ҳолда ўзгармасдан қолади, деб ҳисобланади. Шундай экан, харажатларни қисқа муддатда самарали бошқариш нуқтаи назаридан доимий устама харажатларни маҳсулот бирлиги учун ҳисоблаб чиқариш ва шу асосда фаолият тури бирлиги учун доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари ставкасини аниқлаш мумкин эмас. Бироқ молиявий ҳисоботни тузиш талаблари нуқтаи назаридан товар-моддий захиралар қийматини баҳолашда доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари алоҳида маҳсулотларгача тақсимланиши лозим. Шу муносабат билан, товар-моддий захиралар қийматини баҳолаш мақсадида доимий устама харажатларни унификация қилиш ва уларни маҳсулот бирлиги учун ҳисоблаб чиқиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таннархни меъёрий харажатлар бўйича калькуляция қилиш тизими бўйича устама харажатларни ҳисобга олишнинг таннархни ҳисоблашнинг бошқа тизимларидан шу билан фарқ қиладики, ишлаб чиқариш устама харажатлари устама харажатларни ҳисоблашнинг меъёрий вақтга, яъни ҳақиқий қилинган вақтга эмас, балки сарфланиши керак бўлган вақтга кўпайтирилган соатбай ставкалари бўйича ҳисобланади.

Ўйлаймизки, ўрганишнинг мазкур босқичида меъёрий харажатларни белгилашга ёндашувнинг юқорида кўриб чиқилган барча жиҳатларини умумлаштириш зарур. Сарф-харажатларни улар қаерда ва қачон амалга оширилади бўлса, ўша ерда ва ўша вақтда бошқариш кўпроқ самара беради. Шу сабабли биз ҳар бир алоҳида ишлаб чиқариш операциясини бажаришда истеъмол қилинадиган материаллар сарфлари, меҳнат харажатлари ва ўзгарувчан устама харажатларнинг меъёрларини белгилашимиз лозим. Товар-моддий захиралар таннархини баҳолаш мақсадида ишлаб чиқарилади маҳсулот таннархининг меъёрий қийматларини аниқлаш лозим. Маҳсулотнинг меъёрий ишлаб чиқариш таннархи мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча операцияларга

меъерий харажатларни плус ушбу маҳсулотга ҳисобланадиган меъерий доимий устама харажатларни ўз ичига олади. Ҳар бир маҳсулот ва ҳар бир операция учун меъерий харажатлар карточкасини юритиш зарур. Меъерий харажатлар карточкасининг намунаси 11-расмда келтирилган.

Ҳисоб-китоб жараёнлари компьютерлаштирилган шароитда мазкур карточка компьютер ёрдамида ҳам юритилади. Бунда, шундай бир муҳим томонни ҳам ёдда тутиш керакки, агар ишлаб чиқариш технология-

### Меъерий харажатлар карточкаси

Меъёр ўрнатилган сана 01.01.2008 й.				Маҳсулот «Резинали қайиқ (ўтчами 30)»				
<b>Асосий ишлаб чиқ. материаллари</b>								
Опера-ция рақами	Модда коди	Микдори, кг	Меъерий нархи, сўм	Цех				Жами, сўм
				№ 1	№ 2	№ 3	№ 4	
А	1201	8	4 500		36 000			
Б	1205	6	5 500			33 000		
Жами:								69 000
<b>Меҳнат харажатлари</b>								
Операци рақами	Меъерий вақт, соат	Иш ҳақининг меъерий ставкаси, сўм						
А	5	2 500		12 500				
Б	4,5	3 000			13 500			
Жами:								26 000
<b>Ишлаб чиқариш устама харажатлари</b>								
Цех	Меъерий вақт, соат	Ишл. чиқ. устама харажатларини тақсимлаш меъерий ставкаси, сўм						
№ 6	5	1 500		7 500				
№ 7	4,5	2 000			9 000			
Жами:								16 500
<b>Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган умумий ишлаб чиқариш харажатлари, сўм</b>								<b>111 500</b>

11-расм. Меъерий харажатлар карточкаси намунаси.

сида ёки бирламчи материаллар нархида сезиларли ўзгаришлар юз берадиган бўлса, меъёрлар доимо тузатилиб туриши керак, жорий вазиятни янада тўлароқ акс эттириш учун меъёрларга ўзгаришлар киритиб борилади.

Меъёрий харажатларни аниқлашда меъёрларга қўйиладиган талабларни белгилаш муаммоси юзага келади. Улар идеал шароитлардаги фаолият натижаларини акс эттириши керакми ёки хатосиз иш ёки осон эришиладиган натижаларними? Бу саволга жавоб беришдан олдин харажатлар меъёрлари одатда учта катта тоифага бўлинишини айтиб ўтиш лозим:

- асосий меъёрлар;
- идеал меъёрлар;
- жорий пайтда эришиладиган меъёрлар.

Асосий меъёрларга узоқ вақт давомида ўзгармасдан қоладиган доимий меъёрлар киради. Асосий меъёрларнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, улар бир неча йиллар давомида ҳақиқий харажатларни битта меъёрлар билан солиштириш учун барқарор базани яратиб беради. Бунинг натижасида бутун таҳлил вақти учун самарадорлик тенденциясини аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш усуллари, нархлар даражалари ва бошқа шунга ўхшаш релевант омиллар ўзгарганда, асосий меъёрлар жорий мақсадли харажатларни акс эттирмай қўяди ва фойдасиз бўлиб қолади. Шу сабабга қўра, асосий меъёрлардан жуда кам фойдаланилади.

Идеал меъёрлар идеал шароитлардаги фаолиятни акс эттиради. Идеал меъёрий харажатлар — бу фаолият самарадорлиги энг юқори даражада бўлганда эришилиши мумкин бўлган минимал харажатлардир. Идеал меъёрлардан амалиётда фойдаланиш амримахол, чунки улар ходимларни мотивациялашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай меъёрлар айни пайтда ишлаб чиқаришда эришилиши лозим бўлган натижаларни эмас, кўпроқ фаолиятнинг йўналиш олишида керак бўлган мақсадларни акс эттиради.

Жорий пайтда эришиладиган меъёрлар корхона самарали фаолият юритганида амалга ошириладиган харажатларни акс эттиради. Уларга эришиш қийин, аммо бошқа меъёрлардан фарқли ўлароқ, бунга амалга ошириш мумкин. Жорий пайтда эришиладиган меъёрларни бажариш идеал меъёрларга нисбатан қараганда осонроқ, чунки бундай меъёрларни белгилашда ресурсларга шикаст етказилиши, асбоб-ускуналар ишдан чиқиши ва вақтнинг беҳудага сарфланиши эҳтимоли ҳисобга олиниб йўл қўйиладиган четланишлар белгиланади. Ушбу меъёрлар ишлаб чиқаришнинг энг самарали шароитларида эришилиши мумкин



бўлган мақсадли кўрсаткичлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, мазкур меъёрларга, бир томондан, эришиш қийин, бироқ бошқа томондан, уларга эришиш мумкин, айнан шу сабабли ҳам ҳақиқий харажатларни солиштиришда ушбу меъёрлардан энг мақбул йўлдир. Айни пайтда эришилиши мумкин бўлган меъёрлар уларга эришишнинг мураккаблик даражаси билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, агар тегишли давр учун қатъий, қийин эришиладиган меъёрлар белгиланса, уларнинг бажарилиши имконияти 70 фоизни ташкил қилиши мумкин. Аксинча, юмшоқроқ ва нисбатан осонроқ эришиладиган меъёрлар ўрнатилганда мазкур кўрсаткич 90 фоизга кўтарилади.

Харажатларни калькуляция қилишнинг, четланишларни аниқлаш ва уларни операцияларнинг ишлаб чиқариш (ички) ҳисоб счётларида акс эттиришнинг меъёрий усулини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз:

**27-мисол.** «Пента-пак» ишлаб чиқариш фирмаси битта маҳсулот — «ПЭТ-бочка»ни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш жараёни фақатгина битта операциядан иборат деб фараз қиламиз. Мазкур операция бўйича меъёрий харажатлар суммаси меъёрий харажатлар карточкасида кўрсатилган:

**«ПЭТ-бочка» маҳсулоти меъёрий харажатлари карточкаси**

Харажатлар ва даромадлар моддалари	сўм
Асосий ишлаб чиқариш материаллари:	
1 кг материал: полиэтилен гранулasi 1 килограмми 1 200 сўмдан	1 200
0,5 кг материал: бўёқ-стабилизатор 1 килограмми 1 800 сўмдан	900
Асосий ишлаб чиқариш хизматчилари меҳнати (3 соат ҳар соати 1 500 сўмдан)	4 500
Ўзгарувчан устама харажатлар (3 соат асосий ишлаб чиқариш ходимларининг ҳар бир меҳнат соати 500 сўмдан)	1 500
Умумий ўзгарувчан меъёрий харажатлар	8 100
Реализациядан олинган меъёрий ялпи (маржинал) фойда	2 000
Меъёрий реализация қилиш баҳоси	10 100

Учинчи чоракда «Пента-пак» ишлаб чиқариш фирмаси 10 000 бирлик «ПЭТ-бочка» маҳсулотини чиқаришни режалаштирган. Меъёрий харажатлар карточкаси маълумотлари асосида тузилган смета қуйидаги кўринишга эга:

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	Миқ-дори	Нархи, сўм	Сумма, сўм
Реализация	дона	10 000	10 100	101 000 000
Асосий ишлаб чиқариш материаллари:				
полиэтилен гранула	кг	10 000	1 200	12 000 000
бўёқ-стабилизатор	кг	5 000	1 800	9 000 000
Асосий материалларга жами харажатлар				21 000 000
Асосий ишлаб чиқариш хизматчилари меҳнати	соат	30 000	1 500	45 000 000
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари	соат	30 000	500	15 000 000
Жами реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари, сўм				81 000 000
Реализациядан олинган сметали ялпи (маржинал) фойда, сўм				20 000 000
Доимий устама харажатлари, сўм				12 000 000
Смета бўйича операцион фойда, сўм				8 000 000

Йиллик смета доимий устама харажатлари 48 000 000 сўмни ташкил этади. Йил давомида уларни бир текис тақсимлаш кўзда тутилмоқда. Компания фойдани ички баҳолаш учун ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляциялаш тизимидан фойдаланади.

«Пента-пак» ишлаб чиқариш фирмасининг учинчи чорак учун ҳақиқий кўрсаткичлари қуйида келтирилган:

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	Миқ-дори	Нархи, сўм	Сумма, сўм
Реализация	дона	9 000	11 500	103 500 000
Асосий ишлаб чиқариш материаллари:				
полиэтилен гранула	кг	9 500	1 320	12 540 000
бўёқ-стабилизатор	кг	5 600	1 650	9 240 000
Асосий материаллар бўйича жами харажатлар				21 780 000

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирл.	Миқдор	Нархи, сўм	Сумма, сўм
Асосий ишлаб чиқариш хизматчилари меҳнати	соат	28 500	1 600	45 600 000
Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари				13 000 000
Жами реализация қилинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, сўм				80 380 000
Реализациядан олинган ялпи (маржинал) фойда, сўм				23 120 000
Доимий устама харажатлари, сўм				11 600 000
Операцион фойда, сўм				11 520 000

Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари маҳсулотга асосий ишчилар меҳнати вақтига мутаносиб равишда тақсимланади. Ҳақиқий ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми учинчи чорақда 9 000 бирликни ташкил қилди.

Ҳақиқий харажатлар ва даромадларни меъёрий харажатлар ва даромадлардан четланишларини ҳисоблаб чиқамиз ҳамда уларнинг «ПЭТ-бочка» маҳсулоти бўйича учинчи чорақда ишлаб чиқариш (ички) ҳисоби счётларида акс эттирилишини кўрамиз.

#### **Материаллар бўйича четланишлар.**

Маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар бўйича харажатлар иккита асосий омилга боғлиқ: материаллар нархига ва уларнинг ишлаб чиқаришда ишлатилган миқдорига. Тегишли равишда, ҳам нарх бўйича, ҳам улардан фойдаланиш бўйича четланишларни ҳисобга олиш керак.

Материалларнинг нархи бўйича четланиш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Материал нархи бўйича четланиш} = \frac{\text{Материал бирлигининг меъёрий баҳоси} - \text{Ҳақиқий баҳо}}{\text{Сотиб олинган материаллар миқдори}}$$

Бундан ҳар бир материаллар учун:

$$\text{полиэтилен грануласи} = (1\,200 - 1\,320) \times 9\,500 = 1\,140\,000 \text{ сўм (четланиш — салбий);}$$

$$\text{бўёқ-стабилизатор} = (1\,800 - 1\,650) \times 5\,600 = 840\,000 \text{ сўм (четланиш — ижобий).}$$

Материалдан фойдаланиш бўйича четланиш қуйидаги формула орқали аниқланади:

Материалдан фойдаланиш бўйича четланиш = Маҳсулотни ҳақиқий ишлаб чиқариш учун материалнинг меъёрий миқдори – Ҳақиқий ишлатилган миқдор x Материал бирлигининг меъёрий нархи

Материаллар учун у қуйидагига тенг:

полиэтилен грануласи = (1 кг x 9 000 бирл. – 9 500 кг.) x 1 200 сўм = 600 000 сўм (четланиш салбий);

бўёқ-стабилизатор = (0,5 кг x 9 000 бирл. – 5 600 кг) x 1 800 сўм = 1 980 000 сўм (четланиш салбий).

Моддий харажатлар бўйича жами четланишлар материал нархи бўйича четланиш билан материалдан фойдаланиш бўйича четланишни қўшиш орқали ёки қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Материал харажатлар бўйича умумий четланиш = Маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажми x Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган меъёрий материал харажатлари – Ҳақиқий материал харажатлари

Материаллар учун у қуйидагидан иборат:

полиэтилен грануласи = (9000 бирл. x 1 200) – 12 540 000 = 1 740 000 сўм (салбий);

бунда нарх бўйича четланишлар (1 140 000 сўм салбий) ҳамда гранулалардан фойдаланиш бўйича четланишлар (600 000 сўм салбий) суммаси гранулалар бўйича жами четланишларга тенг (1 740 000 сўм салбий).

Худди шундай бўёқ-стабилизатор бўйича жами четланишларни аниқлаймиз = (9 000 бирл. x 900) – 9 240 000 = 1 140 000 сўм (четланиш салбий); бу ерда ҳам нарх бўйича четланишлар (840 000 сўм салбий) ва бўёқ-стабилизатордан фойдаланиш бўйича четланишлар (1 980 000 сўм салбий) суммаси бўёқ-стабилизатор бўйича жами четланишларга тенг (1 140 000 сўм салбий).

Таннархни калькуляция қилишнинг меъёрий усули одатда режалаштириш, назорат қилиш, хўжалик субъекти ходимларини мотивациялаш, шунингдек бошқарув қарорлари қабул қилиш учун қўлланилади, бироқ бунда молиявий ҳисобот моддаларига киритиш учун бухгалтерия проводкалари қилинмайди. Аммо меъёрий харажатларни калькуляция қилиш тизимида бухгалтерия проводкаларидан фойдаланиш захираларни оператив баҳолаш мақсадида харажатларни кузатиб бориш вазифасини анча енгиллаштиради ҳамда бухгалтерия маълумотларини қайта ишлашга сарфланадиган вақтни тежайди. Айтайлик, агар хом ашё захиралари меъёрий қиймат бўйича баҳоланса, товар-моддий захиралари қолдигини фақат миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мумкин. Бунда хом ашё захиралари қийматини қолдиқда турган хом ашё

миқдорини битта хом ашё бирлиги учун белгиланган меъерий харажатларга оддий кўпайтириш орқали ҳисоблангани мумкин. Бу эса захираларни FIFO усулида ёки ўртача ҳисобланган нарх асосида ҳисобга олиш заруратининг келиб чиқишини олдини олиш имконини беради.

Маҳсулот таннархини меъерий калькуляция қилиш тизимида амалга ошириладиган бухгалтерия ҳисоби ёзувлари асосан оператив молиявий ҳисоботда фойдаланишга мўлжалланган. Бундай ҳисобот, одатда, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига бирор-бир бошқарув ва молиявий қарорларни қабул қилиш мақсадида тақдим этилади. Бирок ташқи фойдаланувчилар учун бериладиган молиявий ҳисоботни тузиш учун одатда фаолиятга доир ҳақиқий маълумотлардан фойдаланилади. Қуйида ахборот ва тавсия тусига эга бўлган бухгалтерия ёзувлари келтирилади, улар одатда хўжалик юритувчи субъектининг ички ишлаб чиқариш ҳисобида қўлланилади:

— полиэтилен грануласининг сотиб олинishi:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 11 400 000 сўм;

— «полиэтилен грануласи» аналитик счёти

— (материалнинг миқдори кўпайтирилган меъерий нархга)

дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»  
счёти 1 140 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 12 540 000 сўм;

— бўёқ-стабилизаторнинг сотиб олинishi:

дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 10 080 000 сўм;

— «бўёқ-стабилизатор» аналитик счёти

— (материалнинг миқдори кўпайтирилган меъерий нархга)

дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»  
счёти 840 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 9 240 000 сўм;

— полиэтилен грануласининг фойдаланилиши:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 10 800 000 сўм;

— (фойдаланишнинг меъерий миқдори кўпайтирилган меъерий нархга);

дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»  
счёти 600 000 сўм;

кредит 1010 «Хом ашѐ ва материаллар» счѐти 11 400 000 сўм;  
 — «полиэтилен грануласи» аналитик счѐти  
 (материалнинг ҳақиқий фойдаланилган миқдори  
 кўпайтирилган меъѐрий нархга)

— бўѐқ-стабилизаторнинг фойдаланилиши:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счѐти 8 100 000 сўм  
 — (фойдаланишнинг меъѐрий миқдори  
 кўпайтирилган меъѐрий нархга);

дебет 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар»  
 счѐти 1 980 000 сўм;

кредит 1010 «Хом ашѐ ва материаллар» счѐти 10 080 000 сўм;

— «буѐқ-стабилизатор» аналитик счѐти  
 (материалнинг ҳақиқий фойдаланилган  
 миқдори кўпайтирилган меъѐрий нархга).

**Асосий ишлаб чиқариш ходимлари (АИЧХ) меҳнати бўйича четланишлар.**

АИЧХ меҳнати бўйича харажатлар ҳам асосий иккита омилга боғлиқ: меҳнатнинг қиймати (меҳнат ҳақи ставкаси) ҳамда ишлаб чиқаришга кетган иш соатлари сони (меҳнат унумдорлиги). Тегишли равишда, ҳам қиймат бўйича, ҳам меҳнатдан фойдаланиш бўйича четланишларни ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

Иш ҳақи ставкаси бўйича четланишлар куйидаги формула орқали аниқланади:

Меҳнат ҳақи  
ставкаси бўйича  
четланиш = Меҳнат ҳақининг меъѐрий  
ставкаси — Меҳнат ҳақининг  
ҳақиқий ставкаси x Ҳақиқатда  
ишланган вақт

(1 500 — 1 600) x 28 500 = 2 850 000 сўм (четланиш — салбий).

Меҳнат унумдорлиги бўйича четланиш куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Меҳнат  
унумдорлиги  
бўйича четланиш = Маҳсулотни ҳақиқий чиқиши учун  
меъѐрий иш вақти — Ҳақиқатда  
ишланган вақт x Меҳнат ҳақининг  
меъѐрий ставкаси

(3 соат x 9 000 бирл. — 28 500 соат) x 1 500 сўм = 2 250 000 сўм  
 (четланиш — салбий).

Меҳнат бўйича жами четланиш меҳнат ҳақи ставкаси бўйича четланиш билан меҳнат унумдорлиги бўйича четланиш йиғиндиси сифатида ёки куйидаги формула орқали аниқланади:

Меҳнат харажат-  
лари бўйича жами  
четланиш = Маҳсулотнинг ҳақиқий чиқарили-  
ши x Маҳсулот бирлигига тўғри  
келадиган меъѐрий меҳнат сарфи — Ҳақиқий  
меҳнат сарфи

(9000 бирл. х 4 500 сўм) – 45 600 000 сўм = 5 100 000 сўм (четланиш — салбий); бунда ставка бўйича четланишлар (2 850 000 сўм салбий) билан меҳнат унумдорлиги бўйича четланишлар (2 250 000 сўм салбий) суммаси меҳнат сарфлари бўйича жами четланишларга тенг (5 100 000 сўм салбий).

Меҳнат ҳақи харажатларини ҳисоблаш ва олиб бориш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 40 500 000 сўм;  
— меъёрий соатлар миқдори кўпайтирилган  
меҳнат ҳақининг меъёрий ставкасига,  
яъни 27 000 соат х 1500 сўм

дебет меҳнат ҳақи ставкалари бўйича четланишларни  
ҳисобга олувчи счётлар 2 850 000 сўм;

дебет меҳнат унумдорлиги бўйича четланишларни  
ҳисобга олувчи счётлар 2 250 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар  
билан ҳисоб-китоблар» счёти 45 600 000 сўм.

**Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари (ИЧУХ) бўйича четланишлар.**

Четланишларни таҳлил қилишда ўзгарувчан ИЧУХ асосий ишлаб чиқариш ходимлари (АИЧХ) меҳнат вақтига ҳамда ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва асбоб-ускуналарининг ишлаш вақтига қараб, яъни ишлаб чиқариш устама харажатлари (киритиладиган ресурслар)ни тақсимлаш базасига ўзгаради, деб тахмин қилинади, шунинг учун ўзгарувчан ИЧУХ бўйича жами четланиш қуйидаги битта ёки иккита сабаблар туфайли юзага келади:

— ҳақиқий харажатлар смета харажатларидан фарқ қилади;

— АИЧХнинг ҳақиқий ишлаш вақти ёки ишлаб чиқариш қувватларининг (киритиладиган ресурслар) ишлаш вақти ишлатилиши керак бўлган вақтдан фарқ қилади.

Шундай қилиб, четланишларнинг иккита элементи пайдо бўлишига олиб келадиган иккита асосий сабаб — ўзгарувчан АИЧХнинг сарф-харажатлари бўйича четланиши ва ўзгарувчан АИЧХнинг самарадорлик бўйича четланишидир.

Ўзгарувчан АИЧХнинг сарф-харажатлар бўйича четланишлари қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{Ўзгарувчан ИЧУХнинг} \\ \text{сарф-харажатлар бўйича} \\ \text{четланиши} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Ресурсларнинг ҳақиқий} \\ \text{киритилиши ҳажмига тўғри} \\ \text{келадиган смета ўзгарувчан ИЧУХ} \end{array} - \begin{array}{l} \text{Ҳақиқий} \\ \text{ўзгарувчан} \\ \text{ИЧУХ} \end{array}$$

$(500 \text{ сўм} \times 28\,500) - 13\,000\,000 = 14\,250\,000 - 13\,000\,000 = 1\,250\,000 \text{ сўм}$  (четланиш — ижобий).

Ўзгарувчан ИЧУХнинг самарадорлик бўйича четланиши, ўз навбатида, қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

Ўзгарувчан ИЧУХнинг самарадорлик бўйича четланиши =  $\frac{\text{Маҳсулотни ҳақиқий чиқаришга кетадиган меъёрий вақт} - \text{Ҳақиқий вақт}}{\text{Ҳақиқий вақт}}$  x  $\frac{\text{Ўзгарувчан ИЧУХни тақсимлашнинг смета ставкаси}}$

$(3 \text{ соат} \times 9000 \text{ бирл.} - 28\,500 \text{ соат}) \times 500 \text{ сўм} = 750\,000 \text{ сўм}$  (четланиш — салбий).

Ўзгарувчан ИЧУХ бўйича жами четланиш сарф-харажатлар бўйича четланишлар билан ўзгарувчан ИЧУХ самарадорлиги бўйича четланишлар йиғиндиси сифатида ёки қуйидаги формула орқали аниқланади:

Ўзгарувчан ИЧЮХ бўйича жами четланишлар =  $\frac{\text{Маҳсулот ҳақиқий чиқарилиши} \times \text{Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан ИЧУХ меъёрий ставкаси}}{\text{Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан ИЧУХ меъёрий ставкаси}}$  -  $\frac{\text{Ҳақиқий ўзгарувчан ИЧЮХ суммаси}}$

$(9\,000 \text{ бирл.} \times 1\,500 \text{ сўм}) - 13\,000\,000 \text{ сўм} = 500\,000 \text{ сўм}$  (четланиш — ижобий); бунда ўзгарувчан ИЧУХнинг сарф-харажатлар бўйича четланиши (1 250 000 сўм ижобий) ва ўзгарувчан ИЧУХнинг самарадорлик бўйича четланиши (750 000 сўм салбий) суммаси ўзгарувчан ИЧУХ бўйича жами четланишлар суммасига тенг (500 000 сўм ижобий).

***Доимий ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари бўйича четланиш.***

Юқорида айтилганидек, мазкур мисол шартлари бўйича компания маҳсулотни калькуляциялаш учун ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляциялаш тизимидан фойдаланади, шунинг учун доимий ИЧУХ умумлаштирилмайди ва маҳсулотларга тақсимланмайди. Бунинг ўрнига жами доимий ИЧУХ давр давомида улар қайси даврга тегишли бўлса, ўша давр харажатлари сифатида қаралади. Фаолият даражаси ўзгарганда доимий ИЧУХ ўзгармайди, деб тахмин қилинади, бироқ улар бошқа омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Масалан, нархларнинг ошиши доимий ИЧУХнинг кўпайишига олиб келади. Шундай қилиб, доимий ИЧУХ бўйича четланишлар смета бўйича доимий ИЧУХ билан ҳақиқий доимий ИЧУХ ўртасидаги фарқни изоҳлаб беради. Ҳисоб-китоб формуласи қуйидаги кўринишга эга:

Доимий ИЧУХ бўйича четланиш =  $\frac{\text{Смета бўйича доимий ИЧУХ суммаси}}{\text{Смета бўйича доимий ИЧУХ суммаси}}$  -  $\frac{\text{Ҳақиқий доимий ИЧУХ суммаси}}{\text{Ҳақиқий доимий ИЧУХ суммаси}}$

$12\,000\,000 - 11\,600\,000 = 400\,000 \text{ сўм}$  (четланиш — ижобий).



Ҳақиқий ишлаб чиқариш устама харажатлари ўзгарувчан ИЧУХ бўйича 13 000 000 сўмни ва доимий ИЧУХ бўйича 11 600 000 сўмни ташкил қилади. Ички ишлаб чиқариш ҳисобида ҳақиқий устама харажатларни акс эттириш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги кўринишга эга:

*дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»  
счёти 13 000 000 сўм*

*— «Ўзгарувчан ИЧУХ» счётини ажратган ҳолда;*

*дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»  
счёти 11 600 000 сўм*

*— «Доимий ИЧУХ» счётини ажратган ҳолда;*

*кредит кредиторлик қарздорлигини ҳисобга  
олувчи счётлар (6000, 6500, 6700, 6900) 24 600 000 сўм.*

Ўзгарувчан ИЧУХни қоплаш бўйича хўжалик операциялари ички ишлаб чиқариш ҳисобида қуйидаги ёзувлар орқали ифодаланади:

*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 13 500 000 сўм*

*— ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри келадиган  
меъёрий соатлар миқдори кўпайтирилган меъёрлари  
тақсимлаш ставкасига;*

*дебет Ўзгарувчан ИЧУХнинг самарадорлик бўйича  
четланишларини ҳисобга олувчи счётлар 750 000 сўм;*

*кредит Ўзгарувчан ИЧУХнинг сарф-харажатлари бўйича  
четланишларини ҳисобга олувчи счётлар 1 250 000 сўм;*

*кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»  
счёти — «Ўзгарувчан ИЧУХ» счётини ажратган  
ҳолда 13 000 000 сўм.*

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур мисолда биз ўзгарувчан сарф-харажатлар бўйича калькуляциялаш тизимидан фойдаланаётганимиз муносабати билан, ҳақиқий доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари ҳисобот даври харажатлари сифатида қаралади, ваҳоланки молнявий ҳисобот тузишда барча ишлаб чиқариш устама харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига олиб борилиши керак. Ички ишлаб чиқаришга доир бухгалтерия ҳисобида доимий ИЧУХни ҳисобот даври харажатларига олиб бориш бўйича хўжалик операциялари қуйидагича акс эттирилади:

*дебет давр харажатларини ҳисобга олувчи  
счётлар (9400) 11 600 000 сўм;*

*кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»  
счёти — «Доимий ИЧУХ» счётини ажратган  
ҳолда 11 600 000 сўм.*

**Ишлаб чиқариш жараёнининг якунланиши.**

Уқорида келтирилган бухгалтерия ҳисоби ёзувларидан ҳисоблаб чиқиш мумкинки, ишлаб чиқариш жараёнига (2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти дебетига) 72 900 000 сўмлик меъёрий харажатлар ҳисобланган. Давр боши ва охирида захиралар бўлмаганлиги боис, ушбу сумма давр учун жами ишлаб чиқариш харажатларидан иборат бўлиб, ҳар бирлиги 8100 сўмдан 9 000 бирликни ўз ичига олади. Қайта ишланиши тугаган маҳсулот тугалланмаган ишлаб чиқариш тоифасидан тайёр маҳсулот тоифасига ўтганда қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзувлари кайд этилади:

*дебет 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот»*

*счёти*

*72 900 000 сўм;*

*кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти*

*72 900 000 сўм.*

**Маҳсулотни сотиш.**

Маҳсулотларни сотиш бўйича четланишлар ҳақидаги ахборот согувлар бўлими фаолиятини таҳлил қилишда ишлаб чиқариш харажатлари кўрсаткичларидан фойдаланилгани каби ишлатилади. Реализация бўйича четланишларнинг энг муҳим белгиларидан бири — уларни реализация қилиш қийматида эмас, балки маржинал фойда кўрсаткичларида ҳисоблаш. Ҳақиқий реализация қилиш суммасининг смета суммасидан четланишлари одатда иккита омилга боғлиқ: реализация нархи ва реализация ҳажми.

$$\begin{array}{l} \text{Реализация} \\ \text{нархи бўйича} \\ \text{четланиш} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган} \\ \text{ҳақиқий маржинал фойда} - \text{Маҳсулот} \\ \text{бирлигига тўғри келадиган меъёрий} \\ \text{маржинал фойда} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{Ҳақиқий} \\ \text{реализация} \\ \text{ҳажми} \end{array}$$

$$((11\ 500 - 8\ 100) - (10\ 100 - 8\ 100)) \times 9\ 000 = 12\ 600\ 000$$

(четланиш — ижобий).

$$\begin{array}{l} \text{Реализация} \\ \text{ҳажми бўйича} \\ \text{четланиш} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Ҳақиқий реализация ҳажми} - \text{Смета} \\ \text{бўйича реализация ҳажми} \end{array} \times \begin{array}{l} \text{Меъёрий} \\ \text{маржинал} \\ \text{фойда} \end{array}$$

$$(9\ 000 - 10\ 000) \times (10\ 100 - 8\ 100) = 2\ 000\ 000 \text{ сўм (четланиш — салбий).}$$

$$\begin{array}{l} \text{Маржинал фойда} \\ \text{бўйича жами четланиш} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Жами ҳақиқий} \\ \text{маржинал фойда} \end{array} - \begin{array}{l} \text{Жами меъёрий} \\ \text{маржинал фойда} \end{array}$$

$$((9\ 000 \times (11\ 500 - 8\ 100) - 20\ 000\ 000) = (30\ 600\ 000 - 20\ 000\ 000))$$

= 10 600 000 сўм (четланиш — ижобий) ёки реализация нархи билан реализация ҳажми бўйича четланишларни қўшганда ҳам худди шундай натижа олинади, яъни 12 600 000 сўм ижобий ва 2 000 000 сўм салбий

четланишлар умумий ҳисобда 10 600 000 сўм ижобий четланиш натижасини беради.

Тайёр маҳсулотни реализация қилиш бўйича четланишлар бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилмайди, демак, умумий суммаси 103 500 000 сўмлик 9 000 бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий реализацияси куйидаги тарзда ҳисобга олинади:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 103 500 000 сўм;*

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан даромадлар» счёти 103 500 000 сўм.*

Сотилган маҳсулотнинг таннархи бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти 72 900 000 сўм;*

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти 72 900 000 сўм.*

**Калькуляция қилишнинг меъёрий усулида смета бўйича ва ҳақиқий фойдани мувофиқлаштириш.**

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ва мулкдорлари, улар хусусий шахс бўладими ёки шериклар (муассислар) бўладими ёки акциядорлар бўладими, ҳақиқий фойда қайси сабабларга кўра смета кўрсаткичларидан фарқ қилаётгани билан қизиқишлари табиийдир. Маҳсулотни ишлаб чиқариш, реализация қилиш бўйича ижобий четланишлар ҳамда смета бўйича фойда миқдорларини умумлаштириб ва унинг суммасидан салбий четланишлар миқдорини айириб ташлаб, 27-мисол маълумотлари асосида смета бўйича ва ҳақиқий фойдани мувофиқлаштириш мумкин:

**Меъёрий ўзгарувчан харажатлар бўйича калькуляциялаш тизими учун смета бўйича ва ҳақиқий фойдани мувофиқлаштириш**

<b>КЎРСАТКИЧЛАР</b>	<b>Сумма, сўм</b>		
Смета бўйича операцион фойда			8 000 000
Сотувлар бўйича четланишлар:			
сотув нархи	12 600 000 И		
сотув ҳажми	2 000 000 С		
		10 600 000 И	

<b>КЎРСАТКИЧЛАР</b>	<b>Сумма, сўм</b>		
Тўғридан-тўғри харажатлар бўйича четланишлар материал: нарх: полиэтилен гранулалар	1 140 000 С		
Бўёқ-стабилизатор	840 000 И		
фойдаланиш: полиэтилен гранулалар			
Бўёқ-стабилизатор	1 980 000 С		
		2 880 000 С	
меҳнат: ставка	2 850 000 С		
Унумдорлик	2 250 000 С		
		5 100 000 С	
Ишлаб чиқариш устама харажатлар бўйича четланишлар доимий ИЧУХ	400 000 И		
ўзгарувчан ИЧУХ: сарф-харажатлар бўйича	1 250 000 И		
самарадорлик бўйича	750 000 С		
		900 000 И	
			3 520 000 И
Ҳақиқий фойда			11 520 000

#### ***4.5. Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тан-нархини аниқлаш усуллари***

БҲМС № 4 нинг 35-бандига мувофиқ, бир технологик жараёнда битта хом ашё ва материаллардан турли хилдаги, улардан ҳар бири ўзининг сотиш нархига эга бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилганда ушбу турдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади.

Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар), сотиш қиймати асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)га қараганда жуда паст бўлган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади. Ўз номидан кўриниб турибдики, қўшимча маҳсулотлар — бу асо-

сий маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида пайдо буладиган йўлдош маҳсулотдир. Одатда қўшимча маҳсулотлар каттароқ абсолют қийматга эга бўлиши мумкин, бироқ унинг асосий ёки қўшимча маҳсулот эканлигини аниқлашнинг асосий мезони биргаликда ишлаб чиқарилган буюмларнинг қийматига нисбатан солиштириладиган сотиш баҳосидир. Иктисодий доираларда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар компаниянинг молиявий фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Бу қўшимча маҳсулотларнинг таъсири эса иккинчи даражага эга. Бошқача қилиб айтганда, ёрдамчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш одатда асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки чиқармаслик ҳақидаги қарорга таъсир қилмайди ва асосий маҳсулотга белгиланадиган нархларда сезиларли даражада акс этмайди.

Мисол тариқасида битта ишлаб чиқариш жараёнида икки ёки ундан кўп алоҳида маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган (бошқача қилиб айтганда, комплекс ишлаб чиқариш) қуйидаги тармоқларни келтириш мумкин:


№	Тармоқ	Тайёр маҳсулот бўлиниш нуқтасидан кейин
1	Агросаноат мажмуаси: сут заводи, гўшт заводи	Сут, қаймоқ, мой, мол (чўчка) гўшти, тери, суяк, ёғ
2	Қайта ишлаш саноати: нефтни қайта ишлаш заводи, тоғ-металлургия комбинати	Бензин, керосин, мазут, мис, кумуш, қўрғошин, молибден
3	Кимё саноати: органик кимё заводи	Этилен, пропилен, бензол
4	Ун ишлаб чиқариш саноати	Ун (турли навдаги), кепак, кожух
5	Ёғ-мой комбинати ва ҳ.к.	Ёғ, кунжара (шрот), шелуха

Шуни ҳисобга олиш муҳимки, қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)дан биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг фарқи шундан иборатки, уларни тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар турли хилдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифатида идентификациялаш мумкин эмас.

БҲМС № 4 га мувофиқ, **бўлиниш нуқтаси** — ишлаб чиқариш жараёнининг муайян пайти бўлиб, бу ерда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг алоҳида турлари аниқ идентификацияланади, яъни технологик жараёндаги шундай нуқтаки, унда биргаликда ишлаб чиқариладиган (асосий) ва қўшимча маҳсулотлар яқка тартибда идентификациялаштирилган бўлади.

Ишлаб чиқариш амалиётида барча маҳсулотлар баъзан бир вақтнинг ўзида, баъзида эса турли вақтларда ажратилади. Бўлиниш нуқтасини топмасдан алоҳида маҳсулотларга харажатларни ўтказиб булмайди. Масалан, бир тонна хом нефтни қайта ишлаш харажатларининг қайси қисми бензинга, қайси қисми парафин ёки керосинга кетишини аниқлаш мумкин эмас. Бўлиниш нуқтаси топилгандан кейин таркибий маҳсулотларни реализация қилиш ёки маҳсулот сифатини (тегишли равишда, нархни ҳам) янада ошириш мақсадида уни қайта ишлашда давом эттириш мумкин. Бўлиниш нуқтасидан кейин, албатта, маҳсулотни (жумладан, қўшимча маҳсулотни) янада чуқурроқ қайта ишлашга кетадиган харажатларни осонгина муайян маҳсулотга олиб бориш мумкин.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган ва қўшимча маҳсулотларни тайёрлаш жараёнининг соддалаштирилган схемаси 12-расмда келтирилган.



12-расм. Биргаликда ишлаб чиқариладиган ва қўшимча маҳсулот чиқарилишига ишлаб чиқариш жараёни.

12-расмдан кўриниб турибдики, бўлиниш нуқтасида асосий маҳсулотлар — А, Б ва В ҳамда қўшимча маҳсулот Ю пайдо бўлади. Бўлиниш нуқтасигача биргаликда ишлаб чиқариш харажатларини биргаликда ишлаб чиқариладиган ва қўшимча маҳсулотлар ўртасида тақсимлаб бўлмайди. Бўлиниш нуқтасига етилгандан кейин эса кейинги қайта ишлаш харажатларига биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотувгача бўлган таннархи қўшилади ҳамда ушбу харажатларни муайян маҳсулотга олиб бориш мумкин. Расмдан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, қўшимча маҳсулот Ю бўлиниш нуқтасига етганда

уни қайта ишлашда давом этмасдан сотиб юборилади, ҳолбуки баъзан қўшимча маҳсулотлар бозорда сотилгунига қадар бўлиниш нуқтасидан кейин қайта ишлашда давом эттирилади.

БҲМС № 4 нинг 36 ва 37-бандларига мувофиқ, биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотиш қийматини бўлиниш нуқтасида аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида тақсимлаш куйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

— натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усули. Ушбу усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига унинг натура кўрсаткичларида ифодаланган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади;

— бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усул. Ушбу усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига уни сотишдан тахмин қилинган тушум умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.


Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг алоҳида турлари кейинги қайта ишлов беришга ўтказилган ҳамда бўлиниш нуқтасида уларни сотишнинг жорий қиймати (сотиш қиймати)ни аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида тақсимлаш куйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

а) сотишнинг соф қиймати усули. Ушбу усулда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари бўйича харажатлар уларни сотишнинг соф қийматига мутаносиб равишда тақсимланади;

б) ялпи фойданинг сотишдаги доимий улуши усули. Ушбу усулдан фойдаланилганда харажатлар шу тариқа тақсимланиши лозимки, бунда ҳар бир алоҳида маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун умумий ялпи фойданинг фоиз улуши бир хил бўлиши ҳамда умумий ялпи фойда кўрсаткичига тенг бўлиши керак. Ялпи фойданинг фоиз улуши биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турларининг умумий таннархини ушбу маҳсулот турларини сотишдан режалаштирилган умумий тушумдан чиқариб ташлаб, сўнгра фойда миқдорини сотишдан тахмин қилинган умумий тушумдан фоиз кўринишида акс эттириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Комплекс ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усулларининг моҳиятини қуйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

**28-мисол.** «Ширмой» кичик корхонаси табиий сутни қайта ишлаш билан шуғулланади. Бунинг учун корхона томонидан қўлланадиган ишлаб чиқариш охирида учта турли хил маҳсулот: сариёғ, қаймоқ ва сут пайдо бўлади. Фараз қилайлик, сентябрь бошида бу маҳсулотларнинг ҳеч қандай захираси бўлмаган. Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўлиниш нуқтасига етгандан кейин ҳеч қандай қўшимча ишловсиз сотиб юборилди. Дастлаб фараз қиламизки, ҳар учала маҳсулот ҳисобот даври (сентябрь) мобайнида сотилди. Ишлаб чиқариш жараёни тавсифлари, шунингдек маҳсулотларни реализация қилишдан олинган тушумлар кўрсаткичлари 13-расмда келтирилган. 28-мисол ва 13-расм маълумотларидан келиб чиқиб биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларининг бўлиниш нуқтасида тақсимланишини иккита усул: натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усули ва бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усуллар ёрдамида кўриб чиқамиз.



13-расм. «Ширмой» кичик корхонаси ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи.

### **Натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усули.**

Ушбу усулдан фойдаланганда харажатлар фақат ишлаб чиқариш ҳажмларига пропорционал равишда тақсимланади. Ушбу усулда фараз қилинадикки, ҳар бир маҳсулот тури бир хил суммада даромад беради ва тегишлича, ҳар бир маҳсулот турига комплекс харажатлар улуши унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушига пропорционал тарзда ҳисобланади. Ушбу усулда харажатлар қуйидагича тақсимланади:



Маҳсулот	Сариёғ	Қаймоқ	Сут	Жами
Ишлаб чиқарилган бирликлар миқдори	4 000	2 000	6 000	12 000
Умумий чиққан маҳсулотдаги улуши	1/3	7/6	7/2	
Тақсимланган комплекс харажатлар, сўм	5 000 000	2 500 000	7 500 000	15 000 000
Бир бирлик маҳсулот таннархи, сўм	1 250	1 250	1 250	

Эътибор берилганда шуни сезиш мумкинки, мазкур усулдан фойдаланганда маҳсулот бирлиги таннархи ҳар бир тур учун бир хил деб олинади. Тегишли равишда, комплекс сарф-харажатларни куйидагича тақсимлаш мумкин:

*Маҳсулот бирлиги таннархи = 15 000 000 сўм / 12 000 бирл. = 1 250 сўм.*

Одатда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш нархлари турлича бўлади, шунинг учун ҳар бир тур маҳсулот бирлиги таннархини бир хил деб олиш шунга олиб келадикки, бир турдаги маҳсулотга юқори даромад тўғри келса, бошқасига зарарлар тўғри келади. Бунинг оқибатида фойда кўрсаткичи ногўғри ҳисоблаб чиқилади. 28-мисол маълумотларидан келиб чиқиб, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури учун фойда суммаси ва рентабеллик даражасини ҳисоблаб чиқамиз.

Маҳсулот номи	Реализациядан даромад, сўм	Таннарх, сўм	Фойда (зарар), сўм	Сотишдан олинган ялпи фойда ва тушум нисбати, %
Сариёғ	7 500 000	5 000 000	2 500 000	33,3
Қаймоқ	12 500 000	2 500 000	1 0 000 000	80
Сут	4 995 000	7 500 000	2 505 000	50
Жами:	24 995 000	15 000 000	9 995 000	40

*Бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усул.*

Бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усулдан фойдаланганда ишлаб чиқаришнинг комплекс харажатлари биргаликда ишлаб

чиқарилган маҳсулотлар буйича уларни сотишдан олинган тушумларни баҳолашга пропорционал тарзда тақсимланади, бунда сотувларнинг энг юқори нархларига энг юқори харажатлар тўғри келади, деб қабул қилинади. Маълум даражада ушбу усулни харажатларни тақсимлаш усули эмас, балки фойда ёки зарарни сотувлардан тушумларга мувофиқ тақсимлаш воситаси деб аташ тўғрироқ бўлади. 28-мисолда бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усулда тақсимлаш қуйидагича амалга оширилади:

Маҳсулот	Сариёғ	Қаймоқ	Сут	Жами
Ишлаб чиқарилган birlikлар сони	4 000	2 000	6 000	12 000
Сотишдан тушум, сўм	7 500 000	12 500 000	4 995 000	24 995 000
Уларни сотишдан тушумнинг умумий тушумлар суммасидаги улуши, %	30	50	20	
Тақсимланган комплекс харажатлар, сўм	4 500 000	7 500 000	3 000 000	15 000 000
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	1 125	3 750	500	

Ушбу усулдан фойдаланганда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар бир тури учун фойда суммаси ва рентабеллик даражасини ҳисоблаб чиқариш қуйидаги кўринишга эга бўлади:


Маҳсулот номи	Реализациядан даромад, сўм	Таннарх, сўм	Фойда (зарар), сўм	Сотишдан олинган ялпи фойда ва тушум нисбати, %
Сариёғ	7 500 000	4 500 000	3 000 000	40
Қаймоқ	12500000	7 500 000	5 000 000	40
Сут	4 995 000	3 000 000	1 995 000	40
Жами:	24 995 000	15 000 000	9 995 000	40

### *Сотишнинг соф қиймати усули.*

Юқорида келтирилган 28-мисолда биз барча маҳсулотлар бўлиниш нуқтасида сотилади, ундан кейин ҳеч қандай қўшимча ишлаб чиқариш

харажатлари амалга оширилмайди, деб фараз қилдик. Бироқ хўжалик амалиётида аксарият ҳолларда алоҳида бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўлиниш нуқтасидан кейин индивидуал тарзда қайта ишланади, чунки бўлиниш нуқтасида улар ҳали бозор қийматига эга бўлмайди. Шунинг учун бўлиниш нуқтасида сотиш қийматини аниқлаш учун, реализация қилиш пайтидаги сотиш қийматини баҳолаб, ундан кейин тескари йўналишда ҳаракат қилиш зарур. Мазкур усул одатда сотишнинг соф қиймати усули деб аталади. Сотиш қийматидан кейинги қайта ишлаш учун харажатларни чегирган ҳолда бўлиниш нуқтасида сотишнинг соф қийматини баҳолаш мумкин. Бунинг учун 1-мисолнинг маълумотларини ўзгартирамиз ҳамда барча бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлиниш нуқтасидан кейин кейинги ишлов берилади, деб фараз қиламиз. Бунда 29-мисол қуйидаги кўринишга эга бўлади:

**29-мисол.** Айтайлик, вазият худди 28-мисолдагидек, бироқ бунда бўлиниш нуқтасидан кейин ҳар бир алоҳида маҳсулот учун қўшимча қайта ишлов учун харажатлар талаб этилади. Ишлаб чиқариш жараёни ҳақидаги маълумотлар, шунингдек сотувлардан тушумлар кўрсаткичлари 14-расмда келтирилган.



14-расм. 29-мисолдаги ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи.

Сотишнинг соф қийматини ҳамда ишлаб чиқаришнинг комплекс харажатларини тақсимлаш ҳисоб-китоби қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Маҳсулотлар	А	Б	В	Жами
Сотишдан олинган тушум, сўм	7 500 000	12 500 000	5 000 000	25 000 000
Қайта ишлов бериш учун қўшимча харажатлар, сўм	2 000 000	2 500 000	500 000	5 000 000
Бўлиниш нуқтасида баҳоланган сотишнинг соф қиймати	5 500 000	10 000 000	4 500 000	20 000 000
Сотиш соф қийматининг соф тушумнинг умумий суммасидаги улуши, %	27,5	50	22,5	
Тақсимланган комплекс харажатлар, сўм	4 125 000	17 500 000	3 375 000	15 000 000
Ялпи фойда, сум	1 375 000	2 500 000	1 125 000	5 000 000
Маҳсулотларни сотиш рентабеллиги, сўм	18,33	20,0	22,5	20,0

### *Ялпи фойданинг сотишдаги доимий улуши усули.*

Маҳсулотлар бўлиниш нуқтасидан кейин қайта ишлов беришда давом этилганда биргаликда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот учун ялпи фойданинг сотишдаги доимий улуши турлича бўлади. 29-мисолда, мос равишда, А маҳсулот учун — 18,33 %, Б маҳсулот учун — 20,0 %, В маҳсулот учун — 22,5 % га тенг. Ҳар учала маҳсулот битта жараёндан кейин олингани сабабли, улар сотиш ҳажмидан фоиз нисбатида бир хил ялпи фойда келтириши керак. 29-мисолда кўрсатилганидек, комплекс харажатлар шундай тақсимланадики, уч хилдаги маҳсулотнинг ҳар бири учун ялпи фойданинг фоизли улуши умумий ялпи фойда кўрсаткичига тенг бўлсин, яъни бизнинг мисолда бу 20 фоизга тенг. Ялпи фойданинг фоизли улуши учта маҳсулотнинг умумий таннархини (15 000 000 сўм ва 5 000 000 сўм) умумий тушум суммасидан (25 000 000 сўм) чегириш йўли билан аниқланади, фойда миқдори (5 000 000 сўм) умумий тушумлар суммасидан фоизли улушда ифодаланади. Бирга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг комплекс харажатларини тақсимлаш қуйидаги кўринишда ҳисобкитоб қилинади:

Маҳсулотлар	А	Б	В	Жами
Сотишдан олинган тушум, сўм	7 500 000	12 500 000	5 000 000	25 000 000
Сотишдан олинган ялпи фойда (20 %), сўм	1 500 000	2 500 000	1 000 000	5 000 000
Сотилган маҳсулотнинг умумий таннархи	6 000 000	10 000 000	4 000 000	20 000 000
Минус кейинги ишлов бериш учун қўшимча харажатлар, сўм	2 000 000	2 500 000	500 000	5 000 000
Тақсимланган комплекс харажатлар, сўм	4 000 000	7 500 000	3 500 000	15 000 000
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	50	750	175	

#### **4.6. Қўшимча (йўлдош) маҳсулот ҳисоби**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қўшимча маҳсулотлар — бу сотиш қиймати нисбатан паст бўлган маҳсулотлар бўлиб, улар одатда бирга ишлаб чиқариладиган (асосий) маҳсулотларни чиқариш жараёнида арзимаган миқдорда пайдо бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бош мақсади бўлиб — бирга ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотни чиқариш ҳисобланади, шунинг учун ҳам комплекс харажатлар бўлиниш нуқтасигача қўшимча маҳсулотларга эмас, балки фақатгина асосий маҳсулот таннархига олиб борилиши керак, дейишга асос бор.

Бунда шунини ҳам назарда тутиш керакки, бўлиниш нуқтасидан кейинги пайдо бўладиган қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар қўшимча маҳсулот таннархига киритилиши керак, чунки ушбу харажатлар фақат айнан мана шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга талаб этилган.

Худди шундай тартибда, БҲМС № 4 нинг 38-банди қўшимча маҳсулотларни қуйидагича эътироф этади ва баҳолайди: агар ишлаб чиқаришнинг маълум бир технологик жараёнида бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) чиқиб, маҳсулот (ишлар, хизматлар)дан бири ёки бир неча тури асосий (мақсадли) турга тегишли бўлса, унда қолган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатида қаралиши мумкин. Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг жорий қиймати ёки сотишнинг соф қиймати ишлаб чиқа-

риш жараёнларининг умумий харажатларидан чегириб ташланади, харажатларнинг қолган қисми эса асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)-га тегишли бўлади.

Қўшимча маҳсулотни сотишдан олинган тушум (даромад) ёки соф қиймат (даромад) (қўшимча маҳсулотни сотишдан олдинган даромад суммаси минус бўлиниш нуқтасидан кейин унга кейинги ишлов бериш учун сафрланадиган қўшимча харажатлар) бирга ишлаб чиқариладиган ёки асосий маҳсулот (яъни ёрдамчи маҳсулот ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулот) таннархидан чегирилиши керак

БХМС № 4 нинг 39-бандига мувофиқ, маҳсулот (ишлар, хизматлар)-нинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қуйидаги усуллардан бири ёрдамида амалга оширилади:

— қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда сотиш (кейинги ўринларда — 1-усул деб аталади). Ушбу усулда жорий даврда сотилган асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг таннархи қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммасига камайтирилади. Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилмаган захиралари қолдиғи бўлиниш нуқтасидан кейинги қўшимча маҳсулотларни кейинчалик қайта ишланиши учун амалга оширилган харажатлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади. Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) қолдиғини ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммаси қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилганда тан олинади;

— қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда ишлаб чиқариш (кейинги ўринларда — 2-усул деб аталади). Ушбу усулдан фойдаланилганда асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) барча миқдорининг соф сотиш қиймати суммасига дарҳол камайтирилади. Сотилмаган қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)-нинг қолдиғи сотишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Қўшимча (йўлдош) маҳсулотларни ҳисобга олишнинг юқорида кўриб чиқилган усулларининг мазмунини 30-мисолдаги маълумотлардан фойдаланиб тасвирлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**30-мисол.** «Лаззат» ишлаб чиқариш корхонаси ўсимлик ёғини чиқариш билан шуғулланади. «Кунгабоқар ёғи» маҳсулотини ишлаб чиқариш давомида ишлаб чиқариш жараёнининг охирида «Шрот» қўшимча (йўлдош) маҳсулоти пайдо булади. Жорий йилнинг октябрь ойида қуйидаги маълумотлар олинган:

— маҳсулотлар бўлингунга қадар амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари, 4 500 000 сўм;

— бўлиниш нуқтасидан кейин «Шрот» қўшимча (йўлдош) маҳсулотини қайта ишлаш учун сарфланган харажатлар (4 000 кг ҳар бир кг 7,5 сўмдан) 30 000 сўм.

Октябрь ойидаги ишлаб чиқариш:

— «Кунгабоқар ёғи» маҳсулоти, 20 000 кг;

— «Шрот» қўшимча (йўлдош) маҳсулоти, 4 000 кг.

Октябрь ойи мобайнидаги сотиш ҳажми:

— «Кунгабоқар ёғи» маҳсулоти, 15 000 кг — 1 кг 375 сўмдан;

— «Шрот» маҳсулоти, 2 000 кг — 1 кг 75 сўмдан.

Қўшимча маҳсулотларни ҳисобга олиш усулларидан фойдаланганда асосий маҳсулотни сотишдан ялпи фойда қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

Кўрсаткичлар	1-усул, сўм	2-усул, сўм
Асосий маҳсулот «Кунгабоқар ёғи»ни сотишдан олинган даромад (15 000 кг х 375 сўм)	5 625 000	5 625 000
Асосий маҳсулот «Кунгабоқар ёғи»нинг ишлаб чиқариш харажатлари (20 000 кг)	4 500 000	4 500 000
Ишлаб чиқарилган қўшимча (йўлдош) маҳсулоти «Шрот»нинг сотишдан олинishi мумкин бўлган соф қиймати (4 000 кг х (75 сўм - 7,5 сўм))	—	270 000
Соф ишлаб чиқариш харажатлари	4 500 000	4 230 000
Асосий маҳсулотнинг давр охиридаги қолдиги (20 000 кг - 15 000 кг = 5 000 кг) ёки бутун ҳажмдан қолган захираси	1 125 000 (4 500 000 х 1/4)	1 057 500 (4 230 000 х 1/4)
«Шрот» қўшимча маҳсулотини сотишдан соф даромад (2 000 кг х 67,5 сўм)	135 000	—
Сотилган асосий маҳсулотнинг таннархи	3 240 000 (4 500 000 - 1 125 000 - 135 000)	3 172 500 (4 230 000 - 1 057 500)
Сотувдан ялпи фойда	2 385 000 (5 625 000 - 3 240 000)	2 452 500 (5 625 000 - 3 172 500)

Қўшимча (йўлдош) маҳсулотларни ҳисобга олишнинг 1-усули қўлланилганда қўшимча маҳсулотни сотишдан соф даромад уни 2 000 кг ҳажмдаги ҳақиқий реализациясига боғлиқ ҳолда таксимланади. Қолган сотилмаган маҳсулотдан даромад қўшимча маҳсулот кейинги ҳисобот даврларида сотилгандан кейин эътироф этилади. Қўшимча маҳсу-

лотни сотишдан даромад, у сотилган пайтда эътироф этилгани боис, қўшимча маҳсулот захиралари бўлиниш нуктасидан кейинги харажатлар бўйича, яъни 1 кг учун 7,5 сўмдан ҳисобга олинади. Ҳисоб-китобларни соддалаштириш учун давр охиридаги 2 000 кг ҳажмидаги қўшимча маҳсулот захиралари ва бу захирани ишлаб чиқаришга кетган харажатлар (15 000 сўм) ҳисоб-китоблардан чиқариб ташланган, чунки уларнинг калькуляцияга таъсири нолга тенг.

Қўшимча маҳсулот таннархини ҳисобга олишнинг 2-чи усулидан фойдаланганда ҳисоботларда сотиш ҳажмлари ҳақида эмас, балки уларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар бўйича соф даромад кўрсатилади. Сотишдан олинган даромад қўшимча маҳсулотни ишлаб чиқариш пайтида эътироф этилиши боис, қўшимча маҳсулот захираларини бўлажак сотувларнинг соф қиймати (плюс амалга оширилган комплекс ишлаб чиқариш харажатлари) бўйича ҳисобга олиш керак.

Кўйида 30-мисол маълумотлари асосида қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ёзувлари келтирилган.

### **1-усул бўйича:**

— «Шрот» қўшимча маҳсулотига кейинги ишлов бериш бўйича қўшимча харажатлар суммасига:

*дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти 30 000 сўм;*

*— «Қўшимча маҳсулот «Шрот» счётини ажратган  
ҳолда — 4 000 кг x 7,5 сўм = 30 000 сўм;*

*кредит бошқа мажбуриятларни ҳисобга олувчи счёти (6900)*

*ёки харажатларни ҳисобга олувчи счётлар 30 000 сўм;*

— октябрь ойи учун қўшимча маҳсулотнинг реализацияси суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган счётлар» счёти 150 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти 150 000 сўм;*

— сотилган қўшимча (йўлдош) маҳсулотлар таннархи суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти 15 000 сўм;*

*кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти*

*15 000 сўм;*

*— «Қўшимча маҳсулот «Шрот» счётини ажратган*

*ҳолда — 4 000 кг x 7,5 сўм = 15 000 сўм;*

— асосий маҳсулот «Кунгабоқар ёғи» таннархини камайтиришга олиб бориладиган қўшимча (йўлдош) маҳсулотни сотишдан олинган соф даромад суммасига:



дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 135 000 сўм;  
кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 135 000 сўм;  
— «Асосий маҳсулотлар таннархини камайтиришга  
олиб бориладиган харажатлар» счёти ажратилган  
ҳолда.

## **2-усул бўйича:**

— қўшимча маҳсулотни соф реализация қиймати бўйича (яъни қўшимча (йўлдош) маҳсулотни қўшимча ишлов бериш харажатларини чегирган ҳолда) кирим қилиш асосий маҳсулотнинг таннархини камайтиришга олиб борилган ҳолда:

дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти 270 000 сўм;  
— «Қўшимча маҳсулот «Шрот» счётини ажратган  
ҳолда —  $4\ 000\ кг \times 67,5\ сўм = 270\ 000\ сўм$ ;

кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 270 000 сўм;  
— «Асосий маҳсулотлар таннархига олиб бориладиган  
харажатлар» счётини ажратган ҳолда;

— қўшимча маҳсулотга кейинги ишлов бериш бўйича қўшимча харажатларни унинг таннархига олиб бориш:

дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти 30 000 сўм;  
— «Қўшимча маҳсулот «Шрот» счётини ажратган  
ҳолда —  $4\ 000\ кг \times 7,5\ сўм = 30\ 000\ сўм$ ;

кредит бошқа мажбурияларни ҳисобга олувчи счётлар  
(6900) ёки харажатларни ҳисобга олувчи  
счётлар 30 000 сўм;

— октябрь ойи мобайнида сотилган қўшимча маҳсулот суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 150 000 сўм;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 150 000 сўм;

— сотилган қўшимча маҳсулот таннархи суммасига:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 150 000 сўм;

кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти 150 000 сўм  
— «Қўшимча маҳсулот «Шрот» счётини ажратган  
ҳолда —  $2\ 000\ кг \times 75\ сўм = 150\ 000\ сўм$ .

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, 1-усул бўйича қўшимча маҳсулот захиралари амалга оширилган комплекс ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисобга олинган (4 000 кг ҳар бир килограмми 7,5 сўмдан).

Қўшимча маҳсулотни сотишда комплекс ишлаб чиқариш харажатлари сотиш ҳажми билан таққосланади (2000 кг ҳар бир кг 7,5 сўмдан). 15 000 сўмлик қўшимча (йўлдош) маҳсулот қолдиғи кейинги ҳисобот даврларидаги сотиш ҳажми билан таққосланади. 2-усулдан фойдаланганда эса, қўшимча маҳсулот захиралари бўлиниш нуқтасида бўлажак сотувларнинг баҳоланган соф қиймати бўйича (1 кг учун 67,5 сўмдан) плус уларга қайта ишлов бериш учун қўшимча харажатлар (1 кг учун 7,5 сўмдан) билан ҳисобга олинади. Асосий маҳсулот счёти қўшимча маҳсулотни сотишдан кутилаётган соф даромад суммасига кредитланади, яъни ҳақиқий ишлаб чиқаришдан келиб чиқиб сотилмаган маҳсулот захиралари 150 000 сўм ҳажмида баҳоланади. Мазкур маҳсулот захира-си кейинги ҳисобот даврларида сотилганда, қўшимча маҳсулот захира-лари счёти сотилган қўшимча маҳсулот таннархи суммасига кредитланади, у эса, ўз навбатида, уларни сотишдан даромад суммасига тенг.

Хўжалик юритувчи субъектлар қўшимча маҳсулотни ҳисобга олиш-нинг қайси усулидан фойдаланишни танлаши албатта кўп жиҳатдан савдо конъюнктурасига боғлиқ бўлади. Мисол учун, агар сотилмаган қўшимча маҳсулотнинг сотилиб кетиши кафолатланмаса ёки бозор нархлари барқарор ўзгаришга эга бўлмаса, у ҳолда маҳсулот сотилма-гунга қадар соф даромадни эътироф этмаслик маъқул. Бирок, агар кел-гусида маҳсулотнинг сотилиб кетилиши кафолатланган бўлиб, бозор нархларининг ўзгариши эҳтимоли паст бўлса, қўшимча маҳсулотлардан соф даромад уларни ишлаб чиқариш пайтида эътироф этилиши керак. Бу, албатта, ушбу ишлаб чиқариш даврида асосий маҳсулот бирлиги таннархининг камайтирилишини таъминлайди. Соф даромадни ишлаб чиқариш босқичида эътироф этишнинг асосий камчилиги шундан иборатки, бунда фойдани муддатидан илгари эътироф этилишига олиб келади, агар унинг суммаси катта бўлмаса, уни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Бундай шароитларда шуни ҳисобга олиш керакки, қўшимча маҳсулотни сотиш нархи нисбатан паст бўлади ва тегишли равишда, унинг фойда суммасига таъсири ҳам жиддий эмас. Шундан келиб чиқиб ва юқорида айтилганлар асосида хулоса қилиб, танланган усул хара-жатлар ва даромадларни таққослашга асосланиши керак, деб айтамыз.

Шунинг билан бирга, товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш усулларига бағишланган мавзунини умумлаштирган ҳолда шуни ҳам таъ-кидлаб ўтиш жоизки, товар-моддий захиралар, жумладан қўшимча маҳ-сулотлар таннархини аниқлаш усулини ишлаб чиқариш тармоғи хусу-сиятларидан келиб чиқиб, амалга оширилган танлов ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим.

## 5-§. Товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига, шунингдек БҲМС № 4 нинг 11-бандига асосан, товар-моддий захираларни баҳолаш қўйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича — ҳисобот даври охиридаги ҳақиқий таннархи (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади. Товар-моддий захираларни молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида уларни тан олиш масалалари, жумладан ҳақиқий таннархи, яъни сотиб олиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳолаш масалалари муаллифнинг олдинги мақолаларида батафсил муҳокама қилинган эди.

Биринчи навбатда товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Маълумки, БҲМС № 4 га мувофиқ, соф сотиш қиймати — товар-моддий захираларни мақсадига кўра фойдаланиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолдаги уларнинг жорий қийматидир. Бунда жорий қиймат — товар — моддий захираларнинг маълум санадаги амалда бўлган бозор баҳоси бўйича қиймати ёки етарли даражада маълумотга эга, битим тузишга хоҳиши бўлган, ўзаро бир-бирдан мустақил бўлган томонлар ўртасида битим амалга ошириш натижасида активни харид қилиш ёки мажбуриятни амалга ошириш учун етарли бўлган суммадир.

Ўз навбатида 2-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Товар-моддий захиралар» (IAS 2 «Inventory») соф сотиш қийматини қуйидагича таърифлайди: «Эҳтимол соф сотиш қиймати — бу фаолиятнинг нормал амалга оширилиши чоғида кўзда тутилаётган сотиш баҳоси бўлиб, ундан ишларни бажариш учун пайдо бўлиши мумкин бўлган харажатлар ва сотиш учун пайдо бўлиши мумкин бўлган харажатлар чегириб ташланади».

Ҳаққоний қиймат — бу етарли даражада маълумотга эга, битим тузишга хоҳиши бўлган ва ўзаро бир-бирдан мустақил бўлган томонлар ўртасида битим амалга ошириш натижасида активни харид қилиш ёки мажбуриятни амалга қоплаш учун етарли бўлган суммадир.

Эҳтимол соф сотиш қиймати ташкилот томонидан нормал фаолият олиб бориш жараёнида товар-моддий захираларни сотишдан қутиладиган тушумнинг соф суммаси билан боғлиқдир. Ҳаққоний қиймат эса етарли даражада яхши маълумотга эга бўлган, битим тузишга хоҳиши бўлган бозордаги харидорлар ва сотувчилар ўртасида битим тузиш на-

тижасида худди шунга ўхшаш товар-моддий захираларни алмаштириши мумкин бўлган суммани акс эттиради. Биринчи таъкидланган қиймат аниқ бир ташкилот учун махсус бўлган қиймат ҳисобланади, иккинчиси эса бундай ҳисобланмайди. Товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати ҳаққоний қийматдан сотиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланган суммага тенг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Товар-моддий захираларнинг баҳоси пасайтирилиши мумкин, агар улар шикастланган бўлса, агар улар тўлиқ ёки қисман эскирган бўлса ёки уларнинг соф сотиш қиймати пасайган бўлса. Товар-моддий захираларнинг қиймати худди шунингдек пасайтирилиши мумкин, агар захираларни комплектлаш, уларни товар кўринишига келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ тан олинган харажатлар ёки сотиш бўйича кўзда тутилаётган харажатлар ошиб кетадиган бўлса. Товар-моддий захираларни уларнинг таннархидан соф сотиш қийматигача баҳосини пасайтириш амалиёти, товар-моддий захиралар молиявий ҳисоботда уларни сотиш ёки улардан фойдаланишдан қутиладиган суммадан юқори бўлган суммада акс эттирилмаслиги учун, захиралар ҳаддан ташқари жамғарилиб қолган ва уларнинг айланиши секинлашиб қолган ҳолларда амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати миқдори уларнинг таннархидан паст бўлган тақдирда, улар соф сотиш қиймати бўйича акс эттирилади. Одатда соф сотиш қиймати товар-моддий захираларнинг ҳар бир бирлиги (тури) бўйича аниқланади.

**31-мисол.** Уй-рўзгор мебелни ишлаб чиқариш бўйича «Кошона» корхонаси молиявий ҳисоботни ҳар кварталда тақдим этади. 2008 йилнинг II квартали охирида унинг омборида қуйидаги тайёр маҳсулотлар қолдиқлари мавжуд эди: «Ихчам» ошхона гарнитури — 3 комплект, «Баҳор» ошхона гарнитури — 2 комплект, «Оқшом» девор гарнитури — 2 комплект, «Бўрсик» юмшоқ ўриндиқлар (кресло) — 5 дона, меҳмонхона столи (2,5 x 1,5) — 8 дона, юмшоқ меҳмонхона стуллари — 54 дона, меҳмонхона столи (4 x 1,8) — 3 дона, «Оддий» компьютер столи — 5 дона, «Люкс» компьютер столи — 8 дона, «Модерн» компьютер столи — 6 дона, «Фэнтези» компьютер столи — 4 дона.

Корхона тайёр маҳсулотлари захираларининг соф сотиш қиймати тўғрисида 2008 йил II квартал охири ҳолатига маълумот (ҳисобот) тузиш талаб этилади.

Тегишли равишда тайёр маҳсулотнинг соф сотиш қиймати тўғрисидаги ҳисобот (маълумот) намуна сифатида қуйидаги кўринишга эга:

№	ТМЗнинг номи (нави, маркаси, тури)	Миқ- дори	Тан- нархи	Соф сотиш қиймати (ССҚ)	Таннарх ёки ССҚ дан энг паст
1	Ошхона гарнитури: «Ихчам»	3 комп.			
	«Баҳор»	2 комп.			
2	Девор гарнитури: «Оқшом»	2 комп.			
3	Юмшоқ ўриндик (кресло) «Бўрсиқ»	5 дона			
4	Меҳмонхона столи: 2,5 x 1,5	8 дона			
	4 x 1,8	3 дона			
5	Меҳмонхона юмшоқ стуллари	54 дона			
6	Компьютер столи: «Оддий»	5 дона			
	«Люкс»	8 дона			
	«Модерн»	6 дона			
	«Фэнтези»	4 дона			

Баҳоланган соф сотиш қийматининг аниқланиши иккита баҳоловчи қийматнинг мавжуд бўлишини талаб этади: товар-моддий захиралар бирлигини сотишнинг бозор баҳоси ва захираларни комплектлаш ва уларни товар кўринишига келтириш бўйича ишлар учун кўзда тутилаётган харажатлар ёки эса уларни сотиш бўйича кўзда тутилаётган харажатлар. Маълумки, хўжалик юритиш амалиётида корхоналар пул кўринида бўлмаган активларни бозор баҳосини уларни қайта баҳолаш ўтказиш йўли орқали аниқлашлари мумкин. Товар-моддий захираларни уларнинг соф сотиш қийматини аниқлаш мақсадида баҳолаш — бу товар-моддий захиралар қийматини уларнинг жорий қийматига мувофиқ келтириш мақсадида даврий тартибда аниқлаштириб боришдир.

Товар-моддий захиралар одатда уларнинг алоҳида бирликлари таннархини, қайта баҳолашни ўтказиш санасида шаклланган худди шунга ўхшаш баҳоланадиган товар-моддий захираларнинг ҳужжатли тасдиқланган жорий қийматлари бўйича, қайта ҳисоблаш йўли билан қайта баҳоланади.

Қайта баҳолаш ташкилот томонидан мустақил равишда ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш

хуқуқига (лицензиясига) эга бўлган ихтисослашган ташкилот (мутахассис-экспертлар)ни жалб этиш орқали амалга оширилади.

Товар-моддий захиралар бирлигининг жорий қийматини ҳужжатли тасдиқлаш учун ташкилотнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан бири фойдаланилиши мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган товар-моддий захиралар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисидаги маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) эркин алмаштириладиган валютада товар-моддий захиралар бирлигининг таннархи тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва товар-моддий захираларнинг тегишли бирлигини харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициенти қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг товар-моддий захиралар тегишли бирлигининг жорий қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

БХМС № 4 нинг 45-бандига мувофиқ, товар-моддий захиралар одатда «моддалар бўйича усул» асосида сотишнинг соф қийматига қадар арзонлаштирилади. Бунда бир турдаги ёки ўзаро боғланган товар-моддий захираларни гуруҳлаш мумкин бўлади, яъни: бир хил ассортиментга тааллуқли бўлган захиралар; бир хил мақсадга мўлжалланган ёки бир хил пировард ишлатиш эга бўлган захиралар; бир географик ҳудудда ишлаб чиқариладиган ёки ушуб ҳудуд бозорида талаб қилинадиган захиралар; ушбу ассортиментда бошқа захиралардан алоҳида баҳолалиши мумкин бўлмаган товар-моддий захиралар. Товар-моддий захираларни тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки муайян тармоқдаги ёхуд биргина географик зонадаги товар-моддий захираларга бўлиб таснифлашга асосланиб арзонлаштириш ҳуқуқий жиҳатдан тўғри эмас.

Товар-моддий захираларни эҳтимолли соф сотиш қийматига арзонлаштириш усулларини 2-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Товар-моддий захиралар» ҳам худди юқорида келтирилганидек тавсифлайди. Захиралар одатда эҳтимолли соф сотиш қийматигача ҳар

бир захира моддаси асосида ҳисобдан чиқарилади. Бирок, айрим шароитларда бир-бирига ўхшаш ва ўзаро бир-бирига боғлиқ моддаларни гуруҳлаштириш жуда қулай бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, бир хил маҳсулот ассортиментига тегишли захиралар, бир хил мақсадга мўлжалланган ёки охириги ишлатилиши бир хил бўлган, бир географик ҳудудда ишлаб чиқарилган ва сотиладиган ҳамда ушбу ассортиментнинг бошқа моддаларидан алоҳида баҳолаш имконияти деярли бўлмаган захиралар билан амалга оширилиши мумкин. Захираларни намуна сифатида тайёр маҳсулотлар, ёки муайян тармоқдаги ёхуд географик сегментдаги барча захиралар сифатида гуруҳлаб ҳисобдан чиқариш мақсад мувофиқ эмасдир. Хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари одатда харажатларни, ҳар бири бўйича алоҳида сотиш баҳосига эга бўлган алоҳида хизматлар бўйича жамғариб (аккумуляция қилиб) боради. Шундай қилиб, ҳар бир бундай хизмат алоҳида модда сифатида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро амалиётида товар-моддий захираларни соф сотиш қийматига баҳолаш захираларнинг умумий ҳажми усули бўйича амалга ошириш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Шундай қилиб, ҳар бир модда бўйича усулида товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати захираларнинг ҳар бир номи (нави, маркази, тури ва шу кабилар) бўйича таннархи ва бозор баҳосини солиштириш (таққослаш) йўли орқали аниқланади; асосий товар гуруҳлари бўйича усулида товар-моддий захиралар соф сотиш қийматини товарларнинг ҳар бир категорияси (гуруҳлари) бўйича умумий таннархи ва умумий бозор баҳосини солиштириш натижасида аниқлаш кўзда тутилади; захираларнинг умумий ҳажми усули қўлланилганда эса барча захираларнинг умумий таннархи уларнинг умумий бозор баҳоси билан солиштирилади ва баҳолаш сифатида ушбу миқдорлардан энг кичиги танлаб олинади.

Товар-моддий захиралар соф сотиш қийматини баҳолашнинг юқорида таъкидлаб ўтилган усулларининг моҳиятини қуйида келтирилган мисол маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

**32-мисол.** «Технокомп-ритэйл» компанияси персонал компьютерлар сотиш билан шуғулланади. Қуйида персонал портатив компьютерлар захираларининг номлари бўйича 2007 йил 31 декабрь ҳолатидаги маълумот келтирилган.

Товарлар захираси ўн иккита портатив компьютерлардан иборат бўлиб, улар уч гуруҳга бўлинган. ACER гуруҳидаги компьютерларни сотиш анча қийинлашди, чунки янги технологиялар бўйича ушбу компьютерлар маънавий жиҳатдан эскирган ҳисобланади. Қуйида келтирилган

таннарх ва соф сотиш қиймати тўғрисидаги маълумотларга асосан қуйидаги усуллар бўйича бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган товар-моддий захиралар қолдиғи суммасини аниқлаймиз:

- ҳар бир модда бўйича усули;
- асосий товар гуруҳлари усули;
- захираларнинг умумий ҳажми усули.

**31.12.2007 й. ҳолатига персонал компьютерлар қолдиғи тўғрисидаги маълумот.**

№	Компьютерларнинг номи (моделли)	Гуруҳ (бренд)	Таннархи, минг сўм	Соф сотиш қиймати, минг сўм	Таннарх ёки ССҚдан энг пасти, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1	Aspire-4315	ACER	1 250	1 250	1 250
2	Aspire-4320	ACER	1 500	1 250	1 250
3	Aspire-4715Z	ACER	1 375	1 250	1 250
4	Extensa EX 5620	ACER	2 000	1 250	1 250
	Жами:		6 125	5 000	
5	Compaq Presario C738 TU	Hewlett Packard	2 375	2 250	2 250
6	Compaq Presario C751 NR	Hewlett Packard	1 875	2 250	1 875
7	Compaq Presario V6700	Hewlett Packard	1 750	2 250	1 750
	Жами:		6 000	6 750	
8	Satellite A 100	Toshiba	1 500	2 500	1 500
9	Satellite L40-13G	Toshiba	1 750	2 500	1 750
10	Тесра А8-103	Toshiba	1 625	2 500	1 625
11	Тесра А8-185	Toshiba	1 875	2 500	1 875
12	Portege R 500-10J	Toshiba	2 000	2 500	2 000
	Жами:		8 750	12 500	
	Ҳаммаси:		20 875	24 250	20 875



### ***Ҳар бир модда бўйича усул.***

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу усулда товар-моддий захира-ларнинг ҳар моддаси таннархи ва соф сотиш қиймати солиштирилади (таққосланади) ва ушбу икки қийматдан энг пасти ҳар бир модда бўйича молиявий ҳисоботга киритилади. 32-мисол маълумотлари бўйича ушбу усулни қўллаганимизда, 2007 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳисоботда акс эттириладиган портатив компьютерларнинг қиймати 19 625 минг сўмга тенг эканлигини аниқлаймиз, яъни у юқорида келтирилган жадвалнинг «6» устунининг барча сатрларидаги маълумотларни жамлаш орқали аниқланади.

### ***Асосий товар гуруҳлари усули.***

Ушбу усулда, товар-моддий захира-ларнинг таннархи ёки соф сотиш қийматидан энг пасти, ТМЗларнинг ҳар бир категорияси ёхуд гуруҳи бўйича умумий суммадан келиб чиқиб аниқланиши кўзда тутилади. 32-мисол маълумотлари бўйича ушбу усулни қўллаганимизда, 2007 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий ҳисоботда акс эттириладиган портатив компьютерларнинг қиймати 19 750 минг сўмга тенг эканлигини аниқлаймиз. Ушбу сумма «ACER», «Hewlett Packard» ва «Toshiba» гуруҳлари бўйича, мос равишда таннарх ва соф сотиш қийматидан энг пасти суммаларини жамлаш орқали аниқланган, яъни «ACER» гуруҳи бўйича 5 000 минг сўм, «Hewlett Packard» гуруҳи бўйича 6 000 минг сўм ва «Toshiba» гуруҳи бўйича 8 750 минг сўм йиғиндиси ҳисобланади.

### ***Захиралар умумий ҳажми усули.***

Ушбу усулда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, товар-моддий захира-ларнинг таннархи ёки соф сотиш қийматидан энг пасти захиралар таннархининг умумий суммаси ва соф сотиш қийматининг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. 32-мисол маълумотлари бўйича шуни аниқлаш мумкинки, портатив компьютерларнинг умумий таннархи 20 875 минг сўмга тенг, уларнинг умумий соф сотиш қиймати эса 24 250 минг сўмга тенг. Тегишли равишда улардан энг пасти бўлиб товарларнинг умумий таннархи (24 250 минг сўм) ҳисобланади ва ушбу сумма «Технокомп-ритэйл» компанияси бухгалтерия балансида акс эттирилади.

32-мисол бўйича олинган натижалардан кўриниб турибдики, товар-моддий захираларни таннархи ёки соф сотиш қийматидан энг пасти бўйича баҳолашнинг турли усуллари қўлланилганда, молиявий ҳисобот (бухгалтерия баланси)да «Товар-моддий захиралар (Товарлар)» сатри бўйича қўлланиладиган усулга қараб қуйидаги суммалар акс эттирилади: ҳар бир модда бўйича баҳолаш — 19 625 минг сўм, асосий товар

гуруҳлари усули бўйича — 19 750 минг сўм, захираларнинг умумий ҳажми усули бўйича — 20 875 минг сўм.

Шунинг билан бирга, «Технокомп-ритэйл» компаниясининг бухгалтерия ҳисобида товар-моддий захираларни таннархи ёки соф сотиш қийматидан энг паст бўйича баҳолаш натижалари қўлланилаётган усулга қараб қуйидаги тартибда акс эттирилади:

— ҳар бир модда бўйича баҳолаш усули қўлланилганда:

*дебет 9490 «Бошқа операцион харажатлар»*

*счёти*

*1 250 000 сўм;*

*кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти*

*1 250 000 сўм.*

20 875 минг сўм – 19 625 минг сўм = 1 250 минг сўм;

— асосий товар гуруҳлари усули қўлланилганда:

*дебет 9490 «Бошқа операцион харажатлар»*

*счёти*

*1 125 000 сўм;*

*кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти*

*1 125 000 сўм.*

20 875 минг сўм – 19 750 минг сўм = 1 125 минг сўм;

— захиралар умумий ҳажми усули қўлланилганда:

*бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди, чунки барча товар-моддий захиралар счётларда ўз тарихий қиймати, яъни таннархи бўйича ҳисобда тураверади.*

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва бошқа материаллар ўз таннархидан паст суммага арзонлаштирилмайди, агар улардан тайёрланган маҳсулот жорий қиймати бўйича сотиладиган бўлса. Бироқ, агар тайёр маҳсулотнинг нархи материаллар баҳосининг тушиши натижасида пасаядиган бўлса, яъни ушбу материаллардан тайёрланган тайёр маҳсулот таннархи ушбу тайёр маҳсулотнинг соф сотиш баҳосидан юқори бўладиган бўлса, бундай ҳолларда материалларнинг қийматини ҳам пасайтириш лозим. Соф сотиш қийматининг энг ҳаққоний баҳоси бўлиб, худди шунга ўхшаш материалларни харид қилиш бўйича харажатлар суммаси асос бўлиши мумкин.

**33-мисол.** «Ҳолва» ишлаб чиқариш корхонаси «Парварда» номли кондитерлик маҳсулотининг бир турини ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ушбу маҳсулот ишлаб чиқарилиши биргина ишлаб чиқариш цехида амалга оширилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархида асосий материал харажатлари, яъни шакар катта улушга эга. 2008 йил декабрь мобайнида шакарнинг сотиб олиш қиймати 1 кг учун 1 250 сўмни, «Парварда» тайёр маҳсулотининг сотиш баҳоси эса 1 кг учун 1 875 сўмни ташкил этган ва шунинг билан бирга ушбу маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи 1 кг учун 1 750 сўмни ташкил этган. 2008 йил 31 декабрь

ҳолатига корхонанинг товар-моддий захираларида қуйидаги қолдиқлар мавжуд эди: шакар — 450 кг, ҳар 1 кг баҳоси 1 250 сўм; «Парварда» тайёр маҳсулоти — 280 кг, ҳар 1 кг таннархи 1 750 сўм.

Фараз қилайлик, 2008 йил 31 декабрь ҳолатига шакар ва «Парварда» тайёр маҳсулотига тегишли бўлган қуйидаги маълумот мавжуд эди:

*I вариант:* шакарнинг ўртача тортилган баҳоси (харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) — ҳар 1 кг учун 1 185 сўм, тайёр маҳсулотнинг эҳтимолли соф сотиш қиймати — ҳар 1 кг учун 1 850 сўм;

*II вариант:* шакарнинг ўртача тортилган баҳоси (харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) — ҳар 1 кг учун 1 185 сўм, тайёр маҳсулотнинг эҳтимолли соф сотиш қиймати — ҳар 1 кг учун 1 725 сўм.

**Биринчи вариантда** кўриниб турибдики, шакарнинг таннархи (1 кг учун 1 250 сўм) унинг соф сотиш қийматидан (харид қилиш таннархи) (1 кг учун 1 185 сўм) ҳар 1 кг учун 65 сўмга юқори бўлган. Бироқ, бунда ушбу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархи (1 кг учун 1 750 сўм) ушбу маҳсулот соф сотиш қийматидан (1 кг учун 1 850 сўм) 100 сўмга паст. Тегишли равишда «Ҳолва» ишлаб чиқариш корхонаси шакар қийматини арзонлаштирмайди, яъни пасайтирмайди, чунки ундан ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз жорий қиймати бўйича сотилади.

**Иккинчи вариантда** кўриниб турибдики, шакарнинг таннархи (1 кг учун 1 250 сўм) унинг соф сотиш қиймати (харид қилиш таннархи)дан (1 кг учун 1 185 сўм) ҳар 1 кг учун 65 сўмга юқори. Шунинг билан бирга, ушбу хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи (1 кг учун 1 750 сўм) унинг соф сотиш қийматидан (1 кг учун 1 725 сўм) ҳар 1 кг учун 25 сўмга ҳам юқори. Албатта ушбу ҳолатда, «Ҳолва» ишлаб чиқариш корхонаси шакарни унинг соф сотиш қийматиғача (1 кг учун 1 185 сўмгача) арзонлаштиришни амалга оширади, яъни товар-моддий захираларни соф сотиш қийматиғача арзонлаштиришдан кўрилган зарарга 29 250 сўм (450 кг х 65 сўм) олиб борилади ва бу бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 29 250 сўм;*

*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 29 250 сўм;*

*— «Шакар» аналитик счёти.*

Товар-моддий захираларнинг соф сотиш суммасидан ушбу товар-моддий захиралар таннархининг ошиши суммаси, яъни қайта баҳолаш натижасида товар-моддий захираларнинг арзонлашган суммаси қайси

ҳисобот даврида вужудга келган бўлса, ушбу ҳисобот даврида харажатларга олиб борилади.

Ҳар бир келгуси даврда соф сотиш қийматининг қайта баҳоланиши ўтказилиши мумкин. Иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши натижа-сида, олдинги ҳисобот даврида қиймати пасайтирилган корхонанинг мулкый таркибида бўлган товар-моддий захираларнинг соф сотиш қий-мати ошган ҳолатда, олдинги ҳисобдан чиқарилган сумма қайта тикла-нади (қайта тиклаш фақатгина олдин ҳисобдан чиқарилган сумма дои-расида амалга оширилади) ва бунинг натижасида, юқорида таъкидлаб ўтилган БҲМС № 4 нинг 51-бандида кўзда тутилган тартибдагидек, товар-моддий захираларнинг янги баланс қиймати иккита миқдор — таннарх ёки қайта кўриб чиқилган соф сотиш қийматидан энг паст бўйича қийматга келтирилади.

**34-мисол.** Товар-моддий захираларни соф сотиш қиймати бўйича баҳолаш ва унинг кейинги ўзгариши. «Санамхон» хусусий корхонаси ўз тижорат фаолиятини ҳисобот йилида унинг мулкдорлари томонидан 5 000 000 сўм ҳажмда киритилган капитал билан бошлади. Корхона 2 000 000 сўмга 1 000 дона товар-моддий захираларни (эркаклар кўйлаги) харид қилди, фрахт (товарларни етказиб келтириш) билан боғлиқ харажатлар 200 000 сўмни ташкил этди. Йил давомида «Санамхон» хусу-сий корхонаси 750 бирликни товарни ҳар бир бирлиги учун 3 500 сўмдан сотди. Йил охирида хусусий корхонада ТМЗ (эркаклар кўйлаги)нинг 250 бирлик қолдиғи мавжуд бўлиб, булардан 50 бирлиги шикастланган эди. Шикастланган товар бирликларини ҳар бирини 750 сўмдан сотиш мумкин, қолган 200 бирлигининг сотиш баҳоси эса 3 500 сўмни таш-кил этган.

Талаб этилади: йил охирида бухгалтерия балансида ТМЗ (эркаклар кўйлаги)нинг қолдиғи қайси суммада акс эттирилишини ҳисобланг. Шикастланган бирликлар сотилишини ушбу операциялар бўйича мо-лиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга таъсирини аниқланг.

*Биринчи талаб бўйича ечим:*

Товар-моддий захираларнинг бир бирлигининг таннархи — 2 200 сўм  
 $2\,000\,000\text{ сўм} + 200\,000\text{ сўм} = 2\,200\,000 / 1\,000.$

*Соф сотиш қиймати:*

шикастланган маҳсулотлар 750 сўм ҳар бир бирлик учун;  
шикастланмаган маҳсулотлар 3 500 сўм ҳар бир бирлик учун.

ТМЗ бухгалтерия балансида таннарх ёки соф сотиш қийматидан энг паст қиймати бўйича акс эттирилади:

шикастланган маҳсулотлар  $50 \times 750 = 37\,500$  сўм;

шикастланмаган маҳсулотлар  $200 \times 3\,500 = 700\,000$  сўм.

Жами ТМЗ қолдиғи  $737\,500$  сўм.

*Иккинчи талаб бўйича ечим:*

Реализациядан олинган даромад  $750 \times 3\,500 = 2\,625\,000$  сўм.

Сотилган маҳсулот таннархи  $750 \times 2\,200 = 1\,650\,000$  сўм.

Соф сотиш қиймати  $50 \times 750 = 37\,500$  сўм.

Таннархи  $50 \times 2\,200 = 110\,000$  сўм.

Шикастланган маҳсулотдан кўрилган зарар  $72\,500$  сўм.

Сотишдан олинган ялпи фойда  $2\,625\,000 - 1\,650\,000 - 72\,500 = 902\,500$  сўм.

**34-мисол давоми.** Юқорида келтирилган мисолни куйидаги шартлар билан акс эттирилишини кўриб чиқамиз:

ТМЗларнинг соф сотиш қиймати кейинчалик  $2\,500$  сўмгача ошиб кетди.

Соф сотиш қиймати  $2\,500$  сўм.

Таннархи  $2\,200$  сўм.

Таннарх ёки соф сотиш қийматидан энг пасти бўйича баҳолашдан келиб чиқиб, ТМЗ янги баланс баҳоси  $2\,200$  сўмга тенг.

Реализациядан олинган даромад  $750 \times 3\,500 = 2\,625\,000$  сўм.

Сотилган маҳсулотлар таннархи  $750 \times 110 = 1\,650\,000$  сўм.

Илгари харажат сифатида тан олинган соф сотиш қийматигича ҳисобдан чиқариш натижаси:

Таннарх ёки соф сотиш қийматдан энг паст қиймати  $50 \times 2\,200 = 110\,000$  сўм.

Қайта баҳолашгача бўлган баланс қиймати  $50 \times 750 = 37\,500$  сўм.

Қайта баҳолаш натижаси  $72\,500$  сўм.

Реализациядан олинган ялпи фойда  $1\,047\,500$  сўм

$2\,625\,000 - 1\,650\,000 + 72\,500$ .

## **6-§. Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши**

Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг қиймати чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Товар-моддий захиралар ташкилотнинг балансидан:

— сотиш;

— бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш;

— таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанида ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкини унинг иштирокчилари

ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни таъсисчига қайтариш;

— текинга бериш;

— айирбошлаш;

— сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш);

— камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши;

— товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш;

— бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг баланс қиймати ва товар-моддий захираларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ билвосита солиқларни чегириш орқали аниқланади.

Чиқиб кетаётган товар-моддий захираларнинг таннархи билан боғлиқ даромад тан олинадиган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинади. Чиқиб кетиш муносабати билан товар-моддий захираларни исталган ҳисобдан чиқариш суммаси ва уларга доир барча зарарлар ҳисобдан чиқариш юз берган ёки зарар етказилган ҳисобот даври мобайнида харажат сифатида ҳисобга оlinиши керак. Сотишнинг соф қийматини ошириш натижасида юзага келадиган, илгари ҳисобдан чиқарилган товар-моддий захираларнинг қийматини тиклаш суммаси ошиш юз берган ҳисобот даврида харажат сифатида тан олинган, чиқиб кетган (шу жумладан сотилган) товар-моддий захиралар таннархининг пасайиши сифатида тан олинади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан товар-моддий захиралар ҳисоби сотиш қиймати бўйича юритилганда сотилган товар-моддий захиралар таннархи сотилган товар-моддий захираларнинг сотиш қиймати билан уларга тўғри келувчи савдо устамаси суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Сотилган товар-моддий захираларга тўғри келувчи савдо устамасининг суммаси сотилган товар-моддий захираларнинг сотиш қиймати (товар айланмаси) ва савдо устамасининг ўртача фоизи кўпайтмаси сифатида аниқланади. Савдо устамасининг ўртача фоизи ҳисобот даври бошидаги савдо устамаларининг қолдиғи ва ҳисобот даврида келиб тушган товар-моддий захиралар бўйича савдо устамалари суммасини ҳисобот даври бошида товар-моддий за-

хиралар қолдигининг сотиш қиймати ва ҳисобот даврида олинган товар-моддий захираларнинг сотиш қиймати суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Товар-моддий захиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш қўйидаги усуллардан бири орқали амалга оширилади:

- тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;
- ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);
- ТМЗ харид қилинган вақт бўйича дастлабки захиралар таннархи бўйича (ФИФО).

Товар-моддий захираларнинг ҳар бир гуруҳи (тури) бўйича ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фақат бир усули қўлланади. Товар-моддий захираларнинг гуруҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усулларида бирини қўллаш ҳисоб сиёсатини қўллаш кетма-кетлигига йўл қўйишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий захиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда специфик харажатлар муайян товар-моддий захираларга тааллуқли бўлади. Акс эттиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади.

AVECO усули бўйича товар-моддий захиралар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий захиралар ҳар бир бирлиги қийматини AVECO усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги товар-моддий захиралар қолдигининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий захираларнинг таннархи ва миқдоридан шаклланадиган, айнан бир хил бирликларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга қараб даврий ёки товар-моддий захираларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО усули бўйича товар-моддий захираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий захиралар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро амалиётида, масалан, Буюк Британияда товар-моддий захираларнинг қолдиғи ЛИФО (LIFO) усули бўйича ҳам баҳоланади.

Охириги харид қилиш нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO — охириги келиб тушган — биринчи сотилган) — охирида харид қилинган товарларни таннархи биринчи навбатда сотилган товарлар қийматини аниқлашда фойдаланилади, ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар таннархи эса биринчи харид қилинган товарлар таннархи асосида ҳисоб-китоб қилинади деган тасаввурга асосланади.

*35-мисол.* Товар-моддий захираларини баҳолаш бўйича:

Товар-моддий захираларни харид қилиш	Миқдори, бирлик	Маҳсулотнинг бир бирлигининг қиймати, сўмда	Умумий қиймати
15 январь	500	60	30 000
22 май	800	70	56 000
10 сентябрь	600	80	48 000
<b>Жами:</b>	<b>1 900</b>		<b>134 000</b>

Ҳисобот йили охирида омборда 400 бирлик маҳсулот қолган. Сотишдан даромад 125 000 сўмни ташкил этган.

Сотилган маҳсулот таннархини ва ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захираларга тақсимланадиган харажатларни баҳолаш усуллари қўлланган ҳолда аниқлаймиз:

#### **ФИФО усули бўйича:**

Сотишдан олинган даромадлар 125 000 сўм.

Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи 134 000 сўм.

Ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар (400 x 80) 32 000 сўм.

Сотилган маҳсулотлар таннархи 102 000 сўм.

Сотишдан олинган ялпи фойда 23 000 сўм.

#### **Ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO) усули бўйича:**

Товарнинг бир бирлигининг ўртача тортилган қиймат (134 000 / 1 900) 70,53 сўм.



Сотишдан олинган соф тушум 125 000 сўм.  
 Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи 134 000 сўм.  
 Ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар (400 x 70,53)  
 28 212 сўм.

Сотилган маҳсулотлар таннархи 105 788 сўм.

Сотишдан олинган ялпи фойда 19 212 сўм.

**LIFO усули бўйича:**

Сотишдан олинган соф тушум 125 000 сўм.

Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи 134 000 сўм.

Ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар (400 x 60) 24 000 сўм.

Сотилган маҳсулотлар таннархи 110 000 сўм.

Сотишдан ялпи фойда 15 000 сўм.

*Усулларни ўзаро таққослаш*

Кўрсаткичлар номи	Биринчи харид қилиш нархлари бўйича баҳолаш усули (FIFO)	Ўртача тортилган қиймат усули	Охириги харид қилиш нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO)
Сотишдан олинган соф тушум	125 000	125 000	125 000
Сотишга тайёр маҳсулотлар таннархи	134 000	134 000	134 000
Ҳисобот даври охиридаги товар-моддий захиралар	32 000	28 212	24 000
Сотилган маҳсулотлар таннархи	102 000	105 788	110 000
Сотишдан олинган ялпи фойда	23 000	19 212	15 000

Меъёрий харажатлар бўйича баҳолашнинг моҳияти харажатлар меъёрларини бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)га қўллашдан иборат. Харажатлар меъёрлари хўжалик юритувчи субъект томонидан захиралар, меҳнат, ишлаб чиқариш қувватларидан муайян шароитларда фойдаланилиши ва амалдаги нархларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади. Меъёрий харажатларни ҳақиқий харажатлар меъёрлари ва нархларига максимал яқинлашишини таъминлаш мақсадида улар даврий равишда текширилиб ва меъёрий база қайта кўриб чиқилиб турилиши керак.

Сотиш баҳоси бўйича баҳолаш чакана савдо билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар бўйича савдо уста-

масининг ўртача фойзини қўллашга асосланади. Ушбу усул, тахминан бир хил даражадаги савдо устамаси бўлган салмоқли ва ўзгариб турувчи товарлар номенклатурасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (агар захираларни чикиб кетишининг бошқа усуллари ўзини оқламаса) қўлланиши мумкин. Сотилган товарлар таннархи, сотилган товарларнинг сотиш (чакана савдо) қиймати ва ушбу товарларга тегишли бўлган савдо устамаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси, сотилган товарларнинг сотиш (чакана савдо) қийматини ва савдо устамасининг ўртача фойзини кўпайтмаси сифатида аниқланади. Савдо устамасининг ўртача фойзи ҳисобот ойининг бошидаги савдо устамаларининг қолдиги ва ҳисобот ойида келиб тушган товарлар бўйича савдо устамалари суммасини ҳисобот ойи бошида товарлар қолдигининг сотиш (чакана савдо) қиймати ва ҳисобот ойи мобайнида олинган товарларнинг сотиш (чакана савдо) қиймати суммасига бўлиш йўли билан аниқланади.

Чакана савдода сотилган товарлар таннархини аниқлашда бошқа тармоқларга қараганда фарқ мавжуд, чунки юқорида айтиб ўтилганидек, товарлар бухгалтерия ҳисоби счётларида сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинади, товарлар қолдигини таннарх бўйича акс эттириш учун эса «Савдо устамаси» контрактив счётидан фойдаланилади. «Савдо устамаси» контрактив счётининг кредит қисмида товарлар қолдигига тегишли бўлган сотилмаган даромад (савдо устамаси) ҳисобга олинади. Сотилган товарлар таннархи сотилган товарларнинг чакана нархлардаги қийматидан ушбу товарларга тегишли савдо устамасини чегириш йўли билан аниқланади. Сотилган товарлар бўйича савдо устамаси суммаси ўртача фойз бўйича ҳисобланади. Ўртача фойз қуйидаги шаклда аниқланади:

$$\text{Ўртача \%} = \frac{\text{Савдо устамасининг бошланғич қолдиги} + \text{Келиб тушган товарлар бўйича савдо устамаси}}{\text{Ҳисобот даври учун товар айланмаси} + \text{Ҳисобот даври охиридаги товарлар қолдиги}} \times 100 \%$$

$$\text{Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси суммаси} = \text{Товар айланмаси} \times \text{Ўртача \%}$$

**36-мисол.** «Зебо» чакана савдо корхонасининг 2000 йил 1 июнь ҳолатига счётларидаги қолдиқлар қуйидагилардан иборат: товарлар — 90 000 сўм (сотиш нархида), савдо устамаси — 6 240 сўм. Ҳисобот даври давомида қуйидаги операциялар амалга оширилган:

— 240 000 сўм (сотиш нархи бўйича) миқдордаги товарлар харид қилинган, шу жумладан савдо устамаси 14 550 сўмни ташкил этади:

дебет 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счёти 240 000 сўм;  
 кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
 чиларга тўланадиган счётлар» счёти 225 450 сўм;  
 кредит 2980 «Савдо устамаси» счёти 14 550 сўм;

— 230 000 сўм миқдордаги товарлар сотилган:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
 олинадиган счётлар» счёти 230 000 сўм;  
 кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар»  
 счёти 230 000 сўм;

— сотилган товарлар бўйича савдо устамасига оид ҳисоб-китоб куйи-  
 дагидан иборат:

$$\text{Ўрточа \%} = \frac{6\,240\text{ сўм} + 14\,550\text{ сўм}}{230\,000\text{ сўм} + 100\,000\text{ сўм}} \times 100\% = 6,3\%$$

Сотилган товарларга тўғри келадиган савдо устамаси суммаси  
 14 490 сўм (230 000 x 6,3 %):

дебет 2980 «Савдо устамаси» счёти 14 490 сўм;  
 дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»  
 счёти 215 510 сўм;

кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счёти 230 000 сўм;

— сотишдан даромадлар счётларнинг ёпилиши:

дебет 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар»  
 счёти 230 000 сўм;  
 кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 230 000 сўм;

— сотилган товарларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 215 510 сўм;  
 кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»  
 счёти 215 510 сўм.

Ҳисобот даври охирида товар-моддий захираларни баҳолаш улар-  
 нинг чиқиб кетишида товар-моддий захиралар баҳолашнинг қабул қилин-  
 ган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ҳисобот даври охирида товар-моддий захиралар қийматини аниқ-  
 лаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий захиралар қийматини аниқ-  
 лашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини  
 аниқлашнинг қўлланадиган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс  
 этирилиши лозим.

## 7-§. Инвентар ва ҳўжалик жиҳозларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари

БҲМС № 4 га мувофиқ, инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мол-мулклар киритилади:

— хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

— қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар.

Ташкилот раҳбари ҳисоб сиёсатида уларни инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари таркибига ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилади:

— махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

— махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

— кўрпа-тўшаклар;

— ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

— ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

— уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

— фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

— овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва х.к.).

Бунда, махсус асбоблар ва мосламалар таркибига қуйидагилар ки­ради: асбоб-ускуналар, штамп­лар, пресс-шакллар, прокат ўтказувчи валлар, мослама ускуналари моделлари, опоклар, андозалар ва бошқа турли махсус асбоблар ва мосламалар.

Махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал таркибига қуйи­дагилар ки­ради: сақловчи мосламалар, комбинезонлар, костюмлар, курткалар, шимлар, халатлар, жун пўстинлар, ҳар хил пойабзаллар, қўлқоплар, кўзойнақлар, шлемлар, противогазлар, респираторлар, бошқа турли махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал.

Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари корхоналар томонидан харид қили­ниши, шу жумладан сотиб олиш, текинга берилиши, устав капиталига

улуш сифатида келиб тушиши йўли ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа йўллар билан харид қилиниши мумкин ёки корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқарилиши мумкин.

Корхонада мулк эгалигида, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқаришда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳақиқий таннархи ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланиб, яъни ўрнатилган тартибда ҳисобланган харид қилиш ёки ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий харажатлари суммасида бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади.

Ушбу корхонага тегишли бўлмаган, бироқ унинг фойдаланишида ёки ихтиёрида бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари балансдан ташқари 002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счётида, шартномада назарда тутилган баҳода ёки унинг эгаси билан келишилган баҳода ҳисобга олинади, корхонада мулк эгалигида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқаришда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари эса ишлаб чиқариш (ёки фойдаланиш)га берилгунга қадар корхонанинг жорий активлар таркибида 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида ҳисобга олинади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари бевосита корхонанинг ўзида (ўзининг кучлари билан) ишлаб чиқарилган ҳолларда, уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар олдиндан ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи (2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва бошқа) тегишли счётларда гуруҳланади. Инвентар ва хўжалик жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича ишларнинг тугалланиши, корхона томонидан белгиланган шаклдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги далолатнома билан тасдиқланиши керак.

Корхонада ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозларини таркибий бўлинмалар — ишлаб чиқарувчилар (цеҳлар) томонидан корхона омборига (бошқа сақлаш жойларига) топшириш тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Ушбу мақсадлар учун корхоналарга талабнома-юкхат ва (ёки) юкхатлардан фойдаланишни тавсия этилади. Талабнома-юкхат (юкхат) қонда бўйича уч нусхада ёзилади. Одатда биринчи нусха ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозларини кирим қилиш ва тегишли буюртмалар бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш учун бухгалтерияга берилади, иккинчи нусха ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектлари билан бирга корхона омборига (бошқа сақлаш жойларига) берилади, учинчи нусха эса таркибий бўлинма — ишлаб чиқарувчида қолади.

Корхонанинг фаолиятининг аниқ шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда юқорида назарда тутилган бошланғич ҳужжатлардан ташқа-

ри, инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳаракати бўйича корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжатлар шаклларини қўллаши мумкин. Бунда, корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжат шакллари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган мажбурий реквизи́тларга эга бўлиши керак.

Одатда келиб тушган инвентар ва хўжалик жиҳозларини қабул қилиш ва қирим қилиш корхона омборлари томонидан тегишли бошланғич ҳужжатларни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқаришни технологик жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, корхонада ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозларини корхона омборига ҳақиқатда олиб кирмасдан, уларни корхонанинг ишлаб чиқарувчи (фойдаланувчи) таркибий бўлинмаларига бевосита беришни амалга ошириш мумкин.

Корхона томонидан ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозларини корхона омборига (бошқа сақлаш жойларига) бериш (топшириш) бухгалтерия ҳисобида 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётининг дебети ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ва бошқа) кредитида уларни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммаси (ҳақиқий таннарх) бўйича акс эттирилади.

Корхона томонидан ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳақиқий таннархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ ва тегишли маҳсулотларни таннархини ҳисоблаш учун БҲМС № 4 да ўрнатилган усулларга мувофиқ аниқланади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини асосий воситалар таркибидан ўтказиш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда: *дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти; кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);*

— асосий воситаларни жамғарилган эскиришини ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);*

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;*  
— ушбу асосий воситалар объектини қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи) суммасига:

*дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;*

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;*

— қолдиқ қийматини харажатларга ҳисобдан чиқариши:

*дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.);*

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.*

Бир вақтнинг ўзида, фойдаланишда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини сақланишини назорат қилиш мақсадида балансдан ташқари счётда куйидаги ёзув амалга оширилади:

*дебет балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти — балансдан ташқари ҳисобга олишга ўтказилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари суммасига.*

Бунда шунини алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, фойдаланишда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида ҳисобга олинмайди, балки балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида акс эттирилади.

Агар асосий воситалар таркибидан ўтказилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари бир йилдан кўпроқ фойдали ишлатиш муддатига эга бўлса ёки уларни қийматини ҳисобдан чиқариш харажатларини бир нечта ҳисобот даврларига ажратиш имконияти мавжуд бўлган ҳолларда, корхона инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қийматини кечиктирилган харажатларга олиб бориши ва уларни тенг маромда харажатларга тақсимлаши мумкин. Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— кечиктирилган харажатларга ўтказилганда:

*дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;*

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;*

— тегишли харажатлар таркибига ўтказилиши:

*дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.);*

*кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.*

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга топширишда уларнинг қиймати вазифасига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Инвентар ва хўжалик

жиҳозларини корхона омборларидан (бошқа сақлаш жойларидан) ишлаб чиқаришга (фойдаланишга) чиқариш (бериш) лимит-забор картаси ва инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳаракати бўйича корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган бошқа бошланғич ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга бериш бухгалтерия ҳисобида инвентар ва хўжалик жиҳозларини харид қилиш ва (ёки) ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар суммаси (ҳақиқий таннарх бўйича) харажатларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилади ва қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

*дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.);*

*кредит 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти.*

Бир вақтнинг ўзида, фойдаланишда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини сақланишини назорат қилиш мақсадида балансдан ташқари счётда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

*дебет балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счёти — балансдан ташқари ҳисобга олишга ўтказилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари суммасига.*

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида ҳисобга олиш оддий шакл (бир томонлама тартибда) инвентар ва хўжалик жиҳозларини номи (номенклатура рақами) ёки уларнинг гуруҳи (йириклаштирилган комплектлар кесимида, фойдаланишга келиб тушган санаси (ой, йил)ни кўрсатиш билан харид қилиш (ишлаб чиқариш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича, фойдаланиш жойи (таркибий бўлинмалар бўйича) ва моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади.

Одатда, аналитик ҳисоб инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳаракатини ҳисоби бўйича керакли маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятини таъминлаб бера оладиган айланмалар қайдномалари шаклида дафтарларда ёки электрон шаклларда юритилади.

Агар инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қиймати бир бирлик (комплект) учун харид қилиш пайтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, унда ташкилот уларни фойдаланишга беришда ушбу инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қийматини муддати кечиктирилган харажатларга киритиши мумкин.

Шунингдек, агар инвентар ва хўжалик жиҳозлари бир йилдан кўпроқ фойдали ишлатиш муддатига эга бўлса, яъни агар харажатларни бир



нечта ҳисобот даврларига ажратиш имконияти мавжуд бўлса, у ҳолда корхона инвентар ва ҳўжалик жиҳозларининг қийматини кечиктирилган харажатларга олиб бориши ва уларни тенг маромда харажатларга тақсимлаши мумкин. Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— инвентар ва ҳўжалик жиҳозларининг қийматини кечиктирилган харажатларга ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;*

*кредит 1080 «Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари» счёти;*

— тегишли харажатлар таркибига қўшилиши:

*дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2300, 2500, 2700, 9400 ва б.);*

*кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.*

Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган инвентар ва ҳўжалик жиҳозларини қийматини харажатларга олиб боршда куйидаги усуллардан бирини қўллаш орқали амалга ошириш лозим:

— қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш усули;

— тенг маромли тарзда.

Инвентар ва ҳўжалик жиҳозларининг бир турдаги объектлари гуруҳи бўйича қийматини харажатларга ҳисобдан чиқариш усулларидан бирини қўллаш, ушбу гуруҳга кирадиган объектларни фойдали ишлатишнинг бутун кутилаётган муддати мобайнида амалга оширилади. Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари қийматини харажатларга олиб боришнинг юқорида келтириб ўтилган усулларидан бирини қўллаганда, ҳўжалик юритувчи субъектлар қўлланиладиган усулни корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттириши лозим.

Инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари қийматининг харажатларга олиб бориладиган суммасини аниқлаш:

а) қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш усулида — кечиктирилган харажатлар суммасини ҳисобдан чиқариш ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ва инвентар ва ҳўжалик жиҳозлари таннархининг кўрсатилган инвентар ва ҳўжалик жиҳозларини фойдали ишлатишнинг бутун кутилаётган муддатида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришнинг тахмин қилинаётган ҳажмига нисбатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

б) қийматни тенг маромли тарзда ҳисобдан чиқариш усулда — инвентар ва хўжалик жиҳозларининг таннархидан ҳамда ушбу инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдали ишлатиш муддатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Фойдали ишлатиш муддати ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) миқдори билан бевосита боғлиқ бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари (масалан, штамплар, пресс-шакллар, прокатларни ўтказувчи валиклар ва ҳоказолар) учун қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш усулини қўллаш тавсия этилади.

Жисмоний эскириши ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) миқдори билан бевосита боғлиқ бўлмаган инвентар ва хўжалик жиҳозлари (масалан, мослама ускуналари, андозалар, назорат қилиш-синов ўтказиш жиҳозлари ва ҳоказолар) учун қийматни тенг маромли тарзда ҳисобдан чиқариш усулини қўллаш тавсия этилади.

Агар маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш муддатидан олдин тўхтатилган ва уни корхонада тиклаш қутилмаётган бўлса, у ҳолда кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинadиган инвентар ва хўжалик жиҳозларининг қолдиқ қиймати (3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётидаги инвентар ва хўжалик жиҳозларини қийматининг ҳисобдан чиқарилмаган миқдори қолдиғи) корхонанинг молиявий натижаларига бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Корхонанинг таркибий бўлинмаларига берилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари корхона омборида ҳар бир таркибий бўлинма учун очилadиган махсус карточкаларда ҳисобга олинади. Махсус карточкаларда инвентар ва хўжалик жиҳозларини берилиши ва қайтарилиши, шунингдек яроқсиз ҳолга келиб қолган инвентар ва хўжалик жиҳозларини топшириш акс эттирилади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга бериш ва уларни омборга қайтарилишини тезкор (миқдорий) ҳисобини ташкил этишнинг бир нечта вариантларини қўллаш ҳам мумкин:

а) биринчи вариантда — инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳаракати бўйича операцияларни расмийлаштириш бошланғич ҳужжатлар билан амалга оширилади:

— инвентар ва хўжалик жиҳозлари корхона омборидан таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)га келиб тушиши талабнома ёки лимит картаси ёзиш билан расмийлаштирилади;

— инвентар ва хўжалик жиҳозларини таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)дан корхона омборига қайтарилиши юкхат тузиш ёки лимит картасига ёзувлар билан расмийлаштирилади;

— яроқсиз ҳолга келиб қолган ва эскирган инвентар ва хўжалик жиҳозлари металллом, чиқинди, ўтин ва ҳоказо кўринишида таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)дан топшириш юкхати билан расмийлаштирилади;

б) иккинчи вариантда — таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи) ишчилари корхона омборидан яроқсиз ҳолга келиб қолган ва эскирган инвентар ва хўжалик жиҳозларини яроқдиларига донамадона (бирга-бир) айирбошлайдилар ва бу таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)даги инвентар ва хўжалик жиҳозлари захирасининг умумий миқдорини ўзгаришига олиб келмайди. Шунинг учун бу ҳолда инвентар ва хўжалик жиҳозларини беришга бошланғич ҳужжатлар расмийлаштирилмайди. Айирбошлаш инвентар ва хўжалик жиҳозларидан яхши ҳолатда фойдаланиш сабабли чиқиб кетиши (ҳисобдан чиқарилиши) далолатномасига асосан амалга оширилади.

Иккинчи вариантда фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларини корхона омборидан таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)га ёки таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)дан корхона омборига чиқариш (бериш) ёки кирим қилишнинг бошланғич ҳужжатлари таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)даги мазкур қийматликларнинг захираларини миқдори ўзгаришига олиб келадиган операциялар бўйичагина расмийлаштирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вариант (иккинчи вариант)ни омбор ва асбоб-ускуналар хўжалиги тизими яхши ташкил этилган, шунингдек ҳисобга олиш ва назорат қилиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилган корхоналарда татбиқ этиш тавсия қилинади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)дан иш жойларига бир ойдан кўпроқ муддатга берилиши технологик карталарга мувофиқ амалга оширилади. Инвентар ва хўжалик жиҳозларини дастлабки берилиши устанинг талабномасига асосан амалга оширилади ва шахсий карточкалар расмийлаштирилади. Шахсий карточкалар инвентар ва хўжалик жиҳозларини олувчи ҳар бир иш жойига, ҳар бир созловчига ёки ишчига бир нусхадан очилади. Ишчи шахсий карточкага олган асбоб-ускунаси учун имзо чекади.

Таркибий бўлинманинг омбори (махсус сақлаш жойи)дан кейинчалик яхши ҳолатда эскирган инвентар ва хўжалик жиҳозларини ўрнига фойдаланишга яроқли ҳолда бўлганларга донама-дона (бирга-бир) бери-

лиши бошланғич хужжатлар билан расмийлаштирилмайди ёки ишчининг шахсий карточкасида қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади: таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)нинг ишчиси фойдаланишга яроқсиз ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини қабул қилиб олганлиги тўғрисида имзо чекади, ишчи эса олган санасини кўрсатган ҳолда фойдаланишга яроқли ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини олганлиги тўғрисида имзо чекади. Фойдаланишга яроқли ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга яроқсиз ҳолда бўлганларига айирбошлаш фақат инвентар ва хўжалик жиҳозларидан яхши ҳолатда фойдаланиш сабабли чиқиб кетиши (ҳисобдан чиқарилиши) далолатномаси тақдим этилганда амалга оширилади.

Фойдаланишга яроқли ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга яроқсиз ҳолда бўлганларини қайтариб тоширмасдан бериш ёки муддатидан олдин ёки фойдаланиш қондаларини бузилиши оқибатларида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган инвентар ва хўжалик жиҳозларига айирбошлаш талабномага асосан амалга оширилади. Ишчининг шахсий карточкасида фойдаланишга яроқсиз ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини топширилганлиги ва фойдаланишга яроқли ҳолда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозларини олганлиги тўғрисида тегишли ёзувлар амалга оширилади. Ишчининг шахсий карточкасидаги ушбу ёзувлар таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи) ишчисининг ва инвентар ва хўжалик жиҳозларини олаётган ишчининг имзоси билан тасдиқланади.

Одатда, инвентар ва хўжалик жиҳозларини бир ойдан камроқ муддатга (бир сменага, корхона томонидан белгиланган бошқа даврларга) берилганда, инвентар ва хўжалик жиҳозларини беришнинг маркалаш тизими қўлланилади.

Маркалаш тизимида инвентар ва хўжалик жиҳозлари ишчиларга асбоб-ускуналарга берилган маркалаш тамғасига асосан ҳеч бир хужжатларда рўйхатга олмасдан берилади.

Одатда, асбоб-ускуналарга берилган маркалаш тамғаси металл кўринишида (темир ёки бошқа металллардан) тайёрланади, бунда ҳар бир маркалаш тамғасига таркибий бўлинманинг, таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)нинг рақами, шунингдек ишчининг табель рақами ёки маркалаш тамғасининг тартиб рақами туширилади. Ҳар бир ишчининг табель рақамига керакли миқдордаги асбоб-ускуналарга берилган маркалаш тамғаси тайёрланади.

Тайёрланган асбоб-ускуналарга берилган маркалаш тамғаси таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га ваколатли шахс (уста)

томонидан имзоланган талабнома, ишчиларга, корхонанинг таркибий бўлинмасига ишга келиб тушганда, уларнинг махсус дафтар (шахсий карточка)га шахсий имзоси бўйича берилади. Ҳар бир асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғаси бўйича таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи) ишчиси фақат битта буюмни беради.

Бир донали тамға билан маркаләш тизимида ишчилар ишда фойдаланиш учун инвентар ва хўжалик жиҳозларини қуйидаги тартибда оладилар: ишчи неча дона инвентар ва хўжалик жиҳозларини олиши керак бўлса, таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га шунча дона асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғасини тақдим этади. Таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи) ишчиси ишчига инвентар ва хўжалик жиҳозларини бераётганда, берилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари сақланган стеллаж бўлмасига асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғасини жойлайди. Инвентар ва хўжалик жиҳозларини таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га топширганда ишчи ўзининг асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғасини қайтариб олади.

Икки донали тамға билан маркаләш тизимида ишчилар қисқа муддатли фойдаланишга инвентар ва хўжалик жиҳозлари берилганда икки турдаги маркаләш тамғаси қўлланилади: инвентар ва хўжалик жиҳозларини ишчилардан қайси бирига берилганлигини белгилаш учун мўлжалланган ишчининг табель рақами туширилган маркаләш тамғаси ва ишчига қайси инвентар ва хўжалик жиҳозлари берилганлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган инвентар ва хўжалик жиҳозларини номенклатура рақами туширилган маркаләш тамғаси.

Ишчининг табель рақами туширилган асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғаси инвентар ва хўжалик жиҳозларини таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)дан олгунга қадар ишчининг ўзида бўлади, инвентар ва хўжалик жиҳозларини олишда эса таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га беради.

Номенклатура рақами туширилган асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғаси инвентар ва хўжалик жиҳозларини берилгунга қадар стеллажнинг тегишли бўлмасида сақланади, инвентар ва хўжалик жиҳозлари берилганда эса тегишли назорат қилиш мосламаларига жойланади.

Номенклатура рақами туширилган асбоб-ускуналарга берилган маркаләш тамғаси билан бир қаторда зарур бўлганда асбоб-ускуналарга бериладиган махсус жетонлар ҳам қўлланилиши мумкин. Улар маркаләш тамғасига қўшимча равишда қайси инвентар ва хўжалик жиҳозлари бўйича захиралар минимал чегарагача камайганлиги бўйича сигнал (хабар) бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аниқ бир турдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари ишчига қачон (қайси сменада) берилганлигини аниқлаш учун жетонларнинг бошқа тузилишдагиларини ҳам қўллаш мумкин. Ушбу жетонлар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари ишчиларга берилгунга қадар, таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи) ишчисида сақланади, инвентар ва хўжалик жиҳозлари берилганда эса тегишли назорат қилиш мосламаларига жойланади.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари текширишга, чархлашга ёки таъмирлашга топширилганда таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи) ишчиси икки нусхада қвитанция (буюртма) тузади. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари қвитанция (буюртма)нинг биринчи нусхаси билан лаборатория (таъмирлаш устахонаси)га, иккинчи нусхасига имзо чекилган ҳолда берилади. Қвитанция (буюртма)нинг иккинчи нусхаси таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)да қолади ва текшириш (чархлаш, таъмирлаш)дан кейин инвентар ва хўжалик жиҳозларини лаборатория (таъмирлаш устахонаси)дан қайтариб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ камёб (топилмайдиган) ёки таркибида қимматли металллар ёки қимматли тошлар мавжуд бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари сафига киритилган, инвентар ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга олиш учун ҳам таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га ваколатли шахс томонидан имзоланган талабнома тақдим этилади. Талабномада инвентар ва хўжалик жиҳозларини оладиган ишчининг имзоси бўлиши керак. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)га топширилганда талабнома қайтарилади.

Ишчиларга махсус кийимлар, ўрнатилган тартибда тасдиқланган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг тармоқ бўйича намунавий меъёрлари, шунингдек ишчиларни махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминлашнинг қондалари асосидаги коллектив шартномада белгиланган тартибда берилади.

Ишчиларга махсус кийимларни бериш ва улар томонидан қайтарилиши ишчиларнинг шахсий карточкасида акс эттирилиши керак.

Махсус кийимларни ишчиларга берилиши расмийлаштирилувчи ҳужжатлар (талабнома ва ҳоказолар)да, бошқа реқизитлар билан бир қаторда беришнинг асоси, шахсий карточкада эса кийиш мумкин бўлган муддати, қайтарилганда фойдаланишга яроқлилиги даражаси (фоизи) акс эттирилиши лозим.

Корхоналарда махсус кийимларни фойдаланишда бўлиш муддати бўйича назорат ўрнатилади. Бунинг учун, масалан, ишчига бериш насини кўрсатган ҳолда уларга штамп қўйиш тавсия этилади.

Ишчиларга берилган махсус кийимлар корхонанинг мулки ҳисобланади ва улар: ишдан бўшаганда, шу корхонанинг ўзидан, унга берилган махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланиш воситалари меъёрларда назарда тутилмаган бошқа ишга ўтказилганда, шунингдек уларни кийиш мумкин бўлган муддат тугаганда ўрнига янгисини олганда қайтарилиши лозим.

Коллектив фойдаланишдаги навбатчи махсус кийим таркибий бўлинма омбори (махсус сақлаш жойи)да ёки участкаларда жойлашган бўлиши ва ишчиларга фақат улар назарда тутилган ишларни бажариш вақтида берилиши ёки маълум бир иш жойларига (масалан, ташқарида жойлашган постларда жун пўстинлар, электр тармоқлари (буюмлари) ўрнатишда электр токини ўтказмайдиган қўлқоплар ва ҳоказолар) бириктирилган бўлиши ва бир сменадан бошқасига берилиши керак. Бундай ҳолларда махсус кийим тегишли шахснинг жавобгарлигига берилади. Навбатчи махсус кийимлар ва мосламалар алоҳида карточкага «Навбатчи» белгиси билан ёзилади.

Ишчилар томонидан махсус кийимлар тозалашга, дезинфекцияга, таъмирлашга, шунингдек қишки (иссиқ) махсус кийимларни ёзги (иссиқ) вақт келиши муносабати билан топширилиши ташкилий равишда сақланиши учун қайдномаларда расмийлаштирилади ва махсус кийимлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Ишчиларга махсус кийимлар тозалашдан, дезинфекциядан, таъмирлашдан ва сақлашдан (иссиқ махсус кийимлар ва махсус пойабзаллар) кейин қабул қилишда расмийлаштирилган қайдномалар бўйича махсус кийимлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида ишчининг имзоси (бунинг учун назарда тутилган устунга) билан амалга оширилади.

Ташкилотнинг инвентар ва хўжалик жиҳозларини таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлари (масалан, махсус асбобни чархлаш, алоҳида узел ва деталларни алмаштириш ва ҳоказолар) инвентар ва хўжалик жиҳозларининг фойдаланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига киритилади.

Қиқиб кетаётган ёки махсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун ёки корхонанинг бошқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилмаётган инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектлари ҳисобдан чиқарилиши керак.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини чиқиб кетиши сотилиши, текинга берилиши (вақтинчалик фойдаланиш учун текинга берилиши бундан мустасно), маънавий ва жисмоний эскиришида ҳисобдан чиқарилиши, авариялар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда тугатилиши, бошқа корхоналар устав капиталига улуш сифатида берилиши ҳолларида бўлиши мумкин.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳисобга олишнинг алоҳида объекти сифатида ҳисобдан чиқариш фақат улар ҳақиқатда жисмонан (натура кўринишида) чиқиб кетганда амалга оширилади. Бунда, инвентар ва хўжалик жиҳозлари объекти қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига ўтказишнинг тугаши уларни ҳақиқатда жисмонан (натура кўринишида) чиқиб кетиши даври билан мос келмаслиги мумкин (кафолатланган хизмат кўрсатиш ва кафолатланган таъмирлаш бўйича мажбуриятларни, мобилизацион ёки суғурта захираларни таъминлаш бўйича мажбуриятларни ва ҳоказоларни бажариш учун инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини консервация қилишга ўтказилганда).

Агар инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини ҳисобдан чиқарилиши уларни сотилиши натижасида амалга оширилса, у ҳолда сотишдан тушган тушум бухгалтерия ҳисобига олди-сотди шартномасида томонлар ўзаро келишган ҳолда кўрсатган суммада қабул қилинади. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини ҳисобдан чиқарилишидан даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларга бошқа операцион даромадлар ва харажатлар сифатида олиб борилиши керак.

Инвентар ва хўжалик жиҳозларини яроқсизлигини белгилаш ва уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги масалаларни ечиш учун, иш ҳажми, уларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, корхона ишчи инвентаризация комиссиясини тузиши мумкин.

Инвентаризация комиссиясининг инвентар ва хўжалик жиҳозларидан фойдаланиш масалалари қисми бўйича вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— ҳисобдан чиқаришга тақдим этилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини бевосита кўриб чиқиш ва уларни кейинчалик фойдаланишга яроқсизлигини ёки қайта тиклаш имконияти (имконияти йўқлиги)ни ёки мақсадга мувофиқлигини белгилаш;

— ҳисобдан чиқариш сабабларини (жисмоний эскириши, фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши, авария, ёнғин, табиий офат ва бошқаларни) белгилаш;

— инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини ҳисобдан чиқариш муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор бўлган



шахсни аниқлаш, қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш тўғрисида корхона раҳбариятига таклифлар киритиш;

— ҳисобдан чиқарилаётган инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини алоҳида қисмларини, деталлари, материаллари ва бошқа қисмларидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш;

— инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини ҳисобдан чиқариш далолатномасини тузиш ва корхона раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахсга далолатномани тасдиқлашга тақдим этиш;

— ҳисобдан чиқарилаётган объектларни бузишдан (ҳисобдан чиқариш далолатномаси тасдиқлангандан кейин) олинган яроқли узелларни, деталларни, шу жумладан таркибида қимматбаҳо металлар мавжудларини, материалларни ва бошқа қисмларни олинишини назорат қилишни амалга ошириш.

Комиссия корхона бухгалтерияси вакилларининг мажбурий иштирокида ҳисобдан чиқарилаётган объектларни бузишдан олинган моддий қийматликларни баҳолашни амалга оширади.

Бузишдан олинган моддий қийматликлар юкхатлар билан расмийлаштирилади ва корхона омборига топширилади. Бир нечта далолатномалар бўйича ҳисобдан чиқарилган объектларни бузишдан олинган моддий қийматликлар бўйича битта юкхат ёзилиши мумкин ва унда барча ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатномалар кўрсатиб ўтилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган моддий қийматликлар бухгалтерия ҳисобида материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)нинг дебетида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлари билан боғланган ҳолда бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида инвентар ва хўжалик жиҳозларини чиқиб кетиши, ҳисобдан чиқариш далолатномасига асосан балансдан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётининг кредитида ҳам акс эттирилади. Корхона ушбу мақсадлар учун корхона томонидан мустақил равишда қонунчиликка мувофиқ тартибда ишлаб чиқилган «Инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси»дан фойдаланиши мумкин.

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари объектларини ҳисобдан чиқариш далолатномасида: ҳисобдан чиқарилаётган объектларнинг номи ва уларни ўзига хос белгилари, микдори; ҳақиқий таннархи; ҳисобдан чиқариш санаси ҳолатига объект қийматини харажатларга ўтказилган суммаси; белгиланган фойдаланиш муддати (ишлар ҳажми); фойдаланишга келиб тушган санаси (ой ва йил); ишдан чиқиш (чиқиб кетиш) сабаблари; объектни ҳисобдан чиқариш ва айбдор шахслардан моддий

зарарни ундириб олиш тўғрисидаги таклифлар кўрсатилади. Далолатнома корхона раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс томонидан тасдиқланади.

## **8-§. Идишларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари**

Идишлар билан бўлган операциялар, материаллар билан бўлган операциялар ҳар доим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб келган. «Идишлар» тушунчаси моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарида маҳсулотларни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида товарларни ўраш-жойлаш ва ташиш учун фойдаланиладиган материалларни ўз ичига олади.

Идишлар бажарадиган вазифаларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

— товар-моддий қийматликларни омборларда сақлаш ёки маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш технологик жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган идишлар (сақлаш учун идиш);

— товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш жараёнида, омборларда ёки савдо жойларида ўраш-жойлаш учун мўлжалланган идишлар (ўраш-жойлаш учун идиш);

— товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига қадар ҳаракати жараёнида ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган идишлар (ташиш учун идиш).

Идишлар бажарадиган функцияларига кўра ташқи ва бевосита ўраш-жойлаш идишларига бўлинади. Бевосита (бирламчи) ўраш-жойлаш идишлари ўзига жойланган товардан ажралмайди ва товарни сақлаш воситаси (масалан, ичимликлар учун шиша ва пластик бутилкалар, тунука консерва банкалари ва бошқалар) ҳисобланади. Ташқи ўраш-жойлаш (масалан, поэтилен ва қоғоз қоплар, яшиқлар ва бошқалар) бирламчи шикастланишдан ва ташқи таъсирлардан сақлайди.

Етказиш шартлари ва фойдаланиш миқдорига (маротабасига)га кўра кўп маротаба ва бир маротаба ишлатиладиган идишларга бўлинади. Идишларнинг аналитик ҳисоби қуйидаги турлар бўйича юритилади: ёғоч материалларидан; картон ва қоғоздан; металлдан; пластмассадан; шишадан; газлама ва ногазлама материаллардан бўлган идишлар ва бошқа идишлар.

Идишларни тан олиш пайтини белгилаш, баланс қийматини баҳолаш, идишлар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида идишлар қийматини кейинчалик тан олиш; идишлар қийматини сотишнинг соф қиймати дара-

жасигача камайтириш, уларни чиқиб кетиши бўйича молиявий натижаларни аниқлаш, шунингдек инвентар ва хўжалик жиҳозларининг тегишли мезонларига мос келадиган идишлар ҳисоби БҲМС № 4 га мазкур шарҳларнинг 2-6-параграфларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

БҲМС № 21 га мувофиқ барча турдаги идишларнинг (хўжалик инвентари сифатида фойдаланиладигандан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати қуйидагича юритилади:

— савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарда — 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётида;

— бошқа корхоналарда — 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётида. Мазкур счётда идишларни тайёрлаш ва уларни таъмирлаш учун мўлжалланган идишбоп материаллар ҳам ҳисобга олиб борилади.

Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларидаги шиша идишлар (шишалар, банклар ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида ҳисобга олинади.

Шунингдек идишларнинг таркибида идишларни тайёрлаш ва таъмирлаш учун махсус мўлжалланган материаллар ва деталлар — идишбоп материаллар (яшикларни йиғиш учун деталлар, бочка тахтаси, темир гардиш, пардали ва полиэтиленли тиқин, вискозадан тўқилган қалпоқчалар, зарқоғоз ва бошқалар) ҳам ҳисобга олиб борилади.

Юкланадиган маҳсулотлар (товарлар)нинг сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, кемалар, автотранспорт ва бошқа транспорт воситаларини кўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмлар 1010 «Хом ашё ва материаллар» счётида ҳисобга олиб борилади.

Идишларни харид қилиш шaroитларидан қатъи назар (сотиб олиш ёки бевосита ташкилотда тайёрланган) улар бухгалтерия ҳисобига БҲМС № 4 га мувофиқ аниқланадиган ҳақиқий таннарх бўйича қабул қилинади.

Харид қилинган идишлар кирим қилиниши ва уларнинг ҳаракати, шунингдек уларнинг чиқиб кетиши бошқа товар-моддий захираларга ўхшаш тартибда ва шаклдаги бошланғич ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Шунингдек идишларни ҳисобга олишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб уларни ҳаракатини акс эттирадиган бошқа бирламчи ҳужжатлар ҳам ишлатилиши мумкин.

Агар кўп марта ишлатиладиган идишлар табиий эскириш натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолса, уларнинг қиймати 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётининг (савдо ва умумий овқатланиш

фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун) ва 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг (бошқа корхоналар учун) кредитидан ҳисобдан чиқарилади ва 9410 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб борилади.

Фойдали ишлатиш муддати тугашидан олдин (бузилиши, синиши ва бошқалар натижасида) яроқсиз ҳолга келиб қолган кўп марта ишлатиладиган идишлар қиймати 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётининг (савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун) ва 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг (бошқа корхоналар учун) кредитидан 9410 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб бориш билан ҳисобдан чиқарилади.

Куйида идишларни четдан сотиб олиш ёки корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш натижасида оморга кирим қилингандан кейинги ҳаракатининг ҳисобини, шунингдек, идишлар ҳисобининг мол етказиб берувчи ва харидорларда бир маротаба ва кўп маротаба ишлатиладиган идишлар кесимида кўриб ўтамыз.

### ***8.1. Бир маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби***

Бир маротаба ишлатиладиган идишлар корхона томонидан уларни ишлаб чиқаришга берилганда ёки товар-моддий захиралар чиқиб кетганда харажатларга ҳисобдан чиқарилади ва қайтарилиши лозим эмас. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ўраш-жойлаш учун мўлжалланган идишлар қиймати таннархга қўшилади, савдо жойларида ва оморларда товарларни ўраш-жойлаш учун ишлатилганлари эса сотиш билан боғлиқ харажатларга олиб борилади.

Ташкилотларда (савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналардан ташқари) бир маротаба ишлатиладиган идишлар 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётидан ҳисобдан чиқарилади ва куйидагиларга олиб борилади:

— 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларига (яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади) — агар маҳсулотни идишларга ўраш-жойлаш асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда амалга оширилса;

— 9410 «Сотиш харажатлари» счётига (яъни давр харажатларига қўшилади) — агар маҳсулотни идишларга ўраш-жойлаш уларни ом-

борга топширилгандан кейин ёки маҳсулотлар (товарлар)ни сотиш жараёнида амалга оширилса.

**37-мисол.** Ёроҷ (столяр) елими ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Комфорт» МЧЖ ўзининг маҳсулотларини қадоқлаш учун бир марталик қоғоз қопларни харид қилди. Маҳсулотни қадоқлаш қоғоз қоплар берилган ишлаб чиқариш цехида амалга оширилади. Қоғоз қопларнинг қиймати 3 000 000 сўмни ва ҚҚС суммаси 600 000 сўмни ташкил этади. ҚҚС суммаси қоплашга қабул қилинади.

Қоғоз қопларни кирим қилиш ва ишлаб чиқариш цехига бериш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— қоғоз қопларни кирим қилинганда (ҚҚСсиз):

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»*

*счёти*

*3 000 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти*

*3 000 000 сўм;*

— қоплашга қабул қилинган ҚҚС суммаси:

*дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти*

*600 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти*

*600 000 сўм;*

— қоғоз қоплар ишлаб чиқариш цехига берилди:

*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти*

*3 000 000 сўм;*

*кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»*

*счёти*

*3 000 000 сўм.*

**38-мисол.** Компьютерларга клавиатура ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Азизбек» МЧЖ ўзининг маҳсулотларини ўраб-жойлаш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш цехида картон қоробкалар (бир мартаба ишлатиладиган идиш сифатида) тайёрлайди. Тайёр маҳсулотларни идишларга ўраб-жойлаш картон қоробкалар етказиб берилган тайёр маҳсулот омборида амалга оширилади. Картон қоробкаларнинг ишлаб чиқариш таннарихи 1 750 000 сўм.

Картон қоробкаларни кирим қилиш ва ишлаб чиқариш цехига бериш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— картон қоробкалар кирим қилинганда:

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари»*

*счёти*

*1 750 000 сўм;*

*кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти*

*1 750 000 сўм;*

— компьютерлар учун клавиатураларни ўраб-жойлаш учун картон қоробкалар тайёр маҳсулот оғибига берилганда:

<i>дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти</i>	<i>1 750 000 сўм;</i>
<i>кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>1 750 000 сўм.</i>

Савдо ва умумий оғкатланиш фаолияти билан шуғулланадиган қорхоналарда бир маротаба ишлатиладиган идишлар қиймати 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счётидан 9410 «Сотиш харажатлари» счётига ҳисобдан чиқарилади ва сотиш харажатлари сифатида давр харажатлари таркибига қўшилади.

**39-мисол.** «Умида» МЧЖ гуручни бир марталик полиэтилен пакетчаларга қадоклаб сотади. Гуручни қадоклаш савдо ўринларида амалга оширилади ва савдо ўринларига ҳар бири 100 сўм бўлган 3 000 дона полиэтилен пакетчалар берилган.

Полиэтилен пакетчаларни савдо ўринларига бериш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти</i>	<i>300 000 сўм;</i>
<i>кредит 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти</i>	<i>300 000 сўм.</i>

## **8.2. Қўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби**

Идишларнинг айланиши масаласи бўйича мол етказиб берувчилар ва харидорларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш бўйича асосий талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 450-моддасида тартибга солинади. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, харидор (олувчи) товар келтирилган қўп маротаба ишлатиладиган идиш ва ўраш материалларини мол етказиб берувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтаришга мажбур. Бошқа идиш ва ўраш материаллари фақат маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина етказиб берувчига қайтарилиши лозим.

Юқорида келтирилган меъёрлар қуйидагиларни аниқлаштиради: харидор томонидан ўзининг тавсифи бўйича қўп маротаба ишлатиладиган идишларга тўғри келадиган идишларни қайтармаслиги мумкин бўлиши учун бу ҳолатлар мол етказиб бериш шартномасида белгилаб ўтилиши шарт. Булар асосан маълум бир шароитларга қўра идишларни қайтариш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки имконият бўлмаган ҳолларда бўлиши мумкин. Масалан, товарларни етказиб бериш катта материал

харажатларни талаб қиладиган узоқ тоғли туманларда жойлашган корхоналарда бўлиши мумкин.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишлар мол етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) билан харидор ўртасида кўп маротаба айланади ва товар-моддий захиралардан бўшатиладиган кейин қонунчиликда ёки шартномада белгиланган тартибда мол етказиб берувчи корхонага қайтарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ гаров қиймати-га эга бўлган қайтариладиган тарани, шу жумладан шиша идишни жўнатиш қўшилган қиймат солиғи бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди. Қайтариладиган идиш бўлиб маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қиймати-га киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган идишлар ҳисобланади.

Шартнома шартлари бўйича харидор кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтаришга мажбур бўлмаган ҳолларда унинг қиймати мол етказиб берувчининг счё-т-фактурасида унда қадоқланган сотилиши лозим бўлган товар-моддий захираларнинг сотиш баҳосига қўшилган ҳолда кўрсатилади. Бунда харидор кирим қилаётганда қийматини аниқлаш учун имконият яратиш мақсадида идиш қийматини алоҳида кўрсатиш ҳуқуқига эга. Мол етказиб берувчида қайтарилмайдиган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг ҳисоби товар-моддий захираларнинг сотиш ҳисобига ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Бунда қайтарилиши лозим бўлмаган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилиши билан боғлиқ бўлган операциялар мол етказиб берувчининг бухгалтерия ҳисобида четдан кўп маротаба ишлатиладиган идишлар сотиб олишга ўхшаш тарзда акс этирилади. Мол етказиб берувчига қайтарилган бўш идишлар қиймати мол етказиб берувчи (идиш қабул қилувчи) томонидан харидорга (идиш топширувчига) тегишли шартнома (олди-сотди, етказиб бериш ва ҳ.к.)да назарда тутилган баҳода тўлаб берилади.

Шартнома шартлари бўйича харидор кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтаришга мажбур бўлган ҳолларда унинг қиймати счё-т-фактура ва (ёки) бошқа йўл (товарларни кузатиб борувчи) ҳужжатларда тегишли шартномаларда кўрсатилган суммада алоҳида қаторда, унда қадоқланган маҳсулотлар (товарлар)нинг сотиш баҳосига қўшилмаган ҳолда кўрсатилади. Мол етказиб берувчиларда кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилганда уларни кирим қилиш тегишли шарт-

номаларда кўрсатилган суммаларда амалга оширилади. Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг харидор томонидан қайтарилиши ва ушбу идишлардаги товар-моддий захиралар сотиб олинган етказиб берувчи томонидан идишларнинг олиниши даромад келтирувчи операция сифатида қаралмайди.

Агар қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар белгиланган муддатда ва сонда қайтарилмаса, бухгалтерия ҳисобида уларни бериш асосий фаолиятдан даромад ва харажатлар сифатида улар юзага келган ҳисобот даврида уларнинг жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтариш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун шартнома (етказиб бериш, олди-сотди ва ҳ.к.) шартларида қўшимча санкциялар назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, агар идишлар белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай идишни бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади. Идиш шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу идишни қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган идишнинг реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ҳисобланади.

Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаганда ҚҚС тўлаш даврини аниқлашда юзага келадиган қийинчиликлардан қочиш мақсадида корхоналар шартномаларни расмийлаштиришга эътиборли бўлиб ёндошишлари лозим. Масалан, солиқ идоралари ходимлари идишларни ортиб жўнатиш санасида ҚҚС ҳисобламасликлари учун харидорлар билан тузилган шартномада қайтариладиган идишлар берилаётганлигини кўрсатишлари шарт. Бундан ташқари мол етказиб берувчига идишлар қайтарилиши лозим бўлган сана ни ва уларни қайтариш тартибини ҳам кўрсатиб ўтишни тавсия этамиз.

**40-мисол.** «Олтин дон» МЧЖ полиэтилен қопларга қадоқланган ўзи ишлаб чиқарган ун маҳсулотларини 3 000 дона копини сотди ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Полиэтилен қоплар қатарилиши лозим. Полиэтилен қопларларнинг таннархи 400 сўмни, уларнинг жорий қиймати 600 сўмни ташкил этади ва 2 200 дона полиэтилен қоп қайтарилган.

Қайтарилиши лозим бўлган полиэтилен қоплар билан боғлиқ операциялар «Олтин дон» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачиларга ун маҳсулотлари ортилганда (чиқарилганда):

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти*

*1 200 000 сўм;*



кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»

счёти

1 200 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан полиэтилен қоплар қайтарилганда:

дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 880 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счётлар» счёти

880 000 сўм;

880 000 сўм = 2 200 дона х 400 сўм;

— қайтарилмаган полиэтилен қопларнинг таннархи суммаси ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг

таннархи» счёти

320 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счётлар» счёти

320 000 сўм;

320 000 сўм = 800 дона х 400 сўм;

— қайтарилмаган полиэтилен қопларнинг жорий қиймати суммасига:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счётлар» счёти

480 000 сўм;

кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан

даромадлар» счёти

480 000 сўм;

480 000 сўм = 800 дона х 600 сўм;

— қайтарилмаган полиэтилен қопларнинг қийматига нисбатан ҚҚС ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счётлар» счёти

96 000 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз

(турлари бўйича)» счёти

96 000 сўм;

96 000 сўм = 480 000 сўм х 20 % / 100;

— қайтарилмаган полиэтилен қоплар ва ҚҚС суммаси учун харидор ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти

576 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан

олинадиган счётлар» счёти

576 000 сўм;

576 000 сўм = 480 000 сўм + 96 000 сўм.

Харидорлар қайтариб берганда олинган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ишчи ҳолатга келтириш учун амалга оширилган таъмирлар ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тозалаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва ҳ.к.) шартномада назарда тутилган тартибда харидорлар томонидан қопланиши мумкин.

**41-мисол.** «Умида» МЧЖ шиша банкларда томат пастасини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Харидор билан олди-сотди шартномасига қайтарилган шиша банкларни тозалашни амалга оширади. 5 000 дона шиша банка қайтарилган. Шиша банкларни тозалаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: материал харажатлар 30 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм. Харидор харажатларни қоплаб беришга рози.

Қайтарилган шиша банкларни тозалаш билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— қайтарилган шиша банкларни тозалаш бўйича харажатлар амалга оширилганда:

<i>дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти</i>	<i>92 000 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>	<i>30 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>50 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>12 000 сўм;</i>

— тозалаш бўйича харажатларни қоплаш учун харидор ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушганда:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>92 000 сўм;</i>
<i>кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти</i>	<i>92 000 сўм.</i>

Савдо ташкилотларида қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ишлаб чиқариш корхоналардаги тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ҳисобида 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг ўрнига 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти қўлланилади, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг ўрнига 9410 «Сотиш харажатлари» счёти қўлланилади.

### **8.3. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг мол етказиб берувчидаги ҳисоби**

Товар-моддий захиралар билан етказиб бериладиган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг бир қанча турлари учун мол етказиб берувчи харидордан гаров суммасини ундириши мумкин, ушбу сумма харидорга ундан идишлар ишга яроқли (бузилмаган) ҳолатда олингандан сўнг қайтарилади. Идиш учун гаров суммаларини ундиришга прејскурантлар,

етказиб беришнинг алоҳида шароитлари ёки тарафлар учун мажбурий бошқа қоидалар билан назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар счё-т-фактура ва (ёки) бошқа йўл (товарларни кузатиб борувчи) ҳужжатларда тегишли шартномаларда кўрсатилган гаров суммаси бўйича алоҳида қаторда, унда қадокланган маҳсулотлар (товарлар)нинг сотиш баҳосига қўшилмаган ҳолда кўрсатилади. Мол етказиб берувчиларда кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилганда уларни кирим қилиш баланс қиймати бўйича амалга оширилади.

Харидор томонидан гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайта ишлатиш учун етказиб берувчига ишга яроқли (бузилмаган) ҳолатда қайтарилганда, унга (идишни топширувчига) унинг учун тўланган суммалар қайтарилади. Бунда гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларнинг харидор томонидан қайтарилиши ва ушбу идишлардаги товар-моддий захиралар сотиб олинган етказиб берувчи томонидан идишларнинг олинishi даромад келтирувчи операция сифатида қаралмайди.

Агар гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар белгиланган муддатда ва сонда қайтарилмаса, бухгалтерия ҳисобида уларни бериш асосий фаолиятдан даромад ва харажатлар сифатида улар юзага келган ҳисобот даврида акс эттирилади, яъни харидор томонидан мол етказиб берувчига гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаган ҳолларда мазкур идишлар учун гаров суммаси қайтарилмайди ва мол етказиб берувчи мазкур гаров суммасини молиявий натижаларига олиб боради. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтариш бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги учун шартнома (етказиб бериш, олди-сотди ва ҳ.к.) шартларида қўшимча санкциялар назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида мувофиқ қайтариладиган идиш солиқ солинадиган айланмага киритилган тақдирда, идиш белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур идишнинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаганда ҚҚС тўлаш даврини аниқлашда юзага келадиган қийинчиликлардан қочиш мақсадида корхоналар шартномаларни расмийлаштиришга эътиборли бўлиб ёндошишлари лозим. Масалан, солиқ идоралари ходимлари идишларни ортиб жўнатиш санасида ёки олинган гаров суммасидан ҚҚС ҳисобламасликлари учун харидорлар билан

тузилган шартномада қайтариладиган идишлар берилётганлиги кўрсатишлари шарт. Бундан ташқари мол етказиб берувчига идишлар қайтарилиши лозим бўлган санани ва уларни қайтариш тартибини ҳам кўрсатиб ўтишни тавсия этамиз.

**42-мисол.** «Синтез» МЧЖ темир бочкаларга ўраб-жойланган ўзи ишлаб чиқарган катализаторни 700 дона бочкада сотади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. Темир бочкалар қайтарилиши лозим. Ҳар бир темир бочкага гаров суммаси 42 000 сўм қилиб ўрнатилган. Гаров суммаси ўрнатилган темир бочкаларнинг таннархи (баланс қиймати) 30 000 сўмни ташкил этади. Гаров суммаси ўрнатилган темир бочканинг 500 донаси яхши ҳолатда қайтарилган.

Шунингдек харидор билан шартномага мувофиқ «Синтез» МЧЖ гаров суммаси ўрнатилган қайтарилган темир бочкаларни тозалаш ва таъмирлашни амалга оширади. Тозалаш ва таъмирлаш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: материал харажатлари 40 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 60 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 14 400 сўм. Харидор харажатларни гаров суммаси ҳисобидан қоплаб беришга рози.

Гаров суммаси ўрнатилган темир бочкалар билан боғлиқ операциялар «Синтез» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— харидор ва буюртмачилардан гаров суммаси келиб тушганда:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 29 400 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 29 400 000 сўм;*

29 400 000 сўм = 700 дона х 42 000 сўм;

— харидор ва буюртмачиларга катализаторлар ортилганда (чиқарилганда):

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти 21 000 000 сўм;*

*кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 21 000 000 сўм;*

21 000 000 сўм = 700 дона х 30 000 сўм;

— харидор ва буюртмачилар томонидан гаров суммаси ўрнатилган темир бочкалар қайтарилганда:

*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 15 000 000 сўм;*

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти 15 000 000 сўм;*

15 000 000 сўм = 500 дона х 30 000 сўм;

— гаров суммаси ўрнатилган темир бочкаларнинг қайтарилмаганларини таннархи ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари» счёти 6 000 000 сўм;  
 кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 6 000 000 сўм;  
 6 000 000 сўм = 200 дона x 30 000 сўм;  
 — гаров суммаси ўрнатилган қайтарилмаган темир бочкаларни гаров суммаси қийматига:  
 дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 7 000 000 сўм;  
 кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти 7 000 000 сўм;  
 8 400 000 сўм = 200 дона x 42 000 сўм;  
 7 000 000 сўм = 8 400 000 сўм x 100 % / 120;  
 — гаров суммаси ўрнатилган темир бочкаларнинг қайтарилмаганларини қийматига нисбатан ҚҚС ҳисобланганда:  
 дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 1 400 000 сўм;  
 кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 1 000 000 сўм;  
 1 400 000 сўм = 7 000 000 сўм x 20 % / 100;  
 — гаров суммаси ўрнатилган темир бочкаларнинг қайтарилганларини тозалаш ва таъмирлаш бўйича харажатлар амалга оширилганда:  
 дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 114 400 сўм,  
 кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти 40 000 сўм;  
 кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 60 000 сўм;  
 кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 14 400 сўм;  
 — гаров суммаси ўрнатилган темир бочкаларнинг қайтарилмаганлари учун гаров суммаси қисмини ушлаб қолинганда:  
 дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 8 400 000 сўм;  
 кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти 8 400 000 сўм;  
 — харидор ва буюртмачиларга гаров суммасининг қолган қисми қайтарилганда:  
 дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 20 885 600 сўм;  
 кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 20 885 600 сўм;  
 20 885 600 сўм = 29 400 000 сўм – 8 400 000 сўм – 114 400 сўм.  
 Савдо ташкилотларида гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ишлаб чи-

қариш корхоналаридаги тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Гаров суммаси ўрнатилган кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ҳисобида 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счётининг ўрнига 2950 «Товарлар билан банд ва бўш идишлар» счёти қўлланилади, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар амалга оширилганда эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг ўрнига 9410 «Сотиш харажатлари» счёти қўлланилади.

#### **8.4. Идишларни харидорлардаги ҳисоби**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 142-моддасига мувофиқ, агар мол етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган идиш қиймати олинган товар-моддий захиралар нархига қўшилган бўлса, қайтариладиган идишнинг қиймати уларнинг эҳтимол тутилган фойдаланилиши ёки уларни реализация қилиш нархи бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Мол етказиб берувчидан товар-моддий захиралар билан қабул қилинган ҳамда қайтарилмайдиган идишлар ва ўраш материаллари қиймати уларни сотиб олиш харажатлари суммасига киритилади. Идишларни қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган идишлар жумласига киритиш товар-моддий захираларни сотиб олиш шартномаси (контракти) шартлари билан белгиланади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомда маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган идиш ва ўраш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланиши назарда тутилган.

Мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралар билан бирга келиб тушган идишлар келиб тушган товар-моддий захираларни кирим қилиниши билан бир вақтнинг ўзида қуйидагича ҳисобга олиб борилади:

— бир маротаба ишлатиладиган идишлар — товар-моддий захираларнинг қиймати билан биргаликда;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишларга гаров суммаси ўрнатилган бўлса — шартномада кўрсатилган гаров суммаси бўйича;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилиши лозим бўлмаса, лекин қиймати товар-моддий захиралар баҳосига қўшилган ва фойдаланиш ёки сотилиши мумкин бўлса — фойдаланилиш ёки сотилиш мумкин бўлган қиймат бўйича;

— агар кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилиши лозим бўлмаса, лекин қиймати алоҳида қаторда кўрсатилган бўлса — йўл (кузатиш) ҳужжатларида кўрсатилган сумма бўйича.

Қайтарилиши лозим бўлган кўп маротаба ишлатиладиган идишлар қайтарилмаса, уларнинг қиймати товар-моддий захираларни етказиб берувчиларга уларнинг шартномада кўрсатилган қиймати бўйича қоплаб берилади.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни қайтарилган мол етказиб берувчилар томонидан амалга оширилган таъмирлар ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тозалаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва ҳ.к.)ни қоплаш суммаси давр харажатлари (бошқа операцион харажатлар) таркибига қўшилади.

*Қуйида кўп маротаба ишлатиладиган идишларни кирим қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолларда кўриб ўтамиз.*

**43-мисол.** «Мадина» МЧЖ электр двигателлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ҚҚС тўловчиси ҳисобланади. «Мадина» МЧЖ 150 дона пластмасса яшиқларда электр двигателлар учун эҳтиёт қисмларни сотиб олган. Пластмасса яшиқлар қайтарилиши лозим. 120 дона пластмасса яшиқлар қайтарилган.

Шунингдек, мол етказиб берувчи билан тузилган шартномага мувофиқ «Мадина» МЧЖ мол етказиб берувчи томонидан пластмасса яшиқлар қайтарилганда амалга оширилган таъмирлаш бўйича харажатларни қоплаб беради. Таъмирлаш харажатлари 40 000 сўм.

Пластмасса яшиқларга гаров суммаси ўрнатилган ва ўрнатилмаганлигидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

Пластмасса яшиқларга гаров суммаси 2 000 сўм қилиб ўрнатилган. Таъмирлаш харажатлари гаров суммаси ҳисобидан қопланади.

Гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларни кирим қилиниши билан боғлиқ операциялар «Мадина» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга гаров суммаси ўтказиб берилганда:

<i>дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти</i>	<i>300 000 сўм;</i>
<i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>300 000 сўм;</i>
<i>300 000 сўм = 150 дона x 2 000 сўм;</i>	

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларда эҳтиёт қисмлар келиб тушганда:

<i>дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти</i>	<i>300 000 сўм;</i>
<i>кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i>	<i>300 000 сўм;</i>

— гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқлар қайтарилганда:  
дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 240 000 сўм;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 240 000 сўм;

240 000 сўм = 120 дона х 2 000 сўм;

— гаров суммаси ўрнатилган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларини қийматига тўғри келадиган ҚҚС суммасига тузатишлар киритилганда:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий  
тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари  
бўйича)» счёти 10 000 сўм;

кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 10 000 сўм;

60 000 сўм = 30 дона х 2 000 сўм;

10 000 сўм = 60 000 сўм х 20 % / 120;

— қайтарилмаган пластмасса яшиқларнинг қиймати гаров суммаси ҳисобидан тўланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 60 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 60 000 сўм;

60 000 сўм = 30 дона х 2 000 сўм;

— мол етказиб берувчиларга гаров суммаси ҳисобидан пластмасса яшиқларни таъмирлаш бўйича харажатлар суммасини қоплаб берилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 40 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 460 000 сўм;

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси қайтарилганда (келиб тушганда):

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 200 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 200 000 сўм;

200 000 сўм = 300 000 сўм – 60 000 сўм – 40 000 сўм.

## 2-ҳолат.

Пластмасса яшиқларга гаров суммаси ўрнатилмаган, лекин қайтарилиши лозим ва шартномада уларнинг баҳоси 1 500 сўм қилиб белгиланган.

Қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларни қайтариш билан боғлиқ операциялар «Мадина» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан гаров суммаси ўрнатилмаган пластмасса яшиқларда эҳтиёт қисмлар келиб тушганда:



дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 255 000 сўм;  
кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 255 000 сўм;  
255 000 сўм = 150 дона х 1 500 сўм;

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган  
пластмасса яшиқлар қайтарилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 180 000 сўм;  
кредит 1060 «Идиш ва идиш материаллари»  
счёти 180 000 сўм;

180 000 сўм = 120 дона х 1 500 сўм;

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган  
пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларини қийматига тўғри кела-  
диган ҚҚС суммасига тузатишлар киритилганда:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий  
тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари  
бўйича)» счёти 9 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 9 000 сўм;

45 000 сўм = 30 дона х 1 500 сўм;

9 000 сўм = 45 000 сўм х 20 % / 100;

— қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров суммаси ўрнатилмаган  
пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қиймати қопланади-  
ган суммасига:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 45 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 45 000 сўм;  
45 000 сўм = 30 дона х 1 500 сўм;

— мол етказиб берувчиларга гаров суммаси ҳисобидан пластмасса  
яшиқларни таъмирлаш бўйича харажатлар суммасини қоплаб берилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 40 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 40 000 сўм;

— ҚҚС суммаси ва қайтарилиши лозим бўлган, лекин гаров сумма-  
си ўрнатилмаган пластмасса яшиқларнинг қайтарилмаганларининг қий-  
мати қоплаш ҳамда уларни таъмирлаш суммаси ўтказиб берилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 94 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 94 000 сўм;

54 000 сўм = 45 000 сўм + 9 000 сўм + 40 000 сўм.

Кўп маротаба ишлатиладиган идишларни ишчи ҳолатда мол етка-  
зиб берувчиларга қайтариш учун амалга оширилган таъмирлар ва уларга

хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар (масалан, тозалаш, айрим деталлари, қисмларини алмаштириш ва ҳ.к.) давр харажатлари (бошқа операция харажатлар) таркибига қўшилади.

**44-мисол.** «Умида» МЧЖ темир яшиқларга ўраб-жойланган материалларни харид қилади ва темир яшиқларни қайтаришда таъмирлаш ишларини амалга оширди. Таъмирлаш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: материал харажатлари 60 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Темир яшиқларни таъмирлаш билан боғлиқ операциялар «Умида» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 9430 «Бошқа операция харажатлар» счёти</i>	<i>94 600 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>	<i>60 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>50 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>12 000 сўм.</i>

**45-мисол.** «Умида» МЧЖ салқин ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва у 20 дона пластмасса бочкаларда қўшимча модда (бидобавка) харид қилди. Пластмасса бочкалар қўп маротаба ишлатиладиган идишлар ҳисобланади. Счёт-фактура бўйича пластмасса бочкаларнинг қиймати билан бирга қўшимча модда (бидобавка) харид қилиш харажатлари 8 000 000 сўмни ташкил қилади. Пластмасса бочкалари қайтарилиши лозим эмас.

Пластмасса бочкаларни қиймати счёт-фактурада кўрсатилишидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

#### **1-ҳолат.**

Пластмасса бочкаларни қиймати счёт-фактурада кўрсатилмаган. Қўшимча модда (бидобавка)лар ишлатилгандан кейин пластмасса бочкаларининг қиймати ҳар бири 10 000 сўм қилиб белгиланган.

Қайтарилиши лозим бўлмаган пластмасса бочкалар билан боғлиқ операциялар «Умида» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— қўшимча модда (бидобавка) кириш қилинганда:

<i>дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>

— қўшимча модда (бидобавка) ишлаб чиқариш цехига берилганда:

<i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>8 000 000 сўм;</i>
--	-----------------------

*кредит 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 8 000 000 сўм;*  
— пластмасса бочкалар оморга кирим қилинганда:  
*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 200 000 сўм;*  
*дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 200 000 сўм;*  
200 000 сўм = 20 дона x 10 000 сўм.

## **2-ҳолат.**

Пластмасса бочкаларни қиймати счёт-фактурада 10 000 сўм қилиб белгиланган.

Қайтарилиши лозим бўлмаган пластмасса бочкалар билан боғлиқ операциялар «Умида» МЧЖни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*дебет 1010 «Хом ашё ва материаллар» счёти 7 800 000 сўм;*  
*дебет 1060 «Идиш ва идиш материаллари» счёти 200 000 сўм;*  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 8 000 000 сўм.*

## **9-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари**

БХМС № 4 га мувофиқ ўстиришда ва боқувда бўлган йирик ва майда шохли чорва моллари, ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари ва бошқа ҳайвонлар бухгалтерия ҳисобида «ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар» атамаси билан ҳисобга олинади.

Иш кучи сифатида ишлатиладиган ҳайвонлар — отлар, ҳўкизлар, туялар, эшаклар ва бошқа иш ҳайвонлари (шу жумладан юк ташиш учун фойдаланиладиган ҳайвонлар), шунингдек маҳсулот берадиган (насл, сут, жун ва ҳоказолар) чорва моллари — сигирлар, қўтослар, наслдор биялар (иш ҳайвони бўлмаган), қўйлар, эчкилар ва бошқалар бухгалтерия ҳисобида қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг асосий подасидаги ҳайвонлар ҳисобланади. Асосий подадаги ҳайвонлар асосий воситалар таркибида ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар сифатида ҳисобга олинади.

Баланс қийматини эътироф этиш пайти, баҳолаш ва уларга нисбатан қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усулларини аниқлаш, шунингдек ҳайвонларнинг асосий подадан ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар тарзида чиқиб кетишидан баланс қиймати ўзгаришлари ва молиявий натижаларни белгилаш ҳамда ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон

Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га мувофиқ амалга оширилади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ташкилотда боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар кўринишида бўлиши мумкин.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар моҳиятан чорвачилик тармонинг тугалланмаган ишлаб чиқаришига тенглаштирилади, бироқ улар товар-моддий захиралар сифатида ҳисобга олинишида бир қатор белгиларга эга. Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ улар биологик активлар сифатида ҳисобга қабул қилинади ва молиявий ҳисоботларда акс этирилади. Одатда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бир қатор ўзининг хусусиятларига эга. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар муайян ёшга етганда маълум жинс — ёш гуруҳга ва асосий подага ўтказилади. Асосий подага ўтаётганда мазкур активлар асосий воситалар таркибига ўтади. Асосий подадан яроқсиз қилинган (чиқарилган) ва бўрдоқига боқишга қўйилганлари аксинча, айланма маблағлар гуруҳига ўтади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар боқиш ҳамда тутиб туриш жараёни моддий, молиявий ва меҳнат харажатлари билан бирга боради. Юқорида баён этилган хусусиятлар уларни баҳолашнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини, ўлчагичларни, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, аналитик ва синтетик ҳисоб, счётлар боғланишини бухгалтерия регистлари, инвентаризациясини ва ҳоказоларни тақозо этади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш объектлари бўлиб: насл, ортган вазн ва ўсиш; ёш ҳайвонларни катта ёшдаги гуруҳларга ва асосий подага ўтказиш; асосий подадан яроқсиз қилинган ҳайвонларнинг боқувга қўйилиши ҳисобланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ташкилот томонидан мустақил равишда, улар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни бухгалтерия ҳисобининг бирлиги қуйидаги кўринишларда белгиланиши мумкин: гуруҳи, тури, ёши, насли, ҳайвонлар бош сонига, ҳайвонларнинг оиласи. Масалан, бухгалтерия ҳисобини бирлиги сифатида йирик шохли чорва молларини ўстириш ва боқишда ҳар бир сигир, бука, бия, паррандачиликда ёши бўйича (ғоз, жўжа, товуқ, ўрдак ва х.к.), майда шохли чорва

молларини ўстириш ва боқишда турлари бўйича (қўй, эчки ва х.к.)лар, асаларичиликда — ариларнинг оилалари бўйича ўрнатилиши мумкин.

Тан олиш пайтини белгилаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини кейинчалик тан олиш, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар қийматини сотиш (баҳолаш)-нинг соф қийматига қадар камайтириш; уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш БҲМС № 4 га мазкур шарҳларнинг 2-6-параграфларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Асосий подадан яроқсизга чиқарилган ва боқувга қўйилган ҳайвонларни яроқсиз қилинган маҳсулдор ҳайвонларнинг баланс қиймати ва яроқсиз қилинган катта ёшдаги ишчи ҳайвонларнинг сотилишидан кутилаётган сумма бўйича кирим қилинади.

БҲМС № 21 га мувофиқ корхонага тегишли ёш ҳайвонлар; боқувдаги катта ёшдаги яйловдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган катта қорамоллар (боқувга қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи сўётлар (1100) гуруҳида очиладиган қуйидаги сўётларда амалга оширилади: 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар».

### ***9.1. Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган наслларнинг таннархи шаклланиши тартиби***

Ташкилотнинг ўзида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлардан олинган наслларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Бевосита харажатлар бу — алоҳида бир тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг бир бирлиги таннархига олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Билвосита харажатлар бу — бир нечта тур товар-моддий захира-ларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш) жараёни

билан боғлиқ бўлган, маълум бир тур товар-моддий захираларнинг бир бирлиги таннархига тўғридан-тўғри олиб бўлмайдиган ва натижада улар ўртасида тақсимланадиган ҳамда уларнинг бир бирлиги таннархига тақсимлаш йўли билан олиб бориладиган ишлаб чиқариш харажатларидир.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига қўра қуйидаги элементлар бўйича гуруҳларга ажратилади:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари;

б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби Харажатлар тўғрисида низомга мувофиқ аниқланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни кирим қилишда баҳоси қуйидаги тартибда аниқланади:

а) сут йўналишидаги қорамолчиликдаги бузоқлар — олинган наслнинг ҳақиқий таннархи бўйича. Бир бош наслнинг ҳақиқий таннархи (баҳоси) сут берувчи сигирлар ва наслдор буқаларни боқиш харажатларидан қўшимча маҳсулотларнинг қиймати чегирилган ҳолда аниқланади. Бунда қўшимча маҳсулотнинг қиймати айирилгандан кейин қолган сумма сутга 90 % ва наслга 10% мутаносиб равишда олиб борилади;

б) гўшт йўналишидаги қорамолчиликдаги бузоқлар — бузоқнинг тирик вазни ва сут эмизишдан ажратилган бузоқларнинг бир килограммининг ҳақиқий таннархидан келиб чиқиб;

в) чўчка болалари — туғилгандаги тирик вазни ва сут эмизишдан ажратилган чўчка болаларининг бир килограммининг ҳақиқий таннархидан (қўшилган маҳсулотлар қиймати чегирилган умумий харажатлар суммасини чўчкаларнинг тирик вазнининг ўсиши миқдорига олинган наслнинг туғилгандаги тирик вазнини қўшилган суммага бўлиб аниқланади) келиб чиқиб;

г) қўзилар — таннархни ҳисоблашда қабул қилинган баҳоларда (асосий подадаги қўйларни сақлаб туриш харажатларининг умумий сумма-

сининг жун-гўшт ва гўшт-жун етиштириш учун қўй боқишда 10 %, роман турдаги қўйларни боқишда 12 %, қоракўлчиликда 15 % микдориди;

д) мўйнали ёввойи ҳайвонлар — ёш ҳайвон туғилган кундаги битта бошни ҳақиқий баҳосининг 50 % га тенг бўлган шартли баҳоларда;

е) қулонлар — ёши катта бир бошни сақлаб туришнинг 60 озуқа кунининг ҳақиқий таннархи микдориди;

ж) жўжалар, ўрдакчалар, розчалар, куркачалар (бир кунлик паррандалар) — инкубация таннархига мувофиқ бир бошнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

з) янги асалари оилалари — ҳақиқий таннархига мувофиқ баҳоларда ҳисобга қабул қилинади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш БХМС № 4 га мазкур шарҳларнинг 4-параграфида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади.

## ***9.2. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ортишини аниқлаш***

Ҳисобот йили давомида ёш ҳайвонлар бошқа жинс-ёши гуруҳларга ёки асосий подага ўтказилганда уни йил бошидаги қиймати парвариш харажатларига ва 1 ц тирик вазнини ўсиши ёки ҳар ойда ўтказиш вақтидаги ҳисобий ўсиш аниқланадиган ҳайвонлар бўйича 1 озуқа кундан келиб чиқиб ҳисобланадиган режа таннархига кўпайган ҳолда баҳоланади.

Боқувдаги ҳайвонларнинг тирик вазни ўстириш ва боқиш натижасида ошади, шунинг учун ҳайвонлар тирик вазнининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда қўшимча баҳоланади.

Тирик вазнининг ўсиши ҳайвонлар бириктирилган моддий жавобгар шахслар бўйича турлари ва ҳисоб-ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича аниқланади. Бунинг учун мазкур гуруҳ ҳайвонларининг ҳисобот даври охирида белгиланган тирик вазнига мазкур ёшдаги гуруҳдан ҳисобот даври мобайнида чиқиб кетган ҳайвонларнинг тирик вазни қўшилади ва мазкур гуруҳга тегишли ҳисобот даврида келиб тушган ҳайвонларнинг тирик вазни ҳамда ҳисобот даври бошида мавжуд бўлган ҳайвонларнинг тирик вазни айирилади. Олинган натижа ҳисобот даври мобайнида ўстиришда ёки боқувда ва яйловда бўлган ҳайвонларнинг ёш гуруҳи бўйича тирик вазнининг ўсишини акс эттиради.

Қўшимча баҳолаш суммаси 1 ц ўсишнинг режа таннархини ҳайвонларнинг ҳар бир тур ва жинс-ёш гуруҳи бўйича ўсиш (ц) сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Тирик вазнини ўсиши аниқланмайдиган ҳайвонларнинг ҳар бир тур ва жинс-ёш гуруҳи бўйича қўшимча баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

а) наслчилик йўналишидаги йилқичиликдаги қулунлар, шунингдек қўзилар, қуёнлар, ёш мўйнали ёввойи ҳайвонлар — сут эмишдан ажратиш ва боқиш бошлаганда сут эмишдан ажратгунча бўлган тўлиқ режа таннархи бўйича (қолганлар режа суммасидан 50 %);

б) сут эмишдан ажратилган қўзилар — танлаб олиб тортиб кўриб билан аниқланадиган тирик вазни ўсишидан келиб чиқиб;

в) ишчи биялардан олинадиган қулонлар, шунингдек ёш ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар, паррандаларни ўсиши уларни ташкилотда боқилган кунлари сони ва 1 кунлик боқишнинг режа таннархидан келиб чиқиб. Катта ёшдаги паррандалар, қуёнлар ва ёввойи ҳайвонлар қайта баҳоланмайди. Уларни боқиш қиймати улардан олинадиган маҳсулотлар (тухум, тери)га олиб борилади.

Ўсиш ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган (қўйлар, эчкилар, паррандалар, қуёнлар) ёки ўсиш ҳисобга олинмайдиган (қулонлар, ёш туялар ва эшаклар, ёввойи ҳайвонлар) ёш ҳайвонлар бўйича ўсиш қиймати ҳар ойда озуқа-кунини ҳақиқий сони ва озуқа-кунидан келиб чиқиб ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган режа таннархи бўйича ҳисобланади.

Қўйлар, эчкилар, паррандалар, қуёнларнинг (ихтисослаштирилмаган ташкилотларда) ўсиши ёш гуруҳлари бўйича танлаб олиш йўли билан ўрнатилмадиган тирик вазнидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунинг учун зоотехник ферма мудирини ёки бригадир билан бирга белгиланган сондаги ҳайвонлар ва паррандаларни бош сонини (5 % дан кам бўлмаган) алоҳида ажратиб олади ва оғирлигини тортади. Ҳар бир ёш гуруҳларидан шу ёш гуруҳларига ўртача мансуб келадиганлари танлаб олинади.

Ундан кейин оғирлиги тортилган ҳайвонлар ва паррандаларнинг умумий тирик вазнини оғирлиги тортилганларнинг бош сонига бўлиш йўли билан ҳар бир ёш гуруҳи бўйича алоҳида оғирлиги тортилган бир бошнинг ўртача тирик вазни аниқланади.

Кейин бир бошнинг ўртача тирик вазни мазкур ёш гуруҳидаги ҳайвонларнинг умумий сонига кўпайтирилади ва шу йўл билан барча гуруҳлар бўйича йил (квартал) охиридаги бош сонининг тирик вазни аниқланади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг оғирлигини тортиш ва тирик вазнини ортиши кейинги катта ёшдаги гуруҳга ўтказилган, асосий подага ўтказилган, асосий подадан чиқарилган, нобуд бўлган, сўйилган, давлатга сотилган ва бошқа турли сотиш ҳолларида ҳам амалга оширилади.

Йил охирида олинган насл ва тирик вазнини ўсиши таннархи ҳисобот калькуляциясидан келиб чиқиб тўғриланади. Агар ҳисоботдаги таннархдан юқори бўлса, қийматига қўшимча қўшиш бўйича ёзув қилина-



ди, агар паст бўлса, тўғриловчи ёзув амалга оширилади. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар йил охирида йиллик бухгалтерия балансида ҳақиқий таннархи бўйича баҳода акс эттирилади.

Чорвачилик асосий фаолият тури ҳисобланадиган ташкилотларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни парваришlash ва боқиш бўйича харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олинади. Чорвачилик асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган, балки қўшимча ишлаб чиқариш ҳисобланадиган саноат ва бошқа ташкилотларда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни парваришlash ва боқиш бўйича харажатлар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётида ҳисобга олинади.

Насл сифатида олинган ўстиришдаги ва боқувдаги ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётининг дебетида ва насл олинган ҳайвонларни сақлаш харажатларини парваришlash ва боқишни режа таннархи бўйича ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларининг кредитидан кирим қилинади.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ортган вазни қиймати хар ойда 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва 1120 «Боқувдаги ҳайвонлар» счётларининг дебетида ушбу ҳайвонларнинг парваришlash ва боқиш харажатларини парваришлар ва боқишни режа таннархи бўйича ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётларининг кредитидан ўтказилади. Йил охирида кўрсатилган счётлар бўйича йил давомида парваришlashнинг режа таннархи бўйича қабул қилинган ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг қўшилган вазни ёки ўсиш қийматини парваришlashнинг ҳақиқий таннархигача ўзгартирувчи ёзув амалга оширилади.

Асосий подага ўтказиладиган ўстиришдаги ва боқувдаги ёш ҳайвонлар 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счётидан 0840 «Асосий подани ташкил этиш» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади. Бир вақтнинг ўзида ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилишида 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счёти дебетланади ва 0840 «Асосий подани ташкил этиш» счёти кредитланади.

## **10-§. Товар-моддий захиралар инвентаризацияси**

Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сақланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти-вақти

билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентаризацияси ўтказилади. Товар-моддий захираларнинг инвентаризацияси БХМС № 19 да белгиланган тартибда ўтказилади.

Товар-моддий қийматликларни инвентаризацияси, қоидага кўра, мажбур хонада қийматликларнинг жойлашиш тартибда бажарилиши керак. Инвентаризация вақтида бир турдаги товар-моддий қийматликлардан бошқасига тартибсиз ўтишга йўл қўйиб бўлмайди.

Товар-моддий қийматликлар турли алоҳида хоналарда битта моддий жавобгар шахсда сақланганда инвентаризация сақлаш жойлари бўйича кетма-кетликда ўтказилади. Қийматликлар текширилганидан кейин хона эшиги пломбланади ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади.

Товар-моддий қийматликлар инвентаризация рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гуруҳи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

Ишчи инвентаризация комиссияси раиси ёки унинг топшириғига кўра комиссия аъзолари оғбор (оғборхона) мудир ва бошқа моддий жавобгар шахслар иштирокида товар-моддий қийматликларнинг ҳақиқатда мавжудлигини уларни албатта санаш, тарозида тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширадилар. Рўйхатларга қийматликлар қолдирган ҳақидаги маълумотларни моддий жавобгар шахслар оғзидан ёки ҳақиқатда мавжудлигини текширмасдан туриб ҳисоб маълумотлари бўйича қайд этиш қатъиян тақиқланади.

Инвентаризация вақтида келиб тушадиган товар-моддий қийматликлар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентаризация комиссияси аъзолари иштирокида қабул қилинади ва инвентаризациядан сўнг реестр ёки товар ҳисоботи бўйича қирим қилинади. Ушбу товар-моддий қийматликлар «Инвентаризация вақтида келиб тушган товар-моддий қийматликлар» номи билан алоҳида рўйхатга киритилади. Рўйхатда улар қачон, қимдан келиб тушгани, қирим ҳужжатининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади. Айни вақтда қирим ҳужжатида инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан ана шу қийматликлар қайд этилган рўйхат санасига ҳавола қилган ҳолда «инвентаризациядан сўнг» белгиси қўйилади.

Инвентаризация узок вақт ўтказилган тақдирда мустасно ҳолларда ва фақат хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтерининг ёзма рухсати билан инвентаризация жараёнида товар-моддий қийматликлар моддий жавобгар шахсларга инвентаризация комиссияси аъзолари иштирокида берилиши мумкин.

Ушбу қийматликлар «Инвентаризация вақтида берилган товар-моддий қийматликлар» деб номланган алоҳида инвентар рўйхатига қирин

тилади. Бу ёзув инвентаризация вақтида келиб тушган — товар-моддий қийматликларга оид ҳужжатларга ўхшаб расмийлаштирилиши керак. Чиким ҳужжатларида инвентаризация комиссияси раисининг имзоси билан белги қўйилади.

Бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ва масъул сақлашда бўлган товар-моддий қийматликлар ўзининг товар-моддий қийматликлари билан бир вақтда инвентаризациядан ўтказилади. Ана шу қийматликларга алоҳида инвентаризация рўйхати тузилади, унда ушбу қийматликларни масъул сақлашга қабул қилингани тасдиқланадиган тегишли ҳужжатларга ҳавола берилади.

Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан ҳақи муддатида тўланмаган, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар омборларида бўлган товар-моддий қийматликларни инвентаризацияси тегишли счётларда кўрсатилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишни ўз ичига олади.

Ушбу товар-моддий қийматликларни (йўлдаги, юклаб жўнатилган ва ҳоказо товарлар) ҳисобга олувчи счётларда тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланган суммаларгина қолиши мумкин: йўлда бўлганлари бўйича — мол етказиб берувчиларнинг счёт — тўлов талабномалари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар билан; юклаб жўнатилганлари бўйича — харидорлар тақдим этган счёт-фактуралар нусхалари ва тўлов талабномалари нусхалари билан; тўлаш муддати ўтган ҳужжатлар бўйича эса — банк муассасасининг картотекаларда тўлов талабномалари мавжудлигини албатта тасдиқлаши билан; бошқа ташкилотларнинг омборларида жойлашганлари бўйича — инвентарлаш санасига яқин бўлган санага қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан; битта шаҳардаги мол етказиб берувчиларнинг омборларида бўлганлари бўйича — инвентарлашни ўтказиш санасига қайта расмийлаштирилган сақланган тилхатлар билан.

Ана шу счётлар (талабномалар) бошқа корреспонденцияланувчи счётлар билан олдиндан солиштирилиши керак.

Харидорлар ёки буюртмачиларнинг уларга юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашида узоқ вақт кечикиш юз берганда ана шу кечикишнинг сабаблари аниқланади, улар инвентарлаш комиссиясининг баённомасида қайд этилади.

Келиб тушган товар-моддий қийматликлар кирим қилинмаганлиги фактлари аниқланганда уларни олган шахсларнинг тушунтиришлари талаб қилиниши, сунистеъмоллик ҳолатида эса материаллар тергов органларига оширилиши керак.

Йўлда бўлган, юклар жўнатилган, харидорлар томонидан муддатда тўланмаган ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг омборларида бўлган товар-моддий қийматликларга алоҳида-алоҳида инвентаризация рўйхатлари (далолатномалар) тузилади.

Йўлда бўлган товар-моддий қийматликларга доир рўйхатларда ҳар бир жўнатма бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилади: номи (хужжат бўйича), миқдори ва қиймати (ҳисоб маълумотларига биноан), юклар жўнатиш санаси, шунингдек, ушбу қийматликлар тегишли счётларда ҳисобга олинишига асос бўлган хужжатларнинг рўйхати ва рақамлари. Бунда белгиланган муддатда келиб тушмаган ҳамда ҳисобда йўлдаги материаллар ва товарлар сифатида қайд этилган юклар бўйича уларни қидириб топиш учун қандай чоралар кўрилганлигини текшириш зарур.

Юклар жўнатилган ва харидорлар ҳақини муддатда тўламаган товар-моддий қийматликларга доир рўйхатларда ҳар бир алоҳида жўнатма бўйича харидорнинг номи, товар-моддий қийматликларнинг номи, юклар жўнатиш санаси, счёт-фактура ёзилган сана, счёт-фактуранинг рақами ва счёт-фактура бўйича суммаси келтирилади.

Хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг омборларида сақланаётган товар-моддий қийматликлар рўйхатларга ушбу қийматликларни масъул сақлашга топширилганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар асосида киритилади. Ушбу қийматликлар бўйича рўйхатларда уларнинг номи, миқдори, нави, ҳақиқатдаги қиймати (ҳисоб хужжатлари бўйича), юкни сақлашга қабул қилиш санаси, сақлаш жойи, хужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

Ана шу қийматликлар масъул сақлашда бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан инвентаризация рўйхатларининг нусхалари олинганда комиссия қийматликларнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини (инвентаризация рўйхатлари нусхаларининг маълумотлари асосида) хужжатларга биноан белгиланган миқдор билан таққослайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларда қайта ишлашда бўлган товар-моддий қийматликлар бўйича рўйхатларда қайта ишловчи корхонанинг номи, қийматликлар номи, миқдори, ҳисоб маълумотлари бўйича ҳақиқатдаги қиймати, қийматликларни қайта ишлашга бериш санаси, хужжатларнинг рақамлари ва санаси кўрсатилади.

#### ***Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг инвентаризацияси.***

Фойдаланишда бўлган инвентар ва хўжалик жиҳозлари улар жойлашган ер ва масъул сақлашда бўлган шахслар бўйича инвентаризациядан ўтказилади.

Инвентаризация ҳар бир буюмни кўздан кечириш йўли билан ўтказилади. Инвентаризация рўйхатларига инвентар ва хўжалик жиҳозлар

бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага мувофиқ номлари бўйича киритилади.

Шахсан фойдаланиш учун ходимларга берилган инвентар ва хўжалик жиҳозлари инвентаризациядан ўтказилганда гуруҳий инвентаризация рўйхатларини тузишга йўл қўйилади, уларда ана шу буюмлар учун масъул бўлган, уларга шахсий varaқчалар очилган шахслар кўрсатилиб, рўйхатларда тилхатга имзо чектирилади.

Ювиш ва тузатишга юборилган маҳсус кийим (коржом) ва сочқидастурхонлар инвентаризация рўйхатига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қайднома-юкхатлари ёки квитанциялари асосида ёзилиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган ва ҳисобдан ўчирилмаган инвентар ва хўжалик жиҳозларига ишчи инвентаризация комиссияси томонидан белгиланган шаклда далолатномалар тузилиб, фойдаланиш вақти, яроқсиз бўлиш сабаблари, ушбу буюмлардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятлари кўрсатилади.

#### ***Идишлар инвентаризацияси.***

Идиш рўйхатларга турлари, мақсадли вазифаси ва сифат ҳолатига (янги, ишлатилган, тузатишни тақозо этадиган ва ҳ.к.) биноан киритилади.

Текшириш олдидан бўш идиш турлари бўйича танланиши керак, яъни:

- ёғоч идишлар (яшиқлар, бочкалар);
- картон идишлар;
- металл идишлар (флягалар, барабанлар);
- тўқимачилик идишлари (қоплари).

Яроқсиз ҳолга келган идишларга ишчи инвентаризация комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, сабаблари ва идиш учун масъул шахслар кўрсатилади.

#### ***Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризацияси.***

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризацияси унинг ҳажмлари ва ҳақиқий таннарҳини Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом ва унинг асосида ишлаб чиқилган тармоқ йўриқномаларига мувофиқ белгиланган тартибдан аниқлаш мақсадини қўяди.

Саноат корхоналарига келсак, мисол учун, қуйидагилар зарур:

- ишлаб чиқаришда бўлган буюмлар захираларини (деталлар, узеллар, агрегатлар) ва тайёрланиши ҳамда йиғилиши тугалланмаган буюмларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш;
- ҳисобга олинмаган яроқсиз маҳсулотни аниқлаш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш (захиралар)нинг ҳақиқатда комплектлангани ва йиғишнинг деталлар билан таъминланганини аниқлаш;

— бекор қилинган буюртмалар, шунингдек, бажарилиши тўхтатиб қўйилган буюртмалар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини аниқлаш;

— ишлаб чиқаришда бўлган захиралар (деталлар, узеллар, агрегатлар) ва тайёрланиши ҳамда йиғилиши тугалланмаган буюмларнинг ҳақиқий таннархини белгилаш.

Инвентаризация бошланишидан олдин омборларга цехлар учун зарур бўлмаган барча металллар, харид қилинган деталлар, шунингдек, ишлов берилиши мазкур босқичда тугалланган барча деталлар, узеллар ва агрегатлар топширилиши лозим.

Цехларда бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари ва ярим тайёр маҳсулотлар уларнинг миқдорини тўғри ва қулай усулда санашни таъминлайдиган тартибга келтирилиши керак.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари (деталлар, узеллар, агрегатлар) қолдиғини текшириш амалда санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

Рўйхатлар ҳар бир цех (участка, бўлим) бўйича захиралар номи, уларнинг тайёрлик босқичи ёки даражаси, миқдори ёки ҳажмини кўрсатиб, қурилиш-монтаж ишлари бўйича эса — уларга доир ҳисоб-китоблар уларга доир ишлар тўла тугалланганидан кейин, оралиқ тўловларсиз амалга ошириладиган тугалланмаган корхоналар, уларнинг навбатлари, объектлари, ишга тушириладиган мажмуалар бўйича ишлар ҳажмини кўрсатиб; конструктив элементлар ва иш турларининг тугалланмаган қисмлари бўйича тузилади.

Иш жойларида бўлган, ишлов берилмаган хом ашё, материаллар ва харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш рўйхатига киритилмайди, балки алоҳида инвентаризациядан ўтказилади ва алоҳида рўйхатларда қайд этилади.

Узил-кесил яроқсиз қилинган деталлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибига киритилмайди.

Бир хилдаги масса бўлмаган ёки аралашма бўлган (тегишли sanoat тармоқларида) тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентаризация рўйхатларида, шунингдек, солиштириш қайдномаларида иккита миқдорий кўрсаткич келтирилади: ана шу масса ёки аралашма миқдори ва унинг таркибига қирадиган хом ашё ёхуд материаллар (алоҳида номлар бўйича) миқдори. Хом ашё ёки материаллар миқдори техник ҳисоб-китоблар билан тармоқ йўриқномаларида белгиланган тартибда белгиланади.

#### ***Ҳайвонлар ва кичик ёшдаги ҳайвонлар инвентаризацияси.***

Катта ёшли маҳсулдор ва иш ҳайвонлари инвентаризация рўйхатларида қайд этилади, уларда: ҳайвоннинг рақами (бирка, тамғаси), ҳай-

воннинг лақаби, туғилган йили, насли, семизлик даражаси, ҳайвоннинг тирик вазни (оғирлиги) (вазни (оғирлиги) кўрсатилмайдиган отлар, туялар, хачирлар, буғулардан ташқари) ва бошланғич қиймати кўрсатилади.

Ҳайвоннинг насли уни бонитировкалаш маълумотлари асосида кўрсатилади.

Қорамол, иш ҳайвони, чўчқалар (урғочи чўчка ва эркак чўчқалар), қўй ва бошқа ҳайвонларнинг алоҳида қимматли нусхалари (наслдор ўзаги) рўйхатларга яқка тартибда киритилади. Гуруҳ тартибида ҳисобга олинadиган асосий поданинг бошқа ҳайвонлари рўйхатларга ёш ва жинс гуруҳлари бўйича киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича бош сони ва жонли вазни (оғирлиги) кўрсатилади.

Ёш қорамоллар, ёш наслдор отлар ва иш ҳайвонлари инвентаризация рўйхатларига яқка тартибда киритилиб, инвентар рақамлари, лақаблари, жинси, насли ва ҳоказолар кўрсатилади.

Боқувдаги ҳайвонлар, ёш чўчқалар, қўй ва эчкилар, парранда ҳамда гуруҳ тартибида ҳисобга олинadиган бошқа хил ҳайвонлар рўйхатларга ҳисоб регистрларида қабул қилинган номенклатурага кўра киритилиб, ҳар бир гуруҳ бўйича бош сони ва жонли вазн (оғирлик) кўрсатилади.

Рўйхатлар ҳайвон турлари бўйича цехлар, фермалар, бўлимлар, бригадалар бўйича, ҳисоб гуруҳлари ва моддий жавобгар шахсларга ажратиб тузилади.

Камомоди инвентаризация вақтида аниқланган етишмайдиган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқланишига қадар 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётида акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомоди суммаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолларда инвентаризация натижасида топилган товар-моддий захираларнинг камомоди суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади. Етказилган зарарларни моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сон, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда товар-моддий захиралар камомади бўйича зарарлар суммаси молия-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида 9410 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебитида 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилардан келиб тушган товар-моддий захираларни қабул қилишда аниқланган камомад ва йўқотишлар, шунингдек уларнинг шартномада назарда тутилгандан юқори камомади ёки бузилиши 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» счётининг дебитида ҳисобга олинади. Йўқотишларнинг айбдорларига даъво тақдим этилади ва агар улар даъвони қанотлантирмасалар, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилинади. Суд томонидан юқоридаги йўқотишлар суммасини айбдорлардан ундириш рад этилган ҳолларда, бундай операци-ялар бухгалтерия ҳисобида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счё-тининг дебити ва 4860 «Даъволар бўйича олинadиган счётлар» счёти-нинг кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади.

## **11-§. Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг тизимлари**

Маҳсулот ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнининг характери ва хусусиятларига боғ-лиқ ҳолда товар-моддий захиралар ҳисоби қуйидаги: узлуксиз (дои-мий) ёки даврий ҳисобга олиш тизимларидан бири бўйича амалга оши-рилиши мумкин.

*Товар-моддий захираларни узлуксиз (доимий) ҳисобга олиш.*

Товар-моддий захираларни узлуксиз ҳисобга олиш тизимидан фой-даланилганда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш счётларида улар-нинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши бўйича операциялар батафсил акс эттириб борилади. Натижада бутун ҳисобот даври мобайнида қуй-идагилар аниқ бўлади: маълум бир товар-моддий захираларнинг мав-жудлиги ва сотилган захираларнинг таннархи. Сотилган товар-моддий захираларнинг таннархи, сотишнинг боришига қараб «Сотилган маҳсу-лот таннархи» счётида акс эттирилади.



### ***Товар-моддий захираларни даврий ҳисобга олиш.***

Даврий ҳисобга олиш тизими қўлланилганида йил давомида товар-моддий захираларни батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатдаги мавжудлиги уларни инвентаризация натижалари бўйича аниқланади. Сотилган товар-моддий захираларнинг таннархи уларни инвентаризацияси якунланишига қадар аниқланиши мумкин эмас, чунки сотилган товар-моддий захираларнинг таннархини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$\begin{aligned} & \text{Ҳисобот даври бошига товар-моддий захираларнинг қолдиғи} \\ & \qquad \qquad \qquad + \\ & \text{Товар-моддий захираларнинг келиб тушиши} \\ & \qquad \qquad \qquad = \\ & \text{Сотиш учун тайёр товар-моддий захираларнинг таннархи} \\ & \qquad \qquad \qquad \text{—} \\ & \text{Ҳисобот даври охирига товар-моддий захираларнинг қолдиғи} \\ & \qquad \qquad \qquad = \\ & \text{Сотилган товар-моддий захираларнинг таннархи} \end{aligned}$$

Даврий ҳисобга олиш тизими қўлланилганида товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи баланс счётларидаги қолдиқ инвентаризация тугаунга қадар бошланғич даражада ўзгармай туради. Товар-моддий захираларни барча ҳаракатлари харажатларни ҳисобга олувчи вақтинчалик счётларда акс эттирилади, масалан, материалларни харид қилиш «Асосий материал захиралар» баланс счётида эмас, балки «Материалларни харид қилиш» счётининг дебетида акс эттирилади. Ҳисобот даври охирида товар-моддий захираларнинг қолдиғининг инвентаризацияси натижалари бўйича товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи баланс счётларини «Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар» счётлари билан боғланган ҳолда дебетлаш ёки кредитлаш орқали тузатиш ёзувлари амалга оширилади. Сотилган товар-моддий захираларнинг таннархи бутун ҳисобот даври мобайнида «Материалларни харид қилиш» счётининг дебетида «Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар» счётининг қолдиқ суммасига тузатиб йиғиб борилади. Товар-моддий захиралар билан боғлиқ операцияларни товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг даврий ва узлуксиз тизимларига мувофиқ акс эттириш 15-расмда келтирилган.

Даврий ҳисобга олиш тизимидан фойдаланилганда товар-моддий захиралар операциялари билан боғлиқ счётларига тузатиш киритиш тар-

**Операциялар**

А: Дастлабки ТМЗ

100 бирлик \$6 = \$600

Б: Сотиб олиш

900 бирлик \$6 = \$5400

В: Сотиш

600 бирлик \$12 = \$7200

Г: Охириги ТМЗ

400 бирлик \$12 = \$2400

**ДАВРИЙ**

## Сотиш

7200 В

## Олинадиган счётлар

В 7200

## ТМЗ

А 600

600 Г

Г 2400

## Таннарх

В 3600

## Тўланадиган счётлар

5400 В

## Сотиб олишлар

Б 5400

5400 Г

**УЗЛУКСИЗ**

## Сотиш

7200 В

## Олинадиган счётлар

В 7200

## ТМЗ

А 600

Б 5400

3600 В

Г 2400

## Таннарх

В 3600


## Тўланадиган счётлар

5400 В

Ёнадиган ёзувлар талаб қилинмайди



15-расм. ТМЗни ҳисобга олиш тизимлари.



16-расм. ТМЗ счётларини тузатиш ва ёпиш.

тиби ҳамда ҳисобот йили охирида товар-моддий захираларни қолдиғини хато акс эттириш натижалари 16-расмда келтирилган.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизимларида товар-моддий захираларни сотилган ва қолдиғи таннархини баҳолаш усуллари (ФИФО, ЛИФО ва ўртача тортилган қиймат бўйича)дан фойдаланиш ҳисобот даврининг соф фойдасига таъсири 17-расмда келтирилган.

ТМЗ бўйича маълумотлар

01.01.1997 Дастлабки ТМЗ:	1 000 бирлик, бир бирлиги нархи 5 ш.б.
10.01.1997 Сотиб олиш:	200 бирлик, бир бирлиги нархи 8 ш.б.
15.01.1997 Сотиш:	500 бирлик, бир бирлиги нархи 12 ш.б.
20.01.1997 Сотиб олиш:	300 бирлик, бир бирлиги нархи 6 ш.б.
01.01.1997 Якуний ТМЗ:	1 000 бирлик (1000 + 200 - 500 + 300)

Давр охирида ТМЗни ҳисоб-китоби:

ЛИФО — даврий:	= (1 000 x 5 ш.б.)	5 000 ш.б.
Ўртача тортилган ТМЗ	= (1 000 x 5) + (200 x 8) + (300 x 6) / 1 500 x 1 000	5 600 ш.б.
→ ФИФО — даврий:	= (300 x 6) + (200 x 8) + (500 x 5);	5 900 ш.б.
→ ФИФО — узлуксиз:	= (300 x 6) + (200 x 8) + (500 x 5);	5 900 ш.б.
Ўзгарувчан ўртача:	= (((1 000 x 5) + (200 x 8)) / 1 200) x 700 + (300 x 6)	5 650 ш.б.
ЛИФО — узлуксиз:	= (700 x 5) + (300 x 6)	5 300 ш.б.

Фойда ва зарарлар ҳисоботига таъсири

	Даврий тизим			Узлуксиз тизим		
	ЛИФО	Ўртача	ФИФО	ЛИФО	Ўртача	ФИФО
Сотиш	6 000	6 000	6 000	6 000	6 000	6 000
Сотиш учун товарлар	8 400	8 400	8 400	8 400	8 400	8 400
Якуний ТМЗ	(5 000)	(5 600)	(5 900)	(5 900)	(5 650)	(5 300)
Сотилган ТМЗ таннархи	3 400	2 800	2 500	2 500	2 750	3 100
Ялпи фойда	2 600	3 200	3 500	3 500	3 250	2 900
Операцион харажатлар	1 800	1 800	1 800	1 800	1 800	1 800
Солиққа тортилгунча даромадлар	800	1 400	1 700	1 700	1 450	1 100
Фойда солиғи 35 %	280	490	595	595	508	385
Соф фойда	520	910	1 105	1 105	942	715
<b>ФИФО бўйича пул маблагларини иқтисоди</b>	315	105				

17-расм. Давр охирида ТМЗни ҳисоб-китоби.

## **12-§. Товар-моддий захиралар билан боғлиқ маълумотларни очиб бериш**

БХМС № 4 га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида товар-моддий захираларга тегишли қуйидаги маълумотларни очиб бериши керак:

— товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш чоғида қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини баҳолашнинг қўлланадиган усуллари;

— товар-моддий захираларнинг якуний баланс суммаси ва баланс суммаси ташкилотга мувофиқ келадиган таснифда;

— сабабларини баён этган ҳолда, товар-моддий захираларни сотишнинг соф қийматига қадар салмоқли ҳисобдан чиқариш;

— ҳар қандай қисман ҳисобдан чиқарилган суммани тиклаш суммаси;

— хўжалик фаолиятининг ҳисобдан чиқарилган товар-моддий захираларни тиклашга олиб келган ҳолатлари ёки воқеалари;

— мажбуриятлар учун кафолат сифатида гаровга қўйилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати;

— ҳисобот даврида чиқиб кетадиган товар-моддий захиралар тан-нархи.

### **III боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳлар**

#### **1-§. Активни асосий восита сифатида тан олиш**

Асосий воситаларни ҳисобга олишда уларни актив сифатида тан олинган пайтини белгилаш, мазкур активларга нисбатан қўлланиладиган уларнинг баланс қийматини ва амортизацияни ҳисоблаш усуллари белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетиши ҳисобига молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш муҳим йўналишлари бўлиб ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиб асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қилиб қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

— активларни асосий воситалар сифатида қабул қилиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни шакллантириш;

— асосий воситаларни келиб тушиши, уларнинг корхона ичида ҳар хил таркибий бўлинмалар (филиаллар) бўйича ҳаракатини ишончли ва ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш ва ҳисобда акс эттириш;

— асосий воситалар объектларини техник кўриқдан ўтказиш ва техник хизмат кўрсатиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

— амортизацияни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш;

— асосий воситаларни сотиш ва бошқа чиқиб кетишидан молиявий натижаларни тўғри аниқлаш;

— асосий воситаларни сақлаш билан боғлиқ (техник кўриқдан ўтказиш, ишчи ҳолатида сақлаш ва бошқа) ҳақиқий харажатларни аниқлаш;

— бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларни сақланишини назоратини таъминлаш;

— асосий воситалардан фойдаланишни таҳлил қилиш;

— молиявий ҳисоботларда очиб бериш керак бўлган асосий воситалар тўғрисидаги ахборотларни олиш.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисоби ва улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиб бериш республикамизда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар» (кейинги ўринларда — БХМС № 5 деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом;

2002 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг 4-сон, Молия вазирлигининг 129-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2002-86-сон кўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган Асосий фондларни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш ўтказишнинг тартиби тўғрисидаги низом.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби услубиятини у ёки бу фаолият турига боғлиқ бўлмаган ҳолда тартибга солади. Юқорида санаб ўтилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда узок муддатли (капитал) мулкларни асосий воситалар таркиби киритиш мезонлари, бошланғич қийматнинг шаклланиши ва кейинчалик ўзгартириш тартиби белгилаб берилган. Шунингдек фойдали ишлатиш муддатини аниқлаш тартиби, амортизация ҳисоблаш усуллари, асосий воситаларни қайта тиклаш бўйича капитал ва жорий харажатларни тан олиш тартиби, асосий воситаларни чиқиб кетиши ҳисоби, молиявий ҳисобларда ҳисоб ахборотларини очиб бериш қоидалари батафсил кўриб ўтилган.

Юқорида санаб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари асосий воситаларни алоҳида хўжалик операцияларида ва фаолият турларида ҳисобга олишда ва асосий воситаларни ҳисоботларда акс эттириш учун қуйидагилардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;

— «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 4) «Товар-моддий захиралар» (кейинги ўринларда БҲМС № 4 деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 19) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (кейинги ўринларда БҲМС № 19 деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» (кейинги ўринларда БҲМС № 21 деб юритилади);

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби» (кейинги ўринларда БҲМС № 22 деб юритилади);

— 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сон, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-57-сон, Марказий банкнинг 257-В-сон, Давлат статистика қўмитасининг 8-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом;

— 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сон, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатга олинган Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низом;

— ва бошқа бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.



Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тизимида асосий воситаларнинг ҳисоби МХХС (IAS) 16 «Асосий воситалар» билан тартибга солинади. Асосий воситаларни ҳисоби бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва таққослаш уларда назарда тутилган меъёрий-ҳуқуқий меъёрлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари меъёрларига тўлиқ тўғрисида келишини кўрсатди.

Асосий воситалар ишлаб чиқаришнинг моддий қисмининг асосини ташкил этади. Меҳнат қуроллари сифатида фойдаланишга қабул қилиниб, улар хом ашё ва материаллар билан иш кучини бирлаштириб янги қиймат яратиладиган ишлаб чиқариш жараёнини ишлашини таъминлайди. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ўзини моддий шаклини сақлаб қолиши билан тавсифланади. БХМС № 5 да асосий воситалар корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юртишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар сифатида белгилаб ўтилган. Асосий воситалар кўп ҳолларда корхона активларини асосий қисмини ташкил қилади ва шунинг учун молиявий ҳисоботда унинг молиявий ҳолатини кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлади. Агар корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса ва актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса, асосий воситалар актив сифатида тан олинади.

Асосий воситалар объектларини тан олишнинг биринчи шартига мос келишини аниқлашда корхона бошланғич тан олиш вақтида мавжуд бўлган фактларга асосланиб келгусида иқтисодий фойда олиниши мумкин бўлган эҳтимоллик даражасини баҳолаши керак. Бу корхонани олинган активларга эғалик қилиш, фойдаланиш ва фармойиш бериш билан боғлиқ келгусидаги барча муқофотлар ўзига тегишли эканлигига ва у ушбу активга эғалик қилиш билан боғлиқ барча хавфни ўзига олишига ишончи комил бўлиши кераклигини билдиради. Ушбу иқтисодий фойдани олишга етарли эҳтимоли мавжуд бўлиши корхона актив билан боғлиқ иқтисодий фойдани олиши ва тегишли хавфни ўзига олишига нисбатан аниқлашни талаб қилади. Бундай аниқлаш одатда иқтисодий фойда ва хавф тўлиқ равишда корхонага ўтганда мавжуд бўлади. Асосий воситаларни тан олишнинг юқорида келтирилган иккинчи шарт амалиётда бухгалтерия ҳисобини енгил қанотлантиради, чунки активни сотиб олиш тўғрисида гувоҳлик берувчи айирбошлаш операциялари натижасида унинг

қиймати аниқланади. Бунда, агар актив корхонанинг ўзининг кучи билан яратилган бўлса, у ҳолда унинг ишончли баҳоланиши ташқи томонлар билан материалларни харид қилиш билан боғлиқ операцияларга, иш кучига ҳақ тўлаш ва асосий воситаларни барпо этиш (қуриш) жараёнидаги бошқа харажатларга асосланиб амалга оширилиши мумкин.

Агар мол-мулк ишлаб чиқарувчи корхонанинг омборида тайёр маҳсулот сифатида сақланаётган бўлса, у асосий воситаларга тегишли бўлган белгиларга жавоб берса ҳам асосий воситалар таркибига киритилмайди. Масалан, автомобиль заводининг тайёр маҳсулот омборидаги автомобиль унинг тайёр маҳсулоти бўлиб ҳисобланади ва айланма маблағлар таркибида ҳисобга олинади, лекин сотилгандан кейин улар харидорда асосий воситалар объекти бўлиб ҳисобланади. Автомобиль заводида автомобиллар ўзининг хўжалик заруриятлари учун ишлатилиши рад этилмайди. Бу ҳолда улар керакли маъмурий ва ҳисоб жараёнлари тугагандан кейин тайёр маҳсулотлардан хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилади. Асосий воситалар таркибига ўрнатиш (йирик ҳажмли йиғиш) ҳали бошланмаган ёки тугалланмаган асбоб-ускуналар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари, бошқа капитал ва молиявий қўйилмалар қўшилмайди.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бўлиб ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатлари бўйича субъектнинг уставида белгиланган вазифаларни бажаришда кўп мартаба ишлатиладиган мулкнинг бир қисми ҳисобланади. «Ишлаб чиқариш» атамасининг ишлатилиши ушбу гуруҳ активларсиз тижорат ва нотижорат корхоналари учун ҳар қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизматларни кўрсатишнинг умуман имконияти йўқлиги ҳолатини тасдиқлайди. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари деганда тармоқларнинг ноишлаб чиқариш соҳалари (уй-жой-коммунал хўжаликлариди, мактабгача болалар, тиббиёт, соғломлаштириш, маданият муассасалари ва ҳоказолар)да фойдаланиладиган активлар гуруҳлари тушунилади.

Фойдаланиш босқичига қараб асосий воситалар фойдаланишда, захира (резерв)да бўлган, қўшимча қурилиш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва қисман тугатиш ва консервация қилиш босқичида бўлганларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобида узоқ муддатли мулкларни асосий воситалар объектлари сифатида тан олинishi учун ўларни юқорида келтирилган аниқлашларга мос келиши камлик қилади. Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;
- бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик барабаридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли. Корхона раҳбари буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашдан тармоқ (машинасозлик, қурилиш, савдо, алоқа ва ҳоказолар)нинг хусусиятларига, ишчилар сони бўйича корхонанинг (микрофирма, кичик корхона, йирик корхона ва ҳоказолар) шаклига ва корхонанинг хўжалик операцияларининг ихтисослашувига асосланиши мумкин. Масалан, устки кийимларни кимёвий тозалаш билан шуғулланувчи «Фарес» хусусий корхонаси корхона раҳбари томонидан тасдиқланган 2009 йил учун ҳисоб сиёсатини тайёрлади. Ҳисоб сиёсатининг «Асосий воситалар» бўлимида «асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади: а) бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати; б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 12 барабаридан ортиқ бўлган буюмлар» деб келтирилган.

Бунда хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

— махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

— махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

— кўрпа-тўшак анжомлари;

— ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

— ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-сочиклар;

— тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннаригига киритиладиган вақтинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва қурилмалар;

— камида бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштирилладиган ускуналар;

— ов қуроллари (траллар, тўрлар, кармоқлар, матрапалар, мережалар ва бошқалар).

Шунингдек қуйидагилар ҳам асосий воситалар бўлиб ҳисобланмайди:

— ишлаб чиқарувчининг омборида тайёр маҳсулот сифатида, савдо фаолиятини амалга оширувчи корхоналарнинг омборида товар сифатида ҳисобда турган машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа шунга ўхшаш буюмлар;

— ўрнатишга берилган ёки ўрнатиладиган, йўлдаги буюмлар;

— капитал ва молиявий қўйилмалар.

Одатда асосий воситаларга қуйидагилар киради: бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар, ишчи ва кучлантирувчи машина ва асбоб-ускуналар, ўлчов ва бошқарув ускуналари ҳамда жиҳозлари, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ҳамда жиҳозлари, ишчи, маҳсулдор ва наслдор хайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар, хўжалик ичидаги йўллар ва бошқа объектлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида марказлаштирилган режали иқтисодиётдан фарқли равишда бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларнинг янги объектлари қонунчиликка мувофиқ корхона мулкдорлигига берилган ер участкалари сифатида вужудга келади ва ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентар объекти ҳисобланади. Бунда, асосий воситаларнинг инвентар объекти сифатида барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм тан олиниши керак. Масалан, ишлаб чиқариш биноларини барпо этишда одатда уларга ёнғинга қарши, ҳаво алмаштириш, иситиш тизимлари бириктирилади. Бундай қурилмалар бухгалтерия ҳисобида бино билан яхлит ҳолда бир инвентар объекти сифатида кўрилади. Бироқ, асосий бинога бириктирилган йўловчи ёки юк ташувчи лифтлар, совутиш бўлмалари, ишлаб чиқариш печлари одатда алоҳида инвентар объектлари сифатида қаралади. Ўз навбатида ўзини бир бутунлигини намён қиладиган ва аниқ бир ишни бажаришга мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуаси ҳам инвентар объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу ерда конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуаси сифатида умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда қурилган, натижада мажмуага кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки фақатгина мажмуа таркибида бажара оладиган бир ёки турли мўлжалдаги битта ёки бир нечта буюмлар тушунилади. Бироқ, битта асосий воситада турлича фойдали фойдаланиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлган ҳолларда ҳар бир бундай

объект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентар объекти сифатида тан олинади. Юқорида келтирилган мисолга қайтиб, фараз қиламиз, корхона фойдали хизмат муддати 40 йил бўлган ишлаб чиқариш биносига эга ва унга фойдали хизмат муддати мол етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан кафолатланган 25 йилдан иборат замонавий ёнғинга қарши тизим ўрнатилган. Мазкур ҳолда бинога ўрнатилган ёнғинга қарши тизими асосий воситаларнинг алоҳида инвентар объекти сифатида ҳисобга олинishi керак.

Ерни тубдан яхшилаш (қуришиш, суғориш ва бошқа мелиоратив ишлар) бўйича ер участкаларига, табиатдан фойдаланиш объектлари (сув, ер ости ва бошқа табиий ресурслар)га капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобига мустақил инвентар объекти сифатида (капитал қўйилмалар объектларинг турлари бўйича) қабул қилинади. Корхонанинг мулкдорлигида бўлган аниқ бир участка доирасида ерни тубдан яхшилашга капитал қўйилмалар капитал тусдаги ишлар бажарилган ва қабул қилинган инвентар объекти (асосий воситалар объекти)нинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига ҳақиқий капитал харажатлар баҳоси бўйича қўшилади.

Иккита ёки ундан кўпроқ корхона улушли мулкдорлигида бўлган асосий воситалар объекти уларнинг ҳар бир томонидан бошланғич қиймати бўйича шерикнинг асосий воситалар объекти ва ўз навбатида мустақил инвентар объекти бўладиган унга тегишли умумий мулкдаги унинг улуши (умумий объектнинг қисми)га тенг миқдорда ҳисобга олинади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобини ва уларни сақланиши назоратини ташкил этиш мақсадида асосий воситаларнинг ҳар бир инвентар объектига уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилишда ва қабул қилиш бошланғич ҳужжатларини расмийлаштиришда тартибли-серияли тизим бўйича тегишли инвентар рақамлари берилади. Инвентар рақами инвентар объектнинг ўзида бўёк, темир жетон, клеймо ёки бошқа усуллар билан акс эттирилади. Кўп йиллик ўсимликлар, ерни мелоратив ҳолатини яхшилаш бўйича капитал харажатлар ва ҳоказолар бундан мустасноликни ташкил этади. Бунда инвентар рақамларини биноларга 001 дан 099 гача, иншоотларга 100 дан 199 гача, узатиш мосламаларига 200 дан 299 гача ва ҳоказо бериш тавсия этилади.

Ҳар хил фойдали ишлатиш муддатига эга ва алоҳида инвентар объекти сифатида ҳисобга олинган бир нечта қисмларга эга бўлган инвентар объектларининг ҳар бир қисмига алоҳида инвентар рақами берилади. Агар бир неча қисмлардан иборат объект бўйича объектлар учун умумий фойдали ишлатиш муддати белгиланган бўлса, у ҳолда кўрсатилган объект битта инвентар рақами билан ҳисобга олинади.

Асосий воситалар инвентар объектига берилган инвентар рақами унинг мазкур корхонада бўлган бутун даври давомида (шу жумладан объектни оператив ижарага топширишда, захирага чиқарилганда, капитал таъмирлашда, консервация қилинганда, реконструкция қилинганда ва ҳоказоларда) сақланиб қолади. Чиқиб кетаётган асосий воситалар инвентар объектларининг инвентар рақамини чиқиб кетиш йили тугагандан кейин беш йил давомида бухгалтерия ҳисобига янгидан қабул қилинган объектларга бермаслик тавсия этилади.

## **2-§. Асосий воситаларни келиб тушиши ва баҳоланиши**

Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда улар бошланғич қиймат бўйича баҳоланади. Бунда бошлағич қиймат бўлиб тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг қиймати тушунилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқлари бошқа ҳолатларда қопланмайдиган солиқлар ҳисобланади, яъни солиқ тўловчи корхоналар томонидан мазкур солиқлар тўланаётган вақтда қоплашга олиш ҳисобга олинади, лекин асосий воситалар объектлари сотиб олинганда (қурилганда) юқорида санаб ўтилган солиқлар уларнинг бошланғич қийматига қўшилади.

Амалиётда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг келиб тушиш манбаидан келиб чиқиб аниқланади. Асосий воситалар корхонага келиб тушиши манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг қурилган объектни қабул қилиш-топшириш;

— олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

— устав капиталига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиши;

— таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;

— текинга келиб тушиши (ҳада шартномаси бўйича);

— айирбошлаш;

— товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

- молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Корхона томонидан асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ тегишли харажатлар амалга оширилган ҳолларда уларнинг бошланғич қиймати шу харажатлар суммасига кўпаяди.

Харид қилиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

- асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

- божхона божлари ва йиғимлари;

- асосий воситалар объектларини олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

- асосий воситалар объектларини олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

- асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

- асосий воситалар объектини олишдаги воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

- активдан фойдаланиш мақсади бўйича уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, харид қилинган асосий воситаларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, асосий воситаларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани алмаштириш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), асосий воситаларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

БҲМС № 21 га мувофиқ мулкый ҳуқуқи корхонага тегишли асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, фойдаланишда, консервацияда бўлган ёки қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги сўхётларда амалга оширилади:

- 0110 «Ер»;
- 0111 «Ерни ободонлаштириш»;
- 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»;
- 0120 «Бино, иншоот ва узатувчи мосламалар»;
- 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»;
- 0140 «Мебель ва офис жиҳозлари»;
- 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;
- 0160 «Транспорт воситалари»;
- 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар»;
- 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар»;
- 0190 «Бошқа асосий воситалар»;
- 0199 «Консервация қилинган асосий воситалар».

### ***2.1. Ҳақ тўлаш йўли билан харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати***

Асосий воситаларни ҳақ тўлаш йўли билан харид қилиш капитал қўйилмалар тугагандан кейин пудратчи ташкилотдан қурилган объектни қабул қилиш-топшириш ёки объектни олди-сотди шартномасига мувофиқ харид қилиш билан амалга оширилади.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қондалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Бунда буюртмачи ва пудратчи томонидан тузилган шартноманинг томонларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-боби «Пудрат» билан тартибга солинади.

Олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул сўммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади. Сотувчи сотиб олувчи-



га олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарни топшириши шарт. Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вақтда унга мансуб ашёни, шунингдек қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни топшириши шарт.

Ҳўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларининг қонуний асослари Ўзбекистон Республикасини «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида белгилаб ўтилган.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув ҳўжалик шартномаси дейилади.

Ҳўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортиментини ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизи́тларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

— активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;

— асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

— божхона божлари ва йиғимлари;

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

— асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборий ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

— асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

— асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

— асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

— активдан фойдаланиш мақсади бўйича уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган сармоя ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Ҳақ тўлаш йўли билан харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартибини мисолда кўриб ўтамиз. 2009 йил 10 августда «Юлдуз» АЖ табиий тошларни қайта ишловчи дастгоҳ сотиб олди. Шартномага мувофиқ дастгоҳнинг баҳоси 10 800 000 сўм, шу жумладан ҚҚС — 1 800 000 сўм. Шартнома шарти бўйича «Юлдуз» АЖ 2009 йил 6 августда дастгоҳнинг 40 % қиймати миқдорида аванс тўловини амалга оширди. Дастгоҳни сотиб олишда «Юлдуз» АЖ мазкур дастгоҳни техник ва бошқа кўрсаткичларини баҳолаб берадиган «Конструктор» инжиниринг компаниясининг хизматларидан фойдаланган ва шартномага мувофиқ унинг хизмат ҳақи 600 000 сўмни ташкил этган. Дастгоҳдан фойдаланиш мақсади бўйича уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар қуйидагилардан иборат: юк-лаш-тушириш ишлари — 80 000 сўм; автомобиль транспорти билан олиб келиш — 500 000 сўм, «Юлдуз» АЖнинг экспедиторининг хизмат сафари харажатлари — 100 000 сўм, дастгоҳни олиб келишдаги суғурта харажатлари — 50 400 сўм, йиғиш ва ўрнатишга ихтисослашган компанияга тўланадиган дастгоҳни ўрнатиш ва йиғиш харажатлари — 200 000 сўм, дастгоҳни синовдан ўтказишда ишлатилган материаллар қиймати — 65 600 сўм, дастгоҳни ишга тушириш жараёнида қатнашган ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари — 150 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 36 000 сўм. 2009 йил 17 августда дастгоҳ фойдаланишга топширилган. Шунингдек «Юлдуз» АЖ 2009 йил 12 августда сотиб олинган дастгоҳ бўйича юзага келган кредиторлик қарзини қолган қисмини тўлаш мақсадида «Капитал-банк»дан икки йил муддатга, 20 % йиллик ставка бўйича, фоизлари ҳар ойда тўлаб бориладиган кредит олган.

Мазкур ҳолатда 2009 йил 31 августда «Юлдуз» АЖ кредит бўйича фоизлар ҳисоблашни қуйидагича амалга оширади:

6 480 000 сўм = 10 800 000 сўм - 4 320 000 сўм;  
(6 480 000 сўм x 20 %) x (20 кун / 365 кун) = 71 014 сўм.

Дастгоҳнинг бошланғич қийматини шаклланиш тартибини кўриб чиқамиз. Дастгоҳнинг бошланғич қиймати 12 582 000 сўмга тенг.

10 800 000 сўм + 600 000 сўм + 80 000 сўм + 500 000 сўм + 100 000 сўм + 50 400 сўм + 200 000 сўм + 65 600 сўм + 150 000 сўм + 36 000 сўм.

Дастгоҳни харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖ-нинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

**2008 йил 6 август ҳолатига:**

— дастгоҳни етказиб берувчиларга аванс тўлови ўтказиб берилганда:

дебет 4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 4 320 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 4 320 000 сўм;

4 320 000 сўм = 10 800 000 сўм x 40 % / 100.

**2009 йил 10 август ҳолатига:**

— шартнома бўйича харид қилинган дастгоҳнинг қиймати:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 10 800 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 10 800 000 сўм;

— дастгоҳни етказиб берувчиларга олдин ўтказиб берилган аванс-ни қоплашга қабул қилиш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4 320 000 сўм;

кредит 4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 4 320 000 сўм;

— дастгоҳнинг техник ва бошқа кўрсаткичларини баҳолаш бўйича бажарилган ишларнинг суммаси:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 600 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 600 000 сўм;

— дастгоҳни келтириш, юклаш-тушириш, келтиришни суғурталаш харажатлари суммаси:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 630 400 сўм;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 630 400 сўм;

630 400 сўм = 500 000 сўм + 80 000 сўм + 50 400 сўм;

— дастгоҳни корхонага келтиришга масъул бўлган экспедиторнинг хизмат сафари харажатлари:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 100 000 сўм;  
кредит 4220 «Хизмат сафарига берилган  
бўнаклар» счёти ёки 6970 «Ҳисобдор  
шахсларга бўлган қарз» счёти 100 000 сўм.

**2009 йил 12 август ҳолатига:**

— олинган кредит суммасига:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 6 480 000 сўм;  
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 6 480 000 сўм;

— дастгоҳни етказиб берувчилар олдидаги қарзни тўлаш:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 6 480 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 6 480 000 сўм.

**2009 йил 17 август ҳолатига:**

— дастгоҳни ўрнатиш харажатлари суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 200 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 200 000 сўм;

— дастгоҳни синовдан ўтказиш жараёнида ишлатилган материаллар қийматига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 65 600 сўм;  
кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти 65 600 сўм;

— ишга тушириш жараёнида иштирок этган ишчиларнинг меҳнат ҳақи харажатлари:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 186 000 сўм;  
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан  
ҳисоблашишлар» счёти 150 000 сўм;  
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига  
тўловлар» счёти 36 000 сўм;

— харид қилинган дастгоҳни фойдаланишга топширилганда:

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»  
счёти 12 582 000 сўм;  
кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 12 582 000 сўм;

— дастгоҳни келтириш, юклаш-тушириш ва келтиришни суғурта-лаш харажатлари, шунингдек дастгоҳни ўрнатиш бўйича бажарилган ишлар қиймати бўйича қарзларни тўлаш:

<i>дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти</i>	<i>830 400 сўм;</i>
<i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>830 000 сўм;</i>
<i>830 400 сўм = 500 000 сўм + 80 000 сўм + 50 400 сўм + 200 000 сўм.</i>	

**2008 йил 31 август ҳолатига:**

— кредит бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

<i>дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти</i>	<i>71 014 сўм;</i>
<i>кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти</i>	<i>71 014 сўм.</i>

## **2.2. Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Корхонани ўзининг кучи билан яратилган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳам харид қилинган активларни қийматини аниқлашдаги тамойилларга асосланган ҳолда аниқланади, яъни мазкур объектларни тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммасидан иборат бўлади. Буларга хусусан қуйидагилар кириши мумкин: материал харажатлар; меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари; қурилишда иштирок этадиган амортизацияланадиган мол-мулк бўйича ҳисобланган эскириш суммаси.

Ҳўжалик усули билан қурилганда бевосита харажатлар таркибда ҳисобга олинadиган материал харажатларга қиймати фойдаланишга киритилadиган асосий воситалар қийматида ҳисобга олинadиган материалларни, асбоб-ускуналарни харид қилиш харажатлари қийматини ва ҳўжалик усули билан қурилганда қурилиш-ўрнатиш ишларини бажаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмларни қийматини киритиш лозим.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига ҳўжалик усули билан қурилганда қурилиш-ўрнатиш ишларини бажарган асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ҳамда иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов суммаси киради.

Ҳисобланган амортизация суммасига ҳўжалик усулида ишларни бажариш учун фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини киритиш лозим. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш БҲМС № 5 ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан

рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 7) «Номоддий активлар»га мувофиқ амалга оширилади.

БҲМС № 21 га мувофиқ, капитал қурилиш сметаларида, сметалойиха ҳисобларида ва титул рўйхатларида назарда тутилган бино ва иншоотларни барпо этиш, асбоб-ускуналарни, воситаларни, инвентарларни ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счётида активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Асосий воситаларни фойдаланишга киритилганда уларнинг бошланғич қиймати суммасига 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) билан боғланган ҳолда кредитланади.

Бунда қурилиш даврида қурилиш учун олинган узоқ муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизлар барпо этилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади. Корхона асосий восита (масалан, бино, иншоот ва ҳоказолар)ни қуриш (барпо этиш) билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун молия-кредит ташкилотларидан мақсадли кредит олган ҳолларда, тегишли равишда мазкур мақсадли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар объектни барпо этиш (қурилиш) пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишидан қатъи назар барпо этиш (қурилиш) жараёни давомида асосий воситалар объектнинг қийматига олиб борилиши керак.

Асосий воситаларни барпо этиш тугаган, яъни у фойдаланишга берилган ҳолларда, фоизларни капитализация қилиш тўхтатилади, асосий воситалар объектларини фойдаланишга берилгандан кейин ҳисобланган фоиз харажатлари эса корхонанинг молиявий фаолият бўйича харажатларига олиб борилади ва 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётида ҳисобга олинади.

Активни қуриш (барпо этиш) амалга ошириладиган даврда мақсадли кредитлар бўйича ҳисобланган фоиз харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Юлдуз» АЖ омборхона биносини қуришни хўжалик усулида амалга оширади. Қурилиш даври 3 йил. Қурилишни молиялаштириш учун «Капитал-банк»дан 4 йил муддатга, фоиз ставкаси йиллик 18 %, фоизлар ҳар йили тўланадиган суммаси 15 000 000 сўм бўлган кредит олинган.

«Юлдуз» АЖда кредит бўйича ҳар йили фоизлар ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$15\,000\,000 \text{ сўм} \times 18\% / 100 = 2\,700\,000 \text{ сўм.}$$

Кредитни олиш ва улар бўйича фоизларни ҳисоблаш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— олинган кредит суммасига:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти	15 000 000 сўм;

биринчи, иккинчи ва учинчи йилларда:

— ҳисобланган фоизлар бўйича харажатлар суммасига:

дебет 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счёти	2 700 000 сўм;
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти	2 700 000 сўм;

тўртинчи йил:

— ҳисобланган фоизлар бўйича харажатлар суммасига:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счёти	2 700 000 сўм;
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти	2 700 000 сўм.

### **2.3. Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Импорт операциялар ташкилот ва корхоналарнинг ташқи иктисодий фаолият шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, корхоналар ўзининг асосий фаолиятини амалга ошириш учун турли активларни импорт қилишлари мумкин. Корхоналарда активларни импортини салмоқли қисмини товар-моддий захиралар ва асосий воситалар импорти ташкил этади. Бундан келиб чиққан ҳолда, импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни харид қилиш қиймати тўғрисидаги ишончли маълумотни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, зеро бунга корхона молиявий ҳисоботларининг ва солиқ ҳисоб-китобларининг ишончилиги боғлиқдир.

Асосий воситаларни импорт қилиш бўйича операциялар ташқи савдо шартномалари билан расмийлаштирилади. Шартнома ёзма равишда тузилади ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига, ташқи савдо битими иштирокчиларининг миллий қонунчилигининг савдо, божхона ва валютани тартибга солиш соҳасидаги меъёрларига асосланади.

Аниқ бир ташқи савдо битими бўйича импорт қилинган товар (асосий воситалар) бошланғич қийматини шакллантириш тартиби нафақат унинг турига кўра, балки шартнома шартларига кўра ҳам аниқланади. Шу билан бирга, ташқи савдо шартномаси шартлари ва ушбу шартлар-

дан келиб чиқадиган харид қийматини шакллантириш ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Бунда иккита асосий шарт аниқловчи ҳисобланади: етказиб бериш базиси ва товарга бўлган мулк ҳуқуқларини экспортчидан импортчига ўтиши.

Етказиб бериш базиси — бу ташқи савдо битими иштирокчиларининг товарни жўнатиш жойидан келишилган жойгача етказиб бериш бўйича мажбуриятларни белгилаб берувчи ва товарни тасодифий ҳалокати ёки шикастланиши билан боғлиқ таваккалчиликларни сотувчидан харидорга ўтиш пайтини, шунингдек экспортчи томонидан товарни етказиб бериш билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш пайтини аниқлаб берувчи махсус шартлардир.

Товарни жўнатиш жойидан мўлжалланган манзилгача етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар турли-тумандир. Улар нафақат юкни ташиш харажатларини, балки унга йўлдош хизматлар тўловини — товарни ортишга тайёрлаш (қадоқлаш, намуналар олиш, сифат ва миқдорини текшириш ва бошқалар), ортиш-тушириш харажатлари, суғурталаш, йўлдаги юкларни саклаш ҳамда божхона тўловларини ўз ичига олади. Бу шартлар базис шартлар деб аталади, чунки сотувчи — экспортчи томонидан қопланадиган етказиб бериш харажатлари товарнинг нархига қўшилади ва шу тарика товарни бошланғич сотиш (чиқариш) нархи билан биргаликда ташқи савдо нархини шакллантиради.

Муайян базис шартларининг мазмуни алоҳида мамлакатларнинг тижорат тажрибаларида, халқаро савдо тармоқларида ва ҳатто бандаргоҳларда шаклланган савдо урф-одатлари билан аниқланади. Савдо урф-одатларининг турлича эканлиги сабабли бир хил тушунчаларнинг мазмуни турли мамлакатларда турлича талқин қилинади. 1936 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан халқаро тижорат атамаларининг изоҳлари ишлаб чиқилган ва «Халқаро тижорат қоидалари» («Инкотермс») номи билан нашр этилган. Кейинчалик улар бир неча марта қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган.

«Инкотермс» тавсиявий хусусиятга эга ва у томонларнинг ўзаро келишуви бўйича қўлланилади. Бироқ, агар шартномада етказиб беришнинг базис шартларини аниқлашда унга мурожаат қилинган бўлса, у ҳолда шартномага қўшилган шартларга риоя қилиш мажбурий бўлиб қолади.

Импорт қилинган товар-моддий қийматликларнинг харид қиймати-га таъсир қилувчи бошқа шартларидан бири бўлиб, товарга бўлган мулк ҳуқуқининг сотувчидан импортчи-харидорга ўтиш пайти ҳисобланади. Бу ҳеч бир халқаро ҳужжат билан белгилаб берилмаган, етка-



зиб беришнинг базис шартларидан ҳам келиб чиқмайди. Мулк ҳуқуқини ўтиш санасини шартномада белгилаб олиш лозим.

Товарга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасини аниқлаш — муҳим ҳолатлардан биридир, чунки ушбу кунда импорт қилинаётган товарлар бухгалтерия ҳисобига олиниши, экспорт қилинаётган товарлар ҳисобдан чиқарилиши ва товарларни сотишдан тушум ҳисобда акс эттирилиши лозим.

Етказиб беришнинг базиси ҳам, мулк ҳуқуқининг ўтиш санаси ҳам ташқи савдо битимининг иштирокчилари томонидан, томонларнинг келишуви бўйича белгилаб олинади. Бироқ, шартноманинг ҳар бир шarti шартномани бажариш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига таъсир этишини ҳамда ташқи савдо битимидан солиқ оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, шартномани имзолашдан олдин таклиф этилаётган етказиб беришнинг базис шarti ва мулк ҳуқуқининг ўтиш пайтининг ташқи савдо битими бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатларига таъсирини таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ташқи савдо шартномаларини тузишда қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

— битимнинг предмети (товар (иш, хизмат)ларнинг номи, уларнинг миқдори, тури, нави, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар);

— етказиб бериш шартлари (мулк ҳуқуқини ўтиш вақти ва товарни тасодифан нобуд бўлиш хавфи, транспорт харажатларининг тақсимланиши, суғурта бўйича харажатлар ва ҳоказолар);

— белгиланган жойга товарларни етказиб бериш амалга оширилдиган транспортнинг тури;

— шартнома қиймати;

— тўлов шартлари;

— форс-мажор ҳолатлар юзага келган ҳолларда сотувчи ва харидорнинг ўзаро муносабатлари.

Тузилган шартномага асосан қуйидаги тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиши керак:

— товарнинг счё-фактураси (инвойси), ихтисослашуви, ўраб-жойлаш варақлари, юклаб жўнатиш тўғрисидаги хабарнома;

— транспорт (коносамент), суғурта ва бошқалар.

Чет эл валютасида харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати БХМС № 22 га ва 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сон, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2004-57-сон, Марказий банкнинг 257-В-сон, Давлат статистика кўмитасининг 8-сон кўшма қарорлари билан тасдиқ-

ланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ аниқланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ асосий воситаларнинг қиймати ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши миллий валютада (сўмда), божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича хорижий валютадаги суммани ҳисоблаб ўтказиш йўли билан, тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), етказиб бериш, ўрнатиш, улаш, фойдаланишга тушириш ва активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа ҳар қандай харажатларни қўшиб аниқланиши ва акс эттирилиши керак.

Импорт бўйича харид қилинган асосий воситалар бўйича ҚҚС суммаси қоплашга қабул қилинмайди, балки уларнинг бошланғич қийматига қўшилади. Асосий воситаларни импорт қилинганда ҚҚСнинг солиқ солиши базасига божхона қонунчилигига мувофиқ аниқланган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилинганда тўланиши керак бўлган акциз солиғи, божхона божлари суммаси қўшилади.

Импорт бўйича харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши тартибини ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. 2009 йилнинг 3 августида «Юлдуз» АЖ чет эллик мол етказиб берувчи билан умумий қиймати 200 000 евро бўлган фрезерлик дастгоҳини харид қилиш бўйича шартнома тузди. Етказиб бериш шартномасига мувофиқ харидор мол етказиб берувчининг банкидаги аккредитив счётига фрезерлик дастгоҳининг қийматининг 50 %ни олдиндан ўтказиб бериши керак. 2009 йилнинг 3 августида «Юлдуз» АЖ мол етказиб берувчининг банкида аккредитив счётини очган ва шартномада кўрсатилган суммани ўтказган. Аккредитив счётини очиш санасидаги Марказий банкнинг бир евронинг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1 930 сўмни ташкил этган. Аккредитив счётини очиш билан боғлиқ харажатлар ўтказилган валюта суммасидан 0,2 %ни, аккредитив ўтказма бўйича банкнинг комиссияси ўтказма суммасидан 1,2 %ни, шартномани тайёрлаш учун ҳуқуқшунослик фирмасига тўланган сумма 150 евро, шартномани рўйхатга олиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар эса шартнома суммасидан 0,05 %ни ташкил этган. Бундан ташқари миллий валюта еврога алмаштирилганда алмаштирилган хорижий валюта

суммасидан 0,2 % миқдорда воситачилик ҳақи тўланган. 2009 йилнинг 7 августида асбоб-ускуналар юклаб жўнатилган. Фрезерлик дастгоҳини фрахти (ташиш, юклаб-тушириш ишлари, етказиб беришни суғурта қилиш, ташиш идишларига тўлаш ва бошқалар) бўйича харажатлари 40 000 еврони ташкил этган. Божхона юк декларацияси 2009 йилнинг 14 августида тақдим этилган. Божхона қонунчилигига мувофиқ божхона тўловлари куйидагилардан иборат: божхона божи 10 %, ҚҚС 20 % ва божхона йиғими 0,2 %. Божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банкнинг бир евронинг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1 940 сўм. Хорижлик мутахассислар томонидан амалга оширилган фрезерлик дастгоҳини ўрнатиш, улаш, синаш ва ишга тушириш-созлаш ишлари бўйича харажатлар 12 000 еврони ташкил қилган ва булар бўйича счёт-фактура 2009 йилнинг 21 августида тақдим қилинган (ушбу санада евро курси 1 евро 1 947 сўм бўлган). 2009 йилнинг 25 августида фрезерлик дастгоҳи фойдаланишга берилган.

Асбоб-ускунанинг бошланғич қийматини шаклланиш тартибини кўриб чиқамиз.

Биринчи навбатда фрезерлик дастгоҳини шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки евронинг сўмга нисбатан ўрнатган курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни  $200\ 000\ \text{евро} \times 1\ 940\ \text{сўм} = 388\ 000\ 000\ \text{сўм}$ .

Иккинчи навбатда фрезерлик дастгоҳини шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи  $38\ 800\ 000\ \text{сўм}$  ( $388\ 000\ 000\ \text{сўм} \times 10\ \% / 100$ ), ҚҚС  $85\ 360\ 000\ \text{сўм}$  ( $(388\ 000\ 000\ \text{сўм} + 38\ 800\ 000\ \text{сўм}) \times 20\ \% / 100$ ), божхона йиғимлари  $776\ 000\ \text{сўм}$  ( $388\ 000\ 000\ \text{сўм} \times 0,2\ \% / 100$ ). Бошланғич қийматга қўшиладиган божхона тўловлари  $124\ 936\ 000\ \text{сўм}$  ( $38\ 800\ 000\ \text{сўм} + 85\ 360\ 000\ \text{сўм} + 776\ 000\ \text{сўм}$ )дан иборат.

Учинчи навбатда фрахт (ташиш, юклаб-тушириш ишлари, етказиб беришни суғурта қилиш, ташиш идишларига тўлаш ва бошқалар) бўйича харажатларини ва фрезерлик дастгоҳини ўрнатиш, улаш, синаш ва ишга тушириш-созлаш ишлари бўйича харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Фрезерлик дастгоҳини фрахт бўйича харажатлари  $77\ 600\ 000\ \text{сўм}$  ( $40\ 000\ \text{евро} \times 1\ 940\ \text{сўм}$ )ни, фрезерлик дастгоҳини ўрнатиш, улаш, синаш ва ишга тушириш-созлаш ишлари бўйича харажатлари  $23\ 364\ 000\ \text{сўм}$  ( $12\ 000\ \text{евро} \times 1\ 947\ \text{сўм}$ ). Бошланғич қийматга қўшиладиган фрезерлик дастгоҳини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар  $100\ 964\ 000\ \text{сўм}$  ( $77\ 600\ 000\ \text{сўм} + 23\ 364\ 000\ \text{сўм}$ )дан иборат.

Тўртинчидан харид қилинган фрезерлик дастгоҳини ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларни суммасини ва уларни эквивалентини аниқлаймиз.

Аккредитив счётини очиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат:

100 000 евро = 200 000 евро × 50 % / 100;

200 евро = 100 000 евро × 0,2 % / 100;

386 000 сўм = 200 евро × 1 930 сўм.

Аккредитив ўтказма бўйича банкнинг комиссияси харажатлари қуйидагилардан иборат:

100 000 евро = 200 000 евро × 50 % / 100;

1 200 евро = 100 000 евро × 1,2 % / 100;

2 316 000 сўм = 1 200 евро × 1 930 сўм.

Шартномани тайёрлаш учун тўлов тўлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагидан иборат:

289 500 сўм = 150 евро × 1 930 сўм.

Шартномани рўйхатга олиш ва ёпиш бўйича харажатлар қуйидагидан иборат:

100 евро = 200 000 евро × 0,05 % / 100;

193 000 сўм = 100 евро × 1 930 сўм.

Чет эл валютасини алмаштириш харажатлари қуйидагидан иборат:

1000 евро = 200 000 евро × 0,5 % / 100;

1 930 000 сўм = 1000 евро × 1 930 сўм.

Бошланғич қийматга қўшилмайдиган харид қилинган фрезерлик дастгоҳини ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг умумий суммаси 5 114 500 сўмдан иборат.

Асосий воситалар таркибига кирадиган фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати 613 900 000 сўм (388 800 000 сўм + 124 936 000 сўм + 100 964 000 сўм)ни ташкил этади.

Фрезерлик дастгоҳини харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖНнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

**2009 йил 5 август ҳолатига:**

— мол етказиб берувчининг банкида аккредитив счёт очиш:

*дебет 5510 «Аккредитивлар» счёти* 193 000 000 сўм;

*кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти* 193 000 000 сўм;

193 000 000 сўм = 100 000 евро × 1 930 сўм;

— харид қилинган фрезерлик дастгоҳини ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг суммасига:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти*

5 114 500 сўм;

кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти 5 114 500 сўм.  
2009 йил 7 август ҳолатига бухгалтерия ёзувлари талаб қилин-  
майди.

2009 йил 14 август ҳолатига:

— фрезерлик дастгоҳини шартнома қийматини суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 388 000 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар  
ва пудратчиларга тўланадиган  
счётлар» счёти 388 000 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини шартнома қиймати суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 124 936 000 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 124 936 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини фрахти бўйича суммага:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»  
счёти 77 600 000 сўм;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 77 600 000 сўм;

— бюджетга божхона тўловлари бўйича қарз қопланганда:

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 124 936 000 сўм;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи  
счётлар 124 936 000 сўм;

— жамғарилган усулни қўллаган ҳолда аккредитив счётда турган  
валюта маблағларини қайта баҳоланганда:

дебет 5510 «Аккредитивлар» счёти 1 000 000 сўм;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 1 000 000 сўм;

194 000 000 сўм = 100 000 евро x 1 940 сўм;

1 000 000 сўм = 194 000 000 сўм – 193 000 000 сўм;

— тўғри усулни қўллаган ҳолда аккредитив счётда турган валюта  
мблағларини қайта баҳоланганда:

дебет 5510 «Аккредитивлар» счёти 1 000 000 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 1 000 000 сўм;

194 000 000 сўм = 100 000 евро x 1 940 сўм;

1 000 000 сўм = 194 000 000 сўм – 193 000 000 сўм;

— аккредитив счётидаги валюта маблағлари қоплашга қабул қилинганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 194 000 000 сўм;  
кредит 5510 «Аккредитивлар» счёти 194 000 000 сўм;

— аккредитив счётда турган валюта маблағларини бўйича жамғарилган ижобий курс фарқини молиявий-хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларига олиб борилганда:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти 1 000 000 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти 1 000 000 сўм;

— олинган фрезерлик дастгоҳи бўйича мол етказиб берувчилар олингандаги қарздорлик қопланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 194 000 000 сўм;  
кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти 194 000 000 сўм;

194 000 000 сўм = 388 000 000 сўм – 194 000 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳи фрахти бўйича қарздорлик қопланганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 77 600 000 сўм;  
кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти 77 600 000 сўм.

### **2009 йил 21 август ҳолатига:**

— ўрнатиш, улаш, синаш ва ишга тушириш-созлаш ишлари бўйича харажатлар суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 23 364 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 23 364 000 сўм;

— ўрнатиш, улаш, синаш ва ишга тушириш-созлаш ишлари бўйича қарздорликни қоплаш:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 23 364 000 сўм;  
кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти 23 364 000 сўм.

### **2009 йил 25 август ҳолатига:**

— асбоб-ускунани фойдаланишга топширилганда:

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 613 900 000 сўм;  
кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 613 900 000 сўм.

#### **2.4. Корхона устав капиталига улуш сифатида олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Корхона устав капиталига улуш сифатида олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, корхона таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларда устав фонди (устав капитали)га киритиладиган улуш сифатида пул, қимматли қоғозлар, бошқа нарса ёки мулк хуқуқлар ёки пулда баҳоси мавжуд бўлган бошқа бериладиган хуқуқлар бўлиши мумкин.

Жамиятни таъсис этилганда жойлаштириладиган акциялар таъсисчилар томонидан жамият давлат рўйхатидан ўтгандан кейин бир йилдан кечикмаган муддатда тўланган бўлиши. Кўрсатилган муддат ўтгандан кейин таъсисчилар томонидан тўланмаган акциялар тугатилиши керак. Жамиятнинг қўшимча акциялар мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддатида тўланган бўлиши керак. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини тўлаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоси мавжуд бўлган хуқуқлар (шу жумладан мулк) амалга оширилади. Жамиятнинг акцияларини тўлаш шакли уларни таъсис этишда жамиятни таъсис этиш шартномаси (қайта ташкил этиш қарори)да ёки жамиятнинг уставида, қўшимча акция ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришда эса уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

Улушларни пулсиз маблағлар билан тўланганда қонунчиликда куйидагилар назарда тутилган:

— хусусий корхоналарда мулкдор устав капиталига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди («Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси);

— масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларда иштирокчилар ва қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси);

— акциядорлик жамиятларида жамиятни таъсис этиш чоғида акцияга тўланадиган ҳақ сифатида топшириладиган мол-мулкнинг пулдаги

бахоси муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ чиқарилиши аниқланади. Агар жамиятнинг шу йўсинда сотиб олинаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида топширилаётган мол-мулкнинг пулдаги баҳосини мустақил нархловчи чиқариши керак.

Ушбу талаблар нима учун киритилган? Корхона ўзининг барча мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўзининг барча мол-мулки билан бажариши керак. Устав капитали ўз навбатида корхонанинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган мол-мулкни минимал миқдорини аниқлайди. Шунинг учун ҳам устав капитали нотўғри (фиктив) ёки сунъий оширилмаган бўлиши керак. Яъни улуш сифатида киритилган мол-мулкни сотишдан маблағлар улушнинг номинал қийматига мос келиши керак. Мана шунини тасдиқлаш мақсадида пулсиз киритиладиган йирик улушларни мустақил баҳолаш амалга оширилади.

Шу билан бирга оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори, яъни акцияларни дастлабки сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган эмиссион даромад, шунингдек устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларини суммаси кўринишидаги кўшилган капитал мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар кўшилган капитал таркибида ҳисобга олиншига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Корхона устав капиталига улуш сифатида олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматининг шаклланиши ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖнинг устав капитали 50 000 000 сўм қилиб рўйхатдан ўтказилган. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ таъсисчи устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси)ни ва 20 000 000 сўм суммадаги пул маблағларини киритиши керак.

Иккита ҳолатни (таъсис ҳужжатларда назарда тутилганга нисбатан устав капиталига улушни миқдори ва асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни амалга оширилишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

«Юлдуз» МЧЖнинг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 30 000 000 сўм бўлган асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси)ни киритди. Етказиб бериш харажатларини таъсисчи ўз кучи билан амалга оширди.



«Юлдуз» МЧЖнинг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган асосий воситаларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарзи» счёти 50 000 000 сўм;  
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти 50 000 000 сўм;

— устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси) келиб тушиши:

дебет 0310 «Машина ва асбоб-ускуналар»  
счёти 30 000 000 сўм;  
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарзи» счёти 30 000 000 сўм.

## **2-ҳолат.**

«Юлдуз» МЧЖнинг таъсисчиси устав капиталига улуш сифатида қиймати 31 000 000 сўм бўлган асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси)ни киритди. Омборгача етказиб беришни «Юлдуз» МЧЖнинг ишчилари томонидан амалга оширилган. Етказиб бериш харажатлари қуйидагилардан иборат: транспорт харажатлари 500 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 250 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдоридан ягона ижтимоий тўловга 60 000 сўм.

Бу ҳолатда асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси)нинг бошланғич қиймати қуйидагидан иборат:

31 810 000 сўм = 31 000 000 сўм + 500 000 сўм + 250 000 сўм + 60 000 сўм.

«Юлдуз» МЧЖнинг устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан келиб тушган асосий воситаларни кирим қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— корхона рўйхатга олинаётганда устав капитали суммасига:

дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарзи» счёти 50 000 000 сўм;  
кредит 8330 «Пай ва улушлар» счёти 50 000 000 сўм;

— устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан асосий воситалар (ичимликларни қуйиш линияси) келиб тушиши:

дебет 0310 «Машина ва асбоб-ускуналар»  
счёти 31 810 000 сўм;  
кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг  
улушлари бўйича қарзи» счёти 30 000 000 сўм;  
кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти 1 000 000 сўм;  
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 500 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	250 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	60 000 сўм.

## **2.5. Олдин бошқа корхонанинг устав капиталига киритилган таъсис улушини қайтарилишидан келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосига асосан аниқланади.

Олинаётган асосий воситаларнинг қиймати бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммасидан юқори бўлган ҳолларда, фарқ таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Бошқа корхонанинг устав капиталидаги улуши бўйича қарз суммаси олинаётган асосий воситаларнинг қиймати юқори бўлган ҳолларда, фарқ бераётган ташкилот томонидан қопланади.

Таъсисчилар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қийматининг шаклланиши ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖни устав капиталида «Мастона» МЧЖнинг суммаси 5 000 000 сўм бўлган улуши мавжуд. «Юлдуз» МЧЖ таъсисчилар таркибидан чиқиб кетмоқчи. «Мастона» МЧЖнинг таъсисчиларининг қарорига мувофиқ «Юлдуз» МЧЖ устав капиталидаги улушини асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар) билан олади.

Учта ҳолатни (таъсис улушини қайтарилганда келиб тушган асосий воситаларнинг қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Юлдуз» МЧЖ олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймати 5 000 000 сўмлик асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни қирим қилиш «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Мастона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Мастона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*

— олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасига тенг бўлган қиймат бўйича асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар) келиб тушганда:

*дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм.*

## **2-ҳолат.**

«Юлдуз» МЧЖ олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлган қиймати 6 400 000 сўмлик асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни олади ва 1 400 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни қирим қилиш «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Мастона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Мастона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»  
счёти 5 000 000 сўм;

— олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуш бўйича қарз суммасидан юқори бўлган қиймат бўйича асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар) келиб тушганда:

дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш  
техникаси» счёти 6 400 000 сўм;  
кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 1 400 000 сўм;

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олинган асосий воситаларнинг қиймати олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қопланиши:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 1 400 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 1 400 000 сўм.

### **3-ҳолат.**

«Юлдуз» МЧЖ олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммасидан кам бўлган қиймати 4 500 000 сўмлик асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни олади ва қўшимча 500 000 сўм пул маблағлари олади.

Таъсисчилар таркибидан чиқаётганда олдин бошқа корхонани устав капиталига киритилган асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар)ни кирим қилиш «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— таъсисчилар таркибидан чиқаётганда ташкилотнинг «Мастона» МЧЖнинг устав капиталига олдин киритган таъсис улуши суммасига:  
дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 5 000 000 сўм;

— узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган «Мастона» МЧЖнинг устав капиталидаги улушнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар»  
счёти 5 000 000 сўм;

— олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуш бўйича қарз суммасидан паст бўлган қиймат бўйича асосий воситалар (компьютерлар, принтерлар ва уларга бутловчи буюмлар) келиб тушганда:

*дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш*

*техникаси» счёти*

*4 500 000 сўм;*

*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 4 500 000 сўм;*

— олдин «Мастона» МЧЖ устав капиталига киритган улуши суммаси бўйича қарзни юқори бўлганлиги ҳисобига юзага келган қарз суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*500 000 сўм;*

*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 500 000 сўм.*

## **2.6. Текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Қорхона томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), етказиб бериш, ўрнатиш, улаш, фойдаланишга тушириш ва активни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай харажатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги уларнинг жорий қиймати тан олинади. Жорий қиймат деганда маълум санадаги амал қиладиган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган суммаси тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасига мувофиқ, текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг қиймати юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиққа тортиш мақсадида солиқ тўловчининг ялпи даромадига қўшилади. Мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар текин асосда олинаётганда олувчи шахснинг даромадлари бозор қиймати бўйича белгиланади. Мол-мулкнинг, мулкий ҳуқуқларнинг бозор қиймати ҳужжатлар билан ёки баҳоловчи томонидан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб жўнатиш (етказиб бериш) ҳужжатлари, етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-вараклар), оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар, биржа маълумотлари, давлат статистикаси органларининг маълумотлари эътироф этилади.

Қорхона томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз.

«Юлдуз» МЧЖни янадана кенгроқ ривожлантириш мақсадида «Фаррух» МЧЖ корхонага ўзига тегишли асосий воситалар (компьютер)ни текинга берди. Компьютернинг жорий қиймати 850 000 сўмга тенг.

Текинга (ҳада шартномаси бўйича) келиб тушган асосий воситалар (компьютер)ни кирим қилиниши «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счёти</i>	<i>850 000 сўм;</i>
<i>кредит 8530 «Текинга олинган мулк» счёти</i>	<i>850 000 сўм.</i>

### **2.7. Товар-моддий захиралар таркибидан ўтказилган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати**

Тайёр маҳсулот таркибидан асосий воситаларга ўтказилган объектларнинг бошланғич қиймати Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланадиган уларнинг ишлаб чиқариш таннархига тенг бўлади.

Тайёр маҳсулот таркибидан асосий воситаларга ўтказилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ токарлик дастгоҳларини ишлаб чиқаради. «Юлдуз» МЧЖ раҳбарияти ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган токарлик дастгоҳини янгилашга қарор қилди. Токарлик дастгоҳини ишлаб чиқариш таннархи 8 500 000 сўм, токарлик дастгоҳини созлаш-ишга тушириш жараёнида иштирок этган ишчиларга меҳнат ҳақи харажатлари 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз микдоридан ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Тайёр маҳсулот таркибидан ўтказилган токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати 8 562 000 сўм (8 500 000 сўм + 50 000 сўм + 12 000 сўм)га тенг.

Тайёр маҳсулот таркибидан ўтказилган токарлик дастгоҳини кирим қилиниши «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— тайёр маҳсулот таркибидан ўтказилган токарлик дастгоҳини қиймати:

<i>дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти</i>	<i>8 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти</i>	<i>8 500 000 сўм;</i>

— токарлик дастгоҳини созлаш-ишга тушириш жараёнида иштирок этган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти	62 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	12 000 сўм;

— тайёр маҳсулот таркибидан ўтказилган токарлик дастгоҳини фойдаланишга берилганда:

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти	8 562 000 сўм;
кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти	8 562 000 сўм.

Товар-моддий захиралар таркибидан (тайёр маҳсулотлардан ташқари) асосий воситаларга ўтказилган объектларнинг бошланғич қиймати БХМС № 4 га мувофиқ белгиланадиган уларнинг баланс қиймати га тенг бўлади.

Товар-моддий захиралар таркибидан (тайёр маҳсулотлардан ташқари) асосий воситаларга ўтказилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. Енгил автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи «Юлдуз» МЧЖ транспорт воситасини янгилашга қарор қилди. «Нексия» автомобилнинг баланс қиймати 15 000 000 сўмни, уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатга олиш билан боғлиқ харажатлар 150 000 сўм (мисол учун)ни ташкил этади.

Товарлар таркибидан ўтказилган «Нексия» автомобилнинг бошланғич қиймати 15 150 000 сўм (15 000 000 сўм + 150 000 сўм)га тенг.

Товарлар таркибидан ўтказилган «Нексия» автомобилни кирим қилиниши «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

— товарлар таркибидан ўтказилган «Нексия» автомобилни қиймати га:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти	15 000 000 сўм;
кредит 2910 «Омбордаги товарлар» счёти	15 000 000 сўм;

— «Нексия» автомобилни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатга олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти	150 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	150 000 сўм;

— товарлар таркибидан ўтказилган «Нексия» автомобиллини фойдаланишга берилганда:

<i>дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти</i>	<i>15 150 000 сўм;</i>
<i>кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти</i>	<i>15 150 000 сўм.</i>

## **2.8. Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати**

Мажбуриятлари умумий суммада ифодаланган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати мазкур суммани асосий воситаларнинг алоҳида объектининг жорий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш билан белгиланади.

Бу ерда, агар корхона битта келишилган қийматга бухгалтерия ҳисобида алоҳида-алоҳида объект сифатида идентификация қилинадиган бир нечта гуруҳ асосий воситаларни харид қилса, у ҳолда битта умумий суммага харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, яъни ҳар бир объект қирим қилиниши лозим бўлган қиймати ҳар бир объектнинг бозор (жорий) қийматининг харид қилинган асосий воситалар объектларининг умумий бозор қийматидаги улушидан келиб чиқиб аниқланиши назарда тутилган.

Битта умумий суммага харид қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши тартибини ва ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. 2009 йилнинг 20 августида «Юлдуз» АЖ «Прогресс» АЖдан умумий қиймати 450 000 000 сўм бўлган мулк мажмуасини харид қилди. Мулк мажмуаси қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш биноси, минерал ичимликларни қуйишнинг технологик линияси, компьютер мажмуаси ва офис мебеллари. Харид бўйича барча сумма 2009 йилнинг 25 августида тўланган. Рўйхатдан ўтказиш, давлат божини тўлаш, брокерлик мукофоти билан боғлиқ харажатлар, шунингдек активни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ харажатлар 50 000 000 сўмни ташкил қилган, шу жумладан харид қилинган мулкни баҳолаш харажатлари ҳам. Баҳоловчи компаниянинг ҳулосасига мувофиқ ҳар бир асосий воситалар объекти қуйидагича баҳоланган:

- ишлаб чиқариш биноси — 280 000 000 сўм;
- технологик линия — 190 000 000 сўм;
- компьютерлар мажмуаси — 30 000 000 сўм;
- офис мебеллари — 20 000 000 сўм.

Баҳоловчи компаниянинг ҳулосасидан келиб чиқиб ҳар бир асосий воситалар объектининг бозор қийматини харид қилинган асосий воситаларнинг умумий қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш билан белгиланади.



таларнинг умумий бозор қийматидаги улушини қийинчиликсиз аниқлаш мумкин ва бу қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Асосий воситалар объектлари	Бозор қиймати, сўм	Улуши, %	Ҳисоблаш
Ишлаб чиқариш биноси	280 000 000	53,8	280 000 000 / 520 000 000 x 100
Технологик линия	190 000 000	36,5	190 000 000 / 520 000 000 x 100
Компьютерлар мажмуаси	30 000 000	5,8	30 000 000 / 520 000 000 x 100
Офис мебеллари	20 000 000	3,8	20 000 000 / 520 000 000 x 100
Жами:	520 000 000		

Юқориди айтиб ўтилган мулк мажмуасини харид қилиш ва уни ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммаси 500 000 000 сўм (450 000 000 сўм + 50 000 000 сўм)ни ташкил этганлиги туфайли, харид қилинган асосий воситалар объектнинг ҳар бирининг бошланғич қиймати қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Асосий воситалар объектлари	Бошланғич қиймати	Бозор қийматининг улуши, %	Ҳисоблаш
Ишлаб чиқариш биноси	269 000 000	53,8	500 000 000 x 53,8 / 100
Технологик линия	182 500 000	36,5	500 000 000 x 36,5 / 100
Компьютерлар мажмуаси	29 000 000	5,8	500 000 000 x 5,8 / 100
Офис мебеллари	19 500 000	3,8	500 000 000 x 3,8 / 100
Жами:	500 000 000		

Мулк мажмуасини харид қилиш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— асосий воситалар объектларини харид қилишнинг умумий суммасига:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти*

*450 000 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол etказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 450 000 000 сўм;*  
— харид қилинган асосий воситалар объектлари бўйича қарзлари қопланганда:

*дебет 6010 «Мол etказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 450 000 000 сўм;*

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 450 000 000 сўм;*  
— асосий воситалар объектларини харид қилиш ва уларни ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 50 000 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 50 000 000 сўм;*

— харид қилинган асосий воситалар объектларини кирим қилиш (фойдаланишга бериш):

*дебет 0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счёти 269 000 000 сўм;*

*дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 182 500 000 сўм;*

*дебет 0140 «Мебель ва офис жиҳозлари» счёти 182 500 000 сўм;*

*дебет 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счёти 29 000 000 сўм;*

*кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 500 000 000 сўм.*

Мол etказиб берувчилардан келиб тушган асосий воситаларни қабул қилишда аниқланган камомад ва йўқотишлар, шунингдек уларнинг шартномада назарда тутилгандан юқори камомади ёки бузилиши 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебетида ҳисобга олинади. Йўқотишларнинг айбдорларига даъво тақдим этилади ва агар улар даъвои қанотлантирмасалар, хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилинади. Суд томонидан юқоридаги йўқотишлар суммасини айбдорлардан ундириш рад этилган ҳолларда, бундай операциялар бухгалтерия ҳисобида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети ва 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва БҲМС № 5 да белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўзгартирилмайди. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қий-

матини ўзгартиришга тегишли асосий воситаларнинг тегишли объектлари кўшимча қурилган, кўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция қилинган, модернизация қилинган, техник қайта қуроолантирилган, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда рухсат этилади.

### **3-§. Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар**

Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида иқтисодий фойда олишни ошириш шартларида уларнинг бошланғич қийматини оширади. Келгусида олинадиган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврдаги давр харажатлари сифатида тан олинаши лозим.

Кўшимча қуриш, кўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, модернизация қилиш ишларига асосий воситалар объектнинг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади. Яъни асосий воситалар объектлари билан боғлиқ кейинги харажатлар мазкур асосий воситалар объектини балансга бирламчи қабул қилинганда аниқланган унинг бошланғич ҳисоблаб чиқилган ишлаб чиқариш самарадорлиги меъёрларини ёки фойдали хизмат муддатини салмоқли кўпайтириб асосий воситаларни ҳолатини яхшилаганда актив сифатида (яъни асосий воситаларни бошланғич қиймати кўпайиши) тан олинади.

Одатда реконструкция қилишда ишлаб чиқариш такомиллаштирилади ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектлари қайта қурилади. Техник қайта қуроолантириш деганда илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, асосий воситалар объектларини кўшимча қуриш, кўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш,

реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг асосий воситалар объектининг фаолият юритишининг қабул қилинган бошланғич меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланганлиги (ошганлиги) сабабли, улар мос равишда бундай объектларнинг бошланғич қийматини оширади.

БҲМС № 21 га мувофиқ асосий воситалар объектларини қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришда амалга ошириладиган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)да амалга оширилади ва уларни амалга ошириш жараёни тугагандан кейин капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлари (0800)нинг кредитдан асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектларини қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш жараёни назоратини ташкил этиш мақсадида ушбу асосий воситалар объектлари бўйича инвентар карточкасини «Қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришдаги асосий воситалар» гуруҳига ўтказиб қўйиш тавсия этилади. Асосий воситалар объекти фойдаланишга келиб тушганда инвентар карточкани тегишли ўтказиб қўйиш амалга оширилади.

Агар асосий воситалар объектини қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш натижасида унинг бошланғич қийматини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинса, у ҳолда инвентар карточканинг маълумотларига тузатишлар киритилади. Кўрсатилган инвентар карточкада тузатишни акс эттириш қийин бўлса, у ҳолда қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилишни тавсифловчи янги кўрсаткичларни акс эттириш ўрнига янги инвентар карточка (олдин берилган инвентар рақамни сақлаган ҳолда) очилади.

Корхонанинг ерни тубдан яхшилаш (қуриши, сугориши ва бошқа мелиоратив ишлар)га капитал қўйилмалари ҳар йили бутун ишлар мажмуаси яқунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади. Амалга оширилган харажатлар сум-

масига 0111 «Ерни ободонлаштириш» счётининг дебети ва 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Шунингдек корхонани ерни тубдан яхшилашга капитал қўйилмаларини ҳисоби бўйича инвентар карточкасига кейинчалик асосий воситаларни бошланғич қийматини қўпайтириш билан тегишли ёзувлар қилинади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга доир капитал тусдаги тугалланган ишлар бўйича харажатлар 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётининг кредитидан 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Амалга оширилган харажатлар суммасига ижарачи томонидан алоҳида инвентар объектига алоҳида инвентар карточкаси очилади.

Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга доир капитал тусдаги тугалланган ишлар бўйича харажатлар 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счётининг кредитидан 9220 «Бошқа активларни чиқиб кетиши» счётининг дебети билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Агар ижарага берувчи томонидан харажатлар қоплаб берилса, у ҳолда харажатлар 9220 «Бошқа активларни чиқиб кетиши» счёти кредитидан 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счётининг дебети билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Агар ижарага берувчи томонидан харажатлар қоплаб берилмаса, у ҳолда харажатлар 9220 «Бошқа активларни чиқиб кетиши» счёти кредитидан 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

#### **4-§. Асосий воситаларни қайта баҳолаш**

Ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий самарадорлигини ошириш учун уларни асосий воситалар билан таъминлаш ва уларни таркибини такомиллаштириш ҳамда ҳаракатдаги асосий воситаларни ўз вақтида янгилаш, шунингдек уларни қайта тиклашни қатъий ва тенглаштирилган даражасини таъминлаш муҳим роль ўйнайди.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ва улар асосида амалдаги ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни тезлаштириш муаммоси Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. У корхоналарни янада тезроқ ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуролантиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаш-

тириш имкониятларини берадиган машина ва асбоб-ускуналарни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда қўл меҳнатини камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ресурсларини иқтисод қилишга йўналтиради.

Корхонанинг асосий воситалари қийматини амалдаги нархлар даражасига мувофиқ келтириш мақсадида уларни қайта баҳолаш амалга оширилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш деганда асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштириш тушунилади. Амалиётда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари бўйича қайта баҳоланиши (шу жумладан вақти-вақти билан) мумкин.

Мазкур ҳолларда асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Жорий қиймат деганда маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган суммаси тушунилади.

Асосий воситалар объектини ҳар йили қайта баҳолаш 2002 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 4-сон, Молия вазирлигининг 129-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-86-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган Асосий фондларни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш ўтказишнинг тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Қайта баҳолаш пайтида асосий воситаларнинг тўлиқ тиклаш қиймати аниқланади. Асосий воситаларнинг тўлиқ тиклаш қиймати деганда ташкилот объектларни худди шундай янги объектларга қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари ва тарифлари бўйича тўлиқ алмаштириш шартида қилиниши лозим бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати тушунилади. Бунда объектларни харид қилиш (куриш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса божхона тўловлари ва хоказолар ҳам харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

Маънавий эскирган объектларнинг тўлиқ тиклаш қиймати ҳам уларни тайёрлашга қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган нархлар ва та-

рифлар бўйича аниқланадиган мавжуд харажатлар асосида белгиланади. Бунда объектларнинг маънавий эскириши тегишли нархлар ва тарифларнинг ўзгариш даражалари ва суръатларида акс этиши ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришдан олинган, ҳозирги шароитда уларнинг аниқ нусхасини тайёрлаш нархлари ва харажатларини аниқлаш амалда мумкин бўлмаган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати аниқланаётганда уларнинг қиймати илгари чиқарилган ва ҳозирги объектларнинг энг муҳим фойдаланиш тавсифлари нисбати бўйича тузатилган, функционал жиҳатдан худди шундай чиқарилаётган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати асосида ўрнини босиш қиймати сифатида аниқланади.

Ташкилотлар мулкида, уларнинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва молиявий ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак. Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Асосий воситалар объектларини қайта баҳолашни ўтказиш мақсади корхона қайта баҳоланиши керак бўлган асосий воситалар объектларининг рўйхатини тузади. Рўйхатда асосий воситалар объектлари тўғрисида қуйидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш тавсия этилади: аниқ номи; харид қилиш, қуриш санаси; объектни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш учун бошланғич маълумотлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: олдинги ҳисобот йилининг 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган уларнинг бошланғич қиймати ёки жорий (қайта тиклаш) қиймати (агар асосий воситалар олдин қайта баҳоланган бўлса); кўрсатилган сана ҳолатига объектдан фойдаланишнинг барча даврлари учун ҳисобланган амортизация суммаси; ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига қайта баҳоланадиган асосий воситалар объектларининг жорий (қайта тиклаш) қиймати тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар.

Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили жорий йилнинг 1 февралигача 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. 1 январь ҳолати бўйича асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг қайта тиклаш қиймати-

дан, йил давомида келиб тушган асосий воситалар бўйича эса — бошланғич қийматидан амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг тўлиқ тиклаш қиймати, ташкилотнинг хошишига қараб, алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган объектларга айнан ўхшаш янги объектларга доир ҳужжатларга асосланиб тасдиқланган ва қайта баҳолаш ўтказилаётган йилнинг 1 январь санасида шаклланган бозор нархлари бўйича тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўли билан (тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули) ёки асосий фондлар тури бўйича ва уларнинг харид қилинганлик даврига боғлиқ бўлган асосий фондлар қиймати ўзгаришининг табақалаштирилган индексларини қўллаган ҳолда алоҳида объектларнинг дастлабки (тиклаш) қийматини индекслаш йўли билан (индекс усули) асосий воситаларнинг тўлиқ тиклаш қиймати белгиланади.

Индекслаш йўли билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказиш санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий воситалар (шу жумладан уларга доир эскириш тўла ҳисоблаб ёзилган объектлар)нинг эскириш суммаси уларни тикланиш қийматига қайта ҳисоблашда асосий воситалар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак. Асосий воситаларни тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули билан қайта баҳолашда бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициентини бўйича индексланиши керак.

Олдинги йиллик қайта баҳолашдан кейин амалга оширилган, илгарироқ хусусийлаштириш (давлат тасарруфидан чиқариш, қайта ташкил этиш) давомида қайта баҳоланган мол-мулк бўйича, мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнида ҳосил бўлган гудвилл суммаси (фирма баҳоси) қайта баҳолаш санасидаги ҳолат бўйича қайта баҳолашга доир резерв суммаси ҳисобига камайтиради.

Ташкилот қайта баҳолашни мустақил равишда ёки қонунчиликка мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган эксперт мутахассисларни жалб этган ҳолда амалга оширади.

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллаган ҳолда объектларнинг тўлиқ тиклаш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилот, хошишига кўра, қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

— тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хот ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган ҳудди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;



— қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий воситаларни харид қилиш санасига Марказий банк курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

— тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— асосий воситалар қиймати тўғрисидаги баҳоловчининг ҳисоботи.

Индекс усулини қўллаган ҳолда асосий фондларни қайта баҳолаш учун фойдаланиладиган қайта баҳолашнинг навбатдаги мос индекслари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили 31 декабр гача ишлаб чиқилади ва оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

1 январь ҳолати бўйича асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун, яъни ойлик ҳисобот тузилганда — январ ойи ҳисоботида, чораклик ҳисоботи тузилганда — биринчи чорак ҳисоботида, йиллик ҳисобот тузилганда — календарь йил ҳисоботида акс эттирилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш ўтказилган жорий даврда акс эттирилади. Қайта баҳолаш натижалари аввалги ҳисобот йилидаги молиявий ҳисобот маълумотларига киритилмайди ҳамда ҳисобот йили бошида молиявий ҳисобот маълумотларини шакллантиришда қабул қилинади. Бунда ўтган йил якуни ва ҳисобот йили бошидаги маълумотларнинг мос келмаслиги ҳисобот йилининг дастлабки санасидаги ҳолатга кўра ўтказилган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси сифатида тушунтирилади ҳамда жорий даврдаги молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида баён этилади. «Бухгалтерия баланси» (1-сон шакл)нинг «Ҳисобот йили бошига» устуниди ва «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (3-сон шакл)нинг «Йил бошига қолдик» устунларида асосий воситаларнинг қайта баҳоланган қиймати кўрсатилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар объектини қўшимча баҳолаш суммаси резерв капитали таркибидаги 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётига ҳисобга киритилади. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар объекти нархи

нинг арзонлашган (камайган) суммаси аввалги ҳисобот даврларида ўтказилган ушбу объектни қўшимча баҳолаш суммалари доирасида 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётига резерв капиталининг камайишига киритилади.

Асосий восита бўйича аввалги қайта баҳолаш (қўшимча баҳолаш) суммасидан ошган нархини арзонлашган (камайган) суммаси харажат сифатида тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолашни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ томонидан фойдаланишнинг учинчи йилини бошида амалга оширилган силлиқловчи дастгоҳни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолашни кўриб чиқамиз. Фойдали хизмат муддати 5 йил ва эскириш тенг маромли усулда ҳисобланади. Олдинги қайта баҳолаш 1,05 коэффициент билан амалга оширилган. 1 январь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида куйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Силлиқловчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 14 870 100 сўм;  
 $14\ 870\ 100\ \text{сўм} = 14\ 162\ 000\ \text{сўм} \times 1,05.$

2. Силлиқловчи дастгоҳ бўйича жамланган эскириш суммаси учинчи йилнинг 1 январь ҳолатига 5 948 040 сўм;

$5\ 948\ 040\ \text{сўм} = 2\ 974\ 020\ \text{сўм} + 2\ 974\ 020\ \text{сўм};$

бу ерда:

— биринчи йил учун жамланган эскириш 2 832 400 сўм;

$2\ 832\ 400\ \text{сўм} = 14\ 162\ 000\ \text{сўм} / 5\ \text{йил};$

— қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда биринчи йил учун жамланган эскириш 2 974 020 сўм;

$2\ 974\ 020\ \text{сўм} = 2\ 832\ 400\ \text{сўм} \times 1,05;$

— иккинчи йил учун жамланган эскириш 2 974 020 сўм;

$2\ 974\ 020\ \text{сўм} = 14\ 870\ 100\ \text{сўм} / 5\ \text{йил}.$

3. Силлиқловчи дастгоҳнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммаси 566 480 сўм;

$566\ 480\ \text{сўм} = 708\ 100\ \text{сўм} - 141\ 620\ \text{сўм};$

$708\ 100\ \text{сўм} = 14\ 870\ 100\ \text{сўм} - 14\ 162\ 000\ \text{сўм};$

$141\ 620\ \text{сўм} = 2\ 974\ 020\ \text{сўм} - 2\ 832\ 400\ \text{сўм}.$

Қайта баҳолаш натижалари (баҳони ўсиши ёки пасайиши)дан келиб чиқиб учта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Силлиқловчи дастгоҳни 1,10 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Силлиқловчи дастгоҳни қайта баҳолаш (баҳони ўсиши) «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— силлиқловчи дастгоҳни бошланғич қийматини кўпайиши (баҳони ўсиши):

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 1 487 010 сўм;  
кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 1 487 010 сўм;  
1 487 010 сўм = 14 870 100 × 10 / 100;

— силлиқловчи дастгоҳни эскириш суммасини кўпайиши (баҳони ўсиши):

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 594 804 сўм;  
кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг  
эскириши» счёти 594 804 сўм;  
594 804 сўм = 5 948 040 × 10 / 100.

### **2-ҳолат.**

Силлиқловчи дастгоҳни 1,03 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Силлиқловчи дастгоҳни қайта баҳолаш (баҳони пасайиши) «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— силлиқловчи дастгоҳни бошланғич қийматини камайиши (баҳони пасайиши):

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 446 103 сўм;  
кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 446 103 сўм;  
446 103 сўм = 14 870 100 × 3 / 100;

— силлиқловчи дастгоҳни эскириш суммасини камайиши (баҳони пасайиши):

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг  
эскириши» счёти 178 441 сўм;  
кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 178 441 сўм;  
178 441 сўм = 5 948 040 × 3 / 100.

### **3-ҳолат.**

Силлиқловчи дастгоҳни 1,08 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Силлиқловчи дастгоҳни қайта баҳолаш (баҳони пасайиши)ни «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиришни тавсия этамиз:

— силлиқловчи дастгоҳни эскириш суммасини камайиши (баҳони пасайиши):

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти 475 843 сўм;  
кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 475 843 сўм;  
475 843 сўм = 5 948 040 x 8 / 100;

— силлиқловчи дастгоҳни бошланғич қийматини камайиши (баҳони пасайиши):

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 1 042 323 сўм;  
дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 147 285 сўм;  
кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 1 189 608 сўм;

1 042 323 сўм = 566 480 сўм + 475 843 сўм;

147 285 сўм = 1 189 608 сўм - 1 042 323 сўм;

1 189 608 сўм = 14 870 100 x 8 % / 100.

## **5-§. Асосий воситаларни келиб тушиши ва ички ҳаракатини бошланғич ҳисоби**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда барча хўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича талаб мавжуд. Хўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириш жараёнини ҳужжатлаштириш деб номлаш қабул қилинган. Ҳужжатлаштириш ёрдамида хўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ва улар содир этилгандан жойда ёппасига акс эттириш амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳужжатлаштириш бу барча ёзувлар бошланғич ҳужжатларга асосан амалга ошириладиган бухгалтерия ҳисобининг ажралиб турадиган усулларидан биридир.

Корхоналарда асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос бўлиб, асосий воситалар бўйича операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини қайд этадиган ва уларни амалга ошириш учун фармойиш берадиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Корхоналарда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилган пайтда ёки улар содир этилгандан сўнг дарҳол (кечиктирмасдан) тузилади.

Корхоналарда тузиладиган бошланғич ҳужжатларнинг мажбурий реквизитлари, уларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва бухгалтерия ҳисо-

бида акс эттириш тартиби, шунингдек ҳужжатлар айланмасини амалга ошириш тартиби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомга мувофиқ тартибга солинади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- ҳўжалик операциясининг номи, мазмуни ва микдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бундан ташқари, бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ҳўжалик операцияларининг характеридан, бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан, шунингдек ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш технологиясидан келиб чиқиб қўшимча реквизитлар киритилиши ҳам мумкин. Бироқ бошланғич ҳужжатларнинг тасдиқланган намунавий шаклларидаги барча реквизитлар (код, шаклнинг рақами, ҳужжатнинг номи билан бирга) ўзгармасдан қолиши шарт. Қонунчиликда тасдиқланган намунавий шакллардан айрим реквизитларни олиб ташлаш тақиқланади.

Бошланғич ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган намунавий шаклларда ёки қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган бланкаларда тузилади.

Мустақил равишда ишлаб чиқилган бошланғич ҳужжатлар ҳўжалик операцияларини мазмунини батафсил ёритиши, фойдаланувчиларни керакли ва ишончли маълумотлар билан таъминлаши, қайта ишлашга ва сақлашга қулай бўлиши, шунингдек бошқа бошланғич ҳужжатларни такрорламаслиги шарт.

Агар бошланғич ҳужжатнинг барча реквизитлари тўлдирилган, тўлдирилмаган қаторлари чизиб қўйилган ва корхона бухгалтерияси ходимлари томонидан текширилган бўлса, бошланғич ҳужжат тўлиқ расмийлаштирилган ҳисобланади.

Бухгалтерияга келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар албатта текширилиши керак. Бунда текшириш шакл бўйича (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирили-

ши), мазмун бўйича (хужжатлаштирилган операцияларнинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғлиқлиги) амалга оширилади.

Объектларни асосий воситалар таркибига қўшиш ва уларни фойдаланишга киритиш, шунингдек объектларни асосий воситалар таркибидан чиқиб кетишини (тугатиш бундан мустасно) ҳисобга олиш учун қуйидаги хужжатлар назарда тутилган:

Асосий воситаларни (бино, иншоотлардан ташқари) қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-1-сон шакл — 1-иловада келтирилган). Бундай хужжат билан хусусан ўрнатиш ёки йирик хажмдаги йиғишни талаб қилмайдиган машина ва асбоб-ускуналарни ҳамда ўрнатиш (йирик хажмдаги йиғиш)ни талаб қиладиган машина ва асбоб-ускуналарни фойдаланишга киритиш расмийлаштирилади. Ҳар бир инвентар объекти бўйича техник хужжатлар лавозим мажбуриятларига техник хужжатларни тезкор ҳисобини юритиш ва сақланишини назорат қилиш қиладиган функционал хизматлар (бош механик, бош энергетик ва ҳоказолар) орқали фойдаланиш жойига берилади.

Асосий воситаларни (бино, иншоотлар учун) қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-1а-сон шакл — 2-иловада келтирилган).

Юқорида санаб ўтилган далолатномалар корхоналарда ёки корхоналар ўртасида қуйидаги ҳолларда келиб тушган объектларни асосий воситалар таркибига қўшиш ва уларни фойдаланишга киритишни ҳисобга олиш (ўрнатишни талаб қилмайдиган объектлар учун — харид қилинган вақтда, ўрнатишни талаб қиладиган объектлар учун — уларни ўрнатишдан қабул қилингандан ва фойдаланишга топширилгандан кейин) учун асосий воситалар объектларини қабул қилиш, қабул қилиш-топшириш операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш учун фойдаланилади:

— олди-сотди, мол-мулкни айирбошлаш, текинга бериш (ҳадя), моливий ижара, лизинг ва бошқа шартномалар бўйича;

— пул маблағларини тўлаш, ўзининг эҳтиёлари учун тайёрлаш ва қурилиши тугалланган бинолар (иншоотлар, қўшимча қурилган бинолар)ни белгиланган тартибда фойдаланишга киритиш;

— бошқа корхоналарга берилган (сотилган, айирбошланган ва бошқалар)да асосий воситалар таркибидан чиқиб кетиши.

Объектларни қабул қилиш-топшириш ва уларни фойдаланишга киритиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус тартиб бўйича расмийлаштирилиши керак бўлган ҳоллар бундан мустасно бўлиб ҳисобланади.

Далолатномалар олувчи ва топширувчи корхоналар раҳбарлари томонидан тасдиқланади ва учта нусхада тузилади. Далолатномага маз-

кур асосий воситалар объектига тегишли техник хужжатлар илова қилинган бўлиши керак.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси учта бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим бераётган томонларнинг маълумотларига асослашиб тўлдирилади. Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектлари бўйича унда объектни фойдаланишга киритилган сана, фойдали ишлатишнинг ҳақиқий муддати, ҳисобланган амортизация суммаси, қолдиқ қиймати кўрсатилади. «Тасдиқлайман» грифли реквизит иккала корхона (олувчи ва топширувчи) томонидан объектларни асосий воситалар таркибига қўшиш ёки уларни асосий воситалар таркибидан чиқариш (объектни қабул қилиш-топшириш операциялари) мақсадида асосий воситалар объектларини балансдан балансга беришда тўлдирилади. Объектни сотувчи корхонадан улгуржи ёки чакана савдо тармоғи орқали уни харидор томонидан асосий восита сифатида фойдаланиш учун харид қилинган ҳолларда АВ-1-сон шакл фақат харидор томонидан тузилади. Бунда сотувчининг реквизитлари, яъни «Тасдиқлайман» грифли (шу жумладан «Раҳбар имзоси», «М.Ў.» ва «Сана») чап блоки тўлдирилмайди, чунки сотилган объект сотувчида асосий воситалар таркибида ҳисобга олинмайди, балки товар бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи бўлимни (далолатноманинг ўзига тегишли нусхасини) фақат асосий воситаларни оловчи корхона унда объектнинг бошланғич қийматини, корхона томонидан ўрнатилган фойдали ишлатиш муддатини, амортизация ҳисоблаш усулини, амортизация ажратмалари меъёрини кўрсатиш билан тўлдиради.

Учинчи бўлим асосий воситалар объектини тавсифловчи қисқача маълумотлардан иборат.

Корхона раҳбари томонидан тасдиқланган далолатнома техник хужжатлар билан бирга корхонанинг бухгалтериясига берилади. Корхонанинг бухгалтерияси ушбу далолатномага асосан инвентар карточкаси очади ёки инвентар карточкага асосий воситалар объектини қиқиб кетиши бўйича белги қўяди. Ҳар бир конкрет инвентар объектга тегишли техник хужжатлар инвентар карточкага тегишли белги қўйиш билан фойдаланиш жойига берилиши мумкин.

Асосий воситаларни объектлар бўйича аналитик ҳисобга олиш учун мўлжалланган бошланғич хужжатлар бўлиб, қуйидаги шакллардаги инвентар карточкалар ҳисобланади:

— Асосий воситаларни ҳисоб олишнинг инвентар карточкаси — ҳар бир инвентар объекти бўйича юритилади (АВ-6-сон шакл — 3-иловада келтирилган).

— Асосий воситалар объектлари гуруҳларини ҳисоб олишнинг инвентар карточкаси — бир бирлиги учун бир хил қиймагга эга, фойдаланиш мақсади бир хил бўлган бир турдаги объектлар гуруҳи бўйича юритилади (АВ-6а-сон шакл — 4-иловада келтирилган).

— Асосий воситалар объектларини ҳисоб олишнинг инвентар дафтари — фойдаланишдаги асосий воситалар объектларининг сони унчалик кўп бўлмаганда инвентар карточканинг ўрнида қўлланиши мумкин (АВ-6б-сон шакл — 5-иловада келтирилган). Одатда инвентар дафтари кичик тадбиркорлик субъектлари юритади.

Инвентар карточка ҳар бир инвентар объектига очилади. Инвентар карточкалар асосий воситаларни амортизация гуруҳига қўшилиши таснифини қўлланишига қараб картотекаларга, картотекаларнинг ичида эса бўлимларга, кичик бўлимларга, синфларга ва кичик синфларга — фойдаланиш жойи бўйича (корхонанинг таркибий бўлимлари бўйича) гуруҳланиши мумкин.

Асосий воситалар объектларининг сони катта бўлмаган корхоналар объектлар бўйича ҳисобга олишни асосий воситалар объектлари тўғрисидаги зарур маълумотларни уларнинг турлари ва жойлашган жойи бўйича кўрсатиш билан инвентар дафтарда амалга ошириши мумкин.

Инвентар карточкани тўлдириш, асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари, асосий воситалар инвентар объектини техник паспортлари ва уларни харид қилиш, қуриш, ўтказиш ва чиқиб кетиши бўйича бошқа ҳужжатларга асосан амалга оширилади. Инвентар карточка (инвентар дафтар)да қуйидагилар келтирилган бўлиши керак: асосий воситалар объектлари тўғрисидаги асосий маълумотлар, унинг фойдали ишлатилиш муддати; амортизация ҳисоблаш усуллари; амортизация ҳисобланмаслиги тўғрисида белги (агар жой назарда тутилган бўлса); объектнинг алоҳида хусусиятлари. Харид қилишда қиймати чет эл валютасида ифодаланган асосий воситалар объектлари бўйича маълумот тартибида унинг чет эл валютасидаги шартнома қиймати ҳам кўрсатилади.

Асосий воситалар объектлари гуруҳларини ҳисоб олишнинг инвентар карточкаси (АВ-6а-сон шакл)да ёзувлар тўғри чизиқли усулда амалга оширилади, қисқа тавсиф эса мазкур регистрда ҳисобга олинган объектлар гуруҳи бўйича умумий ҳолда келтирилади. Бунда ҳар бир объект гуруҳларига алоҳида инвентар рақами берилади.

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситалар объектларининг ҳамда чиқиб кетаётган асосий воситалар объектларининг инвентар карточкалари ой мобайнида (ой охиригача) бошқа асосий воситаларнинг инвентар карточкаларидан алоҳида жойда туриши мумкин.



Барча инвентар карточкалардаги суммаларнинг умумий якуний суммасини, асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100)нинг ва 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг ҳисобот ойи охиридаги қолдиғи билан бухгалтерия текширувини ҳар ойда ўтказиш мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Агар асосий воситалар объектининг қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш натижасида унинг бошланғич қийматини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинса, у ҳолда инвентар карточкада асосий воситалар объектининг бошланғич қийматига тузатишлар акс эттирилади. Кўрсатилган инвентар карточкада тузатишни акс эттириш қийин бўлса, у ҳолда қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилишни тавсифловчи янги кўрсаткичларни акс эттириш ўрнига янги инвентар карточка (олдин берилган инвентар рақамни сақлаган ҳолда) очилади. Бу асосий воситаларни қайта баҳолашга ҳам тегишлидир.

Асбоб-ускуналарни, шу жумладан ўрнатишни талаб қиладиганларини расмийлаштириш учун қуйидаги бошланғич ҳужжатлардан фойдаланилади:

— Асбоб-ускуналарни қабул қилиш (келиб тушиши) тўғрисидаги далолатнома (АВ-14-сон шакл — 6-иловада келтирилган).

— Асбоб-ускуналарни ўрнатишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома (АВ-15-сон шакл — 7-иловада келтирилган).

— Асбоб-ускуналарда аниқланган носозликлар тўғрисидаги далолатнома (АВ-16-сон шакл — 8-иловада келтирилган).

Асбоб-ускуналарни қабул қилиш (келиб тушиши) тўғрисидаги далолатнома (АВ-14-сон шакл) ўрнатиш (йирик ҳажмли йиғиш)ни талаб қиладиган ва талаб қилмайдиган ҳамда кейинчалик асосий воситалар объекти сифатида фойдаланиш учун харид қилинган асбоб-ускуналарга расмийлаштирилади. Далолатнома асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш учун ташкил этилган хўжалик ичидаги комиссия томонидан тузилади. Ўрнатилган ва фойдаланишга тайёрланган асбоб-ускуналарни асосий воситалар таркибига қабул қилиш асосий воситаларни (бино, иншоотлардан ташқари) қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-1-сон шакл) билан расмийлаштирилади. Асбоб-ускуналарни ўрнатиш (йирик ҳажмдаги йиғиш)га пудратчига топширилганда унинг вакили асбоб-ускуналарни масъул сақлашга қабул қилинганлигини ўзининг имзоси билан тасдиқлаши керак. Кўрсатилган мол-мулкни мол етказиб берувчилардан қабул қилиш жараёнида ҳисоб-китоб ва кузатиб борувчи ҳужжатлар (техник паспорт, техник шартлар ва хоқа-

золар) маълумотлари билан маълум бир сон ва сифат жиҳатдан тафовутлар аниқланиши мумким. Асбоб-ускуналарни сифат жиҳатдан қабул қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни оморга келиб тушганда ташқаридан кўриб чиқиш бўйича тузилган асбоб-ускуналарни қабул қилиш (келиб тушиши) тўғрисидаги далолатнома (АВ-14-сон шакл) олдиндан (бирламчи) бўлиб ҳисобланади. Асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхонанинг ҳужжатлардаги маълумотлари билан сон ва сифат жиҳатдан тафовутлар, шунингдек синиш ва бузилиш ҳолатлари ўрнатилган тартибда тегишли далолатномаларда акс эттирилади.

Асбоб-ускуналарни ўрнатишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома (АВ-15-сон шакл) пудратчига ёки (хўжалик усулида) асбоб-ускуналарни ўрнатиш (йирик ҳажмдаги йиғиш) бўйича ишларини бажариш учун берилган асбоб-ускуналарга расмийлаштирилади. Асбоб-ускуналарни ўрнатиш (йирик ҳажмдаги йиғиш)га пудратчига топширилганда унинг вакили асбоб-ускуналарни масъул сақлашга қабул қилинганлигини бевосита далолатномага ўзининг имзосини қўйиши билан тасдиқлаши керак. Бундан кейин далолатнома буюрмачига асбоб-ускуналарни шартнома мажбуриятларига мувофиқ топширишни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Асбоб-ускуналарда аниқланган носозликлар тўғрисидаги далолатнома (АВ-16-сон шакл) асбоб-ускуналарни ўрнатиш, созлаш ёки синаш жараёнида, шунингдек назорат натижаси бўйича аниқланган носозликлар бўйича тузилади ва мол етказиб берувчининг манзилига даъво материалларини ёки даъво аризасини шакллантириш учун ҳужжатлар жилдининг ҳужжатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситалар объектлари корхона ичида тез-тез бир таркибий бўлинмадан бошқасига ўтказиб турилади. Таркибий бўлинмаларнинг бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар объектларини ички ҳаракати бўйича ёзувларни акс эттириш учун асос бўлиб «Асосий воситалар объектини ички ҳаракати юкхати» (АВ-2-сон шакл — 9-иловада келтирилган) ҳисобланади.

«Асосий воситалар объектини ички ҳаракати юкхати» (АВ-2-сон шакл) бераётган бўлинма томонидан уч нусхада тўлдирилади, олувчи ва топширувчи таркибий бўлинманинг масъул шахслари томонидан имзоланади. Биринчи нусха бухгалтерияга берилади, иккинчи нусха асосий воситаларни бераётган бўлинманинг моддий жавобгар шахсида қолади, учинчи нусха эса асосий воситаларни олувчи бўлинмага йўналтирилади.

Асосий воситалар объектларини ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар корхонанинг бухгалтериясида сақланадиган мазкур асосий воситалар объектга очилган инвентар карточкага киритилади.

## 6-§. Амортизацияни ҳисоблаш

Асосий воситаларни узоқ вақт давомида натурал шаклини сақлаган ва қийматини бир вақда ўзгартириши билан ишлаши боғлиқ ўзига хос хусусиятлари амортизация миқдорини аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Ушбу миқдор асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг эскириши ёки бошланғич қийматини камайиши миқдорини кўрсатади.

Маълумки, асосий воситалар қиймати одатда амортизацияни ҳисоблаш йўли билан қопланади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади. Бу ерда амортизацияланадиган қиймат деганда молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси тушунилади.

Амортизация фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси сифатида аниқланади.

Шуни таъкидлаш керакки, асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга қадар ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади. Ўз навбатида агар асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектни қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланадиган бўлса, у ҳолда мазкур объектлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ушбу объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ёки бу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасида тўхтатилади.

Асосий воситалар объектини фойдали ишлатиш муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, уни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилишга ўтказиш, шунингдек уни буткул тўхтатиш шarti билан объектни қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ҳолатлари бундан мустасно.

Асосий воситаларнинг техник даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда ёки 3 ой мобайнида улардан ишлаб чи-

қариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаганда — уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш даврида, бироқ 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга асосий воситалар консервация қилиниши мумкин. Бунда, аниқ бир технологик мажмуага кирадиган ва (ёки) тугалланган технологик жараёнга эга бўлган асосий воситалар объектлари консервация қилишга ўтказилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларини консервация қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган.

Асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги корхона фаолияти натижаларидан қатъи назар амалга оширилади ва у тегишли бўлган ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Ер участкаларига амортизация ҳисобланмайди. Чунки у фойдали хизмат муддатига эга эмас ва ҳар доим тегишли фойдаланиш мақсади бўйича фойдаланилиши мумкин бўлганлиги учун шундай ҳисобланади. Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- маҳсулдор ҳайвонларга;
- кутубхона фондларига;
- ҳокимият қарамоғидаги шаҳарни ободонлаштириш иншоотларига;
- қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситаларга;
- музей қийматликларига;
- архитектура ва санъат ёдгорликларига;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига;
- тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларга.

Асосий воситалар бўйича амортизация қуйидаги усуллардан бирини қўллаш орқали ҳисобланиши мумкин:

- амортизацияни тенг маромли (тўғри чизикли) ҳисоблаш;
- бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули);
- икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

***Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизикли) ҳисоблаш усули.***

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизикли) ҳисоблаш усулининг моҳияти шундаки, бунда амортизация тенг маромда, асосий воситалар-

ни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади. Мазкур усулга мувофиқ асосий воситалар объектининг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг давом этиши муддатига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни объектдан фойдаланилган ҳисобот даврлари сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан келиб чиқиб, мазкур объектининг тугатиш қийматини ва фойдали ишлатиш муддатини айирган ҳолда белгиланади. Тугатиш қиймати деганда асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича қутилаётган харажатларни чегирган ҳолда қутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси тушунилади. Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қийматини ҳисоб-китоб қилишда муҳим таркибий омил ҳисобланади.

Тугатиш қиймати муҳим бўлмаган ҳолларда, у амортизацияланадиган қийматни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинмайди. Агар тугатиш қиймати аҳамиятга эга бўлса, у асосий воситаларни харид қилинган сана ёки уларни қайта баҳолаш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати асосий воситаларнинг хизмат муддати охирида тугатиш бўйича қутилаётган харажатларга камайтирилган бўлиши керак.

Тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усул бўйича амортизация ҳисоблаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ фрезерлик дастгоҳига эга. Унинг бошланғич қиймати 5 200 000 сўмни, фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатиш) қиймати 200 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 5 йилни ташкил этади. Ҳисоб сиёсатида амортизация тенг маромли усулни қўллаш билан ҳисобланиши назарда тутилган.

Амортизация ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

Олдин амортизацияланадиган қийматдан амортизациянинг йиллик меъёрини аниқлаймиз. Амортизациянинг йиллик меъёри 20 % (100 % / 5)ни ташкил этади.

Кейин амортизацияланадиган қийматни аниқлаймиз. Амортизацияланадиган қиймат 5 000 000 сўм (5 200 000 сўм – 200 000 сўм)дан иборат.

Тенг маромли усулни қўллаш билан фрезерлик дастгоҳи бўйича амортизация ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси 1 000 000 сўмга тенг:  
 $5\,000\,000 \text{ сўм} \times 20\% / 100$ .

Амортизация ажратмаларининг ойлик суммаси 83 334 сўмга тенг:  
 $1\,000\,000 \text{ сўм} / 12$ .

***Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).***

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситалар объектининг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган. Мазкур усул бўйича ҳар йиллик амортизация ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун бутун фойдали ишлатиш муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, ўтиб бўлинган тонна-километрлар сони ва бошқалар олинishi мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда тугатиш қийматини айирган ҳолдаги асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматининг асосий воситалар объектини бутун фойдали ишлатиш муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда, яъни ишлаб чиқариш усулини қўллаш билан амортизацияни ҳисоблаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ «Нексия» енгил автомобилни харид қилди. Унинг кутилаётган умумий босиб ўтадиган йўли 800 000 км, бошланғич қиймати 15 000 000 сўмни, фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатиш) қиймати 3 000 000 сўмни ташкил этади. Ҳисобот даврида 10 000 км йўл босиши керак. Ҳисоб сиёсатида амортизация ишлаб чиқариш усулини қўллаш билан ҳисобланиши назарда тутилган.

Амортизация ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Олдин амортизацияланадиган қийматни аниқлаймиз. Амортизацияланадиган қиймат 12 000 000 сўм (15 000 000 сўм – 3 000 000 сўм)дан иборат.

Кейин бажарилган иш ҳажмининг бир бирлиги, яъни ҳар бир километрга тўғри келадиган амортизация суммасини аниқлаймиз. Ҳар бир километрга тўғри келадиган амортизация суммаси 15 сўм (12 000 000 сўм / 800 000 км)ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш усулини қўллаш билан ҳисобот даврида «Нексия» енгил автомобили бўйича амортизация ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ҳисобот даврида амортизация ажратмаси суммаси 150 000 сўмга тенг: 10 000 км x 15 сўм.

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси юқорида санаб ўтилган усулларда: икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида ва йиллар суммаси усулида (кумулятив усул) ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифодаланади.

***Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули.***

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули амортизацияни ҳисоблаш даврида амортизацияланадиган актив қийматининг камайишини англатади. Мазкур усулга кўра тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки баравар амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда фараз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот йили бошидаги асосий воситалар объектининг қолдиқ қийматидан ва мазкур объектни фойдали ишлатиш муддатига боғлиқ ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулини қўллаш билан амортизацияни ҳисоблаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ фрезерлик дастгоҳига эга. Унинг бошланғич қиймати 5 200 000 сўмни, фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатиш) қиймати 200 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 5 йилни ташкил этади. Ҳисоб сиёсатида амортизация икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулини қўллаш билан ҳисобланиши назарда тутилган. Бунда тўғри чизиқли усулда амортизация меъёри ҳар бир йил учун 20 % (100 % / 5)ни ташкил этади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида амортизация меъёри 40 % (2 x 20 %)га тенг бўлади. Ушбу қатъий белгиланган 40 % ставка ҳисобот йили бошидаги баланс қийматига нисбатан фойдаланилади.

Амортизация ҳисоблашни мисолда кўриб чиқамиз.

Фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация ажратмасининг йиллик суммаси фрезерлик дастгоҳини бухгалтерия ҳисобига қабул қилинганда шаклланган бошланғич қийматидан келиб чиқиб 2 080 000 сўм ( $5\,200\,000 \text{ сўм} \times 40\% / 100$ ) қилиб аниқланади. Фойдаланишнинг иккинчи йилида амортизация 40 фоиз миқдорда йил бошидаги қолдиқ қийматидан, яъни объектнинг бошланғич қиймати ва биринчи йил учун ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқдан ҳисобланади ва 1 248 000 сўм ( $5\,200\,000 \text{ сўм} - 2\,080\,000 \text{ сўм}$ )  $\times 40\% / 100$ )ни ташкил этади. Фойдаланишнинг учинчи йилида амортизация 40 фоиз миқдорда иккинчи йил охирида ҳосил бўлган қолдиқ қиймат ва иккинчи йил учун ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқдан ҳисобланади ва 748 800 сўм ( $3\,120\,000 \text{ сўм} - 1\,248\,000 \text{ сўм}$ )  $\times 40\% / 100$ )ни ташкил этади ҳамда кейинги йиллар учун шу зайлда давом эттирилади.

*Фрезер дастгоҳи мисолида мазкур усулни очиб берувчи жадвал*

Амортизация ажратмалари давралари	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати	Йил бошига баланс қиймати	Амортизациянинг йиллик суммаси	Жамғарилган амортизация	Йил охирига баланс қиймати
1-йил	5 200 000	—	$40\% \times 5\,200\,000 = 2\,080\,000$	2 080 000	3 120 000
2-йил	5 200 000	3 120 000	$40\% \times 3\,120\,000 = 1\,248\,000$	3 328 000	1 872 000
3-йил	5 200 000	1 872 000	$40\% \times 1\,872\,000 = 748\,800$	4 076 800	1 123 200
4-йил	5 200 000	1 123 200	$40\% \times 1\,123\,200 = 449\,280$	4 526 080	673 920
5-йил	5 200 000	673 920	$(40\% \times 673\,920 = 269\,568 \text{ «назорат мақсадида»})$ $4\,800\,000 - 4\,526\,080 = 273\,920$	4 800 000	400 000

*Йиллар суммаси усули (кумулятив усул).*

Йиллар суммаси усулига (кумулятив усулга) мувофиқ ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини



амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари суммасига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг тугатиш қиймати айирилган ҳолда бошланғич (тиклаш) қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали ишлатиш муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, махражида эса — объектни фойдали ишлатиш муддати йиллари сони суммасининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Йиллар суммаси усули (кумулятив усули) бўйича амортизацияни ҳисоблаш тартибини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ токарлик дастгоҳига эга. Унинг бошланғич қиймати 6 500 000 сўмни, фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатиш) қиймати 500 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 5 йилни ташкил этади. Ҳисоб сиёсатида амортизация йиллар суммаси усули (кумулятив усули)ни қўллаш билан ҳисобланиши назарда тутилган.

Амортизация ҳисоблашни кўриб чиқамиз.

Олдин токарлик дастгоҳининг амортизацияланадиган қиймати 6 000 000 сўм (6 500 000 сўм – 500 000 сўм)ни аниқлаймиз. Кейин фойдаланиш йиллари суммасини аниқлаймиз ва у 15 (кумулятив сон 1 + 2 + 3 + 4 + 5)ни ташкил этади.

Ундан кейин 6 000 000 сўмга тенг бўлган амортизацияланадиган қийматни ҳар бир касрга кўпайтириш йўли билан йиллик амортизация суммаси: 5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15.

Мазкур объектдан фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация 5/15 ёки 33,3 % миқдорда ҳисобланиши мумкин ва у 2 000 000 сўмни ташкил этади, иккинчи йили эса 4/15 миқдорда 1 600 000 сўмдан иборат суммани, учинчи йили эса 3/15 миқдорда 1 200 000 сўмдан иборат суммани ташкил этади ҳамда кейинги йиллар учун шу зайлда давом эттирилади.

*Токарлик дастгоҳи бўйича амортизация ажратмалари жадвали*

Амортизация ажратмалари йиллари	Амортизацияланадиган қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация
1-йил	6 000 000	$(5/15 \times 6\,000\,000) = 2\,000\,000$	2 000 000
2-йил	6 000 000	$(5/15 \times 6\,000\,000) = 1\,600\,000$	3 600 000
3-йил	6 000 000	$(5/15 \times 6\,000\,000) = 1\,200\,000$	4 800 000

Амортизация ажратмалари йиллари	Амортизацияланадиган қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация
4-йил	6 000 000	$(5/15 \times 6\,000\,000) = 800\,000$	5 600 000
5-йил	6 000 000	$(5/15 \times 6\,000\,000) = 400\,000$	6 000 000

Амортизация ҳисоблашнинг у ёки бу усулини танлаш билан асосий воситаларни бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ва жамғарилган амортизация суммаси ўртасидаги фарқни ўзида ифодалайдиган объектнинг қолдиқ қиймати миқдорини тартибга солиш мумкин. Шунинг учун корхона тегишли қарор қабул қилишда амортизация ҳисоблашнинг у ёки бу усулини танлашнинг ижобий ва салбий оқибатларини ўйлаб кўриши лозим.

Юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бири ўзининг афзаллик ва камчиликларига эга. Амортизациянинг тенг маромли усулининг асосий ва ягона устунлиги бўлиб қўллашнинг оддийлиги ҳисобланади. Мазкур усулни қўллашда амортизация бутун фойдали хизмат муддати давомида доимий бир суммадан иборат, бундан модернизация, реконструкция ва қайта баҳолаш мустасно. Бироқ мазкур усул корхонага асосий воситалар объекти харажатларини тезкор равишда ҳисобдан чиқариш имкониятини бермайди. Шу билан бирга, бугунги пул эртанги пулдан кўпроқ турадиган бир вақтда, амортизация ажратмалари ҳисобига харажатларни кўпайтириш йўли билан айланма маблағларни тезроқ тўлдириш имконияти йўқолади. Шубҳасиз, амортизацияни тенг маромли усулини қўллаш асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини охирида бошланғич (қайта тиклаш) қийматини тўлиқ қоплашга олиб келади, бироқ корхонага амортизация снѐсатидан максимал равишда самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.

Икки баравар амортизация меъѐри билан қолдиқни камайтириш усули билан амортизация ҳисоблаш активнинг фойдали хизмат муддатини охирида жадал суръатларда камайиб бориш билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш жараѐнларига нисбатан самарали ҳисобланади. Мазкур усулда қўлланиладиган коэффицент асосий воситаларни фойдали хизматининг бошланғич босқичдаги қийматини ҳисобдан чиқаришни жадаллаштиради. Амортизациянинг мазкур усулини фойдали хизмат муддатининг охиригача БҲМС № 5 да назарда тутилган кўринишда қўллаш имконияти мавжуд эмас, чунки услубнинг ўзи бошланғич (қайта тиклаш) қийматини тўлиқ ҳисобдан чиқариш имкониятини бермайди. Ҳар қандай ҳолларда фойдаланиш муддатининг охирида қолдиқ қийма-

ти нолга тенг эмас, бироқ айрим ҳолларда унга яқинлашиши мумкин. Шунинг учун активдан фойдаланишнинг охириги йилида амортизация меъёрини ҳисобламаслик, балки қолдиқ қийматини 12 ой давомида тенг маромда тўлиқ ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқ.

Йиллар суммаси усули (кумулятив усули) бўйича активни қийматини ҳисобдан чиқаришда фойдали хизмат муддатининг амортизация меъёри ҳам жадаллаштирилган усул бўлиб ва ишлаб чиқариш фаолиятининг охирида жадал суръатлар билан камайиб борадиган ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан самарали ҳисобланади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули билан таққослаганда мазкур усул фойдали хизмат муддатининг охирида активнинг қийматини тўлиқ ҳисобдан чиқариш имкониятини беради.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда қийматни ҳисобдан чиқариш (ишлаб чиқариш усули) кутилаётган прогност тез-тез ўзгариб туриши билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан кўпроқ самарали бўлиб ҳисобланади. Фойдаланиш муддатини аниқлашда вақт календарь даврлари билан эмас, балки мазкур актив ёрдами билан иш бажариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш кутилаётган дастур бўйича белгиланади.

Солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳар йиллик амортизация меъёрлари харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланган.

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация меъёрини қўллаш орқали, бироқ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддасида белгиланган энг юқори нормадан ошмаган ҳолда ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадлари учун амортизацияни Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддасида белгиланганидан пастроқ ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида мустақамлаб қўйилган меъёрлар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади. Солиқ солинадиган фойданинг тўлиқ ҳисобланмаган амортизация суммасига солиқ солиш мақсадларида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддасида назарда тутилган меъёрларга зид равишда қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Асосий воситаларни харид қилиш лозим бўлган жараён ҳисобланади. Лекин айрим корхоналарда янги инвентарлар сотиб олиш учун маблағлар етишмайди. Шунинг учун ушбу корхоналар ўзининг фаолияти давомида олдин фойдаланишда бўлган асосий воситаларни ишлагадир. Бундай асосий воситаларни фойдали хизмат муддатини қандай аниқлаш кераклиги кўпроқ бухгалтерларни қизиқтиради.

Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектларини харид қилган корхона ушбу асосий воситалар объекти бўйича амортизация меъёрини мазкур асосий воситалар объектидан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилаш ҳуқуқига эга. Агар мазкур асосий воситадан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу асосий воситаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддасида таснифланиши билан белгиланадиган фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўловчи техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақлидир. Фойдаланишда бўлган асосий воситалардан фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш янги асосий воситаларга бўлгани сингари амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, агар корхона олдин фойдаланишда бўлган бинони харид қилса, у ҳолда бинонинг хизмат муддати унинг олдинги мулкдорида фойдаланилган вақтга камайрилиши мумкин.

Ўз навбатида асосий воситалар объектларини олдинги мулкдорида фойдаланилган муддатини нима билан тасдиқлаш мумкин деган савол туғилади. Объектларни олдинги мулкдорида фойдаланилган муддатига тегишли маълумотлар «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (бино, иншоотлардан ташқари) (АВ-1-сон шакл) ва «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (бино, иншоотлар учун) (АВ-1а-сон шакл)да мавжуд. Ушбу маълумотлар жуда муҳим ҳисобланади, чунки уларсиз янги мулкдор амортизация ҳисоблай олмайди. Бундай олиб қаралганда фойдаланишнинг ҳақиқий муддати тўғрисидаги маълумотлар ахборот тавсифига эга, яъни тўлдириш учун мажбурий ҳисобланмайди ва сотувчилар кўп ҳолларда «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (бино, иншоотлардан ташқари) (АВ-1-сон шакл) ва «Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси» (бино, иншоотлар учун) (АВ-1а-сон шакл)-нинг мазкур бандини инкор этадилар. Шунинг учун, кейин юзага келиши мумкин бўлган мураккаб ҳолатлардан қочиш учун харидор корхона мазкур бандни тўғри тўлдирилишига қараб туришга мажбур.

Агар корхона автотранспорт воситасини харид қилса, у ҳолда ҳақиқий хизмат муддатини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб транспорт воситасининг паспорти ҳисобланади. Агар олди-сотди шартномасининг объекти бўлиб кўчмас мулк ҳисобланса, у ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома лозим бўлган тасдиқловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бунда шуни эсда тутиш лозимки, корхона асосий воситаларни сотиб олишда объект тўғрисида сотувчи томонидан тақдим этилаётган маълумотларга алоҳида эътибор қаратиши ҳамда унинг олдинги мулкдоридида хизмат муддатини аниқ билиши керак.

Солиқ солиш мақсадида амортизация ҳисоблаш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Штамповчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 3 300 000 сўмни, унинг фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ (тугатиш) қиймати 300 000 сўмни, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ йиллик амортизация меъёри амортизацияланадиган қийматнинг 15 %ини ташкил этади.

Амортизация ҳисоблашни мисолда кўриб чиқамиз.

Олдин амортизацияланадиган қийматни аниқлаймиз. Амортизацияланадиган қиймат 3 000 000 сўм (3 300 000 сўм – 300 000 сўм)дан иборат.

Солиқ кодексидида белгиланган амортизация меъёрларини қўллаган ҳолда штамповчи дастгоҳ бўйича эскириш ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси 450 000 сўмга тенг:  
 $3\,000\,000 \text{ сўм} \times 15\% / 100.$

Амортизация ажратмаларининг ойлик суммаси 37 500 сўмга тенг:  
 $450\,000 \text{ сўм} / 12.$

Ҳисобот йили давомида асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмалари қўлланиладиган ҳисоблаш усулидан қатъи назар (амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулидан ташқари), йиллик сумманинг 1/12 миқдоридида ҳар ойда ҳисобланади.

Асосий воситалар объектини ҳисобот йили давомида бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш ҳолларида амортизациянинг йиллик суммаси бўлиб, мазкур объект бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан йиллик молиявий ҳисоботларнинг ҳисобот санасигача аниқланган сумма ҳисобланади.

Биринчи йил учун асосий воситаларни амортизация ажратмаларининг йиллик суммаларини ҳисоб-китоби тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖда ҳисобот йилининг 25 мартидида асосий воситалар объекти сифатида силлиқловчи дастгоҳ бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган. Унинг бошланғич қиймати 8 400 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 5 йил ёки 60 ойни ташкил этади. «Юлдуз» МЧЖ силлиқловчи дастгоҳ бўйича амортизация ҳисоблашда тенг маромли амортизация ҳисоблаш усулини қўллайди.

Фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация ажратмаларининг йиллик суммасини аниқлашни қуйидагича амалга оширамиз:

амортизация ажратмаларининг ойлик суммаси 140 000 сўм = 2 400 000 сўм / 60;

амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси 1 120 000 сўм = 140 000 сўм x 8.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йилида корхона томонидан асосий воситалардан фойдаланиш даври мобайнида тенг маромда ҳисобланади.

Мавсумий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаларини ҳисоб-китоби тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Йилнинг 7 ойи давомида дарё транспорти билан юк ташиш ишларини амалга оширувчи «Амур» МЧЖ асосий воситалар объекти сифатида моторли қайиқ харид қилди. Унинг бошланғич қиймати 20 000 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 10 йилни ташкил этади. Амортизация ажратмаларининг йиллик меъёри 10 % (100 % : 10 йил)ни ташкил этади.

Олдин амортизация ажратмаларининг 2 000 000 сўм (20 000 000 сўм x 10 % / 100)га тенг бўлган йиллик суммасини аниқлаймиз. Кейин эса ҳисобот йилидаги 7 ой ишлар давомида тенг маромда тақсимланадиган амортизациянинг ойлик суммасини аниқлаймиз ва у 285 714,3 сўм (2 000 000 сўм / 7)га тенг.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига (гурӯҳларига) нисбатан амортизацияни ҳисоблашнинг турли усуллари қўлланилади. Бунда бир турдаги асосий воситалар объектлари бўйича (маркаси, тури ва бошқалар бўйича) фақат битта усул қўлланилади. Қўлланиладиган амортизацияни ҳисоблаш усули корхонанинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда. Корхоналар календарь йил давомида ҳисоб сиёсатини ўзгартирмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 1) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да белгиланган тартибда акс эттирилиши керак.

Агар асосий воситалардан фойдаланишдан қутилаётган иқтисодий фойдада сезиларли даражада ўзгариш юз берадиган бўлса, амортизацияни ҳисоблаш усули ўзгараётган тамойилни акс эттириш учун шундай ўзгартирилиши керакки, токи юзага келган вазият амортизация усулининг ўзгартирилишини оқласин. Бундай ўзгартиш ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бунда молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида мазкур ўзгартиш сабаблари ва уларнинг иқтисодий самараси очиб берилиши керак.

Фойдали хизмат муддати — корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори. Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати асосий воситалар ҳолатини яхшилайдиган ва, демак, хизмат муддатини узайтирадиган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек бу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олиб, корхона томонидан қайтадан кўриб чиқилиши мумкин.

Асосий воситалар объектининг фойдали хизмат муддати:

— кутилаётган ишлаб чиқариш қувватига мувофиқ мазкур объектни корхонада кутилаётган фойдали хизмат муддатидан;

— фойдаланиш режими (смена сони)га боғлиқ жисмоний эскириши; табиий шароит ва агрессив таъсир қилувчи муҳитдан, таъмирлаш ўтказиш тизимидан;

— меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа мазкур объектни хизматини чегаралари (масалан, ижара муддати)дан келиб чиқиб амалга оширилади.

Кўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида асосий воситалар объектини ишлашининг бошланғич қабул қилинган меъёрий кўрсаткичларини ҳолатини яхшилайдиган ҳолларда, корхона томонидан ушбу объект бўйича фойдали хизмат муддати қайтадан кўриб чиқилади.

Фойдали хизмат муддати ва қолдиқ қийматини аниқлашни қуйидаги мисолда кўриб ўтамин. «Юлдуз» АЖда компьютернинг қиймати 1 200 000 сўм ва фойдали хизмат муддати 5 йил. Фойдаланишнинг 3-йилида қиймати 400 000 сўм бўлган модернизация қилиш амалга оширилган.

Техник имкониятларидан ва фан техника тараққиётидан келиб чиқиб фойдали хизмат муддати 2 йилга кўпайиш томонига қайта кўриб чиқилган. Бу ҳолда, йиллик амортизация ажратмалари суммаси 220 000 сўм миқдорда, қолдиқ қийматининг 880 000 сўм ( $1\,200\,000 - (1\,200\,000 \times 3 / 5) + 400\,000$ ) миқдори ва 4 йил бўлган янги фойдали хизмат муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

БХМС № 21 га мувофиқ асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган амортизация суммаси бухгалтерия ҳисобида тегишли суммаларни алоҳида счётларда жамғариш йўли билан акс эттирилади. Асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган эскириш суммаси қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

0211 «Ерни ободонлаштиришнинг эскириши»;

0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши»;

0220 «Бино, иншоот ва ўтказувчи мосламаларнинг эскириши»;

0230 «Машиналар ва ускуналарнинг эскириши»;

0240 «Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»;

0250 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»;

0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»;

0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши»;

0280 «Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши»;

0290 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»;

0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган эскиришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз. «Юлдуз» АЖда «Урал» мотоцикли мавжуд. Унинг бошланғич қиймати 5 200 000 сўмни, фойдаланиш муддатининг охирида қолдиқ қиймати 200 000 сўмни, фойдали хизмат муддати 5 йилни ташкил этади. Корхонанинг ҳисоб сиёсатида амортизация тўғри чизиқли усул билан ҳисобланиши назарда тутилган. Йиллик амортизация меъёри 20 % (100 % / 5)ни, йиллик амортизация ажратмалари суммаси 1 000 000 сўмни (5 000 000 сўм x 20 % / 100), амортизация ажратмаларининг ойлик суммаси 83 334 сўм (1 000 000 сўм / 12)ни ташкил этади.

«Урал» мотоциклидан фойдаланиш мақсадларидан келиб чиқиб тўртта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат.*

«Урал» мотоцикли ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархига 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётини қўллаш билан олиб борилади. Билвосита ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан фоишларда тақсимланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмининг 25 %ни ташкил этади.

«Урал» мотоцикли бўйича ҳисобланган амортизациянинг ойлик суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— амортизация ҳисобланганда:

*дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»*

*счёти*

*83 334 сўм;*

*кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»*

*счёти*

*83 334 сўм;*

— харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархига ўтказилганда:



дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 20 834 сўм;  
кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»  
счёти 20 834 сўм;

20 834 сўм = 83 334 сўм x 25 % / 100.

### **2-ҳолат.**

«Урал» мотоцикли ёрдамчи ишлаб чиқариш участкасида фойдаланилади ва «Урал» мотоцикли бўйича ҳисобланган амортизациянинг ойлик суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 83 334 сўм;  
кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»  
счёти 83 334 сўм.

### **3-ҳолат.**

«Урал» мотоцикли хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилади ва «Урал» мотоцикли бўйича ҳисобланган амортизациянинг ойлик суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар»  
счёти 83 334 сўм;  
кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»  
счёти 83 334 сўм.

### **4-ҳолат.**

«Урал» мотоцикли маҳсулот (иш, хизмат)лар ва товарларни реализация қилиш жараёнида, маъмурий мақсадларда ҳамда маданий-оқартув ва бошқа ижтимоий мақсадларда фойдаланилади.

«Урал» мотоцикли бўйича ҳисобланган амортизациянинг ойлик суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— маҳсулот (иш, хизмат)лар ва товарларни реализация қилиш жараёнида фойдаланилганда:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 83 334 сўм;  
кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»  
счёти 83 334 сўм;

— маъмурий мақсадларда фойдаланилганда:

дебет 9420 «Маъмурий харажатлар» счёти 83 334 сўм;  
кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»  
счёти 83 334 сўм;

— маданий-оқартув ва бошқа ижтимоий мақсадларда фойдаланилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 83 334 сўм;  
кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»  
счёти 83 334 сўм.

## 7-§. Асосий воситаларни таъмирлаш

Фойдаланиш жараёнида асбоб-ускуналар эскиради, узилишлар билан ишлашни бошлайди ёки айрим ҳолларда умуман ишдан чиқади. Бунинг сабаби бўлиб айрим деталлари ва узеллари ишдан чиқиши ҳисобланса, у ҳолда асосий воситаларни алмаштиришга зарурият йўқ, уларни қайта таъмирласа бўлади.

Асосий воситалар объектини ишчи ҳолатда сақлаб туриш уларни таъмирлаш (жорий, ўртача ва капитал тарзда) воситасида амалга оширилади. Жорий таъмирлаш деганда асосий воситалар объектини ишчи ҳолатда сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлаш тушунилади. Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш — агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш — базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини ҳисобдан чиқаришни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

— харажатлар юзага келишига қараб — маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига ёки давр харажатларига бир вақтни ўзида (бир марта);

— асосий воситаларни таъмирлаш учун ҳар ойда бир маромда ажратмалар қилиш йўли билан ташкил этилган резервлар ҳисобидан.

Усуллардан бирини танланганлиги бухгалтерия ҳисоби мақсадида ҳисоб сиёсатида акс эттирилган бўлиши керак.

Таъмирлаш харажатларини бир марта ҳисобдан чиқариш асосий воситалар сони унчалик кўп бўлмаган, амалга ошириладиган таъмирлаш ишларининг ҳажми муҳим бўлмаган ва қоида бўйича таъмирлаш харажатлари ҳам катта бўлмаган корхоналар учун тўғри келади. Харажатларни амалга оширилган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариш мумкин. Чунки улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ёки хизмат)ларни қимматлашишига олиб келмайди.

Объектни ишчи ҳолатда тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусида олинадиган иқтисодий фойданинг белгиланган бошланғич суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар улар дахлдор бўлган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритилади. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни ишчи ҳолатда сақлаб туришга доир харажатлар (техник кўриқдан ўтказиш ва ҳолатини яхшилашга оид харажатлар) ҳамда ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар объектларининг барча турдаги таъмирланишини (жорий, ўртача, капитал тарзда) ўтказиш харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилади, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун мўлжалланган асосий воситалар объектлари бўйича эса — давр харажатлари таркибига киритилади.

Асосий воситалар объектини таъмирлашда қилинадиган харажатлар материал қийматликларини чиқариш (сарфлаш), меҳнат ҳақини ҳисоблаш, таъмирлаш ишлари бўйича бажарилган ишлар учун мол етказиб берувчиларга мажбуриятларни ва бошқа харажатлар бўйича операцияларни ҳисобга олишнинг тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан акс эттирилади.

БҲМС № 21 га мувофиқ асосий воситалар объектни ишчи ҳолатда тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусида олинадиган иқтисодий фойданинг белгиланган бошланғич суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги шаклда акс эттирилади:

— асосий воситаларини таъмирлаш корхонанинг ишчилари томонидан амалга оширилганда:

- дебет асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000) ёки умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2500) — ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархига харажатларни олиб бориш ва калькуляцияни ҳисоблаш усулидан келиб чиққан ҳолда;*
- дебет ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300) — ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;*
- дебет хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар (2700) — хизмат кўрсатувчи хўжаликларни участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;*
- кредит материалларни (1000), ёрдамчи ишлаб чиқаришни (2300), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар-*

ни (6700), мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни (6500) ва бошқа тегишли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;

— асосий воситаларини таъмирлаш корхонанинг ёрдамчи таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилганда:

дебет асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000) ёки умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2500) — ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархига харажатларни олиб бориш ва калькуляцияни ҳисоблаш усулидан келиб чиққан ҳолда;

дебет ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300) — ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;

дебет хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар (2700) — хизмат кўрсатувчи хўжаликларни участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти;

— асосий воситаларини таъмирлаш пудратчи корхона томонидан амалга оширилганда:

дебет асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000) ёки умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2500) — ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархига харажатларни олиб бориш ва калькуляцияни ҳисоблаш усулидан келиб чиққан ҳолда;

дебет ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300) — ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;

дебет хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар (2700) — хизмат кўрсатувчи хўжаликларни участкаларида фойдаланиладиган асосий воситалар бўйича;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар», 6120 «Шуъба ва хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар», 6990 «Бошқа мажбуриятлар» ва бошқа тегишли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар.

Асосий воситалар объектларини таъмирлаш бўйича келгусидаги харажатларни ҳисобот даврининг ишлаб чиқариш (давр) харажатларига

бир маромда қўшиш мақсадида Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ зарурат бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юривчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рuxсати билан капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар резервини ташкил қилишлари мумкин.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари резервини шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳар бир ойда қилинадиган ажратмаларни аниқлашни тўғрилигини тасдиқловчи ҳужжатлардан фойдаланилади. Бундай ҳужжатларга, масалан, носозлик (дефект) қайдно-малари (таъмирлаш ишларини ўтказиш зарурлигини асословчи); асосий воситалар объектларини бошланғич қиймати ёки жорий (қайта тиклаш) қиймати (қайта баҳолаш ўтказилган ҳолларда); таъмирлаш ўтказиш сметаси; асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари резервга ажратмаларини яқуний ҳисоб-китоблари киради.

Мазкур резервларга ажратмалар «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини капитал таъмирлашларнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

БХМС № 21 га мувофиқ харажатлар ва тўловларни харажатларга бир маромда қўшиш мақсадида ўрнатилган тартибда резерв қилинган суммаларни ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 8900 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётида амалга оширилади.

Капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун резервлар ҳисоблаш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ компрессорни капитал таъмирлаш бўйича харажатларни бир маромда тақсимлаш мақсадида капитал таъмирлаш ишлари учун резерв шакллантиришга қарор қилди. Компрессорни капитал таъмирлаш ишларининг харажат сметаси 15 000 000 сўмни ташкил этади. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмаларнинг ҳар ойлик суммаси 1 250 000 сўмни (15 000 000 сўм / 12) ташкил этади.

Компрессордан фойдаланиш мақсадидан келиб чиқиб учта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Компрессор ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархига 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётини қўллаш билан олиб бо-

рилади. Билвосита ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан фоизларда тақсимланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмининг 45 %ини ташкил этади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмаларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмалар суммаси ҳисобланганда:

<i>дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»</i>	
<i>счёти</i>	<i>1 250 000 сўм;</i>
<i>кредит 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар</i>	
<i>резерви» счёти</i>	<i>1 250 000 сўм;</i>

— харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархига ўтказилганда:

<i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>562 500 сўм;</i>
<i>кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»</i>	
<i>счёти</i>	<i>562 500 сўм;</i>

$562\,500\text{ сўм} = 1\,250\,000\text{ сўм} \times 45\% / 100.$

### **2-ҳолат.**

Компрессор ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмаларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>1 250 000 сўм;</i>
<i>кредит 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар</i>	
<i>резерви» счёти</i>	<i>1 250 000 сўм.</i>

### **3-ҳолат.**

Компрессор хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмаларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>1 250 000 сўм;</i>
<i>кредит 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар</i>	
<i>резерви» счёти</i>	<i>1 250 000 сўм.</i>

Резерв суммалари ҳисобидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар ва тўловлар резервни камайтиришга олиб бориб ҳисобдан чиқарилади.

Резерв суммалари ҳисобидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар ва тўловларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Компрессорни капитал таъмирлаш бўйича олдинги мисолни давом эттирамиз. Резерв қилинган сумманинг барчаси капитал таъмирлашга ишлатилган.

Капитал таъмирлаш ким томонидан ўтказилганлигидан келиб чиқиб учта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлаш корхонанинг ишчилари томонидан амалга оширилган. Капитал таъмирлаш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: эҳтиёт қисм харажатлари — 13 000 000 сўм, ёрдамчи материаллар — 140 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш харажатлари — 1 500 000 сўм ва ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 360 000 сўм.

Резерв суммалари ҳисобидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар ва тўловлар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти</i>	<i>13 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>	<i>140 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>1 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	<i>360 000 сўм.</i>

### **2-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлаш корхонанинг таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилган.

Резерв суммалари ҳисобидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар ва тўловлар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>15 000 000 сўм.</i>

### **3-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлаш пудратчи корхона томонидан амалга оширилган.

Резерв суммалари ҳисобидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар ва тўловлар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

- пудратчи корхона томонидан амалга оширилганда:  
*дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти* 15 000 000 сўм;  
*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 15 000 000 сўм;
- ажратилган бўлинма томонидан амалга оширилганда:  
*дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти* 15 000 000 сўм;  
*кредит 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти* 15 000 000 сўм;
- шуъба ва хўжалик жамиятлари томонидан амалга оширилганда:  
*дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти* 15 000 000 сўм;  
*кредит 6120 «Шуъба ва хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счёти* 15 000 000 сўм.

Резервга ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Агар капитал таъмирлашга резерв маблағлари суммаси ушбу объектни таъмирлашга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма бўйича тузатиш (сторно қилиш) киритилиши керак.

Капитал таъмирлашга резерв қилинган суммаларга тескари ёзув қилиш билан тузатиш (сторно қилиш) киритилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Компрессорни капитал таъмирлаш учун резерв шакллантирилган олдинги мисолдан фойдаланамиз. Капитал таъмирлаш бўйича харажатларни инвентаризациясидан кейин компрессорни капитал таъмирлаш учун резерв қилинган маблағлар уни капитал таъмирлашнинг ҳақиқий харажатларидан 2 000 000 сўмга ортиқча эканлиги аниқланган.

Компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервни тузатишлар суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:  
*дебет 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» счёти* 2 000 000 сўм;  
*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти* 2 000 000 сўм.

Агар ҳақиқий харажатлар резерв суммасидан ошиб кетса, у холда ошиб кетган сумма «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» элементи таркибида акс эттирилади. Бунда маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини бирдан сакраб кетишини олдини олиш мақсадида



ҳақиқий харажатларни резерв қилинган маблағлардан ошиб кетган суммасини 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётига олиб бориш ва асосий воситаларни капитал таъмирлаш амалга оширилган йил охиригача бир маромда харажатларни ҳисобга олувчи счётларга тақсимлаш тавсия этилади.

Ҳақиқий харажатларни резерв қилинган маблағлардан ошиб кетган суммасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Компрессорни капитал таъмирлаш учун резерв шакллантирилган олдинги мисолдан фойдаланамиз. Капитал таъмирлаш бўйича харажатларни инвентаризациясидан кейин компрессорни капитал таъмирлаш учун резерв қилинган маблағларидан уни капитал таъмирлашнинг ҳақиқий харажатлари 1 300 000 сўмга ортиқча эканлиги аниқланган ва харажатларга 5 ой давомида бир маромда тақсимланган.

Капитал таъмирлаш амалга оширилишига қараб учта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлаш корхонанинг ишчилари томонидан амалга оширилган. Капитал таъмирлаш бўйича қўшимча харажатлар қуйидагилардан иборат: эҳтиёт қисм харажатлари — 780 000 сўм, ёрдамчи материаллар — 24 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш харажатлари — 400 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 96 000 сўм.

Компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервни тузатишлар суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>1 300 000 сўм;</i>
<i>кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти</i>	<i>780 000 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>	<i>24 000 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан</i>	
<i>ҳисоблашишлар» счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига</i>	
<i>тўловлар» счёти</i>	<i>96 000 сўм.</i>

### **2-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлашни корхонанинг ёрдамчи таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилган.

Компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервни тузатишлар суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

<i>дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>1 300 000 сўм;</i>
<i>кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>1 300 000 сўм.</i>

### **3-ҳолат.**

Компрессорни капитал таъмирлаш пудратчи корхона томонидан амалга оширилган.

Компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервни тузатишлар суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— пудратчи корхона томонидан амалга оширилганда:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 1 300 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 300 000 сўм;

— ажратилган бўлинма томонидан амалга оширилганда:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 1 300 000 сўм;

кредит 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счёти 1 300 000 сўм;

— шубба ва хўжалик жамиятлари томонидан амалга оширилганда:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 1 300 000 сўм;

кредит 6120 «Шубба ва хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счёти 1 300 000 сўм.

Компрессорни фойдаланиш мақсадидан келиб чикиб урта ҳолат бўйича харажатларни тақсимланиш тартибини кўриб чиқамиз. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резерв қилинган маблағлардан ошган ҳақиқий харажатларнинг ҳар ойлик суммаси 260 000 сўмни (1 300 000 сўм / 5) ташкил этади.

### **1-ҳолат.**

Компрессор ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилади. Харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархига 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётини қўллаш билан олиб борилади. Билвосита ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан фоизларда тақсимланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмнинг 45 %ини ташкил этади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резерв қилинган маблағлардан ошган ҳақиқий харажатларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резервга ажратмалар суммаси ҳисобланганда:

дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 260 000 сўм;

кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 260 000 сўм;

— харажатларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннарихига ўтказилганда:

дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 117 000 сўм;

кредит 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счёти 117 000 сўм;

$117\,000\text{ сўм} = 260\,000\text{ сўм} \times 45\% / 100.$

### **2-ҳолат.**

Компрессор ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаларида фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарихига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резерв қилинган маблағлардан ошган ҳақиқий харажатларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 260 000 сўм;

кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 260 000 сўм.

### **3-ҳолат.**

Компрессор хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилади.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарихига киритиладиган компрессорни капитал таъмирлаш бўйича резерв қилинган маблағлардан ошган ҳақиқий харажатларнинг ҳар ойлик суммаси «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счёти 260 000 сўм;

кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 260 000 сўм.

Асосий воситалар объектлари бўйича таъмирлаш ишларини амалга ошириш узоқ муддат талаб қиладиган ва кўрсатилган ишларнинг салмоқли қисми кейинги ҳисобот йилига ўтадиган ҳолларда, ҳисобот йилида шакллантирилган асосий воситаларни таъмирлаш резервларининг қолдиқ суммасига тузатишлар киритмаслик (сторно қилмаслик) мумкин.

Резервлар суммаси даврий равишда (йил охирига албатта) смета, ҳисоб-китоблар ва ҳоказоларнинг маълумотлари бўйича текшириб турилади ва керак бўлган ҳолларда тузатишлар киритилади.

Асосий воситалар объектларини таъмирлашдан, реконструкция қилишдан, модернизация қилишдан қабул қилиш-топширишни расмий-

лаштириш ва ҳисобга олиш Асосий воситалар объектларини таъмирлашдан, реконструкция қилишдан, модернизация қилишдан қабул қилиш-топшириш далолатномаси (АВ-3-сон шакл) билан расмийлаштирилади (АВ-3-сон шакл 10-сон иловада келтирилган).

Далолатнома икки бўлимдан иборат. Биринчисида асосий воситалар объектларини таъмирлашга, реконструкция қилишга, модернизация қилишга бериш вақтидаги маълумотлар, иккинчисида эса асосий воситалар объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилади.

Далолатнома асосий воситалар объектларини қабул қилиш комиссияси аъзолари ёки қабул қилишга масъул шахс томонидан имзоланади. Агар таъмирлаш бошқа корхона томонидан амалга оширилган бўлса, у ҳолда далолатнома ушбу корхонанинг вакили томонидан имзолаган бўлиши керак. Агар таъмирлаш корхонанинг таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилган бўлса, у ҳолда далолатномага таъмирлашни, реконструкция қилишни, модернизация қилишни амалга оширган таркибий бўлинманинг вакили ўзининг имзосини қўйиши ва корхона раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган шахс томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Далолатноманинг бир нусхаси бухгалтерияга топширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ўзга корхона томонидан амалга оширилган бўлса, у ҳолда далолатнома икки нусхада тузилади ва биринчи нусха корхонада қолади, иккинчи нусха эса таъмирлашни, реконструкция қилишни, модернизация қилишни амалга оширган корхонага берилади. Таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш бўйича маълумотлар асосий воситалар объектларини ҳисобга олиш карточкаси (АВ-6-сон шакл)га киритилади.

Асосий воситаларни таъмирлашдан ўз вақтида олинishi назоратини ташкил этиш мақсадида мазкур объектлар инвентар карточкасини картотекада «Таъмирлашдаги асосий воситалар» гуруҳига олиб қўйиш тавсия этилади. Асосий воситалар объектлари таъмирлашдан келиб тушгандан кейин тегишли ўтказишлар қилинади.

## **8-§. Асосий воситаларнинг инвентаризацияси**

Асосий воситаларнинг инвентаризацияси — инвентар карточкалари (инвентар дафтарлари) бўйича ҳисоб маълумотларини активларни ҳақиқатда мавжудлигига мос келиши, уларнинг техник ҳолати ва баҳолашни текшириладиган жараёни ўз ичига оладиган мол-мулк ва мажбуриятларни умумий инвентаризациясини бир қисмини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвентаризация асосий воситаларни сақла-  
ниши (мавжудлиги)ни, кейинги бухгалтерия назоратини ва ҳисоб маъ-  
лумотларини ишончлилигини таъминлашнинг қулай ва унумли восита-  
си бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш ва улар-  
нинг бутлигини назорат қилиш мақсадида корхоналар томонидан вақ-  
ти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта асосий воситалар-  
ни инвентаризацияси ўтказилади, кутубхона фондлари эса беш йилда  
бир марта инвентаризация қилинади. Барча асосий воситалар объект-  
лари: хусусийлари, вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи  
берилганлари, ижарага олинганлари, масъул сақлашда бўлган ва қўйил-  
ганлари инвентаризациядан ўтказилади.

Ташкилотнинг мулкани, шу жумладан асосий воситаларни инвен-  
таризациясини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришнинг  
умумий қоидалари ва умумбелгиланган тартиби БҲМС № 19 билан  
белгиланган.

Корхона раҳбари асосий воситалар объектларини инвентаризация-  
сини ўтказиш санасини ва уни ўтказиш тартибини тартибга солишни  
белгилаш ҳуқуқига эга. Бунда у ҳисобот йилида ўтказиладиган инвен-  
таризация сони, уларни ўтказиш санаси, ҳар бирида текшириладиган  
мол-мулк рўйхатини белгийлайди. Буларнинг барчаси корxonанинг ҳисоб  
сиёсатининг объекти бўлиб ҳисобланади. Бироқ бухгалтерия ҳисоби  
бўйича қонунчиликда корхоналарнинг асосий воситаларни инвентари-  
зациядан ўтказиш мажбуриятлари назарда тутилган.

Корхона раҳбарлари асосий воситаларнинг тўғри ҳамда ўз вақтида  
ўтказилиши ва уларнинг қутилмаганда ўтказилишини таъминлаш учун  
жавобгардир. Улар асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини  
қисқа муддатларда тўлиқ ва аниқ текширишни таъминлайдиган шаро-  
итларни яратиб беришлари шарт.

Бош бухгалтер тегишли бўлинмалар ва хизматлар раҳбарлари би-  
лан биргаликда инвентарлаш ўтказишнинг белгиланган қоидаларига  
риоя этилишини синчиклаб назорат қилишга мажбур.

Қуйидаги ҳолларда асосий воситалар инвентаризацияси ўтказили-  
ши шарт:

— мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шу-  
нингдек, давлат корхонаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқа-  
рилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда;

— йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентаризация  
ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулк-  
дан ташқари.

Айрим жойлар ва мавсумий тусда ишлайдиган корхоналарда қуйидаги ҳолларда асосий воситалар инвентаризацияси ўтказилади:

- асосий воситалар қайта баҳоланганда;
- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш-топшириш кунда);
- ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғинлар, фалокатлар ёки фавқулодда ҳолатлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;
- ҳўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентаризация жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолашни ўтказиш бўйича тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари комплексида корхона раҳбари томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ асосий воситалар объектларининг мавжудлигини текшириш тавсия этилади. Шу билан бирга асосий воситаларни аниқлик киритилган баҳоларини инвентаризация ўтказиш ва уларни қайта баҳолаш жараёнида фарқлаб олиш лозим. Асосий воситаларининг баҳоларига аниқлик киритиш деганда, масалан, активларни бошланғич қиймати шаклланганда ҳисобга олинмаган ёки ортиқча қўшилган харажатлар аниқланиши тушунилади. Қайта баҳолашнинг мақсади бўлиб асосий воситаларнинг ҳозирги вақтга реал қийматини уларнинг бошланғич қийматини бозор баҳосини ва қайта тиклаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий (қайта тиклаш) қиймати келтириш йўли аниқлаш ҳисобланади.

Корхона раҳбари ўзининг қарори билан танлаш йўли билан (қисман), режа асосида ва режадан ташқари (тўлиқ ва танлаш йўли билан), жорий ва йиллик ўтказиладиган инвентаризацияларни белгилаши мумкин. Режа асосида ўтказиладиган инвентаризация режа-жадвалига мувофиқ, режадан ташқари ўтказиладигани фавқулодда ҳолатларда: ўғирлик, йирик авариялар ва бошқа ҳолатлар бўлганда амалга оширилади. Жорий инвентаризация ҳисобот йили давомида, йиллик инвентаризация эса йиллик молиявий ҳисобот тузишдан олдин ва асосий воситаларни қайта баҳолашда ўтказилади. Танлаш йўли билан инвен-

таризация ҳар хил сабабларга кўра, шу жумладан асосий воситаларни қайта баҳолашда ўтказилади.

Инвентаризация ўтказиш учун корхонада доимий ишлайдиган инвентаризация комиссияси тузилади. Ишлар ҳажми катта бўлганда мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтда ўтказиш учун ишчи инвентаризация комиссияси тузилади. Ишлар ҳажми кичик ва корхонада ревизия комиссияси мавжуд бўлганда инвентаризация ўтказишни унга юклаш мумкин.

Асосий воситаларни инвентаризациясини ўтказиш тўғрисидаги қарорни, доимий ишлайдиган ва ишчи инвентаризация комиссияларининг шахсий таркибини корхона раҳбари тасдиқлайди. Комиссия таркиби тўғрисидаги ҳужжат (буйруқ, қарор, фармойиш) инвентаризацияларни ўтказиш тўғрисидаги буйруқлар бажарилишини назорат қилиш дафтрада рўйхатга олинади. Буйруқда асосий воситалар фойдаланишда бўлган жойида инвентаризациясини ўтказиш бўйича аниқ вазибаларни, қоидалар ва муддатларини белгилаш; асосий воситалар объектларини ҳақиқатда мавжудлигини ҳисоб маълумотларидан фарқини расмийлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳужжатлаштиришнинг қоидаларини батафсил аниқлаб бериш лозим.

Доимий ишлайдиган инвентаризация комиссияси таркибига корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси), бош бухгалтер ва бошқа мутахассислар (муҳандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар) киритилади. Шунингдек комиссия таркибига корхонанинг ички аудит вакиллари киритилиши мумкин. Ишчи инвентаризация комиссияси таркибига инвентаризация ўтказишни тайинлаган корхона раҳбари (комиссия раиси), мутахассислар: товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтерия ходими ва бошқалар киритилади. Инвентаризация ўтказиш чоғида комиссиянинг ақалли битта аъзоси йўқ бўлса, бу ҳол инвентаризация натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Комиссия таркибига инвентаризация ўтказилаётган қийматликларни, нархлари ва бирламчи ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак. Бир моддий жавобгар шахсларда худди шу ходимни кетма-кет икки марта ишчи инвентаризация комиссиясининг раиси қилиб тайинлаш тақиқланади.

Доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиялари:

— қийматликлар сақланишини таъминлашга доир профилактика ишларини ўтказиш, зарурат бўлганда ўз мажлисларида қийматликларнинг сақланиши масалалари бўйича цех, бўлим, шуъбалар раҳбарларининг ахборотларини тинглайди;

— инвентаризация ўтказилишини ташкил этади ва ишчи инвентаризация комиссиялари аъзоларига йўл-йўриқ беради;

— инвентаризация тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширувларни амалга оширади, шунингдек, инвентаризация орасидаги даврда сақлаш ва қайта ишлаш жойларида товар-моддий қийматликларини танлаб инвентаризация ўтказади;

— инвентаризация натижалари тўғри чиқарилганини, базалар, омборлар, омборхоналар, цехлар, қурилиш участкалари ва бошқа сақлаш жойларида қийматликларни қайта навларга ажратиш бўйича таклифлар асосли эканлигини текширади;

— зарур ҳолларда (инвентаризация ўтказиш қоидалари жиддий бузилганлиги аниқланган ва бошқа ҳолларда) корхона раҳбарининг топшириғига биноан такрорий ялпи инвентаризацияларни ўтказади;

— қийматликлар камомади ёки уларни шикастлашга, шунингдек, бошқа бузилишларга йўл қўйган шахслардан олинган тушунтиришларни кўриб чиқади ва аниқланган камомадлар ҳамда қийматликларни шикастлашдан кўрилган талафотларни бир изга солиш тартиби тўғрисида таклиф беради.

Ишчи инвентаризация комиссиялари:

— сақлаш ва ишлаб чиқариш жойларида қийматликлар ва пул маблағларини инвентаризациясини амалга оширади;

— корхона бухгалтерияси билан биргаликда инвентаризация натижаларини аниқлашда иштирок этади ва камомадлар ҳамда қайта навларга ажратиш чоғидаги ортиқча чиқишларни ҳисобга олиш ҳамда табиий йўқолиш меъёрлари доирасида камомадларни ҳисобдан ўчириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

— товар-моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва беришни тартибга солиш, ҳисобга олишни яхшилаш ва улар сақланишини назорат қилишни тартибга солиш масалалари, шунингдек, меъёрдан ортиқча ва ишлатилмайдиган моддий қийматликларни сотиш бўйича таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиялари қуйидаги ҳоллар:

— корхона раҳбарининг буйруғига мувофиқ инвентаризацияни ўз вақтида ўтказиш ва уни ўтказиш тартибига риоя қилиш учун;

— текширилаётган асосий воситалар, товар-моддий қийматликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга тўлиқ ва аниқ қайд этилиши учун;



— товар-моддий қийматликларнинг улар нархи белгиланадиган фарқловчи белгилари (тури, нави, русуми, ҳажми, прејскурант бўйича тартиб рақами, артикули ва ҳ.к.) рўйхатда тўғри кўрсатилиши учун;

— белгиланган тартибга мувофиқ инвентаризация материаллари тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Инвентаризация комиссиялари аъзолари товарлар, материаллар ва бошқа қийматликлар камомади ва ишлатиб юборгани ёки ортиқча чиққанини яшириш мақсадида рўйхатга бойликларнинг ҳақиқатдаги қолдиқлари тўғрисида атайлаб нотўғри маълумотларни киритганлик учун белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мол-мулкнинг ҳақиқатдаги мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентаризация комиссияси инвентаризация пайтидаги энг сўнгги кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши керак.

Инвентаризация комиссиясининг раиси ҳисоботларга илова қилинган барча кирим-чиқим ҳужжатларига «инвентаризациягача ...да (сана)» деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация бошлаш пайтида мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Моддий жавобгар шахслар инвентаризация бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига келиб тушган барча қийматликлар кирим қилингани, чиқиб кетганлари эса харажатга ҳисобдан ўчирилгани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мулкни сотиб олишга ҳисобдор суммалари ёки уни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

Инвентаризацияни ўтказиш олдидан ишчи инвентаризация комиссиялари аъзоларига буйруқ, комиссия раисларига эса пломбир топширилади (инвентаризация комиссияси ишлайдиган бутун иш вақтида пломбир комиссия раисида сақланади).

Инвентаризацияни бошлашга қадар қуйидагиларни текшириш зарур:

— инвентар карточкалари, инвентар дафтарлари ёки рўйхатларининг, шунингдек аналитик ҳисобнинг бошқа регистрларининг мавжудлиги ва ҳолати;

— техник паспортлар ёки бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолати;

— корхона томонидан ижарага, сақлашга ва вақтинча фойдаланишга топширилган ёки қабул қилинган асосий воситаларга доир ҳужжатларнинг мавжудлиги. Ҳужжатлар йўқ бўлса, уларнинг олинishi ёки расмийлаштирилишини таъминлаш зарур.

Инвентаризация комиссияси асосий воситаларнинг ҳақиқий қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни рўйхатларга тўлиқ ва аниқ киритилишини, инвентаризация материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлайди. Мол-мулкни ҳақиқатда мавжудлигини текшириш моддий жавобгар шахснинг албатта иштироки билан амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларида ёки техник ҳужжатларда тафовут ёки ноаниқликлар аниқланганда тегишли тўғрилашлар ва аниқликлар киритилиши керак.

Асосий воситаларни инвентаризациясини ўтказиш жараёнида комиссия мажбурий тартибда объектларни натурада кўздан кечирилади ва инвентаризация рўйхатларига уларнинг тўлиқ номи, вазифаси, инвентар рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини қайд этади. Комиссия мулкка эгалик қилиш давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк объектлари бўйича тегишли гувоҳномалар мавжудлигини текширади. Шунингдек комиссия корхона мулкдорлигида бўлган ер участкалари, сув ҳавзалари ва бошқа табиатдан фойдаланиш объектларига мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мавжудлигини ҳам текширади.

Ўзининг асосий воситаларини инвентаризациясини ўтказиш билан бир қаторда ижарага олинган ва масъулиятли сақлашда бўлган асосий воситалар ҳам текширилади. Кўрсатилган объектлар бўйича алоҳида рўйхат тузилади, унда ана шу объектлар масъул сақлашга ёки ижарага қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади.

Инвентаризация ўтказилаётганда инвентаризация бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг намунавий шакллари БХМС № 19 нинг талабларига мувофиқ қўлланилиши керак. Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, парранда ва асалари оилалари, кўп йиллик ўсимликлар, кўчатзорлар инвентаризацияси ўтказилганда қишлоқ хўжалик корхоналари учун тасдиқланган рўйхат шакллари қўлланилади.

Асосий воситалар рўйхатга объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича қайд этилади. Агар объект реконструкция, модернизация қилинган, кенгайтирилган, қайта жиҳозланган ёки қисман тугатилган ва бунинг оқибатида унинг асосий вазифаси ўзгарган бўлса, у холда рўйхатга янги вазифасига мувофиқ келадиган ном билан киритилади.

Агар комиссия капитал тусда қилинган ишлар (қават қуриш, янги хоналар қуриш ва ҳоказолар) ёки иморат ва иншоотларни қисман тугатиш (айрим конструктив унсурларни бузиш) бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган деб топса, у холда тегишли ҳужжатлар бўйича объект дастлабки қийматининг кўпайиш ёки камайиш суммасини аниқлаши ва рўйхатда қилинган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни келтириши керак.

Машиналар, асбоб-ускуналар, куч қурилмалари ва транспорт воситаларининг инвентаризация натижалари инвентаризация рўйхатларига якка тартибда, инвентар рақами, тайёрлаган (ишлаб чиқарилган) заводи, ишлаб чиқарилган йили, ишлаб чиқариш вазифаси, қувватлари, юк кўтариш қуввати ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган ҳолда киритилади. Умумий номдаги ва фойдаланиш мақсади бир хилдаги, бир хил қийматдаги, корхонанинг бир тақибий бўлинмасида фойдаланишда бўлган, аналитик ҳисоби инвентар карточкаларда юритиладиган асосий воситалар объектлари (хўжалик ва ишлаб чиқариш инвентарлари, махсус асбоб-ускуналар ва қурилмалар, дастгоҳлар, ЭХМлар ва ҳоказолар) инвентаризация рўйхатларига номлари ва сони бўйича қўшилади.

Асосий воситаларнинг инвентар объектларига берилган рақамлар, коидага кўра, ўзгармаслиги керак. Объектлар ўзларининг техник-ишлаб чиқариш вазифасига кўра киритилиши керак бўлган асосий воситалар гуруҳидан бошқа гуруҳга хато равишда киритилган ҳолларда, шунингдек, нотўғри рақам қўйилганлиги аниқланган ҳолларда рақамлар ўзгартирилиши мумкин.

Инвентаризация пайтида корхонадан ташқарида бўлган асосий воситалар (узоқ рейсларда бўлган денгиз ва дарё кемалари, темир йўл ҳаракатдаги таркиби, автомашиналар, капитал таъмирлашга юборилган машина ва ускуналар ва ҳоказо) доимий ишлайдиган ёки ишчи комиссия томонидан улар корхонадан вақтинча чиқиб кетиши пайтига қадар инвентаризациядан ўтказилиши керак.

Фойдаланишга яроқсиз ва қайта тиклаб бўлмайдиган асосий воситалар инвентаризация рўйхатига киритилмайди. Мазкур объектларга инвентаризация комиссияси алоҳида рўйхат тузиб, уларни фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади. Бундай объектларни ҳисобдан чиқариш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мулкнинг ҳақиқатда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар икки нусхадан кам бўлмаган инвентаризация рўйхатларига ёки инвентаризация далолатномаларига ёзилади. Ижарага олинган ва масъулиятли сақлашда бўлган асосий воситалар объектлари бўйича алоҳида рўйхат тузилади, унда ана шу объектлар масъул сақлаш ёки ижарага қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади.

Инвентаризация рўйхатлари ҳисоблаш ва бошқа техника воситалардан фойдаланган ҳолда ёки қўлда тўлдирилиши мумкин. Қўлда тузиладиган инвентаризация рўйхатлари аниқ ва тушунарли, равшан қилиб

сиёҳда ёки шарикли ручкада тўлдирилади. Ҳеч қандай ўчириш ва тузатиб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Рўйхатлар тўғри чизиқли ёзувда фойдаланиш жойи, таснифланувчи гуруҳи, инвентар рақамлари бўйича таркиби, объектларнинг асосий техник ёки фойдаланиш тавсифини кўрсатган ҳолда уларнинг тўлиқ номи (уларнинг фойдаланиш мақсадларига мувофиқ) бўйича тузилади. Рўйхатларда инвентаризация ўтказилаётган қийматлар ва объектларнинг номи, уларнинг миқдори ҳисобда қабул қилинган номенклатураси ва ўлчов бирликлари бўйича кўрсатилади. Қийматликлар қандай ўлчов бирликларида (доналарда, килограммларда, метрларда ва ҳоказоларда) кўрсатилганидан қатъи назар инвентаризация рўйхатининг ҳар бир саҳифасида сўз билан товар-моддий қийматликлар тартиб рақамлари сони ва мазкур саҳифада ёзилган барча қийматликлар миқдорининг умумий якуни кўрсатилади.

Рўйхатларнинг барча нусхаларида хатоларни тузатиш нотўғри ёзувлар устига чизиш ва чизилганлари устига тўғри ёзувларни қўйиш йўли билан амалга оширилади. Тузатишлар таъкидланиши ва инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши керак. Рўйхатларда тўлдирилмаган қаторлар қолдирилишига йўл қўйилмайди ва охириги варақларда тўлдирилмаган қаторлар чизиб қўйилади. Рўйхатларнинг охириги варағида баҳоларни ва якунларни ҳисоблаб чиқилганлигини текширилганлиги тўғрисида мазкур текширишларни амалга оширган шахсларнинг имзоси билан белги қўйилади.

Рўйхатлар инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар комиссия қийматликлар уларнинг иштирокида текширилганлиги, комиссия аъзоларига нисбатан ҳеч қандай даъволар йўқлиги ва рўйхатда саналган қийматликлар маъсул сақлашга қабул қилинганини тасдиқлайдиган тилхатни имзолайдилар. Моддий жавобгар шахслар ўзгарган ҳолларда қийматликларни ҳақиқатда мавжудлигини текшириш пайтида қийматликларни қабул қилган шахс инвентаризация рўйхатларига уларни олганлиги, топширган шахслар эса уларни топширганлиги хусусида имзо чекадилар.

Агар мол-мулкни инвентаризацияси бир неча кун мобайнида ўтказилса, моддий қийматликлар сақланаётган хона инвентаризация комиссияси кетаётганида муҳрланиши керак. Инвентаризация комиссиялари ишида танаффус бўлганда (тушлик вақти, тунда, бошқа сабабларга кўра) рўйхатлар инвентаризация ўтказилаётган ёпиқ хонадаги яшиқда (жавон, сейфда) сақланиши шарт.

Моддий жавобгар шахслар инвентаризациядан кейин инвентаризация рўйхатларида хатоларни аниқлаган ҳолларда улар дарҳол (омбор, омборхона, шуъба ва ҳоказолар очилгунига қадар) буни ишчи инвентаризация комиссиясига маълум қилишлари шарт. Моддий жавобгар шахсларнинг камомад ёки ортиқча чиқиши асосий воситалар номидаги хато, ўтказиб юбориш, янглишиш ва ҳоказолар туфайли юз бергани хусусидаги тушунтиришлари омбор, омборхона, шуъба очилгунига қадар қабул қилинади. Инвентаризация комиссияси кўрсатилган фактларни текширишни амалга оширади ва улар тасдиқланган тақдирда аниқланган хатоларни белгиланган тартибда тузатади.

Инвентаризация тугаганидан кейин инвентаризация тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текширишлар ўтказилиши мумкин. Уларни инвентаризация комиссиялари аъзолари ва моддий жавобгар шахслар иштирокида албатта инвентаризация ўтказилган омбор, омборхона, таркибий бўлинма омбори ва ҳоказолар очилишига қадар ўтказиш керак. Инвентаризациялар тўғри ўтказилганини назорат тариқасида текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва инвентаризация тўғри ўтказилганлигини назорат тариқасида текширишларни ҳисобга олиш дафтарыда рўйхатга олинади.

Солиштириш қайдномалари инвентаризацияда ҳисоб маълумотларидан тафовутлар аниқланган асосий воситалар бўйича тузилади. Солиштириш қайдномаларида инвентаризация натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар ва инвентаризация рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади.

Ортиқча ва кам чиққан товар-моддий қийматликларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофиқ келтирилади. Инвентаризация натижаларини расмийлаштириш учун ягона регистрлар қўлланиши мумкин, уларда инвентаризация рўйхатлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг кўрсаткичлари бирлаштирилади. Корхонага тегишли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) қийматликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади. Солиштириш қайдномалари ҳисоблаш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб, шунингдек, қўлда тузилиши мумкин. Айни вақтда комиссия бунда айбдор бўлган шахсларни ва у ёки бу объектларни конструктив ўзгартириш ҳисоб регистрларида акс эттирилмаганлигининг сабабларини аниқлаши шарт.

Инвентаризация рўйхатлари ва солиштирма қайдномалар бухгалтерияга топширилади ва бу ерда уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоб-

китоблари текширилади. Кейин марказий инвентаризация комиссия солиштирма қайдномалар маълумотлари бўйича ҳисоб маълумотларидан тафовутлар бўйича керакли қарорларни қабул қилади ва мазкур қарорлар корхона бўйича инвентаризация натижалари тўғрисидаги буйруқ билан тасдиқланиб қўйилади. Аниқланган тафовутлар бўйича инвентаризация комиссияси асосий воситаларнинг камомади ва бошқа йўқотишлар фактлари огоҳлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни тасдиқлаш учун марказий инвентаризация комиссиясига тақдим этади.

Инвентаризация вақтида аниқланган қийматликлар ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқиш учун корхона раҳбарига тақдим этилади. Қоплашга қабул қилиш тўғрисидаги охириги қарорни корхона раҳбари томонидан қабул қилинади.

Инвентаризация натижалари инвентаризация тугаган ойдаги ҳисоб ва ҳисоботда, йиллик инвентаризация эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Ҳисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек, ҳисоб регистрларида уларни тавсифлайдиган маълумотлар бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган объектлар аниқланган тақдирда комиссия инвентаризация рўйхатига ана шу объектлар бўйича етишмайдиган ёки тўғри маълумотларни ва техник кўрсаткичларни киритиши керак, масалан: бинолар бўйича — уларнинг вазифаси, улар қурилган асосий материаллар, ҳажми (ташқи ёки ички томондан ўлчаб), майдони (умумий фойдали майдони), қаватлар сони (ертўла, ярим ертўла ва ҳоказоларсиз), қурилган йили ва ҳоказолар; каналлар бўйича — узунлиги, чуқурлиги ва эни (туби ва юзаси бўйича), сунъий иншоотлар, туби ва ёнларини маҳкамлаш материаллари, кўприклар бўйича — жойлашган ери, материаллар тури ва асосий ўлчамлари; йўллар бўйича — йўл тури (тош йўл, профилли йўл), узунлиги, қоплаш материаллари ва машина қатнайдиган эни ва ҳоказолар кўрсатилиши керак.

Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича ўтказилиши, эскириш эса объектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши, бунда баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши керак. Инвентаризация комиссияси инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар қачон ва қимнинг фармойиши билан барпо этилганини, уларни барпо этиш харажатлари қаерга ҳисобдан чиқарилганини аниқлаши ва буни баённомада акс эттириши шарт.

Инвентаризацияда аниқланган ортиқча асосий воситалар объектларининг қийматини кирим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётида акс эттирилади.

Инвентаризацияда аниқланган ортиқча асосий воситалар объектларининг қийматини кирим қилиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб ўтамиз. «Юлдуз» АЖ ишлаб чиқариш цехидаги асосий воситаларни инвентаризациясини ўтказди ва инвентаризация натижасида ортиқча (ҳисобга олинмаган) токарлик дастгоҳининг мавжудлиги аниқланди. Токарлик дастгоҳини жорий қиймати — 5 000 000 сўм.

Инвентаризация натижасида аниқланган токарлик дастгоҳининг кирим қилиниши «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*дебет 0310 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»*  
*счёти* *5 000 000 сўм.*

Суиистеъмолликлар оқибати бўлган камомад ва йўқотишлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва йўқотишлар аниқлангандан сўнг 5 кун давомида тергов органларига берилиши керак, аниқланган камомад ва йўқотишлар суммасига эса фуқаролик даъвоси тақдим этилади.

Инвентаризация вақтида камомади факти аниқланган етишмаётган асосий воситалар объектлари айбдор шахслар аниқланган кунга қадар 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётида акс эттирилади. Инвентаризация натижасида аниқланган асосий воситаларнинг камомади ва йўқотишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини 9-§ «Асосий воситаларни чиқиб кетиши»да кўриб ўтамиз.

Асосий воситаларнинг баланс қиймати уларнинг ҳақиқий (жорий) қийматига мос келмаслиги аниқланган ҳолатда ошириш ёки камайтириш қайта баҳолаш сифатида 4-§ «Асосий воситаларни қайта баҳолаш»да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## **9-§. Асосий воситаларни чиқиб кетиши**

### **9.1. Асосий воситаларнинг чиқиб кетишининг умумий масалалари**

Асосий воситалар зарур ҳолларда бир корхонанинг ичида бир таркибий бўлинмадан бошқа бир таркибий бўлинмага ўтказилади, шунингдек ҳар хил сабабларга кўра бошқа корхоналарга чиқиб кетади.

Асосий воситалар объектлари корхонанинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро бирдан иккинчисига ўтказилиши асосий воситалар

объектларининг чиқиб кетиши деб тан олинмайди ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди, аналитик ҳисоб картотекасида инвентар карточки объект жойлашган таркибий бўлинмадан берилган бўлинмага олиб қўйилади. Шунингдек асосий воситалар объектларини бериш бўйича операциялар чиқиб кетиш деб тан олинмайдиган ҳолларга қуйидагилар киради:

- гаровга бериш;
- корхонанинг шуъбаларига, ваколатхоналарига, бўлинмаларига ва бошқа ажратилган (ёки ажратилмаган) таркибий бўлинмаларига бериш;
- мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ишончли бошқарувчиларга бериш;
- биргаликда амалга ошириладиган фаолият шартномасига иштирокчининг улуши сифатида киритиш. Ушбу шартномага мувофиқ операциялар биргаликда амалга оширилади ва активлар биргаликда фойдаланилади;
- оператив ижара шартномаси бўйича бериш;
- корхона раҳбариятининг тегишли кўрсатмасига асосан бир таркибий бўлинма томонидан бошқа таркибий бўлинмага бериш;
- активга эгалик ҳуқуқини бермаслик билан амалга ошириладиган операциялар.

Агар асосий воситалар маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширишда ҳар доим фойдаланилмаса, меъёрларда белгиланган фойдаланиш муддатидан олдин эскирса, шунингдек уларни таъмирлаш ёки модернизация қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса ва бошқа сабабларга кўра корхона уларни ҳисобдан чиқаради.

Чиқиб кетаётган асосий воситалар объектларининг қиймати баланسدан чиқарилади. Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансидан чиқарилади:

- тугатилиши;
- сотилиши;
- айирбошлаш (алмаштирилиши);
- бепул (текинга) берилиши;
- устав капиталига таъсисчининг улуши кўринишида берилиши;
- молнявий ижара шартномаси бўйича берилиши. Асосий воситалар оператив ижара шартномаси бўйича берилганда асосий воситаларни баланسدан чиқариш амалга оширилмайди;
- камомад ёки йўқотишлар аниқланиши;
- юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши.



Агар битта асосий воситада турлича фойдали ишлатиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлса, тиклаш чоғида ҳар бир бундай объектни алмаштириш ва чиқиб кетиш мустақил инвентар объектини харид қилиш сифатида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар объекти қисман тугатилган ҳолатда унинг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси тегишлича объектнинг тугатилган қисмининг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси суммасига камайтиради.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланади. Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётида аниқланади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда олдинги қайта баҳолашлардан ҳосил бўлган асосий восита объектлари қиймати ошиши суммасининг қолдиғи, яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолашлар натижасида баҳосининг ошган суммаси баҳосининг пасайган суммасидан ошган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётининг кредитига олиб борилиб, бир вақтнинг ўзиде 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётини камайтиради.

Агарда 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ), яъни ушбу асосий воситани қайта баҳолашлар натижасида баҳосининг ошиши суммаси баҳосининг пасайиши суммасидан ортган қисми, мулкни хусусийлаштириш жараёнида ҳосил бўлган гудвилл (фирма баҳоси) суммасининг камайтилишига (ҳисобдан чиқарилишига) ишлатилган бўлса, асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳужжатлари (реестрлари)да хусусийлаштириш натижасида ҳосил бўлган гудвилл (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган қайта баҳолаш (қолдиқ) суммаси тўғрисида белги қўйилади.

Бунда, ҳар бир асосий восита бўйича гудвилл (фирма баҳоси)нинг қийматини қоплаш учун йўналтирилган қайта баҳолаш (қолдиқ) суммасини аниқлаш учун ҳар бир турдаги асосий воситаниннг қайта баҳолаш (қолдиқ) суммаси тегишли коэффициентларга кўпайтиради. Ушбу коэффициент асосий фондларни қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган резерв капиталдан гудвилл (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун

йўналтирилган суммасининг гудвилл (фирма баҳоси) қийматини қоплашгача бўлган қайта баҳолаш натижасида ҳосил бўлган резерв капитали суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Шундай қилиб, чиқиб кетаётган асосий воситаларни олдин қайта баҳолаш натижасида юзага келган резерв капиталидан гудвилл (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган ҳолларда, асосий воситаларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётнинг кредитига ушбу турдаги асосий воситани қайта баҳолаш натижасида резерв капиталида турган қайта баҳолашнинг қолдиқ суммаси гудвилл (фирма баҳоси) қийматини қоплаш учун йўналтирилган суммага камайтирилганидан қолган қисми олиб борилади.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра БХМС № 5 кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситалар бўйича 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган чиқиб кетган асосий воситаларнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий воситаларни қайта баҳолашлар натижасида баҳоси ўсиши суммасининг баҳоси пасайиши суммасидан ошган суммаси 8520 «Резерв капитали» счётига ўтказилади.

Шунинг учун, корхона ва ташкилотлар 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)ни, яъни олдинги қиймат ошиши суммасининг олдинги қиймат пасайиши суммасидан ошган суммасини икки қисмга: балансда ҳисобда бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га ва БХМС № 5 кучга киргунига қадар чиқиб кетган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (янги таҳрирдаги) 199-моддасига мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш эътироф этилади. Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишга қуйидагилар қиради:

- товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);
- устав фондига (устав капиталига) кўшилган хисса;
- мол-мулк (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)ни, шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун бепул бериш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

— гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарчасини бериш.

Бундан ташқари қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

— юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчиси) таъсисчилар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкда бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

— асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда (текинга) бериш.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Устав фондига (устав капиталига) улуш ёки пай бадали сифатида бериладиган асосий воситалар қўшилган қиймат солиғидан озод этилади.

Расмийлаштирилган ва бухгалтерияга тақдим этилган асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатномага асосланган ҳолда инвентар карточкада асосий воситаларни чиқиб кетиши тўғрисида белги қўйиш амалга оширилади. Асосий воситаларни чиқиб кетиши тўғрисидаги тегишли ёзув уларни жойлашган жойида очилган ҳужжатда ҳам амалга оширилади. Чиқиб кетаётган асосий воситалар объектлари бўйича инвентар карточкалар корхона раҳбари томонидан давлат архив ишларини ташкил этиш қондаларига мувофиқ ўрнатилган муддат, бироқ беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

Корхона томонидан асосий воситалар объектларини бошқа шахслар мулк эгаллигига бериш асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Юқорида айтиб ўтилган далолатномага асосланган ҳолда берилган асосий воситалар объектларининг инвентар карточкасида тегишли ёзувлар амалга оширилади. Берилган асосий воситалар объектларининг инвентар карточкаси асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасига илова қилина-

ди. Чиқиб кетаётган асосий воситалар объектларининг инвентар карточкаси олинганлиги тўғрисидаги белги қўйиш объект жойлашган жойида очилган хужжатда амалга оширилади.

## **9.2. Асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида балансдан чиқарилиши**

Афсуски, ҳозирги кунга қадар доимий двигателъ яратилган эмас. Шунинг учун ҳам яқинда фойда келтираётган машиналар эртами-кечми ишдан чиқади, эскиради ва ўз навбатида уларни қайта тиклаш самара бўлмайди. Кўпгина ҳолларда асосий воситанинг ишлаш ресурслари кўп бўлади, лекин улар олдига қўйилган вазифани еча олмайди. Бундай ҳолларда нима қилиш керак деган савол туғилади. Табиийки, ҳисобдан чиқариш. Бундай ҳолатлар фақатгина машина ва асбоб-ускуналар билан бўлмайди. Хўжалик амалиётида бино ва иншоотларни тугатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳар хил сабабларга кўра бўлиши мумкин, масалан, корхонани реконструкция қилганда ёки фойдаланиш хавfli бўлиб қолганда бинолар ва иншоотлар бузилиши мумкин.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, асосий воситаларни қайта тиклаш имкони бўлмаса ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса тугатилади. Асосий воситалар қуйидаги ҳолларда тугатилиши натижасида балансдан чиқарилиши мумкин:

— белгиланган хизмат муддати тугагандан кейин (эскириш тўлиқ ҳисобланганда);

— жисмоний эскириши, авария, табиий офатлар, фойдаланишнинг меъерий шартлари бузилиши натижасида яроқсиз ҳолга келганда;

— маънавий эскирганда. Маънавий эскирган асосий воситалар — бу айнан шу мақсадда, нисбатан унумдор ва тежамкор асосий восита турларини ишлаб чиқариш натижасида кадрсизланган асосий воситалардир;

— тегишли давлат идораларининг қарори билан чиқиб кетиши;

— корхона ва ташкилотларда қурилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта қуруланиш натижасида ҳисобдан чиқариш.

Корхоналарда асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун корхона раҳбари (раҳбар ўринбосари) ёки бош муҳандис раислигида комиссия тузилади. Комиссия таркибига корхонанинг тегишли мутахассислари, бухгалтерия ходимлари ва моддий жавобгар шахслар қўшилиши шарт. Комиссия корхона раҳбарининг буйруғи билан ташкил этилади. Комиссия ишида иштирок этиш учун қонунчиликка мувофиқ алоҳида мулкларни

рўйхатга олиш ва назорат қилиш ҳуқуқи берилган инспекцияларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида уларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш учун тузилган комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— техник ҳужжатлардан (паспорт, босқичма-босқич режалар ва бошқа ҳужжатлар) ва бухгалтерия ҳисобининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларни бевосита кўриб чиқади;

— уларни қайта тиклаш имконияти йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини белгилайди;

— асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш сабабларини (эскиришнинг тўлиқ ҳисобланиши, жисмоний эскириши, реконструкция, фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши, табиий офат, авария ва бошқаларни) белгилайди;

— асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш муддатидан олдин фойдаланишдан чиқиб кетишига айбдор бўлган шахсни аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган меъёрлар асосида жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади;

— тугатилаётган асосий воситанинг алоҳида қисмларини, деталлари, материаллари, рангли ва қимматбаҳо металлларидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди ва уларни баҳолашни амалга оширади;

— тугатилаётган асосий воситалардан олинган яроқли қисмларини, деталларини, материалларини, рангли ва қимматбаҳо металлларини олишни назорат қилади, уларнинг сонини, оғирлигини аниқлайди ва тегишли омборларга топширилишини назорат қилади.

Корхоналарни қайта тиклаш ва техник қуроолантириш, қурилиш, кенгайтириш натижасида асосий воситалар тугатилаётган ҳолларда, комиссия ҳисобдан чиқаришга мўлжалланган асосий воситаларни юқори ташкилот ёки корхона мулкнинг эгаси томонидан тасдиқланган қурилиш, кенгайтириш, корхона ва ташкилотларни қайта тиклаш ва техник қуроолантириш режасига мос келишини текширади. Агар бундай режа бўлмаса, корхона ёки ташкилотни бошқарув органининг қарори бўлиши шарт. Бунда комиссия асосий воситаларни тугатиш далолатномаида тасдиқланган режанинг ёки тегишли қарорнинг бандига ва санаида асосланганлигини кўрсатади.

Комиссия томонидан асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида ҳисобдан чиқариш тўғрисида қабул қилган қарори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи

билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган Асосий воситаларни баланسدан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1 ва 2-ило-васида келтирилган Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги дало-латнома (АВ 4-сон шакл) билан, шу жумладан, транспорт воситалари бўйича — Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4а-сон шакл) билан расмийлаштирилади.

Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4-сон шакл) ва Транспорт воситаларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома (АВ 4а-сон шакл) икки нусхада тузилади, корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг биринчи нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчиси эса асосий восита объектининг сақланиши учун масъул бўлган шахсда қолади ва у ҳисобдан чиқариш натижасида қолган металл қолдиқлари ва моддий қийматликларни оморга топшириш ва сотиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Транс-порт воситаларини ҳисобдан чиқаришда бухгалтерияга далолатнома билан биргаликда унинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-лигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларидан ҳисобдан чиқарилганлиги тасдиқловчи ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги далолатномада тугати-лаётган асосий воситаларни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар кўрсат-илади:

Ҳар бир ҳужжатга унинг тартиб рақами берилади ва у «\_\_\_-сон далолатнома» қаторида кўрсатилиши керак.

«**Корхона**» қаторида унинг тўлиқ номи ва КТУТ бўйича коди кўрсат-илади.

«**Таркибий бўлинма**» устунида асосий воситалар чиқиб кетаёт-ган таркибий бўлинманинг номи ёки код рақами келтирилади. Агар ундан корхона фаолиятида умумий ҳолда фойдаланилган бўлса, маз-кур устун тўлдирилмайди ва чизиқча қўйилади.

«**Тузиш санаси**» устунида кўрсатиладиган тузиш санаси асосий воситаларни чиқиб кетиш санасига тўғри келиши керак. Чунки «Бух-галтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ бошланғич ҳужжатлар операциялар амалга оши-рилган санада тузилиши лозим. Мазкур реквизитлар ҳужжатнинг но-мида ёки ҳужжатнинг ўзида кўрсатилган хўжалик операциялари амал-га оширилган аниқ санани аниқлаш имкониятини беради. Сана араб рақамлари билан қуйидагича расмийлаштирилади: биринчи навбатда

иккита жуфт рақамлар билан ифодаланган сана ва ой, кейин тўртта рақам билан йил кўрсатилади. Хусусан 1 сентябрь 2009 йил санаси қуйидаги шаклда ёзилади: 01.09.2009 й.

«**Операция турининг коди**» устунни ва «**Асосий воситани сақлашга масъул шахснинг коди**» устунни агар корхона тегишли кодлаш тизимидан фойдалансагина тўлдирилади. Мазкур устунларда тегишли равишда объектни асосий воситалар таркибидан чиқиб кетиш операциясининг коди ва асосий воситаларининг сақланишига масъул шахснинг коди кўрсатилади.

«**Асосий воситанинг номи**» устунда чиқиб кетаётган асосий воситанинг тўлиқ номи келтирилади.

«**Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати**» устунда:

— 1 январь ҳолатига қайта баҳоланмаган чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича — бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги бошланғич қиймат;

— 1 январь ҳолатига қайта баҳоланган чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича — охириги қайта баҳолаш натижасига асосан қайта тиклаш қиймат кўрсатилади.

«**Жамғарилган эскириш суммаси**» устунда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича фойдаланиш давридаги жамғарилган эскириш суммаси кўрсатилади.

«**Ишлаб чиқарилган (қурилган) йили**» устунда ишлаб чиқарувчи ёки мулкдор томонидан ишлаб чиқарилган йили кўрсатилади. Бинолар ва иншоотлар бўйича эса қурилиб ишга туширилган йили кўрсатилади.

«**Фойдаланишга киритилган сана**» устунда асосий воситалар фойдаланишга киритилган сана кўрсатилади.

«**Инвентар рақами**» устунда асосий воситанинг ишлаб чиқарувчи ва қабул қилинганда берилган инвентар рақами кўрсатилади.

Объектнинг қисқача характеристикаси таркибида асосий воситалар билан боғлиқ операцияларни расмийлаштирадиган комиссияни тасдиқлаган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари (сана ва рақами), унинг корхонага келиб тушган санаси, паспорт бўйича объектнинг оғирлиги, тугатилиш сабаби ва ва бузишда олиниши мумкин бўлган яроқли қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

«**Комиссия хулосаси**» каторида комиссия хулосаси, шу жумладан олинган яроқли қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг келгусида фойдаланиш имкониятлари; асосий воситанинг

таларнинг чиқиб кетишининг мақсадга мувофиқлигини асослаш ва бошқалар кўрсатилади.

Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига табиий офатлар, авария натижасида шикастланганлигини тасдиқловчи ва асосий воситаларни тугатилиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар қўшилиши мумкин. Транспорт воситалари тугатилаётган вақтда, улардан ташқари, транспорт воситасининг бажарган иш ва кўрсатган хизмат ҳажми ёки босиб ўтган йўли кўрсатилади.

Авария ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши натижасида чиқиб кетаётган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига авария ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиши ҳақидаги далолатнома нусхаси илова қилинади ҳамда авариянинг юзага келиши ёки фойдаланиш меъёрий шартларининг бузилиш сабаблари тушунтирилади ва айбдор шахсларга нисбатан қўлланилган чоралар кўрсатилади. Табиий офат натижасида чиқиб кетаётган асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқаришда тугатиш далолатномасига махсус ҳукумат комиссиясининг хулосаси илова қилиниши мумкин.

Тугатиш ҳақидаги далолатнома тасдиқланмагунча асосий воситаларни бузиш ва қисмларга ажратишга йўл қўйилмайди. Тугатиш жараёни тугагандан кейин корхона бухгалтерияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасида келтирилган шаклда асосий воситаларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар ва уларни тугатишдан келиб тушган материал қийматликлар тўғрисида маълумотнома тузилади.

Асосий воситаларни бузиш ва қисмларга ажратиш натижасида олинган ва бошқа асосий воситаларни таъмирлашга яроқли бўлган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар тегишли счётларга кирим қилинади ва улар асосий воситаларни тугатиш комиссияси ўрнатган фойдаланиш мумкин бўлган баҳоларда ҳисобга олинади. Яроқсиз деб топилган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар иккиламчи хом ашё (металлолом, чиқинди, ўтин ва ҳоказо) сифатида кирим қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда корхона ёки ташкилотнинг хоҳиши бўйича фойдаланилади.

Корхоналарда асосий воситаларни бузиш ва бўлақларга ажратиш натижасида олинган қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қим-



матбаҳо металлларни ҳамда иккиламчи хом ашёларни сотишдан олинган маблағлар тугатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар чегирилгандан сўнг ушбу корхоналарнинг ихтиёрида қолади ва улар хоҳиши бўйича фойдаланилади, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

Реконструкция ва модернизация бўйича ишлар амалга оширилганда асосий воситалар объекти қисман тугатилган (масалан, бино ва иншоотларни айрим қисмлари тугатиш, одатий иш фаолиятига таъсир қилмайдиган объектларни бузиш) ҳолатларда корхона томонидан бундай объектларнинг қолдиқ қиймати ҳисобдан чиқарилади. Бунда биринчи навбатда жамланган амортизациянинг асосий воситалар объектнинг эксперт баҳоси бўйича тугатилган қийматига тегишли қисми суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларни тугатишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати билан жамғарилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида ушбу объектни тугатиш харажатларини ва яроқли қисмлар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо металллар қийматини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектнинг олдинги қайта баҳолашларда баҳосининг ўсиши баҳосининг пасайишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

Асосий воситаларнинг тугатилиши натижасида балансдан чиқарилишини мисолда кўриб ўтамиз. «Юлдуз» АЖ фрезерлик дастгоҳини тугатишга қарор қилди. Унинг бошланғич қиймати 8 000 000 сўмга, жамғарилган эскириш суммаси — 7 000 000 сўмга, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган фрезерлик дастгоҳини ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 400 000 сўмга тенг. Фрезерлик дастгоҳини бузишни «Юлдуз» АЖни ишчилари амалга оширди ва фрезерлик дастгоҳини бузиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: корхонанинг транспорт бўлинмаси томонидан кўрсатилган транспорт хизмати 40 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм. Бузиш натижасида 500 000 сўмлик эҳтиёт қисмлар ва 200 000 сўмлик бошқа материаллар олинган.

Фрезерлик дастгоҳини тугатиш натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	8 000 000 сўм;
кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти	8 000 000 сўм;
— фрезерлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	7 000 000 сўм;
— тугатиш бўйича харажатлар суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	77 200 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	40 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	30 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	7 200 сўм;
— фрезерлик дастгоҳини бузиш натижасида олинган эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларнинг қиймати кирим қилинганда:	
дебет 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти	500 000 сўм;
дебет 1090 «Бошқа материаллар» счёти	200 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	700 000 сўм;
— фрезерлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:	
дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тугатишлар» счёти	400 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	400 000 сўм;
— фрезерлик дастгоҳини тугатишдан фойда суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	22 800 сўм;
кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	22 800 сўм.

### **9.3. Асосий воситаларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқарилиши**

Асосий воситаларни сотишнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарари) асосий воситани сотишдан тушган тушум билан унинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғи ва сотиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

Асосий воситаларнинг сотилиши натижасида балансдан чиқарилишини мисолда кўриб ўтамиз. «Юлдуз» АЖ фрезерлик дастгоҳини бошқа корхона сотишга қарор қилди. Фрезерлик дастгоҳини сотишдан тушган тушум 7 000 000 сўмни, бошланғич қиймати 10 000 000 сўмни, жамғарилган эскириш суммаси — 4 000 000 сўмни ташкил этади. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган фрезерлик дастгоҳини ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 300 000 сўмга тенг. Шартнома шартига мувофиқ фрезерлик дастгоҳини «Юлдуз» АЖ ишчилари амалга оширди. Фрезерлик дастгоҳини сотиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: корхонанинг транспорт бўлини томонидан кўрсатилган транспорт хизмати 70 000 сўм; ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Фрезерлик дастгоҳини сотилиши натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— фрезерлик дастгоҳининг сотишдан тушум суммаси:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан*

*олинадиган счётлар» счёти*

*7 000 000 сўм;*

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб*

*кетиши» счёти*

*7 000 000 сўм;*

— фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб*

*кетиши» счёти*

*10 000 000 сўм;*

*кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»*

*счёти*

*10 000 000 сўм;*

— фрезерлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти	4 000 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	4 000 000 сўм;
— қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	200 000 сўм;
кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	200 000 сўм;
6 000 000 сўм = 10 000 000 сўм – 4 000 000 сўм;	
1 000 000 сўм = 7 000 000 сўм – 6 000 000 сўм;	
200 000 сўм = 1 000 000 сўм x 20 % / 100;	
— сотиш бўйича харажатлар суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	132 000 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	70 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	50 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти	12 000 сўм;
— харидордан пул маблағлари келиб тушганда:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	7 000 000 сўм;
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган сётлар» счёти	7 000 000 сўм;
— фрезерлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:	
дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	300 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	300 000 сўм;
— фрезерлик дастгоҳини сотишдан фойда суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	968 000 сўм;
кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти	968 000 сўм.

#### **9.4. Асосий воситаларни айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш**

Асосий воситаларни бошқа асосий воситаларга айирбошлаш қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ айирбошлаш йўли билан олинган асосий восита объектнинг бошланғич қиймати берилган асосий восита объектнинг қолдиқ қийматига тенг суммада акс эттирилади.

Асосий воситаларни айирбошлаш қўшимча тўлов йўли билан амалга оширилган ҳолларда, айирбошлаб олинган асосий восита объектнинг бошланғич қиймати берилган асосий восита объектнинг қолдиқ қийматини қўшимча тўланадиган пул маблағларига ёки унинг эквивалентлари суммасига оширилгани (камайтирилгани)га тенг бўлади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилмаган шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб қорхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Қорхона томонидан ўтказилган ёки ўтказиладиган мавжуд бойликларнинг қийматини қорхона таққослаш шarti билан шунга ўхшаш мавжуд бойликлар қийматини белгилайдиган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қорхона томонидан ўтказилган ёки ўтказиладиган мавжуд бойликларнинг қийматини белгилаш имконияти бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилмаган шартномалар бўйича қорхона олган асосий воситаларнинг қиймати шунга ўхшаш асосий воситалар объектларини таққослаш шarti билан сотиб олинадиган қийматдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Асосий воситани бошқа асосий воситага айирбошлаш учун бераётган қорхона ёки ташкилотнинг балансидан у баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситаларини айирбошлаш натижасида балансдан чиқарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ ўзининг транспорт воситасининг ўрнига айирбошлаш йўли билан бошқа транспорт воситасини олди. Транспорт воситасининг бошланғич қиймати 12 000 000 сўмни, жамғарилган эскириш суммаси — 3 000 000 сўмни ташкил этади. Резерв капиталини ҳисобга олувчи сўмларда ҳисобга олинган транспорт воситасини ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 300 000 сўмга тенг. Транспорт воситасининг қолдиқ қиймати 9 000 000 сўмга тенг.

Учта ҳолатни (транспорт воситаларини қўшимча пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (олиш) билан айирбошланишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ транспорт воситаларини айирбошлашни қўшимча пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (олиш)сиз амалга оширган.

Транспорт воситаларини айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— транспорт воситасининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 12 000 000 сўм;

кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти 12 000 000 сўм;

— транспорт воситаси бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти 3 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 3 000 000 сўм;

— айирбошлаб олинган транспорт воситаларини кирим қилинганда:

дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти 9 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 9 000 000 сўм;

— транспорт воситасининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 300 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

— транспорт воситасини айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти 300 000 сўм.

### **2-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ транспорт воситаларини айирбошлашни 5 000 000 сўм миқдорда қўшимча пул маблағлари тўлаш билан амалга оширган.

Транспорт воситаларини айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:  
— транспорт воситасининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 12 000 000 сўм;

кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти 12 000 000 сўм;

— транспорт воситаси бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти 3 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 3 000 000 сўм;

— айирбошлаб олинган транспорт воситаларини кирим қилинганда:

дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти 14 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 9 000 000 сўм;

кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 5 000 000 сўм;

— ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан қўшимча тўлов билан боғлиқ қарз суммасини қопланиши:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 5 000 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 5 000 000 сўм;

— транспорт воситасининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 300 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

— транспорт воситасини айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти 300 000 сўм.

### 3-ҳолат.

«Юлдуз» АЖ транспорт воситаларини айирбошлашни 2 000 000 сўм миқдорда пул маблағлари олиш билан амалга оширган.

Транспорт воситаларини айирбошлаш натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— транспорт воситасининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 12 000 000 сўм;  
кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти 12 000 000 сўм;

— транспорт воситаси бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти 3 000 000 сўм;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 3 000 000 сўм;

— айирбошлаб олинган транспорт воситаларини кирим қилинганда:

дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти 7 000 000 сўм;

дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 2 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 9 000 000 сўм;

— ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари олиш билан боғлиқ қарз суммасини келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 2 000 000 сўм;

кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти 2 000 000 сўм;

— транспорт воситасининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 300 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

— транспорт воситасини айирбошлашдан фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 300 000 сўм;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти 300 000 сўм.

### **9.5. Асосий воситаларни текинга бериш натижасида балансдан чиқарилиши**

Асосий воситаларни текинга беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар) берилаётган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати билан жамғарилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда резерв капитали-



ни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га, яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар кири-тиб аниқланади.

Асосий воситаларни текинга берилиши натижасида балансдан чиқарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ ҳомийлик ишларини амалга ошириш мақсадида болалар уйига «Дамас» автомобилни берган. «Дамас» автомобилнинг бошланғич қиймати 11 000 000 сўмни, жамғарилган эскириш суммаси — 5 000 000 сўмни ташкил этади. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган «Дамас» автомобилни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) 900 000 сўмга тенг. «Дамас» автомобилни чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар амалга оширилмаган.

«Дамас» автомобилни текинга берилиши натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— «Дамас» автомобилнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 11 000 000 сўм;

кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти 11 000 000 сўм;

— «Дамас» автомобили бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти 5 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 5 000 000 сўм;

— «Дамас» автомобилнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 900 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 900 000 сўм;

— «Дамас» автомобилни текинга беришдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 5 100 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 5 100 000 сўм.

### ***9.6. Устав капиталига улуш сифатида асосий воситалар берилганда балансдан чиқарилиши***

Асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида киритаётган корхоналарнинг балансдан баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади. Шунингдек, корхоналар бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида асосий воситаларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда баланс қийматидан фарқ қиладиган бошқа қийматда киритиши мумкин.

Асосий воситаларни устав капиталига улуш сифатида беришдан молиявий натижа (фойда ёки зарар), таъсис ҳужжатлари ёки бошқа қонунчиликда ўрнатилган тартибга мувофиқ баҳоланган қиймат билан берилаётган асосий воситанинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида қўшилган қиймат солиғи ва уни устав капиталига улуш сифатида бериш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, резерв капитални ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ)га, яъни ушбу асосий восита объектининг қайта баҳолаш натижасида олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

Устав капиталига улуш сифатида асосий воситалар берилганда балансдан чиқарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ янги ташкил этилган «Азизбек» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари таркибига киради. «Юлдуз» АЖнинг «Азизбек» МЧЖни устав капиталидаги улуши 8 000 000 сўмни ташкил этади. Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ «Юлдуз» АЖ устав капиталига улуш сифатида токарлик дастгоҳини киритади. Шартнома шартига мувофиқ токарлик дастгоҳини «Юлдуз» АЖнинг ишчилари томонидан етказиб берилади. Токарлик дастгоҳини етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: корхонанинг транспорт бўлинмаси томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 70 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Иккита ҳолатни («Азизбек» МЧЖни устав капиталидаги улуши сифатида берилган токарлик дастгоҳининг қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

#### ***1-ҳолат.***

«Юлдуз» АЖ устав капиталига улуш сифатида бошланғич қиймати 10 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 000 000 сўм, қолдиқ қиймати 8 000 000 сўм, резерв капитални ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган токарлик дастгоҳини ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта

баҳолаш натижалари (қолдик) суммаси 100 000 сўмга тенг бўлган токарлик дастгоҳини киритади.

Токарлик дастгоҳини устав капиталига улуш сифатида берилиши натижасида баланстан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 8 000 000 сўм;

— токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 10 000 000 сўм;

кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 10 000 000 сўм;

— токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти 2 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 2 000 000 сўм;

— етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар суммаси:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 132 000 сўм;

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 70 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;

кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 12 000 сўм;

— токарлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 100 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 100 000 сўм;

— токарлик дастгоҳини устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида беришдан зарар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 32 000 сўм;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 32 000 сўм.

## **2-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ устав капиталига улуш сифатида бошланғич қиймати 10 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 500 000 сўм, қолдиқ қиймати 7 500 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 100 000 сўмга тенг бўлган токарлик дастгоҳини киритади.

Токарлик дастгоҳини устав капиталига улуш сифатида берилиши натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида таъсис шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳужжатлар билан аниқланган қийматда берилиши:

дебет 0690 «Бошқа узоқ муддатли  
инвестициялар» счёти 8 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 8 000 000 сўм;

— токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 10 000 000 сўм;

кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»  
счёти 10 000 000 сўм;

— токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг  
эскириши» счёти 2 500 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 2 500 000 сўм;

— етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар суммаси:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 132 000 сўм;

кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 70 000 сўм;

кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан  
ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;

кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига  
тўловлар» счёти 12 000 сўм;

— токарлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

<i>дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти</i>	<i>100 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>100 000 сўм;</i>

— токарлик дастгоҳини устав капиталига таъсисчининг улуши сифатида беришдан фойда суммасига:

<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>468 000 сўм;</i>
<i>кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти</i>	<i>468 000 сўм.</i>

### **9.7. Асосий воситалар молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда балансдан чиқарилиши**

Асосий воситалар молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 6) «Ижара ҳисоби»да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Асосий воситалар молиявий ижара шартномаси бўйича берилганда балансдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 11 майдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ акс эттирилади.

### **9.8. Асосий воситалар камомади ёки йўқотилиши аниқланганда балансдан чиқарилиши**

Асосий воситаларни камомад ёки йўқотиш натижасида ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида 2004 йил 10 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 37-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-26-сон, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 20/1-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан

рўйхатга олинган Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ акс эттирилади.

Инвентаризация вақтида асосий воситалар камомати ёки йўқотилиши аниқланганда, улар балансдан баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган ҳолларда инвентаризация натижасида аниқланган асосий воситаларнинг камомати суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади. Иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртача иш ҳақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари ёзма шаклда олинган маҳсулотлар ўхшаш бирлигининг жорий қиймати (нархи) тўғрисида маълумотлар;

— харид қилиш санасида (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганида) ЭАВда асосий воситалар қиймати тўғрисида маълумотлар, бунда хорижий валюталар курсларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта баҳолашни ўтказиш санаси ва асосий воситаларни харид қилиш санасида белгиланган сўмга нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициенти қўлланади;

— тегишли давлат органларидаги мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

— баҳоловчининг асосий воситалар қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Асосий воситаларнинг камомоди ёки йўқотилиши аниқланганда балансдан чиқарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» АЖ асосий воситаларни инвентаризациясини ўтказди ва бошланғич қиймати 6 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 000 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 200 000 сўмга тенг бўлган фрезерлик дастгоҳини камомоди мавжудлигини аниқлади.

Фрезерлик дастгоҳини камомоди натижасида балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти* 6 000 000 сўм;

*кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти* 6 000 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти* 2 000 000 сўм;

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти* 2 000 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

*дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти* 200 000 сўм;

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти* 200 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини камомоди натижасида чиқиб кетишидан зарар суммасига:

*дебет 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти* 3 800 000 сўм;

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти* 3 800 000 сўм.

Кейинги навбатда мазкур мисолда учта ҳолатни (фрезерлик дастгоҳининг жорий қиймати ва айбдор шахсларни аниқланишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

Фрезерлик дастгоҳининг бозор қиймати 4 000 000 сўм миқдорда қилиб ўрнатилган. Фрезерлик дастгоҳининг камомади суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзининг 40 фоизи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинган. Қолган қисми нақд пул маблағлари билан қопланган.

Фрезерлик дастгоҳининг камомади суммасини моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— моддий жавобгар шахсдан фрезерлик дастгоҳининг камомади суммаси ундирилганда:

*дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти* 4 000 000 сўм;

*кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти* 3 800 000 сўм;

*кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти* 200 000 сўм;

— ходимнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда:

*дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти* 1 600 000 сўм;

*кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти* 1 600 000 сўм;

1 600 000 сўм = 4 000 000 сўм × 40 % / 100;

— моддий зарарни қоплаш бўйича қарзини моддий жавобгар шахс томонидан нақд пул маблағлари билан қопланганда:

*дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти* 2 400 000 сўм;

*кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти* 2 400 000 сўм;

2 400 000 сўм = 4 000 000 сўм – 1 600 000 сўм.

### **2-ҳолат.**

Фрезерлик дастгоҳининг бозор қиймати 3 700 000 сўм миқдорда қилиб ўрнатилган. Фрезерлик дастгоҳининг камомади суммаси моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг



қарзининг 40 фоизи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинган. Қолган қисми нақд пул маблағлари билан қопланган.

Фрезерлик дастгоҳининг камомади суммасини моддий жавобгар шахсдан ундириш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— моддий жавобгар шахсдан фрезерлик дастгоҳининг камомади суммаси ундирилганда:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти 3 700 000 сўм;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 100 000 сўм;

кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти 3 800 000 сўм;

— ходимнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи моддий жавобгар шахснинг иш ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда:

дебет 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 1 480 000 сўм;

кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти 1 480 000 сўм;

$1\,480\,000\text{ сўм} = 3\,700\,000\text{ сўм} \times 40\% / 100;$

— моддий зарарни қоплаш бўйича қарзини моддий жавобгар шахс томонидан нақд пул маблағлари билан қопланганда:

дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти 2 220 000 сўм;

кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти 2 220 000 сўм;

$2\,220\,000\text{ сўм} = 3\,700\,000\text{ сўм} - 1\,480\,000\text{ сўм}.$

### **3-ҳолат.**

Камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда фрезерлик дастгоҳининг камомадидан зарар суммаси «Юлдуз» АЖнинг молиявий натижаларига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 3 800 000 сўм;

кредит 5910 «Камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти 3 800 000 сўм.

**9.9. Юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқиб кетишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситаларни балансдан чиқарилиши**

Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчига асосий воситаларни бериш таъсисчилар йиғилиши қарорига асосан ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчи билан асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилинганда, корхона ва ташкилотларнинг балансидан асосий воситалар баланс қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Юридик шахс таъсисчилари таркибидан чиқаётган таъсисчи билан асосий воситалар орқали ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар), чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзни ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган асосий воситанинг бериш қиймати билан чиқиб кетаётган асосий воситанинг қолдиқ (баланс) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (қолдиғи), яъни ушбу асосий восита объектининг олдинги қийматининг оширилиши олдинги қийматининг камайтирилишидан ошган суммасига тузатишлар киритиб аниқланади.

Чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган асосий воситанинг қиймати унинг қарзидан ортиқ бўлса, фарқ чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан қопланади.

Чиқиб кетаётган таъсисчининг улуши бўйича қарзини суммаси уни қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун берилаётган асосий воситанинг қийматидан ортиқ бўлган ҳолларда, фарқ бераётган корхона томонидан қопланади.

Юридик шахс таъсисчилари таркибидан таъсисчининг чиқиб кетишида асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида асосий воситаларни балансдан чиқарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолда кўриб чиқамиз. «Азамат» МЧЖ «Юлдуз» АЖнинг устав капиталида 12 000 000 сўм бўлган улушга эга. «Азамат» МЧЖ таъсисчилар таркибидан чиқаяпти. Таъсисчиларининг қарорига мувофиқ «Азамат» МЧЖнинг устав капиталидаги улуш асосий воситалар билан «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳи кўринишида амалга оширилади. Асосий воситаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни таъсисчилар таркибидан чиқиб кетаётган таъсисчи томонидан амалга оширилган.

Тўртта ҳолатни (устав капиталидаги таъсисчининг улушини қайта-риш учун берилаётган асосий воситаларни қийматидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасига тенг бўлган 12 000 000 сўмлик асосий воситаларни беради. «Матиз» автомобили бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 9 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 000 000 сўм, қолдиқ қиймати 7 000 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 500 000 сўмга тенг. Токарлик дастгоҳи бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 6 500 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 1 500 000 сўм, қолдиқ қиймати 5 000 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 200 000 сўмга тенг.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниш натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини баланстан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий воситаларни берилганда:

*дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга  
улушлари бўйича қарз» счёти* 12 000 000 сўм;

*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти* 12 000 000 сўм;

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти* 15 500 000 сўм;

*кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»  
счёти* 6 500 000 сўм;

*кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти* 9 000 000 сўм;

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг  
эскириши» счёти* 1 500 000 сўм;

*дебет 0260 «Транспорт воситаларининг  
эскириши» счёти* 2 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 3 500 000 сўм;

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 700 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 700 000 сўм;

700 000 сўм = 500 000 сўм + 200 000 сўм;

— таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини чиқиб кетишидан фойда суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 700 000 сўм;

кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти 700 000 сўм.

## 2-ҳолат.

«Юлдуз» АЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасига тенг бўлган 12 000 000 сўмлик асосий воситаларни беради. Бунда берилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 13 000 000 сўмни ташкил этади. «Матиз» автомобили бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 9 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 1 500 000 сўм, қолдиқ қиймати 7 500 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 300 000 сўмга тенг. Токарлик дастгоҳи бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 6 500 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 1 000 000 сўм, қолдиқ қиймати 5 500 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 100 000 сўмга тенг.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий воситаларни берилганда:

дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти 12 000 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	12 000 000 сўм;
— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	15 500 000 сўм;
кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти	6 500 000 сўм;
кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти	9 000 000 сўм;
— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:	
дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти	1 000 000 сўм;
дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти	1 500 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	2 500 000 сўм;
— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:	
дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	400 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	400 000 сўм;
400 000 сўм = 300 000 сўм + 100 000 сўм;	
— таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини чиқиб кетишидан зарар суммасига:	
дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	600 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти	600 000 сўм.

### **3-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан кам бўлган 11 000 000 сўмлик асосий воситаларни беради. Келишувга мувофиқ кўшимча равишда 1 000 000 сўм пул маблағлари билан қоплаб берилиши керак. «Матиз» автомобили бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 9 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 500 000 сўм, қолдиқ қиймати 6 500 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи сётларда ҳисобга олин-

ган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммаси 200 000 сўмга тенг. Токарлик дастгоҳи бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 6 500 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 2 000 000 сўм, қолдик қиймати 4 500 000 сўм, резерв капиталини ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинган ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммаси 50 000 сўмга тенг.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини балансдан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий воситаларни берилганда:

<i>дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз» счёти</i>	<i>11 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>11 000 000 сўм;</i>

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>15 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти</i>	<i>6 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти</i>	<i>9 000 000 сўм;</i>

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

<i>дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти</i>	<i>2 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>4 500 000 сўм;</i>

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммасига:

<i>дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти</i>	<i>150 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>150 000 сўм;</i>

150 000 сўм = 100 000 сўм + 50 000 сўм;

— олдин устав капиталига киритган улуши бўйича қарзини суммасини унга берилётган «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини суммасидан ошган қисмини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағлари билан копланганда:

*дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга  
улушлари бўйича қарз» счёти 1 000 000 сўм;*  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 1 000 000 сўм;*

— таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини чиқиб кетишидан фойда суммасига:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 150 000 сўм;*  
*кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетишидан фойда» счёти 150 000 сўм.*

#### **4-ҳолат.**

«Юлдуз» АЖ қиймати олдин устав капиталига улуш сифатида олинган мулк суммасидан ортиқ бўлган 14 000 000 сўмлик асосий воситаларни беради. Келишувга мувофиқ «Азамат» МЧЖ 2 000 000 сўмни пул маблағлари билан қайтариши керак. «Матиз» автомобили бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 10 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 1 000 000 сўм, колдик қиймати 9 000 000 сўмга тенг. Токарлик дастгоҳи бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд: бошланғич қиймати 5 500 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси — 500 000 сўм, колдик қиймати 5 000 000 сўмга тенг.

Таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиққанда асосий воситалар билан ҳисоб-китоб қилиниши натижасида «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳини баланسدан чиқариш «Юлдуз» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— чиқиб кетаётган таъсисчи билан улуши бўйича қарзини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий воситаларни берилганда:

*дебет 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга  
улушлари бўйича қарз» счёти 12 000 000 сўм;*  
*дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 2 000 000 сўм;*  
*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 14 000 000 сўм;*

— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб  
кетиши» счёти 15 500 000 сўм;*

<i>кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>5 500 000 сўм;</i>
<i>кредит 0160 «Транспорт воситалари» счёти</i>	<i>10 000 000 сўм;</i>
— «Матиз» автомобили ва токарлик дастгоҳи бўйича жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:	
<i>дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти</i>	<i>500 000 сўм;</i>
<i>дебет 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти</i>	<i>1 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>1 500 000 сўм;</i>
— «Азамат» МЧЖнинг қарзи суммасини қоплаш учун ҳисоб-китоб счётига пул маблағлари келиб тушганда:	
<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти</i>	<i>2 000 000 сўм.</i>

### **10-§. Молиявий ҳисоботда асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш**

Корхона ҳисобот санасига оператив ижара шартномаси бўйича берилган, гаровга қўйилган мулкнинг таркибида бўлган ва бошқа объектларни қўшган ҳолда бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобот даври ва охирида мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлайдиган молиявий ҳисоботни тақдим этади. Шунингдек молиявий ҳисоботга юқорида айтиб ўтилган асосий воситалар бўйича амортизация суммалари, асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ҳисобот санасига уларни қайта баҳолаш ва ажратиладиган ва ажратиб бўлмайдиган яхшилаш бўйича капитал ишларни қабул қилиш натижасида ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар ҳам қўшилади.

Молиявий ҳисоботда асосий воситалар бўйича қуйидаги маълумотлар очиб берилиши лозим:

— асосий воситаларнинг ҳаракатини: келиб тушиши, чиқиб кетиши, бошланғич қийматнинг ўзгариши, ўзгариш сабабларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот даврининг бошидаги ва охиридаги бошланғич (қайта тиклаш) қиймати;

— асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича амортизацияни ҳисоблашда: амортизацияни ҳисоблашнинг фойдаланиладиган усули, амортизацияланадиган асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ва



охиродаги бошланғич ёки жорий қиймати, ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги жамланган амортизация суммаси;

— қайта баҳолашни ўтказишда: асосий воситалар ҳар бир турининг ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги жорий қиймати, қайта баҳолашни ўтказишнинг асосланганлиги ва даврийлиги, қайта баҳолашни ўтказиш санаси, қайта баҳолашни ўтказиш усули.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот даври охирида қуйдагилар тўғрисидаги ахборотни ҳам очиб бериш лозим:

— вақтинчалик фойдаланилмаётган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) ёки жорий қиймати тўғрисида;

— фойдаланишда бўлган, амортизацияси тўлиқ ҳисобланган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) ёки жорий қиймати тўғрисида;

— мажбуриятлар бўйича кафолат сифатида гаровга берилган асосий воситаларга мулк ҳуқуқининг мавжудлиги ва чекланганлиги тўғрисида;

— асосий воситаларни харид қилиш бўйича қопланмаган мажбуриятлар тўғрисида;

— ҳисобот даври охиридаги тугалланмаган қурилиш қиймати тўғрисида;

— давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида бўлган, фойдаланишга қабул қилинган ва ҳақиқатда фойдаланилаётган кўчмас мулк объектлари тўғрисида;

— мақсадли молиялаш ҳисобидан олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, қолдиқ қиймати ва баҳолаш усули тўғрисида;

— фойдаланишдан чиқарилган, бироқ кейинчалик уларни сотиш мақсадида асосий воситалар таркибида ҳисобда турган асосий воситаларнинг айрим турларининг ҳисобот даври охиридаги қиймати тўғрисида;

— асосий воситаларни тиклашга доир харажатлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб сиёсати тўғрисида.

Молиявий ҳисоботларни тўлдириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

«Бухгалтерия баланси» (1-сон шакл) (активнинг 1-бўлими «Узоқ муддатли активлар», «Асосий воситалар» моддаси, 012-қатор)да амортизация ҳисобланадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ амортизация ҳисобланмайдиган асосий воситалар объектларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати акс эттирилади. Ҳисобот санасидаги бухгалтерия

балансига қўшилган амортизация ҳисобланадиган ва амортизация ҳисобланмайдиган асосий воситаларнинг умумий қиймати асосий воситаларнинг баланс қиймати номи билан юритилади.

012-қаторга қўшилган асосий воситалар таркибида корхонанинг одатдаги фаолиятида (ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш, ижтимоий ва бошқа соҳаларда) фойдаланадиган асосий воситалар объектларидан ташқари куйидаги асосий воситалар объектлари ҳам ҳисобга олинади:

— оператив ижарага берилган (мулкни оператив ижарага бериш шартномаси тугагунгача (бекор қилингунгача);

— консервацияга ўтказилган ёки реконструкция, модернизация, қўшимча қуриш, қисман тугатиш жараёнида бўлганлар;

— молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар.

Бухгалтерия балансининг 012-қаторида ҳисобга олинadиган амортизация ҳисобланадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ва ҳисобот санасига мазкур объектлар бўйича ҳисобланган санасига ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Содалаштирилган тартибда Бош китобда ҳисобга олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300)нинг ҳисобот санаси ҳолати (масалан, 1 январь)га қолдиғидан асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)да ҳисобга олинган қолдиқ чегирилади, олинган фарқ эса амортизация ҳисобланадиган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига тенг бўлади. 012-қаторда асосий воситаларнинг умумий қолдиғи келтирилганлиги туфайли унинг суммаси қолдиқ (амортизация ҳисобланадиган объектлар) ва бошланғич (қайта тиклаш) (амортизация ҳисобланмайдиган объектлар) қийматларини қўшишдан ҳосил бўлади.

Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинadиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисидаги Маълумотда балансдан ташқари 001 «Оператив ижарага олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинadиган асосий воситаларнинг ва 010 «Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинadиган молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Шундай қилиб аналитик ҳисоб регистрлари — жорий йилда очилган ҳисобот йили учун асосий воситалар гуруҳлари бўйича суммасини ҳисобга олувчи карточка (қайднома, машинограмма)лар ёки инвентар карточка (инвентар дафтар)ларидаги маълумотлар бўйича корхона то-

монидан бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситалар объектларининг қолдиқ қийматини аниқлаш мумкин.

«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сон шакл)нинг «Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари» (090) қатори бўйича 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётининг маълумотларига асосан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда қўшилади. «Бошқа операцион харажатлар» (070) қатори бўйича асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан зарарлар қўшилади.

«Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (3-сон шакл)да корхонанинг асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади. Ҳисоботда асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100), 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ва асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)даги маълумотларга мувофиқ асосий воситаларнинг турлари, бошланғич (қайта тиклаш) қиймати, келиб тушиши, чиқиб кетиши, эскириши ва қолдиқ қиймати тўғрисидаги ахборотлар акс эттирилади.

«Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-сон шакл)да резерв капиталини кўпайиши ёки камайишига олиб бориладиган ҳар йили 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта боҳалаш натижалари тўғрисидаги, яъни корхонанинг хусусий капиталини шаклланишига таъсир кўрсатувчи маълумотлар келтирилади. Кўрсатиб ўтилган ахборотлар ҳисоботга ҳисобот даври учун корхона бўйича асосий воситаларни қайта баҳоланишнинг натижаларини жамловчи қайдномаларига асосан баҳосининг кўпайиши ёки камайишида қўшилади.

Тушунтириш хатида асосий воситалар бўйича қуйидаги маълумотлар қўшилади:

— пулсиз маблағлар билан мажбуриятларни бажариш (тўлаш)ни назарда тутадиган шартномалари (айирбошлаш шартномаси бўйича) олинган асосий воситалар объектларини баҳолаш усуллари;

— асосий воситалар объектларини яхшилаш бўйича бажарилган ва қабул қилинган капитал ишлар натижасида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган қийматининг ўзгариши;

— текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган асосий воситалар объектларини баҳолаш усуллари;

— 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолаш усуллари;

— асосий воситалар объектлари бўйича корхона томонидан қабул қилинган фойдали хизмат муддатлари;

— амортизация ҳисобланмайдиган активларга тегишли асосий воситалар объектлари;

— асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ҳисоблаш усуллари.

Тушунтириш хатида фақатгина асосий воситаларни тавсифловчи миқдорий маълумотларни эмас, балки ҳисобот йилига, шу жумладан корхона фаолиятининг молиявий натижаларига таъсир қилувчи уларни сифат жиҳатларини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ва омилларни ҳам келтириб ўтиш лозим. Бундай кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— асосий воситаларнинг актив қисмининг улуши — бу асосий воситаларнинг актив қисмининг қийматини асосий воситаларнинг умумий қийматига бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда асосий воситаларнинг актив қисми сифатида машина ва асбоб-ускуналар ҳисоблаш қабул қилинган;

— ҳисобот даври бошига ва охирига амортизация коэффициенти тегишли йиллик ҳисобот санасидаги жамғарилган амортизация суммасини асосий воситаларнинг ҳисобот даври бошидаги ёки охиридаги бошланғич қийматига бўлиш билан ҳисобланади ва асосий воситаларининг амортизация ҳисобланган қисми улушини тавсифлайди. Ҳисобот даври боши бўйича ҳам, охири бўйича ҳам ҳисобланган бир бирликнинг улуши билан ўлчанади. Кўрсаткичнинг кўпайиши корхонанинг материал базасининг сифат жиҳатдан ёмонлашганлигини кўрсатади (ҳисобот даврида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усули доимий бўлган шароитда);

— асосий воситаларни янгиланиш коэффициенти — мазкур кўрсаткич ҳисоб даврида келиб тушган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобот даври охиридаги асосий воситаларнинг бошланғич қийматига нисбатини ўзида намоён этади. Кўрсаткич ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг корхона мулк ҳуқуқига мавжуд бўлган асосий воситалар қисмини ўзида ифодалайди;

— асосий воситаларни чиқиб кетиш коэффициенти — ҳисобот даврида чиқиб кетган асосий воситаларни бошланғич қийматини ҳисобот даври бошида ҳисобга олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади. Кўрсаткич ҳисобот даврида чиқиб кетган (бухгалтерия ҳисобидан чиқарилган) асосий воситаларнинг қисмини ўзида ифодалайди.

Керак бўлган ҳолларда тушунтириш хатида аналитик кўрсаткичларни ҳисоблашнинг қабул қилинган тартибини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг 1-сон иловаси  
 АВ-1-сон намунавий шакл

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Олувчи:

Манзил: \_\_\_\_\_  
 Х/р: \_\_\_\_\_  
 Банк: \_\_\_\_\_  
 МФО: \_\_\_\_\_  
 ХХТҮТ \_\_\_\_\_

ташкilotнинг номи

Манзил: \_\_\_\_\_  
 Х/р: \_\_\_\_\_  
 Банк: \_\_\_\_\_  
 МФО: \_\_\_\_\_  
 ХХТҮТ \_\_\_\_\_

Топширувчи:

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

ташкilotнинг номи

**Асосий воситаларни (бино, иншоотлардан ташқари) қабул қилиш-топширишининг \_\_\_\_\_-сон далолатномаси**

Қабул қилиш-топшириш вақтида объектнинг жойлашган жойи \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_\_ йилдан  
 Ишлаб чиқарган ташкilot \_\_\_\_\_

**1. Бериш санасида асосий воситалар объектини ҳолати тўғрисида маълумотлар**

Асосий воситанинг номи	Сана		Фойдаланишнинг ҳақиқий муддати	Қолдиқ қиймати, сўм	Харид қилиш қиймати (шартнома қиймати)
	ишлаб чиқарилган (йил)	ойирги берилган (биринчи марта)			

**2. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги асосий воситалар объект тўғрисидаги маълумотлар**

Бошланғич қийматга олиб бориладиган харижатлар қиймати	Бошланғич қиймат, сўм

**3. Асосий воситалар объектнинг қисқача индивидуал тавсифи**

Асосий воситалар объекти, қурилмалар, жиҳозлар		Қиймат баҳоли материаллар (металлар, тошлар ва ҳоказолар) мавжудлиги		
номи	миқдори	қиймат баҳоли тошлар номи	номенклатура рақами	ўлчов бирлиги

Қабул қилиш-топшириш бўйича комиссия

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_ йилдаги синов натижаси

Асосий воситалар объекти техник шартларга

мос келади  
мос келмайди

Кўшимча ишлов

талаб этилади  
талаб этилмайди

\_\_\_\_\_ (нима мос келмаслиги кўрсатилсин)

\_\_\_\_\_ (нима талаб этилиши кўрсатилсин)

Комиссия хулосаси: Асосий воситалар объекти техник тавсиф маълумотлари талабларига мос келади, ишчи ҳолатда ва фойдаланишга яроқли

Илова. Техник хужжатлар  
Комиссия раиси

Комиссия аъзолари

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

Асосий воситалар объекти

Топширди \_\_\_\_\_  
лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Қабул қилди \_\_\_\_\_  
лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_ й. \_\_\_\_\_  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сон ишончнома бўйича:  
Берилган \_\_\_\_\_  
(ким томонидан, кимга (Ф.И.Ш.)

Асосий воситалар объектни масбул сақлашга қабул қилди

\_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.  
\_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Бухгалтерия белгиси:

Асосий воситалар объектини ҳисобга олиш инвентар  
карточкаси (дафтари)да чиқиб кетиш белгилаб қўйилди

Асосий воситалар объектини ҳисобга олиш  
карточкаси очилганлиги ёки инвентар дафтарга  
ёзув туғрисида бухгалтерия белгиси

№	Тужуш санаси

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг I-сон иловаси

АВ-1-сон намунавий шакл

ТАСДИҚЛАЙМАН

ТАСДИҚЛАЙМАН

Олувчи:

Манзил: \_\_\_\_\_ ташкилотнинг номи  
 Х/р: \_\_\_\_\_  
 Банк: \_\_\_\_\_  
 МФО: \_\_\_\_\_ СТИР: \_\_\_\_\_  
 ХХТУТ \_\_\_\_\_

Топширувчи: \_\_\_\_\_ ташкилотнинг номи  
 Манзил: \_\_\_\_\_  
 Х/р: \_\_\_\_\_  
 Банк: \_\_\_\_\_  
 МФО: \_\_\_\_\_ СТИР: \_\_\_\_\_  
 ХХТУТ \_\_\_\_\_

Асосий воситаларни (бино, иншоотлардан учун) қабул қилиш-топширишнинг \_\_\_\_\_-сон даволатгомаси

Қабул қилиш-топшириш вақтида объектнинг жойлашган жойи \_\_\_\_\_ йилдан  
 Ишлаб чиқарган ташкилот \_\_\_\_\_

1. Берилгани асосий воситалар объектни ҳолати тўғрисида маълумотлар

Сана		
Қурилш бошланган	қурилш тузатилган	қурилш тугатилган
Фойдаланиш	Фойдаланиш	Фойдаланиш
Қурилш ре-конструкция, модернизация, қўшимча қуриш	Охириги ре-конструкция, модернизация, қўшимча таъмир-лаш	Охириги ре-конструкция, модернизация, қўшимча таъмир-лаш

2. Бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санисидagi асосий воситалар объекти тўғрисидаги маълумотлар

Фойдаланишнинг ҳақиқий муддати (иш. ойлар)	Ҳисобланган эскириш суммаси, сўм	Қолдиқ қиймати, сўм	Харид қилиш қиймати (шартнома қиймати), сўм	Қарз маблағлар буйича фонсларни капитализация қилинадиган суммаси	Бошлангич қиймат, сўм	Фойдаланиш муддати

3. Асосий воситалар объектнинг қисқача индивидуал тавсифи

Қиммат баҳоли материаллар (металлар, тошлар ва ҳоказолар) мавжудлиги	
Қиммат баҳоли тошлар номи	номен-клатура бирлиги

Объектни тавсифловчи конструктив унсурларининг ва бошқа белгиларнинг номи	Сифат ва миқдорий тавсифи	
	асосий объектнинг	Қўшимча қурилган бинолар ва бошқалар
Умумий майдони, кв. м		
Қаватлар сони		
Умумий қурилш ҳажми, куб м		
шу жумладан: ер ости қисми, куб м		
Қурилган, қурилган-қўшимча қурилган ва қўшимча қурилган бинолар майдони, кв. м		
шу жумладан: материаллар		

Қабул қилиш-топшириш бўйича комиссия

«\_\_\_» 20\_\_\_ йилдаги синов натижаси

Асосий воситалар объекти техник шартларга

мос келади  
мос келмайди

Қўшимча ишлов

талаб этилади  
талаб этилмайди

(нима мос келмаслиги кўрсатилсин)

(нима талаб этилиши кўрсатилсин)

Комиссия хулосаси: Асосий воситалар объекти техник тавсиф маълумотлари талабларига мос келади, ишчи ҳолатда ва фойдаланишга яроқли  
Илова. Техник ҳужжатлар  
Комиссия раиси

Комиссия аъзолари

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

лавозим

имзо

Ф.И.Ш.

Асосий воситалар объекти

Топширди лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
«\_\_\_» 20\_\_\_ й.

Қабул қилди

лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
«\_\_\_» 20\_\_\_ й.

«\_\_\_» 20\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сон ишончнома бўйича:  
берилган \_\_\_\_\_  
(ким томонидан, кимга (Ф.И.Ш.))

Асосий воситалар объектни масъул сақлашга қабул қилди

лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
«\_\_\_» 20\_\_\_ й.

Асосий воситалар объектини ҳисобга олиш

карточкаси очилганлиги ёки инвентар дафтарга  
ёзув тўрисида бухгалтерия белгиси

Бухгалтерия белгиси:

Асосий воситалар объектини ҳисобга олиш инвентар  
карточкаси (дафтари)да чиқиб кетиш белгилаб қўйилди

№	Тузиш санаси

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситаларга шарҳларнинг 3-сон иловаси»  
 АВ-6-сон намунавий шакл

**Асосий воситаларни ҳисоб олишнинг \_\_\_\_\_-сон инвентар карточкаси**

Тушиш санаси	Кириш қилиш ҳужжати санаси	Рақами

Қорхона, ташкилот \_\_\_\_\_

Таркибий бўлинма \_\_\_\_\_ объектнинг жойлашган жойи \_\_\_\_\_

объектнинг тўлиқ номи ва фойдаланиш мақсади \_\_\_\_\_  
 ишлаб чиқарган ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ модели, тип, маркази \_\_\_\_\_

Бошланғич қиймат, сўм	Фойдали хизмат муддати	Жамғарилган эскириш, сўм	Қолдиқ қиймат, сўм	Асбоб-ускуна объекти
1	2	3	4	5

инвентар	Рақами	Ишлаб чиқариш, қуриш йили	Қиммат баҳоли материаллар (металлар, тошлар ва ҳоказолар) мавжудлиги		Қиммат баҳоли материаллар номи		Улчов бирлиги номи	коди	Чикиб кетган (берилган)					
			қиммат баҳоли материаллар номи	номен-клатура	қиммат баҳоли материаллар номи	коди			миқдори (оғир-лити)	ҳужжат бўйича санаси	рақами	чиқиб кетиш (утказиш) санаси	номи	коди
6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	18	19		

Объектни қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация қилиш (бухгалтерия ёзуви)		Объектни таъмирлаш (бухгалтерия ёзуви)			
сана	рақами	харажат суммаси, сўм	сана	рақами	харажат суммаси, сўм
1	2	3	4	5	6

**Объектнинг қисқача индивидуал тавсифи**

Объектни тавсифловчи конструктив унсурларнинг ва бошқа белгиларнинг номи	Материаллар, ҳажми ва бошқа маълумотлар					
	асосий объект		асосий объектка тегишли муҳим қўшимча қурилишлар, қурилмалар ва жиҳозлар номи			
1	2	3	4	5	6	

Қарточкани тўлдирди \_\_\_\_\_

лавозим \_\_\_\_\_

имзо \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг 4-сон иловаси  
 АВ-ба-сон намунавий шакл

**Асосий воситалар объектлари гуруҳларини ҳисоб олишнинг ИНВЕНТАР КАРТОЧКАСИ**

Ҳужжат рақами	Тузиш санаси

Корхона, ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Таркибий бўлима \_\_\_\_\_ (номи)

Моддий жавобгар шахс \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

№	Асосий воситалар объекти номи	Инвентар рақами	Ишлаб чиқариш (қуриш) санаси	Ташкилотга келиб тушган		Бухгалтер ҳисобига қабул қилинган санадаги бошланғич қий-мат, сўм	Фой-дали хизмат муддат	Ҳисобланган амортизация (эскириш) суммаси, сўм	Қолдиқ қиймати, сўм	Қайта баҳолаш			Чиқиб кетган (берилган)	
				бухгалтерия	ҳужжат, санаси, рақами					ҳўжжати, санаси, рақами	қайта ҳисоблаш (қайта баҳолаш) коэффициенти	қайта тиклаш қиймати, сўм	ҳужжат, санаси, рақами	чиқиб кетган сабаби
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

№	Асосий военталар объектнoмнo	Инвен-тар рақами	Ишлаб-чиқар-иш (қуриш) санаси	Ташкилотга келиб тушган		Бухгалтер ҳисобига қабул қилинган санадаги бошлан-ғич қий-мат, сўм	Фой-дали хизмат мўддати	Ҳисоб-ланган аморти-зация (эскир-иш) сумма-си, сўм	Қолдиқ қийма-ти, сўм	Қайта баҳолаш			Чўқиб кетган (берилган)	
				ҳужжат, санаси, рақами	бухгал-терия терия					ҳисоби-га қабул қилин-ган сана	санаси	қайта хи-соблаш (қайта баҳолаш) коэффи-циенти	қайта тиклаш қийма-ти, сўм	ҳужжат, санаси, рақами
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий  
стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг  
5-сон иловаси  
АВ-66-сон намунавий шакл

Қорхона, ташкилот \_\_\_\_\_  
(ташкilotнинг номи)  
Тарқибий бўлима \_\_\_\_\_  
(тарқибий бўлимининг номи)

**Асосий воситалар объектларини ҳисобга олишнинг  
ИНВЕНТАР ДАФТАРИ**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилгача бўлган давр учун

Инвентар дафтари юритишга масъул шахс \_\_\_\_\_  
Моддий жавобгар шахс \_\_\_\_\_

лавозим \_\_\_\_\_

имзо \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

## АВ-66-сон шаклнинг 2-вариди

№	Асосий воситалар объектининг номи	Инвентар рақами	Келиб тушган				Бошланчи қиймати, сўм	Фойдали хизмат муддати	Ҳисобланган амортизация (эскирishi) суммаси, сўм
			Ҳужжат, санаси, рақами	бухгалтерия ҳисобига қобул қилин- ган сана	таркибий бўлими	жавобгар шахс			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Маъмур намунада АВ-66-сон шакл бўйича дафтарнинг барча жуфт сонли varaқлари босмадан чиқарилиши керак.

Қўлишқ қиймати, сўм	Қайта баҳолаш			Ички ҳаракат, чиқиб кетиши (ўзсўблен чиқариши)			
	синаси	қайта ҳисоблаш (қайта баҳолаш) коэффициенти	қайта тиклаш қиймати, сўм	ҳужжати, санаеси, рақами	тарқибий булиниши	жавобгар шахс	чиқиб кетиш (ўзсўблен чиқариши) санаеси
11	12	13	14	15	16	17	18

Мазкур намунада АВ-66-сон шакл бўйича дафтарнинг барча тоқ сонли варақлари босмадан чиқарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг 6-сон иловаси

АВ-14-сон намунавий шакл

Олувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Далолатномани тузиш учун асос \_\_\_\_\_ (бўйруқ, фармойиш, шартнома (унинг турини кўрсатиш билан))

**Асбоб-ускуналарни қабул қилиш (келиб тушиши) тўғрисидаги далолатнома**

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси «\_\_» 20\_\_ й.

Хужжат рақами	Тузиш санаси

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Раҳбар \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)  
«\_\_» 20\_\_ й.

Етказиб берувчи ташкилот (сотувчи) \_\_\_\_\_ (номи)

Ишлаб чиқарувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Юк жўнатувчи ташкилот (ташувчи ташкилот) \_\_\_\_\_ (номи)

Асбоб-ускуналарни қабул қилиш (жойлашган) жойи \_\_\_\_\_ (номи)

Етказиб бериш услуги \_\_\_\_\_ (транспорт воситасининг тури) \_\_\_\_\_ -сон

Пломбаларнинг мавжудлиги \_\_\_\_\_

Транспорт юк хати

серияси	
рақами	
санаси	

**1. Асбоб-ускуналарни қабул қилиш вақти тўғрисидаги маълумотлар**

		Сана, вақт, соат, минут				
асбоб-ускуналар (юк) жўнатиш		асбоб-ускуналар (юк) қабул қилиш (келиб тушиши)				
жўнатувчи станциясидан	жўнатувчи омборидан	асбоб-ускуналар (юк) келиб тушиши		туташи		
		қабул қилиш жойи	тўхтатилиши			
пунктнинг номи		бошланиши	тўхтатилиши	кайтадан бошланиши		
1	2	3	4	5	6	7



2. Келиб тушган асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар

Асбоб-ускуналар		Ўрнатиш тури		Ўлчов бирлиги		Асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ташкилот хужжатлари бўйича				Ҳақиқатда қабул қилинган				
номи	завод (номин-клатура) с/н, бел-рақами	тшп, марка-с/н, бел-гиси	4	5	жой, сони, донд	юк онгринги жўна-тўвчи-нпки	йўлда (портда) ва бош-қалар	қиймати, сўм	юкхити бўйича муҳим белгилар	жой, сони, донд	юк-ланган носо-ликлар	14	Изоҳ	
														6
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Асбоб-ускунани ..... шикастланмаган шикастланган (шикастни кўрсатилсин) 2. Асбоб-ускуна комплект/комплект эмас холда етказилган (комплектлиги комплект эмас (комплект эмаслиги кўрсатилсин) кўрсатилсин)

Изоҳ. Ўрнатишда, солашда ва синашда аниқланган носозликлар Асбоб ускуналарда аниқланган носозликлар тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади (АВ-16-сон шакл). Комиссия хулосаси:

Илова қилинадиган хужжатлар рўйхати: Асбоб-ускуналарни сони, сифати ва комплектлиги бўйича қабул қилиш қондалари билан комиссиянинг барча аъзолари танишди:

(лавозим) (имзо) (Ф.И.Ш.) (ваколат тўғрисидаги берилган хужжатнинг рақами ва санаси ҳамда хужжатни берган ташкилотнинг номи)  
 (лавозим) (имзо) (Ф.И.Ш.) (ваколат тўғрисидаги берилган хужжатнинг рақами ва санаси ҳамда хужжатни берган ташкилотнинг номи)  
 (лавозим) (имзо) (Ф.И.Ш.) (ваколат тўғрисидаги берилган хужжатнинг рақами ва санаси ҳамда хужжатни берган ташкилотнинг номи)  
 Қабул қилди \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_-сон ишончнома бўйича берилган \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
 (ким томонидан, кимга (фамилияси, исми, шарифи))

Асосий воситалар объектини масъул сақлашга қабул қилди \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
 Асосий воситалар объектини ҳисобининг инвентар карточқаси очилганлиги тўғрисида бухгалтерия белгиси \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)  
 Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситаларга шарҳларнинг 7-сон иловаси»  
 АВ-15-сон намунавий шакл

Бюртмаси ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Далолатномани тузиш учун асос \_\_\_\_\_ (бюртмачининг таркибий бўлиминини номи)  
 \_\_\_\_\_ (ҳужжатнинг номи (рақами ва санасини кўрсатиш билан))

**Асбоб-ускуналарни ўрнатишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома**

Ҳужжат рақами	Тузиш санаси

урнатишга	фойдаланишга	Топшириш санаси
		шартнома бўйича ҳақиқатда

Далолатномани тузиш жойи \_\_\_\_\_

Ишлаб чиқарувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Етказиб берувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Монтаж ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

1. Қуйида санаб ўтилган асбоб-ускуналар ўрнатиш учун берилди \_\_\_\_\_ (бино, иншоот, цехнинг номи)

номи	Асбоб-ускуналар рақами			типи, маркази	Бюртмачининг омирига келиб тушиши		Микдори, дона	Қиймати, сўм		Изоҳ
	завод (номен-клатура)	паспорт (Урам)	техник схе-мада жой-лаштири буйича		санаси	қабул қилиш-далолатно-масининг рақами		бир бирлиги	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Асбоб-ускуналарни ўрнатишга қабул қилишда аниқланди:

лойиҳа ихтисосига ёки чизмага

мос келади  
мос келмайди

(агар мос келмаса, нимаси мос келмаслигини кўрсатилсин)

асбоб-ускуналар

комплект  
комплект бўлмаган

холда берилган (қабул қилиш амалга оширилган комплект таркиби ва техник хужжатлар ва қандай комплект бўлганлиги кўрсатилсин)

Асбоб-ускуналар кўришда носозликлар

аниқланмаган  
аниқланган

(агар аниқланган бўлса, уларни батафсил санаб берилсин)

Изоҳ. Ўрнатишда, соzлашда ва синашда аниқланган носозликлар Асбоб-ускуналарда аниқланган носозликлар тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади (АВ-16-сон шакл).

Ўрнатишга яроқчилиги тўғрисида хулоса: \_\_\_\_\_

Топширди

Буюртмачи ташкилотнинг вакили

Қабул қилди

Ўрнагувчи ташкилотнинг вакили

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

М.Ў.

Кўрсатилган асбоб-ускуналар масъул саклашга қабул қилинди

Моддий жавобгар шахс

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

← → \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миқдорий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га шарҳларнинг 8-сон иловаси

АВ-16-сон намунавий шакл

Буюртмачи ташкилот \_\_\_\_\_ (ташкилотнинг номи)

\_\_\_\_\_ (таркибий бўлинма)

**Асбоб-ускуналарда аниқланган носозликлар тўғрисидаги далолатнома**

Хужжат рақами	Тузиш санаси

рақами	санаси

ўрнатилган қабул қилинган далолатнома

Далолатномани тузилган жойи \_\_\_\_\_ (манзил, бино, йншоот, цех)

Ишлаб чиқарувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Етказиб берувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Юк жўнатувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Ташувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

Ўрнатувчи ташкилот \_\_\_\_\_ (номи)

1. Қуйида санаб ўтилган асбоб-ускуналарни \_\_\_\_\_ жараёнида қуйидаги носозликлар аниқланди:  
(қабул қилиш, ўрнатиш, созлаш, синаш)

НОМИ	Асбоб-ускуналарни			Сана		Аниқланган носозликлар
	Паспорт ёқи ўрамининг рақами	типи, маркаси	лойиҳа ташкилоти	асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш	асбоб-ускуналарни келиб тушиши	
1	2	3	4	5	6	7

номи	Асбоб-ускуналарни				Аниқланган носозликлар	
	паспорт ёки ўрачмининг рақами	типи, маркази	лойиҳа ташкилоти	асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш		
1	2	3	4	5	6	7

Аниқланган носозликларни бартараф қилиш учун лозим: \_\_\_\_\_

(аниқланган носозликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ёки ишлар, бажарувчи ва бажариш муддатлари батафсил кўрсатилади)

Буюртмачи ташкилотнинг вакили

(лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо)  
М.У.

(Ф.И.Ш.)

(лавозим)

Ўрнатувчи ташкилотнинг вакили

(имзо)  
М.У.

(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тайёрловчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар» га шарҳларнинг 9-сон иловаси

АВ-2-сон намунавий шакл

**Асосий воситалар объектлари ички ҳаракатини**  
\_\_\_\_\_-сон юкхати

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

Топширувчи \_\_\_\_\_

Олувчи \_\_\_\_\_

№	Асосий воситалар объектларининг номи		Сони, лона	Қиймат, сўм	жами
	инвентар рақами	бир birlik			

Хужжат бўйича жами \_\_\_\_\_

Изоҳ (асосий воситалар объектларининг техник ҳолатининг қисқача тавсифи) \_\_\_\_\_

Топширди: \_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)

Қабул қилди: \_\_\_\_\_ лавозим \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)

Асосий воситалар объектларини ҳисобга олиш инвентар қарточкаси (дафтарда) кўчириб ўтказиш белгилаб қўйилган.

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситаларга шарҳларнинг 10-сон иловаси»  
 АВ-3-сон намунавий шакл

**Таъмирланган реконструкция ва модернизация қилинган асосий воситаларни қабул қилиш толаширининг \_\_\_\_\_-сон далолатномаси** «\_\_\_» 20\_\_ йилдан

Таркибий бўлими	Объектларни таъмирлаш, реконструкция, модернизация қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш амалга оширилгандаги маълумотлар					
	Олдин		Кейин			
	Бошланғич (балانس) қиймати	Жамғарилган амортизация суммаси, сўм	Қолдиқ қиймати	Бошланғич (балانس) қиймати	Жамғарилган амортизация суммаси, сўм	Қолдиқ қиймати
1	2	3	4	5	6	7

Бажарувчи — ташкилот (таркибий бўлими) \_\_\_\_\_-сон шартнома (буюртма) бўйича \_\_\_\_\_ да  
 «\_\_\_» 20\_\_ йилдан \_\_\_\_\_-сон шартнома (буюртма) бўйича

Сана \_\_\_\_\_  
 Санга \_\_\_\_\_  
 дан \_\_\_\_\_  
 гача \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_  
 Санга \_\_\_\_\_  
 дан \_\_\_\_\_  
 гача \_\_\_\_\_

Таъмирлаш (реконструкция, модернизация)да бўлган \_\_\_\_\_  
 Таъмирлаш (реконструкция, модернизация) бўйича назарда тутилган ишлар бажарилган \_\_\_\_\_  
 тўлиқ \_\_\_\_\_  
 тўлиқ эмас \_\_\_\_\_

Таъмирлаш (реконструкция, модернизация) \_\_\_\_\_  
 (нима бажарилмагани аниқ кўрсатилсин)  
 Реконструкция, модернизация тугалдан кейин объект синавдан ўтди ва фойдаланишга топширилган  
 Реконструкция, модернизация натижасида объектнинг ўзгарган тавсифлари \_\_\_\_\_

Топширди: \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)

Қабул қилди: \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, шарифи)

«\_\_\_» 20\_\_ й.

#### **IV боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 6) «Ижара ҳисоби»га шарҳлар**

Ижара — кўпгина давлатларнинг корхоналари (компаниялари)нинг инвестицион сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ижара операциялари билан тўйинганлик ва кенг ёйилганлиги мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланганлиги кўрсатувчи ўзига хос кўрсаткич ҳисобланади.

Ижара фаолияти ўзида ишлаб чиқаришни кредитлаш ва инвестицион фаолият ўртасидаги ўзига хос бир шаклни намоён этади. Ижара тўловлари одатда ижарага берувчига қўйилган капиталга ўрнатилган ўртача меъёрдан кам бўлмаган фойда олиш имкониятини таъминлайди, ижарачи учун эса бир вақтнинг ўзида йирик миқдорда пул маблағларини чиқиб кетишни амалга оширмаган ҳолда қиммат баҳода турувчи мулклардан фойдаланиш ва ижарага олинган мулкдан фойдаланиш натижасида фойда олингандан кейин ижара тўловларини тўлаш имкониятлари юзага келади.

Ижара асосан айланма маблағлар етишмаслиги юзага келган корхоналар учун фойдали ҳисобланади. Бунда улар ўзларининг асосий воситаларини янгилай олмайдилар, фан-техника тараққиёти натижаларини жорий қила олмайдилар ва ўз навбатида уларни кредитловчи ташкилотларга қарам қилиб қўядиган кредитлар олишга мажбурлар. Ижара шароитида асосий воситаларни олиш корхоналарга уларни қарз маблағлари ҳисобига олганга қараганда кўпроқ маблағларни иқтисод қилиш имкониятларини беради.

Республикада ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш учта асосий ҳужжат: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги ва «Лизинг тўғрисида»ги қонунлари билан амалга оширилади. Ижара муносабатлари ва ижара объектларини солиққа тортишни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобига тегишли масалаларни тартибга солиш учун ижара операциялари ва ижара бўйича келишувларни бухгалтерия ҳисоби ва субъектларнинг молиявий ҳисоботларида акс эттиришни тартибга солувчи меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ҳозирги кунда ҳам уларни яратиш бўйича ишлар давом этапти.

Шундай қилиб ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меърий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг бошланғич



босқичи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш тартибини қабул қилиниши ҳисобланади.

Ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти БХҲС (IAS) 17 «Ижара»да назарда тутилган асосий меъёрларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрда 45-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 6) «Ижара ҳисоби»ни ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳисобланади. Мазкур стандарт билан ижара ва лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ягона услубий асослари аниқлаб берилган эди.

2002 йилнинг 13 декабрида «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритилиши ва 2004 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар (суғурта ташкилотлари, банклар ва кредит уюшмалари бундан мустасно) молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобининг янги Счётлар режасига ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 194-сон «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тўғрисида топшириқ бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 75-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 6) «Ижара ҳисоби» қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 74-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1373-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом ҳам ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда ижара молиявий ижара ва оператив ижарага бўлинган. Шу муносабат билан ижара муносабатларини бухгалтерия ҳисоби атамаларини ижара муносабатларини солиққа тортишда қўлланиладиган атамалар билан мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги меъерий ҳужжатлар қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 6) «Ижара ҳисоби» (кейинги ўринларда БХМС № 6 деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 11 майдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом.

Шунингдек БХМС № 6 ни янги таҳрирда қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 18 апрелдаги 46-сон буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 майда 1181-2-сон билан рўйхатга олинган) билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тизимида ижара операцияларининг ҳисоби ва уларга тегишли маълумотларни очиб бериш МХҲС (IAS) 17 «Ижара» билан тартибга солинади. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва ижара операцияларини бухгалтерия ҳисоби бўйича Ўзбекистон Республикасининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва таққослаш БХМС № 6 «Ижара ҳисоби»да назарда тутилган меъёрлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари меъёрларига тўлиқ тўғри келишини кўрсатди.

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 6) «Ижара ҳисоби»га шарҳ (кейинги ўринларда БҲМС № 6 га шарҳлар деб юритилади) ижара (лизинг) операцияларини ижарага (лизингга) берувчи ва ижарачи (лизингга олувчи)нинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини, шунингдек ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби)ни тузиш тартибини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

## **1-§. Умумий қоидалар**

Мазкур БҲМС № 6 га шарҳ мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда корхона деб юритилади) (бюджет ташкилотлари, банк ва кредит уюшмаларидан ташқари) тавсия этилади.

Мазкур БҲМС № 6 га шарҳлар қуйидаги объектлар ва операцияларга қўлланилмайди:

— табиат ресурслари, шу жумладан нефть, табиий газ ва бошқа қайта тикланмайдиган ресурсларни қидирув ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижара келишувлари;

— интеллектуал мулк объектлари бўйича лицензия келишувлари.

Интеллектуал мулк объектлари бўйича лицензия келишувлари бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 7) «Номоддий активлар»га мувофиқ амалга оширилади.

Ижара — келишувга биноан бир томон (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки келишилган муддат давомида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беришидир.

Ижара субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— ижарага берувчи — мулкнинг эгаси ёки қонунчиликка мувофиқ ёки мулкдор томонидан мулкни ижарага бериш учун ваколатланган шахслар;

— ижарага олувчи (ижарачи) — ижара шартномаси асосида мулкни ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида ижара қуйидагиларга ажратилади:

— молиявий ижара (лизингни қамраб олган ҳолда);

— оператив ижара.

Молиявий ижара — мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

— молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулки бўлиб ўтиши;

— молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоиздан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоиздан камроғини ташкил қилиши;

— молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини ушбу ҳуқуқ сотилиш кундаги бозор қийматидан анча паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунда ижара муддатининг бошида ушбу ҳуқуқнинг сотилишига асосланган ишончнинг мавжуд бўлиши;

— молиявий ижара шартномаси амал қиладиган давр учун ижара тўловларининг дисконтланган жорий қиймати, молиявий ижара объектини ижарага бериш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоиздан ортиқ бўлиши.

Оператив ижара — молиявий ижара шартномаси ҳисобланмайди-ган мулк ижара шартномасига биноан мулкни вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга ёки фойдаланишга бериш.

МХҲС (IAS) 17 «Ижара»га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби мақсадида ижара қуйидагиларга ажратилади:

— молиявий ижара;

— операцион ижара.

Молиявий ижара — шартлари бўйича активга эгалик қилиш билан боғлиқ барча хавф ва фойда ўтиши салмоқли равишда амалга оширилган ижарадир. Қуйидагиларни алоҳида ёки биргаликда бажарилиши одатда ижарани молиявий ижара сифатида тавсифланишига олиб келади:

— ижара муддати тугагач, ижара объекти ижарачининг мулки бўлиб ўтиши;

— ижарачи мазкур активни ушбу ҳуқуқ сотилиш кундаги ҳаққоний қийматидан анча паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунда ижара муддатининг бошида ушбу ҳуқуқнинг сотилишига асосланган ишончнинг мавжуд бўлиши;

— ижара муддати активнинг иқтисодий хизмат қилиш муддатининг салмоқли қисмини ташкил қилиши, агар мулкчилик ҳуқуқи берилмаса ҳам;

— ижара шартномаси тузилган вақтда минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати, ижара объектини жами ҳаққоний қийматининг салмоқли улушини ташкил этиши;

— ижарага олинган активлар фақат ижарачи ҳеч қандай муҳим ўзгаришларсиз фойдаланиши мумкин бўлган махсус характерга эга бўлиши.

Операцион ижара — молиявий ижарадан фарқ қиладиган ижара.

«Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ лизинг — молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

— лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

— лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

— лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нарҳда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

— лизинг шартномаси даври учун лизинг тўловларининг жорий дисконтланган (ҳисобга олинган) қиймати лизинг объектининг лизингга топшириш пайтидаги жорий қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

«Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лизинг бўйича томонларни уч тарафлама муносабатларини белгилаб беради ва лизинг субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Биринчи томон — лизингга берувчи — лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчига келгусида бериш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб сотиб олувчи шахс. Улар сафига лизинг муносабатларини амалга ошириш жараёнида мулкни ўз мулкчилигига жалб қилинган ёки ўзининг хусусий пул маблағларига харид қиладиган ва уларни лизингга олувчига лизинг объекти сифатида аниқ бир ҳақ эвазига маълум бир муддатга ва лизинг объектига мулкчилик ҳуқуқини лизингга олувчига ўтиш ёки ўтмаслик шарт билан маълум шартлар асосида вақтин-

чалик эгалик қилиш ва фойдаланишга тақдим этадиган юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин. Мулк эгаси сифатида қуйидаги шахслар чиқиши мумкин:

— устав (Низом)да мазкур хизмат турлари назарда тутилган банк муассасаси ёки унинг филиаллари, шунингдек мулкни ишчи ҳолатда сақлаш, таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча хизматлар мажмуасини ўзига оладиган банкнинг ихтисослаштирилган шуъба корхоналари;

— юқорида айтиб ўтилган Қонунга мувофиқ тижорат ташкилоти сифатида кўрсатиб ўтилган, ўзининг таъсис ҳужжатларига биноан лизингга берувчи вазифасини бажарувчи, лизинг операцияларини амалга ошириш учун махсус ташкил этилган молиявий лизинг компанияси;

— мулкни лизингга бериш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган, бироқ уставда мазкур фаолият тури билан шуғулланиш тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай фирма ёки корхона.

Иккинчи томон бўлиб лизингга олувчи — эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс ҳисобланади. Улар сафига лизинг шартномасига мувофиқ лизинг объектини аниқ бир ҳақ эвазига маълум бир муддатга ва лизинг шартномасига мувофиқ маълум шартлар асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга қабул қилишга мажбур бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар ёки жисмоний шахслар кириши мумкин.

Лизинг муносабатларининг учинчи иштирокчиси бўлиб сотувчи ҳисобланади. Сотувчи бу лизингга берувчига лизинг объектини сотаётган шахсдир. Улар сафига лизингга олувчи билан тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ лизинг объекти бўлиб ҳисобланадиган у томонидан ишлаб чиқариладиган (сотиб олинадиган) мулкни лизингга берувчига белгиланган муддатда сотадиган юридик шахс: мулкни ишлаб чиқарувчи, савдо-воситачи ташкилот, шунингдек жисмоний шахслар кириши мумкин.

Лизинг объекти лизингга олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинаётган ҳолларда, аниқ бир лизинг объектига нисбатан лизингга берувчининг кредитори ва лизингга олувчи сифатида бир шахс иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Юқорида санаб ўтилган лизинг субъектлари ўртасида одатда лизинг муносабатларини ўзига хос хусусиятларини очиб берадиган қуйидаги шаклдаги муносабатлар юзага келади. Мулкнинг аниқ бир турига эҳтиёжи бўлган бўлғуси лизингга олувчи қайси турдаги асбоб-ускуналар ўзига талаб этилишини аниқ билади. Лизингга олувчининг манфаати бўйича у

лозим бўлган техник талабларга тўлиқ мос келиши, уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар эса минимал даражада бўлиши керак. Шунинг учун ҳам фойдаланувчи ишлаб чиқарувчи фирмани ўзи танлаши ва у билан олди-сотди шартномасининг барча шартларини келишиб олиши катта аҳамиятга эга. Олувчи мазкур шартноманинг предмети, баҳоси, етказиб бериш муддати ва жойи тўғрисида келишиб олади. Мазкур мулкни харид қилиш учун ўзининг хусусий маблағлари ва қарз маблағларини олиш имконияти йўқлиги натижасида, лозим бўлган маблағлари мавжуд бўлган бўлғуси лизингга берувчига битимда иштирок этишини сўраб мурожаат қилади. Лизингга берувчи бўлғуси фойдаланувчидан тайёр олди-сотди шартномасини лойиҳасини олади ва фақат агар у лизинг шартномаси бўлган ҳоллардагина имзолайди. Лизингга берувчи харид қилинаётган асбоб-ускунани мулкдорига айланади, тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни харид қилади. Бироқ иш моҳиятига кўра лизингга берувчининг роли керакли бўлган асбоб-ускуналарни харид қилишни молиялаштириш ва уларни олдин келишилган шартлар асосида лизингга олувчига фойдаланишга бериш билан чегараланади.

Ижара (лизинг) объектлари сифатида истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар, шу жумладан корхоналар, мулккий комплекслар, алоҳида бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулклар (муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган мол-мулклар бундан мустасно) бўлиши мумкин.

Иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) — ижарачи (лизингга олувчи) ижарага (лизингга) берувчининг розилиги билан, ижарага (лизингга) берувчининг олдида ижара (лизинг) шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (лизинг объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг)га топширадиган шартнома муносабати.

Ижаранинг (лизингнинг) бошланиш муддати бўлиб ижара шартномасининг шартларига мувофиқ ижарачи ижарага олинган ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана ҳисобланади. Бу ижарани (лизингни) дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси (яъни ижарани (лизингни) амалга ошириш натижасида тегишли актив ва мажбуриятларнинг тан олиниши). Ижара (лизинг) муддати бўлиб бекор қилинмайдиган ижара (лизинг) келишуви амал қиладиган давр, шунингдек ҳар қандай кейинги даврлар бўлиб, бу даврлар мобайнида ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) шартномаси тузилганда айтиб ўтилгандек, мазкур келишувни узайтириши мумкин.

Қонунчиликда ижаранинг айрим турлари учун, шунингдек мол-мулкнинг айрим турларини ижарага олиш учун энг кўп (охирги) муддатлар белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, башарти ижара муддати шартномада белгиланган бўлмаса ва қонунчиликда белгиланган охирги муддат тугагунича тарафлардан ҳеч қайсиси шартномадан воз кечмаса, охирги муддат ўтиши билан шартнома бекор бўлади. Қонунда белгиланган охирги муддатдан ортиқ муддатга тузилган бундай мулк ижараси шартномаси охирги муддатга тенг муддатга тузилган ҳисобланади.

Ижара (лизинг) тўлови — тузилган ижара (лизинг) шартномаси асо-сида ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ижарага (лизингга) берув-чига тўлаб берадиган сумма.

Ижара ҳақи ижара шартномасида ижарага берувчи ва ижарачининг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Ер ва табиий ресурслар учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тар-тибда ва доирада белгиланади.

Ижара ҳақи ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алохида-алохида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади:

— вақти-вақти билан ёки бирийўла тўланадиган қатъий суммада бел-гиланган тўловлар тариқасида;

— ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мевалар ёки даромадларнинг белгиланган улуши тариқасида;

— ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тариқасида;

— ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада кели-шилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тариқасида;

— ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада кели-шилган харажатларни ижарага олувчи зиммасига юклаш тариқасида.

Ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ шартно-мада кўзда тутилган муддатларда ўзгартирилиши мумкин. Ижара ҳақининг миқдори томонлардан бирининг талабига ва Ўзбекистон Рес-публикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда мудда-тидан олдин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади — ижара (лизинг) тўловлари билан қопланадиган лизинг объекти қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, ижара (лизинг) тўловларининг қисмидир.

Ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади молиявий ижара шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва молиявий ижара шартномасининг ҳар бир даврда қопланмаган мажбу-



риятлар қолдигига доимий даромадларни ўрнатиш мақсадида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)да акс эттирилиши керак.

Ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)ни тузишни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Молиявий ижара объекти ижара муддати тугагандан кейин ижарачининг мулкчилигига ўтадиган молиявий ижара. 2008 йилнинг 15 февралда «Юлдуз» АЖ (ижарага берувчи) ва «Бинокор» АЖ (ижарачи) ўртасида қуйидаги шартлар бўйича молиявий ижара шартномаси тузилган:

1. Молиявий ижара объекти бўлиб «Монтаж-наладка» қурилиш дастгоҳи ҳисобланади.

2. Ижарага берувчи молиявий ижара объектини 3 000 000 сўмга тенг бозор қиймати бўйича 2008 йилнинг 25 февралда олдиндан 100 фоизлик аванс тўловини амалга ошириш билан сотиб олган.

3. Ижара муддати ижарачи томонидан молиявий ижара объектини қабул қилиб олган санадан бошлаб 3 йил (2008 йил 5 март).

4. Ижара (лизинг) тўловлари ҳар кварталда (жами ўн икки тўлов) амалга оширилади. Бунда улар тенг улушларда амалга оширилади, фоизлар эса тегишли ўтган даврда асосий қарзнинг ижара (лизинг) тўловлари ўртасида қолган қисмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

5. Ҳар бир даврда асосий қарз суммаси бўйича мажбуриятнинг қолдиққа ҳисобланадиган молиявий ижара шартномасида назарда тутилган фоиз ставкаси (ижарага (лизингга) берувчининг даромади ставкаси) йиллик 30 %га тенг.

6. 2008 йилнинг 18 февралда ижарачи қарзнинг асосий суммасини бир қисмини қоплаш ҳисобига молиявий ижара объектининг 15 % қийматига тенг бўлган аванс тўловини амалга оширади.

7. Молиявий ижара муддати тугагандан кейин ва барча ижара (лизинг) тўловлари тўлангандан кейин молиявий ижара объекти ижарачининг мулкчилигига ўтади.

8. Молиявий ижара объектининг назарда тутилган фойдали ишлатилиш муддати — 5 йил.

Шартнома шартларига мувофиқ ижара (лизинг) тўловлари жадвали қуйидаги кўринишга эга бўлади.

## Ижара (лизинг) тўловлари жадвали

Ижарага берувчи «Юлдуз» АЖ Манзил: Тошкент ш., Фурқат кўч.		Ижарачи «Бинокор» АЖ Манзил: Тошкент ш., Т. Тўла кўч.			
Объектнинг қиймати	3 000 000	Давр учун фоиз ставкаси	7,5 %		
Олдиндан тўлов (аванс)	15 %	Даврни давомийлиги (ой)	3		
Ҳисоб бирлиги	сўм	Жами тўловлар	12		
Процентлар ставкаси	30	Ижара тўловлари суммаси (сўм)	3 955 901,64		
Молиявий ижара муддати (ойлар)	36	Молиявий ижара бўйича жами фоизлар (сўм)	1 405 901,64		
Объектнинг қопланмаган қиймати, сўм	2 550 000	Дисконт ставкаси	0,12928		
Тўловлар сони (бир йилда)	4	Ижара тўлови	329 658,47		
тўловлар (давр)	молиявий ижара объектини олиш	фоизларни қоплаш	асосий қарзни қоплаш	ижара тўловлари	молиявий ижара бўйича асосий қарз
18.02.2008 — аванс тўлови			450 000,0	-450 000,0	
05.03.2008	3 000 000				2 550 000,00
0					2 550 000,00
1		191 250,00	138 408,47	329 658,47	2 411 591,53
2		180 869,36	148 789,11	329 658,47	2 262 802,43
3		169 710,18	159 948,29	329 658,47	2 102 854,14
4		157 714,06	171 944,41	329 658,47	1 930 909,73
5		144 818,23	184 840,24	329 658,47	1 746 069,49
6		130 955,21	198 703,26	329 658,47	1 547 366,23
7		116 052,47	213 606,00	329 658,47	1 333 760,23
8		100 032,02	229 626,45	329 658,47	1 104 133,77
9		82 810,03	246 848,44	329 658,47	857 285,34
10		64 296,40	265 362,07	329 658,47	591 923,27
11		44 394,24	285 264,22	329 658,47	306 659,04
12		22 999,43	306 659,04	329 658,47	0,00
Жами		1 405 901,64	2 550 000,00	3 955 901,64	

Ижара (лизинг) объектларининг жорий қиймати — ижара (лизинг) объектининг муайян бир санадаги бозор баҳолари бўйича қиймати ёки мазкур ижара (лизинг) объектини сотиб олиш учун ёки ушбу битимни амалга оширишни хоҳловчи бир-бирига боғлиқ бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Кафолатланган қолдиқ қиймат — ижара (лизинг) шартномасининг бошланишида аниқланган ижара (лизинг) объекти қийматининг бир қисми бўлиб, ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ёки унга боғлиқ учинчи тараф томонидан кафолатланади (мажбурият сифатида беркитилади).

Кафолатланмаган қолдиқ қиймат — ижара (лизинг) объекти қийматининг бир қисми бўлиб, (ижара (лизинг) шартномасининг бошланишида аниқланган), унинг сотилишини ижарага берувчи (лизингга берувчи) кафолатламайди ёки у ижарага берувчи (лизингга берувчи) билан боғлиқ тараф томонидангина кафолатланади.

Минимал ижара (лизинг) тўловлари — ижарачи (лизингга олувчи) томонидан ижара муддати давомида тўланадиган ижара (лизинг) тўловлари ва ижара (лизинг) объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати суммаси.

Агар ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) объектини уни сотиб олиш санасидаги жорий қийматидан паст нархда сотиб олмоқчи бўлган ҳолларда, минимал ижара (лизинг) тўловлари барча ижара (лизинг) муддати давомидаги ижара (лизинг) тўловлари ва ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган ижара (лизинг) объектини сотиб олиш суммасидан ташкил топади.

Дисконтлаш бу келажакда аниқ бир вақтда олинishi кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлашдир. Дисконт ставкаси бўлиб турли хил вақтдаги даврларга тегишли бўлган пул маблағлари суммасини бир пайтга келтириш учун фойдаланадиган ставка ҳисобланади.

Минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати — ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ёки қарз капиталининг ўсиб боровчи фоиз ставкасига тенг дисконт ставкаси бўйича тузатилган ижара (лизинг) муддатининг бошланишидаги минимал ижара (лизинг) тўловларининг жорий қиймати.

Минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қийматини ҳисоблашда дисконтлайдиган омил бўлиб молиявий ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси ҳисобланади, агарда уни аниқлаш имконияти бўлса, акс ҳолда ижарачининг (лизингга олувчининг) қарз капитали бўйича ўсиб боровчи фоиз ставкасидан фойдаланилади.

Ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси — ижара (лизинг) муддатининг бошланишида ижара (лизинг) объектининг жорий қиймати билан минимал ижара (лизинг) тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати суммаси йиғиндисининг дисконтланган қийматининг тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.

Қарз капиталининг ўсиб боровчи фоиз ставкаси — бу худди шундай ижара (лизинг) шартномаси учун ижарачи (лизингга олувчи) тўлаши лозим бўлган фоиз ставкаси ёки (агар ушбу кўрсаткични аниқлаш имкони бўлмаса) ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) муддати бошланишида мол-мулкни (худди шундай муддатга ва шунга ўхшаш таъминот билан) сотиб олиш учун зарур бўлган маблағларни қарзга олишда қабул қиладиган ставка ёки агарда уларни аниқлаш имконияти бўлмаса, ижара (лизинг) муддатининг бошланишидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий қайта молиялаштириш ставкаси.

Дисконтлаш ва дисконтланган қийматнинг моҳиятини очиб бериш мақсадида биринчи навбатда пулнинг вақт бўйича қийматини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Пулнинг вақт бўйича қийматини мазмуни пул маълум бир вақтлар оралиқларида ҳар хил қийматга эга эканлигида, яъни пулнинг вақт бўйича қийматини маъносини қўйидаги ибора орқали ифодалаш мумкин: «бугунги бир сўм эртанги бир сўмдан қимматроқ туради». Агар бугун бир сўмни инвестиция қилиб киратадиган бўлсак, у ҳолда биз эртага бир сўмдан кўпроқ олишимиз мумкинлиги факти бунинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Яъни бугун мавжуд бўлган пул суммасининг бир кундан (одатда йил ёки ой) кейинги келгусидаги қиймати унинг бугунги кундаги номинал қиймати ва одатда фоизларда ифодаланган ундан келадиган даромад суммасига тенг бўлади. Масалан, қўлимизда мавжуд бўлган 100 сўмлик банкнота ўзининг қиймати бўйича бир йилдан кейин 100 сўм ва унга қўшилган яна бир нечта сўм даромадга тенг бўлади. Мазкур бир нечта сўмнинг миқдори фоиз ставкаси билан аниқланади.

Пулнинг қийматини аниқлашда амалиётда мутахассислар икки хил: оддий ва мураккаб фоизлардан фойдаланадилар.

*Оддий фоиз* — бу доимий асосий суммага кўпайтириладиган фоиз ставкасидир. *Мураккаб фоиз* — бу ўзгариб турадиган асосий суммага кўпайтириладиган фоиз ставкасидир.

Мураккаб фоизларни ҳисоблаш бир давр тугагандан кейин фоиз тўловлари ва асосий сумма қўшиладиган ҳамда олинган натижалар кейинги даврда фоизни ҳисоблаш учун база сифатида фойдаланиладиган ҳолларда юзага келади. Бундай жараёнлардан бир даврдан иккинчисига ўтишлар мавжуд бўлган барча даврлар давомида фойдаланилади.

*Масалан*, агар Сиз йилда бир марта тўлаш шарты билан йиллик 10 % асосида банкка 1 000 сўм инвестиция қиладиган бўлсангиз, у ҳолда биринчи йилнинг охирида Сиз 1 100 сўмга эга бўласиз ва бу қуйидаги шаклда ҳисобланади:

$$1\ 000 + 10\% (1\ 000) = 1\ 000 \times (1 + 10\%) = 1\ 000 \times (1,10) = 1\ 100.$$

Биринчи йил учун олинган фоиз 100 (1 100 – 1 000 = 100) сўмга тенг бўлади.

Иккинчи йилнинг охирида Сиз 1 210 сўмга эга бўласиз ва бу қуйидаги шаклда ҳисобланади:

$$1\ 100 + 10\% (1\ 100) = 1\ 100 \times (1 + 10\%) = 1\ 100 \times (1,10) = 1\ 210 \text{ сўм.}$$

Иккинчи йил учун мазкур ифодани икки йил учун бошланғич инвестиция суммасидан фоизларни ҳисоблашни кўрсатадиган бошқача усулда ҳам тузиш мумкин:

$$1\ 000 \times (1,10) \times (1,10) = 1\ 000 \times (1,10)^2 = 1\ 210 \text{ сўм.}$$

Иккинчи йил учун олинган фоиз 110, (1 210 – 1 100 = 110) сўмга тенг бўлади.

Агар Сиз пулингизни банкда сақлашни давом эттирадиган бўлсангиз, у ҳолда кейинги йилда жамғарилган сумма қуйидаги шаклда кўпаяди:

$$1\ 000 \times (1,10) \times (1,10) \times (1,10) \times \dots = 1\ 000 \times (1,10)^3 = 1\ 331 \text{ сўм.}$$

Учинчи йил учун олинган фоиз 121 (1 331 – 1 210 = 121) сўмга тенг бўлади.

Ёки келгуси қийматни аниқлашнинг умумий кўриши қуйидаги формула билан аниқланади.

$$S = P (1 + i)^n \quad (1),$$

бу ерда: S — келгуси қиймат; P — жорий қиймат; i — фоиз ставкаси; n — вақтнинг даврлари сони.

Пулнинг бугунги қиймати келгусидаги пулдаги қиймати сифатида ифодаланиши мумкинлигига ўхшаш тарзда пулнинг келгусидаги қийматининг бугунги кундага жорий (ҳозирги кундаги, дисконтланган, ҳақиқий ёки ўтказилган) қийматида ҳам ифодаланиши мумкин.

*Масалан*, агар Сиз уч йилдан кейин 1 000 сўмга эга бўлишни хоҳласангиз, у ҳолда 10 фоизлик йиллик мураккаб фоизлар ҳисобланадиган банкнинг жамғарма счётига бугунги кунда қанча пул қўйиш кераклигини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлади. Бунинг учун формула (1) дан фойдаланамиз ва P — жорий қийматни чиқарамиз:

$$P = S / (1 + i)^n = S \times (1 / (1 + i)^n) \quad (2).$$

Формула (2)дан келиб чиқиб қуйидагига эга бўламиз:

$$P = 1\ 000 \times (1 / (1 + 0,1)^3) = 1\ 000 \times (1 / 1,331) = 751,3 \text{ сўм.}$$

Шундай қилиб, уч йилдан кейин 1 000 сўмга эга бўлиш учун 10 фоизлик йиллик мураккаб фоизлар ҳисобланганда биз бугунги кунда

751,3 сўм қўйишимиз керак бўлади. Тегишли равишда 751,3 сўм биз уч йилдан кейин олишни кутаётган 1 000 сўмнинг дисконтланган (бу-гунги) қиймати бўлиб ҳисобланади. Дисконтланган қийматни аниқлаш жараёнини дисконтлаш деб номлаш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидай молиявий ижара (лизинг)да ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) тўловлари тўлашнинг жадвали (тартиби)га мувофиқ ижара (лизинг) тўловларини молиявий ижара (лизинг) муддати давомида бир маромда тўлаб бориши керак. Одатда молиявий ижара (лизинг)нинг муддати бир йилдан кўп бўлганлиги сабабли тегишли равишда ижарага берувчи (лизингга берувчи) молиявий ижара (лизинг) муддати бошланишида ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қийматини формула (2)дан фойдаланиб аниқлаб олади.

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 6) «Ижара ҳисоби»га шарҳда ижара объектларини ижарага берувчи (лизингга берувчи) ва ижарачи (лизингга олувчи)нинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби молиявий ижара ва оператив ижара кесимида кўриб чиқилган. Молиявий ижарани бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни кўрилганда «молиявий ижара» тушунчаси ўз ичига «лизинг» тушунчасини ҳам қамраб олади.

## **2-§. Ижарага берувчи (лизингга берувчи)да молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби**

Ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан амалга оширилган ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланадиган молиявий ижара объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар молиявий ижара объектининг қийматига қўшилади. Бунда, агар молиявий ижара шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланмайдиган бўлса, улар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

Янги харид қилинаётган молиявий ижара объектларини бошланғич қийматини шаклланиши ва уларни харид қилиш ҳамда у билан боғлиқ харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Матонат» МЧЖ янги токарлик дастгоҳини молиявий ижара объекти сифатида бериш бўйича молиявий ижара шартномасини тузди. У токарлик дастгоҳини 15 000 000 сўмга харид қилди. Токарлик дастгоҳини ижарачига етказиб бериш ва уни белгиланган

мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар куйидагилардан иборат: «Лочин» МЧЖ транспорт ташкилоти томонидан кўрсатилган транспорт хизмати 100 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдоридан ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм.

Токарлик дастгоҳини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар ижарачи томонидан қопланиш шартидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Молиявий ижара шартномасига мувофиқ токарлик дастгоҳини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар ижарачи томонидан қопланади.

Токарлик дастгоҳини кейинчалик уни молиявий ижарага бериш мақсадида харид қилиш «Матонат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини сотиб олиш суммасига, ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 15 000 000 сўм;*

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 15 000 000 сўм;*

— токарлик дастгоҳини харид қилиш билан бевосита боғлиқ, яъни шартномага мувофиқ ижарачи томонидан қопланадиган токарлик дастгоҳини етказиб бериш харажатлар:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 100 000 сўм;*

*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 100 000 сўм;*

— шартнома бўйича ижарачи томонидан қопланадиган токарлик дастгоҳини белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 37 200 сўм;*

*кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 30 000 сўм;*

*кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 7 200 сўм;*

— токарлик дастгоҳини етказиб берувчи ва транспорт ташкилоти олдидаги қарзлар тўланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 15 000 000 сўм;  
 дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 100 000 сўм;  
 кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 15 100 000 сўм.

## 2-ҳолат.

Молиявий ижара шартномасига мувофиқ токарлик дастгоҳини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар ижарачи томонидан қопланмайди.

Токарлик дастгоҳини кейинчалик уни молиявий ижарага бериш мақсадида харид қилиш «Матонат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини сотиб олиш суммасига, ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда:

дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 15 000 000 сўм;  
 кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 15 000 000 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачи томонидан қопланмайдиган токарлик дастгоҳини ижарачига етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 137 200 сўм;  
 кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 100 000 сўм;  
 кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 30 000 сўм;  
 кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 7 200 сўм;

— токарлик дастгоҳини етказиб берувчи ва транспорт ташкилоти олдидаги қарзлар тўланганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти 15 000 000 сўм;  
 дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 100 000 сўм;  
 кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 15 100 000 сўм.

Молиявий ижара шартномасининг шарти бўйича молиявий ижара объекти сотувчи томонидан ижарага берувчини (лизингга берувчини) четлаб бевосита ижарага олувчига (лизингга олувчига) етказиб берилган ҳолларда, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтер-



рия ҳисобида молиявий ижара объектнинг кирими ва чиқими тўғрисидаги ёзувлар молиявий ижара объектнинг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Агар молиявий ижара шартномасининг шарти бўйича ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан молиявий ижара объекти сотиб олинган бўлса, лекин ижарага олувчи (лизингга олувчи) маълум сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур молиявий ижара объекти ундан фойдалангунга ёки чиқиб кетгунга қадар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) ҳисобга олинади.

Ижарага (лизингга) берувчининг бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара актив (дебиторлик қарзи) сифатида молиявий ижара муддати бошланишидаги молиявий ижара объектнинг жорий қиймати ёки минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олиниши лозим.

Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектнинг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиниши лозим.

Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектнинг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида молиявий ижара объектнинг жорий қиймати бўйича тан олиниши лозим.

Молиявий ижара объектлари берилганда, ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинadиган қиймат билан молиявий ижара объектнинг бошланғич (агар берилаётган объект олдин фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдик (агар объект берилгунга қадар фойдалишда бўлган бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинadиган молиявий ижара объектларининг қайта баҳолаш натижаларини, яъни ушбу молиявий ижара объекти баҳосининг олдинги ўсиши суммасининг, ижара объекти баҳосининг олдинги пасайиши суммасидан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар қилингандан сўнг, кечиктирилган даромад (ҳаражат) сифатида акс эттирилади ва ижара (лизинг) тўловининг ҳисобланишига қараб бир маромда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига (бошқа операцион ҳаражатларига) олиб борилади.

Куйида молиявий ижара объектларини беришнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини объектларни янгилиги ёки фойдаланиш-далигидан келиб чиқиб кўриб чиқамиз.

Янги харид қилинган молиявий ижара объектларини ижарачига (лизингга олувчига) беришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Олдинги мисолни давом эттираемиз. «Матонат» МЧЖда токарлик дастгоҳининг баланс қиймати 15 137 200 сўм. Ижара муддати 3 йил.

Токарлик дастгоҳининг қийматидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат.*

«Матонат» МЧЖ токарлик дастгоҳини 15 200 000 сўм қийматда берган.

Ижарачига токарлик дастгоҳини бериш «Матонат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини бухгалтерия ҳисобида тан олинган қиймат бўйича берилганда:

*дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган*

*тўловлар» счёти*

*15 200 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*15 200 000 сўм;*

— токарлик дастгоҳининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*15 137 200 сўм;*

*кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти*

*15 137 200 сўм;*

— токарлик дастгоҳини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромад суммасига:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*62 800 сўм;*

*кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*даромадлар» счёти*

*62 800 сўм;*

*62 800 сўм = 15 200 000 сўм – 15 137 200 сўм;*

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, токарлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

*дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*даромадлар» счёти*

*20 933 сўм;*

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*

*счёти*

*20 933 сўм;*

20 933 сўм = 62 800 сўм / 3;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофик, токарлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми суммасини бошқа операцион даромадларга бир маромда (ҳар ойда) олиб борилганда:

*дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*

*счёти*

*1 744 сўм;*

*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти 1 744 сўм;*

*1 744 сўм = 20 933 сўм / 12.*

## **2-ҳолат.**

«Матонат» МЧЖ токарлик дастгоҳини 15 100 000 сўм қийматда берган.

Ижарачига токарлик дастгоҳини бериш «Матонат» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини бухгалтерия ҳисобида тан олинган қиймат бўйича берилганда:

*дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган*

*тўловлар» счёти*

*15 100 000 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*15 100 000 сўм;*

— токарлик дастгоҳининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*15 137 200 сўм;*

*кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти*

*15 137 200 сўм;*

— токарлик дастгоҳини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажат суммасига:

*дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*харажатлар» счёти*

*37 200 сўм;*

*кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»*

*счёти*

*37 200 сўм;*

*−37 200 сўм = 15 100 000 сўм − 15 137 200 сўм;*

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофик, токарлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

*дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*

*счёти*

*12 400 сўм;*

*кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*харажатлар» счёти*

*12 400 сўм;*

*12 400 сўм = 37 200 сўм / 3;*

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, токарлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми суммасини бошқа операцион харажатларга бир маромда (ҳар ойда) олиб борилганда:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 1 033 сўм;*  
*кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*  
*счёти 1 033 сўм;*  
12 400 сўм / 12 ой = 1 034 сўм.

Фойдаланишда бўлган молиявий ижара объектларини (берилаётган объектдан олдин фойдаланилган) ижарачига (лизингга олувчига) беришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Олдинги мисолни давом эттирамиз. «Юлдуз» МЧЖ молиявий ижара объектини бериш бўйича молиявий ижара шартномасини тузди. Молиявий ижара объекти бўлиб асосий воситалар таркибида бўлган фрезерлик дастгоҳи ҳисобланади. Фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати 5 000 000 сўм, жамғарилган эскириш суммаси 500 000 сўм, 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш қолдиғи 50 000 сўм. Фрезерлик дастгоҳини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун ярқкли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар ижарачи томонидан амалга оширилган. Ижара муддати 5 йилни ташкил этади.

Фрезерлик дастгоҳининг қийматидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат.*

Фрезерлик дастгоҳининг дисконтлаб аниқланган қийматига асосан «Юлдуз» МЧЖ молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачига фрезерлик дастгоҳини 4 800 000 сўм қийматда берган.

Ижарачига фрезерлик дастгоҳини бериш «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— фрезерлик дастгоҳини бухгалтерия ҳисобида тан олинган қиймат бўйича берилганда:

*дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган*  
*тўловлар» счёти 4 800 000 сўм;*  
*кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 4 800 000 сўм;*

— фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*  
*кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»*  
*счёти 5 000 000 сўм;*

— фрезерлик дастгоҳининг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»  
счёти 500 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 500 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 50 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 50 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромад суммасига:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»  
счёти 350 000 сўм;

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган  
даромадлар» счёти 350 000 сўм;

$4\,450\,000\text{ сўм} = 5\,000\,000\text{ сўм} - 500\,000\text{ сўм} - 50\,000\text{ сўм};$

$350\,000\text{ сўм} = 4\,800\,000\text{ сўм} - 4\,450\,000\text{ сўм};$

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, фрезерлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган  
даромадлар» счёти 70 000 сўм;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 70 000 сўм;

$70\,000\text{ сўм} = 350\,000\text{ сўм} / 5\text{ йил};$

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, фрезерлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми суммасини бошқа операциялар даромадларга бир маромда (ҳар ойда) олиб борилганда:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 5 833 сўм;

кредит 9390 «Бошқа операциялар даромадлар» счёти 5 833 сўм;  
 $5\,833\text{ сўм} = 70\,000\text{ сўм} / 12\text{ ой}.$

## **2-ҳолат.**

Фрезерлик дастгоҳининг дисконтлаб аниқланган қийматига асосан «Юлдуз» МЧЖ молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачига фрезерлик дастгоҳини 4 400 000 сўм қийматда берган.

Ижарачига фрезерлик дастгоҳини бериш «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— фрезерлик дастгоҳини бухгалтерия ҳисобида тан олинган қиймат бўйича берилганда:

дебет 0920 «Молиявий ижара бўйича олиндиган тўловлар» счёти 4 400 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 4 400 000 сўм;

— молиявий ижарага берилган фрезерлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 5 000 000 сўм;

кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 5 000 000 сўм;

— молиявий ижарага берилган фрезерлик дастгоҳининг жамғарилган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти 500 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 500 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 50 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 50 000 сўм;

— фрезерлик дастгоҳини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажат суммасига:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти 50 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти 50 000 сўм;

4 450 000 сўм = 5 000 000 сўм – 500 000 сўм – 50 000 сўм;

–50 000 сўм = 4 400 000 сўм – 4 450 000 сўм;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, тоқарлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 10 000 сўм;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган  
харажатлар» счёти 10 000 сўм;

10 000 сўм = 50 000 сўм / 5 йил;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, фрезерлик дастгоҳининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми суммасини бошқа операцион харажатларга бир маромда (хар ойда) олиб борилганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 833 сўм;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 833 сўм;

830 сўм = 10 000 сўм / 12 ой.

Молиявий ижара объектини бериш пайтида ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. Бунда ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади ва ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара фоизи бўйича харажатлари, пулни тўлаш вақти ва келиб тушишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)га мувофиқ ҳисобланади.

Ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади молиявий ижара шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва молиявий ижара шартномасининг ҳар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)да акс эттирилиши керак.

Ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)га мувофиқ жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромадининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Маркиз» МЧЖ ўзининг мулкни 24 000 000 сўм қийматда молиявий ижарага берди ва ижарага берувчининг фоизли даромади суммаси 2 400 000 сўмни ташкил этади. Ижара муддати 5 йилга тенг. Ижарачидан аванс сифатида ижара тўловини 250 000 сўми, шу жумладан 30 000 сўми фоизли даромад суммаси келиб тушди.

Фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Маркиз» МЧЖнинг асосий фаолияти бўлиб мулкни молиявий ижарага бериш ҳисобланади.

Ижара (лизинг) тўловларини келиб тушиши билан боғлиқ операциялар «Маркиз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— жорий ҳисобот ойига тегишли бўлган ижарага берувчининг ҳисобланган фоизли даромади суммаси:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 40 000 сўм;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти 40 000 сўм;

40 000 сўм = 2 400 000 / (5 x 12);

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарачидан бўнак келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 250 000 сўм;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти 250 000 сўм;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти 4 800 000 сўм;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти 4 800 000 сўм

4 800 000 сўм = 24 000 000 сўм / 5 йил;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарачидан олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти 250 000 сўм;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти 220 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 30 000 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачидан ҳисобот ойи учун пул маблағларини қолган қисми келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 190 000 сўм;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти 180 000 сўм;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 10 000 сўм.

## **2-ҳолат.**

Мулкни молиявий ижарага бериш «Маркиз» МЧЖнинг асосий фаолияти бўлиб ҳисобланмайди.

Ижара (лизинг) тўловларини келиб тушиши билан боғлиқ операциялар «Маркиз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:



— жорий ҳисобот оёига тегишли бўлган ижарага берувчининг ҳисобланган фоизли даромади суммаси:

<i>дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти</i>	<i>40 000 сўм;</i>
<i>кредит 9550 «Молиявий ижарадан даромадлар» счёти</i>	<i>40 000 сўм</i>

40 000 сўм = 2 400 000 / (5 x 12);

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарачидан бўнак келиб тушганда:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>250 000 сўм;</i>
<i>кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти</i>	<i>250 000 сўм;</i>

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

<i>дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти</i>	<i>4 800 000 сўм;</i>
<i>кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти</i>	<i>4 800 000 сўм</i>

4 800 000 сўм = 24 000 000 сўм / 5 йил;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарачидан олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашишга) олиб борилганда:

<i>дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти</i>	<i>250 000 сўм;</i>
<i>кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти</i>	<i>220 000 сўм;</i>
<i>кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти</i>	<i>30 000 сўм;</i>

— молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачидан ҳисобот оёи учун пул маблағларини қолган қисми келиб тушганда:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>190 000 сўм;</i>
<i>кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар — жорий қисми» счёти</i>	<i>180 000 сўм;</i>
<i>кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти</i>	<i>10 000 сўм.</i>

Ижарага берувчи (лизингга берувчи) томонидан молиявий ижара шартномаси тугатилганда молиявий ижара объектини кирим қилиш молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижарани тугатиш кундаги қарздорлик (дебитор қарздорлик) суммаси бўйича амалга оширилади.

Молиявий ижара шартномаси муддати тугаши муносабати билан ижарачи томонидан молиявий ижара объектини қайтарилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиш тартибини қўйидаги мисолда кўриб чи-

қамиз. «Бинокор» МЧЖ бир неча йил олдин ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини молиявий ижара шартномаси бўйича берган эди ва жорий ҳисобот даврида ижара муддати тугади. Дастгоҳ қайтарилганда қопланмаган қиймати 1 000 000 сўмни, ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун тан олинган суммаси 500 000 сўмни ташкил этади. Ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини қайтариш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинадиган буюмлар 20 000 сўм, ташкилотнинг транспорт бўлини маси томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 75 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 30 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 7 200 сўм.

Молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ижарачи томонидан ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

— молиявий ижара шартномасига мувофиқ ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг қопланмаган қиймати суммасига:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*  
*счёти* 1 000 000 сўм;  
*кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган*  
*тўловлар — жорий қисми» счёти* 1 000 000 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун тан олинган суммаси:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*  
*счёти* 500 000 сўм;  
*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 500 000 сўм;

— ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини қайтариш билан боғлиқ харажатлар:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»*  
*счёти* 132 800 сўм;  
*кредит 1080 «Инвентар ва хўжалик жиҳозлари»*  
*счёти* 20 000 сўм;  
*кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти* 75 000 сўм;  
*кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан*  
*ҳисоблашишлар» счёти* 30 000 сўм;  
*кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига*  
*тўловлар» счёти* 7 200 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини яхшилаш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

*дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 500 000 сўм;  
*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 500 000 сўм.

Молиявий ижара шартномаси муддати тугашидан олдин ижарачи томонидан молиявий ижара объектини қайтариллишини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиш тартибини қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Бинокор» МЧЖ бир неча йил олдин ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини молиявий ижара шартномаси бўйича берган эди ва бир қатор сабабларга кўра жорий ҳисобот даврида ижара муддати тугашидан олдин ижарачи дастгоҳни қайтарди. Дастгоҳ қайтарилганда қопланмаган қиймати 2 000 000 сўмга, ундан жорий қисми 700 000 сўмга, ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини яхшилаш бўйича харажатларни қоплаш учун тан олинган суммаси 400 000 сўмга тенг.

Молиявий ижара объектини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромад ёки кечиктирилган харажат суммасини қолган қисмидан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Ёғочни қайта ишловчи дастгоҳни молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромад суммаси 100 000 сўмни, ундан жорий қисми 20 000 сўмни ташкил этади.

Ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини ижарачи томонидан муддатидан олдин қайтариши бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномасига мувофиқ ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг қопланмаган қиймати суммасига:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти* 2 000 000 сўм;  
*кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган — жорий қисми» счёти* 700 000 сўм;  
*кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти* 1 300 000 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун тан олинган суммаси:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти* 400 000 сўм;  
*кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 400 000 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган даромадларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

<i>дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>20 000 сўм;</i>
<i>дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>80 000 сўм;</i>
<i>кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар»</i>	
<i>счёти</i>	<i>100 000 сўм;</i>

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

<i>дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>
<i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»</i>	<i>счёти</i>	<i>400 000 сўм.</i>

## **2-ҳолат.**

Ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини молиявий ижарага бериш натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажат суммаси 90 000 сўмни, ундан жорий қисми 30 000 сўмни ташкил этади.

Ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини ижарачи томонидан муддатидан олдин қайтариши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномасига мувофиқ ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг қопланмаган қиймати суммасига:

<i>дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»</i>		
<i>счёти</i>	<i>2 000 000 сўм;</i>	
<i>кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинadиган — жорий қисми»</i>	<i>счёти</i>	<i>700 000 сўм;</i>
<i>кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>1 300 000 сўм;</i>

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёғочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун тан олинган суммаси:

<i>дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»</i>		
<i>счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>	
<i>кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>400 000 сўм;</i>

— молиявий ижара шартномаси бўйича ёғочни қайта ишловчи дастгоҳининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

<i>дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>90 000 сўм;</i>
<i>кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»</i>	<i>счёти</i>	<i>30 000 сўм;</i>

*кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти* 60 000 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган ёрочни қайта ишловчи дастгоҳини модернизация қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

*дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти* 400 000 сўм;

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти* 400 000 сўм.

### **3-§. Ижарачи (лизингга олувчи) да молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби**

Молиявий ижарада молиявий ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча рисклар ижарачига (лизингга олувчига) ўтказилади. Бунда, лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади. Ижарачининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара муддати бошланишидаги молиявий ижара объектининг жорий қиймати ёки минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олинishi лозим.

Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олинishi лозим.

Агар минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара объектининг жорий қиймати бўйича тан олинishi лозим.

Ижарачи (лизингга олувчи) томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ярқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар молиявий ижара объектининг қийматида кўшилади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларини олиш билан боғлиқ операцияларни ижарачининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ

(ижарачи) молиявий ижара шартномаси бўйича «Машлизинг» МЧЖ (ижарага берувчи)дан силлиқловчи дастгоҳни олди. Силлиқловчи дастгоҳнинг қиймати 14 000 000 сўм. Силлиқловчи дастгоҳни олиб келиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: ёрдамчи материаллар (цемент, қум) 25 000 сўм, ташкилотнинг транспорт бўлини томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 75 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм.

Молиявий ижара шартномаси бўйича силлиқловчи дастгоҳни олиб келиш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— силлиқловчи дастгоҳни ижарачининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинган қиймати бўйича кирим қилиш:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти 14 000 000 сўм;*

*кредит 7910 «Тўланадиган молиявий ижара»*

*счёти 14 000 000 сўм;*

— силлиқловчи дастгоҳни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун ярқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти 162 000 сўм;*

*кредит 1050 «Қурилиш материаллари» счёти 25 000 сўм;*

*кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти 75 000 сўм;*

*кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти 50 000 сўм;*

*кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти 12 000 сўм;*

— силлиқловчи дастгоҳни бошланғич қиймат бўйича фойдаланишга топшириш (уларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

*дебет 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича*

*олинган асосий воситалар» счёти 14 162 000 сўм;*

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»*

*счёти 14 162 000 сўм.*

Молиявий ижарада ҳар бир ҳисобот даври учун молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ижара объекти бўйича амортизация ажратмаси ва уларни ишлашга ярқли ҳолатда сақлаб туриш харажатлари каби харажатлар юзага келади. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблаш Ўзбекистон Рес-

публикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 5) «Асосий воситалар»га мувофиқ амалга оширилади.

Ижарачи (лизингга олувчи) молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин молиявий ижара объектига мулкӣ эгаллик қилиш ҳуқуқини олишига ишончи бўлмаса, у ҳолда у қуйидагилардан қайси бири қисқалигидан келиб чиқиб: молиявий ижара шартномаси муддати давомида ёки молиявий ижара объектининг хизмат қилиш муддати давомида тўлиқ амортизация қилиши мумкин.

Ижарачининг (лизингга олувчининг) аниқ бир даврдаги молиявий ижара объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (молиявий ижара бўйича фоизалари) суммаси мазкур даврда тўла-ниши лозим бўлган ижара (лизинг) тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ томонидан олинган силлиқловчи дастгоҳ бўйича олдинги мисолни давом эттирамиз. Силлиқловчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 14 162 000 сўм, молиявий ижаранинг муддати 5 йил, фойдали хизмат муддати 6 йил ва эскириш тўғри чизикли усулида ҳисобланади. Дастгоҳни жорий таъмирлаш амалга оширилади ва у билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: ёқилғи-мойлаш материаллари 10 000 сўм, эҳтиёт қисмлар 15 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 20 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдориди ягона ижтимоий тўловга 4 800 сўм.

Мазкур мисолда дастгоҳ бўйича эскириш тўғри чизикли усулида, молиявий ижара муддатидан келиб чиқиб, яъни 5 йилдан келиб чиқиб ҳисобланади. Чунки молиявий ижаранинг муддати силлиқловчи дастгоҳнинг фойдали хизмат муддатига нисбатан қисқароқ.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳга ҳар ойда эскириш ҳисобланганда:

<i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>	<i>236 034 сўм;</i>
<i>кредит 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти</i>	<i>236 034 сўм;</i>

2 832 400 сўм = 14 162 000 сўм / 5 йил;

236 034 сўм = 2 832 400 сўм / 12 ой;

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни жорий таъмирлаш бўйича харажатлар:

<i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>	49 800 сўм;
<i>кредит 1030 «Ёқилғи» счёти</i>	10 000 сўм;
<i>кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти</i>	15 000 сўм;
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>	20 000 сўм;
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>	4 800 сўм.

Молиявий ижара бўйича фоизлар молиявий ижара шартномаси муддати давомида даврлар бўйича тақсимланган бўлиши ва ҳар бир даврда қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкасини ўрнатиш мақсадида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)-да акс эттирилиши керак.

Молиявий ижара объектини олиш пайтида молиявий ижара фоизи бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. Бунда молиявий ижара фоизи бўйича харажатлар, пулни тўлаш вақти ва келиб тушишидан қатъи назар, тегишли ҳисобот даврларида ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвали (тартиби)га мувофиқ ҳисобланади.

Молиявий ижара бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ижара (лизинг) тўловларини ижарага (лизингга) берувчига тўлаш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ томонидан олинган силлиқловчи дастгоҳ бўйича олдинги мисолни давом эттирамиз. Ижара (лизинг) тўловлари ҳар ойда тенг улушларда амалга оширилади. Молиявий ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси йиллик 15 фоизга тенг. Молиявий ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнак тўлаш ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ ҳар ойлик ижара (лизинг) тўловларининг 40 фоизи миқдорида амалга оширилади ва охириги ҳисоб-китоб жорий ойнинг 30 санасида қилинади.

Молиявий ижара бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ижарага берувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш бўйича операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара (лизинг) тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнак тўланганда:



дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти 165 223 сўм;  
 кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 165 223 сўм;  
 $413\ 058\ сўм = 236\ 033\ сўм + 177\ 025\ сўм$ ;  
 $165\ 223\ сўм = 413\ 058\ сўм \times 40\ \% / 100$ ;  
 — ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара»  
 счёти 2 832 400 сўм;  
 кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 2 832 400 сўм;  
 $2\ 832\ 400\ сўм = 14\ 162\ 000\ сўм / 5\ йил$ ;  
 — молиявий ижара бўйича ҳисобланган фоизлар:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
 счёти 177 025 сўм;  
 кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 177 025 сўм;  
 $2\ 124\ 300\ сўм = 14\ 162\ 000\ сўм \times 15\ \% / 100$ ;  
 $177\ 025\ сўм = 2\ 124\ 300\ сўм / 12\ ой$ ;  
 — ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига олдин тўланган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 70 810 сўм;  
 дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 94 413 сўм;  
 кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти 165 223 сўм;  
 $70\ 810\ сўм = 177\ 025\ сўм \times 40\ \% / 100$ ;  
 $94\ 413\ сўм = 236\ 033\ сўм \times 40\ \% / 100$ ;  
 — ижара (лизинг) тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига ижара (лизинг) тўловларининг жорий қисмини тўлаш бўйича охириги ҳисоб-китоб қилинганда:

дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 106 215 сўм;  
 дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 141 620 сўм;  
 кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 247 835 сўм;  
 $106\ 215\ сўм = 177\ 025\ сўм - 70\ 810\ сўм$ ;  
 $141\ 620\ сўм = 236\ 033\ сўм - 94\ 413\ сўм$ ;  
 $247\ 835\ сўм = 106\ 215\ сўм + 141\ 620\ сўм$ .

«Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарачи

мустақил равишда ижарага олинган мол-мулкни таркибига уларни қийматини оширадиган ўзгартиришлар киритиш, реконструкция қилишни, кенгайтиришни, техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ижарачининг (лизингга олувчининг) молиявий ижара объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва шунга ўхшаш бошқа) харажатлари молиявий ижара объекти қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Молиявий ижара шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарачи корхона ижарага берувчининг руҳсатидан қатъи назар, ижарага олинган мол-мулкни ажратиб бўлмайдиган тарзда яхшилаш қийматини олишга ҳақли.

Агар молиявий ижара объекти, ижарага (лизингга) берувчининг руҳсати билан яхшилланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, ижарачи (лизингга олувчи) ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага (лизингга) берувчининг руҳсатисиз амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, молиявий ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар ижарага (лизингга) берувчига текинга ўтади, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Бироқ, агарда уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага (лизингга) берувчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи (лизингга олувчи) уларни ажратиб олиши мумкин.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва бошқалар) харажатлари суммаси молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Юлдуз» МЧЖ томонидан олинган силлиқловчи дастгоҳ бўйича олдинги мисол-

ни давом эттирамыз. Силлиқловчи дастгоҳни 2 000 000 сўмлик модернизация қилиш амалга оширилган. Силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: эҳтиёт қисмлар 1 950 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 20 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 4 800 сўм. Молиявий ижаранинг муддатидан 4 йил қолган ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга эскириш тўғри чизиқли усулида ҳисобланади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилиш билан боғлиқ операциялар «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилиш амалга оширилганда:

<i>дебет 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти</i>		<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти</i>		<i>1 950 000 сўм;</i>
<i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>		<i>25 200 сўм;</i>
<i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i>		<i>20 000 сўм;</i>
<i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>		<i>4 800 сўм;</i>

— силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилиш бўйича капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

<i>дебет 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти</i>		<i>2 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 0860 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счёти</i>		<i>2 000 000 сўм;</i>

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилиш бўйича эскириш ҳисобланганда:

<i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>		<i>41 667 сўм;</i>
<i>кредит 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти</i>		<i>41 667 сўм;</i>

500 000 сўм = 2 000 000 сўм / 4 йил;

41 667 сўм = 500 000 сўм / 12 ой.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий

макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили 1 январдаги ҳолатига кўра асосий воситалар қийматини, уларни жорий нархларга мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда қайта баҳолайдилар.

2002 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 4-сон, Молия вазирлигининг 129-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-86-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган Асосий фондларни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш ўтказишнинг тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштирилиш асосий фондлар таркибига киради.

Шунинг учун молиявий ижара объектини ҳар йили қайта баҳолаш ижарачи (лизингга олувчи) томонидан 2002 йил 29 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 4-сон, Молия вазирлигининг 129-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2002-86-сон қўшма қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган Асосий фондларни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш ўтказишнинг тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситани қайта баҳолаш натижасида баҳоси пасайиши суммасининг олдинги қайта баҳолаш (кўпайган баҳо)дан ортган қисми харажат сифатидан тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштирилишни қайта баҳолашни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Олдинги мисолни давом эттирамиз ва «Юлдуз» МЧЖ томонидан молиявий ижаранинг учинчи йилини бошида амалга оширилган силлиқловчи дастгоҳни ҳар йили 1 январь ҳолатига қайта баҳолашни кўриб чиқамиз. Олдинги қайта баҳолаш молиявий ижара объектини қийматини 5 фоизга ошириш билан амалга оширилган. 1 январь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Силлиқловчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 14 870 100 сўм  
 $14\,870\,100\text{ сўм} = 14\,162\,000\text{ сўм} \times 1,05.$

2. Силлиқловчи дастгоҳ бўйича жамланган эскириш суммаси учинчи йилнинг 1 январь ҳолатига 5 948 040 сўм

$5\,948\,040\text{ сўм} = 2\,974\,020\text{ сўм} + 2\,974\,020\text{ сўм};$

бу ерда:

— биринчи йил учун жамланган эскириш 2 832 400 сўм;

$2\,832\,400\text{ сўм} = 14\,162\,000\text{ сўм} / 5\text{ йил};$

— қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда биринчи йил учун жамланган эскириш 2 974 020 сўм

$2\,974\,020\text{ сўм} = 2\,832\,400\text{ сўм} \times 1,05;$

— иккинчи йил учун жамланган эскириш 2 974 020 сўм

$2\,974\,020\text{ сўм} = 14\,870\,100\text{ сўм} / 5\text{ йил}.$

3. Силлиқловчи дастгоҳнинг қайта баҳолаш натижалари (қолдик) суммаси 566 480 сўм

$566\,480\text{ сўм} = 708\,100\text{ сўм} - 141\,620\text{ сўм};$

$708\,100\text{ сўм} = 14\,870\,100\text{ сўм} - 14\,162\,000\text{ сўм};$

$141\,620\text{ сўм} = 2\,974\,020\text{ сўм} - 2\,832\,400\text{ сўм}.$

4. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилишнинг бошланғич қиймати 2 000 000 сўмга тенг.

Қайта баҳолаш натижалари (баҳони ўсиши ёки пасайиши)дан келиб чиқиб урта ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Молиявий ижаранинг учинчи йилини бошида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) 1.10 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) қайта баҳолаш (баҳони ўсиши) «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

*дебет 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти* 1 487 010 сўм;

*дебет 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти* 200 000 сўм;

*кредит 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти* 594 804 сўм;

кредит 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича  
олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг  
эскириши» счёти 50 000 сўм;

кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 1 042 206 сўм

1 487 010 сўм = 14 870 100 x 10 / 100;

200 000 сўм = 2 000 000 x 10 / 100;

594 804 сўм = 5 948 040 x 10 / 100;

50 000 сўм = 500 000 x 10 / 100;

1 042 206 сўм = 1 487 010 сўм + 200 000 сўм – 594 804 сўм – 50 000 сўм.

## **2-ҳолат.**

Молиявий ижаранинг учинчи йилини бошида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) 0,97 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) қайта баҳолаш (баҳони пасайиши) «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича  
олинган асосий воситаларнинг эскириши»  
счёти 178 441 сўм;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича  
олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг  
эскириши» счёти 15 000 сўм;

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта  
баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 312 662 сўм;

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича  
олинган асосий воситалар» счёти 446 103 сўм;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича  
олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»  
счёти 60 000 сўм

178 441 сўм = 5 948 040 x 3 / 100;

15 000 сўм = 500 000 x 3 / 100;

–312 662 сўм = 178 441 сўм + 15 000 сўм – 446 103 сўм – 60 000 сўм;

446 103 сўм = 14 870 100 x 3 / 100;

60 000 сўм = 2 000 000 x 3 / 100.

### 3-ҳолат.

Молиявий ижаранинг учинчи йилини бошида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) 0,92 коэффициент билан қайта баҳолаш амалга оширилди.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштирилишини (модернизация қилиш) қайта баҳолаш (баҳони пасайиши) «Юлдуз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттирилади:

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти	475 843 сўм;
дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти	40 000 сўм;
кредит 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	566 480 сўм;
дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти	267 285 сўм;
кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти	1 189 608 сўм;
кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти	160 000 сўм

$$475\,843 \text{ сўм} = 5\,948\,040 \times 8 / 100;$$

$$40\,000 \text{ сўм} = 500\,000 \times 8 / 100;$$

$$-833\,765 \text{ сўм} = 475\,843 \text{ сўм} + 40\,000 \text{ сўм} - 1\,189\,608 \text{ сўм} - 160\,000 \text{ сўм};$$

$$-267\,285 \text{ сўм} = 566\,480 \text{ сўм} - 833\,765 \text{ сўм};$$

$$1\,189\,608 \text{ сўм} = 14\,870\,100 \times 8 / 100;$$

$$160\,000 \text{ сўм} = 2\,000\,000 \times 8 / 100.$$

Агар молиявий ижара шартномасида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар молиявий ижара муддати тугагандан кейин ёки ижарачи (лизингга олувчи) томонидан шартномада келишилган сотиб олиш нархини ҳаммасини тўланган ҳолда у тугашидан олдин ижарачи (лизингга олувчи)нинг мулкчилигига ўтиши назарда тутилган бўлса, ижара объектига мулкчилик ҳуқуқи ижарачи (лизингга олувчи)га ўтади ва у бухгалтерия ҳисобида ижарачининг мулки сифатида ҳисобга олинади.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ижарачи (лизингга олувчи)нинг мулкчилигига ўтишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Олдинги мисолни давом эттирамиз ва фараз қиламиз, «Юлдуз» МЧЖ томонидан молиявий ижаранинг учинчи йилини 5 январида силлиқловчи дастгоҳни сотиб олиш нарҳини тўлади. Молиявий ижаранинг учинчи йилининг 5 январь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Силлиқловчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 16 357 110 сўм  
14 870 100 сўм + 1 487 010 сўм.

2. Силлиқловчи дастгоҳ бўйича жамланган эскириш суммаси 6 542 844 сўм  
5 948 040 сўм + 594 804 сўм.

3. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилишнинг бошланғич қиймати 2 200 000 сўмга (2 000 000 сўм + 200 000 сўм) ва унинг жамланган эскириш суммаси 550 000 сўмга (500 000 сўм + 50 000 сўм) тенг.

4. Молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг копланмаган қолдиқ суммаси қуйидагича: 236 033 сўм — жорий қисми, 8 497 200 сўм — узоқ муддатли қисми.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳнинг ижарачининг мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш) қийматини қўшган ҳолда молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳнинг ўз асосий воситалари таркибига ўтказилиши:

*дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»*

*счёти*

*18 557 110 сўм;*

*кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича*

*олинган асосий воситалар» счёти*

*16 357 110 сўм;*

*кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси*

*бўйича олинган асосий воситаларни*

*ободонлаштириш» счёти*

*2 200 000 сўм;*

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни ўз асосий воситалари таркибига ўтказилганда, улар бўйича жамланган эскириш суммаларини ўтказиш (кўчириш):



дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти	6 542 844 сўм;
дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти	550 000 сўм;
кредит 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти	7 092 844 сўм;
— молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиқ суммаси тўланганда:	
дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти	236 033 сўм;
дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти	8 497 200 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	8 733 233 сўм.

Молиявий ижара шартномаси тугатилганда ижарачи (лизингга олувчи) томонидан молиявий ижара объектини қайтариш муносабати билан балансдан чиқариш, молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммаси бўйича амалга оширилади.

Молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) молиявий ижара объектининг қолдиқ (баланс) қиймати билан ижара (лизинг) тўловлари жадвали (тартиби) бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида молиявий ижара объектининг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар)ни аниқлаганда, олдинги қайта баҳолашлардаги молиявий ижара объекти қийматининг кўпайган қолдиқ суммаси, яъни олдинги баҳолашлардаги қийматининг кўпайиш суммасининг олдинги баҳолашлардаги қийматининг камайиш суммасидан ортган қисми молиявий ижара объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти бўйича резерв капиталини камайтиради.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ижарага (лизингга) берувчига қайтаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Олдинги мисолларни шартларини давом эттирамиз ва фараз қиламиз, молиявий ижаранинг учинчи йилини 8 январиди «Юлдуз» МЧЖ силлиқловчи даст-

гоҳни ижарага берувчига қайтариб берди. Молиявий ижаранинг учинчи йилининг 8 январь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Силлиқловчи дастгоҳнинг бошланғич қиймати 16 357 110 сўм  
14 870 100 сўм + 1 487 010 сўм.

2. Силлиқловчи дастгоҳ бўйича жамланган эскириш суммаси 6 542 844 сўм  
5 948 040 сўм + 594 804 сўм.

3. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилишнинг бошланғич қиймати 2 200 000 сўмга (2 000 000 сўм + 200 000 сўм) ва унинг жамланган эскириш суммаси 550 000 сўмга (500 000 сўм + 50 000 сўм) тенг.

4. Молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиқ суммаси қуйидагича: 236 033 сўм — жорий қисми, 8 497 200 сўм — узок муддатли қисми.

5. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 1 458 686 сўм ((708 100 сўм + 1 487 010 сўм) – (141 620 сўм + 594 804 сўм)).

6. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммаси 150 000 сўм (200 000 сўм – 50 000 сўм).

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш) қийматини қопланиши ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи томонидан амалга ошириладиган қайтариш бўйича харажатлардан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш) қиймати қопланмайди ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи томонидан қайтариш бўйича харажатлар амалга оширилмайди. Силлиқловчи дастгоҳни модернизация қилишда ишлатилган эҳтиёт қисмлар ва ёрдамчи материалларни силлиқловчи дастгоҳга зарар етказмасдан ундан ажратиб бўлмайди.

Ижарага берувчига молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайтариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи

дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 18 557 110 сўм;

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти 16 357 110 сўм;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти 2 200 000 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни жамланган эскириши суммасига:

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти 6 542 844 сўм;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти 550 000 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 7 092 844 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти 1 608 686 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 1 608 686 сўм;

1 608 686 сўм = 1 458 686 сўм + 150 000 сўм;

— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига мувофиқ асосий қарзнинг копланмаган қолдиқ суммасига:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 236 033 сўм;

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти 8 497 200 сўм;

кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 8 733 233 сўм;

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайтариш натижасида кўрилган зарар суммасига:

*дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 1 122 347 сўм;*

*кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 1 122 347 сўм.*

## **2-ҳолат.**

Ижарага берувчи томонидан молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни 2 000 000 сўмлик қиймати қопланади ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ қайтариш бўйича харажатлар ижарачи томонидан амалга оширилади. Қайтариш бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат: ташкилотнинг транспорт бўлинмаси томонидан кўрсатилган транспорт хизматлари 70 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 20 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 4 800 сўм.

Ижарага берувчига молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайтариш ижарачининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

*дебет 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти 18 557 110 сўм;*

*кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти 16 357 110 сўм;*

*кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти 2 200 000 сўм;*

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни жамланган эскириши суммасига:

*дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти 6 542 844 сўм;*

*дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти 550 000 сўм;*

кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	7 092 844 сўм;
— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳини ободонлаштириш (модернизация қилиш) қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:	
дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти	2 000 000 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	2 000 000 сўм;
— молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи томонидан амалга ошириладиган молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайтариш бўйича харажатлар суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	94 800 сўм;
кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти	70 000 сўм;
кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти	20 000 сўм;
кредит 6520 «Мақсадли давлат жамеармаларига тўловлар» счёти	4 800 сўм;
— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:	
дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти	1 608 686 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	1 608 686 сўм;
1 608 686 сўм = 1 458 686 сўм + 150 000 сўм;	
— ижара (лизинг) тўловлари жадвалига мувофиқ асосий қарзнинг қопланмаган қолдиқ суммасига:	
дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти	236 033 сўм;
дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти	8 497 200 сўм;
кредит 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	8 733 233 сўм;
— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи дастгоҳни қайтариш натижасида олинган фойда суммасига:	
дебет 9210 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти	782 853 сўм;

*кредит 9310 «Асосий воситаларни чиқиб  
кетишидан фойда» счёти*

*782 853 сўм;*

— молиявий ижара шартномаси бўйича олинган силлиқловчи даст-  
гоҳни ободонлаштириш (модернизация қилиш) бўйича харажатларни  
қолаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари келиб тушиши:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*2 000 000 сўм;*

*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 2 000 000 сўм.*

#### **4-§. Оператив ижара ҳисоби**

Оператив ижарада, ижара объектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча рисклар ижарачига ўтмайди ва шунинг учун оператив ижара шартномаси бўйича олинган ижара объектлари ижарага берувчининг балансида ҳисобга олинади лозим. Оператив ижара объекти ижарага берувчида асосий воситалар таркибида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га мувофиқ ҳисобга олинади.

Оператив ижарада ижарага берувчининг оператив ижара объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлари (амортизация ажратмалари, суғурталаш, капитал ва жорий таъмирлаш, оператив ижара объектлари билан боғлиқ солиқлар ва бошқа харажатлар) ушбу харажатлар юзага келган ҳисобот даврининг жорий харажатлари сифатида тан олинади.

Оператив ижара бўйича ҳисобланган ва ижарага берувчи томонидан олинadиган ижара тушумлари даромад сифатида улар ҳисобланган ҳисобот даврида тан олинади.

Оператив ижарада, ижара объектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча рисклар ижарачига ўтмайди ва шунинг учун оператив ижара шартномаси бўйича олинган ижара объектлари ижарачининг балансида ҳисобга олинмаслиги лозим.

Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачи томонидан балансдан ташқари 001 «Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида оператив ижара шартномасида кўрсатилган қийматда ҳисобга олинади.

Оператив ижарада ижарачи томонидан ҳисобланган ва тўланadиган ижара тўловлари, уларни фойдаланиш мақсадига қараб маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархига ва (ёки) давр харажатлари

(сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар)га олиб борилади.

Оператив ижара шартномасида ижара объекти, ижара муддати тугаши ёки тугамасидан, агарда шартномада шартлашилган сотиб олиш нархининг барчаси ижарачи томонидан тўланганда, ижарачининг мулкига ўтиши кўзда тутилиши мумкин.

Агар шартномада ижара объектини сотиб олиш кўзда тутилмаган бўлса, у томонларнинг қўшимча келишуви билан ўрнатилиши мумкин, унда ижара объектдан фойдаланиш учун олдин тўланган тўловлар сотиб олиш баҳосида ҳисобга олиниши ҳақида келишиш ҳуқуқига эга.

Ижара муддатининг тугаши ёки унинг тугагунига қадар шартномада кўзда тутилган сотиб олиш нархини ижарачи томонидан тўлик кiritилган ҳолда ва ижара объектига эгалик қилиш ҳуқуқи унга ўтганда, у бухгалтерия ҳисобида ижарачининг мулки сифатида ҳисобга олиниши шарт.

Ижарачининг оператив ижара объектини яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатиш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва бошқа) харажатлари оператив ижара объекти қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар оператив ижара объекти ижарага берувчининг рухсати билан яхшилانган бўлса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки оператив ижара шартномаси бекор қилинганда, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага берувчининг рухсатсиз амалга оширилган оператив ижара объектини яхшилашга сарфланган харажатлар (қўйилмалар) ва уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмаса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинганда, улар ижарага берувчига текинга ўтади, агарда оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Бироқ, агарда уларни оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар ижарага берувчи уларнинг қийматини қоплашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи уларни ажратиб олиши мумкин.

Оператив ижара билан боғлиқ операцияларни ижарага берувчи ва ижарачининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Бинокор» МЧЖ (ижарага берувчи) махсус

транспорт воситасини оператив ижара шартномаси бўйича «Конструктор» МЧЖ (ижарачи)га берди. Махсус транспорт воситасининг бошланғич қиймати 55 000 000 сўм, фойдали хизмат муддати 10 йил ва эскириш тўғри чизиқли усулида ҳисобланади. Оператив ижара шартномасига мувофиқ ижара тўлови «Бинокор» МЧЖ томонидан ойига 1 000 000 сўм миқдорида ўрнатилган. Шартномада махсус транспорт воситасининг қиймати 55 000 000 сўм кўрсатилган. Оператив ижара шартномасига мувофиқ ижаранинг биринчи ойининг бошида ижарачи томонидан ойлик ижара тўлови суммасининг 40 фоизи миқдорида олдин тўлов (бўнак) амалга оширилади. Оператив ижара давомида «Конструктор» МЧЖ томонидан махсус транспорт воситасини 5 000 000 сўмлик модернизация қилиш ишларини амалга оширган. Махсус транспорт воситасини модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагилардан иборат: эҳтиёт қисмлар 4 900 000 сўм, ёрдамчи материаллар 38 000 сўм, ишчиларга иш ҳақи ҳисоблаш 50 000 сўм ва ишчиларнинг иш ҳақи фондидан 24 фоиз миқдорида ягона ижтимоий тўловга 12 000 сўм. Махсус транспорт воситасини модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар суммасининг 5 000 000 сўми «Бинокор» МЧЖ томонидан қопланади.

Оператив ижара билан боғлиқ операцияларни «Бинокор» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

«Бинокор» МЧЖнинг асосий фаолияти бўлиб мулкни оператив ижарага бериш ҳисобланади.

Оператив ижара билан боғлиқ операциялар «Бинокор» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— оператив ижара шартномаси бўйича берилган махсус транспорт воситасига эскириш ҳисобланганда:

*дебет 9430 «Бошқа операциялар харажатлар»*

*счёти*

*458 334 сўм;*

*кредит 0260 «Транспорт воситаларининг*

*эскириши» счёти*

*458 334 сўм*

*458 334 сўм = 55 000 000 сўм / 10 йил / 12 ой;*

— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*400 000 сўм;*

*кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти*

*400 000 сўм;*

— оператив ижара шартномасига мувофиқ жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари ҳисобланганда:



дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 1 000 000 сўм;  
кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти 1 000 000 сўм;  
— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти 400 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 400 000 сўм;

— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижара тўловларининг қолган суммасини келиб тушиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 600 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 600 000 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича харажатларнинг қоплаш учун тан олиниши:

дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 5 000 000 сўм;

— ижарачи томонидан амалга оширилган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 5 000 000 сўм.

## **2 ҳолат.**

«Бинокор» МЧЖнинг асосий фаолияти бўлиб турар жой биноларини қуриш ҳисобланади ва мулкни молиявий ижарага бериш унинг асосий фаолияти бўлиб ҳисобланмайди.

Оператив ижара билан боғлиқ операциялар «Бинокор» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— оператив ижара шартномаси бўйича берилган махсус транспорт воситасига эскириш ҳисобланганда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 458 334 сўм;

кредит 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» счёти 458 334 сўм

458 334 сўм = 55 000 000 сўм / 10 йил / 12 ой;

— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	400 000 сўм;
кредит 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти	400 000 сўм;
— оператив ижара шартномасига мувофиқ жорий даврга тегишли бўлган ижара тўловлари ҳисобланганда:	
дебет 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти	1 000 000 сўм;
кредит 9350 «Оператив ижарадан даромадлар» счёти	1 000 000 сўм;
— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:	
дебет 6390 «Бошқа олинган бўнақлар» счёти	400 000 сўм;
кредит 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти	400 000 сўм;
— оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижара тўловларининг қолган суммасини келиб тушиши:	
дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	600 000 сўм;
кредит 4820 «Оператив ижара бўйича олинadиган тўловлар» счёти	600 000 сўм;
— ижарачи томонидан амалга оширилган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича харажатларнинг қоплаш учун тан олинаши:	
дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	5 000 000 сўм;
— ижарачи томонидан амалга оширилган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича харажатларнинг қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:	
дебет 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти	5 000 000 сўм;
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти	5 000 000 сўм.
Оператив ижаранинг биринчи ойидаги оператив ижара билан боғлиқ операциялар ва оператив ижарани иккинчи ойининг бошида амалган оширилган модернизация қилиш бўйича ишларни «Конструктор» МЧЖ (ижарачи)нинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини кўриб чиқамиз.	
Оператив ижара билан боғлиқ операциялар «Конструктор» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:	
— оператив ижара шартномаси бўйича махсус транспорт воситасини олиш:	
дебет балансдан ташқари 001 «Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти	55 000 000 сўм;

- оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнак тўланганда:
- |   |                     |
|---|---------------------|
| <i>дебет 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти</i> | <i>400 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>      | <i>400 000 сўм;</i> |
- ижара тўловлари ҳисобланганда:
- |   |                       |
|---|-----------------------|
| <i>дебет 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти</i>        | <i>1 000 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти</i> | <i>1 000 000 сўм;</i> |
- оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига олдин тўланган бўнақларни қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:
- |  |                     |
|--|---------------------|
| <i>дебет 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти</i> | <i>400 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 4330 «Бошқа берилган бўнақлар» счёти</i>   | <i>400 000 сўм;</i> |
- оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарага берувчига ижара тўловларининг қолган қисми тўланганда:
- |  |                     |
|--|---------------------|
| <i>дебет 6910 «Тўланадиган оператив ижара» счёти</i> | <i>600 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>         | <i>600 000 сўм;</i> |
- оператив ижара шартномаси бўйича олинган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш амалга оширилганда:
- |   |                       |
|---|-----------------------|
| <i>дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти</i>                      | <i>5 000 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счёти</i>                               | <i>4 900 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 1090 «Бошқа материаллар» счёти</i>                            | <i>38 000 сўм;</i>    |
| <i>кредит 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти</i> | <i>50 000 сўм;</i>    |
| <i>кредит 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти</i>      | <i>12 000 сўм;</i>    |
- оператив ижара шартномаси бўйича олинган махсус транспорт воситаси қайтарилганда капитал қўйилмалар (модернизация қилиш бўйича харажатлар)ни ҳисобдан чиқариш:
- |   |                       |
|---|-----------------------|
| <i>дебет 9220 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти</i> | <i>5 000 000 сўм;</i> |
| <i>дебет 0890 «Бошқа капитал қўйилмалар» счёти</i>        | <i>5 000 000 сўм;</i> |
- оператив ижара шартномаси бўйича олинган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича капитал қўйилмалар қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:
- |  |                       |
|--|-----------------------|
| <i>дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти</i>           | <i>5 000 000 сўм;</i> |
| <i>кредит 9220 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти</i> | <i>5 000 000 сўм;</i> |

— оператив ижара шартномаси бўйича олинган махсус транспорт воситасини модернизация қилиш бўйича капитал қўйилмалар қийматини қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

*дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 5 000 000 сўм;*

*кредит 4890 «Бошқа дебиторлар қарзи» счёти 5 000 000 сўм;*

— оператив ижара шартномаси бўйича олинган махсус транспорт воситасини қайтариш:

*кредит балансдан ташқари 001 «Оператив*

*ижара шартномаси бўйича олинган*

*асосий воситалар» счёти*

*55 000 000 сўм.*

## **5-§. Кейинги ижара шarti билан мол-мулкни сотиш ҳисоби**

Ижарага берувчи ижара объектини бўлғуси фойдаланувчидан кейинчалик уни худди шу шахсга ижарага бериш учун сотиб олган ҳолларда, ижарачи ва сотувчи бир шахс бўлишига йўл қўйилади.

Кейинги ижара шarti билан мол-мулкни сотишга доир битим худди шу сотувчига мулкни ижарага (молиявий ижара ёки оператив ижара бўлиши мумкин) кейин қайтариш билан уни сотишни ўз ичига олади. Ижара (лизинг) тўловлари ва сотиш нархлари одатда ўзаро боғлиқдир, чунки улар ҳақида ягона бир нарса сифатида келишиб оладилар ва улар учун ижара объектнинг жорий қийматини тақдим этиш зарурати йўқ.

Ижарага берувчига (лизингга берувчига) мулкни сотиш сотувчининг бухгалтерия ҳисбида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га мувофиқ амалга оширилади.

Бунда асосий воситаларни (агар улар сотишгача фойдаланишда бўлган бўлса) ижарага берувчига (лизингга берувчига) сотиш сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ижаранинг ҳисоби ижарачи ва ижарага берувчида юқорида кўриб ўтилган тартибда юритилади.

Кейинги ижара шарты билан мол-мулкни сотишни ҳисобга олиш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. «Асбобсоз» МЧЖнинг раҳбарияти токарлик дастгоҳини янгилашга қарор қилди ва мулкни молиявий ижара шартномасига беришни амалга оширувчи «Юлдуз» МЧЖ билан токарлик дастгоҳини молиявий ижара шартномаси бўйича олишга келишди.

Молиявий ижара объектини сотувчининг фаолият туридан келиб чиқиб иккита ҳолатни кўриб чиқамиз.

### ***1-ҳолат.***

«Асбобсоз» МЧЖ токарлик дастгоҳи ишлаб чиқаради. Ташкилотда айланма маблағлар етишмайди ва у «Юлдуз» МЧЖ билан кейин молиявий ижара шартномаси бўйича қайтариб олиш шарты билан ўзи ишлаб чиқарган токарлик дастгоҳини сотиш тўғрисида келишди. Токарлик дастгоҳининг таннархи 4 000 000 сўмга тенг. «Асбобсоз» МЧЖ ва «Юлдуз» МЧЖ токарлик дастгоҳини қийматини 5 000 000 сўм деб келишишди. «Асбобсоз» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланади. Ҳисобланган ҚҚС суммаси 1 000 000 сўмни ташкил этади. Сотиш бўйича харажатлар амалга оширилмаган.

Токарлик дастгоҳини «Юлдуз» МЧЖ (ижарага берувчи)га сотиш бўйича операциялар «Асбобсоз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини реализация қилиш (сотиш) қиймати суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти* *5 000 000 сўм;*

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти* *5 000 000 сўм;*

— ҳисобланган ҚҚС суммасига:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти* *1 000 000 сўм;*

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти* *1 000 000 сўм;*

— токарлик дастгоҳининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти* *4 000 000 сўм;*

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар»  
счёти* *4 000 000 сўм;*

— тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар счётини ёпилиши:

*дебет 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан  
даромадлар» счёти* *5 000 000 сўм;*

кредит 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 5 000 000 сўм;  
— сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи счётининг ёпилиши:  
дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 4 000 000 сўм;  
кредит 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг  
таннархи» счёти 4 000 000 сўм.

Хар бир ҳисобот даври охирида 9910 «Яқуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалари йиғилади ҳамда ҳисобот даврининг яқуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёт бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот даври якуни бўйича йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 8710 «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Ушбу ҳолатда молиявий натижа, яъни токарлик дастгоҳини сотишдан олинган фойда 1 000 000 сўмни ташкил этади ва у бухгалтерия ҳисобиди қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

дебет 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти 1 000 000 сўм;  
кредит 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган  
фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти 1 000 000 сўм.

Ижаранинг кейинги ҳисоби ижарачи сифатида «Асбобсоз» МЧЖда ва ижарага берувчи сифатида «Юлдуз» МЧЖда юқорида ижара ҳисоби бўйича кўриб ўтилган мисол ва ҳолатларга ўхшаш тартибда юритилади.

## **2-ҳолат.**

«Асбобсоз» МЧЖ электр двигатель ишлаб чиқарувчи бўлиб ҳисобланади. Жамиятда айланма маблағларига етишимовчилик мавжуд ва ўз навбатида «Юлдуз» МЧЖ билан кейин молиявий ижара шартномаси бўйича қайтариб олиш шарт билан фойдаланишда бўлган токарлик дастгоҳини сотиш ҳамда олинган пул маблағларига янги токарлик дастгоҳи харид қилиш тўғрисида келишиди. Токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати 5 000 000 сўмга, жамғарилган эскириш суммаси 500 000 сўмга, 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш қолдиғи эса 50 000 сўмга тенг. «Асбобсоз» МЧЖ ва «Юлдуз» МЧЖ токарлик дастгоҳини қийматини 4 800 000 сўм деб келишишиди. «Асбобсоз» МЧЖ ҚҚС тўловчи бўлиб ҳисобланмайди. Сотилган бўйича харажатлар амалга оширилмаган.

Токарлик дастгоҳини «Юлдуз» МЧЖ (ижарага берувчи)га сотиш бўйича операциялар «Асбобсоз» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисобиди қуйидагича акс эттирилади:

— токарлик дастгоҳини реализация қилиш (сотиш) қиймати суммасига:  
дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган сётлар» счёти 4 800 000 сўм;

<i>кредит 9220 «Асосий воситаларни чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>4 800 000 сўм;</i>
— токарлик дастгоҳининг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:	
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>5 000 000 сўм;</i>
<i>кредит 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти</i>	<i>5 000 000 сўм;</i>
— токарлик дастгоҳининг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:	
<i>дебет 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти</i>	<i>500 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>500 000 сўм;</i>
— токарлик дастгоҳини 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:	
<i>дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти</i>	<i>50 000 сўм;</i>
<i>кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>50 000 сўм;</i>
— токарлик дастгоҳини сотишдан кўрилган фойда:	
<i>дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти</i>	<i>350 000 сўм;</i>
<i>кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти</i>	<i>350 000 сўм.</i>

Ижаранинг кейинги ҳисоби ижарачи сифатида «Асбобсоз» МЧЖда ва ижарага берувчи сифатида «Юлдуз» МЧЖда юқорида ижара ҳисоби бўйича кўриб ўтилган мисол ва ҳолатларга ўхшаш тартибда юртилади.

## **6-§. Маълумотларни очиб бериш**

Молиявий ҳисоботларда ва унга тушунтириш хатида қуйидагилар очиб берилиши лозим:

— молиявий ҳисоботни тақдим қилиш санасида ижара (лизинг) объектлари ҳисобланган активлар қиймати тўғрисида маълумотлар. Мазкур ижара мулклари билан боғлиқ бўлган қарздорликларни (дебиторлик ёки кредиторлик) молиявий ва оперативга ажратган ҳолда бошқа қарзлардан алоҳида тан олиниши керак;

— молиявий ижара бўйича ижара (лизинг) тўловларига тааллуқли мажбуриятларни умумлаштирилган шаклда, уларнинг суммаси ва тўлаш даври тўғрисидаги маълумотларни келтирган ҳолда;

— салмоқли молиявий чекловлар, молиявий ижарани қайта тиклаш ҳуқуқлари, молиявий ижара объектларини харид қилиш ва молиявий ижара билан боғлиқ бўлган бошқа кутилмаган (тасодифий) ҳолатлар бўйича маълумотлар;

— ҳар бир молиявий ҳисоботни тузиш санасига ижара (лизинг) тўловларининг қолдиқ суммаси ва ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) даромади ҳамда молиявий ижара объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати;

— молиявий ижара даври учун қопланмаган мажбурият қолдиғига доимий фоиз ставкасини олиш учун ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) даромади (молиявий ижара бўйича фоизлар)ни тақсимлашда фойдаланиладиган усул;

— молиявий ҳисоботни тузиш санасига иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг)дан олиниши кутилаётган келгуси ижара (лизинг) тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

— ижара шартномасининг муҳим шартларининг умумий тавсифи.



## **V боб. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га шарҳлар**

Валютани тартибга солиш давлат валюта сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида, валюта сиёсати — давлатнинг умумиктисодий, шу жумладан пул-кредит сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатнинг валюта-молиявий салоҳиятини мустаҳкамлашга, унинг тўлов қобилияти ва кредит қобилиятини юқори даражада сақлаб туришга, ташқи иқтисодий айланма бўйича чет эллардан валютанинг келиб тушишини таъминлашга, капиталнинг четга чиқиб кетишини жиловлашга, чет эл капитални жалб қилишга ва ҳоказоларга йўналтирилгандир.

Табиийки, валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан амалга оширилаётган ташқи иқтисодий операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби соҳасида ўтказилаётган ислохотларга ҳам таъсир қилмай қолмади.

Чет эл валютасида ифодаланган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ислох қилишда муҳим қадамлардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сон «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 16 ноябрда 1085-сон билан рўйхатга олинган Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиши ҳисобланади.

Чет эл валютасида ифодаланган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришдаги бурилиш нуқтаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»ни қабул қилинишини эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхат-

га олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»ни қабул қилиниши муносабати билан Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом қайта ишланди, тўлдирилди ва янги таҳрирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобини янги счётлар режаси талабларини ҳисобга олган ҳолда, Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни қабул қилиниши чет эл валютасида ифодаланган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га мазкур шарҳлар (кейинги ўринларда БҲМС № 22 га шарҳлар деб юритилади) чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва уларни молиявий ҳисоботларда очиб бериш тартибини тушунтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

## **1-§. Умумий қоидалар**

БҲМС № 22 га мазкур шарҳлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий тобелигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валюта операцияларини амалга оширувчи барча муассасалар (банклар ва кредит уюшмалари бундан мустасно), бирлашмалар, ташкилотлар, корхоналар (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъектлар) учун тавсия этилади.

БҲМС № 22 га мазкур шарҳлар ҳалқаро келишувлар (шартномалар), таъсис ҳужжатлари ва бошқаларда қайта ҳисоблаш талаб қилинган ҳолларда, сўмда тузилган молиявий ҳисобот кўрсаткичларини чет эл валютасига қайта ҳисоблашда қўлланилмайди.

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобини тартибини аниқловчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;

— Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»-ги қонуллари;

— Валютани тартибга солиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 23 мартдаги 51-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 22) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби»;

— 2004 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 98-сон, Иқтисодиёт вазирлигининг 41-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2004-57-сон, Марказий банкнинг 257-В-сон, Давлат статистика қўмитасининг 8-сон қарорлари билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 августда 1411-сон билан рўйхатга олинган Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС № 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»;

— валюта операцияларини тартибга солиш масалалари бўйича бошқа идоравий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тизимида чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби МХҲС (IAS) 21 «Валюта курслари ўзгаришининг таъсири» ва МХҲС (IAS) 29 «Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот» билан тартибга солинади.

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисоби бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва таққослаш уларда назарда тутилган меъерий-ҳуқуқий меъерлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари меъерларига тўлиқ тўғри келишини кўрсатди, юзага келган курс фарқини молиявий-хўжалик фаолият натижаларига олиб боришнинг жамғарилган усулини қўллаш қисми бундан мустасно.

БХМС № 22 га мазкур шарҳларда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва валюта муносабатларини тартибга солиш ва чет эл

валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисоби бўйича Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қуйидаги тартибни кўриб чиқамиз:

— чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

— корхонанинг бухгалтерия балансини валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган курс фарқларни ҳисобга олиш;

— импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қийматини шакллантириш тартиби;

— молиявий ва статистик ҳисоботларда чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун фойдаланадиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби;

— консолидациялашган ҳисоботларга киритиш учун шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблаш.

## **2-§. Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш**

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютада сўмда бухгалтерия ҳисобини юртиши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида, чет эл валютасидаги операциялар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ушбу чет эл валютасининг сўмга нисбатан курс бўйича операция амалга оширилган санада қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда (одатда ҳар ҳафтанинг бошида) белгилаб боради.

Чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операциялари, активлар ва мажбуриятларни сўмга қайта ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга

нисбатан курсининг (кейинги ўринларда — Марказий банк курси) ўзгариши қараб ижобий ёки салбий курс фарқи юзага келади.

Чет эл валютасида ифодаланган операциялар, шу жумладан қуйидагилар бўйича операциялар, бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади:

— кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобрақамларидаги, аккредитивлардаги валюта маблағлари, валютадаги ссуда қарзлари;

— чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

— тузилган шартномалар бўйича четдан келтирилган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасида кирим қилиш;

— чет эл валютасида божхона тўловларини амалга ошириш;

— чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;

— чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи битимлар чет эл валютасидаги операциялар ҳисобланади:

— мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралари ва бошқа активларни) чет эл валютасига сотиб олиш ёки сотиш;

— чет эл валютасига ишлар, хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш;

— тўлаш ёки олиш суммаси чет эл валютасида белгиланган кредитлар ва қарзларни олиш ёки бериш;

— чет эл валютасидаги мажбуриятларни ўзига қабул қилиш ёки мажбуриятларни қоплаш.

Чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш санаси — бу чет эл валютасидаги операциялар натижаси ҳисобланган активлар ва мажбуриятларни қонунчиликка ёки шартномага мувофиқ хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш ҳуқуқи юзага келган кун.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида чет эл валютасидаги айрим операцияларни сўмда қайта ҳисоблаш саналари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали, жисмоний шахслар томонидан

**Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида чет эл валютасидаги айрим операцияларни сўмда қайта ҳисоблаш саналари**

<b>Чет эл валютасидаги операциялар</b>	<b>Чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш санаси ҳисобланади</b>
Валюта счётлари бўйича банк операциялари	Пул маблағларининг валюта счётига келиб тушиш ёки валюта счётидан чиқариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралар, бошқа мол-мулк импорти	Юк божхона декларациясини тўлдириш санаси
Ходимларга ҳисобдорлик суммалари бўйича чет эл валютасидаги қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларнинг қопланиши (тўланиши)	Чет эл валютасидаги қарзларнинг қопланиш (тўланиш) санаси
Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш бўйича қарзларнинг дастлабки пайдо бўлиши	Юридик шахс мақоми олинган сана
Устав капиталининг шаклланиши	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушларини киритиш санаси
Хизматлар импорти	Ишларни бажарилганлиги тўғрисидаги далолатнома ва бошқа ҳужжатлик операцияларини амалга оширилишини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатларни тузиш санаси

ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида шаклландиган курс бўйича амалга оширилади.

Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар ўтказиш учун ваколатли банклар ўз мижозларига махсус валюта ҳисобрақамлари оча-

дилар, ушбу ҳисобрақамларига валюта бозорида сотиб олинган хорижий валюта ўтказилади. Махсус валюта ҳисобрақами очмасдан банк мижози томонидан хорижий валюта харид қилнишига йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг ҳисоб-китоб ва касса операциялари бўйича хизмат кўрсатиши учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ва миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олгунча депозит счётларини ва бошқа турли депозит счётларини бир ёки бир нечта банкларда очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Чет эл валютасида талаб қилиб олгунча депозит счётларини очиш учун тадбиркорлик субъектлари (юридик шахс мақомига эга бўлганлари ҳам, эга бўлмаганлари ҳам) банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— счёт очиш учун ариза;

— давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— имзолар намунаси ва муҳр изи туширилган карточка.

Махсус валюта ҳисобрақамига шунингдек мазкур ҳисобрақамидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган ёки қайтарилган валюта ҳам ўтказилади. Махсус валюта ҳисобрақамидаги маблағлардан катъий равишда мижознинг буюртманомасида назарда тутилган хорижий валютани харид қилиш мақсадларида фойдаланилади.

Махсус счётдан нақд валютани чиқим қилинишига рухсат этилмайди, хизмат сафари харажатларини тўлаш бундан мустасно.

Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш Марказий банкнинг валютани харид қилиш ёки сотиш кунига бўлган курс бўйича акс эттирилади.

Чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст ёки юқори қийматда сотиш (харид қилиш) натижасида вужудга келадиган курс фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига молиявий фаолиятдан даромадлар (харажатлар) сифатида олиб борилади.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишни хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини мисолларда кўриб чиқамиз.

Чет эл валютасини сотишни хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби бўйича мисол. «Кичкинтой» МЧЖ маҳсулот экспортдан олинган суммаси 15 000 АҚШ долларига тенг бўлган валюта маблағларига эга. Маҳаллий мол етказиб берувчиларга бўлган қарзини қоплаш мақсадида ўзининг ваколатли банки орқали 12 000 АҚШ доллари суммасидаги чет эл валютасини сотди. Чет эл валютасини сотиш кунда Маказий банк томонидан ўрнатилган курс бир АҚШ доллари учун 1 305 сўмни ташкил этди.

Иккита ҳолатни (чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст ёки юқори курсда сотишлишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Кичкинтой» МЧЖ ўз ваколатли банки орқали чет эл валютасини Марказий банк курсидан юқори курсда, яъни бир АҚШ долларига нисбатан 1 320 сўм курси бўйича сотишни амалга оширди. Ушбу ҳолатда, сотилган чет эл валютасининг сотиш кунда валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквиваленти қиймати ва сотилган валютанинг Марказий курси бўйича сўмдаги эквиваленти ўртасида 180 000 сўм ижобий курс фарқи юзага келади.

Ушбу чет эл валютасининг сотилиши бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

— Марказий банк курси бўйича валюта счётидан чет эл валютасининг ўтказилиши:

<i>дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти</i>	<i>15 660 000 сўм;</i>
<i>кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти</i>	<i>15 660 000 сўм;</i>

15 660 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентини ҳисоб-китоб счётига ўтказилиши:

<i>дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти</i>	<i>15 840 000 сўм;</i>
<i>кредит 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти</i>	<i>15 660 000 сўм;</i>
<i>кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти</i>	<i>180 000 сўм</i>

15 840 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 320 сўм;

15 660 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

180 000 сўм = 15 840 000 сўм – 15 660 000 сўм.

### **2-ҳолат.**

«Кичкинтой» МЧЖ ўз ваколатли банки орқали чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст курсда, яъни бир АҚШ долларига нисбатан 1 295 сўм курси бўйича сотишни амалга оширди. Ушбу ҳолатда, сотилган валютанинг сотиш кундаги Марказий курси бўйича сўмдаги эквиваленти ва сотилган чет эл валютасининг валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквиваленти қиймати ўртасида 120 000 сўм салбий курс фарқи юзага келади.

Ушбу чет эл валютасининг сотилиши бухгалтерия ҳисоби счётларида қуйидагича акс эттирилади:

— Марказий банк курси бўйича валюта счётидан чет эл валютасининг ўтказилиши:



дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 15 660 000 сўм;  
 кредит 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
 счётлари» счёти 15 660 000 сўм

15 660 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— сотилган чет эл валютасининг сўмдаги эквивалентини ҳисоб-ки-  
 тоб счётига ўтказилиши:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 15 540 000 сўм;

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан  
 зарарлар» счёти» счёти 120 000 сўм;

кредит 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 15 660 000 сўм

15 540 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 295 сўм;

120 000 сўм = 15 660 000 сўм – 15 540 000 сўм;

15 660 000 сўм = 12 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм.

Чет эл валютасини сотиб олишни хўжалик юритувчи субъектлар-  
 нинг бухгалтерия ҳисобида акс эттриш тартиби бўйича мисол. «Хива»  
 сайёҳлик фирмаси «Тойота» русумли микроавтобусни 23 000 АҚШ дол-  
 ларига харид қилмоқчи, бироқ бунга ўзининг валюта маблағлари етиш-  
 маяпти. Мол етказиб берувчилар олдидаги қарзини қоплаш мақсадида  
 17 000 АҚШ доллари суммасидаги чет эл валютасини ўзининг ваколатли  
 банки орқали сотиб олди. Чет эл валютасини сотиб олиш кунда Мар-  
 казий банк томонидан ўрнатилган курс бир АҚШ доллари учун  
 1 310 сўмни ташкил этди.

Иккита ҳолатни (чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст  
 ёки юқори курсда сотиб олинишидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### **1-ҳолат.**

«Хива» сайёҳлик фирмаси ўз ваколатли банки орқали чет эл валю-  
 тасини Марказий банк курсидан юқори курсда, яъни бир АҚШ долла-  
 рига нисбатан 1 320 сўм курси бўйича сотиб олишни амалга оширди.  
 Ушбу ҳолатда, сотиб олинган чет эл валютасининг сотиб олиш кунда  
 валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквиваленти қиймати  
 ва сотиб олинган валютанинг Марказий курси бўйича сўмдаги эквива-  
 ленти ўртасида 170 000 сўм салбий курс фарқи юзага келади.

Чет эл валютасининг сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги  
 тартибда акс эттирилади:

— чет эл валютасини сотиб олиш учун харид кунига бўлган валюта  
 бозоридаги битим курси бўйича ҳисоб-китоб счётидан сўм маблағлари-  
 ни ўтказиш:

дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 22 440 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 22 440 000 сўм

22 440 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 320 сўм;

— чет эл валютаси харид қилинганда:

дебет 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти

22 270 000 сўм;

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан  
зарарлар» счёти» счёти

170 000 сўм;

кредит 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти

22 440 000 сўм

22 270 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

170 000 сўм = 22 440 000 сўм - 22 270 000 сўм;

22 440 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 320 сўм.

## 2-ҳолат.

«Хива» сайёҳлик фирмаси ўз ваколатли банки орқали чет эл валютасини Марказий банк курсидан паст курсда, яъни бир АҚШ доллари-га нисбатан 1 305 сўм курси бўйича сотиб олишни амалга оширди. Ушбу ҳолатда, сотиб олинган валютанинг сотиб олиш кундаги Марказий курси бўйича сўмдаги эквиваленти ва сотиб олинган чет эл валютасининг валюта бозоридаги битим курси бўйича сўмдаги эквиваленти қиймати ўртасида 85 000 сўм ижобий курс фарқи юзага келади.

Чет эл валютасининг сотиб олиш бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

— чет эл валютасини сотиб олиш учун харид кунига бўлган валюта бозоридаги битим курси бўйича ҳисоб-китоб счётидан сўм маблағларини ўтказиш:

дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти

22 185 000 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти

22 185 000 сўм

22 185 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— чет эл валютаси харид қилинганда:

дебет 5220 «Мамлакат ичидаги валюта  
счётлари» счёти

22 270 000 сўм;

кредит 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти

22 440 000 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти

85 000 сўм

22 270 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

22 185 000 сўм = 17 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

85 000 сўм = 22 270 000 сўм - 22 185 000 сўм.

Нақд чет эл валютасини қабул қилиш, унинг ҳисобини юритиш, сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан касса интизомига риоя қилиниши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 28 мартда 35-сон (4-баённома) билан тас-

дикланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 22 январда 611-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартиби билан тартибга солинади.

Корхона кассасига тушган чет эл валютаси тўлалигича кассага кирам қилинади. Банкдан хизмат сафари харажатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун олинган маблағлар қатъий равишда мақсадга мувофиқ ишлатилиши лозим. Ишлатилмаган маблағлар уч кундан кечиктирмасдан банкка қайтарилиши шарт. Банкка нақд хорижий валютани топшириш усуллари ваколатли банк томонидан корхона билан келишилган ҳолда белгиланади.

Корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 февралда 16-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатга олинган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ходимни хизмат сафарига юбориш учун ташкилотнинг раҳбари томонидан буйруқ чиқарилади ва сафарга режа-топшириқ тасдиқланади. Хизмат сафарига юбориладиган шахсга чет эл валютасида аванс (бўнак) берилиши керак.

Талаб қилиб олинадиган депозитли счёtdан нақд чет эл валютасини олиш учун ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатадиган ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- хизмат сафари харажатлари учун аванс бериш ҳақида ариза;
- хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг фамилиялари, исм-шарифлари, хизмат сафарига юборилаётган жой ва хизмат сафарининг муддати кўрсатилган хизмат сафарига юбориш ҳақидаги буйруқдан нусхаси;
- ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан тасдиқланган хорижий валютада олиниши керак бўлган сумманинг ҳисоби;
- ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланган сафарга режа-топшириғи;
- тақлиф қилаётган томоннинг мазкур сафарни молиялаш шarti (шундай бўлса) кўрсатилган хатлари, факслари ва телексларидан нусхалари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (фармойиши)дан нусха (ҳукуматнинг қарорига асосан кетаётганлар учун).

Бунда ушбу ташкилотнинг штатлар жадвалида бўлмаган ходимларга ташкилотнинг валюта счётидан маблағ беришга йўл қўйилмайди. Бунда хизмат сафари харажатлари учун Ўзбекистон республика валюта биржасида хорижий валютани сотиб олиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (фармойишлари) бўйича кетаётган ташкилотларнинг ходимлари учун амалга ошириш мустасно.

Ташкилотларда хорижий валютадаги маблағлари бўлмаганда, ташкилотлар ваколатли банклардан уларда хорижий валютадаги ўз маблағлари бўлгандагина хорижий валютани олишлари мумкин.

Хизмат сафари харажатларини тўлаш билан боғлиқ операцияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби бўйича мисол. «Каркас» МЧЖнинг ходим (сотиш бозорини ўрганиш бўлими бошлиғи) Болгарияга хизмат сафарига юборилган. Хизмат сафари муддати 10 кундан иборат. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 февралда 16-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатга олинган Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибининг 1-иловасига мувофиқ, Болгария учун суткалик харажатлар меъёри 30 АҚШ долларини, турар жойни ижарага олиш харажатларининг меъёри эса 65 АҚШ долларини ташкил этади. Меъёр бўйича ўн кунга хизмат сафарининг умумий харажатлари суммаси 950 АҚШ доллари (30 АҚШ доллари x 10 кун + 65 АҚШ доллари x 10 кун)ни ташкил этади.

Ўз ходимининг хизмат сафари харажатларини тўлаш учун «Каркас» МЧЖ банкдан 950 АҚШ доллари олди. Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси қуйидагилардан иборат бўлди:

— валютани кассага кирим қилиш кунда — 1 310 сўм;

— маблағларни кассага қайтариш ва аванс ҳисоботини тузиш сана-сида — 1 315 сўм.

***Банкдан маблағлар олинганда ва уларни хизмат сафарига юборилаётган шахсга беришдаги бухгалтерия ёзувлари.***

Курс фарқлари вужудга келишини ва уларни ҳисобга олиш бўйича қўшимча амалга ошириладиган бухгалтерия ёзувларини олдини олиш мақсадида банкдан маблағларни олиш ва корхона кассасидан хизмат

сафарига юборилаётган шахсга ушбу маблағларни бериш бўйича операцияларни бир санада амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, бизнинг мисолимизда ҳам ушбу ҳолат ҳисобга олинган:

— хизмат сафари харажатлари учун банкдан нақд валюта маблағлари олинган:

*дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти* 1 244 500 сўм;

*кредит 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти* 1 244 500 сўм

1 244 500 сўм = 950 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

— хизмат сафарига юборилаётган шахсга кассадан чет эл валюта-сида ҳисобдор суммани берилиши:

*дебет 4220 «Хизмат сафарига берилган бўнақлар» счёти* 1 244 500 сўм;

*кредит 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти* 1 244 500 сўм

1 244 500 сўм = 950 АҚШ доллари x 1 310 сўм.

***Хизмат сафари учун берилган маблағларнинг сарфланмаган қисми қайтарилганда ва аванс ҳисоботи расмийлаштирилгандаги бухгалтерия ёзувлари.***

Хизмат сафарига юборилган шахс Болгариядан қайтиб келганда, аванс ҳисоботини тузади. Аванс ҳисоботи корхонанинг бухгалтериясига хизмат сафаридан қайтиб келгандан сўнг 3 кундан кечиктирмай бўнақ олинган валютада тақдим этилади. Хизмат сафари натижалари бўйича якуний ҳисобкитоб ўрнатилган меъёрлар ва қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий харажатлар бўйича аванс ҳисоботини қабул қилиш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси бўйича амалга оширилади. Бизнинг тавсиямиз: хизмат сафарига юборишдагига ўхшаш тарзда аванс ҳисоботини топишириш ва сарфланмаган маблағларни корхона кассасига қайтариш бўйича операцияларни бир санада амалга ошириш лозим.

Қуйидаги ҳолатни кўриб чиқамиз: бунда хизмат сафарига юборилган шахс меҳмонхона харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга эмас, чунки у таклиф қилган томон — болгариялик ҳамкорлар ҳисобидан яшаган. Хизмат сафарига кетишдан олдин бу ҳолатлар томонлар ўртасида келишилмаганлиги сабабли, меҳмонхона харажатларини тўлаш учун корхона томонидан банкдан валюта маблағлари олинган эди. Шундай қилиб, хизмат сафарига юборилган шахс корхона кассасига 650 АҚШ доллари (65 АҚШ доллари x 10 кун)ни қайтариши керак.

Ҳисоб-китоблардан келиб чиққан ҳолда, ҳисобдор шахс корхона кассасига 650 АҚШ долларини, яъни сўмда 854 750 сўм (650 АҚШ доллари х 1 315 сўм)ни қайтариши лозим, кассадан хизмат сафари харажатларини олиш санасида эса меҳмонхона харажатлари меъёрлар бўйича 851 500 сўм (650 АҚШ доллари х 1 310 сўм)ни ташкил этган. Шу сабабли курс фарқи пайдо бўлиб, у 3 250 сўм (650 АҚШ доллари х (1 315 сўм – 1 310 сўм))ни ташкил қилган. Суткалик харажатлар маблағларни олиш санасида 300 АҚШ доллари, яъни 393 000 сўм (300 АҚШ доллари х 1 310 сўм)ни ташкил этган бўлса, харажатларга ҳисобдан чиқариш санасида 300 АҚШ доллари сўмда 394 500 сўм (300 АҚШ доллари х 1 315 сўм)ни ташкил этган ва курс фарқи 1 500 сўм (300 АҚШ доллари х (1 315 сўм – 1 310 сўм))дан иборат бўлган.

Буни қуйидаги бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар акс эттириш лозим:

— сарфланмаган нақд валюта маблағларини корхона кассасига қайтарилиши:

<i>дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти</i>	<i>854 75 сўм;</i>
<i>кредит 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счёти</i>	<i>851 500 сўм;</i>
<i>кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти</i>	<i>3 250 сўм</i>
854 750 сўм = 650 АҚШ доллари х 1 315 сўм;	
851 500 сўм = 650 АҚШ доллари х 1 310 сўм;	
3 250 сўм = 854 750 сўм – 851 500 сўм;	

— сарфланмаган нақд чет эл валютасини ваколатли банкка қайтарилиши:

<i>дебет 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» счёти</i>	<i>854 750 сўм;</i>
<i>кредит 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти</i>	<i>854 750 сўм;</i>
854 750 сўм = 650 АҚШ доллари х 1 315 сўм;	

— суткалик харажатларнинг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши:

<i>дебет 9420 «Маъмурий харажатлар» счёти</i>	<i>394 500 сўм;</i>
<i>кредит 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счёти</i>	<i>393 000 сўм;</i>
<i>кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти</i>	<i>1 500 сўм;</i>

394 500 сўм = 300 АҚШ доллари x 1 315 сўм;

393 000 сўм = 300 АҚШ доллари x 1 310 сўм;

1 500 сўм = 394 500 сўм – 393 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 245-моддасига мувофиқ, пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, «махсус қарз олиш ҳуқуқлари» ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда миддий валютада тўланиши керак лозим бўлган сумма, тўлов кундаги тегишли валютанинг расмий курси (Марказий банк курси) билан ёки шартли пул бирлиги билан аниқланади, агар бошқа курс ёки бошқа санаси қонунчилик ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида чет эл валютасидан, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонунчиликда белгиланган ҳоллар, тартиб ва шартлар асосида йўл қўйилади.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларга чет эл валютаси эквивалентида баҳо (тариф) белгилайдиган, тўловларни эса миллий валюта — сўмда оладиган хўжалик юритувчи субъектлар, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш санасидан тўлов келиб тушган (амалга оширилган) санасигача бўлган даврда Марказий банк курсининг ўзгариши сабабли вужудга келган ижобий курс фарқини 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётига, салбий курс фарқини эса 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётига олиб боради.

Бухгалтерия ҳисобида курс фарқларини тўғри акс эттириш учун бухгалтер бошланғич ҳужжатлар қандай расмийлаштирилганлигини текшириши лозим.

Шундай қилиб, шартномада нарх шартли бирликларнинг қатъий суммасида белгиланган бўлиб, ҳисоб-китоблар эса сўмдаги эквивалентда амалга оширилганда курс фарқлари вужудга келишини эътиборга оламиз.

Ушбу ҳолларда, счёт-фактурани топшириш санасида ёки бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисидаги далолатномани имзолаш санасида сотувчида тушум, харидорда эса харид қилинган товар (иш, хизмат)ларнинг қиймати аниқланади. Бунда, счёт-фактура (далолатнома) чет эл валютасида ёки сўмда тузилиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш муҳимки, ушбу ҳужжатлар бўйича тушумнинг сўмдаги эквиваленти (товарлар, ишлар, хизматлар қиймати) счёт-фактура ёки далолатнома санасидаги айнан курс бўйича, яъни товарга бўлган эгалик ҳуқуқи

ўтиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши санасидаги курси бўйича ҳисобланиши лозим.

Товарлар, ишлар, хизматлар учун тўлов сифатида келиб тушадиган сўмдаги пул маблағларининг ҳақиқий суммаси, харидорнинг счётидан сўмдаги маблағларни ўтказиб бериш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси асосида аниқланади.

Шундай қилиб, бошланғич ҳужжатлардан кўриниб турибдики, курс фарқи счёт-фактурани (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш далолатномаси) тузиш санасидаги курс билан харидор счётидан пул маблағлари ўтказиб берилган санадаги курс ўртасидаги фарқ ҳисобига вужудга келади.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларга чет эл валютаси эквивалентида баҳо (тариф) белгилайдиган, тўловларни эса миллий валюта — сўмда оладиган хўжалик юритувчи субъектларда курс фарқи билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби бўйича мисол. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхона «Конструктор» МЧЖ ўз маҳсулотларини «Бинокор» МЧЖга сотади. Маҳсулот нархи чет эл валютасида белгиланади, тўлов эса миллий валюта сўмда амалга оширилади. Ушбу мисолни маҳсулот нархига таъсир қилувчи шартнома шартларидан келиб чиқиб бир нечта ҳолатларда кўриб чиқамиз.

Томонлар маҳсулот олди-сотди шартномасини тузишди. Шартноманинг «Нарх» бўлимида қуйидагича кўрсатилган: «Маҳсулот нархи 1 200 АҚШ долларини ташкил этади». «Ҳисоб-китоб» бўлимида қуйидагича белгиланган: «Ҳисоб-китоблар сўмда пул маблағларини харидор счётидан ўтказиб бериш санасидаги Марказий банкнинг бир АҚШ долларини сўмга нисбатан ўрнатилган курси бўйича амалга оширилади». Сотилган маҳсулотнинг таннархи 500 000 сўмни ташкил этади.

Иккита ҳолатни (қурилиш материаллари учун тўлов амалга оширилган сана ва Марказий банк курсидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз).

### *1-ҳолат.*

2008 йил 11 мартда сотувчи харидорга маҳсулотни топширди, счёт-фактурани расмийлаштириб берди, Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси 2008 йил 11 мартда 1 300 сўмни ташкил қилган. Товарнинг қиймати 1 560 000 сўмни, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи (КҚС) 260 000 сўмни ташкил қилган.

2008 йил 31 мартда харидор банкка тўлов топшириқномасини тақдим этди. Банк харидор счётидан маблағларни ўтказиб берди. 2008 йил 11 мартда Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси 1 300 сўмни ташкил қилган. Шундай қилиб, харидор 1 566 000 сўм ўтказиб берган.



Шундай қилиб, шартнома шартлари, счёт-фактура ва тўлов топширикномаси маълумотларидан кўриниб турибдики, курс фарқи 6 000 сўм ((1 200 АҚШ доллари x (1 305 сўм – 1 300 сўм))ни ташкил этган. Сотувчида бу ижобий курс фарқи бўлади, харидорда — салбий курс фарқи.

Қуйида сотувчининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини кўриб чиқамиз.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, унинг бухгалтерия 2008 йилнинг 11 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— товарларни сотишдан тушумни акс эттириш:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	1 560 000 сўм;
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	1 300 000 сўм;
кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти	260 000 сўм

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

1 300 000 сўм = 1 000 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

260 000 сўм = 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотни таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти	500 000 сўм;
кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти	500 000 сўм.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаса, унинг бухгалтерия 2008 йилнинг 11 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— товарларни сотишдан тушумни акс эттириш:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти	1 560 000 сўм;
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти	1 560 000 сўм

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотни таннархини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти	500 000 сўм;
кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти	500 000 сўм.

**31 март куни бухгалтер харидор қарзининг қопланишини акс эттиради. Бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар акс эттирилади:**

— харидордан пул маблағлари келиб тушганда:  
дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 1 566 000 сўм;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 1 560 000 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 6 000 сўм

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

6 000 сўм = 1 566 000 сўм - 1 560 000 сўм;

— агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, ҚҚС бўйича бюджетга қарздорлик қопланганда:

дебет 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 260 000 сўм;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 260 000 сўм.

Қуйида харидорнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиш тартибини кўриб чиқамиз.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, унинг бухгалтерия 2008 йилнинг 11 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— материалларни харид қилиш:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар  
(1000) 1 300 000 сўм;

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий  
тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари  
бўйича)» счёти 260 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 560 000 сўм

1 300 000 сўм = 1 000 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

260 000 сўм = 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаса, унинг бухгалтерия 2008 йилнинг 11 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— материалларни харид қилиш:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар  
(1000) 1 560 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 560 000 сўм

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм.

**31 март куни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:**

— мол етказиб берувчи олдидаги қарз қопланганда:  
 дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
 чиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 560 000 сўм;  
 дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
 счёти счёти 6 000 сўм;  
 кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи  
 счётлар 1 566 000 сўм  
 1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 300 сўм;  
 6 000 сўм = 1 566 000 сўм – 1 560 000 сўм;  
 1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 305 сўм.

Ҳисоб-китоблар шартли бирликларда амалга оширилиши назарда тутилган шартномаларда, шунингдек ҳисоб-китоларнинг авансли шакли тўғрисидаги шартлар мавжуд бўлса, баъзида бухгалтерлар хатога йўл қўйишади. Хатолар мазмуни асосан шундан иборатки, келиб тушган аванс суммасини сотувчининг бухгалтери тўлов кундаги курс бўйича тушум сифатида ҳисобга олади, харидор бухгалтери эса тўланган аванс суммаси бўйича моддий қийматлик бойлик (иш, хизмат)ларчи кирим қилади.

Шундай бўлса-да, агар счёт-фактура (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси) аванс тўлаб берилган санадан кейин кунларда имзоланган бўлса, у ҳолда тушум (моддий қийматликлар, ишлар, хизматлар қиймати) счёт-фактура имзолаш санасидаги курс билан ҳисоблаш лозим.

## **2-ҳолат.**

2008 йил 11 мартда харидор авансни (10 % олдиндан тўлов) ўтказиб бериш учун банкка тўлов топшириқномасини тақдим этди. Банк харидор счётидан маблағларни ўтказиб берди. Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси 2008 йил 11 мартда 1 300 сўмни ташкил қилган. Шундай қилиб, харидор 1 560 000 сўм ўтказиб берган.

2008 йил 31 мартда сотувчи харидорга маҳсулотни топширди, счёт-фактурани расмийлаштириб берди, Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси 2008 йил 31 мартда 1 305 сўмни ташкил қилган. Товарнинг қиймати 1 566 000 сўмни, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 261 000 сўмни ташкил қилган.

Ушбу ҳолатда 2008 йил 11 мартда харидор 1 200 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини, яъни 1 560 000 сўм (1 200 АҚШ доллари х 1300 сўм)ни аванс сифатида тўлаб берилишини акс эттиради. Сотувчи эса шу суммага аванс тўлови келиб тушганини акс эттиради.

2008 йил 31 март куни товарлар харидорга топширилган. Счёт-фактура бўйича товарлар қиймати қуйидагича бўлган: 1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм.

Шундай қилиб, шартнома шартлари, счёт-фактура ва тўлов топширикномаси маълумотларидан кўриниб турибдики, курс фарқи 6 000 сўм ((1 200 АҚШ доллари x (1 305 сўм - 1 300 сўм))ни ташкил этган. Сотувчида бу салбий курс фарқи бўлади, харидорда — ижобий курс фарқи.

Қуйида сотувчининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини кўриб чиқамиз.

**11 мартда сотувчи бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— харидордан аванс кўринишида пул маблағлари келиб тушганда:  
дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 1 566 000 сўм;  
кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти 1 566 000 сўм  
1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, унинг бухгалтерия 2008 йилнинг 31 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— товарларни сотишдан тушумни акс эттириш:  
дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти 1 566 000 сўм;  
кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти 1 305 000 сўм;  
кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти 261 000 сўм  
1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;  
1 305 000 сўм = 1 000 АҚШ доллари x 1 305 сўм;  
261 000 сўм = 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотни таннархини ҳисобдан чиқариш:  
дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти 500 000 сўм;  
кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти 500 000 сўм;

— харидордан олдин олинган аванс суммаси қоплашга олиб борилган:  
дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти 1 566 000 сўм;  
дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счёти счёти 6 000 сўм;

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 1 566 000 сўм

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

6 960 сўм = 1 566 000 сўм – 1 560 000 сўм;

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— ҚҚС бўйича бюджетга қарздорлик қопланганда:  
*дебет 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз*

*(турлари бўйича)» счёти* 261 000 сўм;

*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар* 261 000 сўм.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаса, унинг бухгалтери 2008 йилнинг 31 мартида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— товарларни сотишдан тушумни акс эттириш:

*дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 1 566 000 сўм;

*кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти* 1 566 000 сўм

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

— сотилган тайёр маҳсулотни таннархини ҳисобдан чиқариш:

*дебет 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти* 500 000 сўм;

*кредит 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти* 500 000 сўм;

— харидордан олдин олинган аванс суммаси қоплашга олиб борилган:

*дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти* 1 560 000 сўм;

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счёти» счёти* 6 000 сўм;

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти* 1 566 000 сўм

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

6 960 сўм = 1 566 000 сўм – 1 560 000 сўм;

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм.

Қуйида харидорнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиш тартибини кўриб чиқамиз.

**11 мартида бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— мол етказиб берувчига аванс кўринишида пул маблағлари ўтказиб берилганда:

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 1 560 000 сўм;  
кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 1 560 000 сўм;

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 300 сўм.

**31 мартда қўйидаги ёзувларни амалга оширади:**  
**агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, унинг бухгалтери 2008 йилнинг 31 мартида қўйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— материалларни харид қилиш:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000) 1 305 000 сўм;

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)» счёти 261 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 566 000 сўм

1 305 000 сўм = 1 000 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

261 000 сўм = 200 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

— мол етказиб берувчига олдин берилган аванс суммаси қоплашга олиб борилганда:

дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 566 000 сўм;

кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 1 560 000 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти 6 000 сўм

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 300 сўм;

6 000 сўм = 1 566 000 сўм – 1 560 000 сўм.

**Агар корхона ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаса, унинг бухгалтери 2008 йилнинг 31 мартида қўйидаги ёзувларни амалга оширади:**

— материалларни харид қилиш:

дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000) 1 566 000 сўм;

кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 566 000 сўм

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари х 1 305 сўм;

— мол етказиб берувчига олдин берилган аванс суммаси қоплашга олиб борилганда:

*дебет 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-  
чиларга тўланадиган счётлар» счёти 1 566 000 сўм;  
кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва  
пудратчиларга берилган бўнақлар» счёти 1 560 000 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 6 000 сўм*

1 566 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 305 сўм;

1 560 000 сўм = 1 200 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

6 000 сўм = 1 566 000 сўм – 1 560 000 сўм.

Кўпинча бухгалтерлар яна қуйидаги саволни беришади: ҳисоб-китоблар шартли бирликларда амалга оширилганда счёт-фактурани қандай тўғри расмийлаштириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 222-моддасига мувофиқ, счёт-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валютада кўрсатилади. Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар счёт-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айна бир вақтда уни счёт-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалайди. Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни қўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган ўзгариш киритган тақдирда, мазкур товарлар (ишлар, хизматлар) олувчиси томонидан тасдиқланадиган янги счёт-фактура ёзиб берилади. Янги счёт-фактура «илгари ёзилган счёт-фактура ўрнига» деган белги билан ёзиб берилади.

Счёт-фактуранинг шакли ва уни тўлдириш тартиби 2007 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 111-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007-66-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 21 январда 1760-сон билан рўйхатга олинган.

### **3-§. Корхонанинг бухгалтерия балансини валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида пайдо бўладиган курс фарқларни ҳисобга олиш**

Хўжалик юритувчи субъектлар балансининг валюта моддаларини ҳар ой ҳисобот оянининг охири санаси ва хўжалик операцияларни амалга

ошириш санасида Марказий банк курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

Қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш мақсадида баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

— кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан аккредитивлар;

— чет эл валютасидаги пул ҳужжатлари;

— чет эл валютасида ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар;

— чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар, кредитлар ва пул қарзлар.

Қуйидагилар қайта баҳоланмайди:

— чет эл валютасига сотиб олинган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захиралари;

— устав капитали миқдори ва хўжалик юритувчи субъектнинг, шунингдек чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарнинг таъсисчилари (қатнашчилари) улушларининг нисбатлари.


Агар операцияни амалга ошириш санасидан ушбу операция бўйича якуний ҳисоб-китоб санасигача бўлган вақт оралиғи бир ойдан кейингисига ўтмаса, у ҳолда курс фарқи якуний ҳисоб-китоб санаси курси бўйича акс эттирилиши мумкин (1-чизмага қаранг).

Агар операцияни амалга ошириш санасидан ушбу операция бўйича якуний ҳисоб-китоб санасигача бўлган давр икки ва ундан кўп бўлган ойлар ёки ҳисобот даврлари ўртасида жойлашган бўлса, у ҳолда баланснинг валюта моддаларини ойма-ой қайта баҳолашда ёки ҳисобот даври охирида қайта баҳолашда курс фарқи ҳар бир ой (ҳисобот даври) охирида мавжуд бўлган курси бўйича акс эттирилиши мумкин. Шунингдек юқорида кўрсатилган операция бўйича якуний ҳисоб-китоб санасига ҳам курс фарқи пайдо бўлиши мумкин (2-чизмага қаранг).


Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ юзага келган (келиб чиққан) курс фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳишига кўра молиявий натижаларга тўғридан-тўғри (кейинги ўринларда тўғри олиб бориш усули деб юритилади) ёки жамлаш (кейинги ўринларда жамлаш усули деб юритилади) йўли билан олиб борилади.

МХҲС (IAS) 21 «Валюта курслари ўзгаришининг таъсири»га мувофиқ вужудга келадиган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига улар юзага келишига қараб олиб борилади.





1-чизма.



2-чизма.

Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари тўғри олиб бориш усули қўлланилганда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

— ижобий курс фарқи — 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётининг кредити бўйича;

— салбий курс фарқи — 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётининг дебети бўйича.

Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курс фарқлари жамғариш усули қўлланилганда улар вужудга келган вақтда молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб борилмайди ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги счётларда акс эттирилади:

— ижобий курс фарқи — 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми;

— салбий курс фарқи — 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг жорий қисми ва (ёки) 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича — уларнинг узоқ муддатли қисми.

Жамғариш усулини қўллаш натижасида жамғарилган курс фарқлари молиявий-хўжалик фаолият натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

— чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича — уларнинг тўланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича;

— бошқа ҳолларда — баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари амалга оширилиши бўйича.

Курс фарқларидан вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар ва харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ижобий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

*дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;*

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;*

— салбий курс фарқи бўйича вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

*дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти;*

*кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти.*

Жамғарилган курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича — уларнинг тўланиши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) бўйича, бошқа ҳолларда эса — баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операциялари амалга оширилиши бўйича олиб бориш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— ижобий курс фарқи:

*дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти;*  
*кредит 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счёти;*

— салбий курс фарқи:

*дебет 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счёти;*  
*кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти.*

Курс фарқларини молиявий натижаларга олиб боришда тўғри олиб бориш усули ва жағариш усулидан фойдаланиш ва хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби бўйича мисол. «Зебу-зийнат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ЎР ТИФ МБ) билан тузилган шартномага мувофиқ 2006 йил 1 июнда «Дойче-банк»нинг кредит линияси бўйича суммаси 200 000 евро бўлган кредит олган. Кредитнинг шартлари қуйидагилардан иборат: кредит муддати — 5 йил; кредит 50 000 евро суммада ҳар йили тўрт марталик тенг маромдаги тўловлар билан қопланади, бунда биринчи тўлов кредит муддатини иккинчи йилининг охирида амалга оширилади; кредит бўйича фоиз ставкаси 9 % ва у ҳар ойда ҳисоблаб борилади; фоизлар ҳар ярим йилда тўланиб борилади; фоизлар кечиктирилиб бориладиган имтиёзли давр мобайни бир йилга тенг (ушбу давр мобайнида фоизлар ҳисобланади, бироқ улар имтиёзли давр тугагунгача тўланмайди); кредитни қоплаш миллий валютада тўлаш қунида ЎР МБнинг еврога нисбатан ўрнатган курси бўйича амалга оширилади. Бизнинг шартли мисолимизда, «Зебу-зийнат» АЖ ҳар чоракнинг охирида кредит бўйича фоизларни ҳисоблайди ва ушбу баланснинг валюта моддалари бўйича қайта баҳолашни амалга оширади (юқорида кўрсатиб ўтилган Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомда валюта моддаларини қайта баҳолаш ҳар ойнинг охирида амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлса ҳам, ҳисоб-китобларни осонлаштириш ва камайтириш мақсадида, ушбу мисолда валютада ифодаланган кредитнинг қолдигини қайта баҳолаш ва кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ҳар чоракнинг охирида амалга оширилади деб фараз қилдик).

«Зебу-зийнат» АЖНинг чет эл валютасидаги кредити билан боғлиқ ҳисоб-китоблари 2006 йилнинг 1 июнидан 2008 йилнинг 30 июнигача бўлган давр учун куйидаги кўринишда бўлади:

№	Сана	Операциянинг мазмуни	Суммаси сврода	1 евро учун МБ курси, сўм	Сумма, минг сўмда
1	01.06.2006 й.	Кредитни олиш	200 000	1 550	310 000
2	30.06.2006 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	1 500(1)	1 575	2 362,5
		б) кредит суммасини қайта баҳолаш	200 000	1 575	315 000
3	30.09.2006 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(2)	1 600	7 200
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 1 500	1 600	320 000 2 400
4	31.12.2006 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(2)	1 590	7 155
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 6 000	1 590	318 000 9 540
5	31.03.2007 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(2)	1 650	7 425
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 10 500	1 650	330 000 17 325
6	30.06.2007 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(2)	1 700	7 650
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 15 000	1 700	340 000 25 500
7	30.09.2007 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(2)	1 685	7 825,5

№	Сана	Операциянинг мазмуни	Суммаси еврода	1 евро учун МБ курси, сўм	Сумма, минг сўмда
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 19 500	1 685	337 000 32 857,5
8	30.11.2007 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	3 000(3)	1 800	5 400
		б) кредит бўйича тўлана- диган олдинги фоизлар суммаси қайта баҳолаш ва улар (шу жумладан олдин ҳисобланганлари)ни тўлаш	27 000(4)	1 800	48 600
9	31.12.2007 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	1 500(1)	1 850	2 775
		б) кредит суммасини қайта баҳолаш	200 000	1 850	370 000
10	31.03.2008 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	4 500(3)	1 835	8 257,5
		қайта баҳолаш: б) кредит суммаси ва в) кредит бўйича тўланадиган олдинги фоизлар суммаси	200 000 1 500	1 835	367 000 2 752,5
11	31.05.2008 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	3 000	2 050	6 150
		б) кредит бўйича фоизлар (шу жумладан олдин ҳисобланганлари)ни тўлаш	9 000	2 050	18 450
		в) кредит суммасини қайта баҳолаш ва унинг қисмини қоплаш	50 000	2 050	102 500
12	30.06.2008 й.	а) кредит бўйича фоиз ҳисоблаш	1 125(5)	2 040	2 295
		б) кредит суммасини қайта баҳолаш	150 000	2 040	306 000

Изоҳ: (1)  $(200\,000 \times 0,09) / 12 = 1\,500$ ;  
(2)  $(200\,000 \times 0,09) \times 3 / 12 = 4\,500$ ;  
(3)  $(200\,000 \times 0,09) \times 2 / 12 = 3\,000$ ;  
(4)  $1\,500 + 4\,500 + 4\,500 + 4\,500 + 4\,500 + 4\,500 + 3\,000 = 27\,000$ ;  
(5)  $(150\,000 \times 0,09) / 12 = 1\,125$ .

Балансинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан пайдо бўлаган курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб боришининг икки усули (тўғри усул ва жамғариш усули)дан фойдаланилганда чет эл валютасидаги кредит билан боғлиқ хўжалик операцияларни «Зебу-зийнат» АЖнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб чиқамиз:

**2006 йил 1 июнь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредитни олиш:

дебет 5530 «Бошқа махсус счётлар» счёти 310 000 000 сўм;

кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»

счёти

310 000 000 сўм

310 000 000 сўм = 200 000 евро x 1 550 сўм.

**2006 йил 30 июнь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фонз ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

счёти

2 362 500 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти

2 362 500 сўм

2 362 500 сўм = 1 500 евро x 1 575 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан

зарарлар» счёти

5 000 000 сўм;

кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»

счёти

5 000 000 сўм

5 000 000 сўм = 310 000 000 сўм – 315 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган

харажатлар» счёти

5 000 000 сўм;

кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»

счёти

5 000 000 сўм

5 000 000 сўм = 310 000 000 сўм – 315 000 000 сўм;

**2006 йил 30 сентябрь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фонз ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

счёти

7 200 000 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти

7 200 000 сўм

7 200 000 сўм = 4 500 евро x 1 600 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 5 000 000 сўм  
5 000 000 сўм = 315 000 000 сўм – 320 000 000 сўм;  
— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти 5 000 000 сўм;  
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 5 000 000 сўм  
5 000 000 сўм = 315 000 000 сўм – 320 000 000 сўм;  
— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 37 500 сўм;  
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 37 500 сўм  
37 500 сўм = 2 362 500 сўм – 2 400 000 сўм;  
— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 37 500 сўм;  
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 37 500 сўм  
37 500 сўм = 2 362 500 сўм – 2 400 000 сўм;

**2006 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:  
дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
счёти 7 155 000 сўм;  
кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 7 155 000 сўм  
7 155 000 сўм = 4 500 евро х 1 590 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 2 000 000 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти 2 000 000 сўм  
2 000 000 сўм = 320 000 000 сўм – 318 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти* 2 000 000 сўм;

*кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*даромадлар» счёти* 2 000 000 сўм

2 000 000 сўм = 320 000 000 сўм – 318 000 000 сўм;

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 60 000 сўм;

*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар»*

*счёти* 60 000 сўм

60 000 сўм = (2 400 000 сўм + 7 200 000 сўм) – 9 540 000 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 60 000 сўм;

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*

*счёти* 60 000 сўм

60 000 сўм = (2 400 000 сўм + 7 200 000 сўм) – 9 540 000 сўм;

**2007 йил 31 март ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти* 7 425 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 7 425 000 сўм

6 345 000 сўм = 4 500 евро x 1 650 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти* 12 000 000 сўм;

*кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти* 12 000 000 сўм

12 000 000 сўм = 318 000 000 сўм – 330 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*харажатлар» счёти* 12 000 000 сўм;

*кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти* 12 000 000 сўм



12 000 000 сўм = 318 000 000 сўм – 330 000 000 сўм;

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти* 210 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 210 000 сўм

210 000 сўм = (9 540 000 сўм + 7 155 000 сўм) – 17 325 000 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*

*счёти* 210 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 210 000 сўм

210 000 сўм = (9 540 000 сўм + 7 155 000 сўм) – 17 325 000 сўм;

**2007 йил 31 июнь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти* 7 650 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 7 650 000 сўм

7 650 000 = 4 500 евро x 1 700 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти* 10 000 000 сўм;

*кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти* 10 000 000 сўм

10 000 000 сўм = 330 000 000 сўм – 340 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*харажатлар» счёти* 10 000 000 сўм;

*кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти* 10 000 000 сўм

10 000 000 сўм = 330 000 000 сўм – 340 000 000 сўм;

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти* 750 000 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 750 000 сўм

750 000 сўм = (17 325 000 сўм + 7 425 000 сўм) – 25 500 000 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»

счёти

750 000 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти

750 000 сўм

(750 000 сўм = (17 325 000 сўм + 7 425 000 сўм) – 25 500 000 сўм);

— узоқ муддатли банк кредитининг жорий қисми ажратилганда:

дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»

счёти

85 000 000 сўм;

кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —

жорий қисми» счёти

85 000 000 сўм

85 000 000 сўм = 340 000 000 сўм x 1 / 4;

— узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ажратилганда:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»

счёти

8 000 000 сўм;

кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган

харажатлар» счёти

8 000 000 сўм

32 000 000 сўм = 5 000 000 сўм + 5 000 000 сўм + 12 000 000 сўм

+ 10 000 000 сўм;

8 000 000 сўм = 32 000 000 сўм x 1 / 4;

— узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ажратилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган

даромадлар» счёти

500 000 сўм;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»

счёти

500 000 сўм;

500 000 сўм = 2 000 000 сўм x 1 / 4;

**2007 йил 30 сентябрь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»

счёти

7 582 500 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти

7 582 500 сўм

7 582 500 = 4 500 евро x 1 685 сум;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*  
*счёти* 3 000 000 сўм;  
*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар»*  
*счёти* 3 000 000 сўм  
 3 000 000 сўм = 340 000 000 сўм – 337 000 000 сўм;  
 — жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:  
*дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*  
*счёти* 3 000 000 сўм;  
*кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромалар»*  
*счёти* 3 000 000 сўм  
 3 000 000 сўм = 340 000 000 сўм – 337 000 000 сўм;  
 — тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:  
*дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»*  
*счёти* 750 000 сўм;  
*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар»*  
*счёти* 750 000 сўм  
 750 000 сўм = 85 000 000 сўм – 84 250 000 сўм;  
 — жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:  
*дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»*  
*счёти* 750 000 сўм;  
*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*  
*счёти* 750 000 сўм  
 750 000 сўм = 85 000 000 сўм – 84 250 000 сўм;  
 — тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:  
*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар»*  
*счёти* 292 500 сўм;  
*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар»*  
*счёти* 292 500 сўм  
 292 500 сўм = (25 500 000 сўм + 7 650 000 сўм) – 32 857 500 сўм;  
 — жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:  
*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар»*  
*счёти* 292 500 сўм;  
*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*  
*счёти* 292 500 сўм;

292 500 сўм = (25 500 000 сўм + 7 650 000 сўм) – 32 857 500 сўм;

**2007 йил 30 ноябрь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фониз ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоишлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти*

*5 400 000 сўм;*

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*5 400 000 сўм*

5 400 000 сўм = 3 000 евро x 1 800 сўм;

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоишларнинг олдинги суммалари (давр учун фоишлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти*

*2 517 000 сўм;*

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*2 517 000 сўм*

43 200 000 сўм = 48 600 000 сўм – 5 400 000 сўм;

2 517 000 сўм = (32 857 500 сўм + 7 825 500 сўм) – 43 200 000 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоишларнинг олдинги суммалари (давр учун фоишлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*

*счёти*

*2 517 000 сўм;*

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*2 517 000 сўм*

43 200 000 сўм = 48 600 000 сўм – 5 400 000 сўм;

2 517 000 сўм = (32 857 500 сўм + 7 825 500 сўм) – 43 200 000 сўм;

— кредит бўйича ҳисобланган тўланадиган фоишларни тўлаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*38 880 000 сўм;*

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

*38 880 000 сўм*

27 000 евро = 1 500 + 4 500 + 4 500 + 4 500 + 4 500 + 4 500 + 3 000;

48 600 000 сўм = 27 000 евро x 1 800 сўм.

**Бир вақтнинг ўзида жамғариш усулида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:**

— ҳисобланган фоишлар бўйича жамғарилган салбий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти*

*3 514 500 сўм;*

*кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*

*счёти*

*3 514 500 сўм*

3 314 500 сўм = 37 500 сўм + 210 000 сўм + 750 000 сўм + 2 517 000 сўм;

— ҳисобланган фоишлар бўйича жамғарилган ижобий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 352 500 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 352 500 сўм

352 500 сўм = 292 500 сўм + 60 000 сўм.

**2007 йил 31 декабрь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
счёти 2 775 000 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 2 775 000 сўм

2 775 000 сўм = 1 500 евро x 1 850 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қис-  
мини қайта баҳолаш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 24 750 000 сўм;

кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 24 750 000 сўм

24 750 000 сўм = 252 750 000 сўм – 277 500 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддат-  
ли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган  
харажатлар» счёти 24 750 000 сўм;

кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 24 750 000 сўм

24 750 000 сўм = 252 750 000 сўм – 277 500 000 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини  
қайта баҳолаш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 8 250 000 сўм;

кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —  
жорий қисми» счёти 8 250 000 сўм

8 250 000 сўм = 84 250 000 сўм – 92 500 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг жорий қис-  
мини қайта баҳолаш:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 8 250 000 сўм;

кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —  
жорий қисми» счёти 8 250 000 сўм

8 250 000 сўм = 84 250 000 сўм – 92 500 000 сўм.

**2008 йил 31 март ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фониз ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоишлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти*

*8 257 500 сўм;*

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*8 257 500 сўм*

*8 257 500 сўм = 4 500 евро x 1 835 сўм;*

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти*

*2 250 000 сўм;*

*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан*

*даромадлар» счёти*

*2 250 000 сўм*

*2 250 000 сўм = 277 500 000 сўм – 275 250 000 сўм;*

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»*

*счёти*

*2 250 000 сўм;*

*кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган*

*даромалар» счёти*

*2 250 000 сўм*

*2 250 000 сўм = 277 500 000 сўм – 275 250 000 сўм;*

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —*

*жорий қисми» счёти*

*750 000 сўм;*

*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан*

*даромадлар» счёти*

*750 000 сўм*

*750 000 сўм = 92 500 000 сўм – 91 750 000 сўм;*

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:

*дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —*

*жорий қисми» счёти*

*750 000 сўм;*

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*

*счёти*

*750 000 сўм*

*750 000 сўм = 92 500 000 сўм – 91 750 000 сўм;*

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоишларнинг олдинги суммалари (давр учун фоишлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоишлар» счёти*

*22 500 сўм;*

*кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан*

*даромадлар» счёти*

*22 500 сўм*

22 500 сўм = 2 775 000 сўм – 2 752 500 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти* 22 500 сўм;

*кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»*

*счёти*

22 500 сўм

22 500 сўм = 2 775 000 сўм – 2 752 500 сўм.

**2008 йил 31 май ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

*дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»*

*счёти*

6 150 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти*

6 150 000 сўм

6 150 000 сўм = 3 000 евро х 2 050 сўм;

— тўғри усулда кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»*

*счёти*

1 290 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти*

1 290 000 сўм;

12 300 000 сўм = 18 450 000 сўм – 6 150 000 сўм;

1 290 000 сўм = (2 752 500 сўм + 8 257 500 сўм) – 12 300 000 сўм;

— жамғариш усулида кредит бўйича тўланадиган фоизларнинг олдинги суммалари (давр учун фоизлар ҳисоблангунгача бўлган суммалар)ни қайта баҳолаш:

*дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»*

*счёти*

1 290 000 сўм;

*кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти*

1 290 000 сўм

12 300 000 сўм = 18 450 000 сўм – 6 150 000 сўм;

1 290 000 сўм = (2 752 500 сўм + 8 257 500 сўм) – 12 300 000 сўм;

— кредит бўйича ҳисобланган тўланадиган фоизларни тўлаш:

*дебет 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти*

18 450 000 сўм;

*кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти*

18 450 000 сўм

9 000 евро = 1 500 + 4 500 + 3 000;

18 450 000 сўм = 9 000 евро х 2 050 сўм.

**Бир вақтнинг ўзида жамғариш усулида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:**

— ҳисобланган фоизлар бўйича жамғарилган салбий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 1 290 000 сўм;  
кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 1 290 000 сўм;  
— ҳисобланган фоизлар бўйича жамғарилган ижобий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:  
дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 22 500 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар»  
счёти 22 500 сўм;  
— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:  
дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 32 250 000 сўм;  
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 32 250 000 сўм;  
32 250 000 сўм = 275 250 000 сўм – 307 500 000 сўм;  
— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:  
дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти 32 250 000 сўм;  
кредит 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 32 250 000 сўм;  
32 250 000 сўм = 275 250 000 сўм – 307 500 000 сўм;  
— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:  
дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар»  
счёти 10 750 000 сўм;  
кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 10 750 000 сўм;  
10 750 000 сўм = 91 750 000 сўм – 102 500 000 сўм;  
— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:  
дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 10 750 000 сўм;  
кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 10 750 000 сўм;  
10 750 000 сўм = 91 750 000 сўм – 102 500 000 сўм;  
— кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қопланиши:



дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 102 500 000 сўм;  
кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 102 500 000 сўм  
102 500 000 сўм = 50 000 евро x 2 050 сўм.

**Бир вақтнинг ўзида жамғариш усулида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:**

— кредитнинг асосий суммасининг жорий қисми бўйича жамғарилган салбий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:

дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счёти 27 000 000 сўм;  
кредит 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 27 000 000 сўм

27 000 000 сўм = 8 000 000 сўм + 8 250 000 сўм + 10 750 000 сўм;

— кредитнинг асосий суммасининг жорий қисми бўйича жамғарилган ижобий курс фарқларини молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига олиб бориш:

дебет 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти 2 000 000 сўм;  
кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счёти 2 000 000 сўм

2 000 000 сўм = 500 000 сўм + 750 000 сўм + 750 000 сўм;

— узоқ муддатли банк кредитининг жорий қисми ажратилганда:

дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти 102 500 000 сўм;  
кредит 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти 102 500 000 сўм

102 500 000 сўм = 307 500 000 сўм x 1 / 3;

— узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ажратилганда:

дебет 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счёти 27 000 000 сўм;  
кредит 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти 27 000 000 сўм;

81 000 000 сўм = 24 000 000 сўм + 24 750 000 сўм + 32 250 000 сўм;

27 000 000 сўм = 81 000 000 сўм x 1 / 3;

— узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ажратилганда:

дебет 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти 2 250 000 сўм;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 2 250 000 сўм

6 750 000 сўм = 1 500 000 сўм + 3 000 000 сўм + 2 250 000 сўм;

2 250 000 сўм = 6 750 000 сўм x 1 / 3.

**2008 йил 30 июнь ҳолатига бухгалтерия ёзувлари:**

— кредит бўйича фоиз ҳисоблаш:

дебет 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»  
счёти 2 295 000 сўм;

кредит 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти 2 295 000 сўм

2 295 000 сўм = 1 125 евро x 2 040 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 1 000 000 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 1 000 000 сўм

1 000 000 сўм = 205 000 000 сўм – 204 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг узоқ муддатли қисмини қайта баҳолаш:

дебет 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»  
счёти 1 000 000 сўм;

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган  
даромадлар» счёти 1 000 000 сўм

1 000 000 сўм = 205 000 000 сўм – 204 000 000 сўм;

— тўғри усулда кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —  
жорий қисми» счёти 500 000 сўм;

кредит 9540 «Валюталар курси фарқидан  
даромадлар» счёти 500 000 сўм

500 000 сўм = 102 500 000 сўм – 102 000 000 сўм;

— жамғариш усулида кредитнинг асосий суммасининг жорий қисмини қайта баҳолаш:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар —  
жорий қисми» счёти 500 000 сўм;

кредит 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»  
счёти 500 000 сўм

500 000 сўм = 102 500 000 сўм – 102 000 000 сўм.

Юқорида намоиш қилинган мисол бўйича қуйидаги умумий ҳулосаларни қилиш мумкин: баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш натижаларини ҳисоб-китоб қилиш ва акс эттришни оддийлиги ва қулайлиги мақсадида курс фарқларини молиявий натижаларга тўғри олиб боришдан фойдаланиш яхшироқ; ҳисобот даврида даромадлар ва харажатларни мос келиш тамойилига риоя қилиш мақсадида жамғариш усули унчалик қулай ҳисобланмайди; жамғариш усулидан фойдаланилганда шуни пайқаш мумкинки, унда ҳисобот йили мобайнида валюта курси ўзгариши натижасида балансни валюта моддасининг битта объекти бўйича курс фарқлари кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900, 3200)да ҳам, кечиктирилган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (6200, 7200)да ҳам акс эттирилади ва жамғарилади; узоқ муддатли валюта мажбуриятларининг жорий қисми ажратилганда, шунингдек унинг қисми тўланганда узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар ва даромадларнинг узоқ муддатли ва жорий қисмини алоҳида юритиш талаб этилади, бу ўз навбатида уларни молиявий натижаларга олиб боришда маълум бир қийинчиликларга олиб келади.

Чет эл валютасида ифодаланган муомалаларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида юритишни соддалаштириш мақсадида кечиктирилган даромадлар ва харажатлар счётларида мос равишда акс эттирилган ижобий ва салбий курс фарқларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойнанинг охиридаги чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача миқдори бўйича амалга оширишга рухсат этилади. Курс фарқини ўртача миқдори бўйича ҳисобдан чиқаришнинг мисоли 7-жадвалда келтирилган.

Бир бирлик чет эл валютасига тўғри келадиган ўртача курс фарқи ҳажмини ҳисоблаш:  $(58\ 000\ \text{сўм} + 57\ 500\ \text{сўм}) / 2\ 300\ \text{АҚШ доллари} = 115\ 500\ \text{сўм} / 2\ 300\ \text{АҚШ доллари} = 50,2\ \text{сўм}$ .

#### **Масалан:**

750 АҚШ доллари миқдорида кредиторлик қарзи тўланди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган салбий курс фарқи суммаси 37 650 сўм (750 АҚШ доллари x 50,2 сўм)га тенг.

Дебиторлардан 525 АҚШ доллари миқдорида валюта маблағи келиб тушди, молия-хўжалик фаолияти натижасига ҳисобдан чиқариладиган ижобий курс фарқи суммаси 26 355 сўм (525 АҚШ доллари x 50,2 сўм)га тенг.

Курс фарқларини олиб боришда қўлланилаётган усуллар хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида мажбурий тартибда акс этти-

## Ўртача миқдор бўйича курс фарқларини ҳисобдан чиқаришга оид мисол

Баланснинг валюта моддалари- нинг номи	Сумма АҚШ долларида	Миллий валютадаги сумма (сўмда)			Баланснинг валюта моддаларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида жамғарилган курс фарқлари	
		МБ курси 1\$ = 1 270	МБ курси 1\$ = 1 300	МБ курси 1\$ = 1 320	Ижобий 6230 «Бошқа кечктирилган даромадлар» счётининг кредити бўйича, сўм	Салбий 3290 «Бошқа кечктирилган харажатлар» счётининг дебети бўйича, сўм
Валюта маблаглари	350	444 500	455 000	462 000	11 000 (455 000 – 444 000) 7 000 (462000 – 455 000)	
Дебиторлик қарзи	800	1 016 000	1 040 000	1 056 000	24 000 (1 040 000 – 1 016 000) 16 000 (1 056 000 – 1 040 000)	
Кредиторлик қарзи	1 150	1 460 500	1 495 000	1 518 000		34 500 (1 495 000 – 1 460 500) 23 000 (1 518 000 – 1 495 000)
<b>ЖАМИ</b>	<b>2 300</b>				<b>58 000</b>	<b>57 500</b>

рилиши керак. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатини календарь йил давомида ўзгартирмаслиги лозим, бундан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 1) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 56-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Курс фарқларини олиб боришнинг жамғариш усулидан тўғри олиб бориш усулига ўтишда баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида олдин тўпланган курс фарқлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисоб сиёсати қабул қилинган календарь йилининг охиригача ҳар ойда (бир меъёрда) ҳисобдан чиқариб борилади.

Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ҳар бир таъсисчи томонидан улушларнинг киритилиши Марказий банкнинг улушни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

Устав капитали миқдори чет эл валютасида ўрнатилган ҳолларда ва устав капиталига улушлар киритиш легитим сўмда амалга оширилганда ҳам, қайта ҳисоблаш Марказий банкнинг улушларни киритиш санасидаги курси бўйича амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курслари ўртасида вужудга келадиган ижобий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида қўшилган капитал сифатида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида акс этирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасида белгиланган устав капиталини шаклланишида вужудга келган ижобий курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида акс этириш бўйича мисол. Маиший хизмат кўрсатувчи чет эл капитали иштирокидаги «Артур» корхонаси устав капитали миқдори 200 000 АҚШ доллари қилиб белгиланган ва у 2008 йил 15 февралда давлат рўйхатидан ўтган. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ, устав капиталининг 60 % — чет эл таъсисчисининг улуши бўлиб, у АҚШ доллари кўринишида пул маблағлари билан киритилиши лозим. Устав капиталининг қолган қисми эса маҳаллий таъсисчининг улуши бўлиб, у маиший хизматларни кўрсатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар кўринишида киритилади ва томонлар уни 80 000 АҚШ долларига баҳолашган. Асбоб-ускуналар 10 мартда, чет эл валютаси

эса 2008 йил 25 мартда киритилган. Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси қуйидагича бўлган: уставни рўйхатдан ўтказиш санасида 1 АҚШ доллари = 1 295 сўм; асбоб-ускуналарни киритиш санасида 1 АҚШ доллари = 1 300 сўм; чет эл валютасини киритиш санасида 1 АҚШ доллари = 1 302 сўм.

Устав капиталини рўйхатдан ўтказиш ва шакллантириш билан боғлиқ операциялар «Артур» корхонасининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— 2008 йил 15 февралда корхона устав капитали рўйхатдан ўтказилганда:

*дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 246 000 000 сўм;*  
*кредит устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300) 246 000 000 сўм*

259 000 000 сўм = 200 000 АҚШ доллари x 1 295 сўм;

— 2008 йил 10 мартда асбоб-ускуналарни киритилиши:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти 104 000 000 сўм;*  
*кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 103 600 000 сўм;*  
*кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счёти 240 000 сўм*

104 000 000 сўм = 80 000 АҚШ доллари x 1 300 сўм;

98 400 000 сўм = 80 000 АҚШ доллари x 1 295 сўм;

400 000 сўм = 104 000 000 сўм - 103 600 000 сўм;

— 2008 йил 25 мартда чет эл валютасини киритилиши:

*дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти ёки чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) 156 240 000 сўм;*  
*кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 155 400 000 сўм;*  
*кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счёти 840 000 сўм*

156 240 000 сўм = 120 000 АҚШ доллари x 1 302 сўм;

155 400 000 сўм = 120 000 АҚШ доллари x 1 295 сўм;

840 000 сўм = 156 240 000 сўм - 155 400 000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасидаги ва ҳақиқатда устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Марказий банк курс-

лари ўртасида вужудга келадиган салбий курс фарқи бухгалтерия ҳисобида 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётининг дебитида устав капиталини шаклланишида вужудга келган олдинги ижобий курс фарқи суммаси чегарасида акс эттирилади. Устав капиталини шакллантиришдаги салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошган қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасида белгиланган устав капиталини шаклланишида вужудга келган салбий курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича мисол. Чет эл капитали иштирокидаги «Констракт-билдинг» ишлаб чиқариш корхонаси 2008 йил 15 февралда давлат рўйхатидан ўтган. Корхонанинг устав капитали 30 000 евро миқдориди белгиланган. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ, устав капиталининг 40 % — чет эл таъсисчисининг улуши бўлиб, у пул шаклида — еврода киритилиши лозим, маҳаллий таъсисчининг улуши (60 %) эса маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар билан киритилади. Томонлар акелишувига мувофиқ улар 18 000 еврога баҳоланган. 12 000 евро миқдордаги чет эл валютаси 25 февралда киритилган, материаллар эса 2008 йил 10 мартда киритилган. Марказий банк томонидан бир евронинг сўмга нисбатан ўрнатган курси қуйидагича бўлган: уставни рўйхатдан ўтказиш санасида 1 евро = 1 900 сўм; чет эл валютасини киритиш санасида 1 евро = 1 910 сўм, материалларни киритиш санасида 1 евро = 1 890 сўм.

Устав капиталини рўйхатдан ўтказиш ва шакллантириш билан боғлиқ операциялар «Констракт-билдинг» корхонасининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— 2008 йил 15 февралда корхона устав капитали рўйхатдан ўтказилганда:

<i>дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти</i>	<i>57 000 000 сўм;</i>
<i>кредит устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300)</i>	<i>57 000 000 сўм</i>
<i>(57 000 000 сўм = 30 000 евро x 1 900 сўм);</i>	

— 2008 йил 25 мартда чет эл валютасини киритилиши:	
<i>дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счёти ёки чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200)</i>	<i>22 920 000 сўм;</i>
<i>кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти</i>	<i>22 800 000 сўм;</i>

кредит 8420 «Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи» счёти	120 000 сўм
22 920 000 сўм = 12 000 евро x 1 910 сўм;	
22 800 000 сўм = 12 000 евро. x 1 900 сўм;	
120 000 сўм = 22 920 000 сўм – 22 800 000 сўм;	
— 2008 йил 10 мартда асбоб-ускуналарни киритилиши:	
дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)	34 020 000 сўм;
дебет 8420 «Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи» счёти	120 000 сўм;
дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счёти	60 000 сўм;
кредит 4610 «Устав капиталга таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти	34 200 000 сўм
34 020 000 сўм = 18 000 евро x 1 890 сўм;	
60 000 сўм = 34 200 000 сўм – 34 020 000 сўм – 120 000 сўм;	
34 200 000 сўм = 18 000 евро x 1 900 сўм.	

Чет эл валютасида акс эттирилган устав капитали оширилганда (камайтирилганда) бухгалтерия ҳисоби мақсадида устав капиталнинг фақат оширилган (камайтирилган) қисми таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилган санадаги Марказий банк курси бўйича миллий валютага қайта ҳисобланади.

Устав капитални қўшимча оширилганлиги (камайтирилганлиги)ни шакллантиришда вужудга келадиган курс фарқларининг бухгалтерия ҳисоби, устав капитални бошланғич рўйхатга олиш ва шакллантиришдаги бухгалтерия ҳисобига ўхшаш тарзда, юқорида келтирилган тартибда амалга оширилади.

Агар чет эл валютасида акс эттирилган устав капиталнинг оширилиши мунсабати билан улушлар киритиш қонунчилиққа мувофиқ таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар амалга оширилган бўлса, бухгалтерия ҳисобида ушбу ҳужжалик операцияси таъсисчиларга қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6600)нинг кредитида активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Чет эл валютасида акс эттирилган устав капиталнинг оширилиши мунсабати билан улушларни таъсис ҳужжатларига ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишга қадар киритилиши амалга оширилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича мисол. Чет эл капитали иштирокидаги «Теодор» корхонасининг устав капитали 2005 йил 15 майда давлат рўйхатидан ўтган ва унинг суммаси 50 000 АҚШ доллари (чет эл таъ-



сисчисининг устав капиталидаги улуши 55 %, маҳаллий таъсисчиники эса 45 %) қилиб белгиланган ҳамда йил давомида тўлиқ шакллантирилган. 2007 йилнинг 25 апрелида таъсисчилар мажлиси томонидан, таъсисчиларнинг олдинги улушларини сақлаб қолган ҳолда, устав капитали миқдорини 30 000 АҚШ доллари миқдорига ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Таъсисчиларнинг қарорига мувофиқ, устав капиталининг оширилган қисмини шакллантириш пул маблағлари кўринишида амалга оширилиши керак. Маҳаллий таъсисчи ўзининг улушини 10 майда киритди, чет эллик таъсисчи эса 2007 йил 18 майда киритди. Устав капиталини оширилиши 2007 йил 25 майда давлат рўйхатидан ўтказилган. 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётидаги устав капиталини дастлабки шаклланишида ҳосил бўлган қолдиқ 38 000 сўмни ташкил этади. Марказий банк томонидан бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси қуйидагича бўлган: 2007 йил 10 майда 1 АҚШ доллари = 1 256,78 сўм; 2007 йил 18 майда 1 АҚШ доллари = 1 258,91 сўм; 2007 йил 25 майда 1 АҚШ доллари = 1 259,35 сўм.

Устав капиталини ошириш билан боғлиқ операциялар корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— 2007 йил 25 апрелда устав капиталини ошириш бўйича таъсисчиларнинг қарори: бухгалтерия ҳисобида ёзувлар амалга оширилмайди;

— 2007 йил 10 май — маҳаллий таъсисчи томонидан чет эл валютасида ифодаланган пул маблағларини улуш сифатида киритилиши:

*дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»*

*счёти ёки чет эл валютасидаги пул маблағ-*

*ларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) 16 966 530 сўм;*

*кредит таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга*

*олувчи счётлар (6600)*

*16 966 530 сўм*

16 966 530 сўм = 13 500 АҚШ доллари x 1 256,78 сўм;

— 2007 йил 18 май — чет эллик таъсисчи томонидан чет эл валютасида ифодаланган пул маблағларини улуш сифатида киритилиши:

*дебет 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»*

*счёти ёки чет эл валютасидаги пул маблағ-*

*ларини ҳисобга олувчи счётлар (5200) 20 772 015 сўм;*

*кредит таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга*

*олувчи счётлар (6600)*

*20 772 015 сўм*

20 772 015 сўм = 16 500 АҚШ доллари x 1 258,91 сўм.

Бунда хўжалик юритувчи субъектлар ўз ишчи счётлар режасида таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600) таркибида, устав капитали миқдорининг ўзгаришларини давлат рўйхатидан ўтказ-

гунгача киритилган ўзгаришлар бўйича қарзларни акс эттириш мақсадида алоҳида «Таъсисчиларга бўлган бошқа қарзлар» очишлари мумкин.

— 2008 йил 15 февралда корхона устав капиталини оширилганлигини рўйхатдан ўтказилганда:

*дебет 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 37 780 500 сўм;*  
*кредит устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300) 37 780 500 сўм*

37 780 500 сўм = 30 000 АҚШ доллари х 1 259,35 сўм.

**Бир вақтнинг ўзида:**

— устав капиталига олдиндан киритилган улушлар бўйича маҳаллий таъсисчига бўлган қарзни қоплашга (заҷёт) олиб бориш акс эттирилади:

*дебет таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600) 16 966 530 сўм;*

*дебет 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счёти 34 695 сўм;*

*кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 17 001 225 сўм*

16 966 530 сўм = 13 500 АҚШ доллари х 1 256,78 сўм;

34 695 сўм = 17 001 225 сўм – 16 966 530 сўм;

17 001 225 сўм = 13 500 АҚШ доллари х 1 259,35 сўм;

— устав капиталига олдиндан киритилган улушлар бўйича чет эллик таъсисчига бўлган қарзни қоплашга (заҷёт) олиб бориш акс эттирилади:

*дебет таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600) 20 772 015 сўм;*

*дебет 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счёти 3 305 сўм;*

*дебет 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счёти 3 955 сўм;*

*кредит 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти 20 779 275 сўм*

20 772 015 сўм = 16 500 АҚШ доллари х 1 258,91 сўм;

3 305 сўм = 38 000 сўм – 34 695 сўм;

3 955 сўм = 20 779 275 сўм – 20 772 015 сўм – 3 305 сўм;

20 779 275 сўм = 16 500 АҚШ доллари х 1 259,35 сўм.

Суғурта ташкилотларида устав капиталининг валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ижобий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олиб борилади. Устав капиталининг

валюта эквиваленти қисмидаги валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган салбий курс фарқлари резерв капитали таркибидаги «Девальвация учун резерв» счётига олдинги ижобий курс фарқлари суммаси чегарасида камайтиришга олиб борилади. Салбий курс фарқи суммасининг ижобий курс фарқи суммасидан ошгани қисми молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб борилади.

#### **4-§. Импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қийматини шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

Импорт операциялар ташкилот ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, корхоналар ўзининг асосий фаолиятини амалга ошириш учун турли активларни импорт қилишлари мумкин. Корхоналарда активларни импортини салмоқли қисмини товар-моддий захиралар ва асосий воситалар импорти ташкил этади. Бундан келиб чиққан ҳолда, импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни харид қилиш қиймати тўғрисидаги ишончли маълумотни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, зеро бунга корхона молиявий ҳисоботларининг ва солиқ ҳисоб-китобларининг ишончлилиги боғлиқдир.

Аниқ бир ташқи савдо битими бўйича импорт қилинган товар-моддий қийматликларнинг харид қийматини шакллантириш тартиби нафақат унинг турига кўра, балки шартнома шартларига кўра ҳам аниқланади. Шу билан бирга, ташқи савдо шартномаси шартлари ва ушбу шартлардан келиб чиқадиган харид қийматини шакллантириш ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Бунда иккита асосий шарт аниқловчи ҳисобланади: етказиб бериш базиси ва товарга бўлган мулк ҳуқуқларини экспортчидан импортчига ўтиши.

Етказиб бериш базиси — бу ташқи савдо битими иштирокчиларининг товарни жўнатиш жойидан келишилган жойгача етказиб бериш бўйича мажбуриятларни белгилаб берувчи ва товарни тасодифий ҳалокати ёки шикастланиши билан боғлиқ таваккалчиликларни сотувчидан харидорга ўтиш пайтини, шунингдек экспорти томонидан товарни етказиб бериш билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш пайтини аниқлаб берувчи махсус шартлардир.

Товарни жўнатиш жойидан мўлжалланган манзилгача етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар турли-тумандир. Улар ўз ичига нафақат

юкни ташиш харажатларини, балки унга йўлдош хизматлар тўловини — товарни ортишга тайёрлаш (қадоқлаш, намуналар олиш, сифат ва миқдорини текшириш ва бошқалар), ортиш-тушириш харажатлари, суғурталаш, йўлдаги юкларни сақлаш ҳамда божхона тўловларини ўз ичига олади. Бу шартлар базис шартлар деб аталади, чунки сотувчи — экспорти томонидан қопланадиган етказиб бериш харажатлари товарнинг нархига қўшилади ва шу тариқа товарни бошланғич сотиш (чиқариш) нархи билан биргаликда ташқи савдо нархини шакллантиради.

Муайян базис шартларининг мазмуни алоҳида мамлакатларнинг тижорат тажрибаларида, халқаро савдо тармоқларида ва ҳатто бандаргоҳларда шаклланган савдо урф-одатлари билан аниқланади. Савдо урф-одатларининг турлича эканлиги сабабли бир хил тушунчаларнинг мазмуни турли мамлакатларда турлича талқин қилинади. 1936 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан халқаро тижорат атамаларининг изоҳлари ишлаб чиқилган ва «Халқаро тижорат қоидалари» («Инкотермс») номи билан нашр этилган. Кейинчалик улар бир неча марта қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган.

«Инкотермс» тавсиявий хусусиятга эга ва у томонларнинг ўзаро келишуви бўйича қўлланилади. Бироқ, агар шартномада етказиб беришнинг базис шартларини аниқлашда унга мурожаат қилинган бўлса, у ҳолда шартномага қўшилган шартларга риоя қилиш мажбурий бўлиб қолади.

Импорт қилинган товар-моддий қийматликларнинг харид қиймати-га таъсир қилувчи бошқа шартларидан бири бўлиб, товарга бўлган мулк ҳуқуқининг сотувчидан импортчи-харидорга ўтиш пайти ҳисобланади. Бу ҳеч бир халқаро ҳужжат билан белгилаб берилмаган, етказиб беришнинг базис шартларидан ҳам келиб чиқмайди. Мулк ҳуқуқини ўтиш санасини шартномада белгилаб олиш лозим.

Товарга бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасини аниқлаш — муҳим ҳолатлардан биридир, чунки ушбу кунда импорт қилинаётган товарлар бухгалтерия ҳисобига олиниши, экспорт қилинаётган товарлар ҳисобдан чиқарилиши ва товарларни сотишдан тушум ҳисобда акс эттирилиши лозим.

Етказиб беришнинг базиси ҳам, мулк ҳуқуқининг ўтиш санаси ҳам ташқи савдо битимининг иштирокчилари томонидан, томонларнинг келишуви бўйича белгилаб олинади. Бироқ, шартноманинг ҳар бир шарт шартномани бажариш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибига таъсир этишини ҳамда ташқи савдо битимидан солиқ оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, шартномани имзолашдан олдин таклиф этилаётган етказиб беришнинг базис шартини ва

мулк ҳуқуқининг ўтиш пайтининг ташқи савдо битими бухгалтерия ҳисоби ва солиқ оқибатларига таъсирини таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг (консигнация шартномаси бўйича импорт қилинган товарлар бундан мустасно) харид қиймати (кейинги ўринларда харид қиймати деб юритилади) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = Шқ + T + Бх,$$

бу ерда: C — импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг харид қиймати; Шқ — божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банк курси бўйича ҳисобланган импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларнинг шартнома қиймати; T — харидор томонидан амалга оширилган (тўланган) божхона тўловлари.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланган корхоналар импорт қилинган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшмайди, балки умумий белгиланган тартибда бюджетга тўлаши лозим бўлган ҚҚСни аниқлашда қоплашга олиб боради.

ҚҚС тўловчиси ҳисобланмаган корхоналар импорт қилинган товарларга ҳисобланган ҚҚС суммасини харид қийматига қўшади.

Ўзининг эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда бошланғич қиймати бўйича ҚҚС суммасини қўшган ҳолда акс эттирилади.

Товарлар импорт қилинганда ҚҚСни солиқ солиш базасига божхона қонунчилигига мувофиқ аниқланадиган товарларнинг божхона қиймати ҳамда Ўзбекистон Республикасига товарлар импорт қилинганда тўланадигани акциз солиғи, божхона божлари суммалари қўшилади.

Бх — импорт қилинган товар-моддий қийматликлар ва бошқа активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Ушбу харажатлар:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.1.12-бандига;

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС № 4) «Товар-моддий захиралари»га;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 5) «Асосий воситалар»га;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1485-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС № 7) «Номоддий активлар»га мувофиқ шаклланади.

Импорт қилинган товар-моддий захираларнинг (консигнация шартномаси бўйича импорт қилинган товарлар бундан мустасно) харид қийматини шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича мисол. Болалар кийимларини ишлаб чиқарувчи «Кичкинтой» МЧЖ ишлаб чиқариш корхонаси чет эллик мол етказиб берувчидан материаллар (ишлаб чиқараётган маҳсулотининг таркибий қисми)ни харид қилди. Материалнинг шартнома қиймати 3 000 АҚШ доллари, транспорт харажатлари — 800 АҚШ доллари, суғурта харажатлари — 100 АҚШ долларини ташкил қилади. Божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банкнинг бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1 250 сўм. Қуйидаги божхона тўловлари тўланган: божхона божи 5 %, ҚҚС 20 % ва божхона йиғими 0,2 %.

Иккита ҳолатни (корхона ҚҚС тўловчиси бўлиб ҳисобланиши ва ҳисобланмаслигидан келиб чиқиб) кўриб чиқамиз.

### *1-ҳолат.*

Корхона ҚҚС тўловчиси бўлиб ҳисобланади.

Биринчи навбатда материални шартнома қийматини материални шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банки курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни  $3\,000\text{ АҚШ доллари} \times 1\,250\text{ сўм} = 3\,750\,000\text{ сўм}$ .

Иккинчи навбатда материални шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи  $187\,500\text{ сўм}$  ( $3\,750\,000\text{ сўм} \times 5\% / 100$ ), ҚҚС  $787\,500\text{ сўм}$  ( $(3\,750\,000\text{ сўм} + 187\,500\text{ сўм}) \times 20\% / 100$ ), божхона йиғими  $7\,500\text{ сўм}$  ( $3\,750\,000\text{ сўм} \times 0,2\% / 100$ ). Харид қийматига қўшиладиган божхона тўловлари  $195\,000\text{ сўм}$  ( $187\,500\text{ сўм} + 7\,500\text{ сўм}$ )ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва транспорт харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Транспорт харажатлари  $1\,000\,000\text{ сўм}$  ( $800\text{ АҚШ доллари} \times 1\,250\text{ сўм}$ )ни, суғурта бўйича харажатлар эса

125 000 сўм (100 АҚШ доллари х 1 250 сўм)ни ташкил этади. Материални харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар суммаси 1 125 000 сўм (1 000 000 сўм + 125 000 сўм)ни ташкил этади.

Материални харид қиймати 5 070 000 сўм (3 750 000 сўм + 195 000 сўм + 1 125 000 сўм)ни ташкил этади.

Импорт қилинган материалларни харид қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— материалларни харид қиймати бўйича кирим қилиш:

*дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар*  
*(1000)* 5 070 000 сўм;

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга тўланадиган счётлар» счёти* 3 750 000 сўм;

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти* 195 000 сўм;

*кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)* 1 125 000 сўм;

— қоплашга қабул қилинадиган ҚҚС суммасига:

*дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва йеимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти* 787 500 сўм;

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти* 787 500 сўм;

— божхона божлари бўйича бюджетга қарз қопланганда:

*дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти* 982 500 сўм;

*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар* 982 500 сўм.

## **2-ҳолат.**

Корхона ҚҚС тўловчиси бўлиб ҳисобланмайди.

Биринчи навбатда материални шартнома қийматини материални шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банки курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни 3 000 АҚШ доллари х 1 250 сўм = 3 750 000 сўм.

Иккинчи навбатда материални шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи 187 500 сўм (3 750 000 сўм х 5 % / 100), ҚҚС 787 500 сўм ((3 750 000 сўм + 187 500 сўм) х 20 % / 100), божхона йиғими 7 500 сўм (3 750 000 сўм х 0,2 % / 100). Харид қийматига қўшиладиган божхона тўловлари 982 500 сўм (187 500 сўм + 787 500 сўм + 7 500 сўм)ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва транспорт харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Транспорт харажатлари 1 000 000 сўм

(800 АҚШ доллари х 1 250 сўм)ни, суғурта бўйича харажатлар эса 125 000 сўм (100 АҚШ доллари х 1 250 сўм)ни ташкил этади. Материални харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар суммаси 1 125 000 сўм (1 000 000 сўм + 125 000 сўм)ни ташкил этади.

Материални харид қиймати 5 857 500 сўм (3 750 000 сўм + 982 500 сўм + 1 125 000 сўм)ни ташкил этади.

Импорт қилинган материалларни харид қилиш билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

— материалларни харид қиймати бўйича қирим қилиш:

<i>дебет материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)</i>	<i>5 857 500 сўм;</i>
<i>кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти</i>	<i>3 750 000 сўм;</i>
<i>кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти</i>	<i>892 500 сўм;</i>
<i>кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)</i>	<i>1 125 000 сўм;</i>

— божхона божлари бўйича бюджетга қарз қопланганда:

<i>дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти</i>	<i>982 500 сўм;</i>
<i>кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар</i>	<i>982 500 сўм.</i>

Асосий воситалар ва бошқа товар-моддий захираларнинг харид қиймати шаклланиши худди шу тартибда амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000) ўрнига асосий воситалар ва бошқа товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи тегишли счётлар дебетланади.

Импорт қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича мисол. «Хива» сайёҳлик фирмаси чет эллик мол етказиб берувчидан «Гойота» микроавтобусини харид қилди. Микроавтобуснинг шартнома қиймати 23 000 АҚШ доллари, автомобилни ҳайдаб келиш харажатлари 1 200 АҚШ доллари, суғурта харажатлари 1 000 АҚШ долларини ташкил этади. Божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банкнинг бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатган курси 1 250 сўм. Қуйидаги божхона тўловлари тўланган: божхона божи 10 %, ҚҚС 20 % ва божхона йиғими 0,2 %.

Биринчи навбатда автомобилни шартнома қийматини автомобилни шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Марказий банки курсига кўпайтириш йўли билан аниқлаймиз, яъни нинг 23 000 АҚШ доллари х 1 250 сўм = 28 750 000 сўм.



Иккинчи навбатда автомобилни шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи 2 875 000 сўм ( $28\,750\,000 \text{ сўм} \times 10\% / 100$ ), ҚҚС 6 325 000 сўм ( $(28\,750\,000 \text{ сўм} + 2\,875\,000 \text{ сўм}) \times 20\% / 100$ ), божхона йиғими 57 500 сўм ( $28\,750\,000 \text{ сўм} \times 0,2\% / 100$ ). Харид қийматига қўшилладиган божхона тўловлари 9 257 500 сўм ( $2\,875\,000 \text{ сўм} + 6\,325\,000 \text{ сўм} + 57\,500 \text{ сўм}$ )ни ташкил этади.

Учинчи навбатда суғурта бўйича харажатлар ва автомобилни ҳайдаб келиш харажатларини эквивалентини аниқлаймиз. Автомобилни ҳайдаб келиш харажатлари 1 500 000 сўм ( $1\,200 \text{ АҚШ доллари} \times 1\,250 \text{ сўм}$ ), суғурта бўйича харажатлар эса 1 250 000 сўм ( $1\,000 \text{ АҚШ доллари} \times 1\,250 \text{ сўм}$ )ни ташкил этади. Харид қийматига қўшилладиган автомобилни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар 2 750 000 сўм ( $1\,500\,000 \text{ сўм} + 1\,250\,000 \text{ сўм}$ )ни ташкил этади.

Асосий восита ҳисобланадиган автомобилни бошланғич қиймати 40 757 500 сўм ( $28\,750\,000 \text{ сўм} + 9\,257\,500 \text{ сўм} + 2\,750\,000 \text{ сўм}$ )ни ташкил этади.

Автомобилни қирим қилишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қуйидагича амалга оширилади:

— автомобилни харид қилиш:

*дебет 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти* 40 757 500 сўм;

*кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти* 28 750 000 сўм;

*кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти* 9 257 500 сўм;

*кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)* 2 750 000 сўм;

— божхона божлари бўйича бюджетга қарз қопланганда:

*дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти* 9 257 500 сўм;

*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар* 9 257 500 сўм;

— автомобилни фойдаланишга киритилганда:

*дебет 0160 «Транспорт воситалари» счёти* 40 757 500 сўм;

*кредит 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счёти* 40 757 500 сўм.

Номоддий активлар ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг харид қиймати шаклланиши худди шу тартибда амалга оширилади. Бухгалте-

рия ҳисобида акс этиришда асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) ўрнига номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400), ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700), капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)нинг тегишли счётлари дебетланади.

Юқорида келтириб ўтилганлардан кўриш мумкинки, корхоналар, одатда, товар-моддий қийматликларни ўз ҳисобларидан ва ўз таваккалчилиги эвазига импорт қиладилар. Бунинг албатта, ўзига яраша афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Ушбу ҳолатда, камчиликлардан бири шундан иборатки, корхона қайта сотиш учун ўз ҳисобидан товарларни импорт қилганда, ўхшаш товарларнинг бозор нархи тушиб кетиши оқибатида зарар кўриши мумкин. Ушбу таваккалчиликдан қочиш мақсадида кўпгина савдо корхоналари товарларни консигнация шартномаси бўйича импорт (харид) қилади.

Аксарият ҳолларда, консигнация янги товарларга бўлган талаб ҳали шаклланмаган ва уни олдиндан тахминлаш имконияти бўлмаганда қўлланилади. Шу сабабдан ҳам, инновацион товарларни ишлаб чиқарувчилар товарни сотувчига топширадилар, тўловни эса фақатгина товарлар сотилгандан кейин оладилар. Агар товар сотилмаса, у ҳеч қандай пули ҳисоб-китобларсиз қайтарилади.

Консигнация тўловни кечиктирилши туфайли, сотувчи учун товарнинг қимматлашишини англамайди. Кўп ҳолларда бу ўзаро хизмат кўрсатиш шаклидир. Тўловнинг бундай кечиктирилиши ишлаб чиқарувчилар учун ўзининг янги товарларни сотиш мақсадида савдо майдонларидан фойдаланиш имконияти учун «тўлов» сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 10 сентябрда 02/19-67-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 15 сентябрда 832-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига мувофиқ, консигнация шартномаси — консигнант ва консигнатор ўртасида товарни консигнатор орқали сотишга тузилган шартнома, бунда консигнатор омборига тушган товарга мулк ҳуқуқи товар харидорга сотилишига қадар консигнантга тегишли бўлади.

Консигнант — юридик ёки жисмоний шахс бўлиб, консигнаторга товарлар сотилишини ташкиллаштириш бўйича топширик беради, бунда товарга бўлган мулк ҳуқуқи консигнантда қолдирилади, консигнатор эса товарларни консигнант номидан мукофот учун сотиш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Консигнатор счётига унинг томонидан сотилган товар-моддий қий-матликлар учун келиб тушган пул маблағлари, унга қоладиган муко-фот ҳақини чегириб ташлаган ҳолда консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига консигнация шартномаси бўйи-ча олиб кирилган товарлар шартномада белгиланган муддат мобайнида сотилиши керак. Ушбу муддат тугаши билан шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда товар тўлиқ мулкдорга қайтарилиши шарт ёки қисман консигнаторнинг ихтиёрига унинг қийматини мулкдорга (кон-сигнантга) тўлаши билан ўтади. Шундай қилиб, шартнома шартлари билан белгилаб олинган, консигнатор томонидан товарни сотишга аж-ратилган муддат давомида томонлар ўртасидаги муносабатга комиссия шартномаси шартлари қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобида консигнантга бўлган чет эл валютасидаги кре-диторлик қарзи консигнацияга олинган товарларни сотиш санасида Марказий банкнинг шу санадаги курси бўйича вужудга келади.

Консигнатор ва консигнант ўртасида сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар уларни сотилиши доирасида амалга оширилади. Товарларни катта партияда етказиб берилганда ёки доимий етказиб берилганда, етказиб берилган товарларнинг ҳажмига боғлиқ тарда товарлар бўйи-ча тўлов жадвали (графики)ни (ҳар ҳафта, ҳар ўн кунда, ҳар сафар сотилганда ва бошқалар) жорий қилиш мумкин. Ушбу ҳолатда шартно-мада шунингдек, консигнатор томонидан консигнация оморда товар-ларнинг ҳаракати ва уларнинг қолдиқдари тўғрисидаги ҳисоботларни топшириш тартиби ва муддатни ҳам келишиб олиш мумкин. Ҳисобот-ларнинг маълумотлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан со-лиштирилади ва улар орасида тафовут пайдо бўлса, унинг сабаблари аниқланади ва тегишли тузатишлар амалга оширилади.

Консигнация шартномасининг предмети бўлиб комиссия битим-нинг бажарилиши саналади, яъни консигнатор ҳақиқий ҳаракатни амалга оширмайди, балки ҳуқуқий ҳаракатни бажаради — битта ёки бир не-чта шартномаларни тузади. Битим тузиш билан боғлиқ бўлмаган бо-шқа пуллик хизматларни кўрсатиш консигнаторнинг мажбуриятига кирмайди. Агар у шундай хизматларни кўрсатса, у ҳолда бу қўшимча хизматлар бўлади ва консигнант ва консигнатор ўртасидаги шартнома аралаш шартнома ҳисобланади (комиссия шартномасининг ва пуллик хизмат кўрсатиш шартномасининг элементларини ўзида мужассам қилади). Қўшимча хизматлар бўйича харажатлар умумий тартибда тўла-нади, консигнант томонидан консигнаторга эса харидорлар билан би-тимлар тузиш бўйича консигнант топшириқларини бажариш билан боғлиқ харажатларгина қопланиб берилади.

Товарларни консигнацион омборда саклаш харажатлари консигнаторнинг харажатлари деб тасаввур қилинади, чунки улар ўзининг ёки ижарага олинган омборлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади. Улар комиссия фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобидан қопланиши лозим. Товарлар харидорларга сотилмаган тақдирда, агар бунда консигнаторнинг айби бўлмаса, товарларни қайтариш билан боғлиқ харажатлар товарнинг эгаси томонидан, яъни консигнант (комитент) томонидан қопланиши лозим.

Консигнация шартномаси бўйича импорт қилинган товарлар келиб тушиши консигнаторнинг бухгалтерия ҳисобида балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг дебети бўйича акс эттирилади ва сотилишига қараб, ушбу балансдан ташқари счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётининг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар бўйича ҳар бир нарса бўйича топшириш-қабул қилиш далолатномасида ёки инвойсда ёки божхона юк декларациясида назарда тутилган нархда юритилади.

Консигнация шартномасида товарларнинг қайтарилиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Консигнация шартномаси бўйича харид қилинган товарлар консигнантга қайтарилган ҳолларда, 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётида акс эттирилган консигнаторнинг ҚҚС суммасини қўшган ҳолда божхона тўловлари бўйича харажатларининг қайтарилган товарлар улушига тўғри келадиган қисми консигнаторнинг молиявий натижаларига (давр харажатларига) олиб бориб ҳисобдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 204-моддасига мувофиқ, воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизмат учун пул мукофоти (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномасига, топшириққа биноан ишончли шахс ёки комитент Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Консигнация шартномаси бўйича импорт қилинган товарлар билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича ми-сол. «Мадина» савдо фирмаси чет эллик мол етказиб берувчидан консигнация шартномаси асосида 100 дона кир ювиш машиналарини харид қилмоқда. Кир ювиш машинасининг ҳар бир донаси қиймати 450 АҚШ доллари ва умумий шартнома қиймати 45 000 АҚШ долларини ташкил этади. Божхона тўловлари қуйидагилардан иборат: божхона божи 10 %, ҚҚС 20 % ва божхона йиғими 0,2 %. Марказий банк томонидан ўрнатилган бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси қуйидагича бўлган: божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги — 1 250 сўм, кир ювиш машиналарини сотиш ва консигнант олдидаги қарздорликни тўлаш санасида — 1 260 сўм. Ҳисобот ойининг охирида 40 дона кир ювиш машинаси сотилди. Комиссион мукофот кир ювиш машинасининг қий-матининг 40 фоизини ташкил этади. Товарларни божхонадан ўтказиш жараёни ва омборда сақлаш билан боғлиқ харажатлар консигнаторнинг харажатлари ҳисобланади. Улар комиссия мукофоти ҳисобидан қопла-ниши керак. Агар товар заводдан яроқсиз ҳолда чиққан ва уларни қайта тиклаш мумкин бўлмаса, бунда консигнаторнинг айби бўлмаган ҳоллар-да, товарларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни товарнинг эгаси ўз зиммасига, яъни консигнант (комитент) ўз зиммасига олиши керак. Сотилган пайтидаги текшириш натижасида 5 дона кир ювиш машинаси заводдан яроқсиз ҳолда чиққанлиги ва уларни қайта тиклаш мумкин эмаслиги аниқланди. Ойнинг охирида улар қайтарилди ва консигнант божхона бўйича харажатларни қарздорлик ҳисобидан қоплаб берди.

Биринчи навбатда божхона тўловларини ҳисоблаш учун кир ювиш машиналарини шартнома қийматини божхона юк декларациясини тўлди-риш санасидаги Марказий банк курсига кўпайтириш йўли билан аниқ-лаймиз, яъни нинг 45 000 АҚШ доллари х 1 250 сўм = 56 250 000 сўм.

Иккинчи навбатда кир ювиш машиналарини шартнома қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини аниқлаймиз. Божхона тўловлари: божхона божи 5 625 000 сўм (56 250 000 сўм х 10 % / 100), ҚҚС 12 375 000 сўм ((56 250 000 сўм + 5 625 000 сўм) х 20 % / 100), божхона йиғими 112 500 сўм (56 250 000 сўм х 0,2 % / 100). Харид қийматига қўшиладиган божхона тўловлари 18 112 500 сўм (5 625 000 сўм + 12 375 000 сўм + 112 500 сўм)ни ташкил этади.

«Мадина» савдо фирмасининг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув-лар амалга оширилади:

— кир ювиш машиналари келиб тушганда:

*дебет балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул*

*қилинган товарлар» счёти*

*45 000 АҚШ доллари;*

— кир ювиш машиналари бўйича ҚҚСни қўшган ҳолда, божхона тўловлари ҳисобланганда:

дебет 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 18 112 500 сўм;

кредит 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 18 112 500 сўм;

— кир ювиш машиналари бўйича ҚҚС ва божхона тўловлари бўйича қарз қопланганда:

дебет 6410 «Бюджетга тўлов бўйича қарз  
(турлари бўйича)» счёти 18 112 500 сўм;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи  
счётлар 18 112 500 сўм;

— кир ювиш машиналари сотилганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан  
олинадиган счётлар» счёти 22 680 000 сўм;

кредит 9030 «Иш бажариш ва хизматлар  
кўрсатишдан даромадлар» счёти 9 072 000 сўм;

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни  
ҳисобга олувчи счётлар (6900) 13 608 000 сўм

22 680 000 сўм = 40 дона х 450 АҚШ доллари х 1 260 сўм;

9 072 000 сўм = 22 680 000 сўм х 40 % / 100;

13 608 000 сўм = 22 680 000 сўм - 9 072 000 сўм.

Бир вақтнинг ўзида сотилган кир ювиш машиналарининг қиймати ҳисобдан чиқарилиши:

кредит балансдан ташқари 004 «Комиссияга  
қабул қилинган товарлар» счёти 18 000 АҚШ доллари

18 000 АҚШ доллари = 40 дона х 450 АҚШ доллари;

— сотилган кир ювиш машиналарининг улушига тўғри келувчи ҚҚС суммасини қўшган ҳолда, божхона тўловлари бўйича харажатларни молиявий натижаларга олиб борилиши:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 7 245 000 сўм;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 7 245 000 сўм

7 245 000 сўм = 18 112 500 сўм / 100 дона х 40 дона;

— қайтарилган (яроқсиз бўлган) кир ювиш машиналарининг улушига тўғри келувчи ҚҚС суммасини қўшган ҳолда, божхона тўловлари бўйича харажатларни молиявий натижаларга олиб борилиши:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 905 625 сўм;

кредит 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар»  
счёти 905 625 сўм

905 625 сўм = 18 112 500 сўм / 100 дона х 5 дона.

Бир вақтнинг ўзида қайтарилган кир ювиш машиналарининг қиймати ҳисобдан чиқарилиши:

*кредит балансдан ташқари 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти* 2 250 АҚШ доллари  
2 250 АҚШ доллари = 5 дона х 450 АҚШ доллари;

— қайтарилган (яроқсиз бўлган) кир ювиш машиналарининг улушига тўғри келувчи ҚҚС суммасини қўшган ҳолда, божхона тўловлари бўйича харажатларни кредиторлик қарзи ҳисобидан ушлаб қолиш билан қопланиши (агар консигнация шартномасида назарда тутилган бўлса):

*дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)* 905 625 сўм;

*кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти* 905 625 сўм;

— харидорлардан пул маблағлари келиб тушганда:

*дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар* 22 680 000 сўм;

*кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти* 22 680 000 сўм;

— консигнаторга бўлган қарз қопланганда:

*дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)* 12 702 375 сўм;

*кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар* 12 702 375 сўм

12 702 375 сўм = 13 608 000 сўм – 905 625 сўм.

### **5-§. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун фойдаланadиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби**

Молиявий ҳисоботларни тузиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун фойдаланиладиган чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қиймати сўмга қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолият — Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, юридик шахс ҳисобланадиган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида мустақил балансга ажратилмаган таркибий бўлинмалар орқали амалга ошириладиган фаолият.

Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг қийматини сўмда қайта ҳисоблаш, ушбу чет эл валютасининг сўмга нисбатан Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиш учун фойдаланадиган чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар (қайта баҳолаш ва курс фарқларини аниқлаш учун санаб ўтилган балансинг валюта моддалари)ни сўмда қайта ҳисоблаш Марказий банкнинг ҳисобот ойининг охириги санасидаги ва ҳўжалик операциялари содир бўлган санадаги курси бўйича амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолият юритиши учун фойдаланадиган чет эл валютасида ифодаланган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захиралари қийматини сўмга қайта ҳисоблаш, ушбу активларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган санадаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият юритиш жойидаги — хорижий давлатнинг қоидалари ёки қонунчилигига мувофиқ қайта баҳоланган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари, товар-моддий захиралари қийматини қайта ҳисоблаш, кўрсатилган қайта баҳолаш санасидаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолиятни юритишнинг молиявий натижаларини шакллантирувчи чет эл валютасида ифодаланган даромадлар ва харажатларни сўмга қайта ҳисоблаш, Марказий банк курслари ҳажми ва уларнинг ҳисобот даврида амал қилган кунлари йиғиндисини ҳисобот даври кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланган курсларнинг ўртача миқдоридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият юритиши учун фойдаланиладиган чет эл валютасида ифодаланган активлари ва мажбуриятларини сўмга қайта ҳисоблаш натижасида пайдо бўлган курс фарқлари бухгалтерия ҳисобида усуллардан бирини тўғри олиб бориш усули ёки жамғариш усулини қўллаб ақс эттирилади.

## **6-§. Консолидациялашган ҳисоботларга киритиш учун шўба (қарам) ҳўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг молиявий ҳисоботини қайта ҳисоблаш**

Бош жамият томонидан тузиладиган консолидациялашган (йиғма) молиявий ҳисоботга киритиш учун Ўзбекистон Республикасидан таш-



қарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг чет эл валютасида ифодаланган молиявий ҳисоботлари қайта ҳисобланганда қуйидаги амалларни бажариш лозим:

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари ва мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг актив ва мажбуриятлари ҳисобот даврининг охириги санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланиши лозим;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларининг хусусий капитал моддалари жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)дан ташқари ҳисобот даврининг охириги санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланиши лозим;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятлари, мустақил балансга ажратилган таркибий бўлинмаларнинг даромадлар ва харажатлар, шунингдек жорий йилнинг тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) моддаларини сўмга қайта ҳисоблаш, Марказий банк курслари ҳажми ва уларнинг ҳисобот даврида амал қилган кунлари йиғиндисини ҳисобот даври кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланган курсларнинг ўртача миқдоридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятларидаги ўзининг улушини сотиш, тугатиш, акциядорлик капиталини қоплаш ва ҳоказолар йўли билан реализация қилиши мумкин. Дивидендлар тўлаш, фақат улар инвестицияларни қайтарилишини ташкил этган ҳоллардагина, реализациянинг бир қисмини ташкил этади. Қисман реализация қилинган ҳолларда молиявий натижаларга тегишли жамғарилган курс фарқларининг фақат мутаносиб қисми кўшилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) хўжалик жамиятларининг баланс қийматини қисман ҳисобдан чиқариш қисман реализация қилиш бўлиб ҳисобланмайди. Ўз навбатида қисман ҳисобдан чиқаришда ҳеч қандай кечиктирилган курс фарқлари молиявий натижаларда тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги фаолият таснифи ўзгарган ҳолларда, ўзгарган таснифга қўлланиладиган қайта ҳисоблаш амаллари ушбу ўзгариш санасидан бошлаб фойдаланилиши керак.

Бош жамиятга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолиятни амалга ошириш ва молиялаштириш усулининг ўзгариши унинг таснифи ўзгаришига олиб келиши мумкин. Фаолиятни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўтказилаётганда, Ўзбекистон Респуб-

ликасидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) жамиятлар қаторига кўшилаётганда, таснифнинг ўзгариш санасида, пул кўринишида бўлмаган активларни қайта ҳисоблашда пайдо бўлган курс фарқлари хусусий капитал сифатида ҳисобга олинади. Ўзбекситон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган шуъба (қарам) жамиятлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарисидаги фаолият сифатида қайта таснифланганда, пул кўринишида бўлмаган моддаларнинг қайта ҳисобланган суммалари курс ўзгаришлари санасида ушбу моддаларнинг ўзгариш санасида ва кейинги даврларда бошланғич қиймат сифатида ҳисобга олинади. Ушбу ишлаб чиқаришни сотилишигача кўчирилган курс фарқлари даромад ёки харажат сифатида ҳисобга олинмайди.

### **7-§. Молиявий ҳисоботларда чет эл валютасидаги операциялар бўйича маълумотларни очиб бериш**

Молиявий ҳисоботда ва унга тушунтириш хатида куйидагилар очиб берилиши лозим:

— хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилган ижобий ва салбий курс фарқи миқдори;

— қўшилган капитал сифатида таснифланадиган курс фарқи суммаси;

— бухгалтерия ҳисобининг бошқа счётларига олиб борилган курс фарқи миқдори;

— ҳисобот санасидан кейин юз берадиган валюта курси ўзгаришларининг оқибатлари, агарда улар жуда муҳим бўлса ва уларни очиб бермаслик молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг тўғри баҳо бериши ва қарор қабул қилишига салбий таъсир кўрсатса;

— хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига курс фарқларини олиб бориш усули;

— молиявий ҳисоботни тузиш санасидаги Марказий банк курси.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қондаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатга олинган шакллар ва ўрнатилган тартиб бўйича амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 3 июлда 942-сон билан рўйхатга олинган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисо-

ботларни тақдим этиш тўғрисидаги низомда назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

Жамғариш усулида 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар», 3230 «Бошқа кечиктирилган харажатлар», 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар», 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётларида ҳисобга олинган курс фарқлари мос равишда «Бухгалтерия баланси» (1-сон шакл)ни актив қисмининг 120 ва 200-қаторларида ва пассив қисмининг 530 ва 640-қаторларида акс эттирилади.

Корхонанинг устав капитали шаклланишида таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санаси ва устав капиталига маблағларни ҳақиқатда киритиш санаси ўртасида Ўзбекистон Республикасини Марказий банки курсларидан вужудга келган ва 8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи» счётида ҳисобга олинган курс фарқлари суммаси «Бухгалтерия баланси» (1-сон шакл)нинг пассивида «Кўшилган капитал» моддаси (420-қатор)да, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» (5-сон шакл)ни «Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курс фарқлари» моддаси (040-қатор)нинг «Кўшилган капитал» 4-устунида акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилган ва 9540 «Валюталар курси фарқидан даромадлар» счётида ҳисобга олинган валюта операциялар бўйича ва баланс тузиш санасига баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан ижобий курс фарқи «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сон шакл)ни «Валюталар курси фарқидан даромадлар» моддаси (150-қатор)да акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилган ва 9620 «Валюталар курси фарқидан зарарлар» счётида ҳисобга олинган валюта операциялар бўйича ва баланс тузиш санасига баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс фарқи «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сон шакл)ни «Валюталар курси фарқидан зарарлар» моддаси (200-қатор)да акс эттирилади.

«Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» (4-сон шакл)ни «Чет эл валютасидаги пул маблағларни қайта баҳолашдан юзага келган курси фарқлари саалдоси» моддаси (221 ва 280-қаторлар)да ҳисобот даври мобайнида юзага келадиган чет эл валютасидаги пул маблағларини қайта баҳолашдан ижобий ёки салбий курс фарқларининг сальдоси акс эттирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ  
МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИГА**

**шарҳлар тўплами**

Чикариш учун масъул *Мелибоев М.*  
*Мусаххих Раҳимбекова З.*  
Компьютерда саҳифаловчи *Киселёва Н.*

Оригинал-макетдан 20.04.2010 й.да босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. Гарнитура «AntiquaUZ». Офсет босма.  
Шартли 33,0 б. т. Адади 300 нусха. Буюртма 556.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Х. Олимжон майдони, 10а.

«TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Миробод тумани, Толимаржон (Фетисов) кўч., 1/1.